


Комил АВАЗ

ҚУНАЛҒА

TOSHDOT'AU



0000002280

2

«Шарқ юлдузи» журналі кутубхонаси

УЗБ
8438-3
A21

КОМИЛ АВАЗ

ҚУНАЛҒА

Роман



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБУА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2003

Комил Аваз бир қанча шеърий ва насрий китоблари босилган, драмалари сахна юзини кўриб, марказий телевидение орқали намойиш қилинган, илмий ва ижтимоий мақолалари баҳсларга сабаб бўлган таниқли ёзувчи. «Кўналға» романи олис тарихлардан бу кунгача кенг қамровда инсон ҳаёти мазмунини англашга интилиш ҳолатини тадқиқ этади. Роман жозибали, рангин тил, қизиқарли шаклда ёзилган. У ўқувчиларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир

Омон Мухтор

Аваз К.

«Кўналға». Роман. «Шарқ юлдузи» журнали кутубхонаси — Т.«Шарқ» 2003, — 448 б.

ДАХЛДОРЛИК ДАРДИ

Комил Аваз билан истездодли адиб Эркин Самандар таништирганми ёки Хоразмга бир борганимда ўзим танишганманми? — эсламайман. Қирқ йилга яқин даврдан буён гоҳ-гоҳида кўришиб турамиз. Менинг босиқ-оддий муносабатимга зид ҳолда, у доим «шовқин солиб», юз-кўзида севинч барқ уриб кириб келади. «Бир оёғи Тошкентда» бўлса ҳамки, бу ердаги адабий даврани соғингандек таассурот уйғотади... Комил Авазнинг назм ва насрда ёзган асарлари, драмалари, мақолаларини ўқиганман. Айримлари ёққан. Баъзи китобларини ўқиб, яширмайман, у менга бир оз шошгандек ҳам бўлиб туюлган. Мана, ниҳоят, яқинда ўқишимни истаб «Қўналға» романи қўлёмасини берди. Ва қизиқ гап қилди:

— Буни асосан, ўзим учун ёздим!

— Асар биринчи навбатда, ўзи учун ёзилади, — дедим «доно»лик билан.

Уч-тўрт кун ичида романни ўқиб чиқдим.

Шу ўринда бир гапни айтишим керак.

Бизнинг адабий ҳаётимизда баъзан киши озор чекадиган ҳолатлар учрайди. Кўпчилик ўтган машҳур адиблар китоби очилишида «Таҳрир ҳайъати» деб казо-казоларнинг исми-шарифлари келтирилади. Китобни ўқисанг, гиж-ғиж хато. Суриштирсанг, номлари борлардан биронтаси варақлаб ҳам кўрмаган бўлиб чиқади. Ёки тўртта олим, тўртта ёзувчи кўр тукиб ўтириб, бировнинг асари тақдирини ўзларича жиддий ҳал қилишади. Кейин, билсанг, улардан ҳеч ким асарни ўқимаган. Хабардор бўлмаган нарса ҳақида гапириш, айниқса баҳо бериш уят эмасми?! Шундай оғайниларимиздан бири, масалан: «Буни роман эмас, қисса деб қўйса, балки ўқирдим!» дейди. Одамнинг одамлиги фақат бошидаги дўппи билан белгиланмаслигига ёш боланинг ҳам ақли етади! Товланиб-турланиш бемаъ依лик, албатта.

Биз қанча фахрланмайлик, бизда чинакам маънодаги наср ҳали нисбатан ёш. Юз йилга бориб-бормайдиган тарихга эга. Устозларимиз жаҳон насри тажрибаси ва халқ афсоналари, эртақларига суяниб, ғаройиб қатор асарлар ёзишган. Лекин бу уммонлар яна кўп баҳрамандликни талаб қилади. Ўқиб даражаси настлиги ва бу йўлда меҳрибонлик камлигидан хафа бўлиш мумкин, холос.

«Қўналға» ўзига хос роман эканлигидан, шулар беихтиёр хаёлимдан кечди.

Романни ўқиб, энг аввал Ғарб адибларининг саҳро, табиат бағридаги машаққат тасвирланган асарларини эсладим. «Аэропорт» деган романни ҳам эсладим. Шарқдан «Қум-

даги хотин» романи ёдимга тушиди. «Минг бир кеча» ва «Чор дарвеш» ҳам ёдимга тушиди. Сўнги йиллар ўзимизда яратилган романлар кўз олдидан ўтди. Комил Аваз буларни ўрганган. Аммо ортиқча эргашиш, тақлид йўқ. Ўз сўзини айтишига уринади.

Адабиётда «мен» деб биринчи шахс номидан ёзилган асарлар кўп. Бундай асарларда аксар «мен»га муаллифдан бошқа исм берилади. Ўз номидан ёзилган асарлар ҳам бор. Ойбекнинг «Болалик» асари, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар»и мисол. Комил Аваз шу йўлдан боради. Уқувчига тўппа-тўғри юзланади. Ўз-ўзини аёвсиз «тахлил» қилади. (Аслида, хотиранамо асарлардан ташқари, бу ҳам адабиётда бўлган услуб. Маяковский «Владимир Маяковский» деган асар ёзган-ку!) Аммо табиий, роман қаҳрамони ҳаётдаги Комил Аваздан анча «узоқлашади». Адабиётшунослар айтмоқчи, бадиий образга айланади.

«Кўналға» аниқ-кенг тасвирлар, ҳангома ичида ҳангома-лар, эслашлардан иборат. У «бир зарб билан ўқиб ташлайдиган» асар эмас. Осойишта ёндошишга тўғри келади. Маълум адабий тарбия кўрган ўқувчи романдан бетма-бет лаззатланади. Дейлик, Комил Аваз саҳрони яхши билади. Расомдек чизади. Саҳро латофати ёки ов гаштини туймасангиз, бундан завқланиш қийин. Комил Аваз Хоразм тарихи, маданияти, халқнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, тилини яхши билади. Буни ҳис этгандагина суюнасиз.

Роман гоҳ алам, гоҳ енгил бир кулги билан безанган. Муҳими, табиатдан муҳаббатгача, асар қаҳрамони ҳаётда ҳеч нарсага бефарқ қарамайди. Бутун мамлакат қисмати-га дахлдорлик сезади. Бу дахлдорлик дарди асар орқали сизга «юқади». Эҳтимол, шу сабабдан адабиётда доим ҳам учрамайдиган ҳодиса— асарни ўқиб, муаллиф ва қаҳрамонга кўнглингизда қандайдир меҳр туғилади,

Роман бизнинг адабиётимизда одатдагига ўхшамаган, янгича бўлганидан, бир мунча камчиликлари ҳам йўқ эмас. Баъзи ўринларда тафсилот кўпроқ эканлиги кўзга ташланади. Баъзи фикр-мулоҳазаларда жўнликми-соддадиллик кўринади. Бироқ «Кўналға» Комил Авазнинг насрда ёзган биринчи катта асари бўлгани учун буни табиий ҳол, деб тушуниш керак.

Мен Комил Авазга узоқ умр ва янги асарлар тилаб қоламан.

Омон Мухтор



БИРИНЧИ ТУН





*Нарса йўқки, хоризжи одам эрур,
Ҳар не истарсан ўзингда жам эрур.*

Жалолиддин Румий

Биринчи боб

1

Мен уни севардим. У-чи? Унинг ҳам севишига ишонардим. Катта-катта қора кўзлардаги ўйчанлик бирор сўз айтишимга изн берганмас. Биз, ҳатто қўл олиб саломлашишга журъат этолмасдик.

Мен ўқийдиган Тўқимачилик институтининг машина аппаратлар факултетига йигирма икки нафар ўғил бола бор. Тикувчи муҳандислик бўлимида эса бир-икки ўғил бола, қолгани қизлар эди. Кунора ҳамма бўлимлар катта аудиторияга йиғилиб, бирга дарс ўтардик. Бундай пайтларда икковимиз ҳам бир-биримиздан қочардик-у, бир хонада ўтириб бирга нафас олишимиздан суюниб, танаффусга ёхуд дарс тамом бўлишига кўнғироқ чалинган заҳоти кўзларимиз учрашиб, уч-тўрт дақиқа ичида бир олам сўзни айтиб ташлар эдик. Сўнг эртани кутиб яшашнинг ўзи бир дунё...

Бугун Қорақумда адашиб қолганимнинг тўртинчи куни неча сувлар оқиб, неча замонлар ўтиб, мен у ҳақда эслаяпман. Нега шу пайтгача бирон марта хаёлимга келмаган ўша ажабтовур ҳодиса бугун, ҳолдан тойиб, ҳаётдан умидимни узиб ётган чоғимда миямни тимдалай бошлади?

Институтни битказганимиздан бери не-не замонлар ўтиб кетди-ю, то шу кунгача бирор марта наинки эслаш, ҳатто унинг тақдири билан қизиқиб ҳам кўрмаган банди бебок, келиб-келиб бугун манави аҳволда эслашим ақл бовар қилмас ажиб бир ҳолдир.

Адашишим билан не боғлиқлик бор бунда? Ё адашиш ибтидоси ва интиҳоси ўртасида кечган умримни сарҳисоб қилиш учун ажратилган синов дамларини бошимдан кечираётган эканманми? Наҳотки, шундай оғир синов манглайимга ёзилган бўлса? Ахир, аслида, адашишим мумкин эмас эди, чунки жуда эҳтиёткор инсонман, ҳар бир қадамимни ўйлаб босаман.

Тўғри, ёшим эликдан ошиб, кўп бора адашдим. Бир вақтлар мастликда уйни тополмасдан, эътиборсизлик билан қай бир кўчани, кимнингдир исмини чалкаштириб юборган бўлсам, том маънодаги адашувлардан ҳам сақланиб қололмадим.

2

Ўттиз йилча муқаддам балиқ ови чоғида биз тўртовлон эдик. Оғаларим Рўздат Отаев, Неъмат Солаев, Отамурод Пирматов ва мен. Боғотдаги Янгошиқ қўли бўйида ётиб қолдиган бўлдик. Ҳазалхон отахонимиз Бодил-Болта Давлат:

— Илон-чаёндан ўлгудек қўрқаман, мени маъзур ту-
тинглар, — деди-да, жўнаб кетди.

Қум ичкарасидан кўл ёқасига келгунча анча-мунча
йўлни машинада босиб ўтганимиз боис бирпас гаранг-
сиб турдик. Шунда бирдан Рўзмат ака ёш боладай қув-
наб, қичқириб юборди:

— Яшасин! Кемани қантарилиб туришини кўринг-ов,
хў, биродарлар! Ина бу ўрилиб ётган қамиша қаранглар-
ов! Насиб қилса келар Шому Ироқдин, насиб қилмаса
кетар қошу қабоқдин деб шуни айтадилар-да. Ина майи-
шат, ина роҳат! Ҳайфгина Болта ака кетиб қолдилар-ов!...
Ҳозир ина бу қамишларни кема ичига тўшаймиз, ажойиб
тўшак бўлади, ётамиз сарилиб!

Рўзмат ака жавобимизни ҳам кутмай дарҳол кема бой-
ланган қозикни, арқонни пухталигини текширди-да, қир-
ғоқда уюлиб ётган қамишни қулочкашлаб кема ичига тах-
лай бошлади. Биз ҳам қараб турмадик, албатта. Тезда кема
ётишга тахт қилинди. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолгани
сабаб ухлашга чоғландик. Рўзмат ака билан Неъмат ака
бошларини кеманинг бир томонига, биз Отамурод ака
билан бошимизни иккинчи томонга қўйиб, оёқлашиб ёт-
дик.

— Хотиржам ётаверинглар, — деди Рўзмат ака, —
арқонни қозикқа жуфтлаб боғладим, Худо кўрсатмасин,
ёздирилиб кетса, Сариқамишдан чиқишимиз турган гап.

— Нима деяпсиз, Рўзмат? — деди Отамурод ака сал
эснаб. — Сариқамишни ака-ман сизга! Кема тезоқар кол-
латорга тушгач, биринчи тўғондаёқ чил-парчин бўлади!

Мен бу ҳақда ўйлагим келмаганиданми, суҳбат даво-
мига ишим бўлмади. Неъмат ака ҳам ҳамишаги донолиги
билан гапга аралашмади. Лекин Отамурод ака яна аллам-
балолар деб анча ваҳимали гаплар қилди.

— Кемани қозикқа қаттиқ қантариб боғлаганимни
ўзингиз ҳам бир кўрсангиз бўлар экан, Отамурод.

— Хотиржам бўлинг, текшириб кўрдим, жуда маҳ-
камлабсиз, эгаси ҳам ечолмайди.

Отамурод аканинг гапидан кейин арқон, қозик тўғри-
сида бошқа сўз бўлмади. Бўлиши ҳам мумкин эмас эди.
Отамурод ака ажабтовур кулиб қўйди-ю, аммо яқин ёт-
ган бўлсам ҳам негадир унга деярли эътибор бермабман.
У Рўзмат ака арқонни пухта боғланганми-йўқми деб «тек-
шириш» баҳонасида уни аста ечиб ётишини биз етти ух-
лаб тушимиздаям кўрмагандик.

Балиқ ҳидли сувнинг кемага шалоплаб урилиши, кўлга
туташ улкан қум саҳросидан аҳён-аҳёнда келаётган турфа
саслар, қалбимизни қанча сокинликка мойил тутишга
уринмайлик, туну кунда ҳам бир зум нафас олишдан
тўхтамайдиган сирли дунё янглиғ бедорликка ундайди. Одам

боласи борки, лаззат топдим деганида ҳузурланиш ўрнига лаззатни четлаб, уйқу тузоғига илинади. Инсон ҳаётида такрорланмас ҳузурбахш лаҳзаларнинг уйқу билан қурбон этилишини тасаввур этсак, этимиз сесканади.

Олис қоронғулик тубидан аланга кўринди. Биз бу фаройиб ҳодисадан ҳайратланиб улгурмай сувни ёриб, ой кўтарила бошлади. Кеманинг у бошидан Рўзмат аканинг қувноқ овози эшитилди:

— Комилжон! Манзарага қаранг, манзарага!

Рўзмат аканинг «манзара» сўзига бераётган ургусиданоқ унинг қалбида жунбушга келган нозик туйғуни англаш қийин эмас эди.

Мен-ку, майли, бироқ кемамизнинг қирғоқдан хийла узоқлашганини бу уста балиқчилардан бирортаси сезмаганига ҳалигача ҳайронман. Эҳтимол, ҳаёлимизни кема билан ой ўртасидаги нурли тасма йўл чалғитгандир. Бу мўъжаз манзарани ойдин оқшомда, кўл ўртасидаги кемада ётган одамгина бутун борлиғи билан англай олиши мумкин. Ой шуъласидан кўл юзига сочилган қумушранг балиқ тангачалари енгил шабадада ажиб жимирлайди. Ўқтин-ўқтин каттароқ балиқларнинг ўйинидан ялтироқ тангачалар сув тубига шўнғиб кетади. Бир оздан сўнг яна ўша нағмалар, яна нафис жилвалар кўзни қувонтира бошлайди.

— Рўзмат! Қаранг, юлдуз сўнди!...

Неъмат аканинг ҳаяжонли ҳайқириғидан аввал юлдуз сўнаётганини кўриб ётганимиз учунми, бу хитоб бизга бир оз эриш туюлди.

— Рўзмат,— деди яна Неъмат ака,— юлдуз сўнди!..

Рўзмат ака индамади.

— Неъмат ака,— дея сўз бошлаб, аслида, мен ҳам шу мавзунини давом эттириш ниятида жўяли гап тополмагандай бирпас тўхталиб, сўнг давом этдим: — «Юлдузлар тўкилмайди» деб Рўзмат ака жуда зўр айтганлар-да...

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Барча ўз ҳаёли билан банд, ухлаб қолишгандай эди. Бу ажиб манзара лаззатидан бе-насиб бўлиб, ухлаб қолишлик азми гуноҳ эканлигидан ташқари, бизнинг садр уриб юрган шоирлигимиз қаёққа борар эди. Хийла сукутдан кейин, Отамурод аканинг ти-ниқ овози эшитилди:

— Келинлар, ҳар қайсимиз алоҳида-алоҳида битгадан шеър ёзайлик, мана шу оқшом, кўл, юлдузлар ҳақида.

Отамурод аканинг бу таклифи ҳам анчагача бежавоб қолди, кундуз куни бўлганида балки вақт ўтгани сезилмасди, лекин бу янглиғ маҳобатли сокинликда дақиқалар ҳам бир қадар босимли.

Юлдуз сўнди, қандай юлдуз эди у?..

Қалбим туридан отилиб чиққан бу сатр кимга қандай таъсир қилди билмадим-у, ўзимни бир лаҳза ҳайратга солди. Кейинчалик шеърга айланиб, газитда, китобда чоп қилинган шу шеърни яқинда, қарийб ўттиз йилдан кейин, дилкаш бир суҳбат чоғида, шеърятга ихлосманд дўстимиз нимаям сабаб бўлди-ю, ёддан ўқиб қолди:

Дўстлар...

*Хаёлдамиз жим, сувга қараб,
Чайқалар кўл узра биз минган қайиқ.
Қалбларга сокинлик, тароват тараб,
Жимирлаб ётибди кўли Янгошиқ.*

*Бир тилим мағиздай Ойнинг нуридан,
Балиқ тангасидай товланади сув.
Олисда ўчоққа ёқилган гулхан
Туннинг чехрасига солади қутқу.*

*Неъмат аста сўзлар жимликни бузиб,
«Рўзмат, юлдуз сўнди қолдириб оқ из».
Самога тикилдик, бўр билан чизиб
Осмон сафҳасидан учар бир юлдуз.*

*Юлдуз сўнди,
қандай юлдуз эди у?
Жуда йиттимиди ёки нури кам,
Аммо туғилгандан сўнгунча мангу
Юлдуз юлдуз эди, қандай бўлса ҳам.*

Одам-чи?

*Туғилди, яшади, гоҳо
Қилган қилмишидан берилди кўп ном:
Жоҳил, қотил, ўғри, аблаҳ, ёв...
Шунчалар қийинми бўлмоқлик одам?!*

Уйлайман:

*Кўнайса яхшилар сафи,
Одамлар яшаса кўнгли пок,обод,
Юлдуз юлдуз бўлиб қолгани каби
Одам одам бўлиб қолсайди абад...*

3

Ушанда қай маҳал ухлаганимизни эслолмайман. Уйгонганимизда қуёш кўм барханлари орқасидан энди кўтарилаётган ва кемамиз кўл қиргоғидан анча узоқлашган эди. Эшкак йўқлигидан хафаям бўлмадик, аксинча, кемага азоб бермай, кўлнинг шўртаъм сувида юз-кўллари-мизни чайдик. Отамурод ака «Эҳ, табиатимизда болаликдан асар ҳам қолмабди-я! Тавба, кўлларимизни бунча

эҳтиёткорлик билан чаймасак-а», дея кемани бир-икки бор чайқаб кўрди, аммо унинг ҳам кемани ағдаришга асло мойиллиги йўқлигини ҳазиломуз хатти-ҳаракатларидан билиш қийин эмас эди. Эшкак ўрнида қўлларимизни ишга солиб, қирғоққа чиқиб, балиқ овини давом эттирган эдик.

Уша воқеадан кейин неча бор қўлларга, қуму тўқайларга овга, сайилга чиқдик-у, ақалли бирон маротаба шерикларимиздан кимнингдир адашганини хотирлай олмайман. Келиб-келиб мендек эҳтиёткор, овчи бўлмасам ҳам биз чиқадиغان кўмнинг ҳар бир ўйдим-чуқурини яхши биламан деб юрган, эллик-юз километрлаб қум ичкариларигача кириб чиққан одамнинг адашганига ким ҳам ишонарди. Яна денг, қишлоқ чеккасидан етти-саккиз чақирим нарида, шундоққина қум этагида адашиб қолишим баттар алам қилади. Лекин на илож, адашишим рўё эмас, содир бўлиб турган воқеа, хаёлимга келмаган фалокат эди.

Эртақларда шаҳзодаларнинг кийик қувиб адашиб қолишларини эшитиб-ўқиб, ҳеч ишонгим келмасди. Эртақларнинг охири қаҳрамонларнинг бахтли қўшилувлари, тўй-томошалар билан тамом бўларди. Энди менинг ҳолим нима кечаркин? Зора, эртақ қаҳрамонига айланиб қолсам бу фалокатдан омон-эсон қутулсам.

Менинг адашишим ниҳоятда жўн, оддий ҳодисадан бошланди. Кум сайрига, овга асосан қиш фаслида, айниқса қор ёққанда, шанба ёки якшанба кунлари чиқилади. Бу йилги қиш номигагина бўлиб, баҳору куз ўртасидаги мажҳул бир фасл эди. Кундуз кунлари кўёшли, бешўн даража илиқ — палто кийсанг иссиқ, плашч кийсанг совуқ. Кечалари беш-олти даражагача совуқ. Ишқилиб, кейинги икки-уч йилдан бери табиат ана шундай ложарам ланж қиш фаслини бошидан кечириб келмоқда. Қариялар элдаги касаллик кўплигини ана шу илиқ-милиқликдан ҳам кўрадилар. Аслида ҳам шундай.

Биз қумга чиқадиغان январ ойининг охириги якшанба кунини эрталабдан ҳаво очиқ бўлди. Юмшоқ, гурунбоплиги билан ҳар кимни ҳам ром этадиган алфозда эди. Дўстлар билан қўнгироқлашдик. Шоҳмот сурадиган ҳаво бўлибди, енгилгина харажат қилиб бир айланиб келсак ёмон бўлмасди, дейишди. Ҳаммамизнинг фикримиз бир жойдан чиқди. Йўл-йўлакай икки килоча суяклироқ гўшт, озроқ картошка ва тухум олдик, ўтга кўмсақ мазаси ҳафталаб оғзингдан кетмайди. Ичишга ҳеч кимда рағбат сезилмади, илмирасмига яримта ароқми, шампанми, виноми олволишга келишиб, шу қарорни бузмадик.

Машинада ҳайдовчи билан тўрт киши бўлиб, Янги-ариқ тарафдан, Боётнинг усти билан Қораўроқ кўлининг кунчиқар қаптолини (ёнбошини) ёқалаб, Зей кўлга чиқ-

дик. Мақсадимиз сайр бўлгач, маслаҳат билан ҳажжа кўлнинг қибласига кўш ташлайдиган бўлдик. Ҳаво, айтганимдай, сайримизга мос, осмоннинг у ер-бу ерида оқ-кўкиш булутлар сузиб юрганини демасангиз, қишга ўхшамайди; айниқса, биз жойлашган манзилнинг фазини бир рақам билан чизиш қийин, қисқаси, гаштли маскан эди.

Кумнинг тепа жойига «қизил», пастак-чуқур жойига «кол» дейилади. Коллар бир-биридан дов-дарахти, катта-кичиклиги билан фарқ қилади. Биз кўш ташлаган жойнинг уч тарафи қиялик, бохтар (ғарб) томони тикка, худди қояга ўхшайди. Бу жойнинг бизга маъқул келганини, бугунги кайфиятимизнинг табиат билан муштараклигидан деб билдик. Бирор жонивор отамиз деган мўлжалимиз йўқ эди. Машинага мен бешотар милтиғимни олиб чиққанимда дўстлар, «ҳа, ов қилмаймиз дегандик-ку» дея, шунчаки эътироз билдиришди. Шундаям улар ич-ичларидан милтиқни олиб чиққанимни маъқуллашганини сезиш қийин эмас эди. Жуда бўлмаса, мусалласдан бўшаган шишани отишимиз мумкин. Қолаверса, ҳамроҳларим овчиликдан минг қақирим йироқдаги одамлар; булар шоиртабиат, тоза ҳаво ва хуш суҳбат шайдолари, холос.

Шаҳар диққинафасликларидан бир неча соатга бўлсада, қутулиш учун кумга чиқиб ўт ёқиб, ҳангомалашишни ҳар недан афзал кўрганларини дарҳол енг шимариб, сазақ-ўтин теришга киришиб кетганларидан ҳам билиш мумкин эди. Кумга чиққандаги илк юмуш — нарсаларни машинадан тушириб-туширмай, ўтин жамлаш ва гулхани каттароқ ёқишдан иборат бўлади. Қолган ишлар, яъни мис тонқа тунчада (мис кумғон) — чой, шўрва тунчада — шўрва қайнатиш, оташгирда (ўт олгич) кабоб пишириш, уни нимага солиб ейишу ва ҳоказолар — майда юмушлар сирасига киради.

Бепоён кумнинг ўзига хос маҳобатли сокинлигиданми, қулоқларимда шанғиллаган саснинг авжидан ўзимни чалғитиш учун кичкина болтачани олдим-да, каттароқ сазақларни чопиб келиш учун ичкарироққа кетдим.

Қиш барибир қишлигини қилади. Тунги аёзнинг заботидан анчайин таноби тортилиб қолган кумнинг авзойи алланечук нохуш, сийрак булутлар орасидан тикка келиб қолган кўшга эркалангиси келсаям, барибир дағалликдан мосуво бўлолмаётгандай. Баҳордагидай бўрсиллаб фарсуда бир аҳволда мени қаршилаши нақадар табиий бўлмасин, кўнглимнинг бир четида андак музтарлик туйдим ва кўп ўтмай, бўйимдан баланд сигир куйруқ борми, сўзану сазақлар борми, болталаб, илдизидан тутиб, гулхан ёниб турган кўшимизга судраб келавердим. Шу машгулот кулфи дилимни очиб юборди. Эгнимдаги тўнимни ҳам бир четга улоқтириб, яна ўтин олиб келишга кетдим.

Қум — сеҳрли маскан. У билан тиллаша билган одамгина бир умрга суюб қолади. Ажабким, у ҳам суйган бандани тезда бағридан бўшатиб юбормайди! Миямга бирдан келган тасодифий бу фикрдан бир сония эгим увишди. Қандайдир ваҳимали бир туйғу мени чўчитди. Тўғри, бу фикр қанча тез келган бўлса, шунча тез мени тарк этди. Ўзим ашаддий овчи эмасман. Қумни севишим ҳам овчилик билан боғлиқ ҳодиса эмас. Қум бутун довдарахти, паррандаю даррандаси, турфа ҳайвонот дунёси билан, ичидаги кўлларининг ўрдагу қашқалдоқлари билан менга ардоқли, ўзга бир олам, учқур ўйларим учун беҳудуд маскан, бежилов фикрларимга қанот бахш этувчи сирли дунё.

Қумга Қалажиқ қалъаси томондан кирсангиз бир бошқа дунё бўлгани каби Янгиариқ ёинки Хива томондан кирсангиз ҳам бошқа бир дунёга дуч келасиз. Қалажиқ томондан кириб, Жумаёзнинг кўпригидан ичкариласангиз, Жумаёзнинг тақиридан чиқасиз. Кўпригу тақирга номи берилган машҳур овчи Жумаёзнинг оғаси, Зарифбой Кўчқор ажойиб одам, бизга қариндош. У: «Агар сал қиблага юриб қўшни (ўтирадиган жойни) бохтар (қуёш юзи тушиб турадиган томон)га ташласангиз, ҳаётнинг бари алгов-далғовларидан қандай фориг бўлганингизни сезмай қоласиз», дейди. Ана шундай тилсимли маскан бу қум.

Шундай қилиб, анча елиб-югуришларимиз эвазига шоҳона ўлтиришдан дарак берувчи дастурхон тузатилди. Бу дастурхоннинг «шоҳона»лиги шунда эдики, барча нарса табиий, ювиб арчилмаган, овқатлар қўлда ёйилади. Қумда ҳар бир таомни тайёрлаш жараёни ўзига хос лаззат касб этади. Айниқса, тунча шўрванинг таъми бир бошқача бўлади. Тунча, тунжий сўзидан олинган, яъни мис дегани. Қадимда сув сақланган хумнинг мисдан ясалган кичикроқ хилини шундай аташади. Улфатлар сонига қараб уч, беш, ўн литрлик мис тунчаларда шўрва узоқ қайнатилади, лекин ичига солинган масаллиқ эзилиб кетмайди. Картошкаю сабзи, шолғому лавлаги, саримсоқу кашнич каби масаллиғу зираворларнинг ҳиди қумни тутиб кетади. Гўштнинг тўши қайнатилади, чайнаганда бодринг егандай тишларингиз орасида карсиллайди. Албатта, шўрва тайёр бўлгунча кичкина мис қозончада думба ёғидан жибиз қилиб, бир пиёла-ярим пиёла мусаллас нўш этасиз, тонқа тунчада чойхўрликни айтмайсизми, униям гашти бўлакча. Қарабсизки, шўрва ҳам ҳил-ҳил бўлиб пишиб қолибди. Шўрвани мақтаб-мақтаб, кўзларингизни юмиб-юмиб, ҳидлаб-ҳидлаб ичганингизча кун пешиндан анча оғади.

Бошқа жойда бўлганингизда овқатдан сўнг бир оз мизғиб олгингиз келарди. Бироқ қумда вужудингизни тўлди-

риб-тўлдириб нафас олганингиз камлик қилаверади, рухиятингиздаги ажиб бир енгиллик туфайли барханлардан ошиб одим отгингиз, ўю хаёлларингиз билан «сухбат»-лашгингиз келади.

Дўстларга қарадим, уларнинг ўринларидан тургилари йўқ, аллақачон шоҳмот тахтасига шоҳу фарзинларни те-риб бўлганлар. Иккови беллашмоқчи, учинчиси томоша-бинликка чоғланган. Демак, ўзим одим отиб келаркан-ман-да. Бешотарни елкамга илдим. Бирортасидан садо чи-қармикан деб бир-икки йўталдим, атай қум учун кияди-ган маҳсимни тортқилаш керак бўлмаса-да, тортқиладим, устидан калишним авайлаб суқдим, яна йўталдим. Тўним-ни чанги бўлмасаям қоқиб-силкиб кийдим, қайтадан ўти-риб, милтиққа бешта сочмани жойладим.

— Ана энди биз юришга шаймиз... Мардинг бўлса мен билан юр, жуда бўлмаса, бирорта қуш-пуш отармиз.

Бефойда. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳатто бизга айта-япсанми деб қайрилиб ҳам қарашмади. Яна жўрттага йўта-либ, аста юқорилаб кета бошладим. Шундагина шоҳмот ўйинини кузатаётган дўстимиз мен томонга қарамасдан лоқайдлик билан:

— Узоқлаб кетма, сени йўқотиб қўймайлик яна, — деди.

Шоҳмот донасини сурган дўстимиз ҳам худди шу алфозда қўшиб қўйди:

— Сайр ҳам бир сайр, саргардонлик ҳам бир сайр, кетаберсин — тегма, бирор нарса отиб келса, шартта пиширамиз. У адашмайди.

Шундай файзли кенгликда хафа бўлишга уринсанг ҳам уддасидан чиқолмайсан. Бу ҳам қумга хос синоат. Аммо бу гал ўзим тушунмаган ҳолда нечундир салгина ранжи-дим. Негагини, ўлай агар, то ҳануз тушунолмайман. Балки менинг эҳтиёткорлигимдан кулишгандир? Қайдам.

Қумнинг биринчи қизилидан ўтиб пастга тушдим, уёққа-буёққа алангладим. Қайси томонга кетсам экан, де-ган хаёлда пича тўхтадим. «Кол»да туриб қаёққа юришни ўйлашнинг ўзи бир ғаройиб ҳолат эди. Нега тўхтаганимга жиндай ҳайрон бўлиб, унча баланд бўлмаган қора ча-қишли, сўзанли қияликдан кал чагага кўтарила бошла-дим. Қора чоли, баъзи жойларда буни «чақиш» деб аташ-ганидай, «сўзан»га «сўян» дейишади. Булар ҳам сазақнинг бир тури, фарқи— чақиш қора бўлади. Сўзан ҳам сазақ-дай. Қорамтирдан ҳам кўра кўпроқ кўк тусли бўлади, лекин танасида тиканлари билан ажралиб туради. Қум-нинг тақир жойига «кал чая» дейилади. Кал чаяда ҳеч қандай дов-дарахт, ўт-ўлан ўсмайди. Шунинг учун ҳам «кал» дейилса керак.

Қуёшнинг олачалпоқ нуридан тўқ-сарғиш қумнинг ҳар

ер-ҳар ери маҳобатли қанот қоқаётган баҳайбат қуш янглиғ сийрак булутлар соясида беўхшов қорайиб, дилга кутку солади. Булут ортидан чиққан қуёш бирров қум юзини очиб, дилга фараҳ бахш этади.

Ҳавонинг эрталабки мусаффолиги ўрнини қиш қунига хос тундлик эгаллаётгани, кечга томон рутубатли айниш содир бўлаётганининг ажабланарли жойи йўқ эди. Шу боис «кал чая» устига чиққанимда енгил шамол кўтарилиб, олдидан қум аралаш бир тутам «салин», тўпдай думалоқ «шўртак», бир боғ «ёвшон» думалаб ўтганидаям, юзимга шамолнинг совуққина эпкини урилгандаям ҳайратланганим йўқ. Нима бўпти? Ёз фаслини ҳисобга олмаганда йил-ўн икки ой воҳанинг турли томонларидан мунтазам қумга чиқишим қаёқда қолди-ю, оёғим остидаги тақирда, қум зарраларининг енгил кўча бошлаганини сезмаганим нима бўлди?!

Дарвоқе, гап нимада?

Ҳавонинг бу қадар тез айнишига эътибор бермаганим тақдир тақозосимикан? Янада ажабланарлиси, шамол таъсирида саҳрои қум уммонида туяўрқач мисоли тўлқинлар пайдо бўлди. Сергей Есенинмикан, қум тўлқинларини «свея» деб таърифлаган?

*И меня по ветреному свею
По тому ль песку
Поведут с веревкою на шею
Полюбить тоску.*

Қум тўлқинлари ўзбекчада нима бўлар экан, деб ўйга толганимни, муқобил сўз қидирганимни айтмайсизми! Хаёлимга келган бу жумбоқдан фориг бўлмай туриб, ёнгинамдан оқиш-қўқимтир тусли бир қуён лип этиб ўтдида, рўпарадаги одам бўйидан сал пастроқ сазақ тагига кириб кетди. Бешотарни қуёнга тўғриладим-у, тепкини босмадим. Бир нарсани аниқ биламан, жамики ҳайвонот дунёси кун бўйи ухлайди ва кечга қараб овқат излашга чиқади, сўнгра кечаси билан ов қилади, қорнини тўйғазади. Қай бирлари қай бирларига ем бўлади.

Кўп ўтмай қуён яширинган сазақ ёнига бордим. Қуён лип этиб жойидан чиқди-да, қизил орқасига ўтиб кетди. Ортидан югурдим. Демак, бу қуён ё ёш, ё болаларига озуқа ахтариб чиққан. Нима бўлгандаям, ўзимизники деб ўйладим. Шиддат билан қизил устига чиқиб, не кўз билан кўрайки, шалпанг қулоқ чопмасдан, аста йўрғалаб кетяпти. Бунақа бўлиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмагандим. Шартга ўқ уздим. Сочма ўқ қуён атрофини тўзғитиб юборди. Бечора нимта-нимта бўлгандир, деб ичим ачишди. Югуриб бордим, қуёндан ном-нишон йўқ... ҳеч

ишонгим келмайди. Бу куён ё алвасти, ё менинг кўзим тиниб, бир балолар кўриняпти, деб ўйладим. Не ҳолки, куён нариги қизилни қиялаб, ўқ отилганига парвойи палак хотиржамгина йўрғалаб боряпти. Ўққа олислик қиладди, югуриш керак. Тўнимни ечдиму қўлимга олдим. Жоним борича чопдим. Куён кўздан ғойиб бўлди. Тўхтаб, нафасимни ростладим, пешонамда реза-реза пайдо бўлган терни кафтимнинг орқаси билан артдим ва аста милтиққа суяниб ўтирдим.

Қош қорайганини эгим жунжикканидан кейингина сездим. Беихтиёр осмонга тикилдим. Қачон булут бунчалик қуюқлашиб улгурган экан, деган ўй илкис хаёлимдан ўтди, лекин катта фалокат юз берганини, бу адашишимнинг ибтидоси эканини, бийдай сахрои даштда неча кунлар саргардон бўлишимни, умуман, кум домидан омон чиқаманми-йўқми, бу ҳақда ўйлашга-да мажолим қолмаётгандай эди.

Ўрнимдан туриб, тўнни кийдим, бешотарни ўнғайлаб елкамга илдим ва кўшимиз томон кетмоқчи бўлдим. Биринчи қадамни босишдаги иккиланишимдаёқ юрагим «шувв» этиб кетди... Чунки қадам изларимдан ном-нишон қолмаган эди, шамол ҳаммаёқни тўлқинлантириб кетганди. Гўё чексиз уммон ўртасида ёлғиз қолган эдим...

Чор тарафга умидсизлик билан алангладим. Кундуз куни йўлни аранг топиш мумкин бўлган бу даҳшатли саҳрода, кучаяётган совуқли, кўз очишга имкон бермаётган шамол, устига устак, қаро тун чоғида йўл юришга жазм этиш бемаъниликдан бошқа нарса эмаелигини яхши билсам-да, бирон-бир чироқ кўринмасмиқан, деган илинжда баландроқ қиялик устига чиқдим. Йилт этган ёқтилик йўқ.

Ваҳиманинг кўзи катта бўлади деб бежиз айтишмаган. Кимки бийдай саҳрода, қоронғу тунда ёлғиз қолса, бу нақлнинг топиб айтилганига бир эмас, ўн карра ишонади, ҳатто қўлида бешотар милитиги бўлса ҳам. Бу ўзимдан қиёс. Мавхумлик ва манкуби-хароблик устига беқарорлик азобидан кўнглимга ўралаётган аянчли ҳорғинлик ришталари, ёлғизлигимга бирнав таскин берувчи милтиқни-да инкор этиб, бехос хўрлигим келди, манзили мавт шу бўлса не ажаб, деган нохушлиқдан баттар эзила бошладим.

Ҳалигина аста эса бошлаган шамолнинг шиддати зўрайгандан-зўрайиб, йўлидаги жамики дов-дарахтларни беписандлик билан қайирганича увлай бошлади. Тўнимнинг бирён ёқа тарафини юзимга паналаб беихтиёр чор тарафга алангладим. Нима қилишни билмай серрайиб туришимдан бундан ўн йил аввал Масковда «пахта иши» бўйича ҳибсга олишган куни, Бутирка қамоқхонасидаги

илк оқшом, торгина қоронғу бўлма-боксад тонг отгунча тик туриб хўрланганларим миямни бир сония чақиндай тиглаб ўтди. Бу кенг саҳрода, одамлар яшайдиган қишлоқдан узоқ бўлмаган ўзимизнинг қадрдон қумда ожизларча ваҳима қилишимдан уялдимми, изғириндан паналаб турганим тўнимни юзимдан туширдим, қаддимни ростладим. Балки, дўстларимиз мени кўриб қолар, деган хаёл билан яна баландроқ қизил устига чиқдим, узоқ-узоқларга кўз тикдим, осмон қорайиб бормоқда эди. Алоҳа, энди тентираш мутлақо бефойда, баландроқ бир қиялик панасида кўнимгоҳ қазиш зарур, деган ўйдан бир лаҳза бўлса-да, вужудимга офиятли тамкинлик асносида шиддат ийнди.

Қизилдан пастга — ўйга тушдим, бешотарни шундайгина кўз кўрар жойга қўйдим-да, бақувватроқ шох-шаббалардан, айниқса, сўзаннинг қаттиқ шохаларидан кўпроқ қайириб синдирдим. Орқайинроқ пайтларда болтасиз синдириб олиш амримаҳол бўлган, болта, қувол дастаси бўладиган сўзаннинг йўғон, қаттиқ шохларини кўлим билан дабдурустдан қайириб, оёғим билан босиб, ошоқроғидан, баъзиларини илдизи билан айиришимни кўрган ҳар қандай махлуқ, менинг олдимга юрак бетлаб келолмайди, деган ғайритабиий шуур билан «ҳа-ху» дегунча талайгина ўтинни ўнгайроқ ерга йиғиб қўйдим. Аввал гулхан ёқиб, кейин ётоқ учун жой ҳозирлаш фикридан яна-да ғайратланиб, тўнимниям ечиб, йўғон-йўғон шохларни энди илдизи билан судраб кела бошладим.

Биз Қорақумга яқинроқ яшаганимизданми, иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллари хонадонларда ҳозиргидай газ бўлмаганидан, салгина суяги қотган болалар ўтинчилик қилиб, рўзғорга елкадошлик қилишар эди. Ўша пайтлари ҳозирги аренда сўзи «яримчи» деб ишлатиларди, яъни қумдан ўтин ташиб келиш учун эшагини берган эгасига, иккў олиб чиққанининг ярми — бир сафаргиси бериларди. Йигирма-ўттиз чақирим ичкари кириб ўтин олиб чиқишда тобланган болалар бирдан улғайиб қолганини билишмасди. Бу ишнинг нақадар машаққат эканлигидан беҳабар биз кичкиналар шаҳарга кириб келган, ўтинлар ортилган катта-кичик эшақлар карвонига эргашиб, қачон катта бўларканмиз, кумга қириб, қачон ўтин кесиб чиқарканмиз, дея чопишардик. Ўтин кесиб чиқиш меҳнати огирми-енгилми, ундан қатъи назар, Қорақумнинг ичкари-ичкариларига кириш биз учун ҳам ҳайратли, ҳам ҳавасли эди. Ёзу қиш «қумга кетдикми» ибораси худди водийдаги сўлим ерда жойлашган чойхонага чиқадигандай кишини чорлаган. Хоразмга илк бор келган ҳар қандай меҳмонни ҳам мезбонлар кум сайрига таклиф қилишади. «Қумда нима бор экан?» дея ажабланиб, мез-

бонга эргашиб чиққан меҳмон қандай қилиб қумга боғ-
ланиб, уни жон-дилидан суюб қолганини ўзиям сезмай-
ди.

Кумнинг дилларни масрур қилувчи мусаффо ҳавоси,
илк баҳордаги ёвшон ҳидидан сархушлик, ёзнинг жазир-
рамасида қум қўйнидаги кичик-кичик қўллар ёқасидаги
чертаклардаги (чайлалардаги) дилхуш шабада, куз чоғи
унинг кенг бағрига қараб тўймаслик онлари, қишнинг
энг қаҳратон совуғидаям гулхан атрофидаги тонқа тунча-
нинг қиёмий шўрвасидан ҳўплаганча қилинадиган файз-
ли суҳбатлар ҳар кимниям бир умрга шайдойи шавқ,
мафтуни завқ қилмай қўймайди. Ана шундай шайдойи
шикор бандалардан бўлмиш камина бугун сал бўлмаса,
азиз кумимга қаҳр қилиб, муҳаббатимга ширк келтир-
моқчи бўлибман-а!

Муҳаббатим изҳори асносидаги ғайрат билан бармоқ-
ларим шилиниб кетганини ҳам сезмаган эканман, жиз-
зилаб оғрий бошлади. Оғриқдан ўзимни чалғитиш учун
турли хил ўй-хаёлларга берилиб, улар орасидан кўнглим-
га таскин берадиган нималарнидир излай бошладим. Гул-
хан ёқиш учун гугурт ёнимда борлигига шубҳам йўқ,
сигарета чекмасам-да, ҳамиша гугурт олиб юраман, бун-
дан ташқари, кичкина паккини (пичоқча) ҳам ёнимдан
қўймайман. Ёшлигимдан шундай — гугурт билан пакки
менинг доимий ҳамроҳларим. Бу бирор кўнгилсизлик
оқибати эмас, отамерос одат. Раҳматлик бобомнинг ёни-
да ҳам доимо пакки билан гугурт бўлгувчи эди. Гугурт
уйда бўлмаслиги мумкин, лекин бизнинг чўнтагимизда
ҳамма вақт топиларди.

Гулхан ёқиш осон кечмагани балки мен учун айна
муддао бўлгандир, нега деганда шошадиган жойим, бо-
радиган ерим йўқ; иш билан қанча овора бўлиб, тонг
отганини билмай-сезмай қолсам шунча яхши. Доим дўстлар
йиғинида, ҳатто институтда талабалик йилларим ҳам
қозон устида капгирни бошқалар ўйнатсаям мен ўт ёқув-
чи «кочегар» бўлардим. Шу асқотди. Шамолнинг шиддати
қанча ўчакишмасин, ўтни ёқдим, устига майда-чуйда шох-
шаббаларни уйиб шундай гуриллатдимки, худди чўғида
кабоб пиширишим керакдай завқланишимни бир кўрсан-
гиз эди! Ўтганлар бекорга айтишмаган: «Гулхани маст ўзи
маст, гулхани паст одам эмас».

Гулханни авжлантириб, юрагимга завқ чорладим. Йўқ,
буларнинг бари вақтинчалик шайдоликдан бошқа нарса
эмас... «Ўтни кавласанг ўт учар, қўшнини кавласанг кўчар»
деб тўғри айтишган экан, ўтни бир-икки бечакки кавла-
ган эдим, ўтнинг ранги ўчди, қандай тез ловуллаб ёнган
бўлса, шундай тез ҳовридан тушди. Менинг ҳам терим
совиб, этим жунжика бошлади. Яна сазақ қалаб ўтни бир

оз алангалатдим. Ўтга яқинроқ қилиб кума-қуналға қаздим.

Қуналға қаздим деб ўзимни юпантираяпман-у, қувватлироқ сўзан шохасини белкурак ўрнида ишлатишимнинг ўзиёқ ишим нечоғлик мушкуллигини кўрсатиб турибди. Кумни икки қарич кавласам, бир қарич ери янгидан кўмилиб келаверди. Барибир ғайратим ва совуққонлигим иш берди. Нега десангиз, кавлаган жойимга шохшабба босиб, аста-секин бир одам сиғадиган, ёнбошлари чўпчор билан шиббаланган мўъжазгина ётоқ тузатдим. Энди шамол менинг устимдан шовқин солиб олис-олисларга чопқилаб ўта бошлади.

Шамолнинг ваҳимали увиллашида сезмаган эканман, тўнга ўралиброқ ётай деб энди ўрнашган ҳам эдимки, ҳовури пасайган гулхан яқинига келолмай увлай бошлаган чиябўрилар (Хоразмда шоғол дейишади) бешотарни қўлимга олишимга мажбур қилди. Кумадан чиқмай осмонга қаратиб битта ўқ уздим. Чанг-тўзонли қоронғуликка отилган ўқнинг товуши шамолу чиябўриларнинг қулоқни батангга келтирувчи увлашмасини бир лаҳза бўлса-да, қайириб ташлади. Нега олдинроқ отмадим, балки қоронғи тушмасдан олдин отганимда мени излаётган дўстларим учун аниқ мўлжал бўлармиди, деган хомхаёл яна бир ўқ узишга ундади-ю, эҳтиёткорлигим йўл қўймади. Ҳалиям бешотарда учта ўқ қолди. Учтагина, холос...

Эсимни танибманки, бу ғаройиб дунёнинг сиру синоатиға ҳайратланганим-ҳайратланган. Ажабким, менга хушхабар етказилган чоғларда табиат ҳам ҳамиша кулиб туради. Нохуш ёинки изи дилсиёҳлик билан тугайдиган воқеалар айтилса ҳаво айниб, момоқалдироқ гумбурлаб, чақинлар чақаверади.

4

Болалигимда ғаройиб бир воқеа бўлган. У вақтларда биз Хонқада яшардик, уйимизнинг орқа тарафида каттагина солма (ариқ) оқарди. Солманинг икки тарафида катта-катта толлар ўсган, қуёш орқага ўтганда улар эшигимиз олдиға куюқ соя ташлаб турарди. Чеккадаги катта тол танасининг тубида, ковак ичида битта оқиш илон болалари билан яшарди. Биз шумтакалар чўп тиқиб, илонни инидан чиқарардик-да, тум-тарақай қочардик. Бир сафар пешиндан сўнг, қўшни болалар мактабдан келишмади-ми, ишқилиб, якка ўзим илоннинг инини ковлдим. Буни қарангки, илон инида йўқ экан. Менинг мурғак назаримда, илон бизнинг дўстимизу албатта чиқиб биз билан ўйнаши керак, деган қатъий ишонч бор эди. Шу боис нега илон мени кўриб чиқмаяпти, деб инига яна энгаш-

ганимни биламан, толнинг тепасиданми, шалоп этиб ёнимга тушдию менга қараб пишқириб кела бошлади. Қардан куч келди, қандай қочдим — мен учун қоронғу, бироқ бўсагадан ҳатлаб ҳовлимизга кирганимда, ёзи билан иштон-қўйлакисиз юраверганимдан қоп-қорайиб кетган танам оппоқ оқарганидан опамнинг кўзлари ола-кула бўлгани, ҳалиям ортимдан қувлаб келаётган илонни қандай ҳайдашни билмай, мен билан бирга ҳовли саҳнида жон ҳолатда юргани ҳозиргидай эсимда. Ушанда ҳам мен иситмалаб ётган кунларим ҳаво айнаиб, йўқ ердан дуваланг бўлган эди. Момом: «Чаман, бу болангни кўзида жавҳари бор, бўлса-бўлмаса койима, бунингни аягин», дерди. Мен, албатта, бу сўзнинг маъносига тушунмасам ҳам, момомнинг эркалашидан мағрурлардим.

Кунчиқар томонимиздаги ҳовлида Ёқут момом билан Хўжа отамлар яшарди. Уларнинг ўғли йўқ эди. Энг суюкли овунчоқлари мен эдим. Неки талтайишим бўлса, шу икки муштипарга қилардим. Улар ҳам чидашарди. Сал кўринмасам, Ёқут момом излашга тушар, уруш йилларининг қимматчилигига қарамай, қўлида бирор егулик нарса кўтариб орқамдан андармон бўлиб юргани-юрган эди раҳматлик.

Уруш тугаган йилнинг ёзида Ёқут момомнинг куёвлари, Отажон дойимдан (тоғамдан) ҳеч бир дарак бўлавермагач, Хўжа отам дадамга маслаҳат солдилар. Дадам эскичадан саводли эмасмилар, «Гўжадан Қўшоқ муллани олиб келаман, сувга қараб Отажоннинг ҳол-аҳволидан хабар айтади» дейдилару қарияларни ҳам севинтириш, ҳам илмнинг қудратини кўрсатиш учун ўзи туғилиб ўстан қишлоғига жўнайдилар. Эски қишлоқ мактабида бирга таълим олган Қўшназар-Қўшоқ муллани олиб келадилар. Қўшоқ мулла катта тоғорада сув келтиришларини сўрайди. Ана шунда мен керак бўлганман. Чунки, суннат қилинмаган нораства бола тоғорадаги сувга қараб, кўзига нимаки кўринса ҳаммасини айтиб бериши керак экан. Бу воқеа кечагидай аниқ эсимда. Хўжа отамларнинг уйи билан бизнинг уйимиз ўртасида кичикроқ ҳовли бор. Шу ҳовлимиз четида катта оқ балх тути тагига то пешингача куёш тушмас, шу боисдан икки ҳовлининг хотин-халажи кичкина кигизча устида, бирор юмуш билан гап сотишиб ўтиришарди. Чамаси, қанча гап сотишгани билан гапларининг адоғи бўлмасди.

Мулла отанинг тоғорадаги суви ҳам балх тутининг тагига қўйилган эди. Мени чақириб келишди.

— Кўзингга бирон нарса кўрунгунча ина шу сувга қарайсан, устингга кўрпа ёпамиз, — деди мулла ота.

Мен ўзимда йўқ хурсандман. Аслида, ўзим оддийгина нарсалардан ҳам севиनावерадиган, биров сал мақтаб иш

буюрса Улиб-тирилиб, югуриб-елиб бажараверадиган бола эдим. Элотда барчанинг олқишига сазовор бўлиб юрган-нимданми, кўрпа таги қоронғу ҳам демадим, тоғора кўринмайди-ку ҳам демадим. Кўзларим қоронғуликка ўргангач, бутун вужудим кўзга айланиб тоғорадаги сувга қараб ўтиравердим. Ташқарида мулла ота овозини кўтармай тиловат қилаётгани учун ҳеч қандай товушни эшитмадим. Қанча вақт ўтгани эсимда йўқ, бироқ тоғора ичида аввал катта отиз-дала кўринди, сўнгра устида тўрт-беш чоғли одам билан баъзан эшигимиз олдидан ўтадиган «полуторка»га ўхшаш бир машина келиб тўхтади. Томоша билан овора бўлиб кетибман шекилли, машина ўрнидан кўзгалиб олислаб бораётганини, қўлида кичкина тугунча билан бир солдат машинага етолмай дала ўртасида қолиб кетганини кўриб: «Хов, машинани тўхтат, солдат минолмай қолди!» деб бақириб юборганимни ҳам пайқамай қолибман. Шу заҳоти устимдан кўрпани олдилар. Рангим пахтадай оқарган бўлса керакки, юзимга енгилгина сув сепишди ва дарҳол: «Нега бақирдинг? Нима кўрдинг?» деб сўроққа тутишди. У пайтларда ҳозиргидай кино йўқ, телевизор йўқ, сув юзида кўрганимни айтиб тушунтиролмаيمان, унинг устига, табиатан тез гапираман; тез гапирмасам охириги гапим эсимдан чиқиб қоладигандек туюлади. Узоқ тушунтиришимдан сўнг мулла ота мени тўхтагиб:

— Хўжабой, куёвингизни чибин ҳам чақмаган, насиб этса, беш-олти ойдан кейин юз кўришарсизлар, — деди.

Хўжа ота билан Ёкут момонинг кўзлари ёшланди. Мен бу муштипарлар менинг сўзларимга ишонишмаяпти шекилли деб кўрганларимни бидирлаб яна бир бошдан айта бошлайман.

— Барака топ, хон ўғил, дойинг омон келса, санга бозордан ажойиб кўйлак-иштон олиб берганим бўлсин!

Хўжа отам шу гапи билан мени от миндиргандай қувонтирди. Аслида, кўйлак-иштоним борлигини, фақат тенг-қурларим каби қислиққанимдан ялонғоч юришимни яхши билса-да, барибир кўнглимни кўтаришни истаган экан.

Мулла ота айтганидай Отажон дойим куз ўтиб, қишнинг қаттиқ чилласида ўттиз икки мучаси соғ-саломат уйига кулиб кириб келгани ҳам рост. Мулла отани чақириб янгидан сарупо кийгизишгани ҳам худди кечагидай кўз ўнгимда турибди. Ушанда Отажон дойим бошимни силаб:

— Комилжон сувда тўғри кўрибди, машинага минолмай қолдим, — деган эди кулимсираб, — сўнг бизни япон билан бўладиган урушга олиб кетишди, икки ой Сибирдами, ишқилиб, бир гўрларда кутиб ётдик. Хиросима билан Нагасакини америкаликлар атом билан бўмбабўрон қилишгач, бизга жавоб беришди.

Барча-барчаси кечагина бўлиб ўтгандек ёдимда.

Отажон дойим ҳозир ҳам гоҳ-гоҳида бизникига келиб туради, баъзан ўша воқеаларни эслаб, хотиротга бериламиз. Сўнг:

— Энди энглайдим, кетаман, — деб Отажон дойим жўнаб қолади.

Катта бўлиб, ақлимни таниганимдан кейин ҳам ўша фаройиб ҳодиса ҳақида дадамга, Қўшоқ мулла отага сўз ташлаганимда, улар: «Илмнинг хосияти, Оллоҳнинг қудрати», деб жавоб беришади. Биров эмас, ўз кўзим билан кўрганим сабабли Қўшоқ отанинг «дами»га шак келтиролмайман.

5

Йиллар ўтди. Саксонинчи йилларнинг ўрталарига келиб, юртга беқийс офат оралади. Тельман Гдлян, Ивановлар бошчилигидаги тергов гуруҳи томонидан ўтказилган зулм...

«Чақирилмаган меҳмонлар» жабридан яраланган минглаб жабрдийдаларнинг биттаси менман.

Во ажаб, бирров кириб кетармишсиз, дейишгани учун ўғилларимни шаҳардаги уйдан олганча йўл-йўлакай вилоят «Пахта тайёрлаш трести»га кириб, мени Масковга тергов учун чақириваётганини эшитиб чиққанимдан сўнг бор-йўғи ўн беш-йигирма дақиқа ўтар-ўтмас нохуш хабар сабабми, мусаффо ҳаво ўзгариб, кўм-кўк осмон юзи қорайиб, чақмоқ чақа бошлаганидаёқ у ерда қолиб кетишим муқаррарлигига амин бўлган эдим. Янгибозорга бора-боргунимча болаларнинг ҳамишаги шўхликларига, инжиқликларига эътибор бермаганимни кўп йиллар ўтиб ҳайдовчи элагани ҳам бор гап. Гўё эртагаёқ ҳибсга олиннадиган одамдай безовталигим сезгир аёлим Раъножонга тез таъсир қилиб, у мендан кўра кўпроқ ташвишлана бошлади. Лекин Масковга кетгунимча ўтган бир ҳафта мобайнида прокуратура, Масков сўзини тилга олмаганимиз билан ичимиздан ўтганини ўзимиз билдик.

Чақирилган муҳлатдан икки кун олдин Масковга учиб бордим. Аэропортга кетишим олдидан эски телпагимни кийганимдаёқ бахтли тасодифга ишониб юрган Раъножон ҳаётимиздаги улкан фожиани олдиндан сезиб кўзига ёш олди. Мен кўлимдан келганича уни юпатдим. Кенжа фарзандим Дилноздан бошқа болаларим мунгайиб туришганини кўриб, эзилиб кетдим ва кеча тунда ҳаёлимга бостириб келган қалтис ҳаракатни амалга оширмаганимдан афсуслана бошладим. Ахир милтиқни ўқлаб боғ турига ўтувдим... Февралнинг бошлари бўлишига қарамасдан ҳаво тўзонли, аёзли эди. Қарорим қатъий эди. Фақат...

Ойнинг бирров кўриниб кетиши қисматимни ўзгартириб юборди. Йўқса, ўзимни-ўзим отардим. Оқиш булут орасидан ой чиқдию боғ саҳнини ёритиб юборди. Милтиққа суяниб ўтирганча охирги нафасим ўзимга эшитилмай, ой нур сочаётган қадрдон ҳовлига, дунё ташвишларидан мо-суво болаларим ухлаб ётган уйга хомуш тикилдим. Ҳали булар ёш, ўзимни отсам, боринги эл-юрт мишмишидан, орқаворотдан тош отувчиларнинг пичингларидан қугуларман, аммо болаларим-чи? Бир-биридан гўзал, бир-биридан ширин ўғил-қизларим-чи? Уларнинг ҳоли не кечади?

Ой нур сочган оқшомда ойдин фикрлар оғушида иккилана бошладим. Бу янглиг иккиланишлар аввал ҳам, ою куёшга алоқасиз дамларда ҳам бўлган. Ҳаётдан безган вақтларимда осилиб ўлиш эмас, айнан ўзимни-ўзим отиб ўлдириш истаги устун келарди. Аминманки, бундай ҳолат ҳар кимда бўлиши мумкин. Нега шундай: гап осилиш ёхуд отилишдамас, алалхусус, ширингина яшаб турган ҳаётдан кетиш ҳаёлимни узоқ йиллар тарқ этмаган. Ишим яхши, ота-онам, оилам, фарзандларим севади, соғлигим яхши, одамлар ўртасида ҳурматим жойида, бир сўз билан айтганда, мушугимни «пишт» дейдиган топилмайди, лекин яшашга рағбатим йўқ ҳисоб. Нега? Ҳар қадамда уч-райдиган разиллик, алдов, иккиюзламачиликлар ҳаётдан воз кечиш кераклигини англамайди-ку! Қолаверса, ақли расо одам бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирмайди.

Мен бу ҳақда кўп ўйладим. Гоҳо чарчадим ё ана шу чарчоқлар ўзимни отиб ўлдиришимга рағбат уйғотдимикан? Ёхуд болалигимдан миямга сингдирилган кароматга ишониш мактабга қатнай бошлаганимда чилпарчин этилгани учун ҳаётдан безиб қолганманми? Бемақсад ҳаёт ва масрурий ўлим илдизлари менинг мургак қалбимдан Худони суғуриб олиб, ўрнига бебокона бемехрлик ифсодини-дунёқарашим бузилишини сингдирган бўлса не ажаб! Ўтқиқодсиз яшашдан не наф? Ундай деса, миллиард йиллардан бери миллиардлаб одамлар яшаб келяптилар-ку?! Улар нимага ишониб яшайди? Эҳтимол, ҳаёт тўғрисидаги «сафсаталар»га парво қилмасдан яшаганлари боис ҳар қандай маънавий азобга бардош берсалар керак? Лекин ҳаётдан кўз юмишга даҳшат деб қарайдилар. Бироқ сувга чўкаётган одам илонга ёпишади. Менинг ақлим кўп нарсага етмайди, шекилли. Беадад азобу ташвишдан иборат, эвазига ҳеч нарса бермайдиган бу бемаъни ҳаётда яшашдан мақсад не ўзи?

Ечими оғир бу жумбоққа мен ҳатто маҳбуслик йилларим ҳам қониқарли жавоб тополмадим. Ажаб, ҳатто қон туфлайдиган баъзи маҳбуслар гарданидаги ўн беш йиллик қамоқ муҳлатидан атиги тўрт-беш йилини ўтаган

бўлишларига қарамай, озодликка чиққанларидан кейинги ҳаётлари тўғрисида берилиб гапирарди.

Ҳибсга олинган кунимнинг эртасига, бокс-бўлмадан камерага ўтказилаётган вақтимда каттароқ ҳибсхонасига олиб кирдилар. Мен кирганимда ўша бўлмада қирқ беш ёшлари чамасидаги бир одам кичкина қора халтачасини бошига қўйиб, узун бетон супачада ётган экан. У бошини ҳам кўтармасдан, эринибгина:

— Янгимисан? — деб сўради.

— Ҳа, — дедим.

Салом-алик йўқ. Боз устига, ўша маҳзун оҳангда мени бир умр таажжубга соладиган икки оғиз гап айтди:

— Мени эса чиқаришяпти, муттаҳамлар! Икки ойгина чидашмади-я! Бу қандай бемаъни давлат ўзи?! Ҳозир қиш бўлса, қаёққа ҳам бораман, ҳеч бўлмаса, апрел бўлганда-ям бир оз исиб, беш-олти ой бошпанасиз кун кўрса бўларди. Кейин яна майда ўғирлик билан олти ойга қамалсам, бу ерда бемалол қишлайман, текин овқат сероб. Ишлаш шарт эмас.

— Қанча ётдинг? — деб аста сўрадим.

— Ҳамма бало шунда-да, беш ой ҳам бўлгани йўқ. Бу менинг еттинчи қамалишим, ҳамма қонун-қоидаларни яхши биламан. Яна икки ойгина сақланг, деб эландим судяга, қулоқ солмади, кўпшак!..

Хўш, унга яшашнинг нима кераги бор? Нимага ишониб яшайди? Бундай жумбоқли саволларнинг ечимига келганда не-не буюклар ҳам лол қолишган, менга йўл бўлсин...

Бу саволларга йиллар ўтиб ҳам, ақлу идрокда беқиёстенгсиз алломаларимиз қолдирган дурдоналарни ўқиб, соҳир саҳарларда уларнинг ғойибона суҳбатларига интиқлик ила қулоқ қўйиб, кашфиётлари уммонидан баҳраманд бўлган тонгларим эвазигаям қониқарли жавоб тополмадим ҳисоб. Балки, юқорида таъкидлаганимдек, борлик — умр савдосидир, ҳаммаси ўйиндир?!

Ҳозирча қўлимда ўқланган милтиқ, эртага Масковдан, виждонни қийнайидиган бемаъни савол-жавоблардан қутулиш учун излаётган охирги чорам ҳукмига мунгазир ўтирибман. Ё тавба, қаердандир хаёлимга жонига қасд қилиш тараддудидаги Бобур Мирзо келди. Ул зоти шариф ҳам: «Киши агар юз, агар минг яшаса охир ўлмак керак (Агар сад сол мони вар яке рўз, Бибояд рафт азин қоҳи дилафрўз). Ўзумни ўлумга қарор бердим», дея жонига қасд қилиш учун боғ гўшасига боради, оқиб турган сувда юз-қўлини ювиб, таҳорат олади-да, икки ракъат намоз ўқийди, сўнгра бошини муножотга қўйиб, тилак тилаган чоғи кўзи уйқуга кетади ва нурафшон туш кўриб, хушҳоллик ила уйғонади. Во ажаб, менинг жонимга қасд

қилиш ҳолатим билан Бобурнинг жонига қасд қилиш нияти ҳибс билан, асирлик билан боғлиқлигида қандайдир ажиб бир тилсимий муштарақлик борга ўхшайди. Ул зоти шариф нурафшон туш кўриб, сергак тортиб уйғонади ва асирликдан қутулади. Менинг ҳолатимда не қилмоқ даркор? Дадамнинг муҳтарама волидаси — Моможон энам раҳматлик эркалаб: «Бошга тушганни кўз кўради, болам, элда номинг яхшилик-ла сўйлансин, бўйинг улли тоғлар билан бўйлансин, бошинг қаттиқ тошдан бўлсину майли, устида тегирмон тоши айлансин», дегувчи эдилар. Бу сўзлар нафақат менга, болаларимга ҳам тааллуқли эмасми? Улар ҳам манглайига ёзилганни кўради-да...

Шаштимдан тушдим, сийрак булутлар қўйнига кирай-кирай деяётган Ойга термилдим. Нега мен, албатта қамаламан, деган ўйдан халос бўлолмаяпман? Тўғри, қамақама авжида, қаторғон бўлаётгани сир эмас, унинг устига, ҳали менга ҳеч ким, ҳатто гувоҳ сифатида чақирув қоғози жўнатгани йўқ, фақат суҳбат учун келиб-кетсин дейишибди. Нега ваҳима қилияпман? Балки суҳбатлашмоқчидирлар, ахир мен шу соҳада озми-кўпми, йигирма йилдан зиёд вақтдан бери ишляяпман, фан номзодиман, Янгибозорда битта янги пахта тозалаш заводиани пойдеворидан бошлаб ишга туширдим, вилоятнинг йирик пахта заводларида неча йиллар директорлик қилдим, терговчиларни қизиқтираётган жумбоқли саволлари бордирки, чақиришган.

«Э, йўқ! Содда бўлма, енгил-елпи баҳоналар билан ўзингни овулма».

Неча ойлардан бери мени таъқиб этаётган овоздан сесканиб кетдим. Ой булутлар орқасига яширинганини сезмабман. Яна зилдай оғир саволлар ўз исканжасига олиб, эза бошлади.

Аслида, ҳаловатимни йўқотган нарса бундан етти-саккиз ойлар муқаддам кўрган даҳшатли туш эди. Тонгга яқин туш кўрганим боис чўчиб уйғонган эдим. Туш жуда қисқа, Охунбобо қабристонига ўхшаш мазорда силикат гиштдан қабр қурдирган эканман. Бирорта қурувчини кўрмадим, ўз қўлим билан тиклаганим ҳам эсимда йўқ. Битган қабрни икки қўллаб кенгроқ жойга сурмоқчи бўлганимда уйғондим... Ҳеч кимга ҳеч нарса демадим-у, нонушта ҳам қилмасдан ўзим бунёд этган Янгибозор пахта тозалаш заводига жўнадим. Ўзимнинг қаршилигимга қарамай, иккинчи маротаба директор этиб юборишганининг дастлабки кунлари, ҳали оиламиз билан кўчиб ҳам борганимиз йўқ эди. Дам олиш куни бўлишига қараб ўтирмадим. Шанба куни муҳандисга, завод учун катта фойда келтирувчи электр токи билан боғлиқ қалтис бир янгиликни жорий этишни буюриб эдим. Фалокатнинг олдини

олмоқ ниятида машинани елдек учириб етиб келдим. Хавотирим шу — тўхтатмасам кимнидир ток уриб ўлдирадигандек ваҳимали хаёл эди. Албатта, тушимни айтмадимида, бошқа баҳоналар билан, аниқроғи, яна бир бор мукамалроқ ҳисоб-китоб қилиб кўрмоқ лозим, дея амалга оширилиши керак бўлган ишни бошқа вақтга ҳамда иш кунига кўчириб, хотиржам Урганчга, уйга қайтдим. Келсам, пейкол (хабарчи) ҳаммаҳалламиз Онажоннинг пешинда бўладиган жанозасига айтиб кетибди.

Тушимнинг боиси шу экан-да, дедим, чунки Онажон менинг синфдошим, ўнг бетида йирик қора холли ажойиб қиз, хасталаниб юрганини эшитиб эдим, бироқ иш билан, ташвишлар билан бўлиб, ана бораман-мана бораман деб ҳол сўрамаганимга ич-ичимдан хижолатга ўхшаш қандайдир туйғу мени қийнарди. Шу тариқа жанозага кетдим.

Онажонни чиқаришга ярим соатлар чамаси қолганда, мени имлаб чақирди. Кўча бошига борсам, кенжа ўғлим Наврўз унсиз йиглаб турибди.

— Нима гап?

— Мақсуд сувга чўкибди...

Ўғлимнинг шу уч оғиз сўзидан ҳушим бошимдан учди. Мақсудбек —укам Рустамбойнинг катта ўғли, Наврўз билан бир синфда ўқирди. Бугун якшанба эмасми, бутун синф бўлиб Амударё соҳилига сайрга чиқишган. Кеча кечқурунги маслаҳат бўйича, балки Янгибозорга кўчармиз, деган ўй билан Наврўзни олиб қолган эдим. Демак, тушимдаги қабрни жияним учун қурган эканман-да! Мақсудбек ўн тўрт яшар эди. Ўзининг ёшига нисбатан анча бўйдор, фаросатли, адабли, чиройли, бўлдомли бола эди. Унинг ўлими биз учун жуда катта йўқотиш бўлди. Бобом билан энамнинг вафотидан қарийб йигирма йилдан кейин биринчи бор азадор бўлишимиз эди. Кўзимнинг қон босими икки баробар ошиб, қизариб кетди.

6

Милтиққа суяниб қанча вақт ўтирганим эсимда йўқ, ҳўроз қичқириб, тонг отишидан дарак берганида оёқ-қўлларим увишиб қолибди. Вужудимдаги қарахтликдан ўрнимдан кўзгалолмай яна анча вақт бошимни кўтаролмай ўтирдим. Тепкини бир босиш билан бари қарахтликка чек қўйиш мумкин. Милтиқ тепкисини пайпасладим. Яна бирров Ой мўралаб, теварак-атрофимни ёриштириб юборди. Ойдан уялгандай орқага, тол соясига яширинмоқчи бўлдим.

Бир меъёрда ишлаб турган пахта ғарамидан пахта сўрувчи сепаратор моторининг овози ўчди. Борлиққа оғир со-

кинлик чўкди. Ён девор орқасида ит хурди, шаҳарча чек-касида хўроз қичқирди, ичкарида ўн ойлик неварам Ҳило-ла йиғлади.

Увишган оёқларимни аста уқалаб, қаддимни ростладим. Ўзим эртага самолётда учишим керак, балки шу кетгандан қайтиб келмасман. Нега завод тўхтади экан, ойлик режанинг бажарилиши нима бўлади, деган ташвишдан сергакландим. Қон-қонимга сингиб кетган одат бўйича завод навбатчисига қўнғироқ қилишим лозимлигини ўйлаб қолдим, тезда заводни ишлатиш чораларини кўришим кераклиги ўз-ўзидан заруратга айланиб, боғ тўрида милтиқ ушлаб серрайиб туришим ўзимга эриш туюлди. Қайдан бу қадар ожизлик келди? Пахтани қайта ишлаш тизимидан минг чақирим олисдаги терговчилар билан курашдан ҳайқиб, болаларим, оилам тақдирига тупуриб, ўзимни-ўзим отмоқчи бўлдимми? Қани, кўрайлик, буёғи нима бўларкан? Ҳақ ким, ноҳақ ким — вақт кўрсатади-ку!

Эрталаб, ана шу чалкаш ўйлар оғушида муштипар аёлим, мунғайибгина турган болаларим билан юзлашдим. Уларга қараб, зўрға сўрадим:

— Қани, нима олиб келай сизларга Масковдан?

Ё тавба! Бирортасидан садо чиқмаса-я! Табассумлари ҳам ғамгин, «нега кетасиз, кетманг» деган нидо бор эди уларнинг қарашларида. Ҳарқалай, кулиб, ҳазиллашиб, ҳар қайсисига ўзига хос муомала қилиб хайрлашдим-у, негадир узоқ йиллар кўришиш насиб этмайдигандай, оғир мавҳумлик вужудимни омбирдай сиқа бошлади. Бу оғриқ Урганчда — дадам, ойим билан хайрлашиб, аэропортга кела-келгунимча суяк-суякларимни зирқиратиб юборди.

Аэропорт гавжум, самолётда учаётганлар ҳам, кузатаётганлар ҳам ҳамиша керагидан зиёда сертакаллуф, қувноқ бўлгувчи эди, негадир бу сафар шу янглиғ фархунда кайфият ушбу маскандан мосуво эди. Бу, албатта «қамабди-қамабди»лар асоратидан келиб чиққан ҳол эди. Кимки кетса, қарийб қайтмаяпти-да.

— Йўл бўлсин?

— Бирга бўлсин, Масковга...

— Ҳим-мм...

— Тинчликми?

— Мажлис бор экан...

— Ҳим-мм... Омон бориб, соғ келинг.

Укам ҳуқуқшунос эмасми, беташвиш кўринишга ҳаракат қилса-да, иложини тополмай, менга маъюс боқиб, далда бермоқчи бўлади, эплотмаётганидан андак эзилади. Мен билан Масковга бирга бориб-келишга рози бўлган, ўша пайтда «Дўстлик»да прокурор бўлиб ишлаётган жияним Сапарбой худди мени кузатишга чиққандай сал нарироқда бошқалар билан гурунглашиб турибди.

Самолётда Масковга бора-боргунча китоб ўқидим, Ога-ҳийнинг янги чиққан мўъжазгина ғазаллар тўпламини бошидан охиригача тавсифлаб ўқишим асносида, ҳатто нечун Масковга бораётганимни унутаёздим. Мавлононинг қалбга ғулғула солувчи байтлари руҳиятимга, айниқса, фалокат содир бўлгудай бўлса, кейинги ҳаётимга тааллуқлидай, менга атаб ёзилгандай эди:

*Қўюбмен то тааллуқ маҳбаси ичра қадам ёлғуз,
Чекармен ҳар нафас ғам шаҳнасидин минг ситам ёлғуз.*

Масков осмони ҳар қачонгидан ҳам тунд, рутубатли, осилиб ўлишга ундаётгандай қаҳри қаттиқ. Чақирув муддатидан атай икки кун олдин келганим учун сал аввалроқ Урганчда, пионино созлаш устаси, ўрта яшар бир рус йигити билан уйдаги пиониномизни тузатиш баҳонасида танишганимда, барибир шу яқин ўртада Масковга чақиришади-ку, деган хаёл билан унинг уйининг адресини олган эдим, ўшаникига бордик. Нега бирорта меҳмонхонага бормаганимга ҳали-ҳануз жавоб тополмайман. Балки, меҳмонхонада ўзимга ўхшаган мискин, «пахта иши» бўйича чақирилган аламзадани учратиб, маслаҳатлашармидим. Нима бўлгандаям, ўша танишимникида тинчгина ётиб, берилажак саволларни обдан ўйлаш эҳтиёжи устун келган бўлса керак. Унинг устига, ёнимда прокурор жияним ҳаммаслак эди. Лекин у билан на сўроқ, на қамоқ тўғрисида бирор марта ҳам жиддий гап қилмадик. Тавба, уям бирор йўл-йўриқ ёки сўроқ тартиби тўғрисида гап қўзғамди. Фақат бир марта:

— Ога, прокуратура ходимлари аниқликни, тартибни ҳурмат қилишади, — деди.

— Мендан ҳам тартиблироқ одам бормикан Хоразмда, — дедим.

У индамади. Шу билан бу мавзуда қайтиб гапиришмадик.

Дарҳақиқат, тартиб ҳар бир ишнинг, умуман, яшаш тарзимнинг бош мезони эди. Бу мезон ҳаётимнинг мазмуни десам ҳам бўлади. Ҳамма ишда тартиб бўлишини истаيمان. Шунинг учун ҳам Масковга келганимнинг эртасигаёқ, биринчи қилган ишим, яшаб турган жойимдан СССР Бош Прокуратурасигача троллейбус, метрода етиб боргунимча кетадиган вақтни ўлчадим, қирқ саккиз-эллик дақиқа экан, кечикмаслик режасини тузиб қўйдим. Сапарбой бу ишимни ҳам маъқуллади.

Йиллар ўтиб, шу тартибпарастлигим менга жуда кўп марта панд берганига амин бўлдим. Ушанда қўлимда терговчи берган махсус чақирув қоғози ҳам йўқ эди. Ёш бўлмасам, онгим жойида бўлса, яна-тагин ҳуқуқ-тартиботни яхши биладиган жигарим ёнимда бўлса, намуноча

куйиб-пишиб тартиб-интизомга риоя қиламан? Боз устига, аждоҳонинг оғзига ўз вақтида кириш учун бир кун олдин махсус тайёргарлик кўришимга бало бормиди?

Шу куни тиббиёт оламининг заҳматкаши — Масковнинг Чертанова мавзесида оиласи билан истиқомат қиладиган хивалик олим ошнаимиз Худоёр аканикига сим қоқдим. Сўнг Сапарбой билан меҳмонга бордик. Худоёр ака маърифатли, ҳамма нарсани билгувчи, айниқса, Авесто, Зардуштийликка қизиқиши зиёда киши. Бир сўз билан айтганда, том маънодаги зиёли инсон.

Уларга ҳам мажлисга келдим дедим. Гоҳо-гоҳо музтарин ҳолатимни эр-хотин англади-ю, билдиришмади.

— Зардушт каттами, Буддами? Қайси олдин ўтган?

— Зардушт катта.

— Қачон ўтган?

— Билмаган нарсамни биламан десам уят бўлар. Зардуштнинг ўтган даврини биров эрамиздан аввалги X-аср дейди, биров IV-аср дейди. Бошқалар «Авесто» Зардуштдан ҳам олдин бор эди, дейишади. Ҳали бу очилмаган хазина. Катта «Авесто» йўқ, кичик «Авесто»ни топиш қийин. Буни балки, Ҳиндистондан излаш керакдир, негаки, Эрон тили ҳинд-оврупа тиллари гуруҳига киради. Қизиғи, — Худоёр ака ўзига хос майин кулимсирайди, — мама сўзи биздан чиққан, хоразмликлар она кўкрагига «мамма» дейдилар. Аёлларнинг кўкрак қафасини рентгенга туширишни мадади Синода ҳам маммаграфия дейилади.

— Сиз, Худоёр ака, медицинани доимо мадади Сино деб аташни хуш кўрасиз, балки шу сўзнинг этимологияси шундайдир, лекин «син» — инсон дегани бўлса, наҳотки Оллоҳ таоло кўмагида инсоннинг инсонга мадади, Одам ато бунёд бўлганидан буён мавжуд бўлган бўлса? «Бемор» сўзини олинг: бемор — бе, илон. Дейдиларким, Оллоҳ таолонинг номини эсламай чиқарилган ҳар бир нафас инсон оғзидан илон бўлиб чиқар экан ва охиратда уни чақар эмиш. Шунинг учун ҳар бир нафас Оллоҳ номи билан чиқарилганда илон чиқмас экан. Демак, Оллоҳнинг зикри билан яшаган одамгина бемор...

Худоёр ака ғалати кулимсирайди. Эҳтимол, менинг раъйимни қайтармаслик учун ё «ҳа», ё «йўқ» демасдан, айтмоқчи бўлган фикрини келган жойидан давом эттиради:

— Ана шу маммадан мама сўзи дунёга келганига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Чақалоқнинг дунёга келиб ўрганган биринчи калимаси — мамма. Бора-бора ёш қизлар ҳам турмуш қуриб, фарзанд кўргач, ўз туққан оналарини опа, ёшгина дадаларини ака, Хивада оға деб атай бошлаган. Она, момо атамалари опасининг, акасининг ота-оналарига нисбатан айтилган. «Дойи»нинг келиб чиқишини биласизми?

— Ўзимиздаги дойи-тоғаними?

— Ҳа, «дойи» сўзи хитойча саркарда дегани, дохий сўзи шундан-да. «Старик» нима? «Сто рик» — юз йил дегани. Скифлар ҳам йилни «рик» дейишган. Скифлар кимлар? Бизлар-да, ахир. Скифлар Хоразм ҳудудида яшаган, уларни саклар ҳам дейишади.

— Сиз айтгандай, «Авесто» ўрганилса, қадимий Хоразм тили, ёзувига аниқлик кирармиди...

— Хоразм тили, биласиз, ўрта Эрон тиллари гуруҳига киради. Эрон тиллари уч гуруҳга бўлинади: қадимий, ўрта ва янги. Ўрта Эрон тиллари гуруҳига Хоразм тилидан бошқа яна сўғдий, олон, ёзғулон тиллари ҳам киради.

— Ёзғулон, қайси у?

— Тоғли Бадахшон. Ўрта Эрон тили, форсий тил. Аммо Жамшид, Довуд пайгамбардан ҳам, Зардуштдан ҳам аввал ўтган. Жамшидни форсийда изоҳлашмоқчи бўлишларига ҳайрон қоламан. Хоразмликлар биринчи оламни қандай аташган, биласизми?

Худоёр аканинг суҳбат услуби қизиқ, савол бериб жавоб кутади, баъзи бировларга ўхшаб жавобини тиркаб кетавермайди ва суҳбат асносида турли мавзуларга ҳатлаб-ҳатлаб, яна айтаётган фикрига қайтади. Баъзан менга ўхшаб суҳбатдошининг сабри етмай тоқатсизлана бошласа, кўп чўзмай, тезгина, қисқа жавоб бериб қўя қолади.

— Йўқ, — дедим.

— Говмард. Ана шу говмарднинг еттинчи авлоди — Жамшид. Хоразмнинг биринчи хони бўлган дейишади. Ана энди юқоридаги фикримизга қайтайлик, демак, Жамшиддаги «шид» — нур, ёруғлик, «жам» — мужассам бўладиган бўлса, ёруғликлар жамланган дегани бўлиб чиқади. Ана шу Жамшид «Авесто»да ҳам, юнонларда ҳам Ййма деб аталган. Жамшиднинг иккита жоми бўлган экан: биринчисидан қанча ичсангиз ҳам камаймас, тўкилмас экан, иккинчисидан ичсангиз сархуш бўлиб, маст бўлмас экансиз. — Худоёр ака бирдан қўлига вино қадаҳини олди, демак, жомсўз айтиб менга ичказмоқчи деб ўйладим. Йўқ, ундай бўлмади, жомга қараб секин давом этди: — Қадимда энг сифатли винолар Хоразмда тайёрланган...

— Қадимда винога мусаллас дейилганми?

— Мусаллас — вино, вино сиркага айланмаслиги, умуман, бузилмаслиги учун олтмиш даражали иссиқликда қиздирилади ёки спирт қўшилади. Учинчисини ҳозирда Оврупада қўллашяпти, сера кислотаси қўшилади. Ароқ кашф қилингандан қарийб 900 йил кейин Фарангистонда коньяк кашф қилинган, Коҳ томонидан. 1860 йилда Фарангистонда узум ҳосили мўл бўлиши билан катта миқдорда тайёрланган винолар бузила бошлади. Шунда Коҳ деган олим винони қайта ҳайдаб, вино спирти-коньяк олади. Ароқни ким кашф қилганини биласизми?

— Йўқ.

— 954 йили кимёгар ар-Розий томонидан «ал-кўҳл» ажратиб олинади. 1954 йили ароқ кашф этилишининг минг йиллиги нишонланган.

— «Авесто»дан четга чиқиб кетдик.

— «Авесто»дан четга чиққанамиз йўқ. Жамшид-Ийма ҳам «Авесто» билан боғлиқ.

— Бизнинг аждодларимиз нега оловга сиғинишган?

— Олов оташпарастлик динида илоҳийликнинг бир қирраси, қуёшнинг ердаги тамсили. Улар яккахудолик тарафдорлари, Ахура Маздага сиғинишган. Шунинг учун ҳам оташпарастликмас, Маздапарастлик дейиш лозим. «Авесто»нинг таржимаси поклик, огоҳлик демакдир...

— Биз билмайдиган гаплар кўп экан-ов дунёда, — деди суҳбатимиз давомида бирор сўз айтмай қулоқ қўйиб ўтирган Сапарбой.

Кечаси ўн иккиларгача Амударёни юнонлар Окс, хитойликлар Гуй-шуй дейишларию тиббиётдаги акса урдириб даволашда «Чор дори»нинг аҳамияти бениҳоялиги ҳақида суҳбат қурдик, ўқтин-ўқтин итдунакнинг томирию сувитгулининг гули, қалампирмунчоқ қандай дардларга даволигим суҳбатимизни четлаб ўтмади. Ҳар табиб ўзининг билими, тажрибасига таяниб яна ненидир қўшиб оддийгина тайёрланадиган дори ўрнига кимёвий йўллар билан олинандиган дорилар билан ўзимизни заҳарлаётганидан афсусландик. «Туятовон»дан фойдалансак «Чор дори» ҳам керак бўлмай қолиши ҳақидаги гурунг қизиқарли бўлди. Мезбонларнинг қистовига рўйхушлик бермай, тўхтаган жойимизга жўнадик.

Бир умр эсда қоларлик суҳбат, ҳозиргача оғзимдан кетмаган келинбиби дамлаган хивача хон паловининг таъми нашидаси ила анча жойгача сархуш бўлиб пиёда кетдик.

Кечаси яхши ухлай олмадим. Институтнинг кириш имтиҳонига кеч қоладигандай бир неча бора уйғониб соатга қарадим. Тонга яқин кўзим илинган экан, ҳаётимнинг биринчи қисмига нуқта қўядиган даҳшатли туш кўрдим. Жиққа терга ботиб уйғондим.

Мен тушимда кўргунимча наинки ҳибсхона, ҳатто турма яқинидан ҳам ўтган эмасман. Лекин тушимда мана сенга деб темир эшик очилди, кимсасиз даҳлиздан ўтиб, ичкарига кирдим, орқамдан эшик ёпилди, вассалом! Деворга маҳкамланган темир каравотларга қараб серрайиб турган чоғим уйғондим. Уйғондиму ичимда тамом дедимда, мезбонлар тайёрлаб қўйган чойга ҳам қарамай, маъюсгина хайрлашиб, Сапарбойни ёнимга олиб, аждаҳо комига қараб равона бўлдим.

1985 йил, 12 феврал куни қирқ йиллик умрим силсиласига болта урилди. Ҳаётим иккига бўлинди: ҳибсгача ва ҳибсдан кейингиси. Фақат ўзимнинг ҳаётим парокандаликка учрагандаям, балки бунчалик куйинмасдим. Ахир, бу машъум кун бизнинг бутун сулоламизнинг осойишта ҳаётига болта урибгина қолмай, ака-укаларим, фарзандларим тақдирига ҳам тажовуз қилди, энг ўткир кимёвий модда билан ҳам ювиб кеткизолмайдиган қора доғ чапланди.

Мени СССР Прокуратурасининг алоҳида ишлар бўйича катта терговчиси Майданюк лутфи-эҳтиром билан кутиб олди. Устки кийимларимни илиб қўйиш учун шкафини очиб, илтифот қилди. Паспортимни қўлига олгач, галати жилмайиб, ўтиришга таклиф этди. Оврупанинг киноларда намоёиш этиладиган оқсуяклар мулозаматидан ҳам ошириб муомала қилди, ҳол-аҳвол сўради. Мен ҳам жиндай бўшашмаган ҳолда гўё минг йиллик танишимни учратгандай сўрашавардим. Хуллас, мулозаматда бир-биримиздан ўтсак ўтдикки, қолишганимиз йўқ.

Ниҳоят, гап-сўзларимиз қовуша бермагач, терговчининг жаҳли чиқа бошлади. Мен ўша-ўша вазминликни қанда қилмадим.

— Худо ҳаққи, мен сизга ёрдам бермоқчи эдим. Нима бало, турмада ётиш учун тайёрланиб келганмисиз? Сиз менга жуда маъқул кўриняпсиз. Келинг, ёрдам қилай, министр муовинига пора берганингизни тасдиқлангу кетаберинг, судгача Худо раззоқ. Ҳозир Москвадаги турмалар тўлиб кетган, ётишга жой йўқ, одамлар ерда ётибди, мени тўғри тушунинг, азбаройи сизга ёрдам қилмоқчиман.

— Сиз ҳам мени тўғри тушунинг, бермаган порамни қайси виждон билан бердим дейман? Майли, қамарсиз, кейин масала ойдинлашгач, пушаймон бўласиз. Министр муовини адашиб мени кўрсатаётган бўлиши керак, учраштиринг, қамаш қочмас, мен меҳмонхонадан қочиб кетмайман, ёрдамингиз шу бўла қолсин.

— Энди мен сизни қўйиб юборолмайман.

— Нега?

— Сиз ё муғомбирсиз, ё содласиз. Бу жой СССР Прокуратураси, бу ерда ҳазил кетмайди. Жиддий айтадиган бўлсам, энди сиз тергов сирларидан воқиф бўлдингиз. Бу гапларни айтмасдан ҳам сизни ҳибсга олаверишим мумкин эди, лекин сизни қамашга менинг кўзим қиймаяпти. Начора, тушунмадингиз, энди ўзингиздан кўринг. Турма шундай жойки, икки кундан кейин биз айтмаган нарсаларни ҳам бўйнингизга олиб, тавба-тазарру қилиб хатлар

ёза бошлайсиз. Эҳ, аттанг, аттанг.. Чиқиб даҳлизда кутинг.

— Палтомни кийиб айланиб кела қолай, мен жуда тартибли одамман, айтган вақтингизда ҳузурингизда бўламан, оз-моз тамадди қилиб келардим, эрталабдан бери туз тотмаган эдим.


— Жинни-пинни эмасмисиз? Сиз энди паспортсиз, беҳуқуқ одамсиз. Чиқинг даҳлизга, яхшилаб ўйланг. Сўнгра яна бир бора тергов қиламан, бўйнингизга олмасангиз, турмага жўнатаман.

Аста ташқарига чиқдим-да, йўлакнинг охирироғига бориб ўтирдим. Оғзим қурқшаб, лоҳас бўла бошладим. Танамга бир қалтис қалтиратма кирдиким, ён-веримда ҳеч ким бўлмаса-да, биров сезмадимикан, деган хаёл билан ўз-ўзимдан уялиб кетдим, дарҳол чўнтагимдан ғазаллар китобчасини чиқариб варақлашга тутундим; қани ўқий олсам, кўзимга ҳарфлар худди парда орқасидан кўрингандай губорли, майда, хира кўринди. Ё тавба, наҳотки бир-икки соат ичида кўзларим нурсизланган бўлса! Кўзларимни уқалаб яна тикиламан — энди сал яхшироқдай, аммо барибир ўқий олмаяпман.

Тушкунликка рўбарў келиб-келмай ҳолинг шу қадар забун бўлдимиз? Чархнинг кажрафторлиги, найрангбозлиги олдида бугун бошинг эгик, қадинг букикми? Қай ростликнинг ёлғонлиги, қай ёлғоннинг ростлиги орасидаги қилдай кўприк устида яшаётган одамларнинг ҳаётидан беҳабардай тилинг танглайингга ёпишиб, манглайингни реза-реза терлар қоплашидан орланиш ўрнига, сиқилиб-мутажанам бўлаверишинг нимаси? Қадингни ростла, бошингни кўтар!

Оллои таоло кимники бадбахт, пешонасини қаро қиламан деса, кўзини боғлаб, йўлини банд этади, дегучи эдилар. Наҳотки, шундай гумроҳликка маҳкум бўлишлик менинг чекимга тушган бўлса... Бошга тушганни кўз кўрар, деган гап бор. Хўш, шундай экан, қўл-оёғимни буларга боғлаб беришим керакми? Ахир, дунёда сенинг раъинг, истагинг билан ҳисоблашиб ўтирмайдиган шундай ишлар ҳам содир бўладики, уни бажаришга итоат этмоқ бурчга айланади, бажармасанг ёмонотлиққа чиқасан, ярамасликда айбланасан, сўнг бир умр рўшнолик кўрмай ўтасан.

Коммунистлар партиясига аъзо бўлиш учун ариза ёзаётганда ростакамига ҳаяжонлангансан, партбилетни олганда ростакамига мағрурлангансан. Шу партиянинг, умид билан сафига кирган партиянинг даъватини, буйруқларини жону дилдан бажаргансан ва охир-оқибат ихлосу эътиқодинг учун бир кун бадном бўласан. Бу не бедодлик?! Тўхта, партия раҳбарларининг жинояткорона буйруқларини бажармасанг нима бўлар эди?... Албатта, жиноятга



шерик бўлмасдинг... Нега даминг ичингга тушиб кетди? Магарам, буйруқни бажармасанг, дарҳол ишдан олишарди. Лекин номенклатура деб аталмиш катта «охур»дан ҳам маҳрум этилардинг. Ишдан олишса, қутулардинг. Қанийди шундай бўлса, лекин ишдан силлиққинамас, бадном қилиб олишарди.

Ўзим билан ўзим олишиб, бўғила бошладим. Чуқур-чуқур нафас олдим ва миямга ялт этиб дўстим Рустам аканинг ҳамиша айтадиган сўзи келди: «Ўзингизга қаттиқ ишонинг, шунда бошқалар сизга ишонади». Ҳа-да, мен жиноят қиламан деб ишлаганим, хатоларга йўл қўйганим йўқ-ку. Мен халқнинг пахта устидаги оғир меҳнатига қайишдим, ёмғирли-қорли кунлари терилган «оқ олтин»ни (аслида, сичқон ўлигини эслатадиган увадани) заводга қабул қилмаслик жиноят деб ҳисобладим. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Жиққа ҳўл — сифатсиз пахтани қайта ишлаш кафолатини зиммага олишнинг ўзи жасорат эмасми? Бу фавқуллодда эмас, мақсадли жасорат эди... Демак, энди уларнинг исканжасига тушмаслик керак: кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Совуққонлик, қатъият ҳамроҳинг, ҳамхонанг бўлмоғи лозим. Токим, ҳақиқат сен томонда эканига шубҳа уйғотмаслик керак.

Хомаки режалардан ҳам, ғойибона савол-жавоблардан ҳам кўнглим тўлмади. Тонгдаги тушим ҳақиқатга айланишига бир баҳя қолаётгандай безовталигим зиёдаланиб, қалбимда қавий сатрлар тугён этди: «Мен буткул қонман — ақл, ғазабман мен». Бу сатрнинг муаллифи Есенинмикан, ё Фетми, ё Маяковскийми? Кимники бўлса ҳам ҳозир, шу дақиқаларда менинг ҳолатимга мос айтилганидан елкаларимни тўғрилаб, оёқларимни бир-бирининг устига ташлаб, яна-тагин Огаҳий тўпламини очдим.

*Даҳр уйи бунёдким, су узрадур, маҳкам эмас,
Онда кирган эл хавотирдин амон бир дам эмас...*

Терговчи даҳлиз бошида туриб мени чақираётганини эшитмабман чоғи, тепамдан саси келди:

— Нимани ўқияпсиз, қанча чақирсам ҳам эшитмадингиз?

... — Огаҳийни.

У умрида эшитиб кўрмаган номдан ҳайрон бўлдими, елкасини қисиб:

— Энди ўқишга вақтингиз кўп бўлади. Қани, юринг, — деди.

Мен унга эргашдим. Яна ўша гап, ўша жавоб. Овозини кўтармай сокинлик билан ўтган тергов жараёнини мен гумроҳ банда яхшиликка йўйиб эдим. Афсус, янглишган эканман.

— Бўпти, кутинг. Ҳозир сизни олиб кетишади.

— Қаёққа?

— Қаёққа буларда, турмага! Сиз ҳалиям биз бошлаган «иш» кўламининг бутун фожиасини англаб етмаяпсиз! — терговчи энди ўзига ўхшаяпти. Лаҳзалар ичида унинг кўзларида ялт этган ништар чапён кўкрагимни куйдириб ўтгандай бўлди. — Сиз туғрингизда кўлимда шундай далиллар борки, бурнингизни мана бу столга чунонам ишқаб, онадан туғилганингизга пушаймон қилишга етарли. Чиқинг, даҳлизда кутинг!

Шундай мўмин-мулойим йигитнинг бирдан тўнғиз терисига ўраниб ваҳшийлашганидан дийдам қотганига суюндим, негаким, сал бўлмаса мен унга изҳори дил қилмоқчийдим-а! Ўзинг бир асрадинг, Худо!

Мени тинтув қилиб, барча ҳужжатларни расмийлаштиришгунча қоронғи тушди. Эрталаб мен кирган тор кўчадаги эшикка мелиса машинасининг орқа эшигини очганча ёнтаб кўйганларига қарамай, икки ёнимда икки миршаб, кўполлик билан туртиб миндиришди, ўзлари ҳам миниб, қуршаб ўтиришди. Машинанинг орқа темир эшикларини бекитгунларича, прокуратурадан чиқишимни ташқарида кутиб турган Сапарбойнинг менга олазarak боқаётганини, бир нималар дейишимга фурсат бўлмасаям унга сўзланмоқчи бўлганимни иллаган миршабнинг бирови биқинимга қаттиқ турганиданми, овозим чиқмади. Эшик ёпилди, машина огир кўзгалди.

Қоронғи темир машина ичида пўстинга ўраниб ўтирган икки миршаб қуршовида юртимиз ҳавосига мосгина кийинганим боис дийдираб, то турмага етгунча Масков кўчаларида хийла йўл юрдик.

Оёғим музлай бошлади. Ҳали машинага миндиришларидан сал аввал, радиода об-ҳаво маълумотини беришаётганди: «Ҳозир Москва вақти билан соат 19, ҳавонинг ҳарорати минус 29...»

Машина тўхтади. Темир дарвозанинг огир очилгани эшитилди. Машина бир силтаниб бўсагадан ичкарига кирди. Салдан кейин орқа эшик очилиб, мени туширишди. Хира ёруғликда қорайиб турган баҳайбат бино ичига олиб киришди-да, мени навбатчига топшириб, миршаблар чиқиб кетишди.

Эрталабдан бери жонга тегиб кетган савол-жавоблар қайта бошланди:

— Исмингиз? Отангиз исми? Туғилган йилингиз? Қаердансиз? Миллатингиз? Оилавий аҳволингиз?..

— Комил Аваз. 1942, Хива, ўзбек, уйланганман, болаларим бор.

Сўнг яна бир темир эшикдан ичкарига олиб киришди. Сасиган балиқ ҳиди аралаш қўланса исдан кўнглим ай-

ниб, қусгим келди. Эрталабгача қандай чидарканман, деб ўйладим. Ҳожатхонага қўйиладиган кафел ётқизилган узун хонанинг икки томонида қатор темир эшиклар. Ҳар томонида йигирмадан зиёд. Ҳаммаси бандми дейман, бир оз кутиб туришимга тўғри келди. Ҳатто мени унутишди-микан деган хом хаёлга ҳам бордим. Темир эшикларни қарсиллатиб очиб-ёпиб, кимларнидир олиб чиқиб кетишяпти, мендан кейин олиб келинган қай бир маҳбусларни киритиб устидан қулфляяптилар. Бақриқ-чақриқлардан қулоқ батангга келади, лекин бу ерда ишлаётган миршабларнинг парвойи палак. Мен худди бу манзарани кузатиб, газетага битта мақола ёзишга керакли маълумотларни олибоқ кетадигандай воқеаларни бепарво кузатаман. Шаллақи маҳбусларнинг, айниқса, ёшгина қизларнинг миршаблар билан оғзаки «жинсий мулоқоти» менга эриш туюлади, айниб-ачиб сўқинишларини эшитиб уяламан.

Зарурати бўлмаса-да, бир миршаб тирсагимдан чунон ҳам маҳкам қисиб силтаганча шиддат билан мени бир бўлмага элтиб тикди. Бўлма-бокс дегани тўрида бетон супачали, бир киши зўрға сиғадиган, ним қоронғи жой. Фақат тик турсангизгина бир иложи бор, ўтурсангиз совуқ миянгизга чиқади. Устимдан қулфлашди.

Қўлимдаги 16 бетлик «Литературная газета»ни супачага тўшаб ўтирмоқчи эдим, эшик шақирлаб очилди-да: «Оёғингдаги этикчани ечиб бер!» дейишди. Этикчамни олиб, эшикни қулфлашгач, газетани оёқларим остига, бетон полга ташлаб, юпқароқ пайпоқда тик турганча уч томонига гадир-будир семон лой чапланган совуқ бетонга суяндим.

Бокслардаги маҳбусларнинг бақриқ-чақриқлари, аёлларнинг оҳ-фиғонлари, бу жаҳаннам жабрларидан безган кимсаларнинг болахонадор сўқинишлари ҳар қандай ақли расо одамни гангитиб, ҳаётдан кўнглини совутиб юборади.

Эшикларни ичкаридан тинмай тепишади: «Ҳў, одам-мисан, кўппак?!», «Кўрпа-тўшак бер, кўрпа-тўшак! Биргина юпқа жемперда олиб келишди, ахир! Инсофинг борми сенларни, эй маразлар!», «Ҳў, эшшаклар! Одам турқидаги тўнғизлар! Шу ердан омон чиқсам, ҳаммангни бир-бир отаман! Сув берсанг-чи!», «Мени камерамга элтинглар, дори ичишим керак, ҳозир ўлиб қоламан, юрагим азоб беряпти», «Ҳожатхонага обор, бўлмаса ҳозир шу ерни ифлос қиламан, қовуқларим шишиб кетди, эй ҳайвондан дураган иблис моховлар», «Эй, ҳаромзодалар, мен сенларнинг генсекларингга қўйдим!» ва ҳоказо ва ҳоказо. Буларга жавобан лоақал: «Нега бақирасизлар?», «Бу не шовқин?», «Бас қилларинг!» ҳам дейишмайди. Бақриқ-

чақириқлардан тамоман зада бўлдим. Бир оғиз ҳам сўз айтмадим, аламзадалик ила деворга суяниб туравердим. Наҳотки, кунларим эни тўрт, бўйи олти қарич шу бетон қудуқда кечса? Э йўқ, кимдир камерамга олиб бор деб шовқин қилипти, демак, кароватли хонага ўтказишса керак...

Шундай кунларни кўриш ҳам насибамда бор экан-да. Милтиқни ўқлаб чиққаним билан ўзимни отолмаганим сабабларидан бири деб чўшлаб ейдиган ризқим гарданига юкладим.

Эшик очилиб, овқат ейсанми, дея аравачага юкланган катта кострюлда ҳидидан кўнгил айнийдиган балиқ шўрваси олиб келишди. Кўзимни юмдим. «Русчага тушунмайсанми?» Индамадим. Бир қийшиқ темир мискага лойқа сув солгандай тупроқ тусли шўрвани шўрилатиб қуйиб узатди. Кўнглим алағдалигидан емайман дегандек бошимни чайқаб, юзимни тескари бурдим. Эшик шарақ этиб ёпилди. Кейинги бокс очилди. Маҳбуснинг болахонадор сўкиниши эшитилди: «Бу балландангни онангга едир, ҳезалак! Хў, онангни!..» Овқат бермай эшикни ёпишмоқчи эди шекилли, маҳбус яна қўймади: «Қаёққа?! Қани, мискани тўлғаз, тўнғиз! Ҳеч бўлмаса, жимжилоқдай балиқ солсанг-чи, даюс! Ҳе, онангни!..»

Яна менинг бўлмаминг эшиги очилди. Итнинг олди-га суяк ташлагандай, индамай этикчамни ташлаб, эшикни қулфлашди. Этикчамнинг ҳар иккала пойини қўлимга олиб ҳаммаёғини эринмасдан қараб чиқдим. Нега олишди-ю, нега қайтариб беришди? Бунда не сир бор, қанча ўйлаб, бошимни қотирмай, барибир бунинг тагига етолмадим. Кейинчалик суруштириб билишимча, ҳамма қишқи этикларнинг пошнаси билан таглиги ўртасида бўладиган темирчани олиб ташлаб, сўтилган жойини тикиб қайтиб беришар экан. Йўқса, темирчадан маҳбуслар бинойидек паққи ясаши, ё ўзининг, ё кимнингдир жонига қасд қилиши мумкин экан. Мени тинтув қилишганда галстугимни, шарфимни, шимимдаги қайишни, соатимни хатлаб олиб қолишганига энди тушуняпман. Мана, гап қаёқда экан.

Ожизгина нур тушиб турадиган совуққина боксда тонг отганини ҳам билиб бўлмаса керак...

8.

Аввал бойўғлидан каттароқ уккининг, унинг кетидан кўкқўтоннинг даҳшатли товушидан этларим жимирлаб, сесканиб кетдим. Ўз хаёлларим билан бўлиб, шамолнинг увлаши андак пасайганидан, уккию кўкқўтоннинг ёқимсиз чинқиригидан маҳбусликнинг биринчи тунига, ундан

бепоён қум асирлигидаги биринчи тунга юзландим. Бу тун бутун даҳшатию мавҳумлиги билан, шох-шабба босиб мустаҳкамланган ётоғимда изғириндан мизгий олмасам ҳам, маҳбусликнинг илк тунидан афзал эди. Негаки, қўлима кишан йўқ, озод қушман. Тонг отса, уйга равона бўладиман, қуёш кўринса, бас.

...Укки энди яқингинада чинқира бошлади. Кенг саҳрои қум қаърида қулоқларни батанг қилувчи тунги бу сас, борлиқ вужудимга нечоғлик кутқу солмасин, ёнимда ҳамроҳим — милтигим борлигидан кўнглим хотиржам, кўрқаётганим йўқ, фақат беҳуда ўқ сарфлашни истамайман, саноқли ўқ бор, холос.

Совуқ суяк-суягимдан ўтиб, томир-томиримгача музлата бошлади. Қўналғадан чиқиб, ўт ёқишга юрагим дов бермади, балки қоним совиганидан карахтлик домида ялқовлигим устун кела бошлагандир. Аммо бу ётишда, шу кума-қўналғада мангу қолиб кетиш ҳам ҳеч гап эмас. Ҳозирча ишлаб турган миям совиса нима бўлади? Тонг отиши муқаррар, хўш, тонг отгач, ўрнимдан туролмай ётаверсам, мени излаётган дўстларим қандай топади? Бири-биридан даҳшатли саволлар исқанжасидан қутилиш учун тонг отишини кутмасдан ўзимни енгиб, кумадан чиқишим лозим.

Киндигимгача букик тиззаларимни тўним баридан аста чиқариб, оёқларимнинг аввал бирини, сўнг иккинчисини авайлабгина узатдим. Оёқларимга бу ҳаракатим ёқинқирамади, яна жойига қайтардим. Тўнимнинг энгига тиқилган қўлларим ҳам бир-бирини маҳкам ушлаган, ажралгилари йўқ эди. Бу гап бўлмайди! Турмоқ керак! Даст туришимга белим йўл қўймади. Иккинчи бор белимни алдаб, аста-секин туриб ўгирдим, қўлларимни бир-бирига ишқаб, илиқ нафасим билан «уф-уф»ладим, сўнгра увишиб, қотиб қолган оёқларимни уқалай бошладим. Худога шукур, танамга оз бўлса-да, қувват ийнгандай бўлди.

Кумага бесўнақай бостирилган шох-шаббаларни секин қайириб, ярим белимгача букилиб ташқарига интилдим. Кумнинг важоҳати ёмон эди. Мени ямлаб-ютиш фурсатини кутиб тургандай, совуқ тирноқларини қайраб, чор тарафимдан чанг сола бошлади. Узимни ноилож яна орқага олдим. Хўрлигим келди. Ёш боладай ожизона хўрсиндим: гўё ҳозир тепамга яқин хешларим келиб, қани тур, шунча ётганинг етар, кетдик уйга дейдигандай эди. Шу пайтгача мени тополмай қаёқларни излаб юрибсизлар, шу ҳам дўстлик бўлди-ю, қаҳрланишим мумкиндай эртакнамо туйғудан уялинқираб, яна ўрнимдан турмоқчи бўлдим.

Шох-шаббаларни кумадан тамоман олиб ташлаб, қаддимни биратўла ростласам не бўлғай, дея бешотар учини

тепамда сермадим. Қўлларим тепага кутарилганча ғаройиб манзара қаршисида муаллақ қолди. Ора-сира ёқтиланаётган олам шуқуҳидан, туни билан ёлғизлик даҳшатидан эсон-омон кутулганимдан кўзларимга нам келди: оппоқ тонг отмоқда эди. «Салом, тонг!» деб ҳайқиргим келди. Наҳотки рўё бўлса деб, йитги-йитги тикиламан, йўқ, рўё эмас, осмон юзи аста-секин ёришиб, жумлаи жаҳон мунавварлашмоқда эди. Тонг оқаришини биринчи кўраётгандай бирам қувондим, бирам қувондимки!

Шамолнинг шашти анча пасайиб, тонг таважжуҳидан кумнинг-да бутун қаҳрли важоҳатидану тунги ёғийлигидан асар ҳам қолмади. Кум яна соҳир суҳбатдошимга айланаётганидан хийла енгил тортдим.

Иккинчи боб

1

Бундан бир-икки йил аввал ҳам худди ҳозиргидек адашганман: ўшанда бир оқшом кумда тунаб, эртасигаёқ йўлни топган эдим, лекин барибир адашиш даҳшатию тунги азоблар, йўл тополмаслик билан боғлиқ ваҳималар юрагимни ўртаган ва Худо ёрлақаб, эртасига уйга етиб борган эдим. Ўшанда саҳродан чиқиб, қора тупроққа қадам қўйишим билан ажиб бир ҳис пайдо бўлган. Бу ҳисни, ҳа-ҳа, «озодсан!» деганларидан кейин ҳибсхона бўсағасидан ҳатлаб ўтганимда ҳам туйган эдим. Фақат унда сал ўзгачароқ, юрагимда қалашиб ётган алам тошлари қарсиллаб вужудимни ларзага солган эди. Атрофга гумон ва алам билан назар ташладим. Гўё бошимга ёғилган кулфат тошлари худди турманинг маҳобатли иморатларидан, гав-жум, гувиллаб турган лоқайд кўчалардан ва қаерлардадир биқиниб ётган, ҳатто шакл-шамойилини ҳам тасаввур қилиб бўлмайдиган тасқара махлуқлардан отилгандай эди. Бу сафар эса... Уҳ, ҳаёт бунчалар тиниқ ва жозибали. Энтими кетдим. Гўё борлиққа биринчи бор назарим тушаётгандай эди.

Бир оқшом гўё бир умрга баробар бўлди. Умрда бошпаноҳим бўлган қўналға фақат хотирамда эмас, бутун вужудимда, ақлу идрокимда, зеҳну заковатимда тилсимий бир маъво бўлиб қолгандай. У билан маҳзун бир ҳолатда хайрлашар эканман, қалбимдан отилиб чиққан нидолар ёруғ кенгликда ажиб бир нур шаклида намоён бўлар ва олис-олислардан: «Хайр азизим, қўналгам, сен бўлмасанг ҳолим не кечарди!» деган акс садо элас-элас қулоғимга чалинади. Ахир, бу менинг товушим-ку!

Кўзланган манзилга етмоқ оғир, гар бўлмаса қўналға, олис маъволарга учолмасди қушлар жой топмаса қўнарға... Инсон-чи?

Бундай қараганда, инсон кўнгли ҳам қўналғадир. Мен ёруғ дунёда яшаб келаётган йилларим мобайнида орттирган ёр-дўстларим, барча яқинларимнинг кўнгиллари, уларнинг меҳр-оқибатлари олис манзилга учаётган қуш янгли руҳиятим учун ўзига хос қўналға бўлди. Уларнинг ҳаммаси жам бўлиб, мени асосий манзилим — ягона бир маънавий маъво сари рағбатлантириб, умид бахш этиб турди.

Юкидан енгилланиб, қанотларини сабуквор қоқаётган булутлар орасидан кўтарилаётган қуёшнинг илк нурлари саҳро юзига ажиб фархундалик бағишлай бошлади. Турфа сайроқи қушларнинг товушлари, шамол тўхтаганидан, ҳамишаги саҳро сокинлигига кечагидай таҳдид эмас, билъакс, эркалик, тантилик қилаётгандай, ҳаётга муҳаббат қўшиғини масрурона айтишаётгандай, менга йўл кўрсатишга чорловдай янграяпти.

Бешотарни елкамга илиб, қумга чиқишим кунини қўшиб ҳисоблаганда уч кун ҳам бўлмай, соқолим тиканаклашган юзимни қашиб, йўлга тушар олдидан оқшомги оғир дамларимда менга ҳамдарду ҳамроз бўлган қадрдон, бу тундагидай яшашга имкон бўлмасаям, бир оқшомга арзирлик манзили маъвом бўлган қўналғамга меҳр билан яна бир бор қарадим. Дилимдан Яратганга шукроналар селдай оқа бошлади: «Ўзинга беҳисоб шукр, эй, Яратган Эгам! Ҳодийи комиллигинга нечанчи бор иймон келтиришим. Илоҳим, бундан буён ҳам риёдан сақла, саҳву нуқсонларимни кечир, йўлимни равон қил, карамингни дариг тутма...»

Қорақум қўйнидаги паноҳимда кўп нарсаларни ўйлаб тонг оттирдим, ҳаётга, яқинларимга, ёру биродарларимга муҳаббатим ортди.

*Нурли йўли билан умр зийнатли,
Дўст билан нурафшон шамси, қамари.
Беададдур елкадошлик хислати,
Ёзиб адо этиб бўлмас самарин.*

Шу лаҳзада хаёлимдаги айрим саволлар шеърга айлана бошлади:

*Дунё кўриб этарман мушоҳада,
Нечун қўним топмасмиз бир шоҳада,
Яхши-ёмон юрмайлик ҳар соҳада,
Деймиз, дўстим, афсус еб гоҳ-гоҳида,
Мен қайдаман, сен қайдаю у қайда?*

*Ибтидода яралганмиз бир зайил,
Ҳамманинг ҳам вужудида обу гил,
Шамолу ўт, ўлчами, тарҳи бир хил,
Балки фарқ бор ўт, сув, шамол, тупроқда,
Мен қайдаман, сен қайдаю у қайда?*

*Билар, дунё ҳаммадан ҳам қолади,
Лек ким дўсти парвозидан ёнади,
Ким фойда-чун онасидан тонади,
Фарқ кўпмикан ё тандаги шамолда,
Мен қайдаман, сен қайдаю у қайда?*

*Муътадилмас ким меҳр-оқибатда,
Ким сотқиндир Ватанга, муҳаббатда,
Қандай жавоб бераркан охирада,
Фарқ кўпмикан ёхуд тандаги сувда,
Мен қайдаман, сен қайдаю у қайда?*

*Баъзан-баъзан вужудимда титроқдан,
Ҳайқирар сув ошиб ўзан, қирғоқдан,
Таним ловлар дўст ботирган тирноқдан,
Фарқ кўпмикан ё тандаги оловда,
Мен қайдаман, сен қайдаю у қайда?*

*Гоҳ жуңбушга келган ўй қайтар дайдиб,
Шамол настлаб, олов ўчиб, сув қайтиб,
Тупроқ ҳорғин йиғлар муножот айтиб,
Фарқ кўпмикан ё тандаги тупроқда,
Мен қайдаман, сен қайдаю у қайда?*

*Кел, эй дўстим, бир дақиқа тин олгин,
Комил Аваз сўзига қулоқ солгин,
То тириксан, дўстинга содиқ қолгин,
Лек кеч бўлар, ётармиз қай тупроқда,
Мен қайдаман, сен қайдаю у қайда?*

Нечоғлик даҳшатли бўлса-да, хужаста фаржом (оқибати яхши) хотиротим мулкига айланган бу адашишим қай бир маънода машқларимга ҳам таъсир қилди. Мен ўзимни гуё қайтадан кашф этдим. Сахрои қум қўйнида кечган бир қаро тун таассуротлари уч-тўртта шеър билан тугайдиган эмас. Негаким, бот-бот ўтказадиган уйқусиз тунларимни ҳисобга олсам:

*Ҳамдамим ишқ бўлди уйқусиз тунлар,
Ҳамдардим ҳайқириқ-ботиний унлар.
Жонпарвара жонфидойи жунунлар,
Сизга юкинаман, эй аҳли дардманд.*

*Кечикдим ёинки айни вақтидур,
Ҳижрон ҳам ошиқнинг балки бахтидур,
Висол оқишомлари шундан ёқтидур,
Сизга юкинаман, эй аҳли дардманд.*

*Ёзғитни ёқалаб ўтиб бўлмайди,
Қалбга бепарқ қараб ўтиб бўлмайди,
Не бахт дардсиз, Ё Раб, ўтиб бўлмайди,
Сизга юкинаман, эй аҳли дардманд.*

*Сарғайган япроқлар менинг таъвизим,
Ҳар оқишом ўзимга тилайман тўзим
Ва ҳар тонг айтурман такрорий сўзим,
Сизга юкинаман, эй аҳли дардманд.*

Булардан ташқари, ҳаётда нима муҳиму нима номуҳимлигини ўзимча ажрим қилиб олгандай бўлдим.

Бир оқишом минг оқишом эмас, деганларида балки, қумда адашиб, совуқ тунда на бошпана, на бирор ҳамдам, ёлғиз ўзинг ўз ёғинга қоврулиб, тонг оттиришни кўзда тутишмаган бўлсалар керак. Бир оқишомда тўзиб адои тамом бўлдим. Тўғри йўлни топгунимча ҳаяжонланганларим, билҳақ, ҳар соатда саксон марта ўзгариб турадиган баҳор нафаси уфураётган қишнинг бир тутам куни ҳадемай адоғига етади.

Шаҳдам юролмасам-да, қора булут орасидан гоҳ-гоҳ кўришиб қолаётган кўёш сал кўтарилгач, келган жойимни билдимки, Муҳаммад Раҳимхон Соний-Феруз ҳаёти ва ижодига бағишланган кўп қисмли «Сақили наво» видеофильмини суратга олган еримиздан икки-уч чақирим берида эканман. Узоғи билан пешингача қум этагидаги қишлоқ ёнидан чиқаман.

«Сақили наво»ни тасвирга туширишдаги кўрган озорларимни, ишонган дўстларимнинг пинҳоний қаршиликларини, ёрдам бериш, кўмаклашиш ўрнига ишни тўхта-тиб қўйишга уринишларини, сўнг уялмай-нетмай айрим раҳбарларнинг фильм битганидан кейинги сохта табрикларини ўйлашга юрагим чидамади. Лекин ҳеч нарсадан ҳайиқмай беминнат ёрдам бергани учун Рўздат ака Мадаминовнинг ўғли, дўстимиз Матёкуббойга чин дилимдан ташаккур изҳор қиламан, ўтганлар руҳини азиз тутган барча биродарларимизга ҳамиша азизу мукаррам бўлғайсиз дейман ва ўзимни юқоридаги дилсиёҳликлардан овутаман.

Ўша пайтларда вилоятимиз раҳбарлари менинг шеърларим билан айтиладиган кўшиқларни манъ қилгани беихтиёр ёдимга тушади. Буни-ку кўяверинг, вилоятга бошлиқ бўлган битта аллома (асли қурувчи) артистларни «мас-

харабоз», театр репетицияларини «тренировка», «бир кунлик пахта териш нормасини бажариб қўйиб, кечкурун бамайлихотир жума намозини ўқиш мумкин, терим айна қизиган пешин маҳали мачитга жам бўлиш шарт эмас» деганига на куласан, на куясан! Бари бир-бир хаёлимдан ўтади.

Ҳаётнинг гўзаллиги, мушк иси янглиғ руҳафзо шамойиму шамомалар, осмонупар тоғлардан елиб келадиган шалолалар, ризку тириклик бахшида этмиш наҳру уммонлар, толиқиш нелигини билмайдиган Шамсу Қамар, Оллои таолонинг ёғдирмиш баракотларидан баҳрамандликлар, бари-бариси аҳли дардмандга малҳам, белларга қувват, бани одам дилларини доруламон, дурафшон, йўлларини нурафшон этгувсидир...

Ана, қишлоқ уйларининг мўриларида осмонга ўрлаётган тугунларни энди кўраётгандек суқланиб қарайман, олис-яқиндан итларнинг ҳуришларини энди эшитаётгандай тўхтаб-тўхтаб қулоқ тутаман. Саҳрои қум нақадар файзли, яшаш қандай яхши! Кўпчилик оғзидан бол томиб мақтайдиган Алп тоғларининг энг гўзал гўшаларига қадрдон барханларимнинг бир ҳовуч қумини ҳам алмашмаيمان, чунки бу ер мен туғилиб ўсган, ўлсам-да бағрига оладиган она юртим — Ватаним. Мен туяўрқач барханлардан ошиб борарканман, икки кунда киртайиб кетган кўзларимни каттароқ очиб, бепоён кенгликларга, бошим узра тиниқлашиб бораётган мовий осмонга суқланиб қарагим келади, қаддимни ростлашга уринаман...

Шўркўл тарафга галалашиб учиб ўтаётган олмабош ўрдакларга ҳавасим келади, лекин ҳозир орқага қайтгудай ҳолим йўқ.

Ҳар ер-ҳар ерда ҳовлилари сийрак жойлашган қум этагидаги ўбага киргач, итларнинг нафасини қайтарган нарса елкамдаги бешотар милтиқ бўлса керакким, ҳар тугул ҳайиқибми ё менинг беписандлигимданми, хуллас, улар ташланишлари бефойдалигини сезишиб, аввалига унча-бунча ҳамла қилишгандай бўлишди-ю, кейин ҳар қайси ўз-ўз билан андармон бўлиб тарқалишди.

Умримда биринчи маротаба соқол-мўйловимни эрта-лаб қиртишламай, маҳси-қалишда, чопон устидан милтиқни елкамга осиб юришимдан андиким (ғашим) келаётган бўлса ҳам, чекка қишлоқ йўлида, бошимни баланд кўтариб одимлашга ҳаракат қилдим. Қумдан чиқаётганимда бир оз тиниқлашган осмон яна аста-секин тундлаша бошлади. Намчил, қиш охирлашига қарамай изғирини обдан чимчилаётган рутубатли кунда одамлар эшиклари олдида кам кўринаётган бўлсалар-да, қишлоқ ўз тирикчилиги билан машғул. Бу қишлоқ одамлари дайди овчиларни кўравериб дийдалари қотиб қолганига қарамай,

назаримда, кимлардир менга қандайдир мубҳам ҳадиксираш билан боқаётганларидан ўнгайсизлана бошладим. Бирор кўлик йўлиқса, дарҳол жунаб қолсам дейман, устига устак қувватим ҳам ҳамин қадар.

Уйидан кичкинагина ўғил болани етаклаб чиққан йигирма беш ёшлар чамасидаги кўҳликкина аёл йўлни кесиб, қаршидаги ҳовлига ўтмоқчи бўлдими, болани қўлига кўтарди, лекин олдимдан ўтишни ўзига эп кўрмади шекилли, тўхтади. Менинг юришим эса, айтганимдай, бошим баланд бўлгани билан қадамим суст. Атайлаб секин юрмаётганимни у қаердан билсинки, шартга ўтиб кетаверса. Йўқ, сабр билан, токим яқинлашганимча икки-уч маротаба сиртдан бефарқ кўринсам-да, аслида, аёлнинг бошидан оёғигача синчиклаб қарадим. Аввалам бор, ҳурматимни жойига қўйиб, йўлимни кесиб ўтмаганидан меҳрим бир ошган бўлса, унинг юзидаги тиниқлик, сочларини елкаси оша икки ўрим ташлаб қўйиши бирён-у, сочини ғажак қилмай, оддийгина, момолардай ўртасидан фарқ очиб қўйгани ўзига ярашиб тургани мени мамнун этди. Буларнинг бари унга қандайдир беғубор соддалик ҳам ато этганини айтмайсизми. Биринчи бўлиб салом бердим.

Қиз ҳайратланганча:

— Ас-салом, — деди.

Менинг ҳамиша биринчи бўлиб салом беришим Аваз-ёз отамдан ўтган. Отамга ҳам қишлоқда ҳеч ким биринчи бўлиб салом беролмаган. Каттами-кичикми, барибир, отам биринчи бўлиб салом берган. Бу исбот қилиш лозим бўлмаган одатга айланган. Қишлоқда бу таомилни ўзгартириш учун кўп уринишган, лекин отам қай бир лаҳзаларда салом берувчини доғда қолдираверган.

Ҳозир ҳам аёлнинг ҳайратланиши ўринли, чунки нима қилгандаям менинг ёшим анча катта ва ўзбекона удумга кўра аёл биринчи бўлиб салом бериши керак эди. Ҳойна-ҳой, менинг ғарибона кўринишим таъсир қилган бўлса ажаб эмаски, у менга кўп ҳам синчковлик билан нигоҳ ташлаб турмади-да, тез-тез юриб йўлнинг нариги бетига ўтиб кетди.

Одоб — дил кўрки. Оддийгина қишлоқ аёлининг олдимдан кесиб ўтмай, қисиниб-қимтиниб туриши, ҳали миллатнинг қадим қадриятлари, иффату ҳаё бобидаги тенгсиз баркамоллиги барҳаёт, ўзбек ўзининг неча минг йиллик удумларини табаррук туғ янглиф боши узра баланд кўтариб яшаяжак.

Ҳазин паришонликдан сиқилган юрагимга андак равшанлик ингандай бўлди. Азроил билан юзлашишимга бир баҳя қолган дашти-қумдан эсон-омон чиқиб келаётганимдан севинч туйғуси вужудимга ёйила бошлади.

Ўйлар билан бўлиб, эскигина, шалоғи чиққан «Москвич» машинаси шундай ёнимга келиб тўхтаганини сезмабман. Ҳайдовчи йигит дарғазаб бўлиб менга бақиряпти:

— Нима бало, қулоқ борми ўзи?! — Унинг важоҳатидан ҳайратландим, холос. Ҳайдовчи йигит менинг ёшимни тўғри тахмин қилмаётганиданми ёки «сиз»лаб сўзлашга бўйни ёр бермадими, яна дағдаға қилди. — Йўл уртасида бало борми? Шунча «дудут»латсам ҳам эшитмайдиган қулоқни кесиб ташлаш керак. — Мен шошилмасдан киссамни кавлаб паккини чиқардим, индамай унга узатдим ва бўйнимни эгиб, ол, кесақол, деган маънода чапён қулоғимни тутдим. Йигит сал ҳовуридан тушган бўлса керак, ажойиб бир гап айтди: — Ҳукумат, аварияда ўлган манглайи қора бир афтодаҳол одам экан деб қарамайди, бутун бошли бир инсонни бостирибсан, деб менга энг камида саккиз йил беришади... Э тушунмаган банда!

На рўпарадан, на ёнбошидан машина тугул, бирор араваём ўтмаётган йўлда одам бостиришга бало борми деб ётқизиб ураверсанг, ҳаҳ!

Майли, одамга ўхшаб яшагиси келаётганига шукр қилдим, бақирса бақириб олсин-чи. Қўйиб бердим. Бошқа гапирмади. Ҳатто мenden нега гапирмайсиз деб сўрамади-ям. Бир томонлама «гурунглашганимизча» ўчиб қолган дурундалетини ўт олдирмоқчи бўлди. Бари уринишлари зое кетди. Мен аста йўлимдан кета бошладим. Овоз чиқариб бирор оғиз сўз айтмаганимга негадир бехосдан севи-наман. Кимсасиз, амдолливилон (равон) қишлоқ йўлида гаплашишга одам йўлиққанидан эсанкираган, ўзича билмдон, аслида, бир довдирга сўз зое қилмаганимдан завклана бошладим.

Ниҳоят, машинасини шалақ-шулуқ юргизиб менга тенглашди, ўнг томондаги ойнани тушириб:

— Тил борми, тил? — деб бақирди тилини кўрсатиб.

— Узунгина экан, — дедим тилига ишора қилиб.

— Ўтиринг! — деди беписандлик билан, худди менга дунёни олиб бераётгандай.

— Шу афтодагами?

— Вой, сассиқ бурун-ей, ўзим бир пул, ҳазим минг пул десангиз-а!

— Шукур, одамга ўхшаб сўзлаб билар экансиз.

Йигит беписандлик билан жилмайди.

— Биз гапирдигу, сиз баҳолайдиган бўлдингизми ҳали? Биласизми, мен тракторчилар курсини аъло баҳоларга битирган, колхознинг олд тракторчисиман! Ўтиринг, мен сизга Маҳтумқули ким эканини айтиб бераман.

Тракторчилигига Маҳтумқулининг нима алоқаси бор экан, яна томдан тараша тушгандай нега Маҳтумқулини

айнан менга гапиряпти? Ё менинг шеъриятга алоқадор-
лигимни билармикан? Ундай бўлса, дағдаға қилмасди.

— Бригадирингизми, Маҳтумқули деган?

Йигит бирдан шарақлаб кулиб юборди.

— Поҳ, ўқимагаң-ей! Маҳтумқулини билмайдиган ҳам одам бор экан-ов! Йўқ, тилло берсангиз ҳам мен сизни дулдулимга миндирмайман! Маҳтумқули бригадирингизми эмиш-а! Йўқ! Миндирмайман! Кетаверинг пиёда! — аллақандай шиддат билан машина тезлигини оширмоқчи бўлди, бироқ газ бериши билан машина тақа-тақ ўчиб қолди. Мен эса у тарафга қайрилиб ҳам қарамай, йўлимга кета бердим.

У машинани ўт олдириш учун анча чиранди, фойдаси бўлмади. Орқамга қарасам, машинадан тушмай мунғайиб ўтирибди. Илгариги важоҳатидан асар ҳам йўқ. Уни шу аҳволда ташлаб кетишга кўнглим бўлмади. Орқамга қайтдим.

— Италайми, ё шатакка олиб тортайми?

У менинг гапимни ростга қабул қилди.

— Қани, бир италанг-чи!

Ноилож машина орқасидан итара бошладим. Қувватим бўлгандаям бир гап эди, аммо шу аҳволда, бу-ку эски, тепса-тебранмас «Москвич», яп-янги, бунга қараганда анчагина енгил, қурбақасимон «Запорожец»ни ҳам жойидан кўзғатолмасдим. Барибир, бор кучимни тўплаб сал бўлсаям ўрнидан кўзғатдим.

— Сиз ўтиринг рулга, мен италайман, — деди у машинадан тушиб.

Бешотарни машинанинг орқа ўриндиғига ташлаб, ҳайдовчи ўрнига ўрнашиброқ жойлашдим. Шофер томондаги эшикнинг ойнаси ҳам синиқ экан, йўқса сал кўтариб, шамолдан паналанмоқчи эдим. Бир нафас бўлсаям оромда. Йўқ, оромга йўл бўлсин, «Скоростдан олинг, скоростга қўйинг» ва ҳоказо «йўл-йўриқлар» билан машинани хийла жойгача итариб борди. Қани, машина миқ этса, бир арава темир. Ўзи кайфиятим сал нарсага пачаваси чиқадиган ҳолда, яна бузуқ андавага дуч келишимни қаранг. Йўлинг бўлмаса, йўл тораявераркан. Қачонлардир битганим бир рубой эсимга тушиб, беҳолгина кулимсирадим.

*Нодон оёғини суяр, дейдилар,
Бошин ишлатмайин юрар дейдилар.
Шу боисми, шавла есанг нодон ила
Оёғингни таги куяр, дейдилар.*

Йигит ҳам чарчади. Бепарвогина қаддини тиклаб, нажот излагандай чор тарафга разм солиб, пешонасини

уқалай бошлади. Мен ҳам машинадан тушиб, унга қўшилиб бир оз алангладим. Дарҳақиқат, бу йўлда бугунгидай кам қатновни биринчи бор кўриб турганим боис бепарволик билан сўрадим:

— Бугун бозор эмасми?

— Тўнингизни сотмоқчимисиз? Бозорга ҳали яна уч кун бор! — «қанақа беъмани одам экансиз» демоқчи бўлдим, йигит бир ўқрайиб қаради-ю, яна машинаси билан андармон бўлди. Бешотарни елкамга осдим ва ҳар нечук жимгина жўнаб қолмаслик учун дилини оғритмайдиган алфозда аста сўрадим:

— Шундай бедавони миниб қаёққа бораётгандигиз?

— Нималар деяпсиз, — кўкрагини керди йигит, — бу дулдул билан яқинда Тошкентга бориб келганман, тракторимга эҳтиёт қисмлар олиб келганман. Э, бу билан Масковга ҳам бориб келса бўлади, лекин бугун негадир йўлим бўлмаяпти. Балки...

— Мендай йўли йўққа йўлиққанингиздандир.

— Йўқ, бораётган жойим қалтис, висол!

— Қайси буларда?

Йигит бирпас анграйиб турди-да:

— Тушунмасангиз, ҳазиллашманг! Буларда эмас, — деди. Менга қарамай қўлини боши устида силтади, — у ёнда, гаражда! Янги трактор келган эмиш!

У менга яна совуқ нигоҳ ташлади-да, индамай машина копотини очди ва энгашиб қуймалана бошлади. Мен қандай қилиб жўнаб қолсам экан, деб ўйлаётгандим, у копотдан бошини чиқармай тўнгиллади:

— Утиринг! Машинанинг қалитини буранг!

Бу сафар бешотарни елкадан олмай машинага омонатгина ўтирдим. Аккумулятор ўтириб қолган эканми, қалитни қанча бурамай базур хириллашдан нари ўтмади. Энди бу йигитни ташлаб кетишим мумкин бўлмай қолди. «Бўпти, омадингизни берсин» дея жўнаб кетсам ҳам бўлаверарди, лекин беғаразлигиданми, табиатан андак такаббурлигиданми, ўзини жудаям билимдон санашини синдиргим келмади. Кейин менда бошқа бир оддий, инсонларга хос қизиқувчанлик неча бор ҳаёлимдан ўтсам, негадир сўз бошлашга ийманиб сўрагим келвермади. Маҳтумқулини тилга олганида, хайрият, мени таниркан, қумда адашганимниям билса керак, деб ўйловдим. Йўқ, танимади. Боринги, танимасин дейлик, барибир, совуқ хабарнинг қаноти бўлади, дер эдилар. Наҳотки, куни-кеча тирик бир инсон шу яқин ўртадаги қумда бедарак адашади-ю, қум чеккасидаги қишлоқда бирор кимса бохабар бўлмаса? Наҳотки, менинг ишонган дўстларим шов-шув қилиб, вертолёт учириб, оту эшакда

излашмаган бўлса? Қумдан чиқишим билан одамлар мени ўраб олишади, табаррук этиб сийпаб-силашади, кимдир уйимга хабар бериб суюнчи олади, деб ўйлагандим. Ё тавба! Бу қандай бемеҳр замон бўлдиким, қадринг қисир қўйнинг туёғидан ҳам паст бўлса? Майли, дўстларим совуққонлик қилишгандир, уйимдагилар-чи, қариндош-туққанлар-чи?.. Бобом бошини сарак-сарак қилиб ўзига хос дониш оҳангда бот-бот айтгучи эдилар: «Қариндошларда меҳр йўқ, қора шўрвада бир дуюр йўқ». Замо-на яхши-да, ҳозирги ёшлар наинки дуюрни (кичиккина суякли гўшт парчаси), балки қора шўрвани ҳам билиш-майди. У замонларда қора шўрва деганларида энг арзон таомни ҳам пиширишга қурби етмасликни надомат билан қайд этгучи эдилар.

Барибир, кўнгил-да, машинасини юргизолмай хуноби чиқиб турган йигитдан ўсмоқчилаб сўрадим:

— Қумда кеча бир одамни адашди дейишаётганди, топишибдими, эшитмадингизми?

У ниманидир ўзича хиргойи қилиб, оғиз учида хуштак чала бошлади ва «нима гап?» деб сўрагандай хуштаги оҳангида бошини ирғади.

Қайтариб сўрагим келмади. Демак, эшитмаган. Тўғрида, ҳали энди тонг отди-ю, худди кеча оқшом оламшумул фожа юз бергандай сўрашимдан ўзим уялиб кетдим. Бешотарни елкамда тўғрилаб кета бошладим. Йигит орқамдан хуштак чалиб мени ўзига қаратди ва шу алфозда яна хуштаги оҳангида «қаёққа?» дегандай бошини ирғади. Индамай кетавердим. «Кетсанг, кетабер» деяётгандай яна хуштак чалиб қўйди. Балки, «майли, кетаберинг, ҳозир машинамни ўт олдириб орқангиздан етаман» деяётгандир, лекин менга унинг хуштак оҳанги «кетсанг, жаҳаннамдан нарига» дегандай эшитилди.

Хийла юриб орқамга қарасам, машина кичрайиб, сўнг кўздан ғойиб бўлди. Ҳайратдан ёқамга туфладим. Мен тек турган бўлсам, нега машина кўздан ғойиб бўлади? Ё беҳолликдан кўз олдим қоронғулашдимикан? Кўзларимни ишқадим, яна қарадим, йўқ, машина кўринмади. Тезроқ катта йўлга чиқиш керак, йўқса мана шу йўл четида йиқилиб қолишим ҳам мумкин. Яна ўзимга келгунимча қоронғи тушиб қолса, бу аҳволда бировнинг эшигини қоқиш ҳам осон эмас. Унинг устига, осмонни яна қуюқ булут қоплай бошлаганидан гир атроф қоронғулашгандай бўлди. Рутубатли осмонга қараб хўрлигим келди. Бирдан шу лаҳзалардаги ожизлигимдан жиркана бошладим, ўзимни қўлга олиш учун бор вужудим билан кескин силкиндим. Кўз олдим равшанлашди. Аз-Замахшарий: «Олам узра шундай юргинки, то бутун оламнинг елкасига оёқ қўйгандек бўл, шунда жами махлуқотдан устун бўлурсан», де-

ганлар. Қадамимни баҳоли қудрат дадил ташлаб кета бошладим.

Орқадан машина овози келди, йўл четига чиқдим. Яна ўша шалтоқ «Москвич». Тўпори йигит боши билан «машинага ўтиринг» ишорасини қилипти. Бир оғиз индамасдан, беписандлик билан бошини ирғаб ҳукм қилишидан жаҳлим чиқди. Кувватим бўлса-ку, машинасига тупурардим, лекин чорасизлик машина эшигини очишимга мажбур қилди. Индамай йигит ёнига ўтирдим. Машинанинг олд ойнасига майда ёмғир томчилари урила бошлади. Буни қарангки, ёмғир шиддати зўрайиб, йўл кўринмай қоляпти-ю, йигит ҳеч гап бўлмагандай, машинанинг ён ойнасидан бошини чиқариб, бемалол елдирыпти, ҳатто машинасининг ойнасида ёмғир тозалагичи ҳам йўқ. Бекор, имиллаб бўлсаям, индамасдан ёнма-ён ўтириб кетишимиз қандайдир ўнғайсиз туюлганидан бепарво оҳангда сўрадим:

— Исмингиз кимдир, жўра?

— Исминимни нима қиласиз? Абди!

Бу довдир фалокатга энсам қотганини сездирмадим. Машина бир-икки туртиниб ўчиб қолди. Йигит ўзича бир нималар деб сўкинди-да, стартёрни тинимсиз босиб турди. Ҳавоям айнигандан-айниб, тунда майдалаб ёққан қор аввалига йирик-йирик бошланди-да, сўнг ёмғирга айланиб, қуйиб ёға бошлади. У жазавасини босолмай бошини ойнадан чиқариб, осмонга қаради ва тезда бошини ичкарига олди.

— Осмоннинг оғзи очилди, — деди аламзадалик билан. Яна стартёрни босди. — Сосот бўлди, тўрт-беш минут кутамиз, — кимга айтяпти, биров унинг гапига қулоқ соляптими-йўқми, унинг билан иши йўқ. Менга ўгрилиб совуққина деди: — Гап топинг...

— Гап йўқ, — дедим. Негадир унинг терс ҳаракатлари энди гашимни келтирмас, аксинча, унга ғайритабиий бир ҳолатда қизиқа бошладим.

— Ўтиришма кўрмаган саройи (сахройи) экансиз, билиниб турибди... Ёмғир ҳали-вери тинмайди. Машина сосот бўлган, кутиш керак...

— Бир гап бор, — дедим унга раҳмим келиб, — ривоят айтиб берайми?

— Аникдутми?

— Дим аса, анекдот... Баҳоуддинни биласизми?

— Баҳоуддин эмас, Баҳовуддин балоғардон. «Муродингга етай десанг агар тез, Баҳовуддин балоғардонни тилдан қўйма ҳаргиз».

— Ривоят шу ҳақда... — дедим, унинг билан баҳслашиб ўтиргим келмай.

Ривоят

Амир бир куни Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларини меҳмонга таклиф қилмишлар. Ҳазрат кетаётса, йўлда шоҳона безатиглиқ отини гижингладиб бир бойвачча йигит ҳам амир зиёфатига бораётган бўлади. Бойвачча йигит отининг жilовини сал тортиб, беписандлик билан ҳазратга қарайди:

— Қани, бобо, бир гурунг беринг.

Ҳазрат бу беандиша йигитдан ранжиганини сездирмайди:

— Мен бедаромад сўз айтмайман.

— Ҳаққини тўлаймиз, ташвиш қилманг, бобо! — бойвачча виқор билан чўнтагини ковлаб, бир пул узатади. — Мана!

Абди машина копоти ичидан бошини хиёл кўтариб, жаҳл аралаш сўзимни кесди.

— Ёлғон, бўлмаган гап! Балогардон ҳеч кимдан ҳеч нарса олмаган, ҳиммат этган!

— Тўғри, лекин бу ибратли ривоят, — дедим, унинг жўяли гапидан кўнглим кўтарилиб. У яна машинаси билан андармон бўлаверди. Бироқ, ривоятга қулоқ қўяётганига гумонсирамай давом этдим: — Шундай қилиб, ҳазрат бир пулни олади-да: «Нотаниш одамни кўрсангиз, аввал исмини сўранг», дейди ва яна жим кетаверади.

— Шуми? — ҳайрагланиб сўрайди бойвачча.

— Бир пулга лойиқ гап шу, — дейди ҳазрат бойваччага қарамай ҳам.

Бойвачча яна бир пул узатади.

Ҳазрат бу пулни ҳам олиб:

— Борган жойда ҳамиша ўрнингизни билиб ўтиринг.

— Хўш, давом этинг.

— Бир пулингизга лойиқ гап шу.

— Бобо, сиз қизиқ одам экансиз-ку, — дейди-да, бойвачча яна бир пул беради.

— Яроғингиз билан ҳеч қачон мактанманг, — дейди ҳазрат бойвачча берган бир пулни олиб.

Баҳоуддин ҳазратларининг бу янглиғ жўн туюлган сўзларидан қоникмаган бойвачча отига қамчи уриб, йўлни чангитганча жўнаб қолади.

Бойвачча тез орада амир даргоҳига етиб боради. Баҳоуддин ҳазратларининг кечикаётганидан андак безовталанаётган амир, кимки Баҳоуддин Нақшбанд келганини биринчи бўлиб айтса, тилаганча тилло беражагини билдиради. Лекин ҳеч кимдан садо чиқмайди. Бойвачча йигит эса йўлда учратган чолнинг Баҳоуддин эканини ўйлаб ҳам кўрмайди. Унинг исмини сўрамаганидан пушаймон ҳам бўлмайди.

Алалхусус, бирин-кетин меҳмонлар кела бошлайди. Бойвачча йўлда учратган ҳалиги чол ҳам келади. Амир унинг йўлига пешвоз чиқиб кутиб олади. Шундан сўнг меҳмонлар ичкарига таклиф қилинади. Бойвачча шошиб амир ёнидан жой олади ва ўзидан сўнг кириб келган вазирга илтифот билан жойини беради, кейин бошқа аркони давлатга ўрин бўшата-бўшата пойгакка тушиб қолади. Баҳоуддин Нақшбанд ҳам иззат-икром билан юқорида ўтқазилгач, йигитнинг жаҳли чиқади. Бу янглиғ адолатсизликдан газаби қайнаган бойвачча савлати улуг, супраси қуруқларга ўзининг бадавлатлигини кўрсатиш чорасини излай бошлайди ва ниҳоят, шундай маврид ҳам келади. Сергўшт палов сузилади. Ҳар тавоқ устига бир-иккита баракотли суякли гўшт қўйилган. Ана шу суякни гўштдан ажратишга мўлжаллаб бойвачча ёнидаги дастаси зумрад билан безатилган тилло ханжарини қинидан суғуриб чиқаради-да, виқор билан дастурхон четига қўяди.

Ханжарни кўрган баъзи меҳмонларнинг кўзлари қинидан чиқаёзади. Баъзилари ҳасадини яшириб, мулойим жилмайганча ноёб ханжарга назар солишади. Амирнинг ёнида ўтирган вазирнинг-ку оч кўзлари олайиб, нима қиларини билмай қолади. Меҳмонларнинг нигоҳи ханжарда. Вазир амирнинг қулоғига аста шипшийд:

— Менинг йўқолган ханжарим пайдо бўлди, амирим!

— Қани? — дея сўрайди амир вазир кўрсатган тарафга нигоҳ ташлаб.

— Ана, бойвачча гўшт майдалаш учун чиқариб, дастурхонга қўйди.

Амирнинг даҳшатли важоҳатини кўрган даврадагилар ошга қўл узатишини ҳам, узатмаслигини ҳам билмай доддираб қолади.

— Ушланглар уни! — Амирнинг ҳукмидан одамлар бир қалқади.

Хизматга шай турган йигитлар эшик оғаси ишораси билан нималар бўлаётганига ақли бовар қилмай анграйиб қолган бойваччанинг қўлини орқасига қайириб, меҳмонхонадан олиб чиқиб кетадилар ва зиндонга банди қилдилар.

Ваҳимали суръатда ўтган зиёфатдан сўнг Баҳоуддин ҳазратлари вазминлик билан амирга юзланади:

— Рухсат этсангиз, шу бойвачча ётган зиндонга мени ҳам банди қилсалар.

— Нега? Нима учун? — Ҳайратланиб сўрайди амир.

— Бойвачча билан бедаромад сўзлашадиган гапим бор эди.

— У баттол ўғри билан бирга зиндонда ётиш нечун даркор бўлди сизга? Эртага биз уни дорга осурмиз! Бўпти, Сизга бир муҳлат сўзлашиш учун рухсат берурмиз!

Амирнинг ҳукми қатъийлигидан ташвишлана бошлаган ҳазрат:

— Сиздан шу илтимосимни бажаришингизни ўтиниб сўрайман, бугун учрашмоғим жуда зарур. Бир оқшомгина шу бойвачча йигит билан зиндонбанд бўлишимга рухсат қилгайсиз, — дея амирдан сўрайди.

Амир ҳазрат Баҳоуддинга ҳурмату эҳтироми беқиёсلىгидан иложсизланиб, унинг бир оқшом зиндонбанд бўлишига рухсат этади.

Пошшоблар ҳазратни бойвачча ётган зиндонга банди этадилар. Ҳазратнинг зиндонга тушишидан бойвачча унча ҳайратланмайди, фақат тил учида йўлдаги кўрслиги билан сўрайди:

— Сизни нимага банди қилишди?

— Сиз учун, — дейди ҳазрат хотиржамлик билан ўрнашиброқ ўтирар экан. Аслида, «сизнинг бефаросатлигингиз учун» демоқни тил учига келтирган ҳазрат ўзининг орифона одоби юзасидан йигитнинг кўнглига озор бермаслик учун бир оғиз «сиз учун» деб қўя қолади.

— Нега мен учун? — қаҳрланади бойвачча.

— Уч пуллик гапнинг биттасигаям амал қилмадингиз. Энди бепул бир насиҳат айтмоқни лозим кўрдим, токим ҳаётингиз хавф остидан чиққай. Аслида нохуна одамнинг кўзини Яратганнинг ўзи очади. Камина воситачиман, холюс.

Аввалига иккаласининг гапи унча қовушмайди. Бойликлари отамерос бойваччага, мисқоллаб йиғилган мол-мулкни шамолга совуриш буюрилганини ҳазрат йўлдаёқ фаҳмлаган эрса-да, ҳовлиқма бўлсаям, ўн гулидан бир гули очилмаган йигитнинг умри зое бўлиб кетаётганидан, энг муҳими, мана, сидқидилдан қасам ичяпти, магарам, қасам ичмаганида ҳам юзу кўзидан шундай кўришиб турибди, тилло ханжар ўзиники, у ўғирламаган, аксинча, очкўзлиги билан элни безовта этаётган вазирни жазолаш пайти келгани боис бир оқшом зиндонбанд бўлганига ҳазрат ачинмайди. Бора-бора ҳазратнинг пок нафасларидан бойваччанинг такаббурлиги йўқолиб, жўнгина тўпори йигитга дўнаётганидан, амир доридан омон қолса, Ҳақ йўлида умргузаронлик қилишга талпинаётганидан ҳазратнинг кўнгли ёришади. Қандай насиҳат қилмоқчи эдингиз ёки қани, айтинг бепул насиҳатингизни, деб қисталанг қилмаганидан янада хотиржам бўлади ҳазрат ва тонгга яқин ушбу ҳаётбахш насиҳатини айтади:

— Жазонгиз оғир, ўғлим. Сизни вазирнинг тилло ханжарини ўғирлашда айблашяпти. Амир ҳукми бажарилишидан олдин: «Сен вазирнинг тилло ханжарини ўғирлагансан! Шу айбингга иқрормисан?» деб сўрайди. Шунда дадиллик билан: «Ҳукмдорим, ҳар неки жазонгизга тай-

ёрман, лекин бир қошиқ қонимдан ўтинг, гумонингиз тўғри, тепамда Худо бор, ханжар меники эмас, аммо мен уни ўғирлаган эмасман, отамни юрагидан суғуриб олганман. Бироқ, қотил ким, отам юрагига санчилган ханжар эгаси ким? Ана шу мудҳиш савол мени ҳамиша қийнаб келарди ва қайга меҳмондорчиликка борсам, отамнинг қотилини топиш учун ханжарни чиқариб дастурхонга қўяман, мана шу ханжар меники дейдиган одамни топишим учун шундай қиламан», дег.

Аввалига гап нима устида бораётганини англолмаётган бойвачча йигитнинг кўзлари ҳазратнинг ушбу сўзларидан кейин ялт этади.

Эртасига дор тагида ҳамма нарса ойдинлашади. Ҳазрат Баҳоуддин ўргатган савол-жавобдан кейин такаббур йигитнинг боши омон қолади, очкўз вазир дорга тортилади...

Ривоятни айтиб, секингина ҳамроҳимга қиёлаб назар ташладим. Бирор туки ўзгармаганига ҳайратландим. Балки менга шундай туюлгандир? Балки у шу хусусда ботиний бир нарсаларни мушоҳада этаётгандир? У индайвермагач, яна бошдаги саволимни такрорладим:

— Шундай қилиб, исмим ким дедингиз?

— Топдим! Шиланка тиқилган! Бензин ёмон. Ўзи юрда эга қолмади. Ёмғир сал сайпалсин, «пуф»лаб юборамиз.

Унга ҳикоят айтиб, недандир хабардорлигимни билдирганимдан афсусландим. Лекин кўнглим оғринганини сездирмадим.

— Бу қишлоқда менинг Абди уста деган қариндошим бор.

— Бу қишлоқда мендан бошқа Абди йўқ!

— Энди Пирнахос катта қишлоқ. Ҳаддингиздан ошаверманг-да!

— Пирнахос ҳали олдимизда. Ана у ерда, айтганингиздай, бор Абди деган уста! Уктам бригадни оғасими, ахир?

— Ҳовва.

— Уй қурадиган устами?

— Ҳовва.

— Маҳтумқуличими?

— Топ ўзи!

— Танайман!..

Нима бало, бу жинними, ё соғми?

Латифа

Бир ўғрини ҳовлиққанча қувлаб келаётган йигит ёши улғуроқ одамдан сўрайди:

- Шу ердан биров югуриб ўтиб кетмадими?
- Бўйи калтароқми?
- Ҳа!
- Эғнида кўкимтир курткази ҳам борми?
- Ҳа-ҳа.
- Оёғида бўрка этикми?

Қувлаб келаётган ўғрининг барча аломатлари тўғри келаётганидан севинган йигит:

— Ҳа-ҳа! Худди ўзи! — деса, ҳалиги одам, чўнтагидан носқовоғини олиб, чап кафтига бир отим нос ташлаб, ўнг қўли бармоқ учлари билан бир чимдимини олиб, бурнига бир-икки донасини тиқиб: — Йўқ, кўрмадим, — дермиш.

Латифани аввал жиддийроқ, сўнг завқ билан эшитган Абди кулганича:

— Ишонмаяпсиз-а? Уни танимаслигим ҳақ, лекин зўр уста деб эшитаман, — деди ва бир лаҳза маънодор тин олиб, сўнг қўшиб қўйди: — Унинг Маткарим балиқчи деган дарвеш шериги ҳам бор. Уям бир талатўм, Умар Хайёмчи. Умар Хайёмни юз фоиз ёддан билади, сайл бўлса бўлди, талашгани-талашган.

2

Хоразмда «қум сайли», «қўл сайли», «туз сайли», «дарё сайли», «қовун сайли» иборалари худди «никоҳ тўйи», «суннат тўйи», «бешик тўйи» деганларидай ниҳоятда ардоқли ва ниҳоятда баравж талаффуз этилади ва ушбу сайлларда қатнашиш ҳамиша дилларга ўзгача бир шукуҳ баҳшида этади.

Ёзнинг энг жазирамали кунларидаям «оёқ»нинг туманида, олдидан «Дарёлиқ»қа қўшиладиган заҳкаш оқиб ўтадиган, «кийик кўпир»нинг қибласидаги бир томони баланд барханли қумга туташ Маткарим балиқчининг одмигина чертаги (чайласи) дам олиш кунлари ҳеч одамсиз бўлмайди.

Маткарим балиқчи Абдирим устанинг зиёфатдош ош-наси бўлсаям, боришимизни олдиндан хабардор қилиб, ўринни банд этиб қўяди. Кейин яна неча бор тайинлайди: «Хў каллаварам, эсингда тут, янаги бозор Комилжонлар келишмоқчи, чертакингни бошқа бировларга ваъда бериб қўйма! Балиқни қазодан олиб, бойлаб қўй!»

Иссиқда оз ичилар деб бир сафар беш киши бор-йўғи икки шиша ароқ, бир шиша коньяк олиб чиққан эдик. Маткарим балиқчидан бўлак беш киши бўлганимиз билан мен рулдаман, машина ҳайдаман, ичмайман. Яна бировимиз қон босимим бор, ичмайман, деб манзилга етгунча норозиланиб борди. Шунда тўртовига уч шиша, иссиқ ҳам ўтгиз саккиз-қирқ даража, атрофда «ғир» эт-

ган шабада йўқ. Ўлтириш аста-секин қизигандан-қизиб, тўртгалови бир-бировига гал бермай «ҳа-ҳу» деганча бари ичимликни адо қилишди. Маткарим балиқчи бирдан ҳаяжонланиб ушбу тўртликни бўгинларига бефарқ ўқиб ташлади. Ундан, бу мулк кимники, деб сўрасам, Худо билади, бир вақтлари кўзим тушиб, ёқиб қолган эди, ҳар замон-ҳар замонда бир айтиб қоламан, деди.

*Кўриб ибрат олмаган кўз кўрдир,
Еган таом лаззат бермаса шўрдир.
Бир умр ечмаган чопон кафандир,
Жиҳози ўзгармаган хона гўрдир.*

Маткарим балиқчи шеърни тамом қилиб-қилмай, ичкиликдан анчайин қулоғи қизиган Абдирим уста жўрасининг тўртлиги охиридаги «гўр» сўзини эшитибоқ, ўзини тўхтатолмади ва «Гўрўғли» достонидан бир парчани даврага мослаб завқ билан бошлади:

*Югирик отга баланд надир, паст надир,
Ғўж йигита яроғ надир, даст надир.*

Абдирим уста анчагина ичилган ароқдан қизарган кўзларини шўхчан ўйнатиб, бир тиззасига турди-да, ўзига хос танги табассуми билан даврадагиларга бир-бир қараб, Гўрўғли айтимчилигини давомини ўлтириш руҳида, қадаҳлар ўлчами билан қофиялаштириб, косагулга косасини узатиб ўқиди:

*Қуй эй, жўра! Майли, луплат косани!
Абдирима алли надир, юз надир!*

— Гўрўғли бул-а! Йиқиқ уйдан чиққан тумозондин, бай-бай одамни кайфини учирасан! На гапни гапга қўшасан, на суҳбатни суҳбата! Иби-ей, тавба! Одам деган ҳам бундин ҳавлиқма булар экан. — Маткарим балиқчининг шаъмаи гинасида дўстини андак камситиш ҳам йўқ эмас эди. Косагуллик қилиб ўтирган мен, ароқ савилнинг туганини қандай айтсам экан, деб баҳона излаётгандим. Маткарим балиқчи ўзи ўқиган шеърини охиригача тузук эшитмай, Абди уста «Гўрўғли»ни тиқиштиргани учунми, аламзадалик билан бадтарроқ чимдиб олди: — Санга ароқ етириб бўладими! Тамом бўлди! Энди бармоғингни сўрарвар!

— Саннан биров ароқ сўрадими? Гапни галишигидон!

Абдирим устанинг сўзларида жиндаям гина-кудурат сезилмаганидан Маткарим балиқчининг кайфи кўтарил-

ди ва унга ўта яқинлигининг изҳори сифатида бир кўзини анойи ўйнатиб, чертак орқасидаги пастаккина дўнгликни кўрсатди:

— Сан галарсан даб бу захри қотилдан биргинасини, ана қум остига яшириб қўйибман, бор, ол! — дея ўтирганларга бир-бир қараб чиқди, унинг «тантилигимни кўриб қўйинглар» деяётгандай жилмайишига қойил қолмай бўлмасди.

Тилло берсаларам энди бошқа ичмаймиз, деб кўкрагига муштлаётган даврадошларнинг шўх-шодон кулгию қийқирикларидан тол тепасидаги чуғурлашиб чарчамаётган чумчуқлар «гурр» этиб осмонга кўтарилди, енгил шабадада жимирлаётган қўл юзидаги тўлқинчалар югуриклаб кетгандай бўлди.

— Кўриниб турса, ичиб қўярман, деб қўрққан бу манглайи шўр! — Давра кулгидан яна бир қалқди. Абдирим уста дўстига миннатдорчилик билдириш ўрнига, унинг иродасизлигига шаъма қилганидан Маткарим балиқчининг бир оз энсаси қотди. Гапирмоқчи эди, бироқ уста ҳамишаги устунлигини қўлдан бермаслик учун овозини янада баландлатиб уни бадтар эзди. — Ароқ гўрсанг дуравармийсан, ахир!

Кимдир ароқ бўлса ичилар, аввал бир чўмилайлик, деса-да, Абдирим уста дўсти кўмиб қўйган бир шиша ароқни худди олтин топган қулдай бирам авайлаб қазиб олдики, ичмай ўтирган менинг ҳам бирдан бу савилдан тортгим келиб кетди.

То кечгача базми жамшид авжлангандан-авжланди. Дўстларнинг ҳазил-хузули, ўзига яраша мушоиралари бирам ярашиқли-бирам ярашиқли. Оддийликнинг улуғворлиги нақадар гўзал!

Ҳазрат Навоий, Мунису Огаҳийларнинг дўстлик, садоқат тўғрисидаги битиклари, ҳатто Пушкину Лермонтовларнинг навқирон йигитлик чоғларидаги ёлғизлик, дўстсиз ўтаётган бесамар йиллар тўғрисидаги ғамзада мисралари хаёлимдан ўтади: мана, эски наMAT, кирланган, ёнбошлари ҳар жойидан билинар-билинемас сўтилган кўрпачаларда ёнбошлаб, бир-бирларини меҳмонлар олдидан беаёв ғажисалар ҳам уларнинг беғараз, самимий дўстликлари, умрбод бирга бўлишларига заррача шубҳа қилмасликлари кишининг ҳавасини келтиради. Энг муҳими, бизга «туземлар», «ёппасига саводсизлар» деган тамгаларни ёпиштирган болшавойлар билмайдиларки, бу юртнинг оддий тракторчисю оддий чўпони ҳам Навоийни, Маҳтумқулини, Бедилни, Мунису Огаҳийларни ёддан ўқиган. Инқилобдан кейин ҳамма газиту журнал варақлайдиган бўлди, лекин ажодлар илмидан бебаҳра, қарийб саводсизликка юз тутди.

Мана, ҳозир йўлда яна бир Абди Маҳтумқули газаларини бошдан-оёқ биламан, дея кўкрагига уриб келяпти. Қонида бор-да, ихлосли, ҳавасли одамлар булар.

Шаровотда Раимбой ака деган пири бадавлат оқсоқол бор эди, яқинда тўқсон ёшлардан ўтиб вафот этди. У киши Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонини бошидан охиригача ёддан шундай мароқ билан ўқирдики, баъзи манман деган артистлар ҳам унинг олдида ип эшолмасди. Унинг касби ҳисобчилик, қирқ йилдан зиёд колхозга бош ҳисобчи бўлган.

Ҳамма замонлардаям қори Куръондан ташқари, булар янглиғ ёдкаш, шеъриятга ихлосманд одамлар эл ардоғида бўлган, айниқса, ҳозирги кунда бундай адабиётга ўч оддий касб эгалари санокли бўлгани учун ҳам ҳайратимизнинг чеки йўқ. Бу миллатимизнинг маънавий илдиэлари чуқур, юксалишга қодирлигидан ишоратдур, негаким, илдизи чуқур дарахтнинг қадди баланд, шохлари кўркам бўлади.

Хаёлларим чалғиб-чалғиб яна дўстликка келиб тақалаверади. Навоий ҳазратларининг дўст излаб, кундуз кунлари машғала ёқиб тополмадим, сув остига шўнғиб одамоби бўлдим, тополмадим, деганларида ҳам башарий ҳикмат бор, садоқатли дўст Оллоҳнинг бандасига бермиш ноёб инояти экан, мен бу ҳолни ҳар адашганимда биламан, адашишларим эса кўп. Ҳазратнинг ҳикматларига юкинаман:

*Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим,
Лекин ул камроқ топилди, гарчи бисёр истадим.*

Шундан бўлса керакким, неча минг йиллардан бери олиму фузало аҳлининг дўстлик, содиқлик ҳақидаги айтимлари, Оллоҳга чин дўстлигидан бўлак, албатта, наинки қуёшли кунларингда, балки булутли кунларингда ҳам ёнингда ҳамдард бўладиган, Абдирим уста, Маткарим балиқчилардай содда, бетаъма, ҳақиқий дўстларни назарда тутганлари сир эмас. Яна сир эмаски, бари надоматлар чин дўст топиш мушкуллигидан туғилади. Умр ташвишлари, ғаму шодликларидан устунроқ фалсафа — ёлғизлик фалсафасини тараннум этганлар. Аммо бу янглиғ ўкинч, авом одамлар ҳазм қилолмайдиган, улар наздида одамийликдан йироқ бир фожиа деб қарашлар ҳам табиийдир.

Шунинг учун ҳам оддий одамлар ёлғизликни катта офат деб билади. Бу борада Абдирим устанинг опаси (ойиси) Жонивак холамнинг олдига тушадигани йўқ. Бир лаҳза ёлғиз қолишлик унинг учун чидаб бўлмас даҳшатли ҳодиса. Доим бир оёғи қишлоқда, бир оёғи бизникида.

Баъзан-баъзан куйиниб-куйиниб гапиргувчи эди раҳматлик:

— Нега фақат мен сизларни ёлғизлатмай деб келавераман-у, сизлар бизникига бормайсизлар? — Дадам билан ойимни уришиб, бизларга ишора қиларди. — Майли, булар ёшулли, улли-улли ишларда ишлайдилар, — деб невараларни кўрсатиб, — мана бу қора кўзларни олиб боринглар, ҳовлимиз катта, югуриб-югуриб ўйнасинлар, мевалар пишиб, олма, ўрикларнинг шохлари синиб ётибди, бугиналар тўйиб-тўйиб есинлар! Эҳ, ҳали тирикликимда хабаримни олмайсизлар-у, ўлганимдан кейин бутунлай эсдан чиқариб қўясизлар, биламан сиз шаҳарликларни!

Қариндошлик ипларини янада маҳкамроқ боғлаш учун Жонивак холам ўртанчи ўғли Рустамга Абдулла акамнинг қизи Анорни олиб бериш учун Гўжага кўп қатнади. Ҳар сафар совчиликдан руҳи тушиб, бизникига шовқин солиб кириб келарди. Худди биз унга қизимизни бермаётгандай, қаҳрини бизга тўқарди:

— Бой бўлиб болтам йўқ, камбағал бўлиб халтам йўқ! Нима қилай, отаси эрта ўлиб кетмаганида хотин бошим билан уларга эланиб юрмас эдим!

Дадам гап нимадалигини билсаям ўзини эшитмаганга оларди. Ойим эса уни баттар қиздирарди:

— Камбағал деганларнинг ўзлари камбағал. Рустами дostonдай ўғли бор одам ҳам камбағал бўлами? Одамни гапига қулоқ қўймайсиз, овсиним сизга биринчи борганингизда туширимини туширди. Яна не қатнайверасиз? Уларга ўзларига қоим одам керак!

— Вой, Чаманжон опа-ей, ахир ман-ку шу қоим одам, хўк деса — хўк, чўк деса — чўк! Яна нима керак уларга? Хўкмон «ҳа» ҳам демайдилар, «йўқ» ҳам демайдилар, нишатин?

— Ўғлингизни юборинг! Иккиси гапиришсин! Қиз «ҳа» дегач, сўнг боринг!

— Иккимиз борали, сизга йўқ дамийди!

Ана шу ерда дадам аралашади гапга:

— Чаманни аралаштирма! Арвани ағдаради! Абдулладан сўрадим, қизининг раъйига қараганда, бошқага беришмоқчи.

— Ахир, шундай экан, нега мени овора қиладилар?

— Ана энди мендан, ақасидан эшитдинг, бўлдимми?

— Йў-ўқ, ундай эмас. Қизнинг кўнгли Рустамда йўқ эмас. Рустамимни кўринг, келбатини кўринг, ҳар елкасида бир одам ўрнашади! — Қулочларини ёйиб ҳар кимга бир-бир голибона қарайди ва шу баланд руҳ билан давом қилади: — Қатнайвераман, қатнайвераман! То бошқага узатганларича қатнайвераман!

Жонивак холамнинг тўнғич ўгли Абдирим уста ҳам опасидай ўтли, қариндошжонли, дастурхонли, танти, бақувват одам. Танқид қилсанг —ўлган куни, қош-қовоғини осиб, бир неча вақтгача кўринмай кетар, яна Жонивак холам ҳеч гап бўлмагандай уни етаклаб кела берарди. У ҳам хафалигини сездирмай, балки бугунлай унутиб, балиқ сувга киргандай бизнинг ҳаёт тарзимизга шўнғиб, уйда шувоқ ишими, қўй сўйишми —фарқи йўқ, енг шимариб тушиб кета берарди. Қайбирда устанинг ўтмасроқ пичоқда оқ қўчқорни сўяётганини кўрган ҳаммаҳалламиз, шухратли Комилжон Отаниёзов дадамга қараб:

— Ўлмасин, қассобнинг ҳам али гул экан-ов! Қўчқор бечорани бўғизлаб ўлдирибди-ку, бу-а, Самандар ака? — дея «ўлдирибди»га расво қилибди маънисини бериб, ачиhib турса, дадам:

— Комилжон, ҳали сиз уни айтасиз, бу жияним, кистотага қолганда чўққа ташлаш учун тирик қўйнинг сонидан кабоблик кесиб олиб, кейин бемалол сўяверади.

«Улар-ку, қулишиб ичкарига кириб кетишди, лекин менинг бўларим бўлди, ер ёрилмади, ерга кирмадим» — дея, у то ҳануз ўзига хос уятчанлигини ҳам қандайдир мамнунлик, ғурур ила пеш қилиб юради.

Абди уста қора меҳнатни ҳам бекаму кўст бажаради. Агар кеча-кундуз йигирма тўрт соатмас, қирқ саккиз соат бўлгандаям зарур пайтларда дам олмасдан ишлаган бўларди. Тўй, маърака-мажозлардаям худди шундай, ўлган-қотганини билмайди, айтсангиз бас, югуриб-елиб хизмат қилаверади. Ўлтириш, зиёфат, созу суҳбат унинг жону дили.

Бошқа вилоятларда бўладиган гап-гаштакларни Хоразмда зиёфат дейдилар. Баъзи бир зиёфатлар ҳафтада бир, баъзилари икки ҳафтада бир, баъзи бирлари ойда бир кун бўлади. Бу албатта зиёфатдошларнинг раёларига боғлиқ. Зиёфатдошларнинг сони етти-саккиз кишидан тортиб, йигирма-йигирма беш кишигача етади. Бировлар ўттиз-қирқ йил, балки умр мабойинида битта зиёфатга қатнашади, дўстларини алмаштирмайди. Баъзи бировлар асосий зиёфатига беэён яна икки-учта зиёфатга ҳам вақти-вақти билан қўшила берадилар. Абди уста мана қирқ йиллардан бери зиёфатдош жўраларидан айрилмай, балки уларнинг бошини қовуштириб келаётганидан мамнун.

Абди уста яқинда бир хунукроқ гап қилди, эмишки, ўғиллари сал норози бўлибдилар. Зиёфатда зиёдроқ ичиб, кайфи ошаётганидан уялаётганмишлар. Зиёфатдан чиқинг, дебдилар. Абди уста асли тўғри одам эмасми, ўғилларининг бу хил ножўя гаплари унинг кайф қилиши, қилмаслигимас, гап зиёфатнинг харжида бўляпти. Тўғри, унинг нафақаси кўпмас, лекин ойда бир марта бўладиган ва етти ойда бир марта навбати келадиган, бир умр шу

зиёфатдош жўралари билан умргузаронлик қилиб келаётган одамга ўғилларнинг бу қалтис гапи оғир ботади. Ўғилларининг топар-тутари ёмонмас, рўзгорлари бут, боғ-боқчалари жойида, биттасининг «Жигули»си бор. Ўзининг боғида мева-мастон мўл-қўл, мол-қол жойида, Худога шукур, бировдан кам-зиёд эмас, баҳоли қудрат рўзғорини тебратиб келаяпти. Аммо ўғилларига хасислик кимдан юққандигига ҳеч ақлим чиқишмаяпти.

— Ўғилларингиз бекорларнинг бештасини ебди! — дедим сал жаҳлим чиқиб. — Етти ойда бир берадиган зиёфатнинг чиқими кўпроқ деб ҳам одам бир умр қатнашиб келаётган улфатчилигидан қоладими? Дўстларингизнинг аҳволи сизникидан яхшими? Нима, Маткарим балиқчининг егани олдида, емагани ортидами?

— Нерда? У топгани бу топганига етмайди, — деди уста сал ғамгин.

— Зиёфат беряптими?

— Оқизибми денг!

— Баракалла! Нима, у ўғирлик қилиб зиёфат беряптими? — Уста индамади. — Бебозор кунлари ҳафтасига беш-олти кунлаб одам қадам босмас чўл ичидаги заҳқашда балиқ овлайди, ер тирнаб деҳқончилик қилади, нега? Рўзгоримни бекаму-кўст тебратай, элдан қолмай, қаторимдан кам бўлмайин деб. Сиз бўлсангиз, э, болалар у деди, болалар бу деди. Қаддингизни букманг, зиёфатингиз харжига етмаганини менга айтинг, олиб бераман, — дедим.

Умрида бировга юк бўлмаган, ортиқча дашном эшитиб кўрмаган Абди устанинг устидан қайноқ сув қуйгандай ранги оқариб кетди.

— Етти ойда бир эмас, етти зиёфат беришга қурбим етади, нима деб юрибсиз! Асли мен аҳмоқ, бурнимни эрта бурундан шўлқиллатиб ўтирган. Қани, ҳей! Ким бор?! — Ичкарига қараб бақирди бирдан.

— Новви? Нима дейсиз? — деб сўради астагина кампири.

— Енгликдин-енгликдин, сўлли атиб кабоб пишир! Қариндошим билан бир майишат қилали!

Ана шундай бир қоп ёнғоқ бу қариндошим...

Хуш, ҳар лаҳзада минг турли ўзгариб турадиган, хароботи, қариндошжон, мард Абди уста, шу яқин ўртада кечадан бери адашиб, ўлим билан талашиб юрсам-у, нега мендан хабар олмади? Бу янглиғ бири-биридан қаҳрли саволлар қалбимни ўртай бошлади.

3

Ёмғирнинг шиддати кучайди. «Москвич»нинг юриши баттар оғирлашди. Абди шофёр ўз хаёллари билан банд,

ҳеч нима кўринмасаям йўлга жиддий боққанча машинани ҳайдаб келяпти. Бу довдир янги трактор келганини кўришга бораман деганди, лекин қишлоқ идораси ҳам, гараж ҳам ортда қолиб кетди. Биз эса, имиллаганча тошбақа юришда йўлимизда кетяпмиз. Қиш куни, ҳадемай кеч киради. Шу боисдан бепарвогина сўрадим:

— Сўраганнинг айби йўқ, қоронғу тушса, дулдулин-гизни олд кўзлари ёнадими?

— Нима эди?

— Тунда қандай қайтасиз?

— Ким айтди сизга мени қайтади деб? — ҳайрон бўлдим. — Ажабланманг, сиздай, тайёргина ўлжани кушхонага топширмай қайтмайман! Урушаман деб овора ҳам бўлманг. Мен кураш бўйича...

— Жаҳон чемпионисиз?

— Ҳозир сизга чемпионлик қанақа бўлишлигини кўрса-тиб кўярдим-у, ожизлигингиз менга изн бермайди-да! — Мен индамагач, ўзи яна кўрслик билан давом этди. — Хотинимга ёмон қарабсиз! — «Қаерда? Қачон?» дея сўрашга оғиз жуфтлаган эдим, у гапиртирмади: — Саволлар бериб овора бўлманг! Саволни сиз эмас, мен бераман, мен! Мен ёлғондакам «гараж», «трактор» деётганимга ишониб келяпсиз, йў-ўқ, ундаймас, ҳали йўлда олдингиздан хотиним ўглимни етаклаб қўшниникидан уйга ўтаётгани-да сиз унга ёмон назар қилгансиз!

Жинними бу, соғми? Бу саволни ўзимга-ўзим нечанчи бор беришим, аммо ҳар сафар бежавоб қоляпти. Йўлдан ўтаётган кимсага фақат кўр одамгина қарамайди. Саволларни мен бераман деган бўлса-да, жим қолганидан, бир синов-да, таваккалига сўрадим:

— Нима, хотинингизда гумонингиз борми?

Абди ялт менга қаради:

— Бор-да, энасини!.. Гумоним бор! Йўқса, сиз айтмоқчи, шу шалтоқи машинани, шундай ёқимсиз ҳавода ҳайдаб чиқармидим! Биринчи бўлиб салом берибсиз, сиз хотинимни қаердан танийсиз? Нега биринчи бўлиб салом бердингиз?

— Ана холос, Отелло бўлиб кетинг-ей! Биринчи бўлиб салом берганим тўғри, бу бизга ота-буводан теккан касал. Ахир, Муҳаммад салоллоҳу васалламгаям ҳеч ким биринчи бўлиб салом беролмаган дейишади. Ҳар доим у киши биринчи бўлиб салом берган эканлар.

— Ана энди тутилдингиз! — Бирдан кўзлари олайиб кетди унинг. — Оғзингизда қироат, елкангизда милтиқ! Бари нарсани қуритиб бўлдингизлар! Қумда чаёндан бошқа нарса қолгани йўқ! На бир кўллар, на бир гужумдин-гужумдин сазақликлар бор эди. Тўғай эди, тўғай! Сизларни дастингиздан на арслон қолди, на йўлбарс. «Ўрдак

қирғини» деб отасизлар, «қашқалдоқ қирғини» деб отасизлар, барина қирон келтирдингизлар! На қашқалдоқ, на ўрдақ қолди. «Муҳаммад!», «Салоллоҳ!» деб ўғирлик қилишдан ҳам қайтмайдиган сиздай саёқ иптрапўшни шундайича қўйиб юборадиган жилли йўқ! «Саёқ юрган-таёқ ер!»

Бошимдан совуқ сув қуйгандай аъзои баданим музлай бошлади. Мен бунинг исмини чинакам Абди, ўзи тўпори, содда бир йигит десам, гирт аҳмоқ экан-ку!

— Сен ўзи соғмисан, жиннимисан? — Қоним қайнаб, қандай газабга минганимни билмай қолдим. — Туман милисасига топширасанми?

— Сенсираманг! Ҳурматингизни билинг!

— Есть, ўртоқ начайник! — Худди яхши қофия топгандай қўшиб қўйдим: — Зўр туюқ қилса бўлар экан, на қумфон, на чайник!

— Туюғмас, тузоқ! Тузоққа илинтирдим! Хотиним айтди. Жуда синчков-да, аёлим! Сиз унга бошқачароқ қаранингиз учун ҳисоб-китобни алоҳида қиламиз!

— Тўхтат шалдир-шулдиригини! — Шундай бақирдимки, ўз овозимни ўзим танимай қолдим, у машинага қандай тормоз берганини билмай қолди. Қайдан ийнди бу янглиғ важоҳат менга, билолмадим, бешотарни «шақир-шукур» отишга шайладим-да, овозимни яна ҳам баландлатиб, ҳукм қилдим: — Туш машинадан, аблаҳ! — Тасиртурсур машинадан тушдиму бешотарни пешонасига тўғриладим. Милтиқ ичида ўқ борми-йўқми, ҳозир мени мутлақо қизиқтирмасди. Қўринган одамни хотинига гумондор қилишга уялмайдиган безбет, иприсқи, ҳар лаҳзада минг хил турланадиган бетайин довдир, ҳатто менинг исмимниям, кимлигимниям сўрашга ақли етмаган ландовурни отиб ташлаш, бир хумордан чиқиш истаги ҳукмрон эди.

Унинг тили калимага келмай ранги ўчди. Апил-тапил машинадан тушди ва бирдан чўккалаб, бир нималар деб ялина бошлади. Эҳ, аҳволинг шугина экан-ку, ҳайф сенга ўқ ҳам, дейишга тилим бормай, қўлимни бир силтадиму йўлимда равона бўлдим.

Шу кетишда йўлда учраган бирорта одамга ҳам қарамадим, бирорта кўликка ҳам минмадим. Ёмғир тинганиниям сезмабман. Билмадим, қаердан куч ийнди, яёв юриб кела бердим. Лекин, уйгача ҳали анча узоқ йўлни менинг аҳволимда пойи пиёда босиб келиш, қанча жаҳлим чиққан бўлса-да, осон иш эмас экан. Мана, ўттиз беш-қирқ соатким қарийб қўзим илинмаган, шу боис ҳар ер-ҳар ерда, оз-оздан нафасимни ростлай-ростлай, эшигимиз олдида етдим.

Вақт кечга яқинлашганиданми, осмон юзи қорайиб,

пастлаб шиддатга минаётган булут кўча-кўйга қандайдир хунук ғариблик соясини ташлагандай, дилни маҳзун этгучи ёқимсиз манзарадан шундай ҳам гамзада кўнглим, уйга эсон-омон келганимга шукроналар айтиб суюнишимга изн бермади. Ҳовлимиз ҳам хувиллаб қолгандай, худди менга жаноза ўқилиб, ҳамма тақдирга тан бергандай кўзимга беўхшов кўриниб кетди.

Бўсаға олдида бир дақиқа нафасимни ростлаб, қопуни тақиллатдим. На тик этган товуш, на ичкарида йилт этган ёруғлик бор. Жимжит. Шаҳарда бот-бот бўлиб турадиган чироқ ўчиришлари оқибатида ичкарида ёруғлик йўқдир. Нима бало, ё мени излаб уйни бекитиб кетишганмикан, деган хаёл билан ўзимни сал овутдим. Анчадан сўнг ичкаридан «ким у?», деган товуш эшитилди. Э, Худога шукр, тирик жон бор экан-ку!

— Мен, — дедим. Овозим хириллаб, зўрға чиқдим, ичкаридан яна «ким у?» деган овоз эшитилди. Бошқа ҳовли қопусини тақиллатиб турганмиканман, дея ён атрофга қарадим, йўқ, ўзимизнинг ҳовли, лекин ичкаридан келган овозни танимамай тагин: — Мен, — деб такрорладим.

Ҳозир қопу ланг очилади, деб ўйладим. Қайда! Яна оғир жимлик. Кўнглимда гулгула пайдо бўлди... Хайрият, салдан кейин қопу очилди.

— Салом, келдингизми? — деди ўғлим Наврўз. Худди ҳеч нима бўлмагандай, эринибгина елкамдан бешотарни олди.

Ичкаридан Раънонинг нафис овози эшитилди:

— Келган ким экан?

— Акам, — деди Наврўз ва бешотарни менинг хонамага олиб кириб кетди.

Раънонинг овози келгани билан ҳадеганда ўзи кўри-навермади. Ниҳоят, хафаланганда менга таниш бўлган барча кўринишларини намоён этган ҳолда, аёлим оғир салдом билан айвонга чиқди. Сал нарсаларга қовоғи солинмайдиган аёлимнинг юзига қарадим, қиёфасидан мени излашга уриниб ҳам кўрмагани билиниб турарди. Бирдан аччиғим чиқди. Ҳолим ночор бўлсам охирги кучимни тўплаб, захримни сочдим:

— Мен ўлиб қолсам ҳам сизларнинг бир қора тукингиз тебранмайди! Нима бало, жанозамни ўқитганмисизлар?!

— Сиз тараллабедод қилиб келасиз, яна дағдағангиз ерни ўяди! Юраверинг ўз ҳузурингизни ўйлаб! Сизга болачақа, хотин керакмайди! Туришингизни қаранг! — Овозини баладлатди у. — Уялинг! Невараларингиз катта бўлди! Қумдаман деб, ким билсин, қаерларда илиқиб юрибсиз?! Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан-да, ордона қолсин!

Мен сўзларининг давомини эшитмадим, турган жойимда ҳушимдан кетиб йиқилиб қолибман. Шу ётишда, Раънонинг гапига қараганда, эртасига пешинга яқин кўзимни очибман. Раъно ажойиб, сафҳаи хуснидан нур ёгилиб турган, гина сақлаш қусридан фориг, кўнгилчан аёл-да, кечаги важоҳатидан асар ҳам йўқ. Унинг устига, тиббиёт оламига ошнолигидан атрофимда гирди капалак, «нима бўлди-ҳо?», «нима бўлди?»лаб, қандайдир қувват дориларини ичкизмоқчи, уколларни тайёрлаган. Адашганимга ишонишмаётган бўлсалар-да, эсон-омон келганимга уйдагиларнинг вақтлари хуш.

Ўзимга анча келиб, соқол-мўйловларимни қиртишлаб, чой устида кечаси билан майдалаб ёққан қорга қарамай, борса-келмасга одимлаётгандай, дийдираганча қумдан чиқолмай ўлиб кетсам, сизларнинг аҳволларингиз не кечаркан, дея маҳзун тортган азобларимни айтиб берганим сайин, Раъно бечора кўзёши қилади, болалар эса барибир ишонинқирамай ҳиринг-ҳиринг кулишади. Раъно бир болаларга, бир «ёзувчи одамсиз-да, ё мени лақиллатяписизми?» дегандай менга қарайди. Мен «ўлай агар, чиним», дея яна кўргиликларимни борича уларнинг кўз ўнгида гавдалантираман.

— Ахир, неча айтаман, чиқманг, тинчгина уйда ўтиринг, йўқ, билганингиздан қолмайсиз! — Индамайгина бошимни осилтираман, Раънонинг яна раҳми кела бошлайди. — Сиз билан бирга кетган дўстларингизнинг айтишича, сизни туркменистонлик оғайиниларингиз ўз қўшларига тақлиф қилиб олиб кетишибди-ю?

— Ёлғонларнинг ёғини ялабдилар! Ҳали келишсинчи!

— Кўяверинг, адашган бўлсангиз, улар дод-вой солиб, замину замонни бошларига кўтаришган бўларди. Самолётлар учириб, ҳаммаёғни остин-устун этишарди. Майли, биз ишондик, эсон-омон келдингиз, шунга ҳам шуқр.

— Нега ишонмайсан-а?! Ахир, адашганим ҳақ!

Тавба, адашишим ҳар кимга ҳар хил таъсир қилди. Келинимиз Гулчеҳранинг дадаси, Ферузнинг қайнотаси, жуда одамшаванда, меҳмондўст, дастурхонли қудамиз Эгамберган бир сафар якка қолганимизда даб-дурустдан, пастгина сирли овозда сўради:

— Қумда адашганингиз ростми?

Эгамберганнинг фариштали юзига қараб, одамнинг баҳри-дили очилади. Унга ҳамма яхши хислатлар отаси Раимберган акадан ўтган. Раимберган ака инқилобдан бешолти йил аввал дунёга келган, ҳозирда ҳам тўю гаштакларда чиройли нутқ сўзлаб, одамлар ташаккурига сазовор, бардам-бақувват, саховатли, хушсуврат одам. У кишида ҳамон ҳам ўн йигитнинг ғайрати бор. Ана шундай

отанинг ўгли, не-не ов, не-не сайлу сайрларда суюги қотган Эгамберганга нима дейишим мумкин? Авваламбор, саволнинг ўзи мен учун андак ҳақоратли, қолаверса, ҳаммага бирма-бир қандай тушунтириб чиқаман. Қачонки, менинг ҳамсафарларим, ўзларининг мавқеларидан кўрқибми, билмадим, негадир уйдагиларни алдашган.

Яна бир қудам — Наврузнинг қайнотаси, келинимиз Сайёранинг дадаси Арслонбекнинг фикрлари тахтага мих қоққандай, аниқ ва пухта бўлди:

— Эсон-омон чиқибсиз, шукр қилинг, менинг ҳам кўп бора бошимдан ўтган. Фақат руҳингизни туширманг. Энди адашмайман деб онт ҳам ичманг, овга чиқсангиз яна кўп адашасиз.

Арслонбек ҳам тенгдошим, ҳам ўта овга ишқибоз, ўзи ҳам неча бор адашганига қарамай, бирор марта на ёрудўстлар, на қариндош-туққанлар, на уйидагилар — ҳеч ким ҳеч қачон воқиф бўлган эмас. У адашишга кўп-да урғу ҳам беравермайди.

Қизим Гулнознинг қайнотаси, куёвимиз Муродбекнинг дадаси — қудамиз Отабой ака учун эса, адашишми-адашиш эмасми, зиёфат билан қайд этилса бас, ҳамма гап ана шунда. Ўзиям жуда ажойиб одам-да, бир куни Абил дўхтир кўзи огриган ошнасини кўз докторига, яъни Отабой аканинг ҳузурига кўрсатишга олиб келибди. Отабой ака пешонасига ялтироқ кўзгуни илдириб, беморни узоқ текширибди. Сўнг овозига хавотирли оҳанг бериб Абил акага юзланибди:

— Абдуллажон, чатоқ!

Абил дўхтирнинг ҳам тарвузи кўлтигидан тушиб, бир бемор ошнасига, бир Отабой акага қараб, не деярини билмай, фақат:

— Ҳа, дим ёмонми? — дея астагина сўрабди.

Отабой ака ўша алфозида:

— Чатоқ, — дебди.

Тоқати тоқ бўлган бемор ҳавлиқиб сўрабди:

— Нима чатоқ, дўхтир? Очиқроқ айтинг, кўзим кейинги вақтларда хиралашиб, оғриб юрибди. Кўрмай қоламанми-а?

Отабой ака янада жиддийлашиб, сирли нигоҳини Абил дўхтирдан беморга қаратганча дона-дона қилиб дермиш:

— Сизнинг кўзингиз жавҳарида бир қуюқ, созандали зиёфат кўриниб турибди!

Докторнинг дардмандга бу янглиғ дилни хуш этувчи «соппа-соғсиз» деган хабаридан бир кулги кўтарилган, клиника даҳлизидан навбат кутиб ўтирган одамлар ҳайратдан ёқаларини ушлаган. Ана шундай зиёфатчи қудамиз борлигидан бошимиз кўк қадар баланд.

Катта келинимиз Нодиранинг дадаси, Баҳромнинг қай-

нотаси Юсуф ота «эркаклар адашади» маънисиди муртини ўйнатган бўлса, қайнонаси Ойпошша опамнинг жавоби эса ҳамишагидай доно:

— Адашган бўлсалар, йўлини ўзлари топибдилар-ку! Ана шуни айтинг.

Қазимиз Дилнознинг қайнонаси, куёвимиз Ёрқинбекнинг ойиси Марямжон эса яқинларда эшитиб, «вой бечора-ей, қамалгани озмиди?» дебди.

Ҳаммасидан ҳам укам Рустамбой билан келин Шоҳсанамнинг қайғуришлари антиқа:

— Етти тегирмон остидан бутун чиқадиган бир ажойиб оғамиз бор, ҳазатсин-дон!

Эркин оғам билан Оқилжон келинбийимларнинг мушоҳадаси бўлак; олимона, орифона. Айниқса, Эркин оғам (Эркин Самандар) ёзувчи эмасми, унга адашиш бир кунми-ўн кунми, нисбий нарса, муҳими —моҳиятида. Шунинг учун ҳам бир оғиз файласуфона сўз айтди:

— Бу дунёнинг иши адашишлардан иборат.

Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театрининг режиссёри, қадрдоним Ибодулла Ниёзматов суюниб:

— Майли, китоб қиларсиз, лекин яхши драма бўлар экан! Адашганингизнинг ўзи даҳшат! Зўр видеофильмнинг ҳиди келиб турибди. Ёзинг! — деди.

Демак, адашишимни ёзишим керак. Саволлар ҳам, жавоблар ҳам турли-турли. Оғам орқали дўстлашиб қолганим рус ёзувчиси Владимир Солоухин билан шу тақовул кизиқ, ибратомуз савол-жавоб бўлиб ўтгани ҳали-ҳали эсимда. Бир меҳмонга келганида унинг «Ҳукм» повести менда катта таассурот қолдирганини айтиб, сўраганман:

— Шу курортга олиб борган бош қаҳрамон қизингиз ҳаётда борми?

Владимир Солоухин, мен айтмоқчи бўлган фикрни тушунмади, оғзидаги луқмани чайнашдан тўхтаб, бир нафас анграйиб қолди.

— Ёзувчимисан? — деди ва жавобимни кутиш ўринсизлигидан давом қилди: — Ҳозир Лев Толстойни қабридан тургизиб, «Анна Каренина бўлганми?» деб сўрашдай гап-да бу.

Адабиётда протатип, ўхшатма бор. Мен шуни назарда тутган эдим. Фикримни аниқ ифодалай олмадимми?!

4

Кумдан чиқиб келган илк кунларим, жудаям лаззатли онларни тотганим баробарида нохуш дамларниям бошимдан кечирганман. Холис, нохолис ташрифчилар қатори кум сайридаги ҳамсафарларим ҳам бирин-кетин келишди. Улар ҳам бамайлихотир ҳол-аҳвол сўрашиб, хотинимнинг

ёнида: «Намунча ҳаялламасанг, маишат ҳам эви биланда! Нима, бизни ташлаб кетиб овинг бароридан келди-ми?» деб сўрашларига бирам жаҳлим чиқади-бирам жаҳлим чиқади, лекин на чора, улар кўпчилик. Қолаверса, уларнинг ҳақ томонлари ҳам йўқ эмас.

Бизни овчилик «қасали»га гирифтор қилган ҳам кичик одам эмас — ёзувчи Раҳим Бекниёз. Аммо кўплар унинг шуҳратини оширган нарса овчилиги деб билади. Ростдан ҳам, Раҳим аканинг овчиликдаги афандинамо ҳаракатлари машҳур латифаларга айланиб кетган. Бирикки бора туз-намак бўлиб, борди-келди қилгандан кейин биз ҳам Раҳим Бекниёзнинг қисман шогирди деб тан олиндик. У киши-ку, неча марталаб, қаттиқ совуқларда қум ичида қолиб кетган. Бирор марта ваҳима бўлганини эшитмаганмиз. Худди шундай бўлиши керакдай, уни ҳеч ким изламаган.

Раҳим ака билан кўп марта овга бирга чиққанмиз. ҳақиқий овчи, ҳақиқий ҳаммаслак эди раҳматлик. Овга кетиш учун тонг саҳардан йигилганимизда, салом-аликдан сўнг у кишининг биринчи машҳур «Ов қонли бўлсин!» иборасиёқ ҳар қандай одамни худди жанговар топшириққа отлантираётгандай, ҳам ботинан, ҳам зоҳиран асабларни созлайди. Унинг «Дерсу узала изидан» китобини ўқиган одам овнинг чин хуморини ҳис этади.

Раҳим аканинг итларга бўлган муҳаббати бўлакча эди. ҳатто итни суюдиган одамларгаям меҳри бўлакча эди. Уларнинг ўзларидан ҳам кўра итларига марҳамати баландлигиданми, ҳол-аҳвол сўрашганида итининг номини алоҳида эъзозлаб тилга олгувчи ажойиб табиатли, беназир одам эди, раҳматлик.

Шоир Мавлон Икромнинг Лэди деган ити оламдан ўтганида қаттиқ қайғурганини биламан. Бир сафар Носир Фозиловнинг шумлигига эътироз билдириб жиндак койигани ҳам рост. Ўшанда ёзувчиларнинг қурултойида Носир ака билан шивирлашиб ўтириб, Мавлон акага ачинишган. Суюкли Лэдининг вафоти боис Мавлон аканинг кўнглига қил сифмай юрган пайтларда унга таъзия билдиришлик ғояси кўнгилларида ғимирлаб қолади. Қурултойга атаб чиқарилган қип-қизил, бежирим блокноту қаламлар дарҳол ишга туширилади. Таъзиянинг наср қисмини Носир ака, шеърый қисмини Раҳим ака ёзадиган бўлади. Анчагина уринишлардан кейин ниҳоят хат битади: «Азизим Мавлон Икром! Бошингизга тушган оғир мусибатни эшитиб, биз ҳам қаттиқ қайғурдик. Азизангиз Лэди бонунинг бевақт вафоти муносабати билан ёзувчилар қурултойи номидан, севимли журналингиз «Шарқ юлдузи»нинг кўп минг сонли муштарийлари ҳамда унинг муҳарририяти номидан чуқур таъзиямизни қабул этгайсиз. Алқисса, Сиз-

дан илтимос будурки, қуйидаги шеърий лавҳани марҳуманинг қабр тошига ўйиб ёздиргайсиз:

*О, Лэди, Лэди
Маймоқроқ эди,
Филайроқ эди,
Шу айби унинг
Бошини еди...
О, Лэди, Лэди.*

Отанг Мавлон Икром».

Мен овга бир сайр сифатида чиқишим боис итга унча рағбатим йўқ. Бирор хонадон дарвозасида «осторожно, злая собака» деган ёзувни кўрсам, ҳовли соҳиблари нечоғлик одамохун бўлсалар ҳам, шу уйга ихлос билан кирмайман, қайтиб кетгим келади. Шунинг учундир балки, «сиздан ҳақиқий овчи чиқмайди, ҳаваскор овчи чиқади», дерди Раҳим ака.

Унинг одати баъзан оғир ботарди, лекин чидардик. Ов ўтиришларидан бирида қизиқ гап бўлди. Раҳим ака билан ҳазиллашиб юрадиган дўстлардан бири:

— Ҳарқалай, «отанг ўлса ҳам ором, ором» деган гап бор. Ит ит ўрнида, одам одам ўрнида юргани яхши, — деб нолинди.

Шунда Раҳим аканинг юзи кўкариб, кўзлари қизариб кетди, лекин бир сўз айтмади. Назаримда, газабдан бўғилиб, сўзлолмай қолди. Сўзамол дўст бундан фойдаланди:

— Юртда хўрозпараст, кўчқорпараст, итпараст деганлар йўқ эмас, бор...

У жўртгага «хўрозвоз», «кўчқорвоз» деган сўзларни бузиб, «параст» деб атади. Мен Раҳим акага қарадим. У қилт этмай, қуйилган кўрғошиндай тўлиқиб ўтирибди. Ана энди «портлайди» деб ўйлаб, паззабоз дўстга «бўлди» дегандай имо қилдим. У аксига олиб, менинг ишорамни тескари тушундими, қайтага авжлантириб юборди:

— Бу «парастлик» яхши бўлганида ҳамма параст бўлиб кетарди. Яхши эмас охир, бадмаза, жанжалкаш одамга, ҳей, итлик қилма деймизми? Деймиз. Бу парастларни ўрислар фанатик дейишади, мусулмончаси — ўта мутаассиб бўлса керак.

Тамом. Раҳим ака гавдасини тиклади. Даврада не бўлса, бўлди. Аммо паззабознинг мутаассиб деганида жон бордай туюлди...

Ҳар сафар тўқайда итларга араллашиб юрсам ҳам Раҳим ака мени итга бўлган муносабатимни ёқтирмас эди. Бир куни ёзнинг иссиқ жазирамасида, пешин чоғи чорраҳада машинам ёнмай, фигоним чиқиб турсам, битта машинада Раҳим ака келиб тўхтади. Машинанинг олдин-

ги ўриндиғида нотаниш одам. Раҳим ака дарҳол машинани четга чиқариб тўхтаттирди-да, ўзи ўтирган томон эшигини очиб, бир қўлини боши узра силкитиб саломлашган бўлди ва шопир йигитни менинг олдимга жўнатди. Икковлашиб машинамни йўл четига чиқариб қўйдик.

— Йўл-йўлакай бирорта устага хабар бериб ўтасиз, келиб олиб кетар, қўйинг машинангизни шу ерда, юринг биз билан! — Менинг жавобимни кутмасданоқ сўзида давом этди Раҳим ака: — Танишинг, Аббос акангиз, Аббос Муҳиддин, ёзувчи дўстимиз, Тошкентдан келган меҳмон.

Аббос ака билан суҳбатлашиш иштиёқи устун келди-ми, тушлик пайтида йўлда туришим эриш туюлдими, рози бўлдим. Машинанинг орқа ўриндиғида, Раҳим аканинг ёнида севимли арзанда итлари Муза ҳам бор эканлар. Уртамизда иссиқдан тилларини осилтириб ўтирган Музага қарамасликка уриниб, Аббос ака билан ҳолаҳвол сўрашдим.

— Муза билан сўрашмадингиз, — деди совуққина Раҳим ака. Итга қанчалик норозилик билан қараган бўлсам, бу нигоҳимни Раҳим акадан яширолмадим. — Музага мулойим боқинг. Бу киши жуда сезгирлар. — Итни кишига менгзаганидан энсам қотсаям, ноилож Музага қараб илжайдим. — Итга ит деб қараманг, у ҳамма нарсага тушунади. Аббосжон, бир куни Рўздат Отаев билан телефонда гапиришиб турсам, ёнимга Музахон келиб қолдилар, «Рўздат аканг билан гапириш», деб телефон дастагини кулоғига тутдим.

Аббос Муҳиддин, Раҳим ака, шопир учалови очилишиб кулишди. Музахон эса гап ўзи ҳақида бораётганини англаб, кулишаётганларга бир-бир қарайди. Мағрурлигини айтмайсизми? У киши худди Лев Толстойдек итини қаттиқ яхши кўради. Унинг Музахон билан гурунглашганини кўрган одам итга бу қадар теран муҳаббат қўйиш мумкинлигидан ҳайратланмай иложи йўқ. Лекин жонивор ит ҳам ит-да, Раҳим аканинг кўзига қараб туради, унинг бирор имосига илҳақ, чакалакзорда яширинган куш борки, хўжайини отиши учун учуриб беради. Раҳим аканинг уларга ўқи тегмаганини билиб, бирпас, майли, тегмагани ҳам бир ҳисобдан яхши бўлди, ҳали жўжа экан-да, дегандай ҳамдардлик билдириб туради. Шундай пайтларда Раҳим ака:

— Муза, хафа бўлма, тегмади, бирдан кўтарилганини сезмай қолдим, — дея унга изоҳ беради, аммо барибир Муза Раҳим аканинг кўнгли учун ўқ отилган томонга чопқилаб кетади. Раҳим ака Муза ортидан ўзгача бир меҳр билан қараб қолади.

Қизиқ, Раҳим ака Музахоннинг ота-боболарини билармикан? Билса керак, билмаса шунча эъозлармиди?

Дарвоқе, машхур итларнинг аждоди борасида қизиқ бир гурунгнинг гувоҳи бўлганман. Масковда, эски Арбат хиёбонидан ўтиб боришимда чарчаб, нафасимни ростлаш учун йўлакча четидаги тахта ўриндиққа ўтирдим. Ён томондаги бошқа бир шундай ўриндиқда иккита ўрта яшар аёл чиройли кучукларини ўйнатиб ўзаро суҳбатлашиб ўтиришган экан. Шу пайт кучукларнинг калта юнгли қорамтирроғи, кўзлари ўйинга ишқибоз дўмбоққина кучукка ошиқона суйканди.

— Тюшка! Тюшка, деяпман! Унга яқинлашма!

Ёшлигидаги кўркамлигини ҳали унча-мунча йўқотмаган Тюшканинг эгасига, сочларига оқ оралагани алоҳида зеб бериб турган иккинчи аёлнинг кўзлари бирдан чақчайиб кетди:

— Нега Боннига ундай дейсиз? Биласизми, Бонни Юнит-Брюти билан Арса-Гогенанинг ўгли. Ота томонидан қариндоши Али Поша фон Лангенгрюнд Хейлигенхаллин хонимнинг авлодидан. Али Поша фон Лангенгрюнд жаҳон чемпиони бўлган!

— Нима бўпти? — Овозини бир оз баландлатди қанжиқнинг эгаси. — Тюшка, Ай-эрли билан Принц Джой Риканинг қизи. Онаси томонидан бобоси эса Амфир Фейри Иккинчи! У ГФРда ўтказилган Европа чемпионатининг катта кумуш медалини олган ва иккинчи даражали диплом билан тақдирланган!

Бонни эса эгасининг гап-сўзига бепарво ер тирмалаб, Тюшка томон талпиняпти...

Раҳим аканинг дўрилдоқ овозидан ўзимга келдим.

— Комилжон, итнинг кулганини, йиғлаганини кўрган-мисиз?

Раҳим аканинг бу беиззат саволидан андак малул бўлдим, лекин малолланганимни сездирмаслик учун ҳазиллашдим:

— Сиз ўн қадамдан қуённи ота олмаганингизда итингизни кўзига қарашни ҳеч ўйламабман, кўрмайсизми!

Аббос ака қаҳқаҳ отиб кулиб юборди. Раҳим аканинг дами ичига тушиб кетди. Бу аҳволда энди мен бирга овга боролмаслигимни билдим. Шу пайт машинамиз Куловот кўпригига яқинлашди. Демак булар Кулонқорабоққа боришяпти. Шу ерда машинадан тушиб қолишни маъқул кўрдим.

— Илтимос, — дедим шоферга юзланиб, — машинангизни бир лаҳзага тўхтатиб юборинг.

— Нимага? — Асабийлашиброқ сўради Раҳим ака.

— Керак, — дедим рангимни бузиб.

— Тўхтатинг! — деди шоферга Раҳим ака зарда билан.

Машинадан тушиб, Аббос ака билан самимий хайрлашиб, Раҳим акага бегараз кулимсираб:

— Меҳмонни уйга олиб боринг, — дедим.

— Нима, биз билан бирга юрмайсизми, бугун шанба бўлса? — Раҳим аканинг сўровида, унинг бир дақиқа олдинги асабийлигидан нишон ҳам қолмаган, қандайдир самимий илтижо бор эди.

— Йўқ, раҳмат, Аббос ака билан бир оз бўлсаям ҳамнафас бўлай деб машинага минган эдим, энди қайтиб кетаман. Бориб машинани тузаттиришим керак, зарур ишларим бор, ташаккур, — дедим.

— И-е, — дея орқасига ўтирилиб хижолат бўла бошлади Аббос ака, — жуда ғалати бўлди-ю... Шунча жойга келиб, қайтиб кетасизми-а?

— Ҳечқиси йўқ, мана, сиз билан танишдим, қолаверса, устознинг сўзини синдирмай дедим.

— Оббо сизни-ей, ундай бўлса, майли, раҳмат, — деди Аббос ака Раҳим акага «сиз нима дейсиз?» маъносида кўз қирини ташлаб.

— Чиндан бормайсизми? — Менинг бир сўзлигимни яхши билган Раҳим ака жавобимни кутмасдан шопирга амр этди: — Майли, бўпти, ҳайданг, шопир жўра! — деди-да, барибир кўнгли тўлмай менга юзланди: — Бегила-а (бегина), биз кетдик бўлмаса.

Улар жўнаб кетишгач, мен Куловот ёпида юз-кўзларимни ювиб, нафасимни сал ростладим-да, йўловчи машинада яна Урганчга, машинам қолган чорраҳага қайтиб кетдим.

Бу воқеа шундай тез содир бўлдики, кейин ҳам ўзимга ҳисоб бериб, унинг тагига етолмадим. Тўғри, Аббос ака билан танишиш иштиёқим ҳам йўқ эмасди, лекин нега Раҳим аканинг бир оғиз илтифотига ҳўп деган одам, унинг Муза билан саломлашмадингиз деганига хафа бўлдим? Ахир, Раҳим ака бағри кенг, беғараз одамлигини яхши била туриб, нега кўнглим оғриди? Аслида, хато мендан ўтди, жиндай шошқалоқлигим бор, йўқса, Музани мактаб кетавермайманми? Итни унчалик ёқтирмаслигимни билиб, Раҳим ака, ҳў бирдаги аламини олди. У сафар ўзи тезоблик қилган эди.

Янгибозор пахта заводида директор бўлиб ишлаётган пайтим эди. Янги ишга тушган пахта заводларига Полшада ишлаб чиқилган ўн кишилик «Нисса» русумли микроавтобуслар берилди. Шу жумладан бизнинг заводга ҳам биттаси ажратилди.

Раҳим ака бир куни:

— Янги, антиқа импорт машина муборак бўлсин! — деб қолди ва кулимсираб қўшиб қўйди: — Машинагизни илк хизмати ов билан бошланса, кўп хайрли иш бўлар эди.

Устознинг галини ерда қолдириш гуноҳ бўлар деб, янги машина рангига мос тушадиган қизил духобадан

ўриндиқ ёпқичлар тикилди, ён ойналарига чиройли пардалар тутилди. Хуллас, машинани эгарланган отдай қилиб, тонг саҳарда устознинг эшигини қоқдим. Эшик орқасида итларнинг бесаранжом фингшишлари эшитилди ва салдан кейин қопу очилиб, итлар билан барабар «ҳай-ҳай»-лаганча, эғнида ўт ўчирувчилар киядиган коржомо, оёғида сув этик, елкасида бешотар, худди шу кетишда пойи пиёда тўқайга бораётгандай катта одимлар билан Раҳим ака чиқиб келди. Шопир Қозоқбой, микроавтобуснинг эшикларини ланг очиб қўйган эмасми, ҳаммадан бурун иккита овчи ит бир-бирини қувлашиб миниб олишди ва бурун қонидай янги духобалар устига мағрур ўтиришди.

Раҳим ака машина ичига бошини суқиб, «яхши-яхши», дея ўриндиқларни санади-да:

— Яна битта машина олишимизга тўғри келади, — деди.

— Ўнта ўриндиқ етмайдими? — деб сўрадим.

— Йўлда Ҳайитбойни оламиз, унинг ҳам иккита ити бор. Қарри Дурум... ов анжомлари...

— Нима, ҳар ким иккитадан ит олиши шартми?

Итлар ўзлари ҳақида гап бораётганини сезишдими, кулоқларини динг қилиб, биз томонга ялингансимон қарашди. Уларнинг шошиб тургани аён, итлар эртага овга чиқиладиган бўлса, эгасига суйкалиб, ялаб-юлқайди. Суюнганидан кечкурундан у ёқ-бу ёққа чопқилай бошлайди. Бу, албатта, табиий, лекин етмишинчи йилларнинг бошида вилоятга янги келган, ҳали унчалик кўз ўрганмаган фаройиб чет эл машинасига, ҳавлиққанларидан тилларини осилтириб, огизларидан сўлакларини оқизаётган итларни миндирганимизни кўриб Қозоқбойнинг ҳафсаласи пир бўлиб, ранги ўчиб кетди. У бир менга қарайди, бир итларга. Унинг устига менинг итлар хусусидаги саволимга энсаси қотган Раҳим ака норози оҳангда бир нималарни деб гўлдираб, асабий бориб-кела бошлади ва қўлини ғалати сермаб, «итсиз ов бўлмайди» дейиш ўрнига:

— Овсиз ит бўладими?! — дея менга хўкранди.

Мен аввалига индамадим. Кейин қарасам, чинакамига жаҳли чиқяпти. У одимларини катта-катта ташлаганча машинанинг очиқ турган ён эшиги олдига келди-да, итларига амр этди:

— Тушларинг! Булар бегона!

Тавба! Итлар худди шу амрни кутиб туришгандай сакраб машинадан тушишди. Мен анграйиб қолдим. Раҳим ака орқасига ҳам қарамай илдам юриб итлари билан ичкарига кириб, боғ қопусини орқасидан беркитди.

Туриб-туриб менинг ҳам қаҳрим кўзиди. И-е, сўраганим икки оғиз сўз: «ҳар ким иккитадан ит олиши шарт-

ми?» Шунга шунчами?! Даст машинага ўтирдиму Қозоқбойга, ҳайда, дедим. Кетдик.

Эртаси кун Раҳим аканинг ўзи кўнғироқ қилди:

— Кеча хафа бўлмадингизми, шоир?

Қарасам унинг овозида заррачаюм гидир йўқ.

— Йўқ, Раҳим ака! Қалай, овга бордингизларми?

— Ҳа, Ҳайитбойнинг девитида (ГАЗ-69 машинасида) чиқиб қайтдик. Афсус, чиқмадингиз-дон...

— Роса одим отдингизларми? — дея ҳазиллашдим оғамнинг ибораси билан.

— Огангиз у одим отадиган. Раҳим акангиз кеча ўнта қашқалдоқ (сув қуши) отдилар! Келсангиз, қашқалдоқ палови пишириб бераман.

Аниқ биламанки, Раҳим ака кеча ўнта қашқалдоқ отмаган, лекин уйига қуруқ ҳам қайтмаган.

Ҳаммасидан ҳам ҳеч вақт дилхираликка ўрин қолдирмагани учун биз у кишини қаттиқ ҳурмат қилардик.

Ҳали айтганимдек, оғам Эркин Самандар Раҳим аканинг овчилигига бағишлаб шеър ҳам битган:

*Милтиғини олди-да қўлга,
Ити билан чиқди у йўлга.
Уқ устига ўқ узиб босим,
Отиб келди каттакон... одим.*

Бир сафар шундайгина ёнидан ўтиб кетган кўённи отолмай кўлдан чиқарганидан хуноби ошиб, не қиларини билмай жизғанаги чиқиб турганида, эшитганим бир нақлни унга айтиб берган эдим.

Нақл

Эмишки, бир одам бир қушчани тузоққа илинтирибди. Шунда қушча тилга кириб:

— Мени нима қилмоқчисиз, эй улуғ зот? — деб сўрабди.

— Нима қилардим, сўйиб ейман, — дебди овчи.

— Менда қанчаюм гўшт бор дейсиз, магарам, мени кўйиб юборсангиз, сизга учта насиҳат айтаман, бир умр ғамсиз яшайсиз. Фақат шартим, биринчи насиҳатни кўлингизда турган кўйим айтаман, иккинчисини ҳув анаву чинорнинг устида айтаман ва учинчисини тоғнинг тепасига чиқиб айтаман.

Биринчисини эшитиб кўрай-чи, қандай насиҳат экан, агар маъқул бўлса, иккинчи ва учинчисини ҳам эшитарман, деган мақсадда овчи қушчанинг шартига рози бўлибди.

— Биринчи насиҳатим, — дебди қушча мулойимгина сеҳрловчи овозда дона-дона қилиб, — кўлингиздан чиқ-

қан нарсага пушаймон бўлманг. — Қушча жимгина овчининг юзига қарабди.

Овчи бундай ўйлаб кўрса, жуда ақлли насиҳат экан.

— Майли, қани, иккинчи насиҳатингни эшитайликчи, — дея овчи қушчани қўйиб юборибди.

Қушча баланд чинорнинг устига қўниб, овчига юзланиб:

— Ақлинг етмаган ишга уриниб, ўзингни қийнама! — дебди сенсираб.

— Нега? — деб сўрабди овчи ҳайрон бўлиб.

— Сенинг калланг ишламас экан, — дебди қушча ачиниш оҳангида. — Мени қўйиб юбормаганингда катта бойликка эга бўлардинг.

— Қандай қилиб?

— Мени сўйсанг, қорнимда уч мисқол гавҳар бор эди. Шунча бойликни қўлингдан чиқардинг-а!

Қушчадан бу янглиғ бойлик тўғрисида эшитган овчи додланиб пешонасига уриб ва оғир надоматлар чека бошлабди.

— Эй, осий банда! Ҳозиргина сенга, қўлингдан чиққан нарса учун ғам ема, ақлинг етмаган ишга уриниб, ўзингни қийнама, деб иккита насиҳат айтдим. Сен бўлсанг, надоматлар чекяпсан, ахир ўзинг ўйлаб кўр, менинг оғирлигим бир мисқол бўлса, менинг қорнимда уч мисқол гавҳар не қилсин, — дебдию қушча учинчи насиҳатини айтиш учун тепаликка чиқиб қўнибди ва овчига юзланиб: — Сенга учинчи насиҳат ҳайф! — дея учиб кетибди...

Шунда Раҳим ака тоза кулиб:

— Қушча, Комилжон, учинчи насиҳатини шундай деса бўларкан... — сал тин олиб давом этди: — Эй, ғофил банда! Кириб-чиқиб турганга не етсин! Чикмагунча кирмайди, ахир! — дея шундоқ ҳам дўрилдоқ овозда хаҳолаб кулдики, ҳойнаҳой беш чақиримдаги қуёнлар ҳам «қуён» бўлдилар-ов.

Ана шундай соддадил, феъли кенг, биздай шогирдларига ғамхўр Раҳим ака адашганимни эшитса, бир хурсанд бўларди, афсус, оламдан ўтди, жойи жаннатда бўлсин.

Дўстим Неъмат Солаев ҳамиша устихонни пок-покиза тозалаб ейди ва кимдир мақтаб қолса, «ит бўлиб кўрмаб-сиз» деб жавоб қилади. Шунда бошқа биров: «Ана шу гапингизни Раҳим ака эшитганда роса хурсанд бўларди» деб қўяди.

Мана, ҳозир мен ҳам қумда адашганимни Раҳим ака эшитса жуда севинар эди деб, илиқ таассуротларим билан армон қилаяпман, эслаяпман. Аммо бир нарсани биламан, «Эҳ, Комилжон, Комилжон, сизни итга ўргата билмадим, устозлигимни оқлай олмадим. Агар сиз ҳам мен каби итпараст бўлганингиздами, асло адашмасдин-

гиз, адашиб бунча азоб-уқубатларни тортмасдингиз» дея афсусланиши аниқ эди. Қизиқ фалсафа. Ҳақиқатан ҳам, итлар адашмайди-да!

Билҳақ, ўша адашган қоронғу туним, қўналғамга таҳдид солғувчи шамолнинг «шинг» ламасидан юрагимга қўрқув оралаган онларда дарҳол Раҳим ака тўғрисида ўйладим, у киши ўзининг овга, қумга эътиқодини ҳар қандай шароитдаям бузмаганини кўз олдимга келтириб, неча бор кўкрагимни кердим. У кишидай овчи бўлиш бизга йўл бўлсин!

Биринчи марта, ундаям адашишим боис қумда икки кун қўлиб кетганимда анча-мунча гап-сўз бўлган эди. Раҳим ака қум ичкарасига ўттиз-қирқ кунлаб овга кетганида келинбийнинг бирор марта норозиланганини эшитган эмасмиз. Ҳатто у егуликка нондан бўлак ҳеч нарса олиб кетмас эди. Музни ёриб балиқ овлар ва насибасини отиб ерди. Кейин, бошқа баъзи очофат овчилардай тўғри келган қуённими, ўрдакними мўлжалга олавермасди, «ўрдак қирғини» даям ўрдакнинг модасини отмас, эркагини отар эди. Ҳалол овчи эди. Энг ҳайратланарлиси, милтиғи билан адашгани у адашган ҳисобламасди. Ана шу нуқтаи назардан қумга бирга чиққан дўстларим мени адашганга йўйишмаган бўлса не ажаб.

Кин сақлаган кофир, дейди машойихлар. Лекин барибир, гапни жон куйдириб мени қидиришмаганларидан кўзғасам, улар ҳазилга буришаверади.

Раъно ҳам уларнинг ҳазил-мутойибаларига учиб, бир қалтис луқма ташладиким, худди ёниб турган оловга мой куйгандай, гуриллаб кетди.

— Неча йиллар олдин курортдан қайтишимизда, туман боис самолётимиз Нукус айрипортига қўнганида ҳам Гулноз икковимизни машинада Урганчга жўнатиб, бу кишим ҳафта-ўн кундан кейин, худди ҳозиргидай озиб-тўзиб уйга кириб келган эдилар, — деди рафиқам.

Дўстларимга Раънонинг бу гапи чунонам гўзал дастак бўлдики, ўзларини қушдай енгил сезганларидан очилиб-сочилиб, аввалгидай борди-келдини авжлатиб юбордилар. Оллоҳ ҳам унутгувчи бандасини хуш кўради. Аз-Замахшарий: «Одамларнинг энг хотираси кучлиси уларнинг ичидаги энг унутувчисидир, кўнгилларнинг энг юмшоғи салобатли ва шафқатлисидир», дейди.

Шунинг учун ҳам қалбимга яқин, мен билан «қум сайли»га, «қўл сайри»га бот-бот бирга чиқадиган дўстларимга ҳамиша таъзим қиламан.

Дарвоқе, курортдан қайтишимизда туман сабабли самолётимизни Тошкент қабул этмай, Нукус қўналғасига қўнганимиз ҳам тўғри. Уйга бир ҳафталардан сўнг келганим ҳам рост.

Севгидан савдойи бўлган одамни кўрганмисиз? Эсланг-чи, ўзингиз севгидан ҳеч жинни бўлай деганмисиз? Шошманг, мен жиддий сўраяпман, чунки аксарият одамлар бировларнинг жиннисифат ҳолатларидан ёқа ушлаб, «Ё, Худо! Бу нақадар беҳаёлик», дея ҳайратланишни хуш кўради. Баъзан мазах ҳам қилишади. Бироқ ҳайратланаётган одамларнинг кўпчилиги чин ошиқликдан ё маҳрум, ё олисдир. Ва ишқ борасида яна бир қалтис тушунча мавжуд, у ҳам бўлса, ишқнинг илоҳийлиги ҳамда инсонийлигидир.

Аҳли тасаввуф тасавбурида ишқ фақат илоҳий. Ердаги бари ошиқлик Оллоҳ жамолига талпинишдан бошқа нарса эмас. Айниқса, мумтоз адабиётдаги ишқий ғазалларни Оллоҳ номи билан боғлаш маъқул кўрилади.

Сўфийлик минг-минг ярим йил муқаддам пайдо бўлган оқим. Хўш, одамзоднинг пайдо бўлганига қанча бўлган? Эҳ-ҳе!.. Тўғри, юракка тушган ишқни илоҳиёт қобигига ўраб олқишлашда ҳам рамзий маъно бор, лекин негадир ердаги гуноҳу адашишлар билан боғлиқ муҳаббатни рўйи-рост тан олишдан баъзан ҳайиқамиз. Ваҳоланки, одамзод севиб, севилиб яшашни орзу қилади ва шу орзусига у лойиқ. Қолаверса, ҳар бир одамнинг бошидан кечадиган ишқий саргузаштлари ўзига яраша сирли, севинчу азоблари билан ҳеч кимникига ўхшамаган, ҳеч ким дохил бўлолмайдиган ўзга бир олам, юксак қалб мулкидир.

Биз бир Йигит билан Қизнинг икки кеча-кундуз одамлар кўзи ўнгида кучоқлашиб турганига гувоҳ бўлганмиз. Бу ҳол балки муҳаббатдан йироқ— одам тасаввурига сиғмайдиган, турли ёшдаги одамлар кўзи ўнгида бетизгин эҳтиросларини жиловлаш ўрнига, бу ёлғончи дунё ғаму ташвишларига, ғаммозона ғийбатларга парво қилмай, умр деб аталмиш вақту замоннинг фарқига бормай, ўзларининг мажнунона ишқ олаmidан бошқа оламни эсларига ҳам келтирмай, икки оқшом, икки кундуз киною китобларда кам учрайдиган ажиб ошиқу беқарорлик, баҳраи мафтунлик ила мавҳумлик уюрида жонсарақ, ожиз бандаларнинг ҳавасу ҳасадларини кўзгаб, муҳаббат аталмиш сирли олам маҳобатини намоиш этишмикан?

Ҳар қандай оғир шароитда ҳам севги инсонни майдаланишдан асрайди, чорасизлик биёбонидан омон олиб чиқади.

Кулоқ беринг

Биз — Раъно ва қизим Гулноз, учов Қримда, аниқроғи ёзувчиларнинг Ялтадаги дам олиш уйида ҳордиқ чиқариб юрган кезларимиз етти ухлаб тушимизга кирмаган воқеалар юз берди. Қайтишимиздан икки кун олдин шарқий сарҳадларида куёш чиқса, ғарбий чегарасида куёш ботадиган СССР деган салтанатда давлат тўнтариши (ГКЧП) амалга ошмагач, Болтиқбўйи республикалари мустақиллик декларациясини эълон қилди, сўнг яна қандайдир сиёсий парчаланишлар рўй берди. Боз устига, телерадиокомпаниялар бир-биридан ваҳимали хабарларни тарқата бошлади, биз худди уруш эълон қилинган мамлакатда яшаётгандек ҳис этдик ўзимизни.

Биринчи тўсиқ уйга қайтишимиздан бир кун олдин, дам олиш уйи маъмуриятининг огоҳлантиришидан бошланди. Ёқилғи берилиши тўхтатилгани боис ҳафта олдин пул тўлаб қўйганимизга қарамасдан, аэропортга элтиб қўйиш учун бизга машина берилмаслиги маълум қилинди.

Умуман, уловлар ҳаракати издан чиқибдими, демак самолётлар учиши ҳам хавф остида деган ҳадик билан турли тарафга кўнғироқ қила бошладик. Бирор аниқ жавоб ололмасак-да, хавфсирашга ўрин йўқ қабилидаги жавоблардан қоникмадик; кечаси билан ухламасдан самолёт учишидан икки-уч соат олдин аэропортга етиб келдик. Аэропортдаги парокандаликни тасаввур этиш қийин эмас. Бир-биридан ваҳимали гаплар кишини довдиратиб қўяди. Қайсидир йўналиш бўйича учадиган самолётлар парвози батамом тўхтатиб қўйилган. Маълумотлар даричаси олдида тумонат одам. Самолётларнинг учмаётганига қўналғалардаги об-ҳавонинг чатоқлиги сабаб қилиб кўрсатиляпти. Аэропорт карнайдан тўхтатиб қўйилган рейсларнинг рўйхати бот-бот ўқилияпти. Раъно йиғламоқдан бери бўлиб: «Сўранг, бизни самолёт учадими-йўқми?» деб мени қистовга олади. Мен маълумотнома берилаётган тарафни айланиб келаман, лекин даричага яқинлашишнинг имкони йўқ, шундай бўлса-да, келиб қизимни, Раънони тинчлантираман, «вақтида учаркан», дейман, улар ишонмайди.

Юқларимизни рўйхатдан ўтказиб қўйдилар. Барибир учишга рухсат бермайдилар, деган ваҳима қалбимизни тарк этмасди, ўз вақтида учиб кетишимизга ҳеч ким инонмасди. Мўъжазгина аэропортда шу икки-уч соат ичида Тошкентга учаётган барча йўловчилар ўзаро танишиб олди. Кўпчилик гапга чечанроқ кишининг оғзига тикилишади. Агар у: «Йўқ, самолётимиз учмайди» деб қолса, ҳолимиз не кечар экан, деб саросимага тушиб қолишдан кўрқа-

миз-да, гапини бўлмай, сўзларини дарҳол тасдиқлаймиз. Гуё шу киши бўлмаса, самолётимиз учмай қоладигандай ёнидан жилмаймиз. Кейин унинг кимлигини суриштира- миз— оддий шофёр бўлиб чиқади. Энди унинг оддий шофёрлигини айтган одамнинг оғзига қараймиз. Унинг гаплари ҳам сал бетайинроқ чиқади. Бошқа бир пўримроқ одам етакчилиқни илиб кетади.

Руҳонияти ожиз одамларнинг аҳволи шу. Дарҳол аф- горлашиб, ғариблашиб, қоронгиликда йилт этган нурга талпинган парвонадай, бесабрлашиб қолади, сўнг қалтис ҳолатдан омон-эсон ўтгач, дадиллашиб, ҳеч кимга гап бермай қўяди.

Бирдан «Симферополь-Тошкент» рейси эълон қилин- ди, қулоқларимизга ишонмаймиз, бўлиши мумкин эмас, деймиз. Наҳотки, бугуноқ Тошкентга бориб, марказда яша- ётган невараларни бағримизга боссак-да, сўнгра Урганч- га учиб кетсак! Бунчалар ҳаяжон сабаби бежиз эмасди; самолёт рейслари соатдан-соатга кўчирилаверади, аэро- портда гала-ғовур, бақир-чақир-бошланади, ўрин- ли-ўринсиз ваҳима кўтарилади. Энг даҳшатлиси — ҳеч ким, ҳеч нарсани аниқ билмайди.

Ўйлаганимиздай, рўйхатдан ўтиб ичкари кирганимиз- дан кейин бизнинг ҳолимиз ҳам бошқаларникидай мав- хумлик силсиласига гирифтор бўлди. Об-ҳаво ноқулайли- гидан учиб вақти кечиктирила бошлади. Йўловчилардан кимдир:

— Тошкент аэропорти ҳеч бир самолётни қабул қил- маётганмиш, — деб совуқ хабар тарқатди.

Унга қарши бирор кимса «бу гапинг нотўғри» дея олмади. Бир неча «нега»ларга ҳамма нарсадан «хабардор» бояги йўловчи тутоқиб:

— Нега, нега?! Нима, давлат тўнтаришидан, респуб- ликаларнинг ажралиб чиқаётганидан хабарингиз йўқми? — деб бақирди.

— Бу ишларга Тошкент аэропортининг нима алоқаси бор?

— Қизиқ одам экансиз-ку! Улкан бир давлат бўлиниб кетяпти-ю, республика марказий аэропортининг алоқаси бўлмаслиги мумкинми? Давлат парчаланиши дегани, бу давлат парчаланиши дегани! Давлатда ҳарбий ҳолат эълон қилинади!..

Шу пайт «сиёсатдон»нинг гапи оғзида қолди, аэро- порт карнайдан суҳандоннинг ёқимли хуш хабари эши- тилди:

— Дикқат! Дикқат! «Симферополь-Тошкент» йўнали- ши бўйича учадиган йўловчилар! Самолётга чиқишларин- гиз сўралади. Чиқиш...

Уёғини эшитишга тоқат қаёқда дейсиз, чопа-чоп, ўзбекчиликка хос мулозаматларни босқилаб, аэропорт ходими орқасидан самолёт томон югурдик. Суюнсаям юракдан суюнадиган, ўкинсаям, юракдан ўкинадиган Раъно йўл-йўлакай Оллоҳга ҳамду санолар айтиб боряпти:

— Худога шукур-ей! Гулноз, орқада қолма, қизим! Самолётдан қолиб кетмайлик тагин, тезлашиб юр! — дея қистокқа олади, мен сал тезлашсам, нафаси қайтиб, менга дашном беради: — Отаси, бизларни ташлаб қаёққа шошасиз?

Менинг ҳам асабларим метиндан эмас, лекин барибир гап қайтармайман, чунки кечадан бери унинг бўлари бўлган. Ҳозир унга бир гап кўп, ярим гап оз. Аслида, менинг ҳамиша тез юришимни билсаям ҳозир чидамсизлик қилиб, дашном беряптики, демак, унинг асаблари бениҳоя таранглашган, бирор нарса деб уни овутиш лозим.

Индамайгина қадамимни секинлатаман.

Аэропорт ходими дарёдай шовуллаб бораётган оломонни аранг тўхтатди. Билсак, автобуста минишимиз керак экан. Орқамизга қайтаётсак, бошқа бир пўримгина одам:

— Нима, яна учмайдиган бўлдими? — деб сўрадимиз ёхуд ўзига-ўзи гапирдимиз, барибир унга ҳеч ким жавоб бермади.

Самолётга минганимиздан кейин ҳам одамлар ҳадеганда тинчийвермади. Самолёт ўз вақтида парвоз қилмагач, тинчиш қаёқда. Кун ҳам пешиндан оғди. Юпқагина булут орасидан чиққан куёш нурлари биз ўтирган тараф ойналаридан аста ичкарилаб, ҳорғин юзларга осойишталик бахшида этди-ю, сўнг суйкана-суйкана яна булут ичига кирди. Самолёт ичи андак қоронғилашганидан асабийлашган одамларнинг фиғони фалакка чиқади. Самолёт хизматчиларидан ҳар сафаргидай меҳрибонлик кутишади. Бироқ, бу сафар ҳол сўраш у ёқда турсин, улар ҳатто кўриниш ҳам бермайди. Бу ҳолни табиийликка йўйдиларми, одамлар жаҳллари ичларига ютди. Акс ҳолда, ҳозироқ самолётдан тушириб юборишадигандай, стюардессанинг кўринмаганидан ҳеч ким хафа бўлмади.

Одамларнинг сабр-тоқати имтиҳон қилинаётгандай дақиқалар имиллайди; гўё вақт тўхтаб қолгандай, ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетган. Бу ожизлик ҳолатини шунчаки англаш қийин, фақат у билан яшабгина тушунса бўлади.

Самолёт жойидан жилмади.

— Тушинлар дейишса, тушмаймиз!

Олдинги ўриндиқдан чиққан овозга ҳеч ким жавоб

бермади. Тушинг дейишса, қандай тушмаслик мумкинлиги ҳақида ўйлашаётгандай кимлардир хўрсинди, кимлардир бир нималар деб ғўдранди.

Самолётнинг ичи исиб, нафасимиз қайта бошлади. Аччиқ тер ҳидидан авваллари боши айланадиган одамлар ҳозир чурқ этмасди, уч юзга яқин йўловчи йўқдай эди.

Ниҳоят, самолёт моторлари гувиллаб, йўловчиларнинг гала-говури бошланди. Баъзи бировлар ўринларидан туриб, у ёққа-бу ёққа аланглаб, «бормисизлар, жонларингни ҳовучлаб ўтирибсизларми?» деяётгандай мағрурона йўталиб, самолётнинг юқориги бўлмасига жойлаштирилган енгил юкларини нари-бери тўғрилаган бўлди.

Хуллас, кўнгиллар жойига тушиб, йиғлоқи кўзларда қувонч, ҳалигина тундликдан хунуклаша бошлаган юзларга қизиллик югуриб, самолёт ичи таниб бўлмас даражада бошқа оламга айланди.

2

Одамзоднинг кайфияти беқарор. Ажиб бир тушуниксиз ҳолат, ўз феъл-атвори кишининг ўзига ҳам аён бўлавермайди. Негаки, инсон хатти-ҳаракат жарёни билан тирик. Ҳозиргина чорасизликдан мўлтираб турган кўзларда энди на ҳадик, на қўрқув аломатини кўра оласиз.

«Ҳавл» араб лисонида қўрқув демак. Бизга кириб келган истилоҳда маъноси бошқачароқ, яъни ҳавлиқма, шошилма ёки шошқалоқ деб тушунилади.

Ҳавлиқмалик — ожизлик фарзанди. Ожизлик эса иродасизликдан туғилади. Демак, Абу Ожиз ибн Ирода ҳавлиқманинг дўстлиги ҳамиша панд берсаям, унинг этагидан тутувчилар ўзларини кулгили ҳолатга солиб қўйишларини билсалар-да, энг ажабланарлиси, кўп вақтларини бирга ўтказишни хуш кўрадилар.

Моторлари бир маромда ишлаётган самолётнинг гувиллаши, ўриндиқларда ястаниб ётган одамларга худди алла айтаётгандай ёқимли эшитилади. Кимдир ширингина мизғий бошлаган, бошқалар бир-бирлари билан шошилмасдан, бемалол гаплашиб ўтиришибди.

Самолёт ичи бирдан жонланиб кетди. Иссиққина чой таклиф қилишди. Кимдир самолётда бериладиган бутербродга қониқмаганиданми, балки ейдиган тансиқ нарсаларини кўз-кўз қилиш орзусидами халтачаларини кавлаштириб, булутлар устида учиб бораётган Сулаймондай талтайиб, тамадди қила бошлади. Тамаддидан кейин одамларнинг кайфияти янада кўтарилиб, ҳазил-мутойиба авжланди.

— Бултур битта йўлланма билан бутун оиламиз дам олган эдик, — деди бир ўрис йўловчи.

— Қандай қилиб? — ҳайрон бўлиб сўради унга яқинроқ ўтирган тепакал бир киши.

— Йўлланма билан қайнонамни жўнатган эдик.

Бўлди кулги, бўлди кулги.

Аэропортда кўпроқ ваҳима қилган пўрим одам ўрнидан туриб, тўла юзига аввал табассум берди-да, одамлар диққатини ўзига жалб этиб, уч-тўртта мутойибани қаторасига қалаштириб ташлади:

— Умрида биринчи марта самолётга чиққан йўловчи стюардессадан парашут берасизларми деб сўраган. «Нега энди? Бермаймиз», дебди стюардесса. Ҳалиги йўловчи хафа бўлиб, ўтган йили кемада сафар қилганимизда кутқариш доираси беришганди, деса, стюардесса, ахир биз денгизда эмасмиз-ку, дебди. Йўловчи баттар ҳайрон бўлиб, ўзига-ўзи дермиш, тавба, одатда сузишни биладиганлар учишни биладиганларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилади-ку...

Ҳар ер-ҳар ердан кулги кўтарилгандай бўлди-ю, мутойибага муносиб кулги бўлмади. Балки самолётда ўтириб бундай ҳазиллашишни хуш кўришмагандир. Ҳалиги одамнинг юзига энди расмона кулги ёйилиб, мутойиба мавзусини поездга кўчирди:

— Паришонхотир бир профессор вагон-ресторандан қайтаётиб, ҳеч ўзининг купесини тополмабди. «Купенинг номерини эслай олмайсизми?» деб сўрашибди ундан йўловчилар. «Йўқ, фақат бир нарса аниқ эсимда, тушлиқдан олдин мен ўтирган купенинг деразасидан аллақандай мовий кўл кўриниб турган эди», дермиш профессор.

Энди чинакам кулги кўтарилди. Поезд мавзуси хуш келди шекилли, битта истараси иссиқ қиз навбатдаги мутойибага ўтди:

— Йўловчи перронда жиғибийрон бўлиб: «Поездга кеч қолдим! Энди нима қиламан?!» деб шовқин солибди. Бекат навбатчиси ундан: «Нима гап? Нега бақиряпсиз?» деб сўрайди. «Поездга кеч қолдим, пулим йўқ, уйимга қандай етиб оламан?» деса, навбатчи пинагини бузмай: «Қанча вақт кеч қолдингиз?» деб сўрабди. Ҳалиги йўловчи бирор кўмакка илинж билан: «Икки дақиқа», деса, навбатчи қовоғини уйиб: «Вой-бўй! Бақириб-чақиринингиз икки соат кеч қолган одамникига ўхшайди-я!» дермиш.

Кўтарилган кулгидан кейин анча вақт ҳеч кимдан дярли садо чиқмади. Шунда мутойибани ақллироқ алфозда давом эттириш мақсадидами, қорачадан келган, ингичка мўйловли киши жиддийгина гап қилди:

— Бир куни Расул алайҳиссалом бир хотинга эрингдан сўрагил, кўзида оқи борми, дебдилар. — Йўловчилар кулоқларини динг қилганча, нафаслари ичига тушиб, кулоқ қўйишди. — Ҳалиги хотин кўрқиб кетган ва югурганича уйига бориб, эрига пайғамбаримизнинг гапларини етказган экан, тўғри айтибдилар, менинг кўзимни оқи ҳам бор, қораси ҳам, аммо бунинг нима айби бор, дебди.

Ҳеч ким кулмади, бу мутойибага ҳеч ким тушунмади. Негадир изоҳ беришга менинг рағбатим бўлмади. Аслида, мақбул киши ҳазил қилса, айб этма, дин ҳам, аҳли хирад ҳам бунга йўл қўймиш, негаким, кўнгил бир ойина, бот-бот уни занг босиб туради, ҳазил эса уни зангдан тозалайди, равшан қилади, сайқаллайди, демак ҳозирги айтиб турган мутойибаларингиздан кўнглимиз кўтариляпти, демоқчи бўлган эди.

— Яна бирор соатдан кейин Тошкентда бўламиз, — деб жимликни бузди кимдир.

— Нима деяпти? — деди Раъно, «Тошкент» сўзини эшитиб.

— Ким билади... Тошкентга борамиз деяпти...

Раъно менга норози тикилди. Менинг жавобимдан қониқмади, демак ўзи ҳам эшитган, лекин яна бир бор эшитмоқ илинжида сўраганига пушаймонлик оҳангида кўшиб қўйди:

— Биз нима, Америкага учаётганмидик?

Индамадим.

— Америкага учиб бораёпмизми? Тошкент қабул қилмасмишми? — Гулнознинг бу гапи ҳаммасидан ҳам антиқа бўлди.

— Америка орқали Тошкентга борар эканмиз, — дедим жиддий.

— Қўйсангиз-а, ҳар нарсадан ҳам ҳазил бўладими? — деб баттар норозиланди Раъно.

Гулноз ундан ҳам баттар ҳайронланиб, юзини ҳалигина пастда, энди устимиздан қуюқлашиб учаётган булутлар томон бурди ва осмон беҳаловатлигидан кўрқув аралаш бир опасига, бир менга юзландию яна нигоҳини безовта булутларга қаратди.

Ҳўп ажаб ишлар бўляпти. Ўн бешта республикани бирлаштирган давлат парчаланиб, ўн бешта мустақил Давлат пайдо бўлса, худди инглизлар Англияда, французлар Францияда яшаётгандай ўзбеклар ҳам Ўзбекистон деган мустақил юртда яшасак-а!..

Бирдан ҳаяжонланиб кетдим. Бизнинг судланишимиз нима бўлади? Бекор бўлармикан? Ахир, энди у бошқа давлат, бизга нима алоқаси бор? СССР прокуратураси-

нинг кейинги ўн йилда олиб борган ваҳимали қораловлари чиппакка чиқиб кетса-я! Ана унда ҳақиқий мустақиллик, менга ўхшаган минглаб бегуноҳ «Ўзбеклар иши»нинг қурбонлари ҳақиқий озодликка чиқишармиди? Ҳозир Русия ҳудудидаги қамоқхоналарда азоб чекаётган маҳбусларнинг аҳволи не кечар экан? Дунё тажрибасига таяниб иш қўрилса, улар Ўзбекистон турмаларига ўтказилиши керак. И-е, нега турмадан турмага ўтказиш керак? Ахир, ноҳақлик билан қамалганларни Ўзбекистон ҳукумати ошқора равишда афв этиб юбориши мумкин эмасми?.. Манман деган терговчилар устимизга беармон мағзава ағдаришган эди...

Эрта-кеч бетўхтов терговлар, ҳақоратлар, қўрқитишлар, дағдагалар ҳозир ҳам қулоқларим остида жаранглайди.

— Сен шоирман деб аюҳаннос соласан, лекин тўғри жавоб бермаяпсан!

— Ўзингни анқовликка солма! Сен пахта заводининг директори бўлиб ишлагансан! Пора олгансан, пора бергансан, пахтага қўшиб ёзгансан! Сохта тонналардан бунтлар ясаб, сотилган пахта пуллари чўнтагингга ургансан, кўзбўямачилик қилгансан, давлатни шилгансан!

— Текшириб қўринглар, кейин айтинглар.

— Бизни аҳмоқ деб ўйлаяпсан шекилли. Биз ҳаммасини биламиз. Бутун Ўзбекистондаги аҳволдан хабардормиз. Республикангизнинг биринчи бошлигигача — ҳамма-ҳаммаси порахўр! Сен ўзингни гўлликка солма! Яхшиси, бир бошдан тўғрисини айтиб бер, ўзингга енгил бўлади, суд сени иқрорингни инобатга олади, йўқса... отилмай қолсанг, гулдай умрингнинг ўн беш йили қамоқда хазон бўлади!..

Улкан терговчилар Республикангиз демасдан, бутун СССРнинг биринчи бошлигигача порахўр, деса балки тўғри бўлар эди, негаким, балиқ бошидан бузилади деган гап юради дунёи арзда, демак, неки яхшию ёмон топшириқми, қўлланмами, ибратми, эзгуликми, разолатми, аввалига Масковдан чиқади, кейин бошқа республикаларга тарқалади. Айниқса, нафс юҳолиги давосиз дардга айланиб, аввало каттаю кичик раҳбарларни ўз домига тортганди.

Сарвари авлиё Қул Хожа Аҳмад Яссавийнинг қарийб олти юз йиллар аввал айтган ҳикматлари бот-бот ёдимга тушаверади:

*Нафс йўлига кирғон киши расво бўлур,
Йўлдин озиб, тойиб-тўзиб, гумроҳ бўлур.*

Ва улкан Давлат бўйлаб нафс балоси авж олган йиллари Ўрусиянинг жаҳолатли сиёсатидан ҳайиқмасдан, ҳар бир сўз замиридан кир ахтарадиган динг қулоқлардан қўрқмасдан бонг урган Абдулла Ориповнинг ўйчан нигоҳлари кўз ўнгимда гавдаланади:

*Нафс ила дунёга дил берган фосиқлар сиз бу кун,
Ясавий хок пойидин айлаб олинг тумморлар.*

Ҳақиқат йўлида бундан ортиқ нидо бўлмас.

Дарҳақиқат, тубсиз жарлик томон илдам бораётган давлат гилдиракларини тўхтатиш ўрнига мойлаб, уни тезлатишга ҳиссадор амалдорлар кўзини Яратган боғлаган бўлса не тонг. Негаким, алломай замон Ал-Хоразмий айтганидек: «Разолат тўнғизга ўхшайди: турса кетма-кет, эгизак-эгизак туғаверади. Эзгулик — минг-минглик сурувда камдан-кам туғиладиган антиқа тери кўзичоқ...»

Ажабким, бир минг икки юз йилдан кейин дунёга келган замондошимиз, файласуф дўстимиз Иброҳим Ҳаққул: «Қайси юртда ички ҳорғинлик ва руҳий озурдалик голиб келса, у элда нодонлик авжга чиққан бўлади. Қайси маънавий кадриятлар қиммати пасайтирилиб, адолат устунлари қулатилса, у юртда гофил бандаларнинг баланд мартаба ва мавқеларга кўтарилмоғи учун кенг йўл очилганидир», дейди.

Болшавойлар инқилобидан кейин адолат устунларининг неча бор қулатилиши, бесаводларнинг баланд мавқе, мартабаларга неча бор кўтарилишлари нодонлик деб аталмиш вабо уруғининг сочилишига сабаб бўлди. Ана шу вабодай ёпирилиб келган нодонлик қулоқларни кар, кўзларни кўр қилди.

Донолик — фақирлик. Нодонлик — кулфат, ақлнинг жаллоди деб бежиз айтишмаган. Биз нафс балосидан боғланган кўзларнинг дардини нодонликка йўяяпмиз. Балки, нодонликдан нафслар ҳаққалагандир. Нима бўлгандаям, улуғланиш интиҳоси хўрлик ва таҳқирланиш билан тугаганини ўз кўзимиз билан кўрмаганда, эҳтимол, бунга ишонмасдик. Кичкина бир давр ичида партия қанча-қанча аъзоларини юқори мартабаларга кўтарди, қаҳрамонлик унвонларига сазовор қилди. Кимларнингдир кўкраклари орден, медалларга торлик қилиб қолди ва ажабким, ана шу «табаррук» зотларни сўнг жазо машиналарига солиб эзди, ўз исмларини ёзганда ҳам икки-учта хато қиладиган терговчилар исканжасига ташлаб мажақлади.

Биз институтни битириб келган ёшгина мутахассислар минбар сўзларига ишондик, вилоят даҳоларининг ота-

шин нутқларини борлиқ вужудимиз кулоқ ва олтину ол-бахтиёр кунларимиз узоққа чўзилмади, жазо чара қилин-рида қобурғаларимиз зирқиради. Номлари, йиллар туман тирган обрўлари оёқости қилинганига чидолмай кўмонга ақли, уддабуррон, ишбилармон юртдошларимиз Ўрусия қамоқхоналарида ўлиб кетди. Бу нечанчи қатағон эди? Болшавойлар инқилобидан сўнг атиги етмиш йил, бир одам умрича қисқа давр ичида катта кўламдаги бешинчи ялпи қатағон эди. Миллатнинг гулларини хазон қилган охирги «қама-қама» саксонинчи йилларнинг бошида «старт» олиб қарийб беш йил давом этди. Не-не хонадон-ларнинг вайрон бўлишига сабабчилар кимлар? Масков-нинг тазйиқи билан десак, катта-катта мансабларни, ун-вону мукофотларни олганда нега мансабдор элдошлари-мизнинг юзлари қизармади? Аксинча, ҳар бир унвон учун ҳамду санолар ўқилмаган бирор кунни эслашсин-чи? Эс-лашолмайди! Аммо фараҳбахш кунларнинг интиқоми кел-ганда, мукофотфурушларнинг «мустабидлиги» ёдга туш-ди. Шу ҳам инсофданми?

Узоқ йиллар катта лавозимларда ишлаган, санъати-миз ихлосманди, дўстимиз Машариф ака Раззоқовнинг ушбу сўзлари то ҳануз кулоғим остидан кетмайди.

— 1990 йилнинг бошлари эди, ҳали СССР мавжуд. Масковга йўлим тушди. Бир дўстимникида меҳмонда ўтир-сак, соат ўн иккиларда Масков канали бўйича «Ўзбеклар иши» деган ҳужжатли фильм намоиши бошланиб қолди. Стол тўрида терговчилар Гдлян ҳамда Иванов. Бирдан сергакландим, бутун Ўзбекистонни ларзага солган тер-говчи Гдлян дебоча билан фильмни бошлади: «Мен бу фильмни «Ўзбеклар иши» эмас, «Кремль иши» деган бўлар эдим. Бугун биз сизга орқаваротдан ҳар хил гап-сўз қилиб юрганларга жавобан айбдорларнинг тергов жараёнидаги асл башараларини кўрсатмоқчимиз...»

Икки қисмли фильм икки оқшом ярим кечада Мас-ков учун намоиш қилинди. Фильм асосан катта ман-сабдорларнинг тергов жараёнларини қамраб олган экан. Етти нафар область партия комитетларининг биринчи котиблари, қирқ олти нафар район раҳбарлари, Мар-казқўм секретарлари ва охирида Республиканинг катта раҳбарини ҳибсага олиш билан интиқосига етиб қолган, кенг кўламдаги қатағоннинг бош сабабчиларининг тер-говдаги сўровларга берган жавобларини эшитиб ёқамни ушладим. Бизнинг вилоятимизга ўн саккиз йил давомида раҳбарлик қилган Мадёр Худойбергановнинг савол-жавобини эшитсангиз сочингиз тип-тик бўлмай иложи йўқ.

Савол-жавоб

Г д л я н: *Мадёр Худойберганов, айтинг-чи, Хоразм области партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган даврингизда қанча пора олгансиз?*

М.Худойбергано в: *Олти ярим милён сўм.*

Г д л я н: *Нега пора олдингиз?*

М.Худойбергано в: *Ҳамма олар эди... Мен ҳам олдим, мен ҳам бердим.*

Г д л я н: *Кимлардан олдингиз ва кимларга бердингиз?*

Суҳбатга терговчи Иванов аралашади.

Иванов: *Мадёр Худойбергановнинг кимлардан олгани ва кимларга пора бергани хусусида ўзи ёзиб берган рўйхат мавжуд.*

Г д л я н: *Дарҳақиқат, фильмимиз вақти чегаралангани сабабли, ўша катта рўйхатни ўқиб ўтиришимиз шарт бўлмаса керак...*

Сўнг Машариф ака дарғазаб бўлиб сўзида давом этди:

— Мана сизга биз ишонган оқил раҳбарнинг ички дунёси! Олти ярим милён сўмни биласизми, Комилжон, қанча доллар бўлади? — Мен индамагач, ўзи жавоб берди: — Ўн милён доллар бўлади! Ўша пайтда бир доллар олтмиш беш тийин эди! Ўн милён доллар-а! Ана сизга миллионер капиталистлар устидан маърузаларида магзава ағдарадиган мансабдор коммунистнинг башараси! — Ўртага оғир жимлик чўкди. Жимликни яна Машариф аканинг надоматли оҳанги бузди: — Энг ёмони шу ўн саккиз йилда у область учун бирорта йирик иншоот барпо қилгани йўқ.

Билҳақ, Туямўйин сув омбори Хоразм учун дуруст иш бўлмади. Мана бугун болаларимиз шу хатоликларнинг жабрини тортяптилар. Янги барпо этилган йиллари Ҳазораспни ерости сувлари хароб қилган бўлса, кейинчалик Оролга сув бормай, бутун воҳани тиниқ тузли сув оқартирди, эндиликда умуман сувсизлик балоси катта хавф солмоқда.

Машариф ака, ўша пайтлари «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони» унвонини ололмай бутун вилоятни қон қақшатган инсон умрига фотиҳа ўқигандай, бошини куйи осилтирганча индамай қолди...

Даврада ўтирганлардан ҳеч ким миқ этмади. Бунинг сабаби бор эди. «Пахта иши» деб номланган тўс-тўполонда раҳбарлардан деярли барчаси чиғириқдан ўтказилди, ора-сира қамалмай қолганлари ҳам бўлди. Агар бу ишлар бутунлай ноҳақлик билан қилинди десак, баъзи раҳбар-

лардан неча милёнлаб пул, қанчадан-қанча олтину олмослар чиқди. Айрим корхона раҳбаридан мусодара қилинган қимматбаҳо буюмларни пулга чақсангиз, бир туман аҳолисини бир йил боқиш мумкин бўларди. Тўғри, ўрмонга ўт кетди, ҳўлу қуруқ баробар ёнди. Энг ёмони — «қуёш қучолмаган», дунёни ларзага солиб турган СССР деган мамлакатнинг фожиавий инқирозини «Ўзбеклар иши» деган уйдирма билан қўз-қулоқдан яширмоқчи, ўзбекнинг қора меҳнатда яғир бўлган елкасига юкламоқчи бўдилар. Ҳалиям Худо сақлади. Салтанат ўз ичидан зил кетди.

Жимликни ҳар қандай ҳолатдаям мустақил фикрини айтиб келаётган шахсий нафақахўр ошнаимиз бузди:

— Вақти келар, бу гап-сўзлар ҳам бир элақдан ўтказилар, — деди у ўсмоқчилаб. — Эл деб яшаган раҳбарлар ҳам оз эмас эди. Аммо азозиллари ҳам кўп эди. Асл қиёфасини яшириб, тоат-ибодат билан фаришталарга ҳам панд бериб юрган азозил, охир-оқибат лаънатланиб аршдан ҳайдалди. Қарирсан-қартарсан охир аслинга қайтарсан, деган нақл бор. Буни ҳам унутмаслик керак. Сўз ҳам, иш ҳам адолат билан қадр топади.

Мадёр ака тўғрисида ҳар ким ҳар хил гап айтади. Биров ёмоннинг яхшилиги доврўгли бўлади деса, яна биров яхшининг ёмонлиги ибрат, дейди. Шу боис ҳали-ҳануз одамзод феъл-атворининг тугал тафсири йўқ...

Нега яна ўша воқеани эсладим. Қирон ёшимда қақшатган азоб-уқубатлар, унга сабабчи бўлган айбли ва айбсиз одамлар хотирамга ўчмас бўлиб ёзилган экан. Бу одамларнинг қай бирларини ёмонласам мақтагандай бўламан, қай бирларини мақтасам ёмонлагандай бўламан. Ҳар кимнинг дунёси ўзида. Бировдан у-бу деб гумонга қолгандан кўра, жимгина юрган яхшимасми? Яхши бўлса ошини, ёмон бўлса бошини...

3

Мен самолёт дарчасидан олисларга қараб яна нохуш ўйлар гирдобига фарқ бўламан. Ўзимни оқлашни хоҳламайман, аксинча ўзимни қийнаш билан ич-этимни ейишга чоғланавераман ва бобомдан эшитганим ушбу ривоятдан тасалли излайман.

Ривоят

Сулаймон алайҳиссалом замонида бир киши юз тилога бир тўти сотиб олган эди. Бироқ тўти ҳеч овоз чиқармас эмиш. У киши тўтини Сулаймон алайҳиссаломнинг олдиларига олиб борди. Пайғамбар тўтидан:

— Нега овоз чиқармайсан? — деб сўради.

Тўти:

— Эй пайғамбари Худо, жуфтимдан айрилиб, тузоққа тушдим. Жуфтим бошқа тўтилар билан учиб кетаётди, овозимни эшитди ва олдимга келиб: «Зинҳор йиғлама, сабр эт, Худойи таоло сени қафас балосидан халос қилиб, шояд бизга яна қўшилсанг. Тақдиринг шундай экан, демак, бунга сабр қилмоқ керак!», деб кетди. Бу насиҳатни эшитиб, жимликни ихтиёр қилдим! — деди.

Сулаймон алайҳиссалом бу сўзни эшитиб:

— Эй бандаи Худо, бу тўтини менга сот! — деди.

Шундай қилиб, у тўтини сотиб олди ва озодликка қўйиб юборди.

Тўти деди:

— Эй пайғамбари Худо, менга яхшилик қилдинг, эвазига мен ҳам яхшилик қилай, тахтингнинг остида хазина бор, уни ол!

Сулаймон алайҳиссалом:

— Эй тўти, ер остида хазина борлигини била туриб, наҳотки ўзинг банди бўлишингни билмаган эдинг? — деди.

Тўти:

— Мана бу: «Изо жаака-л-қазоу аъма-л-басару», яъни, сен томон қазо келса, кўзлар кўрмай қолур, деган хабарни эшитмаганмисан? — деди ва Сулаймон алайҳиссалом олдидан учиб кетди.

Бир куни Сулаймон алайҳиссалом чули-биебондан ўтиб бораётса, бир киши ўша тўтини икки оёғидан боғлаб, кўтариб кетяпти. Сулаймон пайғамбар:

— Эй тўти, яна қўлга тушдингми? — деб сўради.

Тўти:

— Эй пайғамбари Худо, бу киши мени тутишни хоҳлади, мен эса қочишни, Худойи талонинг қазосига чора йўқ. Тўрт томон ёниб турган оловга ўхшади, ҳеч тарафга учолмадим, ўғлонларнинг тузогига илиндим. Ўша онда нидо эшитдим: «Мошоъаллоҳу кона ва мо лам яшаъ, лам якун», яъни, Худо нимани хоҳласа, ўша бўлади, нимани хоҳламаса, бўлмайди. Демак, пушаймоннинг фойдаси йўқ! — деди.

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Соний-Ферузга ҳам Кауфман: «Магарам бизнинг шартларимизни бажариб, йигирма бир нафар рус асирларини қайтариб берганингизда мен бу ерларга қўшин тортиб келмаган бўлар эдим», деганида у киши: «Не бўлса Оллоҳнинг иродаси билан бўлади», дея жавоб қилган экан.

Оллоҳнинг иродаси билан қирқ уч ёшда банди бўлдим.

Яна Аҳмад Яссавий ҳазратларининг худди мен учун айтмишлари ёдимга келади:

*Қирқ учимда ҳақни излаб нола қилдим,
Кўзёшимни оқизибон жола қилдим,
Биёбонлар кезиб ўзим вола қилдим,
Зоти улуғ Хожам, сиғниб келдим санго.*

*Бошдин-аёғ бўлди гуноҳ, қайда борай,
Йўл адашган итдек бўлуб, кимдан сўрай,
Бу ҳол бирлан дийдорингни қайдин кўрай,
Қўлум тутуб йўлга солғил, анталҳодий.*

*Мен йўлингда бош бермадим, қодир Худо,
Бош на бўлғай, ғариб жоним юз минг фидо,
Дард ҳам ўзинг, дармон ўзинг, лутфинг даво,
Қўлум тутуб йўлга солғил, анталҳодий.*

Албатта, туйнуқлари баланд ҳибсхонанинг камераларида минг ранжу ано ила «биёбонлар»ни хаёлан кезиб вола қилдим.

Авазёз отамнинг ҳар дамги айтадиган сўзлари ушбу тўртликда жам бўлиб, миямда чарх уриб айланаверади:

*Панд еб лаззатлана билган буюқдир,
Кечиримли кимки азал суюқдир.
Ким панд берди, панд емасдан қолмағай,
Икки дунё юзи қора, куюқдир...*

Мен ҳеч кимга ҳеч қачон панд бермадим, аксинча, кўп панд едим, қайси бирини айтай? ҳаётимда неки содир бўлган бўлса, тақдири насибага йўяман, Оллоҳнинг иродасига боғлайман...

Мадёр ака билан ҳибсхонадаги учрашувимизнинг не қадар азобда ўтганини бир ўзим, бир Оллоҳ билди. Ўша куни ҳам шу бугунгидай ҳаво рутубатли, намчил эди. Мени эскигина «Жигули» автомашинасида Урганчдан Тошҳовузга олиб кетишди. СССР прокуратурасининг катта терговчиси Старкова, аёл бўлсаям шофёр ёнида сигаретани тутатиб кетяпти, кейинги ўриндикда уч кишимиз, ўртада мен ва икки ёнимда икки соқчи.

Шу юзлашувга сира боргим йўқ. Вақт эрта азонлигидан йўлларда машинаю бошқа уовлар қатнови кам. Машина ичида ўлик жимлик. Бирор одамдан садо чиқмайди. Урганчдан чиқиб бир оз юрганимиздан кейин Юсуф Ҳамадоний мажмуасига яқин қолганда, негадир юрагим безовталиқдан нотекис ура бошлади ва бехосдан келган нурли истакдан хафаланиш, руҳониятимда огир ҳорғинлик ўрнига ажиб бир сабуклик мени ҳаяжонга солиб юбор-

ди. «Машина ағдарилса, ниҳоятда яхши иш бўлган бўларди», дея ўйлаб ўйимни адо этиб ҳам улгурмаган эдимки, Шовот томонга кетаётган машинамиз қай бир дақиқа ичида «шағф» этиб бир ёнига қийшайдию шофёр тормоз берган бўлса керак, олд томони билан Урганч томонга қараб йўлнинг чеккасида қийшайиб тўхтаб қолди. Не ҳодиса содир бўлганини мушоҳада этишга ҳам улгурмаган, юзлари докадай оқариб кетган терговчилар апил-тапил машинадан тушиб, машинанинг уёқ-буёғига назар ташлашди. Нима бўлганига ақли чиқишолмаётган шофёр елкасини қисганича бир йўлга, бир машинага, бир терговчиларга айбдорона қараяпти. Мен машинадан тушмадим. Йўлда на орқа, на олд томондан бирорта машина бизга тўғри келмаганига афсусландим. Барибир оғир юзлашувга оёғим тортмаётганини Худоям кўриб турганига, виждоним поклигига ҳеч ким шак келтиролмаслигига иймон келтирдим.

Шундай қабиҳ ниятни 1985 йили, 10-феврал куни самолётимиз Масков аэропортига қўнғач, «Домодедова»дан марказга борганимча таксида ўтириб хаёлимдан ўтказганман ва дарҳол тавба қилганман, бир менинг тергов савол-жавобларидан машина аварияси сабаб қутулиб қолишим, ёнимда ўтирган жияним Сапарбойнинг, такси ҳайдовчисининг ҳеч ерда ҳеч гап йўқ нобуд бўлишларини исташлигим кечирилмас гуноҳ эмасми? Оллоҳ, ўзинг кечир!..

Тошхөвузга бораётганда чин дилдан машинамиз авариясини тилаганим ҳақ! Негаким, шофёр ҳам сотқин, ёлланган, ҳайдаб бораётган машинаси прокуратураники эмас, ё бошқа бир сотқиннинг машинаси, ичидагилар ҳам менга ўхшаган бегуноҳ не-не одамларнинг оилаларини хонавайрон қилган қузғунлар. Буларнинг жонлари омон қолишлигининг ўзи гуноҳдай мени эзиб келяпти. Мен, майли, шулар билан ўлсам ҳам розиман, фақат виждонни азоблайдиган юзлашувлар, ҳақоратли савол-жавоблар тугаса бас, бариси тинкамни қуришиб, бағримни адои тамом этган.

То манзилга етгунимизча шофёр йигит машина тезлигини оширмай, бир меъёрда ҳайдади. Бирорта одамдан садо чиқмади. Манзилга етгач, қаттиқ таёқланган одамдай зўрға машинадан тушдим.

Телевизион камера ўрнатилган, тасвирга олиш учун бари нарса шай. Мадёр ака сигарета тутатиб ўтирган экан. Ҳис-ҳаяжонсиз совуққина саломлашдик. Старкова савол-жавобни бирор мулозаматсиз бошлади. Мен дастлабки терговда кўрсатмамни қандай изоҳлаган бўлсам, шундай айтиб бердим. Мадёр ака менинг гапимни қисман тасдиқла-

ди. У дастлабки тергов чоғидагидек, мени икки марта пора берди, лекин мен иккинчи марта олмадим, деди. Старкова менга юзланди.

— Нотўғри, мен Мадёр акага бир марта хизмат қилганман, у мени бошқа биров билан адаштиряпти, — дедим.

— Мен ёш бола эмасман! — деди Мадёр ака кўрслик билан, лекин менга қарашга ботинолмай кўзини ердан олмай, қўшиб қўйди: — Менга Аvezов иккинчи марта пул олиб келганида олмаганман, гапимнинг тўғрилигини тасдиқлайман.

Унга бир сония раҳмим келди. Қандай салобатли, руҳонияти баланд одамдай эди-я! Ҳозир эса кўзим ўнгида лаҳза ичида ёвузлашиб, кўзлари ёввойи мушукникидай совуқ йилтиллаб кетди. Такаббурлик билан тўхмат қилгани учун нигоҳимни кўтардим, қаддимни ростладим, бироқ кўп терговларни бошимдан ўтказганим учун бирор оғиз ортиқча гап қилмадим. Фақат алам билан унга тик қарадим. Балки бу унга биринчи бор шундай алпозда қарашимдир.

Мадёр ака шу юзлашувимизда ўзини балки ночор тутганида, наинки юзма-юз, ҳатто телефонда ҳам беҳаяжон гапиришолмайдиган одамга биргина марта хизмат қилганимни илк маҳбуслик кунларим ҳеч ич-этимга сифмай, мени ёшгина жонимни шундай балоларга гирифтор қилган, ҳар йили неча маргалаб, завод директорлиги вазифасидан озод этиб, ёзувчилик билан шуғулланишимга рухсат беришини илтимос қилиб дўстларим орқали ялиниб-ёлворганларим, акам Эркин Самандар неча бор «уни завод директорлигидан бўшатиш», дея сўраганларида, яхши ишляяпти, ёзувчилиги билан нафақада шуғулланаверади, деганида, аввалларида ташкилотчилигим зўр экан, деб севинганим билан бора-бора бошқарув ишининг найрангларини сеза бошлагач, астойдил норизоликларим инobatга олинмагани натижаси ўлароқ дастлабки тергов чоғида ёзиб берганимга мен бир умр виждон азобида қийналиб яшаган бўлармидим.

Боз устига, Масковда бўлган Мадёр аканинг судига қатнашиш мен учун ҳар қандай азоб-уқубатдан ҳам оғирроқ эди. Қаттиқ изтироб чекдим шекилли, мазам қочиб бетобландим. Юрагим хасталанганидан докторлар ҳам самолётга минишимга рухсат беришмади. Хуллас, кўнглимга қил сифмайди. Тутуруқсиз саволларга жавоб бериш шунчалар жонимга тегиб кетган эдики, шу кунларда биров ўл деса, ўлим ҳам жуда осон ва роҳатли туюларди. Менинг учун бу кунларнинг яна бир қийноқли томони, руҳиятимдаги синиқликни ҳеч кимга сездир-

масликка, уйдагиларга билдирмасликка ҳаракат қилардим.

Масковда Мадёр аканинг суди бошланиб кетди. Касаллигим тўғрисидаги ҳужжатлар у ерга бориб етгач, бари тинчиб кетганга ўшарди. Лекин барибир юракдаги гулгула бутунлай ўчиб кетмаган, ким билади дейсиз, бир оғзи эгри, олдирилсин деса, тамом. Ахир, суд бир-икки кунлик эмас, касаллигим ҳам ойлаб давом этмайди. Бу куйинишимнинг асосли эканини ўз танамда туйганман, кўрганман. Ҳибсда ётган «дўстларим»дан бири, нима, у тоза ёқали куйлак кийиб, галстук тақиб юраверадими, марҳамат қилиб келсин ёнимизга, деб ўзаро кулиша-кулиша «асос» топганлари учун ҳеч ерда ҳеч гап йўқ, ҳатто чақирув қоғозисиз ҳам мени Бутирка ҳибсхонасига солишдику! Шу пайтда терговчининг, бу ерга эшиқдан эмас, кенг, равон дарвозадан кирасиз, чиқишда эса бир тирқиш топилса-бахтингиз, деган гаплари сира-сира ёдимдан чиқмайди. Ҳарқалай, ҳеч қандай шумхабар бўлавермади, кўнглим бир оз таскин топди.

Шундай осойишта кунларнинг бирида узоқ йиллар раҳбарлик лавозимида ишлаган Матназар Жуманазаров мен билан учрашмоқ ниятида эканини айтди. Учрашдик. У кишидан ҳеч вақт бирон совуқ хабар кутмаганман. Аммо унинг вазоҳатини кўриб, юрагим андак безовталанди. У худди бировнинг олдига битмайдиган ишни тилаб келган одам қиёфасида эди. Бундай синчковлик билан қарасам, ҳеч кўзини ердан олмайди. Неча йиллар Ўзбекистон Марказқўмида, вилоят партия қўмитасида фаолият кўрсатган, бу мажароларга қадар Урганч туман партия ташкилотига раҳбарлик қилган одамнинг ўтиришидан сездимки, орада бир совуқ гап бор. Мен шу пайт ҳар нарсага рози эдим, фақат Масковнинг гапини айтмаса бўлгани...

— Масковга бориб келдим, — деди у ҳазин бир оҳангда. — Мадёр аканинг судида гувоҳ сифатида қатнашдим... Адашди, қаттиқ адашди... — У кейинги сўзларини шундай дардли, лекин мавҳум бир нафасда айтдики, менга у гўё, чашди, қаттиқ чашди, дегандай эшитилди. Матназар аканинг бирор нарса дейишини кутдим. Индамади. Анчадан кейин у яна аввалги оҳангида давом этди: — Мадёр ака суд пайти бир ўнғайи келиб қолганида, Комилжон судга келмайман, хастаман деб врачлар имзоси билан телеграмм юборибди, деди. Илтимос, Комилжонга айтинг, у Сизнинг сўзингизга қулоқ қўяди, келсин, йўқса, менинг аҳволим чатоқ. Келмаса бўлмайди, менинг илтимосимни етказинг, дея қаттиқ ёлбориб юборди.—Матназар ака худди ўзи учун илтимос қилаётгандай шундай бир ҳазин ҳолатга тушдики, кўзларимдан ёш чиқишига

бир баҳя қолди. Лекин яна тилимни тийдим. У сўзида давом этди: — Э, Комилжон-ей! Оллоҳ таоляям кечиримли бандасини суяди. Судга бориб, кўрсатма бериб келинг. Нимаям қилардик, кўргулик экан. Ахир, Мадёр аканинг уйдирма кўргазмасига кўра мен тортган азобларимни айтиб берсам, бир дoston бўлади. У киши пора берганлар қаторида мени ҳам ёзиб берган эканлар.

Негадир бирдан менда гайритабиий болаларча қизиқиш пайдо бўлди:

— Унга пора берганлар сони неча киши экан ўзи?

— Терговчилар рўйхатни тўлиқ кўрсатишмади, фақат ҳар кимга ўзининг исм-фамилиясини кўрсатишди. Мен ўзим қайд этилган рақамга қарадим, бир юз саксон тўртинчи эканман. Менинг фамилиям турган саҳифа охиригиси эмас эди, яна бор эди. Терговчилар томонидан мусодара қилиб олинган олти ярим милён сўм пулини тақсимлаб берган-да.

— Сиз нима қилдингиз?

— Тўғриси айтдим. Пора бермасам бўлмас ҳолатга туширавергач, уйдаги сигирни сотиб бердим, дедим.

— Ишонишдими?

— Билмадим.

— Юзлаштирмадиларми?

— Юзлаштирдилар. Мадёр ака: «Мен Жуманазаровдан пора сўрамаганман», деди. Терговчи: «Бу гапга нима дейсиз?» деб сўради. Мен: «Бу киши очиқ сўрамагани билан дашномлари, унинг устига, иш оғирлиги, комиссия кўплиги тўғрисида бот-бот эслатавергани сўрагани-да», дедим. У киши юзлашув охирида: «Мен унга мансаб бериб, ишлатиб қўйганим учун пора берди», деди...

Вой-вўй... Яшайман десанг яшагинг келаверади-да, бу ғаламис дунёда. Яқинда ёшроқ қазо қилган дўстимизнинг хотира садақасига бордим. Уни эслаб, одамлардан чеккароққа чиқиб турдим. Саксон ёшларга бориб қолган бир қария ҳассасини сермаб мен томон келаверди. Билмадим танидимми, ё дардини айтишга ўнгайроқ кўрдими, қаршимга келиб қўлини узатди. Кўришдик. Синга-синга қарадим, танимадим, бировга ўхшатолмадим ҳам. Қария ўзича бир хўрсиниб қўйди. Бу хўрсиниш қайғуришга ҳам, ачинишга ҳам, ҳамдардликка ҳам ўхшамади.

— Югурди-елди, бировни алдади, бировдан алданди. Йигди-йиғнади. Бу кўркам нақшин иморатлар, бу ашё-анжомлар... Бахтишўр, уч қулоч оқ букламга ўралиб кетди-ворди. Шунча молу давлат... буюрмади, буюрмади-да.

Бу гапларни эшитиб қаррининг қаррилиги қолмади мен учун. Жаҳлим чиқди.

— Ачиняпсизми?

— Ҳа-да... Ачинмай бўладими?

— Нимага ачиняпсиз, мол-дунёгами, кетгангами?

Қария ялт этиб менга қаради.

— Айт, айтавер энди, — деди қария овози гўлдираб.

— Нақшли иморат шунчаки бир кесак-тош, ашгё-анжомлар ҳам арзимас нарса. Биласизми, бу инсон қаерга кетди? Тангрининг даргоҳига. Яратган яратганини олди. Ёлғондан чиқиб, ҳақиқатга етди. Ана энди сиз айтинг, ҳозир унинг олдида бу нарсалар нима-ю, сизу биз киммиз? Одам қариса, кўзи ерга, юраги Оллоҳга яқинлашадди, дейдилар. Яна билмадим, буёғи Оллоҳга аён.

Қария ранги-рўйимга бирпас термилиб турди. Кўзида ёш айланди... Юзида бир титроқ пайдо бўлди. Бир нима-лар деб гудранди-да, яна ҳассасини сермаганча кетди. Бир-икки оғиз сўзини илгаб олдим.

— Шукур... охиратимни кўргаздинг.

Бизлар ёлғон сўзлаб ёлғонни ҳимоя қилиб юрибмиз. Кўзимиз осмонда, қалбимиз ерда!

Ахийри, ўзбекчилигимга бордим, виждонимга хилоф равишда Масковда, Олий Судда ўзимга-ўзим туҳмат қилдим. Мадёр аканинг илтимосини бажардим. «Пора берганман деб нотўғри айтганман, пора бермаганман», дедим. Суд ҳайъати менга нисбатан яна қамоқ жазоси берилишини эслатди. Шундаям кейинги сўзимдан қайтмадим. Судия анча чиранди, лекин СССР давлати тугаб бораётгани уни шаштидан қайтараётган эди. Ўшанда қора курсида ўтирган Мадёр аканинг менга бепарвогина сирли қараб кўйгани... Худди сувга чўкиб бораётган одамнинг ўз халоскорига эмраниб қўл узатаётган ҳолатига ўхшарди.

Ўзи бу қандай куч, бу қандай қудрат, қандай сиру синоат! Иккинчи жаҳон уруши деб ном олган, дунёни даҳшатли олов домига тортган ажал майдонида жаҳаннам азобларини кўриб келган, узоқ йиллар Хоразмдай вилоятни бошқарган, подшонинг ақл-идроки бор бу одам эъзозни ҳам эшитган, эл бошига тушган даҳшатли табиий офатлар даврида қайишмаган, керак пайтида қизил империянинг қамчисини маҳорат билан ўйнатолган киши, бир пайтлари оёғига ҳам етолмаган кимсаларни сотиб, рўйхатда Жуманазаровгача бўлган бир юзу саксон тўрт хонадоннинг чироғига рахна солиб ўтирибди... Яна, бунинг ярми ҳақ бўлса, ярми туҳмат.

Худди шу лаҳзаларни ўйласам, бир нарса мени азоб исканжасига солиб қийнайди, руҳимни эзиб ташлайди. Ахир, терговчилар ҳеч кимни отиб, чопиб ташлаётгани, жонини суғуриб олаётгани йўқ-ку. Билиб, кўриб турибдилар, кимга беш, кимга ўн, кимга, ошиб борса, ўн беш йил қамоқ жазоси беряпти. Бу тоифа одамларнинг жон

таслим қилиш чоғида қандай ҳолатга тушишини сира ақлимга сигдиролмайман. Чидаб яшаш дегани шу бўлса керак. Афсусланаман, ўзимни койийман. Нега мен бошқалардай ўтгани ўтди, кетгани кетди деб қора кечмишимдан сира ҳам кутулолмайман? Айбим бошқаларникидан ортиқ эмас-ку?! Тухматга қолганим ҳам айбимми? Ахир, тухматга қолганим эвазига бошқаларнинг жонига аро кирдим-ку! Йўқ, бу дард менинг ақлимда, юрагимда эмас, қонимда бўлса керак...

Хаёллар оғушида кўзим сал илинибди. Ажабким, эски хотираларим тубида ўтган ҳаётим жонланиб, ўйларим ҳар гал мени аччиқ кечинмаларим сари олисроққа судрайверади, уларнинг эса яқинлашиш истаклари йўқ, оёқ тираб қаршилиқ кўрсатишади. Миям чарчоқлигиданми, қобоқларим оғирлашган, кўзларимни очишга имконим йўқ... Яна қамоқ, яна сўроқлар, яна қийноқлар... Яна шу одамлар... Миям сал чарчади дегунча, шу аччиқ кўргуликларим жонланаверади, жонланаверади. Бундан қутулишнинг ўлганимчаям имкони бўлмаса керак...

4

Самолёт ичидаги тушуниксиз ғала-ғовурдан сесканиб кетдим. Арининг ини бузилгандай, бирор нарсани англаш қийин. Самолётимизни Тошкент аэропорти қабул қилмаслиги ҳақидаги нохуш хабар барчани саросимага солиб қўйган эди. Об-ҳаво ноқулай эмиш. Бу ҳақда Симферополь аэропортидаёқ эшитган эдик.

Авваллари неча маротаба об-ҳаво ноқулайлиги туфайли аэропортлар самолётларни қабул қилмаган, лекин бу воқеа ҳеч қачон бугунгидай фожиавий тус олмаган.

— Айтмадимми! — деди бўйнини чўзиб, самолёт учмасданоқ шум хабарларга алоҳида урғу бериб, «билагонлик» қилиб юрган пўрим одам. — Аслида, об-ҳаво эмас, давлат тўнтариши сабаб! Тамом, Тошкент қуролланган аскарлар билан ўраб олинган!

— Самолётимизнинг қайтиб кетишига ёқилғиси етармикан?!

Қайси бир аёлнинг ташвишли луқмасидан самолёт ичи бирдан сув сепгандай жимиб қолди. Ҳозиргина эшитилган даҳшатли сўзларни ҳар ким ўзича таҳлил қила бошлади.

— Ваҳима қилаверманглар, туман бўлса тумандир, — соддалик билан деди гапга унча қўшилавермайдиган ўрта яшар одам. — Самолётимизни кеч учиришганига ҳам сабаб шу нарса бўлиши керак.

— Самолёт сардори бу ерга чиқсин, талаб қиламиз,

аниқ ахборот берсин! — Пўримнинг бу қароридан одамлар самолёт сардорини сиқувга олсак, самолётни албатта, Тошкентга қўндиради, деган тасалли билан овозларини баландлатиб қичқирашди:

— Тўғри! Тўғри!

— Чиқсин бу ёққа! Тушунча берсин!

Алалхусус, самолёт сардорини чақириб, «тушунча» ола бошлашди. Сардор жуда вазмин одам экан, шовқин босилмагунча бир оғиз ҳам гапирмай, тинглаб тураверди ва ниҳоят, барча жимиғач:

— Ҳаяжонланишга, кўрқишга ўрин йўқ, Тошкентда куюқ туман. Ҳозирча Ўзбекистонда бирорта очиқ аэропорт йўқ...

— Бутун Ўзбекистон туман экан-да! — Заҳарханда билан сардорнинг гапини бўлди ҳалиги пўрим.

— Балки Олмаотага қўнармиз, ҳозирча бир нима дейиш қийин, — деди кема сардори ва худди шундай бўлиши керакдай, пўримнинг сўзига ҳатто эътибор ҳам бермай, вазминлик билан учувчилар бўлмасига кириб кетди.

Ҳамманинг дами ичига тушиб кетди. Лекин начора, бошга тушганни кўз кўради. Ожизлик инсон вужудидаги қўнғироқларни жон-жаҳди билан жаранглата бошлайди. Яна чорасизлик шовқини кўтарилди.

— Ленинградда туман бўлмаган кун йўқ, лекин самолётлар тўғтамасдан учиб-қўниб туради-ку.

— У Ленинград!

— Нима, Ленинградда мумкин-у, Ўзбекистонда мумкин эмасми? Уларнинг учувчиларининг шохи борми, ё мактаби бўлакми?

Ана бу ўринли саволга жўяли гап топишолмай сал жимишди-ю, яна шовқинни давом эттиришди.

— Бу ерда бошқа гап, мана бу ўртоқнинг гапида жон борга ўхшайди. Давлат тўнтариши муносабати билан Тошкентдаям ҳарбий ҳолат эълон қилинган!

— Тўғри, туман дегани — ҳарбий ҳолат дегани.

— Нима, давлат тўнтариши Қозоғистонга таъсир қилмай, фақат Ўзбекистонга тегишли эканми? Ана, Олмаотага қўнишимиз мумкин деяпти-ку.

— Қўнамиз деяётгани йўқ! Қўнишимиз мумкин деяпти. Иккиси — икки дунё гап.

— Самарқандга ё Андижонга қўндирса бўлмайдими?

— Айтяпти-ку, Ўзбекистонда туман эмиш...

Бизларнинг дамимизни равонлаш учун бўлса керак:

— Олмаотада қариндошимиз йўқ-а? — деб сўради Гулноз опасига куш қараш билан.

— Нега йўқ экан, — дедим, гапим чин, деган маънода жиддий.—Қўналға холангникида мазза қилиб дам ола-

миз. Эскидан танишмиз, аввал ҳам яхши қабул қилган, бугун ҳам мунтазир бўлиб кутиб ётгандир.

— Ким у Қўналға холангиз? — Дабдурустдан сўради Раъно.

— Аэропорт-да! Қушлар қўниб ўтадиган жойга «қўналға» дейдилар. Самолёт ҳам бир қуш-да, уларнинг қўналғаси аэропорт дейилади...

Раънобибининг ҳафсаласи тамоман пир бўлди.

— Қўйсангиз-а, ҳозир ҳазилнинг вақтими...

Кўнгли ёш боладай беғубор аёлимга раҳмим келди. Гулноз эса, менинг хотиржам ҳазилимдан завқланиб, описига тасалли берган бўлди:

— Ҳа, яхши, холанг деганига жаҳлингиз чиқмасин, — деди-да, мен томон энгашиб, қувлик билан қўшиб қўйди: — аммамизникига деяверинг, қариндош сизники бўлақолсин.

— Одамни устидан кулиш, аслида, сизларни тухумингизда бор!

Раъно энди икковимиздан ҳам астойдил хафа бўлиб, самолёт дарчаси томон юзини бурди. Унинг мана шундай беозор одати учун қамоқдалигимда бир ғазал ёзган эдим, тавба, ҳозир ёдимга тушиб кетди:

*Кўтар қаддингни, сан жоним, мани қаддим баланд бўлғай,
Сани қадринг баланд бўлса, мани қадрим баланд бўлғай.*

*Кабутардек уриб чарх ман само узра карам бози,
Шоду хуррам сани кўрсам, сафо садрим баланд бўлғай.*

*Гаҳи сиғмам замин ичра, гаҳи бағримдадур олам,
Тавалло гул юзинг бурма, йўқса дардим баланд бўлғай.*

*Муҳаббатдан туғилгай ишқ-вафодур истаги мангу,
Садоқат бобида ҳар дам қўймиш шартим баланд бўлғай.*

*Зарра тойсам вафоимдан, нафратингдан ёниб буткул,
Шамолли кун фалак бўйлаб хокистарим баланд бўлғай.*

*Дерман Комил Аваз қалбдан ҳаққи иймон Гулираъно,
Қариб-қартайганим сайин муҳаббатим баланд бўлғай...*

5

Самолётимиз Нукус аэропортига қўниб, батамом тўхтади ҳамки, ҳеч ким ўрнидан қўзғалмади. Ҳеч ким миқ этмайди, оғир жимлик чўкди. Қўнишимиздан олдин шаҳар об-ҳавосини эълон қилган стюарлесса, энди барча-

мизнинг қўналға кутиш залига ўтишимизни таъкидлади-ямки, ҳеч кимдан садо чиқмади, гўё самолётдан тушмасалар, учиб кетадигандай.

Мен ўрнимдан даст туриб, қўл юқларимизни ола бошладим. Раъно саросималаниб менга қаради.

Гулноз:

— Туринг, — деб опасига ўтирилди. — Нукусга келдик, тушамиз. Урганчга қўнганида-ку, олам гулистон эди.

— Ҳечқиси йўқ, — дедим. — Урганчга келдик ҳисоб.

Шундагина Раъно ўзига келди.

— Юқларни тушириб, уйга жўнасақ бўлмайдими? Тошкентдаги аҳтиқларни (невараларни) ўзлари Урганчга келганларидаям қўраверамиз.

— Нега бўлмас экан, жуда бўлади-да.

Ишонч билан айтган сўзимдан Раънонинг юзига қизиллик югурди. Бирдан тетиклашиб, пастга туша бошлади. Шу пайт яна одамлар орасида ғала-ғовур қўтарилди. Биров у деди, биров бу. Кимдир самолётдан тушманглар, нима бор кичкинагина кутиш залида, сиқилиб ўтираммизми, Тошкентда туман тарқаса, бир лаҳзада учиб кетишимиз ҳеч гапмас деса, кимдир, ахир тушинг деганларидан кейин тушиш керак-да, дейди. Хуллас, ҳар ким ўз ташвиши билан банд. Мен стюардессадан самолёт юқхонасидан жомадонларимизни ола биламизми, деганимга йўқ жавобини олганимни Раънога билдирмадим, чунки уч юзтача йўловчининг жомадону юқлари орасидан бизникини ким излаб олиб беради. Бу ақлга сиғмайдиган нарса бўлсаям, ҳар эҳтимолга қарши, сўраб билиб олишим лозим эди.

— Нима, жомадонларимизни берармиканлар? — Хавотирланиб сўради Раъно.

— Йўқ. Кетаберинглар, орқангиздан уйингизга жўнатамиз, деяптилар.

Қўпол ҳазилимдан Раънонинг юзи тундлашди, лекин индамади. Бу гаплардан беҳабар Гулноз:

— Поҳ, ажаб яхши иш бўлди-дон. Тошкентга бориб, яна қайтиб ҳам юрмаймиз, — дея севиняпти.

— Жомадонларни бермаймиз, дейишаётганмиш, — деди Раъно Гулнозга қарамай.

— Нега бермас эмишлар! Талаб қиламиз! ООНга ёзамиз!

Гулнознинг гапидан завқим келди.

— ООНнинг бошлиғи келиб, шахсан ўзи олиб бермаса, жомадонларни олмаймиз!

Нима қилгандаям Гулноз ёш-да, қотиб-қотиб кулади. Бизларнинг қувлигимиз Раъногаям юқа бошлади.

— Йў-ўқ, уйга олиб бориб берсин, уйга! — Раъно кулмай, киноя билан айтган бўлса-да, барибир бизга

қўшилиб одимлай бошлади. Бунинг ҳам ўзига яраша томонлари бор. Ахир, Нукусга келдик дегани — Урганчга келдик дегани-да, машинада бир ярим-икки соатлик йўл. Лекин жомаданларни бермаса, буям катта бир муаммо бўлиши турган гап. Балки унчалик катта муаммо эмасдир, негаким, Раъно билан Гулнозни жўнатиб, ўзим қолишим мумкин. Мен Тошкентга учиб бориб, яна қайтишим керак, холос. Раъно менинг бу ғоямга розилик берармикан, чунки Баҳром Тошкент аэропортида кутяпти. Нодира, Ҳилола, Отабеклар орзиқиб кутишяпти. Невараларни кўриб қайтиш қатъий режамизга кирган. Гулнознинг эса қайтиб самолётга мингиси йўқ.

Батамом норизо одамлар қаторида аста-секин судралишиб, қўналға кутиш залига кирдик.

Торгина кутиш залида тумонат одам, нафас олиш қийин. Раънонинг кўнгли айний бошлади. Гулноз икковлари ташқарига чиқишди. Мен маълумотлар дарчасига яқинлашмоққа уриниб кўрдим, бефойда. Аслида унинг кераги ҳам йўқ эди-ку, лекин кўнгил. Лутфий ҳазратлари заб айтганлар-да: «бу кўнгулдур, бу кўнгул..» деб.

Учиш тафсилотлари биз учун чигал бўлишига қарамай, залдагиларнинг бари «маълумотчи», айримлари-ку, наинки учиш ва қўниш воқеаларини, балки об-ҳаво хабарларини ҳам ипидан игнасигача билишади: «Бугун Тошкентда туман тарқамайди, чунки олдимиз кеч, тарқаса, эрта пешинга яқин тарқаши мумкин». Ана, сизга метеорологик маълумот! Худди тепа билан гаплашиб қўйишгандай аниқ ва дўнда жавоб беришларига ҳайрон қоласан. Барибир хом сут эмган бандамиз, ишонмасак ҳам андак илинжимиз юрагимизга далда беради, нима у туман дегани, шамол эсса тарқайди-кетади.

Синчков одамларнинг башоратлари тўғрига ўхшайди, Владивостокдан дейсизми, Иркутскдан дейсизми, хуллас, бирор ярим соат ичида бизникига ўхшаган «Ил-86» русумли самолётлардан ўнга яқини Нукус қўналғасига келиб қўнди. Икки ярим-уч минг йўловчига наинки хизмат қилиш, ҳатто уларни кафтдеккина аэропорт биносига киритиш ҳам ақлга сиғмас ҳодиса эди. Агар эрталабгача Тошкентда туман тарқамаса, ҳолимиз не кечади, қандай тонг отирамиз?

Кўпчилик нима бўлса, биз ҳам шу-да, бир оқшом — минг оқшом эмас-ку! Ана шундай сокин тасалли билан ҳамма қатори аста-секин самолёт ёнига қайтдик. Хўш, энди нима қиламиз?

Бир-бировимизга маъносиз боқиб бир оз пастда турдик. Ҳозироқ минмасак қолиб кеталигандай барча қатори самолётга миндик. Самолёт ичида ўриндиқларимизга энди

ўрнашиброқ ўтирганимиздан сал вақт ўтиб-ўтмай, нафасимиз қайта бошлади. Тўхтаб турган самолёт ичида ўтириш зиндонда ўтиришдай гап-да, бори азоб. Яна қайтиб пастга тушдик. Атроф яланглик, ҳаво ғуборли, намчил, қуюқ қоронғилик қаъридан ёқимсиз шамол эсяпти. Сикилганнинг фойдаси йўқ. Бир Раънога, бир Гулнозга қарайман. Улар ҳам тақдирга тан беришган кўринади, жимгина елкаларини қисиб самолёт зинапоясига ёнида бироз туришди-да, индамайгина яна юқорига кўтарилди бошлашди.

Мен самолётга кўтарилгим келмади. Ҳали айтганимдай, чарчаб уйку тортмагунча самолёт ичига киришга тоқат йўқ. Раъно менга чиқасизми ҳам демади. Салдан кейин қайтиб яна тушишади десам, йўқ, уйку элитди чоғи, тушишмади.

Шу пайт қоронғилик қаъридан аввалига овози, сўнгра машинанинг ўзи келиб, самолёт қаноти тагида тўхтади. Кимдир «нон» деб овоз берди. Бирдан ғала-ғовур, шовқин-сурон билан одамлар машинага ёпирилишди. Самолёт ичида уйқусираб ўтирганларнинг баъзилари тушуниб-тушунмай, кўзларини уқалаганча зинапоядан апил-тапил туша солиб, машина томон отилишди. Кимдир: «Ўзи ўн буханка экан, тамом», деди. Қора буханка нонни олганлар очкўзлигидан андиша қилишдимиз, «хомроқ пишган гиштми-ей, нонга ўхшаган жойи йўқ», дейишса, ололмаганлар, «яна олиб келишармикан ё шунинг билан тамоммикан!» дея норозиландилар. Мен бу сабрсиз одамларнинг очкўзлигига қараб бир ҳайратланаман, бир одамгарчилик юзасидан нукусликларнинг норизолик уйготадиган ҳимматидан хафаланаман. Кўзим ўнгида киноларда кўрган биз Иккинчи жаҳон уруши давридагидай «полуторка» кузовли машинада беш-ўн буханка қора нон келтирилиши СССР деб аталмиш улкан давлатнинг одамларга қиладиган нақадар ожиз, майда, ҳақоратомуз ҳиммати жудаям ачинарли кўриниши, ҳали самолётда овқатланганларига ҳеч қанча вақт бўлмаган кап-катта одамларнинг бачкана ҳаракатлари, бир-бирларини итариб нонга ташлашнишлари, яқинда қамоқдан қайтганимизданми, нафсониятимга тегиб кетди. Бир дақиқа маҳбусларнинг сабру қанотлари нечоғлик мустаҳкамлигини кўз олдимга келтирдим. Улар очидан ўлаётган бўлсалар ҳам бир бурда нонни барчага тенг бўлиб ейишади, улар маҳбуслар! Булар-чи! Булар озод, тўқ одамлар. Буларнинг яшаш қонунлари бўлак. Фақат ўзимга бўлсин, деган шиор остида ўзларини-ўзлари хўрлаётганларини наҳотки билишмайди!..

Аламзадалик билан самолёт қаноти ости томонга юрдим ва қоронғиликда яна Йигит билан Қизнинг кучоқ-

лашиб турганини кўриб, хижолат бўлиш ўрнига севиниб кетдим. Мана-ку ахир, ҳаёт деган хилқат бугун бўйибаста билан бор экан-ку! Керак бўлмасаям бир бурда нон учун оёқ остида ўралашмайдиган, бу ёруғ дунёда ишқдан бўлак буюк мартабани писанд қилмайдиган одамларга қараб қувонмай бўладими?!

Қоронғида Йигит билан Қизнинг миллатини англай олмадим. Ҳозирги ҳолатда мени уларнинг на миллати, на касби-кори, на партиявийлиги қизиқтирарди. Уларнинг шу алфозда бахтиёрлик нашидаларидан баҳраманд туришларининг ўзи ҳар қандай ожиз юракка қувват, нотабий ҳолатларда ҳам ҳаётдан бездирмайдиган, юлдузлар янглиғ сеҳрли оламга олиб кетадиган ширин лаҳзаларни бахшида этишга қодир, ҳар неки турфа миш-мишлардан юқори, тилсимий қудратдир.

Шаҳд билан самолётга миндим. Раъно билан Гулноз беҳаловатгина бўлсаям, ҳар тугул ухлашяпти. Секингина ўриндиққа ўтириб, кўзларимни аста юмдим. Бошқа хаёлларга чалғишга уриниб кўрдим, бўлмади, кўз ўнгимда пастда, самолёт қанотлари остида, кучсиз бўлсаям, бу ерларга хос гоҳ-гоҳ кучайиб, пасайиб турадиган ёқимсиз шамол кўналга шимолидан майда қум зарраларини юзу кўзларга озу кўп сачратиб турган қуюқ қоронгилик қаърида, баланд бўйли, келишган Йигитнинг оёқ панжаларига мингашганча бўйнига осилиб турган, дунё ташвишларидан мосуво Қизнинг сарв қомати гавдаланаверди.

Булар чин ошиқмиканлар? Ё дам олишда танишиб, бир лаҳза бўлса ҳам висол кунларидан тўймай, туман баҳонасида қутилмаган тўхтамадан бахтиёр, қанийди шу туришда яна бир-икки кун ажрашмасак деяётган, дийдор шаробидан сармаст хароботийлармикан? Не бўлсаям, висол лаззатидан баҳрамандлик ҳар қандай шароитда ҳам ўз қудрати билан кўк қадар юксақдир.

Ухлай олмадим, яна хаёл олиб қочди...

Қизларимни, келинларимни ўйлай бошладим. Саодатманд фарзанд умрнинг зийнати экан. Мана, ёнимда менга борлиқ вужудини багишлаган фидойи хотиним — мушфиқ, болажон, самолёт дарчасига беозоргина бошини қўйиб мизғиётибди, унинг ёнида қизим Гулноз бошини беозоргина опасининг елкасига қўйиб ухлаяпти. Яхши кунимдаям, ёмон кунимдаям шу фарзандларимни ўйлайман, шукур қиламан, уларга умр тилайман. Энди неваралар ҳовлиларни тўлдириб чопқилашиб юришибди, ўлмасинлар. Дунёда бир ота-онадан туғилиб дўст бўлмай яшаётганлар бесон. Ҳам бир қориндан тушиб, ҳам дўст бўлиб умргузаронлик қилиш ҳам Оллоҳнинг бандасига кўрсатмиш инояти экан. Илоҳим, ўғил-қизларимнинг дўстлиги

абадий бўлгай! Ахир, бир қарич ер учун ака укасига, бир узук устида опа синглига ёв бўлганлар озми?

Фарзандларимни, невараларимни бутун борлигим билан кўз олдимга келтирмоқчи бўламан, кўнглим яйраб кетади.

*Ўғлим уйинқароқдир, ёшлигимга ўхшайди,
Эркалаши қайрилма қошлигимга ўхшайди,
Жаҳли чиқса ҳам бағри тошлигимга ўхшайди.
Қайсимизга барибир ўхшаса-да у билан
Тирик бўлиб ҳаётда қолишимга ўхшайди.*

Хотира ҳам қизиқ нарса, бу сатрларни қачон ёзганим эсимда йўқ, бирорга китобимга ҳам кирмаган, тавба, шу лаҳзаларда эсимга келиб, шодландим. Аслида ҳам шу, нима ҳақда ҳаёл қилишингдан қатъи назар, салдан кейин ўзингни, ҳаётингни шу лаҳзадаги кайфият орқали жонланаётгани гувоҳи бўласан-да, хотира гирдобига сингишиб бораверасан.

6

Тонг оқаргач, самолёт дарчасидан олисларга қарадим-у, уйимни отаётган тонгнинг нурафшон бўлишига уладим. Аста ўрнимдан туриб, пастга тушдим. Ёқимсиз эрса-да, бир зайлда эсиб турган кучсиз шамол кўкрагимга тегиши билан сал тетикландим.

Кечаси билан димиққан самолёт ичида қандай мизғиганимга ҳайрон бўламан. Худди суфликхонадан гулзорга ўтгандай. Ҳатто ёқимсиз шамолнинг роҳат бағишлашини нафас олиш оғир жойдан чиққанда билар экансиз.

На ҳожатхона, на бир қултум сув бор бу дашти саҳрои кўналғада. Эҳ, шу дақиқаларда учиб кетсак, нақадар яхши бўларди-да! Мен-ку, бир амаллаб кўникарман бу ибтидоий кун кўриш тарзига, лекин Раъно билан Гулноз, бошқа йўловчи хотин-қизларнинг аҳволи не кечар экан? У ёққа ўтдим — яланглик, бу ёққа ўтдим — пастбаланд қумлик. Одамлар уйғонмасдан ҳожатни чиқармоқ андишасида самолётдан олисроққа кетдим.

Самолёт ёнига келсам, бир-икки қария пастга тушиб, тоҳорат олиш қайғусида не қиларини билмай аравлаб юрибди. Таяммум ила таҳорат тадоригини кўришга нарироққа кетган бир-иккита қариянинг юзларида нолиш аломатлари кўринмаганидан руҳингиз энгилланади. Мустаҳкам эътиқодли одамларнинг ҳар қандай шароитда ҳам ҳаётга муҳаббат ҳиссиёти юрагингизни жунбушга келтиради.

Кеча оқшом қувониб қаршилаганим, Қиз ва Йигитнинг оёқ панжалари устида, унинг кўкрагига бошини қўйиб, неча вақтдан бери бўйнига осилганча туриши энди эриш туюла бошлади. Балки оқшомда улар ҳам самолётга миниб бир оз мизғишгандир. Барибир қандайдир ғайритабиийдек.

Муҳаббат тўғрисида, ҳижрону аламлар, севинчу қувончлар, меҳру садоқат, ихлосу эътиқод тўғрисида кўп эшитиб, талайгина китоблар ўқиганман-у, лекин шу бугунгидай севишганлар ҳолатини биринчи бор учратиб турганимданми, аввалига қувонган бўлсам-да, бориб-бориб ҳазм қилолмадим. Улар самолёт қорни тагида, ҳамманинг кўзи ўнгида бир-бирларига шундай ёпиши туришгандики, гўё сал ажралишса, бирови самолётдан қолиб кетадигандай, уч юзга яқин беҳаловат одамнинг бесаранжомлиги бошқа сайёрада бўлиб ўтаётгандай, гўё дунёда шуларнинг ҳаётидан ўзга ҳаёт, бу бўйдор йигитдан бошқа йигит ва меҳр тўла кўзларида жиндай фаромуш кўрса, энг ноёб матоҳидан айрилиб қолаётганга ўхшаган ҳадик мужассам, бир қарашдасёқ ҳар қандай эркакни ўзига ром этадиган қиздан ўзгаси йўқдай эди. Ажабким, уларнинг бу туришлари мендан бошқа ҳеч кимни қизиқтирмаганди. Улар учун эса одамларнинг қизиқиш-қизиқмаслиги бир чақачалик ҳам қимматга эга эмас.

Мен уларни денгиз бўйида ҳам бот-бот учратардим. Бу янглиғ эҳтиросли жуфтлар курортларда кўпда эътиборни тортавермайди. Баъзан ҳавасдан, баъзан ҳасаддан бир оз гап қилишадилар-у, кейин гап қилганларнинг айримлари ўзлариям гап илаштириб қолишади. Денгиз тўлқинидай дам олувчилар бу қирғоққа келиб-кетиб тургани боис майда гийбатлар ҳам ана шу тўлқинлар янглиғ келиб-кетиб туради. Бироқ дам олишдан қайтаётган бугунги севишганларнинг фаройиб ҳолатлари кўп баҳслар, тортишувлар билан ечилмайдиган ажиб тугун.

Қизнинг енгилгина йўл кийими қадди-қоматига ярашиб турибди. Оқ кофтасидан бўртиб турган кўкраклари таранглигидан учишга шайланган кабутарга ўхшайди-ю, фақат қайрилма қошларининг нотаранглигиданми, кўзларидаги аллақандай ҳадикдан ҳам кўра, лоқайдлик, бифарқлик уни ерга боғлаб ташлагандай. Йигитнинг бўйнига ҳам шунчаки осилиб тургандай. Гўзал, лекин эҳтирос йўқ. Унинг бу ҳолати Йигитга ҳам кўчган. Унинг ҳам нигоҳи совуқ. Бўйнига осилиб турган қиз бамисли харсанг тошу уни кўтариб туришга бир умр маҳкум этилгандай. Балки менинг тасаввуримда шундайдир, эҳтимол улар учун азобмасдир, роҳатдир. Тавба, нечун мен булар учун қайғуришим керак? Тўғри, ён-атрофга қарамоқ, айниқ-

са, вақт бемалоллигида, унинг устига, зерикарли манзаралар ичидан кўзни қувонтирадиган нуқталарни топиш, хаёлни лаззатли онлар билан банд этиш табиий ҳол. Ўша боисдан ҳам андак ҳавас, андак ҳасад билан уларга сездирмай яна қарай бошладим. Шу туришлари. Гўё эркак ва аёлдан тикланган ҳайкал. На юз-кўзларида, на туриш ҳолатларида бирон-бир ўзгариш бор.

Зерикдим, наинки уларга қарашдан, балки ундан ҳам яхшироқ томоша бўлганидаям қарашга тоқатим қолмади. Шу пайт самолёт қопусида туни билан бир дақиқаям оёғини чўзиб дам ололмаган, шундай ҳам қон босими баландлаб юрганидан қобоқлари шиширинқираган Раъно кўринди, унинг орқасидан ёшлиги боис чарчоғини сездирмагани билан, бу кутилмаган тўсиқлардан норози Гулноз тушиб кела бошлади.

— «Қорақалпоқпахтатайёрлаштрести»ги бориб, Тошкентдаги дўстлар билан эмин-эркин телефон орқали гаплашиб келсаммикан-а? Балки ҳақиқатан ҳам Тошкентда туман йўқдир, нима дейсан? — Раънога маъноли боқдим.

Раъно жуда ақлли, мушоҳадали аёл, унинг ҳам кўнглидан шу тақовул бирор фикр ўтган бўлса керакки, дарҳол рози бўла қолди.

— Кўпам эйланманг, тезроқ қайтинг, балки учишга рухсат этиб қоларлар.

— Мабода учиб кетсангизлар, мендан дўсту душманларга салом айтишни унутманг.

Раъно билан Гулноз бу сафар ҳазилимдан қаноатланмадилар.

— Яхшиси, бизни уйга жўнатинг, саломингизни ўзингиз етказарсиз.

Раънонинг бу гапи мақсадга бир оз ойдинлик киритди. Тўғри келган машинага ўлтирдиму трестга жўнадим. Борсам, бир кўргандаёқ ошно бўлиб қоладиган одамлар сирасига кирадиган, қолаверса, узоқ йиллардан бери трестда бош муҳандис бўлиб ишлаётган дўстим, шогирдим Камолиддин Раҳимов ўз кабинетида ким биландир телефонда қаттиқ-қаттиқ гапиришяпти. Бирпас қабулхонада кутиб турдим ва кўнғироқ гўшагини жойига қўйгани захоти, яна биров билан кўнғироқлашмасин, деган хаёлда кўриниш бердим. У бирдан ҳаяжонланиб кетди, ўрнидан дик этиб турди-да, қучоғини очиб, истиқболимга юрди.

Ҳибсдан чиққанимдан бери биринчи бор кўришаётганимизданми, менинг ҳам кўнглим бўшаб, Камолиддинга боқарканман, кўзимда ёш айланди.

— Қандай шамоллар учирди? Қачон келдингиз? — Яна бир қанча саволларни қалаштириб ташлаган Камолиддин мени гапиришга ҳам қўймай, қаёқларгадир, ким-

ларгадир суюнчилади, дастурхон тузаб ўтиришларини тайинлади.

— Йўл бўлсин, сўранг? — дедим у анча ҳовуридан тушгандан сўнг, меҳру эътиборига минг раҳмат айтиб.

— Йўл бўлсин-пўл бўлсин йўқ, адаш ака! Ҳозир хўжайин келсин, у киши ҳам сизни яхши танийдилар, ҳатто бизнинг институтни тамомламаган бўлсалар ҳам. У киши қишлоқ хўжалиги одами, лекин зўр одам. Ҳозир уйга кетамиз, ана ўша ерда бафуржа гаплашамиз. Кўришмаганимизгаям минг йилча бўлди-ёв!

— Соқол оладиган асбобингиз борми? — деб сўрадим, икки кундан бери қиртишланмаган иягимни кўрсатиб. — Кеча Тошкент қабул қилмай, бу ерга қўндиришди.

— Кечадан бери Нукусда бўлиб, бизга хабар бермадингизми-а? Мен сизни акам деб юрсам...

— Ҳали учадиганмас, — унинг сўзини аста бўлдим, — келинойингиз билан қизим ҳам шу ерда.

— Пастдами? Ҳозироқ айтиб чиқаман!

— Йўқ, — тўхтатдим уни, — аэропортда улар. Балки ҳали ҳаво очилган бўлса, учиб кетдиларми?!

Камолиддин дарҳол аэропортга қўнғироқ қилди. Учмабдилар, ҳали-вери учиши ҳам номаълум кўринади, — қўнғироқ гўшагини қулоғида ушлаб гапириб турганича, ўзимга таниш ҳолат, устали галадонидан соқол оладиган электр машинкасини олиб менга узатаркан, «соқолингизни олволинг, аэропортга бориб келамиз», деди.

Камолиддиннинг кўп илтижоларига аста-секинлик билан раддия бериб, Раъно билан Гулноза бирга кетишга рухсат олди. Дўстим ўзининг «Жип»ида уларни Урганчга жўнатди. Мен энди меҳмондорчиликка бормаслигим мумкин эмасди, зеро, ҳар дақиқада самолёт учиб кетиши мумкин бўлса ҳам. Телефонни ёнбошимизга қўйиб, астойдил суҳбатлашавердик. Айтилмаган гап, эсланмаган хотирот қолмади ҳисоб.

— Энди ётиб дам олинг, — деди Камолиддин вақт пешиндан ошгандан сўнг, — кечаям ухламай чарчагансиз, мен идорага бориб телефонда об-ҳавони билиб тураман, самолёт учади деганда сизга машина жўнатаман, ўзим чиройли қилиб кузатиб қўяман! — Менинг андиша қилаётганимни сизди шекилли, тагин пухталаб қўйди: — Яна мен кетгандан сўнг ҳавлиқиб, аэропортга равона бўлманг, келишдикми?

— Майли, — дедим, — нима десангиз шу.

Камолиддин ўзида йўқ мамнун жўнаган заҳоти такси билан аэропортга келдим. Қани, мени ичкарига — самолёт олдига киритишса. Паспортимни, учиш чипталаримни кўрсатиб, самолёт ёнига зўрға ўтдим. Демак, кечга

яқин учмай қолсак ҳам Камолиддин учиш майдончасига ўтолмайди, мен эса уни ишдан қўймаслик ҳамда меҳмондорчиликка борсам ҳам тикан устида ўтиргандай беҳаловот ўтиришдан қочганим боис, энди самолёт ёнидан бир қадам ҳам жилмайман.

Қўналғада кеча оқшом, бугун кун бўйи учмай, ҳали қачон осмонга кўтарилиши номаълум самолёт ичида ўтириб, бекорчиликдан, ўткинчи хаёлларга андак дам бериб, одамларга, уларнинг кайфиятларига, айниқса, қўналғадаги аёлларга, ўзларини тутишларига, иффатига разм солиш билан аёллик оламининг гўзал, шунинг баробарида қай бирларининг юзларидаги сабру-тоқат, чидамлик аломатларини кўриб, бу қайинчиликлар аёл зоти учун ўйинчоқдай эрмак эканидан опа-сингилларга ҳам раҳминг келади, ҳам тоқатидан сабоқ оласан.

Шу тақлид ўйлар билан уйқу жой танламас деганларидай, самолёт ўриндигига ўзимни ташлаганимдаёқ қотиб қолибман.

7

Кўзимни очсам, сув-сув терлаб ётибман. Осмон юзи хиралашиб, учиш майдонига тун сепини ёйиш тараддудида. Самолёт ичида одам сийрак. Аслида, кун ботиш арафасида юраклар сиқилиб, жону-жаҳон дилни исканжага олади. Домлардаям кўпгина одамлар, айниқса, уй бекалари, кўчада ўйнаб юрган болаларини чорлаш баҳонасида оқшом чўка бошлаган пайт деразалардан бошларини чиқариб, ҳар тарафга олазарак боқадилар. Бу пайтнинг ўзига хос оғирлиги, кун билан туннинг ўрин алмашуви чоғидаги аросат кайфиятга ҳам таъсир этмай қолмаслиги табиийдир. Бу ҳали жонажон уй қўйнида, қувноқ оила даврасидаги кечмиш аҳвол.

Учиш-учмаслиги номаълум, на ётиш, на туриш, на овқатланишдан дарак бўлган, кечки телевизор дастурлари билан чалғишдан мутлақо олисдаги, тани-баданингдаги чарчоқ оғриғидан қачон қутулишинг аниқ бўлмаган ҳолатда энг хушчақчақ одамнинг ҳам таноби тортилиб, сиркаси сув кўтармайдиган бўлиб қолади.

Оёқ-қўлимнинг чигилини ёзай деб аста пастга тушдим. Самолёт тагидаги елвизакда одамлар тўп-тўп бўлиб гурунглашяпти. Ён томонда тўладан келган бир одам олдида сўйилган қўй гўштини ёйиб ўтирибди. Сал арзонроқ деб Кримдан қўй гўшти харид қилиб келаётган одамнинг аҳволи забунлигини айтиб тушунтирадиган эмас, ҳидланаётган гўштга таъмагир пашшаю чибинларни қувлашга ям мажоли қолмаган. Кўнгил сўрашга иймандим.

Сал нарироқда ёши ўтинқираган бир хотинга сочлари

қув оқ бир нуроний кампир кўзларида нам билан ҳасрат қиляпти:

— Роппа-роса эллик йил бўлибди. Келин бўлиб тушган хонадоним қандай бўлса, шундайлигича турибди. Даҳлиздаги наMAT ҳам ўша. Тикув машинаси дейсизми, стол, стул дейсизми, бари-бариси қандай бўлса, шундай турибди. Сталин бизни бир оқшомда кўчирган. Бизга ҳеч нарсани олишга йўл қўйишмаган эди. Мана, эллик йил деганда шунча йўлдан орзиқиб борсам, яшаб ўтирган бир рус кампири ичкарига кир, ноннинг тузини тот, бир пиёла чой ич, дейиш у ёқда турсин, мени ўз уйимга қўймади, иймонсиз! Ўтганларим руҳига тиловат қилай дедим, розилик бермади, қофир. Қайнотам ўз қўли билан ташқарига ўрнатган скамейкада ўтириб Куръон ўқидим.

Қаердадир эшитганман, агар уясини бузсалар қушлар шу жойга қайта учиб келмас эмиш. Қадим Хоразмда ҳам қатъий бир удум бўлган дейишади — бирор хонадоннинг бошига оғир кулфат тушса ёки офат ёғилса, шу хонадон одамлари олис бир жойларга кўчиб кетарканлар. Қушларни-ку билмадим, аммо Ватан туйғуси одамларни ҳеч қачон тарк этмаса керак. Ахир, бу аёл Ўзбекистонда ҳам ёмон яшамаётган бўлса керак. Тиловат қиламан деса, унинг асло маконга дахли йўқ. Билгисиз бир куч борким, одамни вақти-вақти билан кўзгаб туради. Бўлмаса, нега бу аёл эллик йилдан кейин келин бўлиб тушган маконига интилди? Нега туғилган хонадонига эмас? Нега бу гаплар айни бугун баралла айтила бошлади, у ер-бу ерда кўзгаллишлар найдо бўлмоқда? Қани, бу саволларга бир оғиз гап билан жавоб бериб бўлса!

Ҳарқалай, шу қисматга дучор бўлганларни ўйласанг... Агар таг-томирига етмоқчи бўлсанг... «Отаси ўлмаган ким бор, онаси ўлмаган ким бор. Бировнинг юртига бориб мусофир бўлмаган ким бор...»

Бу дунёи арзнинг асл башараси шу. Лекин барибир, кўзларида ёш билан надомат чекаётган қрим татар аёлга ич-ичимдан ачиндим. Бу кампир Тошкентдан Қримга уйимни қайтариб бер деб бормаган, ўн саккиз ёшимда келин бўлиб тушган қадрдон уйимни бир зиёрат қилай, ўтганлар руҳига Куръон тиловат қилиб кетай деб борган. Одамийлик илтижосини рад этган Ўрусия фуқаросининг, Ўрусияда эмас, Қримда, ундаям ўзининг шахсий уйида эмас, ҳақиқий уй эгасига такаббуруна муносабати унинг жон-жонидан ўтиб кетган эди.

Кампир айтмоқчи, иймонсизларнинг бу янглиғ ўзга ҳудудларда ҳам ноинсоний ҳукмдорликлари, СССР деб аталмиш улкан давлатнинг емирилишига, инқирозга юз тутишига босабаб, бугунги алғов-далғовлар, туман баҳо-

насида ўнлаб улкан самолётларнинг кичиккина Нукус аэропортига жамланиб қолгани, самолётимиз ичидаю ташқарисида одамлар тўпланиб билдираётган норозиликларда ўз аксини топаётгандай эди.

Барибир, ҳаёт-ҳаёт-да. Ўтганлар, уйнинг икки бурчагидан бол, икки бурчагидан қон оқади, деб тўғри айтганлар. Бир жойда митингга ўхшаш йигин, бир жойда дарду ҳасрат, яна бир жойда ўйин-кулги. Ана, нарироқда ёшлар даврасида кулги кўтарилди. Беихтиёр ҳавас билан улар томонга қарадим. Симферополь қўналғасида унча эътибор бермаган эканман, самолётнинг ўнг қаноти тагида бир соҳибжамол қиз икки йигит билан булутлар устида учиб юргандай, худди самолёт мана шу Нукус қўналғасига қўниши, улар шу ерда учрашиши, дилдан ёзилиб суҳбатлашиши зарур бўлгандай, очилиб-сочилиб, гоҳ-гоҳ хандон отиб гурунглашяптики, рости, йигитларга ҳавасим келди.

Ва лекин, нечоғ ўзини қувноқ тутишга урунмасин, қизнинг кўз илгамас дақиқаларда уёқ-буёққа бирров аланглашида шодмонликдан ҳам кўра аламзадалик, ёнида бири-биридан келишган икки йигит бўлсам, унинг нигоҳида ҳаётга норозилик, қандайдир исён борлигини англаш қийин эмас. Гоҳ ним табассум, гоҳ хандон отиб кулиши борасида қандайдир фиғон, одам дилини ўртовчи нола бордай ва қарашлари билан мени ҳам учинчи суҳбатдошига айлантирганини ички туйғу билан сеза бошладим. Эҳтимол, менга шундай туюлгандир. У чиройли табассумли, қиймириб боқишини бошқа йўловчиларга ҳам ҳаёда этаётгандир. Бироқ менга нималарнидир тушунтиргиси келаётгандай, айрича мулоқот учун имзанаётгандай туюлаверди. Негалигига тушунқирамадим. Ажабким, чарчасам-да кетиб-кетолмайман, қолиб-қололмайман. Қиз ва йигитлардан беш-ўн қадам берида турган жойимда михланиб қолдим. Айтганимдай, кетмоқчи бўламан, қиз гўё йигитлар билан гаплашяпти-ю, асосий «суҳбатдоши» — мени қўйиб юбормаяпти, аниқроғи, унинг табассум аралаш ўйчан нигоҳи, қошининг ажиб чимирилишлари мени ушлаб турибди:

*Муқаввас қошларингким, ўсма бирла ранг тутмишлар,
Қиличлардурки, қонлар тўкмак ила занг тутмишлар...*

(Фузулий)

Ҳазрат худди мана шу қизнинг ҳозирги ҳолатидаги қошларини тасвирлаган-ов... Аслида, бу байтнинг юки фақатгина қошлар ҳолатию бўёқлар тасвиридагина эмас,

ундан кўп юқори, юкли, салдомли. Устознинг ботиний дунёси не қадар бой, тафаккур кўлами нақадар кенг...

Ҳазалнинг қолган байтларини нечоғ уринсам ҳам тўлиқ ёдимга келтиролмадим. Бора-бора яна ёлғизликдан ўзимни қандайдир нотавон сеза бошладим. Осмонга қарасанг, оғир булутлар тўдаси юриб юрмайди, тўхтаб тўхтамайди, ерга қарасанг, енгил шамолдаям Орол томондан учиб келаётган озми-кўпми қум зарралари оёқларингга ўралашади, самолёт ичига кирсанг, нафас олиш оғир, пастда турсанг, ёқимсиз шамолдан аъзои бадан жунжикади. Хуллас, бир эрмак топиш керак. Энг яхши эрмак, бу хаёл! Унинг билан ҳар ишни қилиш мумкин. Хоҳласанг — узоқроққа чўзасан, хоҳласанг — бир дақиқада ўйлаган нарсангни худди экранда кўргандай кўз олдиндан йилдиримдай ўтказасан.

Йигитлар даврасида аввал менга ёнбоши билан турган қиз, бундай қарасам, орқасини ўгириб, йигитнинг олди-қочдисига қулоқ беряпти. Табиий ҳолдай туюлиши керак бўлган қизнинг бу тақовул ўтрилиши негадир менга эриш туюлди. Ахир, ҳалигина менга бир нималар демоқчидай нигоҳлари ила «суҳбатига» чорлаб турган эдику!

Аста-аста ҳиссиётларимдан андак совиб, қизу йигитлар томонга умуман қарамай, кўналганинг кун ботиш томонидаги қорая бошлаган яланглик ортидаги қорамтир уфққа қараб, эзила бошладим. Нотаниш қиз «суҳбати» ҳам ғайритабиий, бачкана туюла бошлади.

Шундай ҳам чидашлик душвор кўналга ҳаёти Раъно билан Гулноз кетгач, баттар оғирлашди. Ҳеч кимга кўшилолмамай ёлғизланиб қолганимга хўрлигим келди. Ё тавба! Не-не алломаю уламолар ёлғизлик мартабасини қўмсаб, қўйингки, ҳатто улуғлаб битиклар битганлар, шарафланганлар. Мен эса жону жаҳонга сиғмай тўрт тарафга ўзимни ташлаб чидай олмаяпман!

*На бир бор ёри гамхорим, на дилдори вафодорим,
Етишса даҳрдин чеккум агар юз бир ғам ёлғуз.*

Ё Раб! Ҳали вафотига беш-олти йил бўлмай, худди минг асрлик мозий ошоғидан машхур ҳофиз, ён кўшнимиз Ҳожихон Болтаевнинг овози келгандай бўлди. Ё биров магнитофон қўйдимикан?

Қандай забардаст овози бор эди-я Ҳожихон аканинг! Дадам бундай овоз соҳиблари юз йилда, икки юз йилда бир келади, деб бот-бот такрорлагувчи эдилар. Тавбаким, у кишининг доимо ёнларида бирор кимса бўлсаям, олам ичра ёлғизлиги шундай сезилиб турар эди. Суҳбатларга

кўп ҳам қўшилмай, ўзининг оламида яшаган лаҳзаларини кўрмаганлар кам.

Қайси бир йили Бўзқалъанинг эски раиси, сўнгги вақтларда қовунчиликда ном чиқарган, қўшиқ шайдоси, айниқса, Ҳожихон ака услубидаги айтим мухлиси, дастурхонли, улфатга бесуюяк Матвафо ака Юсупов (тенгдошлари Матвафоқул дерди) мен Янгибозорда ишлаётганимда:

— Комилжон, Ҳожихон акангни ина шу чертака олиб галсанг-а! — деб қолди.

Матвафо аканинг айтмиш, ўзининг номи билан машхур, Шовот-Гурлан йўлига чиқиш ерида жойлашган чертаги жуда сўлим, сердарахт, оёқ томонида Хоразмнинг ҳозирда номлари эслан чиқиб бораётган ҳамма тур қовунлари етиштириладиган катта полизи, қибласида пахтаси белдан келадиган далалари кўзни қувонтирарди.

Бу чертақда кимлар бир пиёла чой ичиб, кимлар ҳордиқ чиқармаган! Шароф Рашидовдан тортиб, чет эллардан ташриф буюрадиган казо-казолар борми, космонавтлару юртга таниқли не-не олиму аҳли фузало тўхтаб ўтган табаррук жой бу!

Матвафо аканинг Ҳожихон ака борасидаги таклифи маъқул келди ва чертақка каттароқ меҳмон келмаяжак куни ҳофиз баҳонасида тўрт-беш ҳаммаслак, ҳамиша кўнгил очар сафарларда деярли бирга юрадиган ошнолар ташриф буюрдик. Муъжазгина ҳовуз лабидаги супага, қўлларини қумгонда чайиб, аввал Ҳожихон ака, кейин у кишининг укалари машхур ҳофиз Нурмамат ака, сўнг ҳофизларнинг тутинган ҳамфикр ҳамроҳи Сиддиқ махсум нондан бўлак ҳали ҳеч нарса қўйилмаган дастурхон ёнига ўтирдилар. Ҳожихон акани кино қилиб юрган ажойиб фозил сўхбатдош, ёзувчи дўстимиз Неъмат Солаев қўлини артиб, Матвафо ака шаънига, машхурлиги, чертаги борасида сертакаллуфлик қилиб сочиқни Рўзмат Отаевга узатай деб турган пайтда, ҳамишаги паришонхотир хаёллари билан банд шоир менга юзланиб:

— Комилжон, Эшонни қамаган одамлардан ҳозир тириклари бормикан? — деб сўраб қолди.

Эшон деганимиз — Ҳожихон ака. У киши ўттизинчи йилларда бир тўхмат билан ўн йилга кесилган. Рўзмат ака сўзини тамом қилиб-қилмай:

— Ина, ёнларида ўтирибди, Махсум ака, ўша вақтларда қораловчи бўлиб ишлаганлар, прокурорнинг асосий ишлари бўйича терговчи бўлганлар, — дедим, ҳафсала билан анча аниқлик киритиб.

Бундай бир томондан сертафсилотлик, иккинчи то-

мондан сал бетгачопарлик билан жавоб беришимда, авваламбор, бу ўтирганлар билан неча йиллардан бери қарийб биргамиз, ёшларимизда фарқ катта бўлгани билан айтилган ғазалларнинг сўзлари устидаги тортишувларда ортда қолмаслигимизми, ёки саводхон Махсум акага нисбатан жиндай эркалик, дадам билан баъзан у кишининг қуюшқондан чиққан ҳазилкашликларидан андак кўзимиз очилганиданми, худди балиқ сувга киргандай гурунглариимизда баъзан ўрни келганда сал тегажожлигимиз, суҳбатимизга путур етказиш ўрнига, ажаб фараҳбахшлик ато этишими, хуллас бир бегараз, дўстона яқинлик бор.

Махсум ака билан қанчалик яқинлигимиз бўлмасин, қалтис жавобимдан ҳамма бошини куйи эгди. Меҳмоннавозлик билан кулиб турган Матвафо ака бир менга, бир қолганларга ҳайратдан анграйиб қолди. Баримизнинг нигоҳимиз, табиийки, Махсум акага қалалди. Чўкка тушиб, доимий одатига кўра бошини солинтириб ўтирадиган Махсум ака аста қаддини кўтариб, менга совуқ назар ташлади.

— Чиқардик-ку!

Махсум аканинг бу янглиғ совуқ қарашини кўрмаганимданми ё овозида «сенлар ниманиям биласизлар» қабиладаги дўрилдоқми, менинг чўртагилигимни кўзгади.

— Ҳовва, чиқардингизлар! Муҳлатини тугатиб чиқардингизлар! — дедим истехзоли кулимсираб.

Ҳожихон ака бошини сал кўтариб, ўзининг анойи жилмайишида менга бирров кўз қирини ташлади, лекин гапирмади. Рўзмат ака савол берганига пушаймонлиғ нуқтаи назаридан бир нима демоқчи бўлган эди, Матвафо ака қувлик билан унинг оғзидаги гапини илиб, бизга қаради:

— Паловга гуручни босаверайми, ё?..

Нурмамат ака кўзларини ўзига хос шўх ўйнатиб, Матвафо аканинг сўзини бўлди:

— Рўзматбойнинг нердаги саволларина Комилжон алмисоқдан қолган қадимги гапларни кўзгиди. Гуручни солинг, гуручни! Соз ҳам, суҳбат ҳам энди қизади, Матвафо ака!

— Ина шуни айтсангиз-а! Навлин ҳосили... Манга ина шу гапингиз маъқул. Қани, ҳаммамиз ўтириб бир фотиҳа қилайлик.

Нурмамат ака тўғри айтган экан, шу кунги гўзал соз билан ширин суҳбат тафсилотини айтиб адо қилиб бўлмайди...

Самолёт тагида уёқ-буёқ юриб, оёқларим толиқди. Яна ушланиб қолмаслик учун қизу йигитлар томонга қайрил-

мадим-да, шитоб самолётга кўтарила бошладим. Шу пайт самолёт зинапоясидан тушиб кела бошлаган ўрта яшар бир йигит мен билан эски танишлардай ҳол-аҳвол сўрашди.

8

Йўл азоби — гўр азоби дейдилар-у, сафар қанчалик оғир бўлмасин, бир хил мураккаб шароитда, ҳеч кимга ҳеч қандай енгиллик яратилмаган, тутган мансабларию илм даражаларидан қатъи назар, ҳаммининг бир хил «йўловчи» номи билан аталишидаги танишувлар беғараз, бетаъма, бир-бировга кўрсатиладиган илтифотлар, кўнгил кўтаришлар, айниқса, чорасиз мавҳумликда икки оғиз ширин сўз, чиройли бир нигоҳ қалбингни шодмон этади.

Мен учун шу икки кун, айниқса, Раъно билан Гулнозни Урганчга кузатиб, оёқ-қўл кўринмас ип билан самолёт қанотларига боғланган бўлсаям, «эркин қуш» бўлиб қайтганимдан кейин, ушбу оқшом беқайтариқ ажиб таассуротларга бой, дилимда чарх уриб, азоб бергувчи кўпгина саволларга яна саволлар қалаштириб ташлаган сирли оқшомлардан бири бўлди.

Хушвақт билан танишувим ўзи бир дунё.

Танишув

Ўскин сочлари жингалак, пешонаси Ибройим Полвон айтмоқчи, бир газ, кўзларидаги қатъийлик бор вужудидаги ғайрат билан баҳслашаётгандай одамни ўзига жалб этади. Баланд бўйига ярашиқли юришида ҳам улуғворлик сезилиб турганига қарамай, муомаласида ажиб оддийлик, камтарона илтифот.

— Ака, менинг исмим Хушвақт, самолёт ойнасидан бундай қарасам, зерикаясиз. Икки оғиз ширин суҳбатингизни олай деб тушиб кела бердим. — Унинг сўзини бўлмай зинапоя ярмида тўхтадим. У мени кўлтигимдан енгилгина ушлаб, мулойимлик ила пастга етаклаб, сўзида давом этди: — Шунча оломон ичида дилимни очиб гапиришадиган одам тополмадим, узр, қолаверса, кўзимга иссиқ кўриняпсиз, сўрашга ботинолмай турибман, сиз бизнинг институтни тамомламаганмисиз?

— Сиз қайси институтни назарда тутаяпсиз билмадим-у, мен Тошкент тўқимачилик институтини тамомлаганман, — дедим.

— Айтдим-а, нега таниш кўриняпсиз деб, биз сизлардан икки курс кейин ўқиганмиз. Мен ҳам сиздай пахта-

чиман. Лекин институтни битказиб, пахта заводида озроқ ишладим, комсомол, партия... Шунақа.

— Жуда соз, ҳар кимнинг насибаси, — дедим энди ўзимни жудаям яқин олиб.

— Анави турганларни кўряпсизми, кечадан бери бири-бирининг кучоғида, — Йигит билан Қизга ишора қилди Хушвақт.

— Ҳа энди, бу ҳаёт, биров ундоқ-бирова бундоқ.

— Мен ҳам шулардай севишни бир умр орзу қилиб келяпман, лекин ўзимиз ишлаб чиққан тушов, ҳеч йўл бермади.

Мана шу бир оғиз «тушов» сўзи уни менга янада яқинлашгирди. Биз энди у билан эски қадронлардай ширин суҳбат оғушида самолётдан олисроқда одимлай бошладик.

— Энди, Хушвақтжон, ҳаётда ҳамма нарса нисбий.

— Шундай. Одамнинг бир умр бахт излаш юки остида юриши ҳаётнинг оғирлигидан далолат эмасми?

— Керакли юкнинг оғири бўлмайди, дейди эскилар. Довуд пайғамбар Оллоҳ таолодан, бир юк бер, ҳам оғир бўлсин, ҳам енгил, деб сўраганида, Яратган унга муҳаббат юкини берган экан.

— Муҳаббатнинг азоби-чи?

— Лаззатнинг бари ана шу азобда-да!

— Оббо, Комилжон ака-ей, жуда топиб айтдингиз. Ўқиб юрган пайтимиздаям сизнинг институтимиздаги учрашувларда сўзлаган нутқларингизни мириқиб эшитганимиз.

— Ёшлик эҳтирослари...

— Эсингиздами, Комижон ака, институтимизга Масковдаги тўқимачилик институтидан тожик курсини бизга ўтказишган эди?

— Ҳа, ўша йили биз битказаетган эдик.

— Шундай-шундай. Шу курсдан бир гўзал тожик духтарини севиб қолганимни айтсам... ишонмайсиз...

— Жуда офатижон қизлари бор эди, қурғурларнинг. Уйланмадингизми?

— Уйланиш қаёқда!.. Сиз ирим-чиримга ишонасизми?

— Баъзан... ақлга сиғса...

— Ана, кўрдингизми... Бизларнинг ақл-пақл билан ишимиз йўқ. Етти рақамга ихлосим бениҳоя баланд, айниқса, бирор муҳимроқ нарсани амалга ошириш учун кетаётган бўлсам-ку, албатта, ботиний туйғуларимга ишониб, бировнинг етти қадамдан кейин менга қайрилиб қарашигами, етти дақиқадан кейин мен кутаётган трамвай муюлишда кўринишидами, ишқилиб, бирор ҳодисага етти рақамини боғлаб омадимни синаб юраман.

Ҳаво ўша куниям худди бугунгидай рутубатли, губорли эди, қолган имтиҳонларни топширишни ўйлаб институтдан келаётган эдим. Қарасам, У йўлни тенг иккига бўлиб, солланиб менга қараб келяпти. Ишонаверинг, ўша пайтда менга шундай туюлди... Ора яқин қолганда, худди аввалдан келишиб қўйгандай икковимиз бир-биримизга ялт этиб қарадик. Бу ҳол шунчалар тез содир бўлдики, чамаси, кўнглимдан не кечганига ҳам тушунолмаб қолдим. Мен сал ўтинқираб, орқамга қарадим. У қайрилмади. Тўхтаб еттигача санамоқчи бўлдим. Агар еттигача санаганимда бирров орқасига қайрилиб менга боқса, демак меники. Тавба, «ҳе» йўқ, «бе» йўқ, тасодифан кўринган қизга эгалик қилишим ҳатто эриш ҳам туюлмади. Шошилмасдан еттигача санадим, қайрилиб қарамади. Таваккал деб яна еттигача санайман-да, қарамаса ўзидан кўрсин, деб кетмоқни кўнглимга тугиб, санай бошладим, 1, 2...7! Қайрилиб қаради! Тамом! У меники! Бошимни баланд кўтариб йўлимда кетавердим.

Хўш, бор-е, орқасига қайрилиб қаради ҳам дейлик, унда нима? Лекин бу паризод ким бўлди экан? Бизнинг институтда ўқирмикан ё шунчаки йўловчимикан? Ахир, бу йўлдан фақат институтда ўқийдиганлар юрмайди-ку. Катта кўча бўлса. Аммо ҳали айтганимдай, мени ички туйғум шу вақтгача бирор марта ҳам алдамаган. Ҳозиргиси андак фирром бўлди, еттигача икки маротаба санадим. Қарамаса, балки, уч марта санармидим. Нима бўлгандаям қайрилиб қаради, қарагандаям эркини менга бахшида этган тақовул қаради, демак У меники!

Худодан, катта гапирдим шекилли, эртаю-кеч У ҳақда ўйладим, бироқ Уни ҳеч учрата олмадим. Қайғура-қайғура Ундан тамом умидимни уздим деганда ё тавба, яна тасодиф! Унга рўбарў келдим! Яна қаерда денг, институт ётоқхонасида. Эски қадрдонлардай сўрашдим. Беихтиёр кўчага таклиф этдим. Йўқ демади, бошқалардай ноз ҳам қилмади. Анчагача сўзлашмай кетавердик. Мен нима дейишим, гапни нимадан бошлашни билмайман. У тўхтади.

— Бу қандай қиз эканки, юринг дегандан орқамдан эргашиб келаяпти, деб ҳайрон бўлаяпсиз, шундайми?

— Унчаликмас-у...

— Алдаманг, ўйлаяпсиз.

Гира-шира қоронғилик чўка бошлаган йўлак бўйлаб борарканмиз, эртакнамо бу учрашувдан дилимни қувонч ўрнига қандайдир мубҳамлик, ғашлик кемира бошлади.

— Биласизми, — деди У сокинлик билан, паст овозда қўшиқ айтаётгандай ширали оҳангда, — албатта мен ҳозир Сизнинг хонангизга кирмайман, буни ўзингиз ҳам салпал тушуниб турибсиз. Лекин нега Сизга дилимдаги рост

гапни айтдим? — Тўхтаб, кўзларига ўйчан тикилдим. — Уринманг, барибир тополмайсиз. Ҳў, институт йўлида учрашганимизда, негадир юрагим, ишонинг, ҳаётимда биринчи марта «жиғ» этиб кетди. Йўлимда кетяпман-у, ичимдан ўнгача санаб, қайриламан, агар сиз қайрилиб қарасангиз, демак, менда кўнгли борлиги, дедим. Ўнгача санашга сабрим чидамай, еттигача санаб қайрилганим заҳоти сиз ҳам қайрилиб қарадингиз!

Мен ҳам худди Сиздай қилдим демоқчи бўлдим-у, тақлидчи экан деб ўйламасин, деган андиша билан бу гапларимни яхшироқ танишиб олишимизга қадар, кейинги учрашувларга қолдирдим.

Ҳа, етти рақамида ҳикмат кўп дейишади. Ўша мулоҳазаларим шу тобда жуда бачкана бўлиб туюлди ўзимга.

— Жудаям тўғриси айтмайми? — Гапларидан қайтармикан деган ўй билан, керак эмас, демоқчи эдим, У ўзига-ўзи гапиргандай давом қилди: — Сиз тўғрингизда ўйладим-у, лекин Сизни излашга интилмадим. Тақдир йўлиқтирса ҳисоб дедим.

Ана бу гап менга ниҳоятда маъқул бўлди. Унинг шу бир оғиз сўзидан кўнглим тоғдай юксалди.

— Бўпти, омон бўлинг.

У кетишга тараддулданди. Мен Уни ёруғроққа тортаман, эртақлардагидай гўзал қизни таниш-нотаниш талабаларга кўз-кўз қилмоқчи бўламан, У эса ўзини қоронғиликка олади.

— Майли, омон бўлинг...

У орқасига қайрилиб аста қоронғиликка сингиб кетди. Туриб-туриб ажабландим. Ие, Уям менинг исмимни сўрамади, мен ҳам. Бирдан ўзимга келдиму орқасидан чопдим. У аллақачон ғойиб бўлган эди. Шу оқшомдан оромимни буткул йўқотдим. Кўзларимда кўзларининг акси қолди...

— Астаффурулло, — дедим унинг сўзларини қувватлаб. — Лев Толстой кўз қарашининг 73 хилини аниқлаган экан. Унинг буюклиги ҳам синчковлигида-да! Узбек адабиетининг устунларидан бири, устоз Огаҳий арабий ҳарфларнинг ёзилишидаги нафис ўхшатишлар, улар орқали англашиладиган тилсимий маънога алоҳида урғу бериб, кўз таърифини ҳам мусаввирона, ҳам орифона бениҳоя гўзал ифода этганларким, тафсирига қалам ожизлик қилади. Хушвақтжон, мен устоз Огаҳийнинг ушбу машҳур ғазалининг гўзал матласини кўп давраларда айтиб, завқланиб юраман:

*Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина.*

Маълумингизким, араб алифбосида ҳар қайси ҳарф алоҳида маъно касб этади; масалан, «алиф»ни Худои таолога, «лом»ни Жаброил алайҳис-саломга, «мим»ни Муҳаммад пайғамбарга қиёслайдилар. Шу янглиғ «сод»-дўзах маъносини ифодалаш боис устоз, биринчи сатрда кўзни жаллодга ўхшатади, иккинчи сатрда эса, жаллод кўз устидаги қош ҳайъатини, қатлга «нас»-ҳукм қилмоққа керилган важоҳатини рақам этмоқ учун «нун»ни, «сод»-нинг устига элтмоқ лозим, дейдилар, негаким, «нун»ни «сод»нинг устига элтиб ёзсангиз, худди кўз устида қош чизилгандай бўлиши баробарида, унинг важоҳатидаги қотилликка мойиллик тасвири яна ҳам ҳайратли, яна ҳам сирли.

Гўзал кўзни нега жаллодга ўхшатганларини, сарвари авлиё Нажмиддин Кубро бобомизнинг «ҳамма ёмон кўзлардан кўркса, мен яхши кўзлардан кўрқаман» дейишларида шу оқшом ажиб бир тағдор маъно туйдим. Ахир, яхши, гўзал кўзлар йўлдан уради, муҳаббат дўзахига ташлайди.

Ҳикоятига чин дилдан қулоқ бераётганимга Хушвақтнинг вақти хуш бўлди.

— Жуда топиб айтдингиз, дилимдагини топиб айтдингиз, ака, —ҳаяжонланиб сўзида давом этди у, — исмини айтмай кетган қизнинг кўзлари ҳамон кўз олдимда...

Одатим бўйича ҳар куни, барибир институтдан қайтишда қизлар ётоқхонасига кириб ўтаман, лекин Ундан дарак йўқ. Бирорта қиздан сўрай десам, на исмини биламан, на манзилини. Тавба, анқов бўлмасам, қўлимга кириб турган бахтни чиқазаманми!

Унинг қиймириб қарашларидаги жозиб, қай бир сўзларимга негадир сал тушунқирамай қошларини анойи чимиришлари асносида ним табассумлари кўз олдимдан кетмай қолди. Янги-янги топилмалари билан гавдаланаверади, аслида лаззатли кечинмалар огушидан ажрагим келмайди. Гоҳи хаёл олиб қочади, турли-турли ўйларга бораман. Унинг «тақдир йўлиқтирса ҳисоб» деган сўзлари қулоғим остида мудом жаранглаб туради.

Шу тобда хаёлимга келган жумбоқдан ажаблана бошладим, чунки бу ибора ҳамиша бир хил маънода ишлатилади. Аммо сал чуқурроқ мулоҳаза қилсангиз, жавоб топиш биз ўйлагандай жўн эмаслигидан таажжубланасиз — бу муҳаббат ва ишқ масаласидир. Хўш, муҳаббат нима, ишқ нима? Кўпгина аҳли дониш қайд қилишича, магарам, ишқ муҳаббатдан яралса, демак дунёга аввал муҳаббат келар экан-да. Хўш, муҳаббат аввал келса, унда унинг ота-онаси — яратувчиси ким?

Муҳаббат кимдан ё нимадан туғилади? Агар муҳаббат юракдан туғилса, унда ғазаб кимдан туғилади? Унинг ота-онаси ҳам юрак-ку!

Тўхта! Мана шу ерда бир лаҳза тин олмоқ лозим. Де-мак, сочилган уруғ юракда етилади, юрак сочилган уруғни ундиради. Муҳаббат ёхуд ғазаб. Яратганга шак келтирмай, тавба қилдим!

— Яратганга шак келтирмай деб тўғри айтдингиз, Хушвақтжон. Негаким, вужудимиздаги борлиқ ҳаракат Яратган измида, — дедим унинг мушоҳадасидан таъсирланиб.

9

Хушвақт билан гурунглашиб, самолётдан анча олислаб кетибмиз. Аста орқамизга қайтдик. Мен эшитяпман, гапираверинг дегандай йўталиб қўйдим. Хушвақт ҳикоясини бир маромда давом эттирди:

— Ҳаш-паш дегунча қишги таътил ҳам ўтиб, бир оз нафасни ростлаш кунларига ҳам етдик. Лекин менинг нафас ростлашга рағбатим йўқ. Унинг ишқи билан неча тонгларни бедор оттираяпман. Ҳар хил баҳоналар билан Уларнинг ётоқхонасига бораман. Кўрдим деган одам йўқ. Аслида-ку, тайинлироқ сўраб-суриштиришга ҳам ийманаман. Балки, Мажнунга ўхшаб излаганимда ернинг тагидан бўлсаям топардим, бироқ ўз ёғимда ўзим қовурилиб, ич-ичимдан эзилиб ахтараман, холос. Ақлим бошимдан учди, аммо натижа йўқ. Сувга кесак ташласангиз сув юзи бир жимирлайдию дом-дараксиз кетади, худди шундай Ундан на ном, на нишон бор.

— Шу ўринда ҳазрат Навоий хўб айтганлар-да, — дедим.

*Хўблар ошиқларин ношод этарлар, шод ҳам,
Ваҳки бизга ёримиздин лутф йўқ, бедод ҳам.*

*Ишқ ила бўлдум масал савдо била афсона ҳам,
Шукриллилоҳким, яна ошиқмену девона ҳам.*

— Менинг ошиқу девоналигим, — илиб кетди сўзимни Хушвақт, — ҳазрат битикларидагичалик бўлмаса ҳам, ўзимга яраша, негаким, шукр этмоққа, юқорида айтганимдек, такаббурлигим изн бермайди.

— Бироқ, устознинг бошқа бир байтлари сизнинг ҳолатингизга бағоят мос экан:

*Эй Навоий, гар десанг ул турфа қушни сайд этай,
Риштаи жисмингни дом эт, кўзёшингни дона ҳам.*

Жисминг тузоқ, кўзёшларинг дон бўлса, шунда кушни ов қилмоқ мумкин, деяптилар устоз.

— Сабр қайда дейсиз! — Фигон билан овозини кўтарди Хушвақт. — Сабр ҳам ёшлик пайтида тезоб, қариган сари сокинлашиб борармикан, ё ҳамиша менинг жисмимда эгарланган тулпордай деисиниб турармикан? Йиллар ўтиб, кўп сувлар оқиб, сабру тоқатнинг шакл-шамойилларига кўникиб, бетоқатликлар жабрини торта-торта одам жиндак ақл беришга мойил бўлиб қолар экан. Ҳозир мендан муҳаббат нима деб сўрашса, яшаш уфқларида долазор имлаб турган ўша кезлардаги ҳис-ҳаяжон ўрнига босиқлик билан сабру тоқат, оғир меҳнат, бахтли машаққат, деган бўлардим. У пайтларда-чи, юрагим ёнганидан қайси бир шоирнинг байтларини айтиб бақиргим келарди:

*Муҳаббатсиз якка ўзим не қиламан дўзахда,
Муҳаббатсиз ҳатто жаннат менинг учун мазах-да!*

— Балодай шеър ўқишни биларкансиз-а? — дедим Хушвақтнинг рағбатини ошириб.

— Ҳақиқий инқилоб денг! — кулиб юборди Хушвақт ва кўтаринки руҳда сўзини давом эттирди: — Муҳаббат йўлида ҳеч нимадан қайтмайдиган ҳақиқий жангчига дўниб, қаердан бўлсаям энди Уни топганим бўлсин, дея кўтаринки руҳда юрган кунларим кутилмаганда рўпарамдан кулиб келяпти Ўзлари; ёнларида қадди-қомати келишган, қошу кўзлари рассомлар мўйқаламидан ажабтовур чиройли чиққан, сухсурдай бир йигит. Хаёлимда «бугун тонгда бешафқат, ажаб мудҳиш туш кўрдим» деганим рўё бўлди. Мен Уларни танимасликка олиб ўтиб кетмоқчи эдим, лекин У мени тўхтатди:

— Танишинг. Бу менинг турмуш ўртоғим...

Бирдан қулоқларим битиб, унинг овозлари олисдан элас-элас кела бошлади: «...тоғим, гим, гим». Қандай хайрлашдик, қандай кетдим, нималар ҳақида сўзлашдик, ўлай агар, эласам! То ҳануз эслолмайман. Фақат бир нарсани яхши эслайман, Унинг турмуш ўртоғи мендаги руҳий ўзгаришларга унчалик тушунмади. Балки, кўнгли очиқлигидан, балки, маданиятлилигидандир. Нима бўлгандаям, сездирмади. Ё менга шундай туюлгандир. Мана, сизга ҳақиқий жангчининг ҳақиқий башараси! Ўзимни йўқотиб, карахт бўлиб қолдим. Бошим ғувиллайди, қулоқларим жарангидан на ухлай оламан, на тинчгина ўтираман. Унинг биргина оғиз «турмуш ўртоғим» дегани менинг бутун вужудимдаги ҳаётга бўлган, аёл зотига бўлган, боринги, яшашга бўлган иштиёқимни чилпарчин қилиб юборди. Ҳали уйланмаган, Тош-

кентда неча йил яшаб, бирор қизнинг қўлини ушламаган, борлиқ дилидан соф муҳаббат, бир умрга салоқату вафо истаб юрган мендай овсарни шунчалар қаттиқ жазолаш мумкинми, эй Парвардигор, дея осмону фалакни тўлдириб бақиргим келади.

Ундан чинакамига айрилганимдан бери дунё рангсиз, оқшомлар файзсиз, ҳавоям ғуборлигиданми, нафас олишим оғир, руҳим синиқ, ҳеч ким билан гаплашгим келмай, дарсларгаям номига, ҳужажурсинга бориб-келаман. Шу йили баҳор ҳам менга ўчакишгандай, анча эрта келди. Қуёш ҳам, ҳавоям, қўйингки, она табиат — тирик жон борки, бағрига чорлайди. Лекин менинг дилимга ҳар баҳордагидек, на лола сайрига чиқиш сиғади, на бир яйраш.

Ана шундай мулойим, сокин кунларнинг бирида, аделимни ётоҳона пойидаги ўтлоққа ташлаб, ҳар жумлани икки-уч қайтарсам ҳам миямга кирмаганидан қийналиш ўрнига, борига шукур этиб ётсам, мўъжазгина сумкачасини бепарво осилтирганча У тепамга келиб кулимсираб турибди. Худди шундай бўлиши керакдай, аввалига жимгина Унга қараб ётавердим, ҳатто ўрнимдан туриб ўтиришга ҳам уринмадим, сўнг барибир Унинг гўзаллиги олдида, қолаверса, ўзи истаб келган меҳмон олдида чўзилиб ётиш одобдан эмас, деб аста қўзгалдим. У менинг олдимга омонатгина чўккалади. Кўзларида на ҳалик, на истиҳола, аксинча, шўхчан қорачиғларида ўйнаётган нур кўзни қамаштиради. Қиймирибгина қаради-да, табассум аралаш ҳол сўради:

— Кўринмай кетдингиз?

— Ҳа энди, ўқишлар...

— Алдаманг, сабаби аён-ку!

— Унда, нимага сўраяпсиз?

— Эрим ўша кўришган кунимизнинг эртасигаёқ жўнаб кетган. Унгаям, эҳ-ҳе, минг йил бўлди-ёв!

— Тушунмадим.

— Нимасига тушунмайсиз! Шунча кундан бери қорангизни кўрсатайин демайсиз-а!

У шундай эркалаб гапирдики, худди биз олдинлари жуда яқин алоқада бўлганмиз-у, энди мен бевафолик қилиб, Уни алдаб юргандайман. Ё тавба! Бу не ҳодисот? Энди жиддий эътироз билдиришга оғиз жуфтлаган эдим, У гапиришга қўймади:

— Аразлашингиз бирам ажойибки, худди ёш болага ўхшайсиз-а!

Қулоқларимга ишонгим келмайди, ё тавба, гапираётган шу — мен, кўйида неча тонгларни бедор оттирган, йўлнинг ҳар муюлишида учратиб қолармиканман, дея хом

хаёллар билан орзиқиб юрган Паривашими? Унинг мулозим овозидан ўзимга келдим:

— Юринг, музқаймоқ еб келамиз. Мен Сизни бир меҳмон қилай! — Унинг тожикча талаффузда айтган ўзбекча сўзлари бирам ёқимли, бирам чиройли, ҳеч нарса демасдан аста ўрнимдан турдим. Кўйлагим тугмалари яхши қадалмаганини ҳам эндигина сезиб, уёқ-буёғимни тузатган бўлдим. У худди бирга дарс қилганимиздай адёлни йиғиштириб, қўлтиғимга тикди. Оёғимда боксга қатнашиб юрганимда кийиладиган енгилгина кетий, эғнимда оҳори тўкилиб бўлган одмигина спортчилар кийим-боши. Унинг эғнида чармдан тикилган чет элнинг бежирим, узун плашчи, оёғида пошнаси баланд қора этик. Ундан таралаётган муаттар ҳиддан бошинг айланади.

Бой аёлнинг олдида камбағал, нотавон қариндошга ўхшаб сўппайиб бораётганимни ётоқхона майдони сахнидан катта кўчага чиққанимиздагина сездим. Орқага қайтиш эса номардлик бўларди. Елкаларимиз тегайтегай деб бораётган бўлсак ҳам ўртагимизда бегоналик денгизи биринчи тенгсизлик ҳақиқатини чайқалтириб бормоқда эди. У дунё ташвишларидан Мосуво, озод қуш янглиғ бир сўзлаб, ўн қулиб боряпти. Менинг нохушлигимга эътибор бераётгани ҳам йўқ. Мен эса нималар бўлаётганига унчалар тушунқирамай, Унга эргашиб боряпман.

Йўл-йўлакай музқаймоқ олиб, хиёбон четидаги скамейкага ўтириб, жимгина едик, лекин ўрнимиздан туриб кетгимиз келмади. Ажабким, фақат У гапирди, мен тингладим.

— Биласизми, эрим нега келибди? — деб сўради У гап мавзуини шу йўсинга мослаб ва менинг жавобимни кутмасдан яна норозилик оҳангида давом этди: — Мендан тили қисиклиги учун. — Ўртага тушган жиндай жимлик Унинг сўзларига сирли маъно берди. — Бунинг тарихи жуда узун, мен сизга айтсам... — У гапиряпти. Масковда ўқийдиган йигит билан танишиб, турмуш қурганини, бир қизчаси ҳам борлигини, ота-оналарининг орзу-ҳаваси учун ўтказган тўйларию эри ўқишни битказиб, Душанбега кетгани ва юборган муҳаббат хатларини, худди ўзга одамнинг қисматини ҳикоя қилиб бергандай завқ билан сўзлади. Менинг калламда эса бир фикр: нега эрининг тили қисик?... Наҳот... Йўғ-е, дейман ўзимча... Қизлари бор-ку?

Гап «муҳаббат хатлари»га келганда эгим жунжикиб кетди. Хотиримни жамлаб олдим. Энди Унинг нозли боқишлари, хумор кўзлари, сўзларидаги ажиб эркалашлари гўё бўлмагандай. Энди У — У эмас, кимнингдир қисмат

китобини очиб менга ҳикоя қилиб бераётган ровий, яқин бир суҳбатдош.

— Муҳаббат хатлари камая борди, — деди бепарвогина, лекин овозида бир дард бор эди. — Аввалги эҳтирослар йўқ, шунчаки тил учида айтиладиган гаплар, кўнглимга олмадим, иши кўпдир деб қўя қолдим. Шу ўртада ўқишни биздан олдин битириб Душанбеда ишлаётган дугонамдан хат олдим. Бир келиб кетмасанг, эрингдан ажраб қоласан, деган мазмунда дугонам куйиниб ёзган хатига аввал унча эътибор бермадим, ҳа энди, дугонам ҳавасидан шундай ёзгандир, дедим. Йўқ, кейин дугонамдан батафсилроқ ёзиб юборишини сўрадим. Унинг бу сафарги хати анча жиддий ва рўзгоримнинг бузилиши ҳақида эди. Уйгайм, эримгайм айтмай Душанбега учиб бордим. Келишганимиздай, дугонам кутиб олди ва иккаламиз эримни қўлга тушириш режасини ишлаб чиқдик. Шумлигимизни қарангки, дугонамнинг уйдан эримга кўнғироқ қилдим, Масковда тинчгина юрганимни айтдим, ўқишлар оғирлигидан нолидим, қизчамизни, ойимларни, дадамларни сўрадим. У билан баланд руҳда гапиришдик. Эримнинг овозида соғинч, мени интизор кутаётгани шундай сезилиб турганидан дугонам мени лақиллатибди-да, Душанбега бекорга келибман-да, деб ўйладим, лекин атайин келдимми, энди масалани охиригача етказишим шарт эди.

— Хўш-хўш? — Энди мен ҳам бу детективнамо ишга қизиқиб қолдим.

— Э, буёғини эшитинг, роса қизиқ бўлган. Улар, яъни эримнинг ўйнаши, — деб худди мен Душанбеда ҳаммани танийдигандай, менга тушунтира бошлади У. — Ўзи билан бир лабораторияда ишлайдиган жиблажибон билан учрашадиган хуфёна квартирани кузата бошладик. Бир кун кутамиз, йўқ, икки кун кутамиз, йўқ, дугонам хуноб бўлади, ҳафтасига камида икки марта учрашиб туришарди, деб фигони чиқади. У менинг олдимда ёлғончи бўлиб қолаётганидан ана келади-мана келади, деб мени юпантиради.

— Дугонангиз фирт аҳмоқ экан.

— Аҳмоқ бўлса гўрга эди. Ҳамма гап ана шунда-да. Хуллас, энди бошқа кутмаймиз дея кетмоқчи бўлиб турган эдик, бояги уй эшиги олдига аввал туфлиснинг пошнаси баландлигидан бўйи яна ҳам дароз кўринган, қош-кўзлари келишган, лекин ёши мендан каттароқ бир жувон келиб, бамайлихотир калити билан эшикни очиб кирди. Кутяпмиз. Эримдан эса дарак йўқ. Кута-кута эзилдик. Дугонамга, қани улар дегандай ёв қараш қиламан, шошилма, ҳозир келиб қолади, дегандай бош ирғайди.

Шу пайт эрим худди ишдан тўғри ўз уйига кириб келаётгандай, шошилмасдан бир-бир босиб бемалол ичкари кириб кетди. Юрагимни гурсиллагани етти маҳаллага эшитилиб тургандай, ҳеч ўзимни қўлга ололмайман.

— Бай-бай, дугонангиз сизга содиқ экан-ей! — дедим кесатиб.

— Ҳа-да! «Дўст» бўлса, шунча бўлар! — Уям менинг шаъмаларимга кўнгандай бўлди. — Ҳеч душманнинг кераги йўқ.

— Кейин нима бўлди?

— Бостириб кирдик! Икковиниям шармандасини чиқардик!

— Ечинганмиканлар? — деб сўрадим, у ёғини айтишга тилим бормай.

— Ана шуниси алам қилади-да, ечинмаган эканлар!

Қизиқ, хотинларга ҳеч тушуниб бўлмайди, яхшиям ечинмаганлари, йўқса, ундай қилардим — бундай қилардим, дейиш ўрнига, ечинмаганлари алам қилармиш. Унинг ғамгин овозидан борлиққа қайтдим.

— Эрим сувга тушган мушукдай бирпасда муштдайгина бўлиб қолди. Ажраламан дедим, юзингни бошқа кўрмайин дедим. Эрим дугонамга заҳарханда оҳангда бир нималар деб ғудранди, дугонам уни ўзиб олди. Шу ерда эримга бирдан раҳмим келиб кетди. Ўғирлик устида қўлга тушган одамнинг ҳоли вой экан, унинг устига, ўғри уқувсиз бўлса, беш баттар хунук бўлар экан. Лекин дугонам бўш келмади, ундан андоза олиб мен ҳам юз-хотир демадим, огзимга оқ келсаям, қора келсаям тўхтатмадим, жаҳл устида неки ёмон сўз бўлса айтдим. Эрим бечора бир оғиз қаттиқ сўз демади.

— Маржа-чи, маржа? — Унинг ўтини янгилаб юбордим.

— Агар маржа шу ерда ўзини хокисор, содда қилиб тутса, балки тақдиримиз бутунлай ўзгариб кетган бўларди. Биласизми, у еттинчи осмон эгасидай дугонам икковимизга беписандлик билан қарадики, унинг заҳарли қиёфаси дугонамнинг уйига келганимдан кейин ҳам кўз ўнгимдан кетмади. Эримни таваллосини илк бора нохушгина қабул қилдим. Сиз ҳозир жаҳл устида, бургага қаҳр этиб, кўрпага ўт берманг, деди бечора ўта вазминлик билан. Эгилган бошни қилич кесмас дейдилар. Икковимиз буни секин бир ўйлашайлик, менинг кўзим бойланди. Ҳали бу гапларнинг тагига етамиз. Сўнг пушаймон бўлиб юрмайлик, яхшиси уйга борайлик, бафуржа гапирришамиз, бу хунук ҳодисага аниқлик киритамиз, кейин сиз бемалол ўқишингизга бораверасиз, деди. Эримнинг бу гаплари дугонамга ёқмади. Сендай бечора билан яша-

гандан кўра, дугонам дунёдан эрсиз ўтгани маъкул, энг яхши эр сендай бўлса, эркак зотига қирғин келсин, дея бирам ҳақорат қилдики бечорани, мен шунда еттинчи ҳиссиётим билан дугонамнинг қандайдир шумлигини сеза бошлаган эрсам-да, кўзим билан кўриб, қўлим билан ушлаганимдан кейин, салкам тирик қахрамонга айлангани боис унга эътироз билдирилмадим.

— Тириклигидаёқ ҳайкалбоп иш қилибди-да, дуго-нангиз.

Унинг нафаси ичига тушиб кетди. Ранги бир оз оқарин-қираб:

— Тириклай кўмса ҳам оз десангиз тўғрироқ бўларди. Негалигини ҳозир айтиб бераман. Эҳ, бу дўст деганингиз ҳам мавҳум тушунчами деб қолдим. Мана, эрим келиб кетгандан кейин, қарийб бир йилдан сўнг сирнинг учи очилди. Агар эрим ҳам менга ўхшаб шошқалоқлик қилганидами, қизимиз тирик етим бўлиб қолиши ҳеч гапмасди. Ҳамма балони бошлаган одам кимлигини биласизми?

Мен энди аввалгидек Унинг ўзига эмас, сўзларига бутунлай маҳлиё бўлиб қолган эдим. Беихтиёр чехрасига қарадим:

— Ким?

— Дугонам! У эримга Масковда мендан олдин хуштор бўлган экан.

— Хўш, нима бўпти?

— Эрим уни эмас, мени ёқтириб қолган. Дугонам Душанбега ишга келгач, эримдан аламини олмоқчи бўлган!

— Эрингизни оқламанг, эрингиз тўғри юрганида дуго-нангиз қандай қилиб аламини оларди?

— Сиз тушунмаяпсиз, хуфиёна учрашувни дугонам уюштирган экан!

— Қандай қилиб? — баттар ҳайратландим мен.

— Ўқишни тугатиб Душанбега келгач, дугонам мени Масковдалигимдан фойдаланиб, яна эримга суйқалган. Эрим эса унинг куйди-пишдиларига парво қилмагач, у ҳалиги манжалиқини авраган!

— Ана сизга дўстлик, ана сизга садоқат!

— Куриблар кетгур-ей, қўшмачилик қилган экан-да! Энди кимга ишониш мумкин бу дунёда?

— Буларни сизга эрингиз кўтаринки руҳда гапириб берган, сиз эса лаққа ишонгансиз, шундайми?

— Ҳеч ҳам-да, ҳеч ҳам-да! — Аччигланди бирдан У. — Мен ёзги таътилда қизимни Хўжандга олиб кетиш учун Душанбега бордим. Ахир, бирдан лаш-лушимни кўтариб кетолмайман-ку!

— Ажралиш ҳақида ариза, албатта, бермагансиз?

— Тўғри топдингиз, ота-онам билан маслаҳат қилмай, қандай ажралишим мумкин? Унинг устига, анча совиган эдим. Эрим билан муносабатимиз ҳам илимаган эди. Хўжандга кетганимчям бирга бўлмадик. Лекин ота-оналар, қавму-қардошлар, дўсту-ёрлар олдида худди олдингидай эдик, ёлғиз қолганимизда мен тўнимни терс кийиб оламан, у бечора ялиниб ҳар гапларни айтади, ўзимни ўлдирсам кечирасизми, дейди. Мен индамайман, кўзёши қиламан. Ўтим ўчиб, янгиладанаверади. Ахийри, бир куни у ишлайдиган институтга бордим. Ўзи йўқлигини телефонда билиб олдим. Бояги жувон мени жуда илиқ кутиб олди. Икковимиз институт хиёбонида узоқ суҳбатлашдик.

— Нима, дугонангиз ўша жувонга, сен шу йигит билан юрмасанг ўлдираман, дебдими?

— Сенда кўнгли бор, ўзи менга юрагини очди, қолаверса, йўқ десанг, сени лабораторияда ишлатмайди, дебди. Эридан ялчимамай, ажрашган ёшгина аёлга шу гап етарли эмасми? Ўша хона калитиниям дугонам топиб берганига нима дейсиз? У менинг кўзимни мошдай очган бўлсам, барибир, дугонам шунчалар пастлик қилиб, менга хиёнат қилмайди, деган андиша билан эримга ишонқирамадим. Лекин дугонамга бирор оғиз, сен ундай қилибсан, сен бундай қилибсан, демадим. Аслида, айтсам ҳам бўлаверарди, негадир журъат этмадим. Қизимни олиб Хўжандга кетдим. Масковга борсам бизни Тошкентга кўчириш бўйича буйруқ тайёрланган экан. Курсимиз билан Тошкентга келдик. Хурсандлигимиз бир дунё. Янги муҳит. Гўзал шаҳар. Ўз юртимиздагидек қувончимиз ичимизга сигмайди, янги дўстлар!.. Мен янги турмуш тарзига кўника бошлаганда... Сизни учратдим! Бир кўргандаёқ юрагим «шув» этиб кетди. Эрим борлиги эсимдан чиқиб, ёш қизлардай ҳаяжондан энтикиб, негадир ўнгача ҳам санашга сабрим чидамай, орқамга қандай қайрилганимни сезмай қолдим. Учрашганимизда айтганимдай, эримни илк бора учратганимдаям бунчалик ҳаяжонланмаган эдим. Сеҳргар экансиз!

Бу сўзлар мен учун, албатта тотли. Бироқ, ҳали ҳаёт икир-чикирларини бошидан кўпам ўтказмаган, бирор қизга муҳаббат ҳам изҳор қилмай, фақат авж пардаларда жавобсиз севибгина юрган менингдек шоиртабиат йигитга эри бор аёлнинг учраши, бу нима — табиатнинг беаёв ўйинларими? Эри билан ярашмаса, мени алдаб юриши мумкинмиди?

Йўқ! Ё тавба, менинг фикрларимни ўқиб бирдан ҳукм қилиптими? Нима бало, мен эмас, ўзи сеҳргар-ку! У овозини сирли пасайтирганча кўзларимга тик қаради-да, ўзига хос дилбар оҳангда давом этди:

— Энди бошқа учрашишимиз мумкин эмас. Мени кечиринг. Эрим билан ярашганим учун эмас, сиз мени тўғри тушунинг, сал бўлмаса, лаҳзалик эҳтирос туфайли сиздай ўн гулидан бир гули очилмаган йигитнинг умрига зомин бўлишим мумкин эди. Балки менинг бахтимдир, балки сизнинг бахтингиз, лекин Худо бир сақлади! — Бирдан ўрнимдан беўшшов қўзғалиб Унга эътироз билдириб, барибир дўст бўлиб қолишимизга ҳеч ким тўсқинлик қилолмайди демоқчи эдим. У яна фикримни ўқигандай менинг сўзлашимга имкон бермади. — Йўқ, қиз билан йигитнинг шунчаки, бефараз дўстлигига мен ишонмайман. Нечоглик оғир бўлмасин, бу менинг сиз билан охирги учрашувим.

Мен яна гапирмоқчи эдим, аммо тилим калимага келмади. Тушимми бу ё ўнгимми, англай олмадим. У қандай кўздан ғойиб бўлганини то ҳануз кўз олдимга келтиролмайман. Шу-шу қайтиб учрашмадик...

— Демак, У сизни ёқтириб қолгани учун орани очиқ қилибди. Шунга ишонасизми?

— Билмадим, — деди Хушвақт дардли бир оҳангда, — билмадим... Балки У мендан кутганини тополмагандир. Гапларини тинглаб, анграйиб ўтирганимга журъатсиз бир лапашанг деб ўйлагандир. Тўғри-да, мендан бошқа одам бўлганида биринчи учрашувдаёқ... Қолаверса, У ҳам инсофли экан. Инсофли бўлмаса, эрининг кўзига чўп солиб, менинг бурнимдан ип ўткариб юраверарди. Шундайлар оз эмас-ку.

— Инсоф инсоннинг тенг ярми, — дедим ўзимга-ўзим сўзлагандай. — Алданган одам ўчли бўлади. Дугонасининг қилмишидан воқиф бўлмаганида ҳусни жамолини намоиш қилиб, беш куним — ҳуш куним, деб яшайверарди. Алданган одам алдашга эмас, ўч олишга мойил бўлади. Уни яна кўриб қолсангиз...

— Йўқ, — деди Хушвақт сўзимни тугатишимни ҳам кутмай, — йўқ, энди учратсам, Ундан айрилиб билмасман.

Хушвақтни яна гапга солмоқчи эдим-у, аҳволини кўриб раҳмим келди. Бир нарсани ўйладим. Ҳуш, Хушвақт алдандими, адашдими? Узини алдандим деб ўйласа, умр бўйи ўч билан, адашдим деб ўйласа афсус, армон ва гумон билан яшашга маҳкум. Табиий, уйланса, оила қурса, пайти келиб шу ўч, шу армон, шу гумон турмушига соя солиши мумкин. Ана, муаммо... Ишқ деймиз, муҳаббат деймиз, гўзаллик, нафосат деймиз... Булар ҳаётда ус-тивор бўлмоғи учун ўзларига йўл очиши керак эмасми?..

*Жаҳонга подшодурман, ғамим ортур, надандир бу,
Азалдин лойи ғам бирла бино бўлган бадандир бу...*

Воқеани эшитганимдаги аҳволим шундай эди: магарам, бу ташвишлар менинг бошимга тушганида нима қилардим? Ўз ўйимдан ўзим сесканиб кетдим.

— Худо сақласин! — дедим секингина.

Хушвақт ялт этиб менга қаради ва у ҳам ўзига ўзи гапиргандай:

— Худо сақласин, — деб қўйди.

Хушвақт икковимиз жимгина юриб самолёт ёнига келдик. Самолёт атрофида одамлар сийраклашибди. Кечки ҳавонинг бир оз совиши баробарида Орол томондан эсаётган ёқимсиз шамолдан безор бўлган йўловчилар самолёт ичига кўтарилган эди. Самолёт ичида узоқ ўтириш оғирлигидан нафаслари қайтган кишилар эса бирин-кетин пастга тушишарди.

Уёқ-буёққа аланглаб турдик-да, Хушвақт икковимиз самолёт зинапоясидан юқорига кўтарилдик.

Тургинчи боб

1

Самолёт ичидаги диққинафаслик, ҳали пешиндаги анаву савилдан бир озгина тортилгани боисми, юрагимни лоҳас қила бошлади. Яхшиям Хушвақт билан суҳбат баҳонасида анча юрдик. Унинг ҳикояси, вужуд-вужудидан берилиб сўзлашлари қулоқларим остида жаранглаб турибди. Бу янглиғ биз эшитмаган яна неча минглаб ҳикоялар борким, дунёда баъзан аёл шаънига айтиладиган бемаъни уйдирмалардан устунроқ, инсон деган табаррук номга доғ туширмайдиган ҳалоллик мавжуд, афсус, биз гоҳи-гоҳида уни унутиб қўямиз.

Ўриндиққа ўтириб, бироз мизғий десам, самолёт ичидаги ҳавонинг оғирлигидан наинки ухлаш, ҳатто қўз юмиб бўлмасди. Ўзимни чалғитиш учун пастда, самолёт қорни тагида суҳбатлашиб турган, дунё ташвишларидан мосуво қиз билан йигитларга ҳавас қила бошладим.

Шу пайт улар ҳам чарчадилар чоғи, самолётга чиқдилар. Йигитларнинг ўриндиқлари меникидан орқада, қизники эса сал олдинроқда. Шу боисдан йигитлар ўз ўринларига ўтириб қолдилар, қиз аста бир-бир босиб ўтирган жойига кела бошлади. Менинг жойимга тенглашганда худди саломлашгандай ним табассум ташлади ва мен беихтиёр «келинг» дедим. У орқасига бирров аланглаб қаради-да, ёнимга ўтирди.

Танишув

— Сиз хоразмликсиз-а?

— Ҳа.

— Ҳовва демадингиз-ку?

— Мана, ҳовва, нима эди?

— Кеннойим билан қизингизни машинада узатдингизми?

— Ҳовва.

— Кеннойим жуда ажойиб эканлар.

— Гапиришиб кўрдингизми?

— Йўқ, яхшиликлари шундай ҳам сезилиб турибди.

Юзларидан нур ёгади, худди фариштага ўхшайдилар. — Бир оз тин олди-да, менга қарамай сўзида давом этди: — Қизингиз ҳам жуда мулойим, ифбатли, ҳаёли кўринади. Сизларга ҳавасим келди. Мана, — бирдан қаддини хиёл кўтариб, овозини баландлатди, — самолётда уч юзга яқин одам келялмиз, лекин секин синчиклаб кўзларига боқсанг, дардингни эшитадиган, ҳамсуҳбат бўладигани кам. Борларигаям, ассалом, мен холангизман, дея олмайсиз-ку! Ана, пастда турибди битта қанжиқ буқа билан, одамларни назар-писанд қилмайди. — Мен унинг мулойимгина юзидаги вазоҳатни кўриб ҳайронландим, у эса менинг ҳайратимга бепарво гапиряпти. — Тошкентда, аэропорлда уни эри кутаётганмиш.

Ана, энди менинг ҳайратим баттар ошди.

— Йўғ-е?!

— Ҳа-да! Одамларга ҳайронсан. На удум билан, на ҳаё билан ишлари бўлмай қолди-я! Баъзилар қадр-қиммат тўғрисида оғиз кўпиртириб гапирадилар, аслида қиладиган ишлари ғирт бемаънилик! — Қиз ўриндиққа ўрнашиброқ ўтирди. — Йигитнинг ҳам сабрига қойил қолиш керак. Аҳдини бузмай чидаб турибди, мана, қарийб икки кун бўлди-я! Биз якка ўзимиз бирор соат туришга тоқат қилолмаймиз-у, а?

— Сиз бу гапларни қаердан била қолдингиз?

Қиз чиройли табассум қилди.

— Сиз ҳам ажойиб экансиз-у, ахир сиз шаҳарга кетиб-келиб юрибсиз, биз доим шу ердамиз. Қиладиган ишимиз бўлмаса! Қолаверса, гийбатнинг қадами йилдиримдай тез...

У бирдан хомуш тортди. Кайфият одами экан, деган фикр ҳаёлимдан ўтиб-ўтмай, дардчил оҳангда давом этди:

— Сиз, ҳойнаҳой, мен тўғримда ҳар хил ҳаёлларга бораётган бўлсангиз керак, шундай эмасми? Тагин, кеннойим билан қизингизни узатдингизми, деб ҳам сўрадим. — Табиийки, ҳайратланаётганим беўрин эмас, ле-

кин унга «ҳа» ё «йўқ» демадим. — Хоразмлик бўлганингиз учун сизга дардимни очмоққа ниятландим, — деди-да, бошини мен томон хиёл ўгирди. — Менинг ҳам вужудим-да хоразмликларнинг қони бор!

Хўш, нима бўпти, жуда яхши демоқчи эдим-у, бироқ дилимдагини тилимга чиқаришни эп кўрмадим, негаким, бир инсон ҳамдард изласа, нега энди уни қайириб ташлаш керак? Шу боис суҳбат маромини совитмаслик учун унинг сўз оҳангида сўрадим:

— Тилингиз хоразмчага ўхшамайди-ку?

— Хоразмлик эканимни ўзим яқинда билдим.

Ана холос, бу қизнинг турган-битгани жумбоқ-ку! Ҳайратим ошаётганидан қизнинг чеҳраси хиёл очилди.

— Келинг, аввал танишиб олайлик, — дедим уни суҳбатга рағбатлантириш учун исмимни айтиб.

— Меники Гули, ўзим фарғоналикман.

— Лекин вужудингизда хоразмликнинг қони бор?

— Худди шундай. Мени чақалоқлигимда дадам билан ойим икки юз сўмга сотишган! — Гулининг юрагидан отилиб чиққан бу нидо қанчалик дардли бўлмасин, асл воқеани билмаганим учун мени изтиробга солмади, ачиниш ҳам пайдо қилмади, фақат табиий қизиқиш уйғотди. Ҳарқалай, Гулининг кўринишидан, кийинишидан, ўзини тутишидан, демак ёмон одамларга сотишмабди деган ўйга бордим. Енгил ҳазил қилмоқчи бўлдим, лекин Гули тўлиқиб гапираверди:

— Ҳа! Кўз кўриб, қулоқ эшитмас фожиаларга олиб келган бу мудҳиш воқеага ҳали беш-олти ой ҳам бўлгани йўқ. Менинг яраларим ҳали битмаган. — Унинг кўзлари ёшланди чоғи, юзини тесқари ўгирди. Мен ўзи гапирмагунча бирор сўз дейишга имкон топмадим. — Дам олиш-ниям яримламай қайтмаман, — аста давом этди у кўзёшларини артиб. — Ҳатто Қора денгиз ҳам мени ажлаҳодай ютаман деди...

Ўзимча ўйлайман, нима бўлган экан бу қизга? «Оҳ»и олов пуркайди. Одатда, дод-фарёд солиб йиғлаётган одамга қараганда ички дард билан ўқиб-сиқтаб ўтирган одам кишининг раҳмини келтиради, унга дардкаш бўлгинг келади. Ўзи нима гап, демоқчи бўлдим, лекин негадир демадим. Хаёл олиб қочди.

Пастда, самолёт тагида йигитлар билан гапиришиб турган қувноқ қиз шуми? Ҳайратим ошгани баробарида қоним қайнай бошлади ва буқаламун дунё бу қизнинг бошига нақадар оғир мусибатлар солган экан, деб чин дилдан қайғурдим. Баъзи бировини тириклай гажийди, ширин ошларга оғу солишади, энг даҳшатлиси — шундай одамлар хусусида битилган минглаб жилдли асарлар,

милёнлаб байт-назмларни булар қолиб, виждони пок кишилар ўқийди ва билъакс, покдомон инсонлар уларнинг ғам-қайғуларини Яратгандан сўраб оладилар. Шуларни ўйласанг, қўлингга қалам олгинг ҳам келмай қолади. Яна шайтонга ҳай берасан, дунё яхшилар билан боқий, гўзал дейсан, яна қоғоз қоралайверасан. Билҳақ, нозиктаб одамларнинг аксарияти ўқиб ўрганганини инкор этмаган ҳолда туғма ақл, яхши хулқ эгалари ҳам бисёрдир. Бир донишманднинг айтишича, яхши хулқнинг ўнта белгиси бор: ақл, инсоф, илм, ҳилм, олийжаноблик, кўркам феъл, эҳсон, шукр ва мулойимлик. Шу сифатлар ота-боболар қонидан ўтмаганига ҳеч ким кафолат беролмайди-ку. Валекин, Муиниддин Жувайний: «Ақл либосидан бебаҳра инсон — фаросатдан маҳрум оддий бир ҳайвон», деган экан. Ақл-иқол, яъни «туяни тушовлаш» маъносини англатгани ҳам бежиз эмас. Ахир, тушов туяни бебошликдан сақлаганидек, ақл ҳам ўз соҳибини янглиш йўлларга кетиб қолишидан сақлайди. Бироқ одамнинг ана шу бебаҳо тушови, ҳақиқий тушовни узишга қодир эмас! Қайси бир донишманд бу хусусда жуда топиб айтган: «Агар от ўзида қанча куч борлигини билганида тушовлаб қўйишларига изн бермас эди». Одам-чи?! Одам агар ўзида қанча ақл борлигини билганида ўзининг телбалигига эрк бермасди.

Гулини, ўзи айтмоқчи, фожиаларга гирифтор этганларнинг иши ақллиликданмикан, ё беақлликдан? Эл орасида «мазали одам» деган ибора юради: яъни, мазали ёхуд бемазалиги, дарахтга, мевага менгзанади. Демак, дарахт-инсоннинг меваси-ақл олма, шафтоли, олулар ва ҳоказо каби. Зеро, биргина олманинг минглаб турлари мавжуд. Во ажаб, ақлнинг ҳам тури беҳисоб. Яшасин нисбийлик!

Баъзан икки ярамас одамнинг феълидан бебабар киши отамга «бир олманинг икки бўлаги-я» деб қолса, «ҳей, биродар-а, уларга олмани зое этманг, бир тезакнинг икки бўлаги денг», дерди раҳматлик...

— Э, мен сизга айтсам, бу ҳикоянинг тарихи узун, — деди Гули кўзёшларини бежиримгина дастрўмолчаси билан аста артиб, синиқ овозда.

Худога шукрким, кимлардир менга ички дунёсини очиб, мени юрак сирларидан воқиф этмак ниятида экан, демак яхшилик деган буюк неъмат мени ҳам четлаб ўтмаган шекилли.

Гули «тарихи узун» ҳикоясини бошлади. Кўнглимда турли сўроқ-сўровлар пайдо бўлса ҳам унинг сўзини бўлмадим. Зеро, ҳозир воқеанинг икир-чикирини билиб олишим муҳим эмас, балки Гулининг кўнгил дардини тўкиб олишига имкон беришим муҳимроқдир. Шу сабаб унинг

сўзларини берилиб тингладим ва ўз лафзида, ўз нафасида қоғозга туширишга ҳаракат қилдим. Баъзи жимжимадор сўзлар, шоирона тасвирлар учраса, бу бизнинг қусури-миз. Фақат Гули ҳақидаги баъзи таъриф-тавсифлар каминага тааллуқли.

Ҳикоя

Юсуфбекнинг кўз қарашларидаги улуғворлик аввалдан отамерос. Унинг билан суҳбатлашишнинг ўзи бир роҳат. Кўзингизга тикилганида ихтиёрингиз шу нигоҳлар ичига сингиб макон тутгандай ором оласиз. Мафтунани мафтун этган нарса ана шу сирли нигоҳ бўлди. Унинг эркин ихтиёри ўзига бўйсунмаган ҳолда ўзга маконга ин кўрди.

Юсуфбек ўзидан бир курс қуйида ўқийдиган бу лобар қизни бир кўргандаёқ ёқтириб қолди. Мафтуна ҳам Юсуфбекка илк бор ялт этиб каради-ю, юраги тузоққа тушган куш янглиғ потирлашини биров эшитмадимикан, дея хавотирланиб, уёқ-буёққа ўғринча қараганини сўнг-сўнглари ўзича мийғида кулимсираб, эслаб юрди.

Улар дил изҳорларисиз, кўзга кўринмас ботиний муҳаббат ришталари билан бир умрга маҳкам боғланиб қолганликларини шу биринчи учрашганларидаёқ қалбан сезган эдилар. Шу боисдан ҳам ярим йилгача фақат нигоҳлари билан суҳбатлашиб юрдилар. Биринчи бор институтда ўтказилган қайси бир кечада гапиришганларида худди минг йилдан бери танишдай ёнма-ён ётоқхона томон кета бердилар. Буларнинг бирга келишларига ҳеч бир талаба ғайритабиий ҳол деб қарамади, аксинча, уларни бир-биридан айри кўришлари нотабиийдай эди.

Юсуфбек билан Мафтуна ўртасида, мен сизни севаман, сиз-чи каби саволлар ҳам бўлгани йўқ. Худди бир-бирлари учун дунёга келгандай топишиб, юриб кета бердилар.

Мафтунанинг тиббиёт институтида ўқийдиган сингиси Мунира бўлғувси поччасини кўриб бирам қувонганки, ётоқхонасига келиб уни мақтайвериб, ҳамхоналарининг оғизларидан сўлақларини окизган.

Юсуфбекнинг уйланиши ҳеч бир эътирозсиз, у институтни битказган йили, совчилар рисоладагидек қатнаб, сен рози-мен рози қилишиб, никоҳ қийилди, ҳеч кимникидан кам бўлмаган тўй қилинди.

Юсуфбек институтни битказди, сўнг Мафтуна тамомлагунча Тошкентда қолиб ишлади. Ижарадаги қийинчиликлар уларнинг бир жуфт кумрилардай осуда яшашларига озор етказмади. Фақат Мафтунанинг кўнглини хижил қиладиган нарса бўйида қолмаётгани. Юсуфбек эса

ҳали бунинг оқибатини ўйламасдан шукр қилиб юрибди, негаким, фарзанд Мафтунага тушов бўлади, ўқишидан қолиб кетиши мумкин. Бола бир-икки йилдан кейин ту-гилса, айти муддао, икковиям Фарғонага ишга кетиб, бемалол уйларида ҳамма қатори ўйнаб-кулиб яшайвера-дилар.

Мафтуна институтни тамомлагач, улар Фарғонага қай-тишди. Бараварига ўзлари орзу қилган ишларига шўнғиб кетишди. Вақт дегани бежилов тулпор —ҳадемай уларни бир-икки довон ошириб ташлади. Мафтунанинг турмушга чиққан йили юрагига тушган ғулув аста-секин катгайиб, бепуштлик ваҳимаси юрак-бағрини тимдалай бошлади. Бу янглиғ мубҳамлик исканжасида Юсуфбекнинг ҳам нафас олишлари беоромланди. Негаким, фарзанд-муҳаббат мут-такоси, оила суянчиғи. Эскилар билиб айтишган, бола-лик уй бозор, боласиз уй мозор. Дунёда гўдакнинг чулди-рашидан ҳам кўра тантаналироқ гимн йўқ, дея топиб айтилган. Юсуфбек билан Мафтунанинг муҳаббатлари не-чоғ фархунда бўлмасин, фарзанд кутишлик дарди дилла-рига соя солмай иложи йўқ эди.

Мафтунани врачларга, табибларга кўрсатишди, лекин фойдаси бўлмади. Юсуфбекнинг ота-онаси нечоғли ақли бўлмасинлар, оддий ҳақиқат олдида бошлари ҳам, қадла-ри эгик эди. Ёлғиз фарзандларининг тирноқсиз ўтиши сулола силсиласининг узилишига, ажодлари чироғининг ўчишига сабаб бўлади. Майли, бу баландпарвоз гапдир, лекин буларнинг ҳамма ҳавас қиладиган муҳаббатли оила-лари барбод бўлиши ҳам ҳеч гапмас.

Врачлар Юсуфбекнинг соғломлигини тасдиқлашди. Бу мужда севинтирмади, ахир суюклиси усиз, у Мафтунасиз қандай яшайди?

Оила машваратида Юсуфбек яна Тошкентга ишга ўта-диган ва Мафтунани марказий клиникаларда даволатади-ган қарорга келишди.

Юсуфбек билан Мафтуна қайдасан Тошкент деб йўлга равона бўлдилар.

2

Мунира Мафтунага қараганда шаддот, анчайин иззат-талаб, оиланинг эркаси бўлгани учун ҳам айтганидан қайт-майидиган чўрткесар қиз. Барибир қиз бола-да, опаси би-лан поччасининг Тошкентга кўчиб келиши, олдинданам гап-сўз бўлиб юрганига қарамай, баҳри дилини очиб юбор-ди.

У кўнгилчан, ҳар алдовгаям лаққа ишонаверадиган содда, ёқимтой опасини ёшлигидан дили-жонидан сева-

ди. Опасининг ҳар нарсага «Вой, шунақами-шунақами»-сига беш кетиб, қиқирлаб кулгани-кулган эди. Бир сафар, ҳали унда опасининг бошланғич синфларда ўқиб юрган кезлари эди, Мунира Мафтунага мушукларининг туққанини суюнчилаган: «Вой опа, мушугимиз бир уй сичқон тугибди», деса, «Вой, шунақами! — дермиш чапак чалиб. — Энди бемалол қорнини тўйгазиб яшайберар экан-да!» У суюнгани сари Мунира қаҳқаҳа отиб кулармиш: «Алдадим-алдадим, мушук мойини ялатдим, опа, мушук ҳам сичқон туғадими?» деб кулса, «Ҳа-я, мушук мушукча туғади-ку!», дермиш ҳайратланиб.

Мунира опасининг беғубор соддалигидан кула-кула катта бўлди. Мана, яқинда врач бўлади, ҳозир ҳам салкам доктор, оқ халатни кийиб институт ўқув хоналарини тўлдириб юради. Манглайи бирор тошга тақ этиб тегмаган. Бошини баланд кўтариб юрибди.

Муниранинг биринчи ҳайратлангани — поччасининг ижарага жой қидириб юргани бўлди. Ичкўёв бўлиб яшашни ўзига ор биладиган Юсуфбек қайнотаси билан қайнонасининг норизоликларига жавобан, Мафтунага бундай дейди:

— Ўз аравамизни ўзимиз тортишимиз керак-да.

Мафтунанинг дадаси куёвининг орланишидан магрурланади, лекин уларнинг ҳалиям бефарзандликларидан ичи ачишади, шундай боодоб куёвидан ажраб қолишдан хавфсирайди. Ойиси-ку, бечора Мафтуна билан тенг ҳасратлашади, тенг йиғлашади.

Мунира опасининг бепуштлик ваҳимасига аввал жиддий эътибор қилмади. Опаси йиғласа, у кулди:

— Ваҳима қилманг, эй опа, бошингиз ёш, ҳозирда поччам билан ўйнаб-кулинг, кейин ҳали бешиқдан бошингиз бўшамай, бошқача йиғлаб ҳам юарсиз.

— Қанийди шундай бўлса, Муниржоним!

— Ана холос! Ҳозир, биласизми, медицина қай даражада ривожланиб кетди? Поччамда ишқал бўлса, донорлар бор!..

— Нималар деяпсан? — Унинг гапини бўлиб, узиб олди Мафтуна. — Врачликдан хабарим бор деб ҳар не оғзингга келса, алжирайверасанми? Бунча беҳаё бўлмасанг! Поччанг соппа-соғ, врачлар у кишини обдан текшириб, хулосаларини беришган... Гап мен пешонаси шўрда!

Опасининг қаҳр устида захр сочганига бирдан ранжиган бўлсаям Мунира унинг ранги-рўйига қараб жаҳлидан тушди.

— Эрта-индин домламга кўрсатаман сизни, жуда билимдон одам, ҳақиқий профессор!

Муниранинг домласи тавсиясига кўра, Мафтуна Тош-

Мининг кўзи ўткир, қўли енгил, билимдон докторларининг жиддий кўригидан ўтди. Узоқ муолажалар қилишди. Фойдаси бўлмади.

Бефарзандлик Юсуфбек билан Мафтунанинг муҳаббатига соя солмаётган бўлса-да, боғ тўридаги икки хонали ижара уйнинг шундай ҳам пастак томи, узун қиш оқшомлари уларнинг дилини хуфтон, рангларини сомон қилгувчи эди.

Юсуфбек Мафтунани еру-кўкка ишонмайди. Ишдан чиқадию уйига чопади. Хотинини хомуш кўриб юраги эзилади. Буни сездирмаслик учун бор бисотидаги яхши гапларини тўкиб солади. Ўзи овқатга уннайди, латифа айтади, кулдиради. Бариси тутагач, ўзлари сезмаган ҳолда хўрсинишади. Ва ажабким, ана шу хўрсинишларидан ўзлари уялишади.

Мафтунани эрининг бораверинг дейишига ҳам қарамай, ойлаб онасиникига бормайди. Ойисининг ўзи келиб хабар олиб кетади.

Аламзада кунларнинг бирида Мунира бир нохуш, бир хушxabар топиб келди.

— Аввал қайси хабарни айтай: хушиними, нохушиними?

— Ихтиёринг, сингилжон, икковиям менгами, ахир?

— Ҳа.

— Икковиям менга бўлса, аввал нохушини айтгил, кейин хушини эшитиб севинармиз.

Мунира опасининг чиройли чимирилган қошларига қараб:

— Бирам чиройликсиз-ей, опагон! Балки шунинг учун ҳам бахтингиз чопмаётгандир, — деди, аслида бахтсизсиз демоқчи эди, тилига келган бу бад сўзни зўрға қайтарди.

— Балким, балким, — деди Мафтунани ва кулимсирабгина қўшиб қўйди, — қани, эштайлик-чи, нохуш хабаринг нима экан?

— Домлам...

— Даволанишни фойдаси йўқ дедими? Кўнглим ҳам сезиб юрган эди... Бу қўрқув мени эрга текканимдан бери тарк этмайди. Кўрқмай айтавер, синглим.

— Ҳа, ёшликда бачадонингиз қаттиқ яллиғланган экан...

— Ҳў, падари лаънати барак! Қору ёмғирдаям виждонга хилоф иш қилмай дийдираб терилган бир-ярим кило пахта! Ордона қолмайдими ўша пок виждон! — Опасининг бу қадар важоҳатини кўрган Муниранинг сўзи оғзида қолди. — Содда, соғлигига бепарво қизларни бепушт қилган амалпарастнинг уйига ўт тушсин! — Мафтунани юзини ёстиққа босиб хун-хун йиғлади.

Мунира опасига ўзингизни босинг, тинчланинг, дея олмади. У ҳозиргина аниқ билдики, опасининг фожиаси унинг ҳам фожиаси экан. Биринчи марта у опасига ҳамдард бўлиб бақриб йиғлаб юборди.

Опа-сингил узоқ йиғлашди. Опасига хушхабар айтиш Муниранинг ёдида бўлсаям, мавридини тополмади. Мафтуна анчагина тинчиганидан сўнг йиғидан қизарган кўзларини сингилсига қаратди:

— Хўш, қани айт, қандай хушхабар топиб келдинг?

Мунира тезда жавоб бермади. Даҳлизга чиқиб юз-кўзларини совуқ сувда чайиб келди. Сўнг опасининг елкасидан энгилгина қучиб деди:

— Курсимизда бирга ўқийдиган қиз куни кеча кўз ёрди. Қиз кўрибди. — Менга нима алоқаси бор экан, қабилида бошини осилтириб ўтирган Мафтуна сингилсининг хушхабарига совуққина, «табриклайман», деди. Мунира опасининг совуқ муносабатига эътибор бермай, бошлаган оҳангида давом этди: — Қизнинг эри ҳам биз билан ўқийди. Икковиям Хоразм томонлардан... Жуда қайғуришяпти. Фақат икковининг оладиган жиҳзагина стипендияларига бутун бошли рўзғорни тебратишнинг ўзи бўладими?

— Ажаб мантиқ, туғиш бировни бахтли қилади, бировни бадбахт!

— Фалсафангизни қўйиб туринг, бўладиган ишдан гапиришайлик. Эр-хотин икковиям болани бировга беришга рози. Баҳолашиб ҳам келдим — икки юз сўм.

— Гўдакнинг баҳосими?! — Бирдан жонланиб кетди Мафтуна.

— Ҳа-да!

— Мол сотгандай сотмоқчимилар? Ҳа, бечорагина бола-я... Ҳукумат рухсат қилармикан?

— Сиз дарров ҳеч кимнинг эсида йўқ қонунни ёдга солиб, пишиб турган савдониям белига тепасиз! Биз ҳамма расм-русумларини келишганмиз. Дугонам ижарадаги уйда туққан, бола ҳеч қаерда ҳисобга олинмайди. Сиз ўзингиз туққандай рўйхатланади, вассалом!

Мафтунанинг осонгина болалик бўлиш илинжида кўзлари равшанлашиб, оппоқ юзига нур ёйилди.

— Поччанг нима дерканлар-а, қайдам...

3

Юсуфбек икки нарсани яхши билади — эрталаб ишига, кечкурун уйига орзиқиб, шошилиб келган одам бахтли одам. У ана шу эътиқоднинг этагидан маҳкам ушлаган, беғараз, меҳнаткаш, оилапарвар йигит. Бефарзанд-

ликдан сиқилсаям ишдан кейин Мафтунанинг олдига со-
гиниб келади, шошилиб келади.

Мафтунанинг бола тўғрисидаги бугунги гапи Юсуф-
бекни аввалига довдиратиб қўйди. Демак, ўзларидан кўпай-
майдилар. Бировнинг боласини олиб боқиб, тарбиялаш
керак. Бола томирларида оқаётган қон буларники бўлма-
гач, дунёқарашлари бошқа-бошқа бўлмайдами? Ёмон бир
одамларнинг қони оқаётган бўлса-чи? Унда, буларнинг
берган тарбиялари қаёққа ҳам борарди.

Бехосдан қошлари чимирилиб, хаёлланиб қолган эри-
га қараб Мафтунанинг юраги эзилди.

— Ихтиёрингиз, олмайман десангиз, олмаймиз, —
деди ғамгин Мафтуна. — Худо ўзимизгаям бериб қолар.

— Ажабмас, Мафтуна, ажабмас... Балки шу болани
олганимиздан кейин бериб қолар... Қани, боланинг ота-
оналарини бир кўрайлик-чи.— Юсуфбек хотинининг ди-
лини нечоғлик оғритмаслик учун мулойим гапирган бўлса-
ям, нозиктаб Мафтуна эрининг норозилигини сезмай
қолмади, лекин билдирмасликка тиришди, ним табассум
қилиб қўя қолди.

Ҳали чақалоққа исм қўйилмагани Юсуфбекнинг
кўнглини анча кўтарди. Демак, ёшгина талабалар ҳали
бола кўришга тайёр эмаслар, унинг устига, ҳали никоҳ-
дан ҳам ўтмаганлар, янги меҳмонга туғилиш гувоҳнома-
сиям ололмайдилар.

Юсуфбекнинг кўнглидан биргина «беникоҳ туғилиб-
ди-да» деган хижиллик ўтди. Лекин бегуноҳ чақалоқнинг
отасиям, онасиям кўнгиллари тоза, эр-хотин бўлишлари-
дан сираям гумонлари йўқ, булар олмайман дейишса,
эртагаёқ ЗАГСга бориб рўйхатдан ўтишадиган, қарорлари
қатъий.

Юсуфбек учун ҳам уларнинг ана шу қатъийликлари
маъқул келди. Алалхусус, уларни рози қилиб, чақалоқни
ўраб-чирмаб уйларига олиб келишди.

Бир кечада онага айланган Мафтунани Юсуфбек та-
ний олмай қолди. Энди унинг Юсуфбек билан иши
йўқ, унинг борлиқ дунёсига айланган қизалоғини бағ-
рига босиб, тенг йиғлайди. Кўкрагида сути бўлмаган
онанинг кўргулигига минг лаънатлар ўқийди. Лекин ба-
рибир она!

Юсуфбекларнинг муъжазгина ижара уйлари янги меҳ-
мон келгач, расмона кошонага айланиб, чақалоқнинг ма-
зали ҳидидан, орзиқиб кутилган «инга-инга»дан фараҳ-
бахшлик касб этди.

Мафтунанинг ойиси билан дадасининг-ку, қувончла-
ри еру-кўкка сифмайди.

Фарғонадан Юсуфбекнинг ота-оналари келишди.

Юсуфбек билан Мафтунанинг севинчидан ҳамма мамнун, хуллас, қувончлар рисоладагидек.

Қизалоқнинг исмини Гулистон деб қўйдилар. Гулистон қоғоздаги исми, энди у ҳамма учун қисқагина, аммо гўзал — Гули бўлди.

Юсуфбекнинг дадаси оқилона бир гап қилди:

— Гулидай неварамиз туғилганидан уёқда кичикроқ худойи қилиб, қўни-қўшниларга билдирсак, ёмон бўлмасмиди...

Дадасининг бу кўнгил суянчигидан Юсуфбекнинг ойиси қаддини ростлади.

— Ҳа-я, дадаси, Тошканда буларнинг даволанишгани етар, — тагдор гап қилди у, — энди уйга борсинлар, бизам неварамизни тиззамизга олиб эркалайлик. Нима дедингиз, Мафтунахон?

— Сизлар нима десангизлар, шу, — астагина жавоб қилди Мафтуна қайнонасига.

Бу гап Мафтунанинг ота-онасигаям маъқул бўлди.

4

Гули ҳам нелигини билмай ўсди, улғайди. У фақат бир нарсага яхши тушунолмади, негадир отнинг жиловини бемалол қўйиб юборгандек яйраб чопқилолмади, дилидидан қувониб эркалик қилолмади. Катта ҳовлида яққаю ягона фарзанд бўлса, айтиб улгурмасиданоқ истаги бажо қилинса, нега эмин-эркин шаталоқ отиб кетавермайди? Нимадир унга халақит беради, жиловини бўшатишга йўл қўймади. Унинг уйчан ҳолатларини Юсуфбекка ўхшатадилар, камсуқумлигини Мафтунага менгзайдилар.

Гулининг дунёқараши, қалб олами Юсуфбек билан Мафтунаникидан айри, бошқа-бошқа дунё эканлигини ота-она билса ҳам, барибир қовун-қовундан ранг олади, бориб-бориб унинг бари одатлари, сўзлаш услублари бўлакча бўлмайди, деган қатъий ақида билан дилларини хижил этишга ўрин қолдирмайдилар.

Билҳақ, Гули улғая боргач, кўз қарашларию сўзлаши, кулиши, боринги, майда-чуйда одатларигача ойиси Мафтунага тортди.

Гули буларнинг ҳақиқий фарзандлари эканига бирор кимсада шак-шубҳа йўқ. Мафтунага-ку, биров қизингизни олиб сақлаганмисиз деса, юраги ёрилиб ўлиши мумкин. Ҳозир ўзи туққанига ўзи ишониб, ҳақиқий оналик меҳри билан тарбияляпти уни.

Юсуфбек она-бола ўртасидаги меҳр-муҳаббатдан, иноқликдан мамнун. Бунинг бариси Мафтунанинг хизматлари

эканлигини яхши билади. Гулини жони-дилидан севади, лекин хизмат юзасидан беш-ўн кун кўрмаса, Мафтунани согинганчалик согинмайди уни. Бунинг учун ўзини қанча қийнамасин, барибир қалбига буйруқ беролмади, бироқ қизалоғини еру-кўкка ишонмай эркалашида, бегуноҳ хил-қатнинг гўзаллигида, оиланинг баркамоллигида, иши билан боғлиқ мартабасининг бейиклашувида Гулининг хизматлари беқиёс эканини бир лаҳзаям ёдидан чиқармайди.

Гули ойисиниям, дадасиниям бирдек суяди, бирини ортиқ, бирини кам кўрмайди. У отаси билан фахрланади. Отасининг ҳар бир муваффақиятидан севинади. Маҳалла-қўйда қарийб ҳар бир масала унинг отаси билан бамаслаҳат қилинишидан, мактабидаям отасининг мавқеи баландлигидан ғурурланади. Кимсан — шаҳарда каттагина амалдор Юсуфбекнинг қизиман деб севишиб юради.

Гули мактабни аъло баҳоларга битириб, олий маълумотни Фарғонада олди. Бегубор талабалик йиллари, илк севги изтироблари уни эсанкиратиб қўймади. Қанча йигитлар орқасидан юрди, совчи қўйди, розилик бермади. Отасининг, онасининг раъйига қаради, янглишмади. Жуда ҳашаматли тўйлари бўлди. Турмуш ўртоғи дадасининг шогирди, бамаъни йигит. Ақлли, ҳушли. Юсуфбек билан Мафтуна уларнинг бахтидан қувонади. Хуллас, Гулининг ҳаёти бекаму-кўст эди.

Гули ўғил кўрди. Илк невара! Дадаси элга ош берди. Ҳаёт давом этаверди. Аммо ҳаёт дегани паст-баланд, кун-тун, аччиқ-чучук. Унинг кўз илғамас қонуниятлари турмуш тарзига ўзининг ҳукмларини ўтказиб боради, лаҳзалар ичида тақдирлар остин-устун бўлади. Кимлардир юксалиб, кимлардир қулайди.

Бало оёқ остида деганларидек, Гулининг гулдай ҳаёти кўз очиб юмганча барбод бўлди. Бир кўнгироқ уларнинг борлиқ ҳаётини издан чиқарди.

Мафтуна энди аввалги хушчақчақ, нафис табассумли Мафтуна эмас.

Юсуфбек энди аввалги салобатли, қадди тик Юсуфбек эмас.

Бир кўнгироқ уларни бошқа одамга айлантирди-қўйди. Шоир айтмоқчи:

*Йиллар, шовуллаган шалола янглиғ
Бетизгин, шиддатли, оқар бетиним.
Ҳеч ким умр кўрмас кўздан бекиниб,
Яширолмас сирни ҳатто чўнг жоҳлиғ.*

Демак, кимдир уларнинг ширин ошларига оғу солмоқчи, турмушларини заҳарламоқчи. Ўша кимдир-ёт эмас,

Ўзларининг жигари, Гулининг холаси, Мунира бўлиб чиқди.

Ўзингдан чиққан балога, қайга борурсан давога, деб бежиз айтишмаган экан. Кейинги кўнғироқ Гулининг ҳақиқий туққан ойисидан, Хоразмдан бўлди. Албатта, телефон орқали нималар ҳақида гапиришганларини Гулига сездирмадилар. Фақат ойижонисининг ранги кундан-кунга сарғайиб, юрак уришлари тезлашиб, қон босими ошиб, «тез ёрдам» машинаси бот-бот уларнинг эшигида пайдо бўла бошлади.

Гули жони-дилидан яхши кўрадиган яккаю ягона холасини кейинги вақтларда ёқтирмай қолган. Унинг наки телефон қилиб гапиришганини, ҳатто меҳмонга келиб-кетганини хушламай қўйган.

Бахтиёр одамнинг парвозига тушов — ҳасадчининг юрагида бўлади. Мунира опасини кўришга қачон Фарғонага келса, Юсуфбеклар хонадонида бирор дилхиралик юз беради. Ё Мафтунанинг ҳамишаги кўзининг оқида қандайдир сарғиш тус пайдо бўлган-у, синглиси келмагунча ҳеч ким билмаган, бирдан тўс-тўполон, «Докторга кўрсат-ҳо, докторга кўрсат», ё Гулининг ҳусни билан дунё гўзали бўлиши мумкин-у, бу ерларда кўздан четда, безътибор қолиб кетяпти, холаси уни Тошкентга олиб бориб, катта доираларга суқиши лозим, «Ростданми-а? Ана кетади, мана кетади, қачон кетади? Нега кетади?» бўлади бир харосот, жуда бўлмаса, комод устидаги тилло узук, ё сирга йўқолади, «Дод-бедод! Қачон йўқолди? Ким олди? Фолбинга бориш керак», бўлади бир алғов-далғов. Ҳар сафар шундай. Лекин орадан беш-олти ой ўтиб яна Тошкентдан кўнғироқ, холасининг жарангдор овози: «Мен сизларни соғиндим! Нега келмайсизлар? Ҳадеб мен бора-вераманми? Майли, эрта-индин йўлга чиқаман». Бу ёқда ҳеч ким «Кўзимиз учиб тургани йўқ, келмасанг ҳам майли» дея олмайди, аксинча: «Жуда яхши, келинг, кутамиз», дейишади.

Муниранинг бу сафарги кўнғироғи опаси Мафтунани оёқдан йиқитди.

5

Мунира икки бор турмуш қуриб, эрга ёлчимади. Балки эрлари хотинга ёлчимагандир. Ўзи бинойидек врач бўла туриб, мол-дунёга ўч, ҳамма нарсада биринчи бўлиш ҳиссиёти уни худбин қилган бўлса ажабмас...

Шу ерда Гули ҳикоясини тўхтатиб, менга юзланди:

— Неча минг йиллардан бери келаётган мол-дунё очофатларига бўлган шафқатсиз нафрат уларнинг туху-

мини қуритаётгани йўқ, балки дунё таниганлари сари уларнинг нафслари ҳаққалак отиб, қаноат бозорининг савдоси касодга учраяпти. Нега шундай? Нега молпарастлар фақирлик мартабасини оёқости қилиб, ўзларининг сафини кенгайтиряпти? Шарқнинг бетимсол удумлари, қадим қадриятлари, кул босган чўғ янглиғ хира тортиб бормоқдами? Неча-неча асрлардан буён шаклланиб, юксалиб келган дунёқарашимиз Ўрусия босқини таъсирида шу қадар ўзгариб кетса-я! Нима, ота-боболаримиз ҳам шунчалар тез ўзгарувчан бўлганми?

— Биласизми, Гули, — дедим, қизиқ бир ҳаяжон билан унинг эҳтиросли мушоҳадалари қалбимни кўзгаб юборган эди, — мол-дунёга ўч одамларни Огаҳий ҳазратлари: «*Аҳли дунёким эрурлар одамийликдин йироқ, пешаси озору миннат, одати кину нифоқ*», дея қаттиқ қоралаб, «*Э кўнгул, қил барча комингни худодин мултамас, истасанг роҳат замона аҳлидан пайванд кас*», дейди. Ҳозирги тилимизда айтадиган бўлсак, алоқангни пайвандни кесгандай кесгин, деяпти.

— Айтишга осон, жигарлик пайвандини қандай қилиб кесасиз?

— Бир тубдаги қовун ҳам турли-турли, Гули, холангизнинг бахтга ёлчимагани насибаси эмас, феълидан. Унинг адашуви-чекига тушган бадбахликка ўзини дохил деб билмаслигида. Бундай одамлар айбни ўзидан эмас, бошқа бировлардан излайдилар ва тақдирдан нолиб, таниш-нотанишнинг ёқасига ёпишаверадилар. — Гули ҳайрат аралаш менга тикилиб қолди. — Энг даҳшатлиси, — давом этдим мен, — бундай одамлар яқинларининг, қавму-қариндошларининг бахтига куядилар, аламзадалик билан ғайрлик қилиш пайида бўладилар. Айниқса, мол-дунёга ўчлари ашаддий ғурбатдирлар...

Орага жимлик чўқди. Гули куюқ қоронғиликдан ташқарида ҳеч нима кўринмасаям, ўйчан нигоҳларини ойна тарафга бурди. Балки менинг гапларимни ҳазм қилаётгандир, балки ҳикоясини қаеридан давом эттиришни ўйлаётгандир.

— Яхшиям, бу умр деган тилсимий мулк қисқа, домла, йўқса, ким билсин, айрим кўпчилик эрта-бурундан бир-бирини ғажирмиди... — Гули аввал ўзига-ўзи гапиргандай, сўнг менга қия ўгрилиб хўрсиниб қўйди.

— Гули, умрни қисқа дейсиз-у, у ўтгунча узоқ. Мана, ўттиз икки мучалимиз соғ, лекин икки кунни ўтказишга чидамимиз етмаяпти. Неқадар узун куну тунлар қанчалар эзиляпмиз. Энди олтмиш-етмиш йилни кўзингиз олдига келтиринг, йигирма-йигирма беш минг кун-а! Эҳ-ҳе, у қачон ўтади! Ўтгандан кейин, сиз айтгандай, бир кунча

ҳам эмас, ниҳоятда қисқа. Шунинг учун ҳам Оллоҳ таоло одамзодга бир бебаҳо мулк берган, Гули, сотиб-олиб бўлмайдиган мулк!

— Хўш, қандай мулк экан у сотиб-олиб бўлмайдиган? — Қизиқсиниб қолди Гули.

— Сабр!.. Қаноат! — Кўзлари алланечук нурланиб кетди Гулининг ва фикримнинг давомини эшитиш учун оғзимга тикилди. — Сабрнинг таги олтин, деб бежиз айтишмаган. Мунираҳоннинг сабрсизлигидан ташқари турмушида яна бир кемтик жойи бор. Зеро, инсоннинг сабри билан боғлиқ иккинчи давлати фақирликдир. — Мени асосий суҳбатдан чалғияпти, дея Гули тоқатсизлана бошлади, унинг юз-кўзларида лоқайдликка ўхшаш недир акс этиб кетди. — Бошқаларни-ку, билмайман, аммо менда баъзан-баъзан ҳаётдан бешиш онлари бўлади. Ҳамма нарса етарли, ҳеч ким мушугимни «пишт» демайди, бола-чақа ўрнида, уй-жой ўрнида, бинойидек оилам ўз ўрнида, барибир ёлғоннинг ўзи унчалик хавfli бўлмагани билан унинг ростга дўнганидан тоғдай одамларнинг қулаганларини, нодонлар жабру зулмидан доноларнинг ҳолларин танг кўрганимданми, баъзи дўстларнинг чақимчилигидан қалбим вайрон бўлганиданми, хуллас, ҳар замон-ҳар замонда руҳиятимда мубҳам бир синиқлик бағри-дилимни эзиб ташлайди. Ўзимдан бошқа ҳеч кимга зарари тегмайдиган бу ажиб кайфиятимдан, наинки оила аъзоларим, ҳатто ўзим ҳам ҳайроналик ила хафаланиб юраман.

Кўринишдан ғаму ташвишлардан мосуво бир одамнинг бу қадар андуҳлари бисёрлигига иқрори икромидан ҳайратли кўзлари катта-катта очилган Гулининг бор вужуди кулоққа айланди. Негадир ҳозир шу тушкунлик лаҳзаларида, кичкинагина бир суҳбатдан таҳқирланаётган пок ният илинжлари янгидан қанот боғлаяжаги ҳақида Гулига гапиргим келди. Ахир, ҳаёт деган улкан йўлнинг ҳали оғир, ўйдим-чуқур кўчаларидан ўтмаган, беғубор орзулар қанотида учиб юрганида бирдан бехос отилган ўқ зарбидан қайрилган умидларини бағрига босганча андуҳлик саҳросига қулаган соҳибжамол Гули мени ўз сиру асрорларига, аввалам бор, хоразмлик бўлганим, унинг ҳақиқий ота-оналарини танишлигим эҳтимоллигидан шерик қилиб, дардини тўқяпти, менда ўзига дардқаш бир инсонни кўряпти. Ўз яқинларидан яқинлари сабаб яраланган қалбга яна яшашдек улкан бахтдан баҳрамандлик нуруни сочиш, бардамлик завқини ато этишдан ҳам табаррукроқ савоб бормикан?

— Иймон қушининг икки қаноти бор, бири умид, иккинчиси ҳақ, — дедим ўзимга-ўзим гапиряётгандай. —

Кўнглинг тўлқинлари ҳаддида ошганида қабристонга, кўнглинг чўкканида эса тўлқинли дарёга бор, дейди донолар. Бу ҳикмат мағзи шуким, еру жаҳонга сифмай тошиб кетсанг ҳам, бу дунёи арзга ортиқчалик қилиб, чўкиб кетаётган бўлсанг ҳам, донолар сўзига амал қил, ҳаётинг измига тушиб кетишига суяичиқ бўлади. Бундан ўттиз йиллар муқаддам пешонасига теккан қаттиқ зарбадан тақатақ тўхтаб қолган отдай бу дунё ташвишларидан бездим. Ўттиз яшар, айни қувватга минган, яшаш иштиёқи билан сармаст йигитман. Пахта заводида директор бўлиб ишлайман. Катталарнинг минбардаги гаплари билан яккама-якка қолгандаги сўзлари айри-айри, унинг устига, мутлақо қарама-қарши. Қиладиган ишлари-ку, айтишга арзимаёди. Бу гапларнинг айни вақтда менга нисбатан унчалик алоқаси бўлмаса-да, аста-секин кўлами кенгайиб бораётган молпарастликдан қалблари қашшоқлашаётган кимсалардан хижилланиб, одамови бўлиб қолдим. Ва бир сафар Тошкентда қайси бир машваратдан кейин ҳеч кимга айтмай, шифохонага ётдим.

— Уйгаям айтмадингизми? — ҳайронланиб сўради Гули.

— Айтдим, уч-тўрт кун Тошкентда ишим бор, дедим. Хуллас, шифохонада ҳам касаллар билан дардлашмадим, ҳеч ким билан сўзлашмадим. Муолажани оламан-да, шифохонанинг боғ саҳнига чиқиб, катта садақайрағоч соясида ўз хаёлларим билан андармон бўлиб ўтираман. Бешми, олтами кун ўтгач, ёнимга манглай сочлари тўкилиб, тепа сочлари елкасига тушган, етмиш беш ёшлар чамасидаги жуссаси кичик бўлгани билан пишиқ, ҳаракатчанлигидан кўзларидан ўт чақнаб турган бир одам келди.

— Ҳеч кимингиз йўқми? — дея сўради кўзларимга тик қараб.

Салом йўқ, алик йўқ, томдан тараша тушгандай берган саволидан, тўғриси, бир оз энсам қотди. Ким бу одам? Нима учун у менга шундай ажабтовур савол билан мурожаат қилади? Умуман, бу кишининг нима ҳақи бор сўрашга? Лекин мен жаҳлимни ютиб, бепарвогина:

— Нима эди? — дея саволига савол билан жавоб қилдим ўтирган жойимдан қўзғалмай. Асабларим таранг, ўйларим чувалишиқ, унинг устига, бу чолнинг андак кўполлиги яшашимнинг омонатгина таянч нуқтасини тебратиб юборди. Кўполлик қилмадим, лекин кейин ҳам кўп ҳайрон бўлдим.

— Уч-тўрт кун бўлди кузатяпман, изингиздан ҳеч ким хабар олмайди. Менга ҳар куни кечга қараб бир коса овқат келади, икковимизга етади, тортинманг, бирга баҳам кўрайлик.

— Раҳмат.

— Қаердан келгансиз?

— Хоразмдан.

— Э, шунақами? О, Хоразм! Партав, Аваз Ўтар! — дея ҳаяжонланиб кетди бирдан. — Узр, узр... олисроқдан экансиз...

— Партав домлани биласизми? — дедим, шеърятга ихлосманд одамни учратганимдан суюниб.

Унинг кўзлари чакнаб, жонланиб кетди:

— Билиш ҳам гапми! «Ётиб ғори фанода дийдаи элдин ниҳондурман». Нафаси жуда ўткир шоир эди раҳматлик, умри қисқа экан, эрта вафот этиб кетди. Афсус, у кишини кўрмаганман, — сал тин олиб давом этди: — Мен Партавдан ўн ёш каттаман, Абдулла Қодирий билан бир йилда туғилганман. Зое кетди у ҳам ва яна қанчалар...

— Ҳа, Партав домла ҳам қатағондан четда қолмаган. 1956 йилда вафот этган, — дедим.

— Биламан, биродари азиз, биламан!..

— Кўрмабсиз на илож... дийдор ғойиб. Ихлосингиз баланд экан, гап шунда.

— Йўқ, жуда катта айбим бор. Мен адабиётшуносман. Партавдай шоирни кўрмаганимга сабаб кетма-кет қатағонлар. У Тошкентга келган даврларда мен Магаданда эдим. Бу мамлакатда турмада мендан кўпроқ ўтирган одам бўлмаса керак, йигирма тўққиз йил! — Хаёллари оғушидан чиқиб, бирдан серҳаракатлик билан менга юзланди. — Шеърятга ихлосингиз баланд экан, танишиб кўяйлик, менинг исмим Лазиз, Лазиз Азиззода.

Дик этиб ўрнимдан турдим. Қаршимда турган жуссаси муштдеккина одам кўз ўнгимда тоғдай юксалиб, мени тамом ҳайратга солди. Худо умр берса, одам дегани яшай берар экан. Йигирма тўққиз йил турмада ўтириб, менинг фақирлигимга қайғуриб тургани каминани даҳшатга солди. Аввалам бор, не-не азоб-уқубатлар исқанжасидан омон чиққан тирик, тирик бўлгандаям, хотираси мустаҳкам, дунёқараши теран одамни кўриб туришимнинг ўзи ғаройиб.

— Мени маъзур тутинг...

— Нега? Фақат сиздан хабар олгувчи йўқлиги мени хавотирга солди. Касалхона овқатига чидаётганингизга ичим ачишди.

— Фақирлик нима бўлади?

Лазиз ака бир лаҳза анграйиб қолди ва бирдан ўзини ўнглаб:

— Фақирлик даволанаётган одамнинг эмас, соғлом таннинг мартабаси. Агар сиз узлатни ихтиёр этган бўлсангиз, шифохонада даволаниб нима қиласиз? Ё да-

воланмай, шунчаки ётибсизми? — деди овозини бандлатиб.

Мулзам бўлдим, билимдонлик қилиб берган саволимдан уялдим.

— Даволаняпман.

— Ундай бўлса, ёшгина миянгизни фақирлик ғояси билан чалғитманг. Мен Сталин вафотидан кейин қамоқдан чиқдим. Келиб уйландим, олтмиш бир ёшимда, кўрган бўлсангиз, менга овқат олиб келаётган қизим туғилди. Ҳозир ўн олтига қадам қўйди. Бир кун аёлим, бир кун қизим келиб турибди изимдан. Бир кун келмасалар дунё кўзимга тор кўринади. Сизнинг юрагингиз ёрилмаганига ҳайронман. Хотинингиз, фарзандларингиз борми?

— Худога шукр, бор.

— Ё сиз касал эмассиз, ё дардингиз бўлак, — деди дабдурустдан Лазиз ака.

У кишининг беписанд дашномидан сал жаҳлим кўзиди.

— Хоразмда мавот деган ибора бор. Касалхонадами, дам олиш уйдами биров ётса, изидан кўп одам келиб кетганини мавотга, дабдабага йўядилар. Мен мавотни, молпарастликни ёқтирмайман.

— Жаҳлингиз чиқмасин, мавот — маҳобат дегани, унга молпарастликнинг маълум даражада алоқаси бордир, — деди мулойимлик билан домла, — лекин маҳобатли, салобатли одамларнинг барисиям молпараст бўлмасликлари мумкин ва умуман молу миноллик айбмас. Забардаст араб шоири Нобий айтган:

Шухрати мол иладур мабдаъ исломиди,

Жоме кўҳнаи бевақфа жамоа галмас.

Йўқ бегараз муомала аҳли замонда,

Кимса ибодат этмас эрди жаннат ўлмаса.

Лазиз ака менга мағрурона қаради ва сал туриб ушбу тўртликни сатрма-сатр тушунтирмақчи бўлди, аммо менинг тутқич бермас хаёлларим уни эшитишга халал берди, зотан, ўзи шундайям тушунарли бўлгач, эшитишга рағбат ҳам йўқ эди. Бундай қарасам, у чўнтагидан соатини чиқариб, кўз қирини ташлаганча йўл-йўлакай гапириб кетяпти.

— Майли, сиз шу ерда ўтира туринг, мен ҳозир муолажамни олиб тезда қайтаман. Суҳбатимизни давом эттирамиз. Ажойиб йигит экансиз. Вой, фақир-ей!..

Азиззода билан бўлган воқеаларнинг давомини, тафсилотларини, домланинг бетакрор суҳбатларидан бошим

осмонга етганини Гулига гапириб бердим. Ўшанда домлага тушуниксиз кўнглим фаромушлигини айтиб беролмаганимни эслаганимда у тўсатдан мени лол қиладиган сўз айтди:

— Менинг кўнглим синиқлиги кайфият дардидан эмас, Комилжон ака, суҳбатингиздан руҳим қанот боғлаб учишга интилаётган бўлса-да, дил яраларимни фақат вақт даволай олади. Пастда, самолёт қанотлари тагида икки йигит билан чақчақлашиб турганимга қараманг, ўлган кунимдан куляпман.

— Барибир, Гули, одамнинг захрини одам олади, — дедим.

— Тўғри айтасиз, минг ташаккур...

— Хўш, ҳикоянгиизнинг давомини эшитайлик.

6

Мунира қачон Фарғонага меҳмонга келса, опасининг элдаги обрўсидан қалби ўртанади. Йўқ, опасининг оиласи тинчлиги ёхуд поччасининг мартабаси ошганидан, унинг мавқеи ошиб бораётганидан эмас, балки ўзининг опасидан устунлик томонлари бўла туриб, ҳаётда муносиб ўрнини тополмай, эрдан эрга чиқиб, ишида унум, рўзгорида барака бўлмаётганидан эзилади. Унинг опасидан устунлиги нимада? Мунира бармоқ букиб санаган сари ичида ўт ёна беради. Биринчидан, опасини бахтли қилди, демак ҳар ишга қурби етади. Иккинчидан, ундан кўра чиройли. Учинчидан, ўтиришларнинг гули, дугоналари сероб. Тўртинчидан, аёлларнинг доктори — гинеколог. Бешинчидан, мамлакатнинг марказида яшайди, танишлариям казо-казолар ва ҳоказо, лекин нега бахтсиз? Нега ёшлигида опасини тергаб, унинг арқонини бўйнига ташлаб эркалатган ота-онаси бугунги кунда, опасини ўзларига яқин тутишади, нега? Бундай илма-тешик саволлар уюрида ич-этини егани сари, унинг бахтсизлигига опаси сабабчидай туюлаверади. Опасига ялтоқлангани билан уни кўрарга кўзи йўқ. Ният, яхшию ёмон, одам вужудига сингиша боргани сари пишиб етилади. Баъзан ана шу ниятнинг амалга ошувига арзимаган нарса туртки бўлади. Муниранинг ёмон нияти тиш кўрсатишига ойисининг гоҳ-гоҳ нолиши сабабли Мафтунанинг тил учуда уни койигани бўлди:

— Қуйилсанг бўлармиди, сингилжоним.

— Ким айтди сизга мени суяқ деб? — Жеркиброқ сўз қотди опасига Мунира.

Мафтуна синглисига эркалаб танбеҳ берганига пушаймон қилган бўлса-да, тилига келган гапни қайтаролмади:

— Кўнгли ярим фарзандларингнинг нафратига учрама дейман, ойим бечоранинг зорига чидаш қийин.

— Ҳо! Ойим қарасалар, ўзининг невараларига қарайдилар, ўз қизи туққан невараларига, етти ётнинг камаридан тушган ташландиққа эмас!

Синглисининг бундай бетга чопарлигини кутмаган Мафтунага «бепоштлигиндан ташландиқ бола боқиб ўтирибсан, гапиришга ҳаққинг йўқ» дегандай, унинг бу гапи оғир ботди. Мафтунанинг ранги оқаринқираб, нима деярини билмай қолди. Намланган кўзларини қўллари билан бекитганча Мафтуна ичкарига кириб кетди.

Мунира шу сафар опаси билан хайрлашмай Тошкентга қайтди. Кела солиб ойисини узиб олди:

— Невараларингизга қараш оғирлигидан Фарғонада шикоят қилгунча ўзимга айтсангиз бўлмайдими? Шунчалар қийналганингиздан зорларингиз фалакни тутаётган экан, билмабмиз! Булар домда қийналиб юрмасин, деб навбатчилик кунларим бувижониси олдига олиб келиб хато қилибмиз!..

— Намунча жаврайсан, нима гап топиб келдинг Фарғонадан? Тинчликми?

Онаизорнинг ҳамишаги эркаловчи, илтижоли сўзлари бу сафар Мунирага жеркишдай бўлиб туюлди.

— Ташландиқдан бўлган неварасини очомлаб боқаётган қизингизча бўлинг ҳеч бўлмаса!

— Вой, оғзингдан ел олсин шу гапингни, қўни-қўшни эшитса нима дейди? Эл-юрт нима дейди? Уялмайсанми, қандай тилинг борди шундай дейишга? Гули эшитса, қудалар эшитса нима дейди? Эй, Худойим! Ўзинг мадад бер! Ўзинг қўлла! — Бирдан йиғлаб юборди ойиси.

Ойисининг бу гапларидан кейин Муниранинг фигони баттар авжланди:

— Мени ҳақорат қилди у! Суюқсан, деди! Оллоҳдан кўмакни сизмас, у сўрасин! Мен унга кўрсатиб қўяман суюқлик қандай бўлишлигини!

— Тавба де, қизим, бир туғишган опанг-а, ҳалиям ўзининг бахти кемтик, дили дардли унинг, қизим!

— Тили қисиклигини билган одам, кўрпасига қараб оёқ узатади! — ҳовуридан тушмай бақирди Мунира. — Мени кўришга кўзи йўқ! Сиримни фош этади деб кўрқадди!

Мунира ойисининг кўнгли учун ҳовуридан тушди, ўзини ёмон нятидан қайтган қилиб кўрсатди, ойисини аяди, негаким, яқинда малака оширишга келиб кетган курсдоши, Гулининг туққан волидаси ҳақида ҳозирча гапиришни лойиқ топмади. Қайси она ўз туққан фарзандини кўргиси келмайди дейсиз? Мунирага қанча ёлборсаям, у опа-

сини оғир аҳволга солишдан ҳайиққан эди. Бекорга кўрқиб юрибди-я! Энди унга кўрқиш қандайлигини кўрсатиб қўяди.

Мунира Хоразмга кўнгироқ қилиб, опасининг Фарғонадаги телефон номерини, уй адресини берди ва Гули ҳам уларни кўриш орзусида эканини қистириб ўтди. Шундан кейин опасини саросимага солган кўнгироқни Фарғонага қилди, Гулининг ота-онаси қизларини суриштираётгани, Фарғонага келиб уни кўришмоқчи эканликларини етказди.

Мафтуна бу нохуш хабарни эрига билдирмасликка тиришди, синглим билан тил топишарман деб ўйлади. Уни меҳмонга чақирди. Мунира келмади. Ўзи Тошкентга келди. Минг афсус, Тошкентдан тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтди.

Мунирага, ҳатто ойисининг илтижолари ҳам кор қилмади. Дадаси, сирни очсанг оқ қиламан, дебди. Бирор фойда эвазига Гулини бирров кўрсатишга ваъда берган Мунира: «Дада, энди кеч, сир ошкор бўлиб бўлган. Хоразмда Гулининг ота-онаси қилмишини қоралаб бутун қавми оёққа турган», дея ёлгондакам кўзёш қилибди.

Мафтуна Тошкентдан қайтгач, кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб қолди. Унинг оёқдан қолишига асл сабаб, Хоразмдан келган кўнгироқ бўлди. Ана шундан кейин у эрига айтишга юрак этди. Ҳар бир нарсанинг ибтидоси бўлганидай, интиҳосиям бўлади. Эртами-кеч шу гап айтилиши керак-ку.

— Дадаси, мен сизга бир гап айтсам...

Мафтунани гапиролмай қийналаётганини кўрган Юсуфбек унинг аҳволини енгиллатди:

— Айтмасангиз ҳам биламан. Ишхонамга Хоразмдан кўнгироқ бўлди...

Эрининг оғир салдомига, иродаси мустаҳкамлигига нечанчи маротаба тан беришига қарамай, Мафтунанинг бу гал меҳри ўзгача товланди, кўзларига келган ёшни артмай:

— Нима қиламиз энди, дадаси? — дея сўради аста.

— Нимаям қилардик, тақдир, кўргулик. Ўзларининг ороми учун бизни йигирма йилгагина бахтли этган эканлар... зарари йўқ...

— Уларнинг мақсади нима экан? — Мафтуна қилинаётган кўнгироқлар бемақсад эканини билсаям, маъюсгина сўради.

— Билмадим, Мафтунахон, билмадим, — деди Юсуфбек ўйчанлик билан. — Нега улар шу пайтгача фарзандини излашмади? Бу ерда бир гап бор. Ҳарқалай, балолар бошдан нари бўлсин.

— Балки, иккинчи маротаба сотиб олишимизни иста-шаётгандир?

Юсуфбек аввалига унча эътибор бермаган бўлса, хотинининг бу саволидан кейин ишнинг каттароқ тус олаётганини илғай бошлади ва бехосдан дилига келган ваҳимадан вужуди сесканиб кетди. Ҳадиси шарифда: «Эшигию деразаси йўқ бир силлиқ тошнинг ичида туриб бир иш қилсаларингиз ҳам одамларга маълум ва ошкор бўлаверади», дейилган. Бир одамнинг сири маълум ва ошкора бўлса, бутун бошли оиланинг сири наҳотки бир умр сирлигича қолса? Бундан чиқди, Гулидан бошқа кўпчиликка аён сирни, қизидан пинҳон сақлашнинг имкони йўқ экан-да? Наҳотки, шу қадар мўрт бу тилсим дунёси? Балки, биз сир сақлаб юрганимиз, ҳаммага аён-у, одамлар одоб юзасидан ўзларини билмаганга олиб юришганмикан? Балки, Гули ҳам билар? Э-э йўқ, дея ўзига таскин берди у ва дилидагини тилига чиқармай, жўнгина жавоб қилди:

— Қани, кута берайлик-чи, бир гап бўлар.

Мафтуна эрига яна бир гапни очиқ айтишга ийманди. Бу балоларни бошлаб юрган Мунира эканини айтолмай ич-этини еяпти. Лекин бу дилсиёҳликларнинг бошида қайнсинглиси турганини Юсуфбек яхши билади. Негаки, бахтсизликда ўзи якка эмаслигини кўриш, худбинликнинг инъикоси. Мунира ҳаётда ўз ўрнини тополмай ўтиб бораётгани унга алам қилиши ва бу аламни бировнинг боласини тарбиялаб ҳам бахтиёр яшаётган опасидан олиши унинг табиатига хослигини Юсуфбек яхши билади. У яна бир нарсани яхши билади, бу масалалар пул билан битмаслигига кўзи етади, чунки Мунира бирор марта пулдан қийналаётгани хусусида нолинганини эшитмаган. Ана шу ерда Юсуфбек юраги тозалиги боис андак адашган эди.

Мунира опасининг фожиасини ҳар томондан фойдали деб ўйлади. Бости-бости қилса, мўмай бойликка эга бўлади, данфиллама участка олиб, тараллабедод қилиб яшайверади. Сирни ошкора этса, опасини бахтли қилганини ҳамма билади, устидан кулиб юрган бегоналардан раҳмат эшитади. Қолаверса, опасидан бахтлироқ эканини исботлайди.

Мунира ўзининг хомчўтларига андармон бўлиб, одамийлик деган, меҳр деган туйғудан йироқлашди. Қиморга қизиб кетган ашаддий қиморбозлардай бу қалтис ўйинга ҳаддан зиёда берилиб кетдики, энди уни тўхтатадиган куч фақат ўйин адоғи эди. У Хоразмга келиб, буёқни ҳам оёқлантирди, курсдошларининг юрагига ўт солди.

— Она деган ҳам шунчалар лоқайд бўладими-а? —

деди жазавага тушиб. — Бола ўзининг тирик, ҳақиқий ота-онасини билиши керакми-йўқми?

Қизимизга билдирмай, уни бир кўз қири билан кўрсак бўлди, деб юрган хоразмликлар масаланинг бу тақовул ўзгариб кетишидан аввалига ҳайқдилар, ахир болалик бўлгунчаям ўзларини ошкор этмаган одамлар энди қайси юз билан «Сен бизнинг қизимизсан» дейдилар. Қолаверса, бу гапни Гули қандай қабул этади, унинг ҳаёти остин-устун бўлмайдими? Уларнинг Фарғонага қўнғироқлари Гулининг ҳол-аҳволини сўрашдан нарига ўтмаган. Улар қизларининг бахтидан воқиф бўлсалар бас. Лекин Мунирага бу кам. Улар даъво қилса, Муниранинг қўли баланд келади. У ана шунини яхши билади.

Ғожаи ғилдирагининг тезлашувидан манфаат эмас, зарар келишини билмаган осий банда жаҳл отига қамчини қаттиқроқ урган эди. Бу талатўмга чидам беролмай опаси Мафтуна оламдан кўз юмди...

7

Ҳикоя шу ерга етганда Гулининг томоғига бир нима тикилгандай, кўзларидаги намни артганча жимиб қолди. Унинг жунбушга келган ҳиссиётларига эрк бериб индамадим. У аста ҳўрсинди-да, сўзида давом этди:

— Чўп бўлиб қолган дадам бечора тамом букилди-қолди. У киши ҳам узоққа бормадилар, ойимдан кейин вафот этдилар. Дадам вафотларидан кейин уйимиз хувиллаб қолди. Биз кўчиб ўтдик, бевақт оламдан кўз юмган ота-онамизнинг чироғини ёқиб ўтирдик. Холам мундан кейин ҳам тинчимаяпти. «Гули қонуний фарзанд эмас, шунинг учун у ҳовлида ўтиришга ҳаққи йўқ. Ҳақиқий меросхўр — мана мен уйга эғалик қилишим керак», деб идорама-идора юриб, танишларини ўртага қўйиб, ҳужжат тўғрилаяпти.

— Холангизга Фарғонадаги уй нимага керак экан? — деб ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Сотмоқчи. — Лўнда ва аниқ жавоб билан барча андуҳларига нуқта қўйди у ва сал тўхтаб, янада қатъийроқ, шунинг баробарида ўз туққанларини инкор этиб, емай едириб, ичмай ичириб тарбиялаган азиз ота-оналарига меҳри муқайядлигининг исботи сифатида қўшиб қўйди:—Лекин холам ўйлаган шум ниятига етолмайди! Бизни ҳурмат қиладиган эл бор, қадрдон қўни-қўшнилари, яхши одамлар бор, бизни унга ем қилмайди. Ҳозир менга етти ёт бегонадай қараётган холам, ота-онасининг хоҳишига оёқ қўйиб, қутирган итдай опасининг руҳини чирқиратаяпти, унинг тортмиш кўргилиги олдинда ҳали...

— Хоразм томонлардан не гап?

— Фожиа устига фожиа билан бўлиб, ҳали мен бирор мартаям гапиришмадим. Ниманиям гапиришаман. Мени бахтиқаро қилиш учун дунёга келтирган одамларга не деб жавоб беришимни ўзлари яхши билишса керакким, менга кўнғироқ қилишга юраклари дов бермаяпти.

Гулининг дийдаси қотиб, мубҳам муаллақликдан оёғи қаттиқ ерга тегиб, чин мулк эгаси сифатида далерона гапиришидан руҳим энгиллашди, суҳбатимиз зое кетмаганидан кўнғлим кўтарилди.

— Гули, — дедим суҳбатимиз оҳангини бузмай, анча жимликдан сўнг.

Гули дарров жавоб бермади. Мен ҳам қистамадим. Ва ниҳоят:

— Лаббай, — деди аста.

— Битта шеър ўқиб берайми?

— Ўқинг, — деди менга ялт этиб қараб.

Дарҳол ўқиб кета бермадим, пайсалга солдим, ўзимни ҳамда Гулини шеър руҳига мосладим.

*Оқ ҳуллада қучоқ очиб, тушларимда учмишсан,
Ҳарён мушки анбар сочиб, сочларингни ечмишсан,
Хаёлларим олиб қочиб, орзуларим қучмишсан,
Бу гапларни сендан бошқа бировга айтиб бўлмас.*

*Яхшиям сен борсан менинг суянчиғим, ардоғим,
Қоп-қоронғу ҳасратларим ёритгувчи чароғим,
Не қилардим бўлмасанг сен, куюнчағим, қароғим,
Бу гапларни сендан бошқа бировга айтиб бўлмас.*

*Дунё алдовлари чирмаб, етар ҳар ён отгани,
Етар дўстни душманга ҳам пинҳон-пинҳон сотгани,
Кўрқиб қолдим сирим ҳатто ўзимга ҳам айтгани,
Бу гапларни сендан бошқа бировга айтиб бўлмас.*

*Севганим севди бошқани, ўзга энди ёв бўлди,
Беҳато бўлди отқани, тошлар беаёв бўлди,
Йўлда ҳасса, ҳажр уммонида кўксим даёв бўлди,
Бу гапларни сендан бошқа бировга айтиб бўлмас.*

*Тузладилар кўзёшларим кўзларимни ичинда,
Бўзладилар кўзёшларим кўзларимни ичинда,
Музладилар кўзёшларим кўзларимни ичинда,
Бу гапларни сендан бошқа бировга айтиб бўлмас.*

*Қирқ уч ёшда банди бўлдим, каззобларим беадад,
Минг бир оқшом хун йиғладим, азобларим беадад,*

*Етармикан умрим ахир, ҳасобларим беадад,
Бу гапларни сендан бошқа бировга айтиб бўлмас.*

*Гоҳ кунлари юмушгаям боргим келмас сира ҳам,
Ноҳақ хафа этганларни кўргим келмас сира ҳам,
Бир соние ҳам ҳамнафас бўлгим келмас сира ҳам,
Бу гапларни сендан бошқа бировга айтиб бўлмас.*

*Қаноатда қанотланди нигоҳингда нигоҳим,
Гоҳ бам, гоҳ авж оҳангланди дил оҳингда дил оҳим,
То абад асрасин энди паноҳида Илоҳим,
Бу гапларни сендан бошқа бировга айтиб бўлмас.*

*Бугун тонгда кўп бешафқат, ажаб мудҳиш туш кўрдим,
Мен ўзимни тўр қафасда қолган банди қуш кўрдим,
Жиққа терга ботиб турдим,хаёлим беҳуш кўрдим,
Бу гапларни сандан бошқа бировга айтиб бўлмас.*

*Билолмадим Комил Аваз бу шеърни битдим нечун?
Қай дақиқа бўлиб музтар ўзимдан кетдим нечун?
Балки андак дилимни ҳам бўшатдим бир сен учун,
Бу гапларни сендан бошқа бировга айтиб бўлмас...*

— Э, сиз Комил Авазми? — намли кўзлари ёришгандай бўлди Гулининг.

— Ҳовва, нима эди?

— Сизнинг шеърларингиз билан айтиладиган кўшиқларни эшитганман, мана, энди ўзингизни кўрдим. Тақдирнинг сирли ўйинларига қаранг, сиз билан суҳбатлашиб қушдай енгил бўлдим. Дам олиш уйидаги ўн кунлик, ором десам тўғри бўлмас, дам олишим бир ён бўлди-ю, мана шу бир соатлик суҳбат бирён бўлди. Сиз учун қандай билмадим-у, мен учун катта руҳий озуқа бу, раҳмат, Комил ака! Бандиям бўлибсиз-а?

Гули одоб юзасидан, қамалибсиз-а, демади. Унинг ҳаёсидан суюндим.

— Ҳа энди, бунинг тарихи узун, ҳозир айтишнинг мавриди эмас, чарчадингиз, — дедим унинг эшитишга рағбати кўзларидан кўриниб турган бўлса-да. Аслида, мен маҳбуслигим, ҳибс даври ҳақида наинки сўзлашни, ҳатто эслашнIAM хуш кўрмайман. Яраларим янгиланишини истамайман.

Ҳозир Гулининг аҳволига раҳмим келиб турган бўлса-да, ундан яна бир нарсани сўрашга ботиндим:

— Мунира холангизга нафратингиз шунчалик кучлими? — дедим Гулининг ўйчан чехрасига қараб.

— Нафрат дейсизми? — деди Гули юзи оқариб.— Ўз

азоби ўзида-ку! Менинг ҳам бўларим бўлди, алам қилади. Бир тасаввур қилиб кўринг, у жигаридан айрилди. Гоҳ-гоҳида олдига бориб, сочимни кўлига бериб, холажон, мана судранг, бир хумордан чиқинг, дегим келади. Лекин қилолмайман. Бу гапни эримга ҳам айтдим, у бунинг учун катта куч керак, деб қизиқ бир қиймириб қўйди.

— Эрингиз тўғри айтибди, агар одамларда ана шундай куч бўлганда бунчалик гавғоларга йўл қўймасди, арзимаган нарсага талашиб, қирқилишиб юришмасди. Ҳа, айтадиларки, адашганнинг йўли кўп... Сизга Оллоҳдан мадад тилайман.

Ули менинг мулоҳазамни ўзича мушоҳада этган кўри-нади, аста ўрнидан туриб ўриндиғи томон йўналди. Унга индамадим, суҳбатимиз мен учун ҳам фойдадан холи бўлмади. Унинг дардчил юрагига қулоқ қўйдим, озми-кўпми далда бердим, қолаверса, ҳар бир танишув бир сабоқ, жиндай кўнглимниям бўшатдим.

8

Пешиндан то кечга довур ухлабман. Самолёт ичида димиқиб кетдим, аста пастга тушдим. Ола-ғовур. Одамлар бири олиб, бири қўйиб турибди.

— Осмоннинг чарақлаб кетганини кўрмайсизми?

— Балки ҳозир Тошкентда ҳам шундайдир.

— Нега энди самолёт ҳайдовчилари бизни ташлаб қаергадир гум бўлишлари керак?

— Учувчиларни сизу бизга тенглаштирманг, улар ётиб ухлашлари лозим. Биз самолёт кўтарилгач, бемалол хурракни варанглатаверамиз.

— Қани, ўша кўтарилгани? Аввал кўтарилсин-чи!

— Улар ҳам «автопилот»га қўйиб хоҳласалар қарга ўйнайдилар, хоҳласалар ухлайдилар.

Дарҳақиқат, осмон юзи ёришиб, юлдузлар чарақлаб, дилларга ором бахшида этгувчи ажиб сўлим оқшом, борлиқ тинч ва сокин. Икки кундан бери на ейишида, на ичишида, на ётишида, на туришида маъни-матраси бўлмагач, одамларнинг фиғони фалакка ўрламай қаёққа ўрлаши керак? Ахир, учувчилар лаоқал бормисизлар, нима қилиб юрибсизлар, қандай кун кечиряпсизлар демаса, унинг устига, ҳолимиздан хабар оладиган бирор мутасадди одам қорасини кўрсатмаса, додингни кимга айтишни билмасанг, осмонга қарасанг, юлдузлар чарақлайди. Нега учмай турибмиз, дейдиган саволга жавоб берадиган одам йўқ.

— Дунёнинг бирор бурчагида биздақа қадри топталган одам топилмаса керак! — Кимдир бу сўзларни шун-

чалик содда ва шунчалик юкли қилиб айтдики, бехосдан сўз айтилган томонга қарадим. Ўрта яшар, жуссаси кичикроқ бир йигитнинг чорасиз қолган бийдай чўл ёқасидаги қўналғада пастгина, лекин ширали овозда айтган исёнкорона нидосидан юрагим ҳапқириб кетди.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Барибир бу дардли ноладан муштлар тугилиб, юракларга ҳавур тушган эди. Лекин бир-бировига гап уқтиришдан бўлак чораси бўлмаган одамларнинг ҳоллари хароб, зеро, ҳар бир ғазабдан, ҳаросатли ҳасратдан паймона тўлгани билан жунбушга келган диллар, мавриди майдонсиз сабр ўзанларидан ошиб кетавермас экан, йигитнинг нидосини ичларига ютдилар, бошлари эгик, овозларини баландлатмай гурунглашиш муддаосида, икки бир-уч бир, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳасратларига мубғало бўдилар.

Яккаланиб қолган йигитнинг олдига бордим.

Танишув

Жуссаси кичик бўлгани билан юзу кўзларидаги равшанлик уни анчайин сипо, ўзига яраша салобатли қилиб кўрсатади. Мен унга ўтлиғ нидо қилдингиз, биз ҳам илдизимиз бақувват, дониш эл фарзандимиз, сизга ўхшаш қалби оташ йигитлар бўлса, миллатнинг хўрланишига чек қўйилади, дея баландпарвоз гап қилмадим, шундай ҳам ўзи самолёт ичидаю ташқарисида, Ўрусиянинг инқирози, давлат тўнтариши хусусида сўзлар бўляпти. Шу боисдан шунчаки, гапи ерда қолмасин учун:

— Наинки қадри топталган, балки бизчалик ҳақоратланган одам топилмаса керак, — дедим.

Менинг бу сўзларимдан йигитнинг негадир ҳаяжони ошиб кетмади. Қайтанга яна ҳам вазминлик билан мени ҳайратга солди:

— Биз илдизимиздан беҳабар кўрлармиз. Яна ўн кун шу ердан кўзғалмасак ҳам биров билан бировнинг иши бўлмайди. Қалбида ғурури йўқ одам мутелиқдан бўлакка ярамайди.

Во ажабким, оташин сўзлар айтувчи йигитнинг оловга сув сепгандай, ўз сўзларига лоқайдлиги мени баттар ҳайратга солди.

— Ҳа, кўрга бадланганнинг фойдаси йўқ, — дедим.

Йигит менинг нишонимга тушункирамади ва ажаб гап қилди:

— Ҳаво етишмаса, бўгилиб, ҳаво ўрнига сув сўрайдиганлар билан яшаганингдан кейин ҳамма нарсага бефарқ бўлиб қолар экансан-да, ака.

Йигит мушоҳадасига менгзар мен ҳам бемавзуроқ сўз айтдим:

— Балиқ сувда яшайди-ю, кўзи қирда бўлади. Сувда сув излайди.

Йигит бирдан шарақлаб кулиб юборди.

— Ака, сиз ҳам ўзимиздан экансиз, суҳбатлашадиғон одам экансиз. Қарамайсизми, ҳамма бир-бировини қиздирадию ҳеч амалий иш қилмайди.

Мен ҳам кулимсирадим.

— Ҳа, одамлар жиндай паззабоз.

Бу сафар илмоқли гаплар шайдоси чинакамига очилишиб кетди.

— Ака, раҳмат, ташаккур! Топиб айтдингиз, дилимдагини айтдингиз! Мен ана шу сиз айтмоқчи паззабозлар дастидан ўлсам ўлиб бўлдим. Мен муҳаббатдан куйган одамман. Муҳаббатсиз одам беқадр бўларкан. Менинг пойма-пой гапларимдан ҳайрон бўлманг. Агар айтиб берсам, бир китоб бўлади. Келинг, танишиб кўяйлик, исмим Абдувосит.

Исёнкорона бошланган гурунгимиз ўз-ўзидан борлиқ шакл-шамойилини йўқотиб, ҳамишаги дардкашлик суҳбатга айланганини сезмай ҳам қолдик. Самолёт ён-верида одамлар ҳалиги ғала-ғовур пайтидагидан анчайин сийраклашганига қарамай, олисроққа кетдик. У билан худди кум сайрида юргандай аста одимлаб, хийла вақтгача сўзлашиб юрдик.⁴

Абдувосит тўлиққина, ширали овозда мафтункор ҳикоясини бошлади. Мен халақит бермадим, бутун вужудим қулоққа айланди. Уни тинглаяпман-у, ўзимни ўзга бир оламга кириб бораётгандай ҳис қила бошладим. Бу оламда хаёлий келажакни эмас, муқаддас ўтмишни, ўтмиш бўлгандаям, ақлан билмаган ҳолда ҳамиша руҳан соғиниб, интилиб юрган покиза кенгликларни кўра бошладим.

Ҳикоя

Гулишода қаттиқ хасталанди. Нозик ниҳолгина келинчакнинг оғир хасталаниши Абдувоситни бениҳоя ташвишга солиб қўйди. Қорачагина қизнинг Абдувосит билан турмуш қуриши кутилмаганда қандай тез содир бўлган бўлса, тўйдан кейин келинчакнинг хасталанишиям шундай тез содир бўлди.

Абдувосит Гулишоданинг жуфти ҳалолли бўлганига қанчалик кўниколмамай юрган бўлса, унинг касалхонага ётишига ҳам шунчалик кўниколмади. Ҳали булар бир ёстиққа бош қўйиб эр-хотинликнинг кундалик ташвишла-

рига киришолмаган эди. Абдувоситнинг отаси, онаси рўзғор ташвишларини буларнинг гарданига яқинлаштирганларича йўқ. Унинг устига, Абдувосит Гулишодага уйланишга тўсатдан қиз опасининг тавсиясию отасининг ҳукми билан розилик берган эди.

Абдувоситнинг мактабдаёқ хат олишиб юрган ён қўшнисига совчи киритганда Робиябибининг оталари розилик беришмади. Ўғлимиз билан қизингиз гаплашиб қўйишган десалар ҳам кўнишмади. Касби-корининг тайини йўқ йигитга берадиган қизимиз йўқ, дейишди. Робиябибининг кўзёшларига отасининг раҳми келмади.

Абдувоситнинг тўй оқшоми Робиябиби тонггача йиғлаган. Абдувоситнинг ҳали-ҳали кўз ўнгидан кетмайди: тўй тугагач, юз-қўлларини ювиш учун икки ҳовли ўртасидан ўтадиган сой соҳилига чиқса, не кўз билан кўрсинки, Робиябиби йиғлаб турибди. Энг ажабланарлиси, на Робиябиби, на Абдувосит бу ҳолдан ҳайратланмаганлар, аксинча, шундай бўлиши керак эди, дейишгандай бир-бирларига қараб қотиб қолишган. Ундан ҳам ажабланарлиси, икковидан ҳам бир оғиз сўз чиқмаган. Фақат Робиябиби ўзи ихлос билан Абдувоситнинг исмларини ёзиб тўқиган рўмолчасини унга узатган. Абдувоситнинг бирдан кўзлари ёшланиб, Робиябиби берган рўмолчани юзига босган. У юзидан рўмолчани олганда Робиябиби ғойиб бўлган эди.

Абдувосит қайтиб чимилдиққа киролмади. То тонггача сув бўйида ўтирди. Гулишода уни излаб чимилдиқдан чиқмади. У чиқолмасдиям. Буни Абдувосит яхши билади, чунки Гулишоданинг бу хонадонда биринчи тонги. Бу тонг келинлик юмуши — саҳарлаб ҳовли олдини супуриб, сув сепишдан иборат.

Абдувоситнинг тезкор уйланишига асосан отаси сабабчи. Аслида ҳали-вери унинг уйланиши тўғрисида гап-сўз йўқ эди. Чунки у қишлоқда тўққизинчи синфни битказгач, отаси шаҳардаги ўзининг ихлосли таниши, дин илмидан дарс берувчи мударрисга эндигина толибликка топширган эди. Абдувоситнинг жарангдор қироати, хуш, ёқимли овози талабаларнинг ҳавасини келтириб, жаранглаб чиқа бошлагач, отасини суюнгириш ҳамда тенгқурлари олдида катгайиб, илмли бўлиб қолганини кўз-кўз қилиш учун аввалига бежиримгина мўйлов ўстирди. Вақти-соати келиб, Худо хоҳласа, соқолимниям ўстираман, деб юрганида Робиябибидан ғаройиб бир хат олди.

Робиябибининг ёши тенг бўлса-да, ҳурмат юзасидан «сиз»лаб ёзган эди ўша хатини: «Абдувосит ака, мўйловингиз бирам ярашибдики, туф-туф, кўз тегмасин. Шаҳарнинг ҳавоси ҳам ёқибди сизга. Бўйингиз ўсиб, даб-

дурустдан кўркем йигит бўлибсиз. Лекин масжиднинг имомлигига ўқиётганингиз тўғрисида шубҳали хабарлар бор. Шаҳар созандаларига кўшилиб артистлик қилиб юрган эмишсиз. Шу ростми?»

Абдувосит чинакамига ҳаяжонланиб кетди, негаким, кўшиқ айтишга ихлос унга кўндоқда теккан. Бунинг нимаси ёмон? Робиябиби фақат шундан огоҳ, аммо шаҳар маданият уйига ўғринча қатнаб юрганини кимдан эшитдийкан? Ахир, бу сиру асрорни на отаси, на домласи биледи. Ё тавба, дея ёқасини ушлади Абдувосит, сир ҳам тўрнинг ўзи экан-да, бир тугун ечилса, ҳаммаси чувалиб кетади, деб тўғри айтишган.

Худодан яширмаганни бандадан яшириб бўлмас экан. Барибир Абдувосит санъатга иштиёқмандлигини ошкор этишга юраги бетламади. Бинойидай рубоб чалиб, кўшиқ айтишини уйидагилардан яширади. Отаси ўта диндорлигиданми, кўшиқни жини суймайди. Абдувосит эса бир нарсага сира тушунолмаётган гаранг. Ахир, тилавотни хушовоз билан ўқиган одамни барча диндорлар ёқтиради. Қуръонни хуш қироат билан ўқиганни ҳофиз деб аташади. Бироқ кўшиқчини тан олишмайди. Нега? Тўғри, Оллоҳ таолони ҳамд этмаган кўшиқни аҳли дин қоралайди. Ахир, дурудниям куйга солиб, саз билан айтсанг-да, хуш кўришмайди. Абдувосит то ҳануз бу жумбоқли саволига жавоб тополмайди.

Алалхуеус, мактабдош жўралари билан шаҳар маданият уйига қатнаб рубоб чалишни, кўшиқ айтишни такомиллаштириб юрган кунлари қайси бир кинода сувратга олиш учун артист болаларни излаб Тошкентдан таниқли кинорежиссёр келиб қолади ва бахтли тасодиф Абдувосит билан яна бир ҳаваскор қизни танлайди.

Бошига бахт куши кўнган Абдувосит барча толиблик машмашасини йиғиштириб, режиссёр тайинлаган охириги синовга астойдил тайёрлана бошлайди. Масжидда эса, фақат ётиб, бомлодни ўқийди-да, маданият уйига чопади. Домласи ҳай-ҳайлаганча қолаверади.

Абдувосит эртадан кечгача бир хонага кириб тошкентлик режиссёр танлаган қиз иккови машқ қилиш билан овора кунларнинг бирида уни излаб отаси кириб келади. Отаси эшикни очганида Абдувосит рубоб чалиб, ҳалиги чиройли қизни ўйнатаётган бўлади. Унинг кўлидаги рубоби тушиб кетишига бир баҳя қолади. Ранжиганидан дағ-дағ қалтираётган отасининг тили калимага келмайди. Абдувосит бошини эггича отасига эргашиб уйига қайтади.

Тошкентлик режиссёр уни марказга олиб кетиш учун қишлоққа келади. Отаси атоқли меҳмонларни бўсагадан

ичкарига қўймайди. Абдувоситга наинки Тошкентга боришга рухсат бериш, балки ўзларининг шаҳарига боришга ҳам йўл қўймайди.

Қаҳрли отанинг ғазабидан ҳайиққан Абдувосит тақдирга тан беради. Уйланишга рози бўлади. Ҳали юқорида айтганимиздек, суйганига эмас, Робиябибининг ота-онасидан рад жавобини олган отасининг қаттиқ жаҳду жадали билан шошилишча равишда Гулишодага уйланади.

Қонида бетайинлик сурури кўпириб турган Абдувосит аввалига Гулишодага кўниқолмайди. Гулишода боодоблигидан Абдувоситнинг бу каби одатларига, айниқса, ётсирашига унчалик эътибор бермайди, бора-бора баъзи қилиқларига ҳам кўникади, ўрганишиб кетади. Қиз бола отанинг отган кесаги — қаерга отса, шу ерга бориб тушади.

Гулишода сабру тоқатининг тамал тоши, ҳаёт мезонига айланган ушбу нақд, ушбу собитлик унинг чиройини очиб, уйнинг бекасига айлантиради. Гулишода эътиқодининг мустақкамлиги аста-секин Абдувоситга ҳам ўта бошлайди. Барибир улар ўртасидаги кўзга кўринмас ётсирашлик бот-бот ўзини намоён этиб туради. Энди очила бошлаган Гулишоданинг қорамағиз юзига ҳомиладорликдан доғ-дуғ тушиб қорая бошлайди. Шундай ҳам ўз хаёлларига ўралашиб қолган Гулишода ҳомиладорлик сабабми, баттар индамас бўлиб қолди.

Абдувосит бирор тайинли ишни бошини тутолмай гаранг. У санъат билан боғлиқ барча орзуларини йиғиштириб шофёрликка ўқий бошлади. Энг ажабланарлиси, унинг билан ҳеч кимнинг бир чақалик иши бўлмай қолди. Нима қилиб юрибсан, қайда юрибсан, деб сўрагучи бир инсон йўқ. Гўё Абдувосит бу дунёда яшамаётгандай. Бу янглиғ пойинтар-сойинтар хаёллар Робиябибини ўйлаган чоғлари жунбушга келарди. Шофёрлик гувоҳномасига эга бўлди ҳамки, на отаси, на қариндош-туққани ва на Гулишода бирров, лоақал муборак бўлсин, дейишмади. Дейишмаганига чидаса бўлади, аммо иш тополмаганига хуноби чиққани билан ҳам ҳеч кимнинг иши бўлмагани алам қила бошлади.

— Сен ҳам хотинмисан?! — Абдувосит бир куни бўғилганча фигони фалакка чиқиб Гулишодага бақириб берди.

— Хотинимсан десангиз, хотинингизман.— Хотиржамгина жавоб берди Гулишода.

— Мен ўз ёғимга ўзим қовурилиб юрганимда ҳеч бўлмаса сен сўра, ҳолингиз нечук де, нима иш билан машғулсиз де! Ахир, сен робот эмассан, анави Шароф Бошбековнинг темир хотини эмассан-ку!

— Худога шуку-ур, мени одам ўрнида кўрганингизга шуку-ур!

Абдувосит Гулишодани таний олмай қолди.

— И-е, ҳали мен сени бир мўмин мусулмон деб юрсам, Гулишода эмас, Гулишаддод экансан-ку! Ана, уни қаранг-а!

Гулишода индамади. Ҳомиласи унча билинмагани учун бу сирдан ҳали ҳеч кимни огоҳ этмаган эди. Сўз оқими ўзгарганидан ҳозир у ҳақда оғиз очмади. Лекин Абдувоситдан кутди. «Нега юзингизга доғ тушди?» деб сўрармикан деган илинж билан унга бир-икки маънодор боқди. Ундай савол Абдувоситнинг хаёлига келмаганидан бир лаҳзага сал ранжиди, кейин «балки доғлар юзимга зеб бериб тургандир, ахир мен ҳам аввалига қўрқдим, кейин ойимлар суюнтиргач, кўникдим-ку», дея ўзига тасалли берди.

Абдувосит ўғил кўрди.

Йиллар ўтди. Абдувосит нуфузли бир идора хизматчиларини эрталаб йиғиб ишга олиб борадиган ва кечқурун юмуш тамом бўлгач, уларни уй-уйларига ташлайдиган автобус ҳайдовчиси бўлди. Унинг хушхулқлиги устига сўзамоллиги ишлаётган идорасида, маҳалла-қўйда наинки эътироф қилина бошлади, балки обрў-эътиборини анчайин баландлатиб қўйди.

Гулишода Абдувоситнинг хушмашраблигидан нечоғ мамнун бўлмасин, барибир унинг ётсирашига ўрганолмади. Абдувосит эса Гулишоданинг меҳрибонликлари замирида ўзига нисбатан жиндак бегоналикни туюшдан хафаланади, аҳён-аҳёнда бўлсаям завжаи заифасининг мунгли боқишларидан эзилиб кетади ва қандай қилиб ана шу кўз илғамас нохушлик пардасини ўрталаридан кўтариш, одамларга ўхшаб холисанлилло, очиқ кўнгиллилик билан ҳаёт кечириш тўғрисида ўйлаб ўйининг поёнига етолмаган кунлари ўз ёғига ўзи қовурилиб, қўли бирор ишга бормайди. Унинг бу ҳолатига қараб Гулишода багтар индамас бўлиб қолади.

Ҳаёт ҳаёт-да, одамнинг феъл-атвори, руҳияти табиатга мос ўзгарувчанлиги боис, ёмгирдан кейинги бир лаҳзалик офтобдан дунё нечоғ зеболангандай, бир оғиз илиқ сўз билан ўртадаги гина-қудуратлар ҳам юракларни тарк этиб, юзу кўзларга нурафшонлик бахшида этади. Аммо, неча ойлаб кутган ёмғир ёғмагандай, баъзан дилларни ёритгувчи ана шу бир оғиз илиқ сўз анқонинг уруғидай топилмайди.

Абдувоситга бора-бора бу илҳақлик қўл етмас бир ноёб нарсага айланаётган бир вақтда, тўсатдан келган бахтсизлик унга бахтиёрлик келтирди. Баъзан бахтсизлик одамни бахтли қилади, деб тўғри айтар эканлар... .

Хитой фалсафаси

Хитойда бир бой одамнинг оти йўқолиб қолибди. ҳамқишлоқлари кўнгил сўраб киришибди.

— Отингиз йўқолибди деб эшитдик. Жуда хунук иш бўлибди, бизнинг ҳамдардлигимизни қабул қилинг, — дейишибди

Бой вазминлик билан:

— Ташаккур, лекин бу бахтсизлик балки бахт олиб келар, уни Худо билади, — дебди.

Бой башорат қилганидай, бир-икки ой ўтар-ўтмас, йўқолган оти йигирма-ўттиз отни эргаштириб келибди. Энди ҳамқишлоқлар суюнчилаб киришибди.

— Кўзингиз ойдин! Йўқолган отингиз шунча отни эргаштириб келибди, бизни қувончимизни қабул қилинг, — дейишибди.

Бой бу сафар ҳам яна ўша вазмин оҳангда:

— Ташаккур, лекин бу бахт балки бахтсизлик олиб келар, — дебди.

Ҳамқишлоқлари ҳайрон бўлиб чиқиб кетишибди. Орадан сал вақт ўтмай оти эргаштириб келган ёввойи отларнинг биттаси бойнинг ўғлини босиб, оёғини синдирибди. Ҳамқишлоқлари яна кўнгил сўраб киришибди:

— Бахтсизлик содир бўлибди, лаънати ёввойи от ўғлингизнинг оёғини синдирибди, сизга тўзим берсин, бизнинг ҳамдардлигимизни қабул қилинг, — дейишибди.

Шунда бой яна ўша ҳолатда:

— Ташаккур, лекин бу бахтсизлик балки бахт келтирар, уни Худо билади, — дебди.

Икки ой ўтиб-ўтмай уруш бошланибди. Қишлоқдаги барча йигитларни урушга олибдилар, бироқ бойнинг майиб ўғлини олишмабди...

Хитойликлар фалсафасини эшитганда ҳайратланган Абдувосит бахтсизлик бахт ва бахт бахтсизлик келтиришини ўз ҳаёти мисолида, мана, неча йилдирким кўриб келяпти. Ҳозир унинг оғзидан бир тавба ўрнига ўн тавба тушмайди.

Алалхусус, Гулишода бирдан хасталаниб қолди. Абдувосит уни табибга кўрсатди, фойда бермади. Абдувосит эски китобларга, кароматга қаттиқ ишонганидан отасининг раъйига қарши бормади, аксинча, бор вужуди билан домлаларнинг китоб қарашларига, куф-суф қилишларига монелик билдирмади. Фойдаси бўлмади. Гулишоданинг аҳволи оғирлашгандан-оғирлашди. Уни шаҳар шифохонасига ётқизишди.

Шундай ҳам нимжонгина Гулишода беш-ўн кун ичида қовжираган қамишдай сўлди-қолди. Абдувосит шифо-

хонага кунда икки маротаба қатнайдиган бўлди. Айниқса, Гулишода овқатга киргач, пакетда битта ноннинг орасига иссиққина икки сих кабобни солиб тўғри Гулишода ётган палатага киради ва унинг емайман деганига қарамай, токим еб битирмагунича бир қадам ҳам ёнидан силжимаydi. Кейин идора ходимларини уй-уйларига ташлаб бўлгач, яна кечки овқатни олиб келади. Ҳаво айниб, аэропортларда самолётлар учмай қолиши мумкин, аммо таниш кўкиш автобус касалхона олдида ҳар куни бир вақтда кўринмаслиги мумкин эмас. Шифохона ходимларию ётган касаллар унинг келишига қараб соатларини тўғрилайдиган бўлишди — соат 12.15. ва 16.50.

Абдувосит ўзида йўқ шод. Дори-дармонларми, меҳру мурувват самарасиданми, хотинининг юзи тўлишиб, чаккалари қизариб, кўзлари тиниқлаша борди. Гулишода тузалиб, уйларига келгач, ҳеч хаёлга келмаган гап қилди:

— Сизга минг бора ташаккур. Тиланг тилагингизни, то шуни адо этмасам, кўнглим жойига тушмайди.

— Қанақа тилак? — ҳайрон бўлди Абдувосит. — Ахир, сизни даволаш менинг бурчим-ку. Эсон-омон тузалиб чиқдингиз, шунинг ўзи менинг бор тилагим.

— Йўқ, — деди норозиланиб Гулишода, — ҳар бир эркакнинг пинҳоний истаги бўлади, айтинг, мен бажарай.

— Қизиқмисиз, Гулишода, айтдим-ку, менинг бирдан-бир тилагим, сизни соғу саломат кўриш, болаларни бирга тарбиялаш, қўша қариш.

— Бўлмаса, ўзим айта қолай, — бирпас жим қолди Гулишода. Ўртага ноқулай жимлик чўкди. У эрининг кўзига қарамай, лекин қатъий қилиб айтди, — мен сизни уйлаб қўяман...

Шу жойда мен Абдувоситнинг ҳикоясини тўхтатдим:

— Уйлаб, яъни уйлантириб қўяман дедими хотинингиз?—Ташаккурнинг бунақанги ечимини кутмаганимдан тақроран сўрадим:—Уйлантираман дедими?

— Ҳа-да, уйлантириб қўймасам, кўнглим жойига тушмайди, Оллоҳ олдида ҳам, сизнинг олдингиздаям қиёмат қарзман деди, мен сизга айтсам.

— Хўш, кейин нима бўлди? — Ростакамига қизиқсиниб қолдим.

— Кейин, менга сиз кераксиз, сиздан бошқа хотинни бошимга ураманми, дедим, ҳеч қулоқ қўймаydi десангиз. Меҳмонгами, тўй-ҳашамгами, қаерга борса, менга келин ахтарадиган бўлди.

— Ана буниси антиқа экан-ку, во ажаб, шу кунларда-я?

— Ҳа-да, ишонмасангиз, ана, ўзиям самолётда ўтирибди, сўрашингиз мумкин.

— Сиз керакмайди деб оёқ тирайсиз, у олиб бераман, деб чиранади?

— Худди шундай.

— Топдими, ишқилиб?

— Излайверди-излайверди — топади, унга ёқса, менга ёқмайди, менга ёқса, унга ёқмайди. Ахийри, бир куни битта жувонни топди. Янги эрдан чиққан экан, битта боласиям бор. Менгаям ёққандайроқ бўлди. У қиз эзилиб юрган эканми, рози бўлди. Муллабашара бир ошнам бор, шунга бу масаланинг учини чиқариб қўйган эдим, қўнғироқ қилдим. «Янги меҳмон топилди, келинг», дедим. У келиб хутба ўқиди. Бирга яшай бошладик.

— Тўйсиз, «ёр-ёр»сиз, шундайгина келиб ўтира бердими? — Бундай ажабтовур воқеани биринчи бор эшитиб турганимдан ишонгим келмайди. Абдувосит эса, жиддий гапиряпти.

— «Ёр-ёр» бўлмади-ю, қўни-қўшни, қариндош-уруғларга ош бердик.

— Дадангиз, ойингиз нима дедилар?

— Оллоҳи таоло қўнглига солибдики, ниятини амалга оширяпти; хотин рози Оллоҳ рози, дедилар.

— Яшайвердингизлар?

— Йўқ, яшай олмадик.

— Нега, хотинингиз чидамадими? — деб сўрадим ажабланиб.

— Аксинча, мен чидамадим. — Кулимсираб, «ёш йигит бўлиб-а», демоқчи эдим, Абдувосит савол беришимга ўрин қолдирмай, давом этди:— Йигитлик нуқтаи назаридан эмас, келиннинг фаросатсизлигига чидамадим. Ўзини озода тутмаганидан, хонасига киролмай юргангани Гулишода сезди, уни алдаб юрдим.

— Нима деб?

— Кирыпман деб. Аслида, унинг хонасига кириш навбати куни, бошқа хонада ухлаб тонг оттирдим. Кейин бўлмади. Жавобини бердик. Сен рози, Худо рози дедик.

— У индамай кетавердими?

— Нимаям дейди? — ҳайрон бўлиб менга тикилди Абдувосит. Худди, айбдор бўлганидан кейин кета беради-да, дегандай қўшиб қўйди: — Бошқа иложиям йўқ эди-да.

Абдувоситга гапирмайман-у, тавба дейман, якка хотинлик баравж замонда бунақанги гаройиб воқеаларни эшитишнинг ўзи одамни лол қолдиради. Тагин эр-хотин Ялтада дам олиб келишяпти. Таажжубим ўрнига бошқа сўз айтдим:

— Хотинингиз шу билан қиёмат қарзини адо этган ҳисобланибди-да?

— Йўқ, шундан кейин аёлларнинг бир ўтиришида гап ҳаётнинг майда-чуйда ғийбатлари устида бораётганида бир аёл, дабдурустдан хотинимга теккизиб, санчиқли киноя қилиб: «Рузада қорним очмади дегани ҳам бекор, кундошга куймадим дегани ҳам бекор», дебди. Бу гап Гулишоданинг суяк-суягидан ўтиб кетади. Юзида мулойимгина ним табассум акси балқигани билан ичида недир лов этиб ёнади: «Бировнинг дарди биров учун қоронғи, айланай, сиз ноҳақсиз деганим билан кундошим эртагаёқ уйга қайтиб келмайди», деган. Хотиним жуда ноқулай аҳволда қолган, жудаям мўмин-қобил кундошимни эрим ёқтирмай жавобини берди, дея дилидагини тилига чиқазолмаганидан бир эзилса, аёллар ичида оғир маломат бўлаётганидан икки эзилди. Начора, ҳали мен сизга айтмадим, Гулишода касалидан тузалгач, отин ойи бўлган. Ана, энди кўрмайсизми, ваъзхонликда оғзига қаратиб ўтирган хотинлар олдида шу қадар мулзам бўлиши балки, Оллоҳнинг яна бир синовидир. Шу ўтиришда бошқа бир хотин ажаб луқма ташлайди: «Шерикли ошни ит емас деб бежиз айтишмаган». Ана бу чимчилаш энди отилган ҳақиқий ўқ бўлди унга. Отин ойи тилига келган қалтис гапни қайтаролмаган: «Худо насиб қилса, поччангизга янгисини олиб бераман!» «У ҳам кетиб қолса-чи?» деб луқма ташлаган бошқа бир хотин. «Поччангизнинг кўнглини топиб ўтирадиганини топганимча у кишимни уйлантира бераман». «Ҳаётингизни заҳарлаб, сизга нима зарил?» Уй бурчаги томонидан келган бу исбот талаб қилмас ҳақиқатга отин ойи хотиржамлик билан жавоб берган: «Менинг ниятим, орзуим шу. Поччангиз олдида ҳам, Худойим олдида ҳам қиёмат қарзим шу!»

Абдувосит жим қолди. Балки, ҳикоясига менинг муносабатимни кутаётгандир. Мен охири нима билан тугаркин, деб индамайман. У аста давом этади:

— Яна келин ахтара бошладик.

— Яна келин салом, денг? Навоий ҳазратлари қайси-ям бир ғазалида айтадилар:

*Сенсиз яшамоқ, эй ёр, мушкулдур,
Вале сен бирла ҳам бисёр мушкулдур...*

— Йўқ, у кишининг бу байтлари бу жойга кетмас, — деб ўйчан жавоб берди Абдувосит. Мен унинг мушоҳадаси ўткирлигига тан бердим, лекин сўзини бўлмадим. — Хотин бор уйга хотин олиб келиш, Худо кўрсатмасин, ниҳоятда оғир масала экан, ака. Амирий-

нинг бир ғазали бор, майли, сазангиз ўлмасин, бир байт айтай:

*Эй сарвқадлар сарвари, истар Амир иқболингиз,
Бошимға ғавғо солдингиз, ўлсун саломат бошингиз.*

Жиндай кулишдик. Икковимиз ҳам тушундикки, ғазалиётдан бохабармиз, суҳбатимиз равон бўлажак. Абдувосит бирдан тўхтаб, орқага қайтишимиз асносида деди: — Бошингизни оғритиб нима қилай, топдик янгисини. Ана буниси энди бошга бало бўлди.

— Унисиниям жавобини бердингизми? — деб ҳазиллашмоқчи бўлдим.

— Йўқ-да! Ҳамма бало ана шунда-да, ака! — Бирдан тутоқиб кетди Абдувосит. — Шу десангиз, мени Гулишодадан қизғанади.

— Топган Гулишода, сизга олиб берган Гулишода.

— Балога қолаётган ҳам Гулишода.

— Аёллар ўлтиришида бир хотин тўғри башорат этган экан-а, «ҳаётингизни заҳарлаб сизга нима зарил» деб.

Абдувосит баттар тутоқди.

— Менам шунни айтаман-да, ака! Сенга нима зарил эди, дейман. Оллоҳимнинг олдидаям, сизнинг олдингиздаям қиёмат қарзим шу, дейди.

— Энди, ҳозир пушаймон қилаётгандир.

— Ҳеч ҳам. Буям Оллоҳимнинг синови, дейди. Чидаяпти.

— Магарам, азоб бераётган бўлса, нега жавобини бермайсиз?

— Ўғлимиз бор. Туғиб берди-да.

— Гулишодадан нечта?

— Икки ўғил, икки қиз.

— Омадингизни берсин, серфарзанд экансиз.

— Меникимас, Худойимники, лекин кейинги келин аҳмоқроқ чиқди. Мендан ҳам кўра Гулишодага қийин бўляпти.

— Бир уйдამисизлар?

— Йўқ, янги уй қилиб берганман. Уйимизга яқин, раисдан йиғлаб-сиқтаб ер олиб, жой қуриб берганман.

— Қайси уйда кўпроқ бўласиз?

— Асосан, эски уйимизда, Гулишода олдидан кетмасам дейман, лекин бирор кун уёқда кўринмасам, ё сал кеч қолсам, униси жанжал қилади. Уйдаги харажатларни онасиникига юбориб, кўчага чиқиб бақиради, картошка йўқ, сабзи йўқ ва ҳоказо. Мен ҳолидан хабар олмайдиган золим, зикна одамман. Ҳозирда қон босимим баландлашиб, қийнаяпти. Ажрашай десам, аж-

рашмайди. Бормасам, қишлоқни бошига кияди. Хуллас, ўлсак ўлиб бўлдик.

— Курортга эса, катта хотин билан келибсиз, яхши. — Унинг кўнглини кўтармоқчи бўлдим.

— Э, бунинг ҳам машмашаси катта бўлди. Дам олиш оромгоҳига кетамиз деб айтолмай қийналганларимни кўрсангиз. Шу айлантираман-шу айлантираман, ҳеч муддаога кўча олмайман. Неча кунлар азобдан кейин ахийри журъат этдим. Гулишодани ая дейди, шунинг учун ётиғи билан, аянгизни сўнги вақтларда мазаси қочиб юрибди, келаси йили сизни олиб бораман. Аянгиз билан шунга келишдик, у кишининг жуда мазалари йўқ, қон босимлари пасаймапти, дедим. Аслида-ку, Гулишоданинг ҳамма дарди ўша касофатнинг ўзидан, лекин унга тўғриси қандай айтасиз, нақд расвоингизни чиқаради.

— У нима деди? — Уёғини эшитишга сабрим чидамай сўрадим.

— Рози бўлди, палакат. Рози бўлганига ўзим ҳам ҳайрон бўлдим. Худо таоло хушзабон ато қилдими, борингиз, майли, даволатиб келинг, деди... Мана, айланиб келаяпмиз. Сизга тўғриси айтсам, шу палакатнинг юзини кўришдан, тўғри дўзахга кетишни афзал кўриб юрибман. Қон қилди. Мен сизга бир учқунини айтдим, холос. Нима қилса, Гулишода қилди. Икковимизни гулдай турмушимизга оғу аралашди. Нима қилишни билмайман... — Абдувосит оғир хўрсинди.

— Ўзингиз доно йигит экансиз, — дедим у ҳикоясини адо этгач, анча жимликдан сўнг, — сизга ақл беришга унча-мунча одам ожизлик қилади. Ўзингиз яхши биласиз, неки содир бўлса, Оллоҳнинг иродаси билан бўлади. Ҳали Хитой фалсафасини сўқдингиз, ажаб эмас, бу бахтсизлигингиз, сизга ва оилангизга бахт олиб келса. Кенжа хотинингиз курортга бориб келинглар, деб осонгина рози бўлган экан, демак, Оллоҳ таоло уни ҳидоят йўлига бошлаган бўлса не тонг.

— Илойим, айтганингиз келсин, ака, шунга ҳам шукр, не қилса ҳам ақли адашмасин! — Абдувоситнинг юзи ёришди. Кейин яна дардли хўрсиниб қўшиб қўйди. — Аммо... Яна Худо биледи.

Умримда Гулишодага ўхшаган аёлни жуда кам учратганман, кам эшитганман. Шу аснода калламга ажиб бир фикр келди. Бизлар ёш вақтимизда қариялар ер ҳўкизининг шохиди турибди, ҳўкиз чарчаб у шохидан бу шохига олганда ер қимирлармиш, дейишарди. Шу боис бўлса керак, одамлар, турмушни юргизиш ерни кўтаргандай қийинлигидан, эр-хотин қўш ҳўкиз, деган нақлни ўйлаб топишгандир. Беихтиёр хаёлим кўзгусида Гу-

лишоданинг гурулда ҳам, саховатда ҳам, боринги, барча улуғ фазилатларда ҳеч кимсага ўхшамайдиган қиёфаси пайдо бўлди. Кўнглимдан бир гап ўтди: омон бўл, Гулишода, дард кўрма. Асло қўшингдан, қўшингдаги ўрнингдан адашма.

Отаётган сокин куз тонги дилларимизни равшан этаётганидан шодландик. Тепамиздан, бепоён осмон кенгликларидан қаёққадир учиб бораётган самолётнинг гумбирлаган овози келди. Кўкка тикилдик, само юзи тиниқлашиб, кунчиқар уфқ ёқтилана бошлади. Самолёт ёнида одамлар ҳаракатланиб қолди.

9

Ҳамма нарса тайёр: тиниқ осмон, ёқилги тўлдирилган самолёт, учишга шайланиб турган одамлар, фақат парвоздан дарак йўқ. Энди ҳақиқий исён кўтарилишига қўналға мутасаддилари ёхуд учувчиларга боғлиқ кичкинагина баҳона даркор, холос. Ана шу жанжал кемтиги етишмаётганидан одамлар баттар асабийлашган. Баъзи бировлар кечагина иноқлашган биродарларини жеркиб беряпти.

Соқолини ҳар куни қиртишлашга ўрганган мендек одамнинг тамаки кашандасидек иягимни тарашлайверганим ўзимга ёқмаётганидан билдимки, ҳамманинг асаби таранг. Бу аҳволда узоқ жим қолиш қийин. Э, нима бўлса бўлар, учиб кетишса-учиб кетишар, деб шаҳарга отландим. Ҳеч ким менга «йўл бўлсин» ҳам демади, худди кетишим керакдай. Балки, об-ҳаво маълумотларини билиб келади-да, «ҳозироқ учамиз» деб суюнтиради, деб ўйлашгандир. Ахир, учувчиларниям кимдир бошлаб келиши керак-ку.

«Қорақалпоқпахтатрест»ида айнан кечаги ҳол, вақт эрта бўлгани учун трестнинг «ишчи оти» — бош муҳандис Камолиддиндан бошқа ҳеч ким йўқ, у овозига зўр бериб ким биландир уришяпти. Кутиб турмадим, хонасига бостириб кирдим. Камолиддин мени кўрганда кечагидай ҳаяжонланиб кетмади, бирор юмуш билан келган хизматчига қарагандай кўз қирини ташлаб, телефонда гапиришиб туруви асносида бир қўли билан «ўтиринг» ишорасини қилди. Мен курсига омонатгина чўккаладим. У гапиришаверди. Мен уни тўхтатмай соқол оладиган машинкасини узатиб юборишини иягимни кўрсатиб имошора қилдим. У ҳам мендай ишчи робот эмасми, бирор зиёд ҳаракатсиз, устали галадонидан машинкани узатиб, овозини баттар кўтарди.

Мен тескари ўгирилиб, соқол қиртишлай бошладим.

Шу пайт телефон алоқаси бир иш топдими, Камолиддиннинг дами ичига тушиб кетди ва мендан ҳол-аҳвол сўраш ўрнига телефон рақамларини қайта тера бошлади. Телефоннинг иккинчи тарафига кулоқ қўйиб, менга бақирди:

— Адаш ака, сиз юзингизга лип бераверинг, ана самолётлар уча бошлади! — деди дераза ташқарисига ишора қилиб.

Дарҳол соқол олишни тўхтатдим. Дераза олдига бориб, осмонга қарасам, не кўз билан кўрайки, самолёт учиб боряпти. Бизнинг самолёт бўлмасаям, бирорта рейс учди-ёв! Машинкани устал устига қўйиб, ташқарига отилдим. Камолиддин қўнғироқ дастагини ташлаб, ҳайҳайлаганча орқамдан югурди: «Мен ҳозир машинамни ҳайдаб чиқаман», деди. Қани, кўчадан бирорта машина ўтса, Камолиддиннинг машинасини ҳайдаб чиқишигаям тоқатим йўқ.

Камолиддин яшин тезлигида аэропортга олиб келди. Икки кундан бери ҳаракатсиз ётган самолётлар жонланиб, бирин-кетин осмонга кўтариляпти.

Қани, энди қўналға майдончасига ўтолсам! Ҳавлиққанимдан ёнимдаги паспортиму учиб чипталарини кўрсатай десам, қўлларим қалтирайди, шошганимдан киссаларимни кавлаб тополмайман. Шу пайт Камолиддин бир таниш милиса жўрасини бошлаб келди. Бақувват йигит экан, менга ўхшаган аравлаб юрган йўловчилар босқисидан эсон-омон олиб ўтди.

Тугмалари узилган костюмимга қарамайман, самолётимизни излайман. Хайрият-ей, учиб тийиб бургутдай турибди жойида. Темир тўсиқ ортида қолган Камолиддин билан хайрлашишга ҳам фурсат йўқ, олға одимлайман, оёқларим бўйсунмайди. Юрган йўлим унмайди. Самолёт ёнида қўналға ходимларидан бўлак бирор йўловчи кўринмайди. Ҳайдовчи зинапояни самолётдан ажратяпти, юрагим қинидан чиқай деди. Югура бошладим, қаёқда-оёқларим бўйсунмай қолди. Учувчилар мени кўриб, пастга ишора қилишган бўлсалар керак, зинапоя самолётдан бир-икки метрлар ажралганча тўхтаб қолди. Стюардессалар бўлишса эҳтимол, самолётнинг очиқ эшигидан бошларини чиқариб, мен томон қарайди. Менинг бу «югуриб» боришимда беш-ўн минутда самолёт олдига етиб боришим қийин, нафасим қайтиб, юрагим оғзимга келяпти. Шу пайт ёнимга юк ташиш аравачисини ҳайдаб қўналға ходими келиб тўхтади. «Камолиддиннинг иши бу», деган фикр миямдан ялт этиб ўтди. Яшасин, дўстлик! То самолёт ёнига етиб келгунимча зинапояни қайтариб самолёт эшигига тақашибди.

Менинг қолиб кетмаганимга кимлардир суюниб, хайрихоҳлик билдиришса, кимлардир гўё мен кечга қолган дақиқаларда Тошкент аэропортини яна туман қоплайдию, уча олмай қолишимиз мумкиндай энсалари қотганча хўмрайишяпти. Самолёт моторлари бирин-кетин ишга тушиб кетди.

Осмонга парвоз қилдик ҳамки, лекин одамларнинг кайфияти биринчи кунни Симферополь кўналгасидан кўтарилганимиздагидай эмас, ҳамма ўз хаёли билан банд. Чалачулпа қиртишланган иягимни қашиганча парвоз ичра парвоз эта бошладим хаёлларим қанотларида. Эҳ-ҳе, самолётдан чиқиб кетдим ломакон сари...

Кўзим ўнгида Хушвақт айтиб берган тожик қизининг гўзал рухсори, Гулининг дил тубларидан фарёд бўлиб чиққан Мафтунаю Юсуфбеклар, Абдувоситнинг Гулишодасию кейинги завжалари, икки кунгача бир-бирларига ёпишиб тикка турган Йигит билан Қиз. Хаёлларим тирқишидан поклик, вафо, муҳаббат деган тушунчалар ёпирилиб, алданиш, адашишларга гирифтор этган шайтони лаин билан курашадилар. Ёмонликлар яхшиликлардан енгилганлари билан, янги-янги ҳужумларга тишларини қайраб тайёрланади. Мен уларнинг қайта жанг майдонига киришларини истамайман ва покликни умр сардафтарининг сарлавҳаси этиб ёзиб қўйишни истаيمان.

Дарвоқе, покраву порсолик ҳамма замонларда ҳам ҳаётнинг беагини, умрнинг бош мазмунини ифодалаб келган. Шу хусусда ўтган аҳли дилнинг ҳаётлари ажиб ибратли ва ҳар гал эслаганда қалбимиз ҳаяжондан жунбушга келади. Восифий Навоий ҳазратларининг порсо, поклигини ўзгача бир муҳаббат билан таърифлайди. Султон Ҳусайн мирзо Навоийнинг поклиги хусусида шундай деган экан: «У дунёга келиб, ҳаёт хилъатини кийганларидан буён этакларига шаҳват чиркини теккизмаганлар, футувват ва жўмардлик ёқаси лаълин тугмасини хотинлар ҳавою ҳавасига тутқазмаганлар».

Билҳақ, Навоий ҳазратлари Оллоҳ таолонинг нуридан яралган набисифат алломадур... Лекин Восифий таърифи бўйича, ҳазратнинг тортишувларга мойил байтлариям бор, таҳлиliga тиш ўтмаган одам учун ниҳоятда қалтис туюлиши табиий. Қўшиқ қилиб айтиладиган машҳур «Фарёд»ни хаёлимдан кўп ўтказаман. Ва ажаб, машинадами, поезддами, самолётдами, қайда бўлмасин, ёлғизлик чоғларим шу қўшиқни сингсишдан чарчамайман. Унда шундай байт бор:

*Ониким элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.*

Наҳотки, ҳазрат Навоий, Восифий битганидин андак чекинмишлар? Айш, васл уйқуси, ишрат оғуши риёзат чекиб маҳшаргача уйқуларини тарк этганларидан бейик экан-да? Ахир, улуғларнинг айтмишларича, муҳаббатга етмоқнинг уч белгиси бор: *кўп тафаккур этмоқ; оз ухламоқ; кўп ёдламоқ.*

Ҳазрат Навоийнинг риёзат чекиб Оллоҳга етишишни ишрат уйқусидан паст қўяётгани Куръони каримдан олисроқ одамга қалтис ўхшатиш бўлиб кўринса не тонг.

*Чикорди шишаи май доғи бир соғар тўло қилди,
Ичиб тутди манго юз навъ лутф осо итоб айлаб,*

деган байти ила ҳазрат Худонинг меҳр-муҳаббатига гарқ бўлиб беҳуш бўлган одам мартабасини ўзининг оз ухлаб, тарки хоб этиб, кўп ёдлаганидан устун қўяди. Чунки ваҳбийлик насб этилган одамлар Оллоҳга етишадиган валломатлардур. Бундан чиқди ғазалу мухаммасларидаги ишрат воситаси васл уйқуси учун топилган топилдиқ экан-да...

Қушдек енглайдим. Осмону фалақда гуё самолёт ичида эмас, ўзим қанот чиқариб учиб бораётгандай, руҳониятимда баландлик пастлик қилаётгандай ҳолдан қувончим ичимга сиғмади. Самолёт хизматчисининг Тошкент аэропортига қўняпмиз, ҳавонинг ҳарорати... деган сўзлари қулоғимга жуда олисдан келгандай бўляпти, демак самолёт қўнсаям ҳали менинг парвозим давом этади...

Қўналғада кутувчиларнинг кайфияти бизгаям юқди. Гуё тўппа-тўғри Симферополдан келиб Тошкентга қўнгандай қувоняпмиз. Туман боис қайсидир қўналғаларда ҳаво очилишини кутиб ётган самолётлар Тошкент аэропортига қўняпти. Аэропортга одам сиғмайди. Дунё қанчалар кенг бўлмасин, барибир тигиз. Кўпдан бери кўрмаган одамнингни кўриб қоласан, бошинг осмонга етади.

Юкларимни олиб такси майдончасига чиқдим. Танишлигимизни биров сезиб қолишлигидан негадир ҳадиксираган Гули, эрининг «Жигули»сига ўтираётиб, хайр дегандай қўлларини билинар-билинемас кўтариб, боши узра сермади. Куёв Гули тасвирлагандан ҳам кўркам, баланд бўйли йигит экан. Самолётимиз балки курорт томонлардан келмаганида Гули мени эри билан таништириши мумкин эди. Истиҳола-одобнинг қалқони. Юраги тўла сир билан хайрлашаётган сингилжон, омон бўл.

— Нимага фаромуш бўлиб турибсиз, юкларингиз оғирми? Ёрдамлашиб юборайми?

Хушвақтнинг мулоим мулозаматидан ўзимга келдим.

— Йўқ, ташаккур, ўзим шундай.

— Қани, ака, уйга олиб кетай, — деди сертавозелик билан Хушвақт.

— Насиб қилса, янаги сафар. Уйдагиларни сўраб қўйинг. Хушвақт билан хайрлашиб улгурмай, жомадонларини кўтариб Абдувосит хотини Гулишода билан келди.

— Юринг, ака, қишлоққа олиб кетайлик, бир-икки кун яйраб қайтасиз. — Абдувосит нима дейсан қабилда хотинига қуш қараш қилди.

— Ҳа-да, телефон қиласиз, кеннойим ҳам келадилар. Кейин бирга ўйнаб қайтасизлар. — Гулишоданинг самимий оҳангида шарқнинг ифорли, оҳори тўкилмаган мулозамати, ҳар кимнинг ҳам кайфини шод этмай қўймайди.

— Раҳмат, Абдувосит! Раҳмат, синглим! Бахтли бўлинглар, илойим қўша қаринглар. Насиб қилса, бориб қолармиз. Иложини топиб ўзларинг келинг бизникига.

Бир-икки кун ичида қадрдонлашиб қолган одамларнинг меҳрибончиликларидан бошим осмон бўлиб турибман. Ҳамманинг ҳавасини келтириб икки кун мабойнида кучоқлашиб турган Йигит билан Қизга кўзим тушди-ю, сесканиб кетдим. Улар худди бир-бирларини умрида кўрмагандай, ҳар қайси ўз йўлига кетяпти, беихтиёр ёқамни ушладим. Қизни кутиб олган йигит — эри бўлса керак, кўп ҳам ялтоқланмади, аксинча, Қиз уни ялаб-юлқади. Аёл, энди уни Қиз дейишга тилим бормади, машинадан тушиб ойиси бағрига отилган қизалоғини маҳкам очомлаганча бу дунёда шу эрию қизидан бўлак мулким йўқ деяётгандай бошини сарак-сарак қилиб кулади.

Аммо ҳозир бу аёлнинг асл моҳияти, мазмуни бежирим қиёфасию сохта назокатли ҳаракатларида эмас, оч, айёр кўзларида чақнаб турарди. У шу сўзлар билан ҳеч кимга билдирмайгина атрофга аланглайди — Йигитни излайди. Содда эри эса қизалоқини унинг қўлидан олди. Хайрият, билар экан, дедим ўзимга ўзим. Кўзига чўп солдирадиган йигитга ўхшамайди.

— Йўл бўлсин? — таниқли ҳофиз Шариф Султонов менга қараб кулимсираб келяпти. — Худога шукр! Кўзларимни ойдинликка бурган, эй, азиз биродарим, ёшликдан меҳр қўйган дўстим, бормисиз?! — Индамай, жилмайганча кучоқларимни очдим. Ҳол-аҳволни сўрашгач, у яна ўша саволини қайтарди. — Йўл бўлсин?

— Ҳозир тушдим самолётдан. Насиб қилса, энди невараларни олдига бориб, қўш ташлаймиз. Юринг!

— Сиз у гапни қўйинг. Машина тайёр, жомадонларни уйингизга ташлаб, Баҳромбойни ҳам олиб, уйга кетамиз, гап бор! — Бошимни «йўқ» дея қимирлатга-

нимни кўриб, Шарифбой ака яна ҳам пухталади. — Ундай қилманг, бошингизни «йўқ» даб ирғаманг, хўп данг, бормасангиз бўлмийди. Аввалги келганингиздаям бормай кетдингиз.

Мен уни бир оз чалгитиш учун сўрадим:

— Сўраганинг айби йўқ, ўзингиз нима қилиб юрибсиз қўналғада?

— Қаерда, қаерда?

— Қўналғада, аэропортда, — дедим қўналғани тушунтириб.

Шарифбой ака ҳеч кимникига ўхшамаган, ўзига хос жилмайиши билан:

— Шунинг учун сизни яхши кўрамиз-дон, мавлоно! — деди. — Ажаб топибсиз-а. Аэропорт — қўналға! — У сал тўхтаб, қўшиб қўйди: — Мендан ҳол сўрасангиз, Урганчдан туриб туришим. Кечадан бери учолмай ётган самолёт мен қўналғага келишим билан қанот боғлади-ёв! Учиб келабердик. Ҳозир тўғри уйга кетамиз, нима қилгандаям биз Тошкентда яшаймиз, сиз меҳмонсиз. Шу айтганим, юрасиз!

— Бу сафар мени маъзур тутинг. Икки кун туман деб Нукусда ётдик. Ҳозир келдик биз ҳам. Уйга бориб бир ювиниб, ўзимга келай. Иложи бўлса, эртага учиб кетаман. Курортда эдик. Бир ой чамаси бўлди уйдан чиқиб кетганимизга, Раҳмат, бу сафар менга тегманг.

— Хабарим бор, Раънобиби билан дам олишда экансизлар. Бугун бир тонг отар отамлашиб ётардик. Акани (бастакар Султон Ҳайитбоев), Ўринбой акани (машҳур мақомчи Ўринбой Отажонов) олдирамиз, Отамуродни (хонанда) йўл-йўлакай олиб ўтиб кетамиз.

— Сиз ҳам бир сафар хўп денг, менга бугун рухсат қилинг, тегманг, — деб ялиниб илтижо қилдим.

— Ҳа, майли, дўстим, бормасангиз, майли, нияям дейман, лекин кўп вақтдан бери сиздан бир нарсани сўрамоқчи бўлиб юрибман, — чиройли жилмайганча давом қилди Шарифбой ака, — шу «Фарёд»нинг охириги байтидаги «Навоий ётарми, нетарми?»

Во ажаб! Осмондаям шу газал тафсири, Нукусдан Тошкентга кела-келгунча шу ҳақда ўйлаганимни Шарифбой ака қаёқдан ҳам биледи? Бу не, тасодифми, ё кароматми?

Ҳофизларнинг чалғишларича бор. Пиримиз Алишер Навоийнинг шу байтини фақат хонандалар эмас, адабиётимиз бешигини тебратган шоирлар ҳам турлича талқин қилишган.

Мунис Хоразмий Ҳазратнинг ушбу газалига боғлаган мухаммасида шундай ёзади:

*Бўлуб Мунис муяссар ёр ила бир ерда ўлтурмоқ,
Навозишлар кўруб комин топиб ҳар лаҳза афзунроқ,
Ичиб соғар аёқиға тушуб ул навъким туфроқ,
Ониким элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.*

Мавлоно Огаҳий эса бундай ёзади:

*На хуштур Огаҳий ишрат тунида ёр ила бўлмоқ,
Қулидин нўш этиб ҳар дам тараб жомини афзунроқ,
Бўлуб сармаст аёқиға йиқилмоқ ўйлаким туфроқ,
Ониким элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.*

Улар «Навоийдек нетар» деб ёзадилар. Бироқ, Аваз Утар ўзининг мухаммасида ҳамда Фафур Фулом «Алишер Навоий қабри устида» шеърисида ҳазратнинг сатрини «ётар» деб келтирадилар:

*Ватан осмонида нурга тўла офтобни, юлдузни,
Буюк иқболни ижод айлаган мингларча гул юзни,
Қоронғи шомни йўқ доим мунаввар бахтли кундузни,
Жамолини кўришга бир умрлар юммайин кўзни
Навоийдек ётар то рўзи маҳшар тарки хоб айлаб.*

Бу ерда гап ўша пайтдаги матншуносликдаги айрим қусурлар, хонандаларнинг сўзларни бузиб талаффуз қилишлари устида боряпти. Мана, ҳофизимиз Шариф ака Султонов «ётар»ми, «нетар»ми деб сўраётган экан, албатта қай бир баҳсда қатнашган, балки дакки ҳам еган.

Инсон руҳиятининг бу сирли оламидаги тилсимлар хаёлимизда кўп-кўп такрорланиб турар, лекин биз бунга эътибор беравермаймиз. Мана, Шариф ака билан икковимизнинг фикримиз бир ердан чиқди. Нима бўлгандаям ижод аҳлининг ўю ташвишлари муштарак, дардлари ҳамоҳанг.

Ўйланиб қолганимдан Шариф аканинг юзи ёришди. Қўлимдан бир жомадонни олди. Мен индамай орқасидан эргашдим. Тонг отар суҳбат бўлса, ажаб эмас...



ИККИНЧИ ТУН





*Дема, ҳижрон тунӣ ҳар дам етар ул ойға фарёдинг,
Ул ой фарёдинга етмас, Навоӣ не фиғондур бу...*

Алишер Навоӣ

Биринчи боб

1

Маслакдошлар қачон ва қаерда йиғилишидан қатъи назар, табиийки, ҳамиша дилкаш суҳбат қурилади. Негаки, бу йиғинларда синашта савол-жавоблар бўлиб, айтилган фикр-мулоҳазалар тагидан кир қидирилмайди. Бир сўз билан айтганда, кўнгиллар яйраб, ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқ ортиб бораверади. Гоҳи бир-бирига уланиб кетадиган ҳазил-мутойибалар киши қалбини губордан тозалайди.

Бу оқшом суҳбатимиз сал бошқачароқ тус олди. Ҳамиша гапнинг лўндасини айтадиган Султон ака томбошига чиқиб, ўзини юлдузлар қаторида санайдиган, хоразмча айтганда — дикма (кеккайган) одамлар ҳақида сўз очди:

— Яқингинада «устоз-устоз»лаб, соямга салом бериб юрган шогирдлардан бирини қўллаб-қувватлаб, мансабга миндирдик. Ҳафта ўтмай, у мени хузурига чақириб насиҳат қила бошлади. Жуда қизиқ бўларкан...

Қатор романлар муаллифи, камтарин дўстимиз Мурод Мансур мийиғида кулиб акага тасалли берган бўлди:

— Ахир, замоннинг хассос шоири, ўзимнинг санъатимга сўнг ўзим ҳайратда лол бўлсам, деб бежиз айтмаган. Ҳозир надомат билан гап қилиб ўтирганимиз зоти номаълумларни ўзимиз яратамизу ҳайратда лол бўлиб юраверамиз.

— Русларда бир мақол бор, — деди Акбар Муроджоннинг сўзини тасдиқлаб, — мунофиқ одам ҳеч вақт навбатнинг охирига тушмайди. Бугун ақл ўргатган бўлса, эртага дўқ ва дашномга ўтади. Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ деганларидек, уларнинг қилиқлари бисёр, тилёғла-малик, лаганбардорлик, уҳ...

— Пиримиз Навоий, — дедим Акбарга қараб, — хушомадгўй, лаганбардорнинг тили кесилса, дейди. Кейин тил кесилиши билан иш битмаслигини ҳис қилибми, нафаси тутилса, деб қўшиб қўяди.

Муроджон ўзига ярашиқ хос жилмайиб:

— Афсус, бундайларни ўзимиз яратамиз, — деб яна таъкидлади.

Ўтирганлар бир зум ўйга чўмди. Бу сўзларни ҳар ким ўзича мушоҳада этмоқда эди.

Дарҳақиқат, камина боис Шариф аканинг хонадонига йиғилишган бу оқшомги ўлтиришимиздаги даврадошлар бири-биридан зукко, бири-биридан одамшаванда, гурунгчи, нафис лутфли, нозиктаъб дўстлар эди. Ўнлаб спектаклларга мусиқа ёзган ажойиб санъаткор Султон Ҳайит-

боевни ҳаммамиз «ака» деймиз; йигирмадан зиёд драматик асарлар муаллифи, театршунос олим Ҳайитмат Расул, юқорида айтганим Мурод Мансур унинг синфдоши, каминанинг курсдоши Акбар Мақсудов, машҳур ҳофиз Ҷуринбой Отажонов, таниқли артистлар Отамурод Бекжонов ва мезбонлик қилаётган Шариф Султоновлардан иборат давра эди.

Суҳбатимиз дўсту душманлик, ғаразу бемехрлик, ишқу вафо ва асосан, созу сўзнинг қадр-қиммати ҳақида бўлгач, нафақат бир оқшомга, балки кўшиқда куйланадигандай, «тўққиз оқшомгача тонглар отмагай» қабалида адо бўладиганмас, негаким, фикр уйғунлиги, мушоҳада муштараклиги, тийнат тажассумлари ҳукмрон давралар, айниқси, ўзига хос тароватли бўладиким, ундайин хушжозиб, кўнгилочар мусоҳабалар оғушидан чиққинг келмайди, улар эса ниҳоятда кам. Ҳатто баъзи шоирлар даврасидаги суҳбатларнинг ғализлиги, майда фисқ-фасодлар ўралашган мубҳамликлар гашингга тегади ва қадим устозларимиз тасвирлаб кетган давралар, улардаги нафис мусоҳабаларни, мушоираларни қўмсаб қоласан, ҳозиргидай беписандлик билан тил учида ўқиладиган айрим назмпазларнинг шеърларидан безий бошлайсан ва яна хаёл мозийга етаклайди, кўҳна Ҳирот, Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон адабий муҳитларини ширингина хотирлайсан.

Ҳазрат Алишер Навоий замонида шеърятга ихлосмандлик шу даражага етганким, баъзан ақл бовар қилмайди. Ҳазрат «Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад» асарида шундай ибратормуз ва бугунги кунда тасаввур қилиш қийин бир воқеани қаламга олади. Яъни, Паҳлавон Муҳаммад Алишербек Машҳадда хасталиғ чоғида, унинг елкасини уқалётиб, ёнида очиқ ётган, ҳали оққа кўчирилмаган —

*Ҳар қаён боқсам, юзумга ул қуёшдин нур эрур,
Ҳар сори қилсам назар, ул ой манга манзур эрур,*

дея бошланувчи етти байтлик ғазалига бир бора кўз югуртириб, ёд олади ва Навоийдан гап орасида:

— Дерларким, сен бу кун туркча шеърни яхши айтурсан ва туркча назм айтур элдин эшитдимки, бори буни тан олур экан. Бизнинг бир саволимиз бор, яъниким, бизнинг замонимизда туркигўй шоирлардан қайси бири яхшироқ айтмиш ва сен кимни ёқтиурсан? — деб сўрайди.

Навоий ҳеч иккиланмасдан:

— Лутфий ҳазратлари, — дейди.

— Нечун Сайид Насимий демаринг? — дея сўрайди Паҳлавон.

— Хотирамға келмабдур.

Ҳазратнинг соддагина жавобидан кейин Паҳлавон Муҳаммад Насимийни мақтаб, ҳалигина ёд олган Навоий ғазалини матлаъдан бошлаб қироат билан ўқийди-да, охириги байтида атайлаб «Навоий» исмини «Насимий» билан алмаштиради:

*Ғар Насимий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,
Йўқ ажаб, невчунки хом этган киши ранжур эрур.*

Аслиятда эса бундай эди:

*Ғар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,
Йўқ ажаб, невчунки хом этган киши ранжур эрур.*

Табиийки, Навоий, ҳали оққа кўчирилмаган, ҳеч кимга ўқиб бермаган ғазалини меники дея олмайди; таажжубланиб ёқасини ушлашдан бошқа иложи қолмайди. Сўнгра у Паҳлавон Муҳаммаддан аста сўрайди:

— Бу ғазални қачон ёд қилиб тутуб эрдинг?

Паҳлавон Муҳаммад ҳеч нима сездирмай жавоб беради:

— Ўн икки йил бўлғай, Абулқосим Бобур Мирзонинг мажлисида бу шеър ўқилиб эрди, битиб олиб, ёд тутибмен.

Паҳлавон Муҳаммад токим тўғриси айтмагунча Навоийнинг бўлари бўлганлигини биз бугун яхши биламиз. Паҳлавон Муҳаммаднинг қуввайи ҳофизасига таҳсинлар ўқимай бўладими? Унинг бир байтига Хусайн Бойқаро 1000 тилло (бир тиллонинг «доллар»га нисбатини ўзингиз аниқлаб олаверинг) мукофот бергани ҳам бежиз эмас. Жуда топиб айтган-да, ўзиям:

Ғуфтамаш: «Дар олами ишқи ту қорам бо ғам аст».

Ғуфт хандон зери лаб: «Ғам нест, кори олам аст».

(Мен унга дедим: «Сенинг ишқинг оламида ишим ғам чекишдур». Мийиғида кулиб дедики: «Бу ғам эмас, олам ишидур».)

Наинким мусиқа чалишда, балки мусиқа назарияси илмида ҳам беназир, забардаст Паҳлавоннинг бу байти энг олий мукофотга лойиқдур!..

Ҳар замона бир замон деб шуни айтадилар-да, электр, телефон, телевизор йўқ замонлардаги одамлар табиати билан ҳозирги тезоб даврдаги турмуш тарзимизни таққослашга журъатинг етмай қолади. Ҳатто куй-қўшиқларни айтиш ва эшитиш даражасидаги тезоблик, ритмга нима

дейсиз. Олтмишинчи йилларнинг бошларида машхур ҳофиз Ҳожихон ака Болтаев: «Суворийлар»ни сал юритиб айтмоққа қарадик», дегувчи эди. Бу гап қирқ йиллар муқаддам айтилган. Ушанда Ҳожихон ака худди кечирим сўрагандай бўлганди; ушанда замонанинг забардаст дуторий қўшиқчиси Нурмамат ака Болтаев бундай изоҳ берган эди:

— Отажон ака, Санъат Девоновнинг отаси — жилли Девон, танбурга уста одам эди, раҳматлик. Хон кўрган созанда-дон, сира шошилмасди. Биз ёшлар, қўшиқларнинг чертимларида усулдан чиқмай, уни ҳайратга солиб, дуторни, доирани рез билан чириллатиб чалсак, у киши ўзининг бир зайл салдомли чалишини бузмай ҳар биримизга аввалига гуноҳқорона, менинг борим шу қабилида бир-бир қарайди, сўнг айланиб яна танбурга эргашсак, энди кўзлари хонасидан чиққудай бўлиб, «Навало қистанасизлар? Барибир тушаркансанлар-у, эй тирмизак, ҳалол-зодалар, қистанмин чалсангизлар ўласизларми!», деб койигувчи эди. Поҳ, бир ажойиб замонлар бўлган экан-ов...

Ўша вақтда биз ёшлар Нурмамат аканинг бу сўзлари маънисини унчалик ҳам тушунолмасдик. Бу не, андуҳми ё норозиликми? У кишининг дутор чалиш услуби барчамизни лол қолдирар, унинг хоразмча услубий дастидан, шошиб эшилаётган торларнинг ўзига хос маҳобатли гумбурловчи оҳангларида одам ўзини ўнглай олмай қоларди. Бунинг нимаси тезоб дегандай, у кишига эътироз ҳам билдирар эдик.

Юқорида айтилганидек, шу гапларга ҳали ярим аср ҳам бўлгани йўқ. Лекин бугунги кунда ҳатто биз — ўша замон созларига қулоқ қонди бўлганлар ҳам тўй-ҳашамларда балки бизни эшитсин дебми, қай бир ёши ўтинқи-раган созандалар оғирроқ қўшиқ хониш этса, хонанданинг ўти пастроқ эканми, дегандай бир-биримизга нигоҳ ташлаймиз, яна ҳозирги ёшлардан андак хафа бўлишимиз ҳам йўқ эмас...

Бирдан давра жимиб қолгандай бўлди. Хаёлдан бўшаб, суҳбатга қулоқ тутаётгандай ён-веримга зимдан разм солсам, гўё менинг фикрларимни давом эттираётгандай Отамурод ака саҳнада рол ижро этаётгандай, дард билан гурунг беряпти:

— Тўю маъракаларда ўлтиришимиз тарзи ҳам худди шундай. Ўлтирганимиздан турганимиз тез. Ҳар беш-ўн дақиқада билакдаги соатларга қарашлар, бўлар, кетамизми дея бир-бировга имлашлар бугунги куннинг яшаш тарзими ё одамларнинг феъл-атворидаги давр югуриклигига мослашувми? Нима, одамлар даврни югуртиряптими, ёким давр одамларними? Ахир техникани яратувчи ким? Ол-

лоҳнинг қудрати билан бўладиган бўлса, Яратганнинг но-зил этмиш оятлари ва эътиқоду иймон тушунчалари бу-гунги кунда ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ тарғибу ташвиқ этиляпти, масжидларда жамоа бўлиб намоз ўқиш-лар, рўза тутишлар, ҳажга боришлар, панду насихат бо-бидаги ҳикматларга бой суҳбатлар, телекўрсатувлар, ра-диоэшиттиришлар бисёрдан-бисёр. Хўш, шундай экан, нега одамлар табиатида бунча шошқалоқлик, бунча те-зоблик?

Отамурод аканинг шу айтган сўзлари асносида икки аллома ҳаётига доир нақлни ажиб бир энтикиш билан эсладим.

Нақл

Муҳаммад Муслим билан Юсуф Ҳаёт Термизий бир жойда меҳмондорчиликда эди. Мезбон бир иш билан маш-ғул бўлганида Муҳаммад Муслим:

— Тез бўлки, бир ишим бор, кетайлик, уйга бори-шим керак, — дейди.

Ҳолбуки, у зот зоҳид ва обид — кўп парҳезкор ва кўп ибодатлик киши эди, кўнгли дардига тааллуқли эди. Шунда Юсуф Ҳаёт айтдики:

— Оллоҳ таоло олдинга келтирган ишдан ҳам кўра сенга бошқа қандай иш бор? Яна ўша уйга қайтиб бориш нияти билан уйингдан чиқдингми? Ўттиз йилдирки, мен ҳаргиз уйга қайтиб бориш нияти билан уйдан чиқмай-ман!..

Абу Бакр Варроқ айтдиларки, «Юсуф Ҳаётнинг бу икки сўзи Муҳаммад Муслимнинг юз йиллик ибодатидан яхшидур».

Даврадагилар бу нақлни ўта ихлос билан тинглагани-данми, ўзимнинг ҳам сал завқим келдими, зарурат бўлма-са-да, шу оҳанг йўсинида баҳоли қудрат шарҳини гурунг этдим:

— Бу нақлнинг маъноси бағоят юксак, биринчидан, иймон камолики, сабр натижасидир. Бунда Оллоҳнинг тақдирига улуғ ишонч билан қаралмоқда. Зеро, инсон қачон ва қаерда ўлишини билмайди. Иккинчидан, тавак-кулнинг том, бутун эканлигики, Оллоҳ учун уйдан чиқ-қанлик билдирилмоқда. Учунчидан, орифлар суҳбатики, бу ўринда ундан чекиниб бўлмайди, бундай валийлар суҳбатини қайтиб топиш осонмас. Тўртинчидан, мақсад-нинг улуғлигики, Оллоҳ йўлида ўлиш нияти билан уйдан чиқилади. Валлоҳу аълам... Икки оғиз калима юз йиллик ибодатдан яхши бўлгач, бас, у сўз улуғ орифона ҳикмат-дир...

— Вой-буй! — деди ички бир ҳазинлик билан анча сукунатдан кейин Шариф ака. — На деган гап бу! На деган маъно!

— Отам олсин бизларни! — Отамурод аканинг ҳамшаги сўз боғловчиси шундай эди. — Билагимиздаги сотимизга ишонмай, ёнимиздагилардан сўраймиз, шошилиш ҳам гапми, пулимётни ўқидинмиз, нера қистанамиз, билмийман ҳосили...

— Яхши, — дедим сал тин олиб, — энди бу эшитганингизни ақлли нақл экан, деб қўяверасизми ё шунга амал қилишга бел боғлайсизми?

Менинг бу гапларим фақат Отамурод акага тааллуқли эмаслиги, наинки даврадагиларга, балки, жамики одамзодга тегишли эканини қўзлабми Ҳайитмат ака аста бошини кўтариб менга юзланди:

— Шошилиш, тезоблик гирдоби тортиб кетишига шубҳа йўқ. Кўпчилигимиз, иккита машина тўқнашувидаги аварияни кўриб, нега булар бунча шошилишади-я, дея бошини чайқай-чайқай астагина четлаб ўтиб, сал нарироққа боргач, машинаси тезлигини юзга чиқариб, газни босадиган ҳайдовчига ўхшаймиз, дўстлар.

— Саъдий Шерозий, — деди анчадан бери жим ўтирган Акбар бошини хиёл Отамурод ака томон буриб, — бир юз уч йил яшаган дейдилар, шу киши: «Туғилдиму бозорга бордим, кафанлик олдиму мозорга бордим», деган эканлар...

— Ина бу гапа на дейсиз, ака?!

Шариф аканинг мурожаатидан сўнг ҳаммамиз беихтиёр Султонбой аканинг оғзига тикилдик.

Султонбой ака ялт этиб Шариф акага қаради-да, ҳамшаги илинжини рўкач қилиб, бир оғиз сўз қотди:

— Тобутни эшикни олдина олиб гал-а! Ҳа-а?! Бу на матом, ака? Санга ина шундин гаплар бўлиб турса, чиким оз бўлади-дон!

Барчамиз аканинг гапини қувватлаган бўлиб, Шариф аканинг устига тушиб кетдик:

— Дим-а, жанозага галгандин бўлдик-ку!

— Чойлар совиб қолди, бир иссиқ чой олиб келишни билмайди-я!

— Шариф аканинг ўзиям меҳмондаман деб ўтирган бўлса керак.

Мурод Мансурнинг шу сўзини эшитибок Отамурод ака Ҳожихон аканинг ўз уйидаги меҳмондорчилигини сўзлаб барчамизни яна баттар кулгига тортди.

— Уста (Ҳожихон ака) бир куни бизни уйига меҳмонга таклиф қилди. Очилишиб-яйраб ўтирдик. Устанинг ҳам қўли очилди, дастурхонда ҳамма нарса пироб. Бай-

бай, кулишдик-ов, ҳазил-ҳузул ҳам дуд палак. Кулавариб кўзларимизда ёш қолмади.

Шариф ака бурнини сал жийириб, жилмайганча Отамурад акага луқма ташлади:

— Устанинг ҳазиллариданми?

— Ўтирсанг-а, Шарифбой, нердаий манглайи қаро гапларни кавлийсан! — Отамурад ака дўстининг шаъмасига жавобан кўзларини анойи ўйнатиб қўйди. Биз ўтирганлар бунга, албатта тушундик, чунки Ҳожихон аканинг шогирдларига қилган турли ҳазилларидан анча-мунча бохабармиз. Шу гап баҳона бўлдию энди даврада Отамурад акага қарши кинояли «ҳужум» бошланди.

— Сизнинг ёш вақтингиз, устанинг йигит вақти...

— Отамураднинг ҳам овози шундан ширали...

Отамурад ака Ҳожихон ака билан боғлиқ бўлган меҳмондорчиликка яқун ясаш билан ўзига отилаётган «ҳазил» тошларига чап бермоқчи бўлдими, кулимсираганича қўлларини кўтариб, овозини баландлатди:

— Сизлар на дасангизлар данг-у, аммо-лекин, зўр ўтиришма бўлган эди. Меҳмондорчиликдан кетар чоғимиз уста ҳам кийина бошладилар: «Ҳа, сиз нера?», деганимизга, «Гетадўвин бўлдикми, ахир?», дея эшикка қараб юрдилар. «Бизлар-ку, меҳмондамиз, сиз нера борасиз?» Устанинг хатти-ҳаракатларига унчалик тушунмай яна сўрадик. Шундагина уста ўзининг уйидалигини ангшириб: «Иби, ростданам, нера бораман», деб ечина бошлади... — Отамурад ака Шариф аканинг юқоридаги шаъмасидан ранжиш ўрнига, аксинча, роҳатлангандай кулимсираб, дашном этди: — Сан бўлсанг, нердаги фисқ-фасодларни кўзғийсан. Уста ажойиб одам эдилар раҳматлик, жойлари жаннатда бўлсин.

— Илойим, — деди Шариф ака, бироқ Ҳожихон ака «масаласи»ни шу билан тугатгиси келмади чоғи, бошқа қалгис ҳазили билан антиқа кулгисидан ер титрайдиган, бугунги кунда ўзи ҳам машҳур мақомчи, Ҳожихон аканинг энг яқин шогирдларидан бири Ўринбой акани нишонга олди: — Отамурад, кўп чиранманг, уста деган йиғлатади, кулдиради...

Тавба, худди келишилгандай, Мураддон билан Акбардан бошқа баримиз кулги аралаш Ўринбой акага қарадик. У киши созандалар ичида, сози билан ҳам, овози билан ҳам, дастурхони билан ҳам, борингки, ҳозиржавоблиги билан ҳам бир паҳса баланд эди. Лекин ҳозир давра қизиган, ҳазил-мутойиба авжида бўлгани боис кулгига кулги билан жавоб берди:

— Биз шогирдлар ичинда устага торат (тахорат) суви қиздириб бермаган бир акади-дон!..

Бу янглиғ қалтис ҳазилларга сал тоқатсизроқ Султон ака Ўринбой аканинг сўзидан энсаси қотибми, унга дашном қилди:

— Уялмайсанми, Ўринбой, устани устиннанам куладиларми?

Шариф ака Аканинг жиғига тегиш учунми ёхуд унинг сўзини маъқуллаш учунми, чойни янгилаб келиш баҳонасида қўлига бўш чойнакни олиб ўрнидан тураркан, анқовлаганча:

— Ака, Ўринбой акам уялгани учун ҳам Назира Юсуповага уйланган-дон! — деди.

Шариф ака биздан бошқанинг ангшириши қийин бўлган хоразмча ҳазилларга тушунмай зерикиб қолмасинлар, дея Муроджон билан Акбар учун атайлаб Назира опанинг фамилиясини қўшиб айтди.

Ҳожихон аканинг суюкли шогирди, унинг устига бирмунча давр ёстикдоши ҳам бўлган мушхур хонанда «Феруз»у «Фарёд»ларни худди Берта Давидова «Муножот»ни беқайтариқ ижро этганидай, баланд пардага кўтариб қўйган Назира Юсуповани сўнгроқларда Ўринбой ака хотинликка олгани рост эди. Ҳалиям хонаки ҳазиллар маънисига унчалик тушунмай, биз билан барабар кулишиб ўтирган Муроджонлар «ростданми, ё буям ҳазилми», дегандай ялт этиб Ўринбой акага қарашди.

Ўринбой ака Тошкентда яшаб, марказнинг кўп нонтузини еган, турфа давраларда, кўп аскияларда қатнашган зукко санъаткор бўлганидан Акбарлар имосига усталик билан қилган ишорасидан «ҳа, салгина ростлиги ҳам йўқ эмас» ёки «э, булар гапираверадилар» маъносини ҳам уқиш мумкин эди.

— Устага шогирд тушмаганингизга армон қиляпсизми?

Сўз ўйинларимизга тушунибми, тушунмай Акбарнинг Шариф акага қарата айтган ўзига яраша бу ҳазили қайси томонидан келишингиздан қатъи назар аччиқ ҳақиқат эди. Негаким, Ҳожихон ака услубидаги қўшиқчилик мактабининг бугунги кундаги нуфузи ҳар қачонгидан баланд, кўп юқорилаб кетди.

— Ина бу гапингиз ҳақ, — дея Отамурод ака Акбарга юзланди. — Акбаржон, Машраб айтганидек, бир нукта билан олам маънисини мухтасар қилдингиз.

— Қўлларингизни ювдирсинларми, ё ҳалиги ювганларингиз бўлами? — Шариф ака Отамурод аканинг бу янглиғ қилган аччиқ хулосасидан аниқ бир муносабатини сездирмаса-да, ўлтириш аҳли мезбоннинг ботиний тугёнини унинг сўз оҳангидан сезди.

— Овқатингни бермоқчимисан? Шундин атсанг-а, до-

моқ ўлдиқ-қу! Ални на, ўн марта ювамилар, ҳали киришдаги ювганимиз бўлади.

Аканинг болалардай беғубор жавоби даврага тушган бир сониялик ҳазин сокинликни сайри сарбасар қилди...

2

Ажабким, дилтортар суҳбатлар шайдоси каминага Оллои таолонинг инояти ила бот-бот юқоридагидай бамаъни давралар тўғри келиб, неларнидир ўрганаман, нелардандир баҳра оламан. Шундайин фазли фарзона мусохабадан олган таассуротимни хотирлашимнинг ўзи мени бу тун азобларидан жиндак бўлсаям фориг этишидан суюниб кетдим. Дийдирашдан тани-баданимга ийнаётган қалтиратма ўрнига ўша давранинг беқайтариқ иссиқ тафти жонимга оро кириб, хаёлимни ўз комига торта бошлади.

Ўша оқшом ҳам ёмғир бу тундагидек қуюқ қоронғиликни шиддат билан беаёв саваларди. Тўғриси айтсам, ўша оқшом ҳеч қаерга бормай неваралар билан ҳузурланиб ўтирмоқчи эдим. Тақдири насиб, бировнинг ризқини биров еяолмайди деганлари дуруст экан, Қадрдон дўстим ҳофиз Маҳмуджон Тожибоев бир пиёла чой устида суҳбатлашишни, дўстлари билан мени таништиришни лозим кўрдими, ишқилиб, қўярда-қўймай мени даврасига олиб кетди.

Йўлда бора-боргунимизча Маҳмуджон даврада кимлар бўлиши, аниқроғи, суҳбат иштиёқмандлари тўғрисида жиндай-жиндай қистириб:

— Комилжон ака, қисилманг (хоразмчалаб «қисинманг» демоқчи), сал зериксангиз битта ишорангиз билан икковимиз турамиз-у, мана, сал шалақ-шулуқ бўлсаям, Худога шуқр, улов бор, дарров уйингизга элтиб қўяман, — деди.

— Қани, бораверайлик-чи, бир гап бўлар, қисинаверманг, — дедим уни тинчлантириб.

«Волга»нинг олд ойнаси тозалагичлари ёмғир селини бошқариш уёқда турсин, бир меъёрда ишлашга ҳам ожизлик қиляпти. Шундай оқшомда мени меҳмонга таклиф қилганларгаям қойилман, дейман ичимда. Йўл ҳам хийла олис экан, балки ёмғирнинг челақлаб қўйиши боис машина ҳаракатининг сустлигидан шундай туюлаётгандир. Тошкент катта шаҳар, бирор соатларда етиб келдик.

Дастурхонга фотиҳа қилинганча, Маҳмуджон мени таништириш меъёрини ошириб юбормасин деган андиша билан ўртадаги жиндайин табиий хижолатпазликдан фориг бўлиш учун суҳбатни аста Маҳмуджоннинг Хоразм созандачилигига ихлоси, унинг мақомчиликдаги юксак

иқтидори, одамохунлиги, энг асосийси-саводли ҳофизлиги тўғрисида гапириб, уларнинг устози машҳур ҳофиз Ориф Алимахсумовнинг Хоразмга ташрифи чоғидаги бир суҳбатини завқланиб ҳикоя қила бошладим.

— Бизда Хонқа деган туман бор, маркази Урганчга яқин, ажойиб ҳофизлар юрти. Маҳмуджон жуда катта ифтихор билан ардоқлайдиган Ҳожихон ака Болтаев, ҳофизаси баланд Ўринбой Огажонов туғилган маскан. Қолаверса, қўшиқ эшитиш санъати, мен кафиллик бериб айтишим мумкин, ҳеч қаерда хонқалиқлардагидай эмас, ана шу жойдан устоз Орифхон ака ва Ўринбой акалар билан бирга машинада қайтишимизда, манзилимиз яқин бўлишига қарамай, мен у кишидан «Насри уззол»ни пастгина овозда бўлсаям, бизнинг таъбир билан айтганда, сингсиб беришларини илтимос қилдим. Мени ҳайратга солган нарса у кишининг жавоблари бўлди:

— Кимдан ўқийин?

Во ажаб, бундай саволни биринчи эшитишимдан ҳаяжонланиб кетдим, чунки мен «Насри уззол»ни ҳазрат Навоийнинг «Юзида май гули, ё гул...» дея бошланувчи газалидан бошқасини эшитиб кўрган эмасман ва «Кимдан ўқийин?» деганларида, демак қўшиқни айтишдан ҳам кўра, ўқиш тўғри экан-да; билҳақ, «хонед»-ўқинг, дегани-да, айтинг эса-«гўед». «Гўянда», «хонанда» дея тўғри тафсифламоқ лозимлигини четлаб ўтганимдан бирров хижолатландим. Нима, Огаҳийдан ё бошқа шоирлардан ҳам биласизми, дейиш ўрнига мамнунлик билан:

— Ихтиёрингиз, — дедим.

— Майли, сизга кўпроқ таниш Навоийдан бўла қолсин, — дедилар-да, мен айтгандай паст овозда эмас, катта саҳнада ижро этаётгандай берилиб ўқидилар.

Ҳали таниш бўлмаган даврада суҳбатнинг бу янглиғ бошланиши менинг назаримда мусоҳаба тингламоқчи бўлганимиз соз даражасидек баланд бўлишидан далолат эди.

Суҳбат аста-аста қизиб, «танишув» ўн уч ёшида қорин Қуръон бўлган, йигирма икки ёшларида Мисрда таълимини тугаллаб, ҳозирда айни навқирон йигитлик кучига минган Файбулло қоридан бошланди.

— Биласиз, тақсир, дарвоқе, «тақсир» дегани қусур дегани, негадир бизда улуғлик маъносида, «мавлоно» дегандай ҳурматлилиқ лафзини билдиради. Аслида, илгарилари «тақсири ба шумо» дейилган экан, яъниким, гапирётган одамга фикрингиз олдида ожизман, қусурлиман, яна бир такрорланг ёхуд маънисини тушунтириб ўтсангиз, дея мурожаат қилинган. Майли, энди уни бутунги кунга кириб келган истеъмолидан қайтариб бўлмайди. Ундай иборалар тикилиб ётибди.

— Дуруст дедингиз, — деди Ғайбуллохон, — яхши эътибор этган экансиз. Кўпчилик бунни фарқига бормайдди.

— Энди, яна бир қизиқ нарса, балки ғаройиб мулоҳаза. Ҳали ўтирганимизда илк фотиҳага ҳар ким ҳар хил қўл кўтарди. — Ҳаммалари ялт менга қаради. Фотиҳага қўл очиб, аста давом қилдим. — Раҳматлик Авазёз бобом фотиҳа ўқиганларида иккала кафтларини бир-бирига маҳкам теккизиб, бармоқларини хиёл ичкарига эгувчи эдилар ва бизларга ҳар сафар танбеҳ бериб, «Кафтларингиз орасидан ризқ тўкилмасин, бир-бирига маҳкам теккизинглар» дерди. Биз болалар ҳам бобомиз айтганини ихлос билан бажо келтирардик. — Кафтларни бир-бирига теккизиб кўрсатдим. — Мана шундай қилиб фотиҳа ўқишга ўрганганмиз. — Ўртага хушмавзун сокинлик тушди. Мен эса, фикримни ривожлантириб боравердим. — Йиллар ўтиб, бобомнинг бу ҳикматида бошқа ажиб бир маъни топдим. Ҳамманинг ўнг кафтидаги чизиқлар шаклида арабча 18, чап кафтида 81 рақамлари бор. — Даврадагилар «қани, қани» деб бир-бирларига кафтларини кўрсатиб сўрай бошладилар ва тезда излаганларини топганларидан баттар ҳайратланишди. — Менинг назаримда, ўнгдагиси навқирон ёш, чапдаги қарилик ёши. Ана энди кафтлар бирлашганда ушбу сонлар қўшиливидан ҳақнинг 99 номи чиқади, кафтларингизни очсангиз 63 бўлади, муҳтарам Пайғамбаримизнинг бақо оламига рихлат этган ёшлари ҳосил бўлади. — Ҳаммалари яна бир карра кафтларини кўшиб, айириб кўрдилар, қойил дегандай бошларини сарак-сарак эттириб маъқуллашгандай бўлди. — Мен бу хусусда баҳоли қудрат бир рубоий ҳам битганман:

*Фотиҳада жуфтлабон сиз қўлингиз,
Кароматли иков сонни қўшингиз:
Чап қўлда саксон бир, ўнгда ўн саккиз,
Ҳақнинг тўқсон тўққиз номин ўқингиз.*

— Баракалло! — деди пойгароқда ўтирган Маҳмуджон.

— Ғайбуллохон, айбга буюрмайсиз, сиздан бир нарсани сўрамоқчиман, азбаройи Худо мен Сизни имтиҳон қилишдан йироқман. Фақат шу масалага сизнинг муносабатингиз қандай, билмоқчиман, чунки ўн уч ёшида ҳам-маям қорини Қуръон бўлавермайди.

— Майли, агар идроким етса.

— Хавотирланманг, бу хусусда кўпгина имомлару мулалар билан суҳбатлашдим, аксарияти мужмал жавоблар билан чегараланган... Хўш, гап бундай, аз-Замахшарий Қуръонни махлуқ деганлар. Астағфурулло, шундай дейи-

шим билан сўровчиларим, Қуръони каримни махлуқ деган аз-Замахшарийдан эмас, шу гапни айтаётган каминадан норозиланадилар. Кўпчилигининг кўзларида даҳшатга ўхшаган совуқлик ялт этиб кетади, мени шаккокликда айблашга тиллари бормай, билар-билмас жавоб қиладилар. Сиз шунга нима дейсиз?..

Ўзи тошкентлик бўлса-да, тили наманганча шевага кетадиган, қорачадан келган бу истараси иссиқ йигитни бир кўргандаёқ ёқтириб қолишингиз ҳеч гапмас. Кулиб турган кўзларида ажиб бир яқинлик мавжудким, ётсирашга ҳожат қолдирмайди. Гурунги ҳам мулойим, оқилона. Бағоят донишлик билан бораётган суҳбатимизга ўт кетгандай унинг андак довдирганига, балки менга шундай туюлгандир, сал ичим ачишди ва бу имтиҳон эмаслигини самимият ила яна бир бор эслатдим.

Ғайбуллохон ҳам бу сўровимнинг самимийлигини тўғри тушунганини тасдиқлади. Барибир, нима қилгандаям илк учрашувнинг илк лутфлари даврадошларга гаройиб эшитилган бўлса керакким, бир лаҳза оғир жимлик чўкди.

Ҳаммининг нигоҳи Ғайбулло қорига қадалди. Маҳмуджон ажаб бир қизиқсиниш билан даврадошларга бир-бир қарайди. Мен уни зимдан кузатаётганимни албатта сезмайди. Қорининг бир оғиз гапи даврага қанот бағишлади, андак енгил нафас олишга ҳозирлади.

— Аллома муътазилий оқимининг ашаддий ҳомийси бўлганлар.

Ғайбулло қорининг бу сўзлари аниқ жавобдан қочиш учун қилиндими ёки фикрларини жамлаш учунми англай олмадим, лекин барчанинг наздида ақлли гап бўлди чоғи, юз-кўзларда қониқиш аломатлари акс этди.

— Дуруст, бу ҳолат шу даражага бориб етганки, агар аллома бирор дўстиникига бориб қолса, эшикни очган хизматкорига, «Хўжайинингга Абул-Қосим ал-Муътазилий келди деб айт», деркан. Гарчанд муътазилий оқимига мансуб бўлса ҳам унинг илм-фан оламида кенг тарқалган «ал-Кашшоф» асари Қуръони каримга ёзилган манзуру машҳур тафсирдир. Алломанинг ушбу асари ислом дунёсида шунчалар овоза бўлиб кетганки, оламнинг турли шаҳарларида, мана, неча асрлардирким, қайта-қайта нашр қилинади.

Менинг бу эътирозимдан қори унчалик қаноатланмади, фақат истар-истамас мулойимгина жавоб қилди:

— Ҳа, Қуръони каримга ёзилган беназир тафсир-«ал-Кашшоф»ни яратган, аллома кейинчалик сиз айтган сўзларидан қайтганлар.

Қаранг, «махлуқ» сўзи биз қабул қиладиган ҳақорат маъносида эмас, балки «яратилган» дегани бўлишига қара-

масдан, шу ердаям «махлуқ» сўзини ишлатишга қорининг тили бормади.

Даврага хушмавзун бир сокинлик ийнди. Лекин мен барибир не вақтдан бери ўзим тушунишга ҳаракат қилиб юрган мавзунни четлаб ўтишни эп кўрмадим.

— Менинг ана шу қизиқишимга, — дея суҳбатни сокинлик маромида давом эттирдим, — Самарқандда забардаст шоира Хосият Бобомуродованинг ташаббуси билан ташкил этилган Хоразм ва Самарқанд вилояти ижодкорларининг шеърият байрамлари чоғи имом ал-Бухорий мажмуасининг имоми, ёшгина бир йигит ажаб яхши жавоб қилди.

— Хўш-хўш? — дея қизиқсиниб қолди Файбулло қори.

— Аз-Замахшарий ҳазратлари дуруст демишлар, чунки китоб махлуқ — китоб яратилади, биров қоғоз, биров сиёҳ, биров қалам тайёрлайди ва биров ёзади. Ана шу китобнинг муқаддас оятлари пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо салаллоҳу алайҳи вассалламга нозил бўлган, деди. Ялт этиб унинг кўзларига боқдим. Оддийгина ҳақиқатни, шошилмасдан собитлик билан оддийгина тушунтирганига таҳсин айтдим. Тўғри-да, ахир, Қуръони карим оятларининг бир қанчаси Маккаи Мукаррамада, бир қанчаси Мадинаи Мунавварада нозил бўлган.

Даврада энди бошқача қизиқиш пайдо бўла бошлади, негаким, энг нуфузли китоблардаям олимлар Қуръони карим китобини нозил бўлган деб ёзадилар. Убайдулла Уватовдек зукко олим ҳам аз-Замахшарийнинг бутун ислом маданиятида муҳим ўрин тутувчи «Нозик иборалар» рисоласини тўлалигича киритган «Номии улуғ, сўзи қутлуғ» китобида «ал-Кашшоф» хусусида сўз юритаётиб, «Еттинчи асрнинг биринчи ярмида нозил бўлган «Қуръон» мусулмонларнинг муқаддас китоби...», дея ёзади. Албатта, Файбулло қори ҳам ана шундай битиклардан ўқиб ўрганган, унга шу тариқа билим берганлар.

Менинг бу янглиғ фикрларимдан сўнг суҳбат бошқача тус ола бошлади. Чап ёнимда ўтирган эллик ёшлар атрофидаги ўрта бўйли, истараси иссиқ Рустам Ҳакимов деган биродари азиз бировнинг кўнглини оғритмайдиган самимий тарзда менга юзланиб, мусоҳабага беозоргина қўшилди:

— Сиз айтмоқчи, Қуръони каримнинг барча оятлари йигирма уч йилда нозил бўлганини бутун ислом дунёси яхши била туриб, китобни ўзи тушган дея ўз-ўзларини ишонтиришмоқчи бўлганларига ҳайронман.

Даврага яна бир лаҳзалик ажиб сукунат чўкди. Файбулло Рустам акага эътироз билдиришга ийманди чоғи, у томонга кўз қирини ташлади-ю, индамай бошини қуйи солди.

— Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётлик вақтларида яна ваҳий тушиб қолар деган умидда Куръон жамланиб китоб шаклига келтирилмаган, — дедим.

— Ана, кўрдингизми! — деб бирдан менинг гапимни бўлди Рустам ака ва қўшиб қўйди: — Ҳатто китоб шаклига келтирилмаган.

— Ҳеч ким осмондан китоб тушган деяётгани йўқ. — Гайбулло овозини сал баландлатди. — Сўз ахир китоб устида эмас, Куръон устида боряпти-ку?! Ҳазрати Умар Абу Бакрга, Куръонни ёд билган қорилар ўлиб кетаверса, Куръонга зарар етиши мумкин, шунинг учун уни китоб шаклига келтириб, жамлаб қўйиш керак дегани тарихдан маълум.

— Лекин шу борада яна бир андак чалкашлик ҳам йўқ эмас. — Менинг бу сўзларимдан кейин салгина маъқуллашга ўхшаган жонланиш пайдо бўлган даврага яна чибин учса билинадиган сокинлик чўқди. — Абу Бакр ҳазратлари Куръонни китоб шаклига келтириб қўйишни Зайд ибн Собит исмли саҳобага топширган, негаким, Зайд ибн Собит пайгамбар алайҳиссалом билан жуда кўп бирга бўлган, бари оятларни жуда яхши ёд олган ва ажаб таъсирли томони — уни пайгамбар ҳузурда ёзган, яна ҳам ажаблиси, Пайгамбаримиз вафот этадиган йиллари Жаброил алайҳиссаломга аввалидан охиригача ўқиб, ўтказганларида бирга бўлган экан. Буям тарихдан маълум...

Менинг бу эътирозимга ҳеч ким жўяли бир сўз демади, чунки Куръони каримга ёзилган тафсирларда шундай битилган. Буни ўтирганлар яхши билади.

Бу янги танишлар ила илк учрашган чоғимиздаги қадим удумларимизга хос мулозаматий илиқлик аста-секин самимий дўстликка айлана бошлаганидан хона ичи ёқтилангандай бўлди. Қайси бир назмгўй топиб айтганда, мен буни жуда кўп қайтараман:

Бу маҳфил ичра равшанлиғ на шамъи, на лагандандир...

Илгари хонани яхшироқ равшан қилиш учун шамънинг остига ёритқич вазифасини ўтайдиган баркаш лаган қўйганлар. Гап шоирнинг ушбу ҳодисотга жойлаган сирли қочиримида бу оқшомги ёруғлик шамъдан ҳам эмас, лагандан ҳам эмас, сенинг борлигингдандир, эй дўст, эй маҳбуб, эй Худо. Шукрим, бизнинг маҳфили мажлисимиз ҳам равшанлашиб, нурланиб бормоқда. Бунинг бошқа тарафи шундаким, даврада қўшиқ айтишга шай Маҳмуджондай ажойиб ҳофизлар бор. Табиийки, ушбу ҳолатнинг ўзи одам руҳиятини равшанлаштиради, бироқ қуюқ

суҳбатни ҳам тўхтатишмоқчимас. Шу сабаб файзли сокинликни яна бузишга жазм этдим:

— Суҳбатимиз мен кутганимдан ҳам саводлироқ бўлгани, унинг устига, Файбуллохоннинг ўта билимдонлигидан фойдаланиб, бир нарсани сўраб, билиб олмоқчи эдим.

Файбулло қори кайфи хушлик ила менга юзланди:

— Марҳамат, кўплашиб жавобини топармиз.

— Яна бир бора узр, имтиҳон нуқтаи назаридан эмас, тўлароқ тушунмоғим боисидан деб билгайсиз.

— Марҳамат, марҳамат, агар қувваи иқтидорим етса, жоним билан жавоб беришга тайёрман.

— Дини исломда сўраш, савол бериш хушланмайди. Хўш, шундай экан, нега битта сўровли оят кўп сураларда келади? — «Масалан» дегандай Файбулло менга синчковлик билан қаради. Сал тўхтаб давом этдим: — «Ва яқулуна мата ҳазал ваъду ин кунтум содиқийин», дейилади «Таборақ»да ва жавоби келтирилади: «Қул иннамал илму индаллоҳи ва иннама ана назйирум мубийн». Шу сўров «Ёсин»да ҳам, бошқа сураларда ҳам келади, нега? — дедим, сўнг сал тин олиб қўшиб қўйдим: — Ваъда қилинган қиёмат қачон бўлишлигини сўрашлик нега такрор ва такрор қайд қилинаверади? Кейин Яратган томонидан пайғамбаримизга жавоби ҳам бериляпти: «Мен огоҳлантирувчиман, уни Оллоҳ билади деб айт».

— Дуруст, — деди қори бир оз чўзиброқ ва шу тақовул давом этди: — лекин қайси оят бўлса ҳам сурани ичидан алоҳида ажратиб тафсир қилишлик дуруст эмас, чунки сурадаги оятлар бир-бирлари билан чамбарчас боғланиб келади. Бу ўринда ҳам «Ва яқулуна мата ҳазал»дан уч-тўртта олдинги оятлардан келсангиз, масала ўз-ўзидан равшанлашади. Пайғамбар алайҳиссалом кофирларга Оллоҳ ризқни тортиб қўйишга қодир зот десалар, улар: «Бизнинг санамларимиз ризқ беради», дейишган экан. Шунда ушбу оят нозил бўлади: «Амман ҳазаллази ярзуқукум ин амсаки ризқоҳу баллажжу фии утуввин ва нуфур». Мўминлар билан мушриклар ўртасидаги тортишувлардан мақсад, ким тўғри йўлда эканини исботлаш эди.

— Тўғри, — дедим қори бир лаҳза тин олган чоқда суҳбат асносини бузмай. — Бироқ, ваъда қилинган қиёматни такроран сўрайверишларидага мантиқ недан иборат?

— Шунга келяпмиз-да... «Афаман ямши мукиббан алаа важҳиҳи аҳдаа амман ямши савийян алаа сиротим мустақийм». Юзгубан қоқилиб юраётган киши ҳидоятдами ёки тўғри йўлдан қоматини тик тутиб бораётган кишими, деб сўраляпти.

— Юзгубан қоқилиб юраётган киши кофирдур.

Маҳмуджон ушбу сўзларни шундай ҳам чуқур эътиқод

билан айтдиким, бошқаларни-ку билмадим, лекин менинг унга ҳавасим келди.

— Баракалло, — дея қори Маҳмуджонга юзланди, — чунки унинг аниқ йўли йўқ. Мўминнинг эса йўли аниқ, дастури — Илоҳий, кўрсатмаси — икки олам сарвари Пайғамбаримиз салаллоҳу алайҳи вассалламдан. — Файбулло навбатдаги оятни жуда эмин-эркин, жозибли қироат билан ўқиди: — «Кул хуваллазий аншаъкум ва жаъалалакумус самъа вал абсора вал афъида қолийлам маа ташкуруун». Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг пайғамбаримизга, Оллоҳ сизларни йўқдан бор қилган ва сизларга эшитиш, кўриш мўъжизалари ва ақлни берган зотдир. Жуда ҳам оз шукр қиласизлар-а, деб айтишни буюряпти. Бу оятда Оллоҳ таоло инсонга бермиш улуғ неъматларини эслатапти. Агар банда неъматларни ўз жойида ишлатса, албатта бундан олдинги оятда айтилгандек, тўғри йўлдан юрган бўлади. Оятдаги англаш аъзоларининг тартибига қаранг: эшитиш, кўриш ва ундан сўнг ақл. Бу неъматларнинг шукронаси — уларни ато қилган Оллоҳни таниб, унга ибодат қилишдан иборат. Лекин кўпчилик шукр қилмайди. Ана энди ишонмовчиларнинг сўровидан олдинги оят: «Кул хуваллазий зараъкум фил арзи ва илайҳи туҳшарун». Демак, барча Яратганнинг ҳузурига боради. Пайғамбаримиз алайҳиссалом қиёмат тўғрисида, ҳар ким бу дунёда қилган амалига яраша жазо олиши, ҳисоб-китоб қилиниши тўғрисида гапирар эдилар. Шунда Макка мушриклари: «Сен ваъда қилаётган қиёмат қачон бўлади?» деб сўраганлари учун «Кул иннама илму индаллоҳи ва иннама ана назийрум мубийн» ояти нозил бўлган, яъниким, қиёматни фақат Оллоҳнинг ўзи билишини, ҳатто пайғамбар алайҳиссалом ҳам билмасликларини, у зот фақат огоҳлантирувчи эканликларини таъкидламоқда...

Бу янглиғ сермулоҳаза тушунтиришлардан кейин, албатта Файбуллога бирор сўз айтиш ёхуд унинг илмига шак келтириш ножоиз, бироқ ушбу сўров оятининг «Ёсин» ва бошқа сураларда такрорланишидаги жавоблар негизида моҳият илми ғайбга бориб тақалса ҳам кўп сўрашликнинг ўзи хушланмагани баробарида, нечундир кўпроқ ўрин берилганлиги хусусида бир оғиз калима ирод этмади. Мен ҳам бу хусусда қайта эзмаланишни ўзимга эп кўрмадим. Барибир кўнглим тўлмади, начора, ҳали бошқа бир мавриди келиб, балки мавзуга ойдинлик киритилар.

Эндиги қалтис гурунг, Тургеневнинг ибораси билан айтганда, «шеър худоларнинг тили» устида. Хўш, шундай экан, нега «Ёсин» сурасининг бир оятида «Вама алламнаҳуш шиъира вама ямбиағилаҳ. Ин хува илла зикрув ва Куръонум мубийн», дейилади? Яъниким, Биз унга (Му-

ҳаммадга) шеър ўргатганимиз йўқ. Унга ўргатган нарса — зикр ҳамда очиқ ва аниқ Қуръондур. Ахир Қуръони карим оятлари назмда нозил бўлган-ку? Шунинг учун ҳам Қуръонни қироат ва уни оҳангга солиб ўқишликни ҳофизлик дейилишига сабаб ҳам аслида шу эмасми?

Ушбу мулоҳазаларимни Ғайбулло қори орқали ўтирганлар ҳукмига ҳавола этишим билан бирга, юқоридаги оятнинг мутаржими Муҳаммадлатиф Жуман томонидан келтирилган изоҳни айтдим:

— Ва шеър унга (лойиқ) лозим ҳам эмас (зеро Расулulloҳнинг таъбларида аслида шеърга сира мойиллик бўлмаган), дейилади чоп этилган «Ёсин» сурасида...

Лекин ким айтган, ҳеч эслолмайман: «Дардларимни айтдим, ҳеч ким қулоқ қўймади, сўнг дардларимни назмга солиб айтдим, ҳамдард бўлдилар, ҳамма эшитди». Ана шунақа...

Бағоят хушсуҳбат-у, андак тўпорилик борлигиданми, ёинки мулойимлик камлигиданми, сўраб-суриштириб ўтиришимда ҳали синашта бўлмаган бу ажойиб даврадошлар ҳузурда анчайин билағонлик қилаётганимданми, негадир ўзимни хушламайроқ қолдим-у, орқага қайтишга бирон сабаб тополмай қийнала бошладим. Шукрим, шу пайт кимдир ошни сузайликми, деб қолди. Ана шунда даврада маъқуллашни ўрнига қўйиб ўтирган Одил ака ширин тақалуф қилди:

— Даврада шунча ҳофиз бўла туриб, биронта хиргойи эшитмай ош есақ, қандоқ бўлар экан? Ош қочиб кетмас, тагига иккита қаламча ташлаб қўйилса, қайтанга маромига етади.

Бу гап айни муддао бўлдиким, барчага ёқиб тушди.

— Мана, ичимизда энг ёш, умидвор, иқтидорли шогирдимиз Ўлмасжон бирор нарса айтиб бера қолсин.

Маҳмуджоннинг бу таклифидан Ўлмас Оллаберганов хийла ноқулайлик сезиб, тарадудланиб қолди:

— Шунча устозлар ўтириб, мен бошласам, ўринли бўлармикан?—Ўлмасжоннинг одобига раҳмат айтиб, розилик беришди.

Ўлмасжон ёқимли овози билан Хоразм йўлидаги «Насруллои»ни баландлатиб кетаберди.

Кел, эй маҳбуби матлубим, санинг ёшинг ҳазор ўлсин...

3

Табиатда ҳамма нарса ўз умрин яшаб қарийди, валекин, олам борки яхши қўшиқ қаримайди, одамзод умрига ҳамдарду ҳамнишин бўлиб яшайверади. Ўлмасжон иж-

росида «Насруллои»ни тинглаётиб, чамаси, ўттиз йил муқаддам қудамиз, Гурлан тумани раҳбари, раҳматлик Хударган (Худойберган) аканинг уйида янги 1970 йилнинг илк кунида ҳофиз Қувондиқ Искандаров билан бўлган анойи суҳбатимизни эсладим. Ҳар сафар «Насруллои» шу ғазал билан ижро этилса, беихтиёр ўша мусоҳабани эслайман. Неча марта ижро этилса, шунча марта ёдимга келаберади.

Ўша кунлари сочимни устарада қирдириб ташлаганим учунми, ё директор бўлиб ишлаётганим, Янгибозор пахта тозалаш заводини ишта тушириш билан боғлиқ беадад қийинчиликларданми, жуссам анча кичрайиб, ёшимдан ҳам кўра муштдаккина бўлиб қолган бўлсам керакки, қариндошимиз уйига меҳмон бўлиб келган ҳофиз илк кўришганимизданоқ мени унчалик хушламаётганини сездим.

Ҳофиз билан Хива тумани раҳбари, қаҳрамон Мадамин ака Матқаримов ҳам оиласи билан келгани учун ўзим ҳам бир-икки бор кетишга тараддулдандим, оқсоқоллар рухсат этишмади. Қувондиқ ака эса, танимаганидан суҳбат орасида аста-секин мени узиб ола бошлади. Сўз замон созандачилигига, қўшиқчилик санъатидаги номутаносибликларга бориб тақалганида у мени кўрсатиб:

— Ина шу болалар классик қўшиқларни қаердан ҳам билади! Булар ҳозир «Буги-буги», «Рот-мот»ларга илиқади, — деди.

Мен индамадим. Танимагани сийламас деганларидай беписандлик қилганига чидадим. Лекин у яна бошқа бир мавзудаям тагин менга ишора қилди:

— Энди кунимиз мана шу болаларга қолди, ҳайфгина...

Яна индамадим. Барчанинг эътиборини ўзимга қаратишдан истиҳола қилдим. Чой олиб кириш баҳонасида аста туриб кетмоқчи эдим, уй эгаси, ҳам қудамиз, рухсат қилмади. Қувондиқ аканинг мени танимай жеркиётганидан Мадамин аканинг энсаси қотдими, ўзига хос ҳукм қилди:

— Қани, бир қўшиқ айтсанг-а!

Ҳофиз керак бўлмасаям қўлидаги торининг қулоқларини истар-истамайгина буради, ҳалиям мен даврадан чиқиб кетмаганимга ҳайронланиб бир ёвқараш қилди-да, «Насруллои»ни бошлади:

Кел, эй маҳбуби матлубим, санинг ёшинг ҳазор ўлсин...

Мен ерга тикилганимча бир томондан, Навоийга нисбат бериб айтилаётган ғазалдаги ғализ мисралардан юрагим юм-юм йиғласа, иккинчи томондан, ўзи саводсиз

бўлиши билан мени оёғи остига ташлаб беаёв эзгилаётган ҳофиздан ижирғаниб ўтирдим. Худога шукрим, Кувондиқ ака ҳамма ашулачиларга хос уч-тўртта қўшиқни кетма-кет айтмай, удумга хилоф равишда битта қўшиқ айтиб тўхтади. Балки буям мен боисдир, деб ўйлаганим чин бўлди. У кишим торини тиззасига қўйиб, қўшиқни қойил қилдимми, дегандай катталарга бир-бир суқланиб қаради ва менга теккизиб, ҳозиргина ижро этган ғазалнинг чиройли жойини ўзича ўқий бошлади:

*Аробий гунтаам зеҳкат, бафорси гунтаам хандат,
Батурки сўзласам кулгинг бу олам мушкибор ўлсин...*

Байтни қироат билан ўқиб, бой-бўй, дея ҳайратланганча шу сўзларнинг маънисини мана бу болалар қайдан ҳам биладилар, қабалида нописандлик билан менга қаради.

Мен у кишининг яна ҳақоратини эшитишни истамадим ва паст овозда аста сўрадим:

— «Мушк» дегани нима дегани?

Каттиқ ҳаяжонланганимдан овозимни ўзим ҳам эшитмадим чоғи, ҳатто шошганимдан «дегани»ни икки марта қайтарганимни айтмайсизми. Кувондиқ ака ялт этиб менга кўз ташлади.

— «Мушк»ми? — У торини қўлтиғига яқинроқ келтириб, озов бўлган қўлларини аввал олд томонга кўтариб: — «Мушк», — деди ва ҳеч кимдан садо чиқмагач, шуниям билмайсанми дегандай энди қўлларини пастга сирмаб: — «Мушк»-да, —дея ҳаммага бир-бир истехзоли қаради.

— Ана, қўрдингизми, нима айтаётганингизни ўзингиз ҳам билмайсиз! — Борлиқ вужудим титраётганидан овозим сал дўриллаб, қўполашганини сездим-у, яна пастладим: — Бунга сиз айбдор эмассиз. Бу ғазални устозингиз Ҳожихон акаям хато ўқийдилар. Унинг устига, Навоий ғазали деб ўқийсизлар, аслида, у Навоийники эмас... «Мушк»-қора тусли хушбўй модда, у кийикнинг киндик қонидан олинади. Дейдиларки, «мушк» олиш учун кийикларни Хўтан тоғига тирмаштириб зўриқтирарканлар. Уларнинг зўриқишдан тугилган киндиклари тушиб кетмасин, деб қоринларига нофа — мушқдон боғлайдилар. Қон қотган киндикларга ишлов бериб, «мушк» тайёрлайдилар. Аёллар қошларига мушк қўядилар. Шунинг учун ҳам Оғаҳий ҳазратлари, «Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина», дейдилар. Баъзи бирларингиз уни «Мушкул қошингни...», деб бузиб айтасизлар. Энди ҳалиги байтдаги «мушкибор»га келсак, мантиқ бузилади. Одам

кулганида олам мушкибор эмас, балки жарангдор бўлар... Барибир газалнинг ўзи гализ... «Аробий гуптаам...» Туғри, форслар «гуфтам», дейди, араблар-чи?...

Кувондиқ ака анграйиб қолди. Даврага оғир жимлик чўкди. Овоз чиқармайгина ним табассум этиб ўтирган аёллар ҳам сергакландилар. Мезбонлар андак безовталандилар. Тожигул опа қадимий қадрдони Ёкутжон опага (Мадамин аканинг хотини) дастурхонга қараб ўтиринг ишорасини қилмоқчи эди, Мадамин ака ҳамишаги зийраклиги билан ўртадаги лаҳзалик нохушликни садпора қилди:

— Кувондиқ, сен келганимиздан бери Комилжонни шу ердан чиқаролмай ҳалаксан! — Мадамин ака нигоҳида ҳеч кимникига ўхшамайдиган ажиб бир нур бўлғувчи эди. Айниқса, бировга дўстона танбеҳ берганида ана шу нур ёқтиланиб кетарди. Ҳозир ҳам у киши шунчалар беғараз қарашада мени улуғлаши баробарида қўшиқчини саводсизлиги учун ерга уриб юбормади, беғубор табассуми билан қўшиб қўйди: — Сен ёш бола деб менсимаётган бу йигит санга ўхшаган ўнта ашулачига дарс беради, шунинг нонини еб юрибди. Қолаверса, пахта заводининг директори... Қўшиғингни айтиб юрийварсанг бўлмийдими?

Кувондиқ ака ўтирган жойида қотиб қолди. Гапга чечан, сиёсатдон Хударган ака Мадамин акага шўх-шанг боқди:

— Ёшулли, индамасангиз-а, Комилжон Кувондиқнинг патини питта юлсинла.

Кувондиқ ака торини қўлига маҳкам қисганча бирдан ўрнидан турди ва мен томонга ўтирилганча эгилди:

— Тасдиқ, таъзим, тасдиқ! — Бир оз жим тургач, ҳақиқий тўпориларча бир нафасда яна деди: — Қачон Хоразмга келсам, айрипортдан сизга қўнғироқ қиламан, менга телефонингизни берасиз. Сиздан рухсат олмагунимча шаҳарга кирмайман, уйимгаям бормайман. Телефонда тополмасам, ишхонангизга бораман, уйингизга бораман. Хуллас, аввал сизни тавоб қилиб, кейин уйимга кетаман. Бу маним ҳақиқий дилимдан айтаётган сўзим, ишонинг. Войбўй, ман сизни ўрисча ўқиб, ўзбекчани ҳам яхши билмайдиган тақир калла деб ўтирсам, офат акансиз-у!

Бу «танишув»га нуқта қўйиш учунми, Мадамин ака яна ҳофизга юзланди:

— Биз борганимизча Комилжонни олдириб ўтиринг, бир суҳбатлашайлик, деб Хударган акага телефон қилган эдим. Сен уни танирсан деб индамаган эдик. Сен бўлсанг...

— Қўйинг энди, ёшулли, уялтираварманг! Тошкентда яшаб, ҳозирги ёшларни танимаслигим табиий. Кечирим сўрадим-ку, яна нишатин?! — дея Кувондиқ ака ялтоқланди.

Ҳофизнинг тобеи мусаллам бўлганига қаноат ҳосил қилган Мадамин ака кулимсираб:

— Қани, аласа энди қўшиққа парда бос, — деди.

Қувондиқ акаям шуни кутиб турган экан, устозларига ўхшатиб, салдом билан ширали овозда «Катта суворий»-ни бошлади...

Жамолнинг шавқида ёқди фалакни ўтлуғ афғоним...

Файзли ўлтиришимиз охирлади. Маҳмуджон менга илтифот юзасидан:

— Комилжон ака, бир нима десангиз...— деди.

— Яхши ўлтириш бўлди. Оқсоқол бир нима дея қолсинлар, — дедим ташаккур билдириб.

Оқсоқол рўйхушлик бермади:

— Фотиҳа меҳмондан, тақсир.

Энди мулозаматни чўзиб ўтириш бефойда эди. Салтин олиб миннатдорчилигимни изҳор қилдим:

— Дунёда шундай нарсалар борки, олсанг ҳам хафа бўласан, олмасанг ҳам. Ровийлар ривоят қиладурларким, қайси бир мамлакатнинг подшоси алмашиб, янги ҳукмдорнинг зулмига чидамаган бир тўда одамлар бошқа мамлакатга бош олиб кетишга шайланибдилар. Улар танлаган мамлакат эса, тоғнинг нариги томонида экан ва билагон бир йўлбошчи билан тоғнинг зимагон ғоридан ўн кунда ўтса бўлар экан. Бошловчи уларни раъйдан қайтариш учун йўл азобларию йўлда учрайдиган илон-чаёнларнинг даҳшатиғача тушунтирса ҳам одамлар ўз аҳдларидан қайтмабди ва катта пул эвазига розилик берган бошловчи билан йўлга тушибди. Йўл бошловчи тушунтирганидан ҳам ўн чандон азобларга дучор бўлиб бораётсалар, йўлнинг тўққизланчи куни уларнинг оёқлари остида майда тошлар пайдо бўлиб, товонларини шила бошлабди. Бу янглиф бешафқат азобга чидамаган одамлар оёқлари остидаги тошларни қаттиқ қарғаб, сўка бошлабдилар. Шунда йўл бошловчи: «Сиз бу тошларни сўкманг, ундан олсангизлар ҳам хафа бўласизлар, олмасангизлар ҳам», дебди. Одам табиати қизиқ-да, сўкиб бораётган бўлсалар ҳам кимлардир базўр энгашиб, тошлардан бир-иккитасини олиб киссаларига солибди, кимлардир оёқларини қонатган тошларни сўкишда давом этиб, қарғаб бораверибди. Йўл бошловчи айтганидай, сафарнинг ўнланчи куни одамлар ўлар ҳолатда ғордан чиқибди. Қуёш чарақлаб, дилларга хушлуқ бахшида этувчи субҳи сабонинг соф эпкини эсиб турган тоғ этагида йўл азобидан афтода бўлган беҳол одамлар Оллоҳга минг қатла шукроналар айтиб, чўзилиб қолишибди. Ажабким, инсоннинг барча азоб-уқубатларини уну-

тиши учун бир лаҳзалик ором бўлса бас. Кенглигу ҳузур-бахш қуёш нурларидан баҳраманд бўлиб, йўл қийинчиликларини унутаётган одамлар ўзларига келиб, бир-бирларини қутлашиб турганларида товонларини шилган, дунё қарғишларига гирифтор этилган тошлардан бир-иккитасини олганлар киссаларини кавлаб чиқарсалар, не кўз билан кўрсинларки, қафтларида гавҳар тошлар қуёшда ялт-ялт жило бериб турибди. Шунда йўл бошловчи айтгандай, олмаганлар оҳ уришган — олмадик деб, олганлар оҳ уришган — нега оз олдик деб... Сизлар билан ҳам худди шундай, — дедим ҳаммаларига бир-бир қараб, — ўлтиришмасак хафа бўламиз ўлтиришмадик деб, ўлтиришсак хафа бўламиз оз ўлтиришдик деб. Бизни сийладингиз, сизни Худо сийласин. Ўлтириб туришимиз бузилмасин. Илоҳо, умрларингиз зиёда, иқболингиз ҳамиша сарбаланд бўлғай, омин!..

Иккинчи боб

1

Осмон ёришгач, қўналгадан чиқдим. Увишган оёқларимни ёздим. Аввалги адашганимдай, ҳозироқ йўлни топаману уйга жўнайман деб турган жойимда номигагина ирғишлаб қизиндим ва шу ҳаракатларим асносида ҳар томонга бориб-келиб, кеча белгилаб қўйган қиялигу кума мўлжалини йўқотиб қўйдим. Мўлжалимда шамолнинг йўналиши чап томонимдан ўнгга қараб кетган эди. Ҳозирги туришимда ҳам шамолнинг йўналиши худди шундай, қум тўлқинлари ҳам ўнг томонга ёнбошлаган. Демак, шамол шарқдан ғарбга қараб эсяпти. Шу йўналиш бўйлаб кетсам, Шўркўл атрофларидан чиқаман. Ҳеч иккиланмасдан кета бошладим. Афсуски, кечаси шамолнинг йўналиши ўзгарганини сезмай қолганим кейинчалик маълум бўлди.

Орқамга ҳар замон-ҳар замонда қараб-қараб қўяман, уфқ юзи ёришса, мўлжалим тўғри, йўқса, йўналишимни шарқий-шимолга буришим лозим. Аксига олиб, булут қуюқлашгандан-қуюқлашиб, қум юзини янада тундлаштирди.

Шамолнинг боди билан хийла масофани ўтиб қўйдим. Тўхтасам, тўзонда қолиб кетишим муқаррар. Ўтириш эса фалокатга олиб келиши мумкин, қум кўчкиси хавфли. Бундай тўзонли ҳавода ғозу ўрдаклар, ҳатто кечаси учадиган қашқалдоқлар ҳам тинчини йўқотиб, қум усти билан у кўлдан-бу кўлга, бу кўлдан-у кўлга томон чарх

уриб учаверади. Қанийди ўқларим сероб бўлсаю битта-иккита гозни отиб, тамадди қилсам! Афсус...

Қуёш чиқиб жамолини кўрсатмагунча қуёнлар ётоғига кирмайди, емиш излаб дайдиб юрган бирортаси йўлиқар, отарман деб бешотар осиглик елкамни қисиб, йўл ахтаришда давом этавердим. Шу боришимда миямга келган нақддан нечундир умидсизлик гирдобига туша бошладим. Во, ажаб! Гирдоб ичра гирдоб!

Алаҳусус, тўқайда адашган бир кимсанинг қаршисидан оч йўлбарс чиқибди. Йўловчи йўлбарсдан қочиб, рўпарасида дуч келиб қолган қудуқ ичига сакраш ниятида қудуққа эгилиб турган тўронғил шохига осилибди. Лекин не кўз билан кўрсинки, қудуқ тубида баҳайбат аждоҳо оғзини очиб ётганмиш. Тепада жонига қасд қилувчи йўлбарс, омонатгина осилиб турган қудуқ тубида эса аждаҳо... Устига устак, йўловчи бундай қараса, ўзи осилиб турган шохни бири оқ, бири қора икки сичқон ўткир тишлари билан арралаётганмиш. Чорасиз қолган фақирнинг лаблари япроқларда ялтиллаб турган асалга тегади. Сичқонлар шохни батамом кесиб адо қилганларича осилиб туришга қувват бўлар, деб у асалдан ялай бошлаган.

Бу ривоятдаги йўлбарс — ҳаётда кунда жонингга қасд қилувчи кўринар-кўринмас балолар, бири оқ, бири қора икки сичқон — ўлимга элтувчи кун билан тун, қудуқ тубидаги аждаҳо эса инсонни кутиб ётган муқаррар ўлимдир.

Нақлни эслаб гоҳ кулгим қистайди, гоҳ йиғлагим келади. Бетизгин ўйлар исканжасида дайдиб боряпман.

*Адашган ит каби Фурқат, қаён боргум билолмасман,
Биёбонларда Мажнун тўтиё излар ғуборимдин...*

Қаёқдан келди Фурқат фарёди? Мустабидлар ҳийласидан алданган шоирнинг ноласида замон бедодликлари ҳам ўз тажассумини топганмикан? Мана шу дашту биёбон қўйнида, балки менга охири манзил бўлиб қолиши мумкин бўлган ажал комида ўтган шоиру аҳли фузалонинг бир-бирларига садоқату эътиқодида, ихлосу хурматларида айни бир меҳру муҳаббатни кўраман. Ҳазрат Навоий тазкираларида, шоиру аҳли адибни, хоҳ замондош, хоҳ ўтганлари бўлсин, қарийб барини ўзига хос эҳтиром билан тилга олади. Чалгияпманми? Йўқ, хаёлим Зокиржон Фурқатда. Оташқалб шоир Истанбулда юрган чоғларида дўстларини, уларнинг жонон суҳбатларини эслайди, «аввораи саҳрои ғурбат» шоир «Сабога хитоб» бирлан Тошкентдаги 28 дўсту ёронларига салом йўллайди. У Юсуф исмли дўсти ҳақидаги юрак сўзларини тугаллагач, Худо-

ёрхоннинг ўгли Фансуруллоҳнинг ҳовлисида чиқиб келаётган сабога хитобан ёзади:

*Бегим, жоним, афандим Фансуруллоҳ,
Зиҳи шаҳзодаи зул иззаул жоҳ...*

Ушбу эҳтиросли мисраларнинг туб-тубида неқадар одамийлик, неқадар содиқлик мавжуд. Наҳотки шундай ўтлуғ мисраларни, дил изҳорини ёзиш учун ғурбатда бўлмоқ шарт бўлса? Э йўқ, магарам дўстлар орасида ботиний муҳаббат, зоҳирий эҳтиром бўлмаса, ҳар қандай айролиқ ҳам соғинч алангасини ёқолмаса керак, негаким, мен ҳам ҳозир манзили мавтимда юрагимга яқинларимни қўмсаёпман. Менга гоҳида ғаразлик қилганларни кечирсам-да, лекин уларни соғиниб эсламаяпман. Бу балки андак ножоиздир, яна қайдам. Таассуфки, мен билган аксар замондош шоиру адиблар ўртасидаги дўстлик ришталари, назаримда, ўтган замон адиблари ўрталаридаги рустликдан, самимийликдан, меҳрибонликдан хийла заиф кўринади. Нега шундай? Балки, бу ҳол ҳам мустабид тузум асоратидир? Ёки лойиқ-нолоийқ берилаётган унвонлару арзон-гаров марҳаматлар ҳосилимикан? Ундай деса, бир хил унвону бир хил марҳаматга ноил бўлган айрим қаламкашлар ўртасидаги нохушликлар ниманинг оқибати? Ахир, дўстлар муваффақиятидан қувониш керакмасми, уларнинг ютуғи адабиётнинг мулки эмасми?.. Шошма, айнан мулк тақсимоти масаласида нуқсон борга ўхшайди.

Нималар ҳақида ўйлаб, нималарга ўрлаб кетяпман ўзи? Чарчадим чоғи, ўтириб андак нафасимни ростласам яхши бўлармиди. Аммо қандай қилиб нафас ростлайман? Ҳадемай яна қоронғи тушади, шошилиш керак. Дод дегим келади. Тўрт томоним даҳшатли саҳро...

*Қолиб саргашталик саҳросида ҳайрону саргардон,
Улуғ даргоҳларнинг остонидин адашганман...*

Яна дўстлар, яна ёлғизлик ўтади хаёлимдан. Пушкин, Лермонтовлар замонини ўйлайман. Улар ҳам ёлғизликдан зада бўлган онлари битган битиклари юрак-бағрингни эзади. Пушкин: «Олдимда бирор бир мақсад йўқ менинг, ҳушу юрак бўм-бўш-ялқовлик кони. Эзади ғам-ғусса тўла ҳаётнинг бир хил оҳангдаги шовқин-сурони», деса, Лермонтов: «Неқадар ғамлию ҳам зерикарли, бир кимса йўқ қўлинг бергали қалбинг изтиробли дақиқаларда», дея фиғон қилади. Ажабким, кейинги вақтларда, наинки бу даҳшатли тундаги ёлғизлик, балки табиатнинг салгина тунд, нохуш

кунлариям айроликқа ўхшаш ғариблик дилимни ўртай бошлайди. Ёзаётган битикларим беихтиёр ғамларни торт-қилаб қоғозга туша бошлайди:

*Умр саноқли ўқ— отилмиш нидо
Ва ажаб, гуноҳлар қарин-қадамдир.
Бўғизда қолар гоҳ энг сўнгги видо,
Одам туғилади, яна адамдир .*

*Нега жонин айлар одамзод фидо
Ноҳақлик, алдовлар силсиласида?
Лаҳзалик қувончдан бўларлар жудо—
Ғамга гирифторлик бисмиллосида.*

*Нелар қилмоқ бўлар, нега яшайди,
Қониқши топарми жавобларидан?
Ким беун, беминнат ошин ошайди,
Нега гуноҳи кўп, савобларидан?*

*Нимадир ўлчами ҳаёт эҳзонин,
Қай ўлчам бирлиги асоси унинг?
Саволлар беҳисоб, аммо мезони—
Недир пасти-баланд ўтмиш умрининг?*

*Барибир сабрда туяман ҳар дам
Дунёнинг музайян кўркамлигини.
Шукрли одамлар айлар мужассам—
Ихлосу иймонда ўктамлигини.*

Ёзмишлар интиҳосида сабру шукроналар кўнглимга тасалли беради. Бу тун исканжасида-ку, юрагим тарс ёрилай дейди. Кўнглимга келган мудҳиш ўйдан юрагим ортига тортиб кетади. Гўё тақдирга тан бераман: фиғоннинг фойдаси йўқ, манглайда неки ёзиглиқ бўлса, кўрарман...

Э йўқ. Юрагим тубида Оллоҳга илтижо бесамар ўтмайди. Фақат илтижонг сидқидилдан бўлмоғи, фиғонингдан фиғон чиқмоғи зарур. Илтижо ҳам самарали ҳаракат каби ҳар қандай фалокатдан қутулиш муттакоси, имкони деган илинж милтиллаб турарди. Ахир, мен адашган кўм ёт эмас, ўзимизники, нотаниш ерларда, ҳатто беҳудуд баҳру уммонда адашиб, этикларини қайнатиб, шўрва қилиб ичиб омон қолганлар бор-ку, деган ўйлар туфайли ишонч яна ниш уради. Қаддимни ростлаб, ҳеч қачон адашмагандай, аниқ мақсад ила бораётган йўловчи каби уёқ-буёққа беписандлик билан қараб, йўлимда давом этдим.

Бир кун-ярим кун адашиш нима ўзи? Бир умр адашиб яшаб юрганлар озми? Намунча ваҳима қилмасам.

Худо умримни берган бўлса, эсон-омон чиқарман бу бе-худуд сахро домидан. Қирқ йил қирон келса ҳам, қазоси етган ўлади, дейдилар.

Узоқ йили қўшнимиз кўчадан қизиқ бир гап топиб келди. Улар ишлайдиган корхонада битта йигитни электр токи уриб ўлади. Барча расм-русмлар бажо келтирилиб, бир кундан кейин жасад қабрга қўйилади. Эртасига тонг-сахарда жасад тирилиб, нами кетмаган қабрни бузади-да, кафанида уйига кириб келади. Бомдод намозига таҳорат олиб юрган отаси кафандаги ўглини кўрганидаёқ юраги ёрилиб ўлади. Эрталаб фотиҳага келган кишилар кеча ва-фот этиб, бугун отасининг жанозасида қатнашаётган «мар-хум» йигитга таъзия билдиради. Оллоҳнинг каромати чек-сиз, ҳамма нарса ёлғиз ўзига аён. Демак, ток урган йи-гитнинг ризқи ҳали бу фоний дунёдан кўтарилмаган, куни битмаган.

Дадилланганимданми, қорним очикди. Устига устак, чанқадим. Адашиш бахтиқаролигидан қутулгандай, таранг-лашган асабларим бўшашиб, панароқ жойда яна ўтиргим келди. Яна бир қизилдан ўтай, Шўркўл кўриниб қолса ажаб эмас...

Дарвоқе, аввалги адашганимда, балки уни адашиш демаса ҳам бўлади, негаки, бир оқшомгина қолдим қум қўйнида ва тонг оқариши билан Оллои таоло йўлимни равон қилиб, манзилга йўллаб қўйган эди. Тавба, ўшанда ҳам тўртовлон эдик, лекин ҳамроҳларим адашишдан кўрқмасди, чунки бирортаси ҳам илгари адашиб кўрма-ган ҳаваскор овчилар эди. Унинг устига, ҳаммамизда мил-тиқ, қум ўзимизники, адашишга бало борми деган ишонч мавжуд эдиким, ҳеч икиланмасдан аввалига икки-икки бўлиб кетдик, аммо бирдан қандай қилиб яккаланиб қол-ганимни сезмай қолдим. Янги ёққан қорда изларимиз бор-лигидан кўнглимиз тинч бўлганми, ҳеч ҳайиқмасдан аж-рашиб кетаверибмиз. Оппоқ қорнинг аксидан қоронғи қан-дай тушдию қўшимиз қаёқда қолди — англамадим. Ва-ранглатиб ўқ уздим. Ўқнинг ақс садоси тугамай яқин атрофдан ўқ овози гумбурлади. Ўша овозга гўё жавобан олисроқдан яна ўқ овози гумбурлади. Албатта, бунинг ажабланарли ери йўқ, чунки қор ёққанда қумда овчи тўлиб кетади.

Тун нечоғлик қоронғи бўлмасин, бийдай қум юзини қоплаган қор оқлигида, қўлингга милтиқ билан кўрқув даҳшатига тушмаганинг билан, кечга бориб ялаза совуғи, мен-ку, пахталик тўндаман, қаранг-а, тунда тўндаман, яхши қофия бўлар экан, хўш, нима деяётган эдим? Ҳа, тунги совуқ суяк-суякларингни зирқиратиб, эсингни оғди-риб қўяди. Бу мулоҳазаларим, худди мен адашмаган-у,

бошқа бировга тааллуқлидай бемалол гапиряпман-а, тавба. Хў, инсон, кўзингни оч, қахрли қиш оқшоми, тунда адашдинг, отгани ўқинг бўлмаса, ҳали юпқа бўлгани билан қор бор, уни кавлаб қўналга қазининг ўзи бўлмайди, тагин осмоннинг юзи қорайиб, булутли уфққа туташиб кетяпти.

Кум бархани устига чиқдим, пастга тушдим, яна бемақсад юқорига чиқдим, тўрт тарафга аланглайман, бирор яқин атрофда йилт этган ёқти йўқ. Ана энди чинакамига ҳавл-хавотирга туша бошладим. Эҳ, номардлар-а, гулхан ёқишса, ўлиб қолармиди. Балки, кетишгандир. Бу фикрим нотабий бўлса ҳам ҳарна таскин-да, ўзимни ўзим юпата бошладим. Гумон иймондан айиради, деганларига ҳам унчалик қўшилгим келмайди. Ахир, ҳар бир ҳодисанинг яхши ва ёмон томонлари бор. Хўш, нега гумоннинг яхши тарафи бўлмас экан? Бирор ошнонгиз тўйингизга келмаса, яхши гумон қилиб, масалан, иши чиққандир, хасталангандир, уйида бирор янгилик бўлгандир, дея ундан хабар олсангиз, сиз яхши гумон қилгандай кечиримли сабаблар билан тўйингизга ташриф буюролмаганидан сиқилиб юрганини кўриб, кўнглини кўтарасиз, хурсанд бўлади. Ошнолигингиз аввалгидай бекусур давом этаверади.

Тўхта, дедим ўшанда ўзимга-ўзим, бу гумонларингни қўйиб тур, балки дўстларинг излаб, ўзларини қўярга жой тополмай юришгандир, буни эртага тонг отгач билиб олсан, буёғини нима қиламиз, қандай қилиб тонг оттирамиз? Ўтириб бўлмайди, бир жойда туриб бўлмайди, бор-е деб бошқа томонга қараб кетиб бўлмайди. Хўш, нима қилмоқ керак?.. Нима қилмоқ керак?.. Наҳотки қўшимздан шунча олислаб кетган бўлсам? Таваккал қилиб юраверайми?

Бежавоб ўйлар билан баландроқ қияликка чиқдим. Унда, бугунгидай эмас, қорда излар бор эди. Бирор овчи қадамига терс томонга қараб кета бошладим. Барибир, айтганимдай, совуқда бир жойда ўтириб бўлмайди. Гулхан ёқай десанг қор майдалаб элаяпти, сазоқ хўл. Қўналга қазини бефойда, негаким, қор энди патталаб ёға бошлади. Бу яхшилик аломати, тонг отса, осмон нурланади, куёш кўринади.

Ўшанда Худои таоло йўлимни оқ қилган экан, тонг сахардан булутлар сийраклашиб, осмон юзи ёриша бошлади. Кўнглим осойишталигидан, худди бир оқшом кум қўйнида сайр қилишим пешонамга ёзиб қўйилгандай, қаддимни ростлаб юра бошладим. Одам нечоғлик чарчамасин, барибир тонг — тонг, қаердандир ийинган кучдан руҳланиб, кайфиятинг ўнгланиганини билмай қоларкансан...

Бугун эса хушмавзун уйларга урин йўқ. Бийдай саҳро-да шамол қумни тўзғитганча қора булут подасини бир уфқдан иккинчи уфққа томон ҳайдаяпти. Наинки уйлаш, тўхташга имкон йўқ. Ботиний ишонч билан яна бир неча қизилдан ўтдим, лекин катта сувдан дарак топмадим. Бундай синчиклаб қарасам, сазақларнинг остки қисмлари йўғонлашиб, «сигирқуйруқ»ларнинг бўйлари баландлашиб боряпти. Бундан чиқди, мен Шўркўл томонга эмас, Марв, Тажан томонга қараб кетаётган эканман-да, деб ўйладим.

Қанча юрганимни билмайман, ҳолдан тойиб, кўз олдим қоронғилашаётганидан, ҳаётимда даҳшатли фожеа содир бўлганини илк бор ич-ичимдан ҳис этдим. Осмонга қарасам, тўфон аралаш қора булут, парранда дунёсининг безовта чархи, ерга қарасам, тўзон аралаш кум. Олти тарафим ҳам рангсиз, дунё аллақачон мендан анча йироқда ўз ташвишлари билан яшаётгандай, гўё мен бу дунёда йўқ, ер эса ўз меҳварида муқим, дунё гилдираги ўз маромида айланишда давом этмоқда.

Шу лаҳзадан бошлаб чинакамига бегоналанганимни туйдим. Бошимни осилтириб, мунғайиб турганча сал бўлса-да, чиқмаган жонга кўп сийлов даркор, шамолдан омонлик истаб, тўнимнинг бир ён ёқасини имкон қадар қулоғим устигача кўтардим, совуқ бодидан белим увишди. Тўнимни қайта туширдим, қўлимни белимга тираб ўтириб, дам олиш учун ўнғайроқ жой изладим. Шу пайт ён томондаги бўйдор сазақлик орқасидан кимдир мени имлаётгандай бўлди. Кўзларимни уқалаб йиттироқ тикилдим. Йўқ, ҳеч ким кўринмади. Ўша томонга боришга юрагим бетламади.

Яна кучая бошлаган шамолга бепарво юзланиб, бошқа тарафдаги сазақликқа қараб юрдим. Беихтиёр орқамга қарадим, бояги сазақлик орқасида турган одам тагин мени чорлаётгандай бўлди.

Бешотар қўндоғини ерга тираб, армиядагидай қаддимни ростладим, иягимни кўтардим, ўнг қўлим билан милтиқ дастасини маҳкам қисдим, чап қўлимни чап ёнимда тарангладим. Ажабким, не қилмоқ керак, деган фикр хаёлимга келмаганидан баттар ҳайратланганим сайин асабларим таранглашади, вужудим қотиб қолган метин ҳайкалдай қимир этмайди.

Ё, тавба, дадамлар-ку!

— Дада-а-а-а!...

Ё овозим чиқмади, ё дадамлар шамол сасидан эшитмадилар, бирпасда кўздан ғойиб бўлдилар. Карахтлигимдан асар ҳам қолмади, бўшашибгина дадамлар имлаган сазақлик ёнига бордим. Тушуниксиз саросималаниш аламида якка тарвақайлаб ўсиб ётган сазақликнинг атрофи-

ни айландим, сўнг ўзимни панароқ жойга мажолсизгина ташладим. Хўрлигим келди, беихтиёр кўзимдан ёш қуйилиб, бу кимсасиз дашту биёбонда ҳисларимни жиловлай олмадим, йиғлайвердим, йиғлайвердим...

Нимадир қимирлагандай бўлди. Ё, қудратингдан! Бор-йўғи беш-олти қадам нарида, пастак сазақлик тагида бир оқиш-кулранг қуён ётибди. Уйқудамикан, кўзларимга ишонмадим, ҳеч бўлиши мумкинмас, балки рўёдир. Магарам, қимирласам уйғониб қочиб кетадигандай, не қиларимни билмайман. Эҳтимол, ўликдир, таваккал, бешотарни апил-тапил тўғриладиму тепкини босдим. Қуён қум тўзони аралаш икки-уч одим жойга бориб тушганча қимир этмай чўзилиб қолди.

Бор экансан-ку, Парвардигоро! Дадамлар шу қуённи отиб олишим учун чорлаганмиканлар-а? Илдам бориб тириклигим нажотини топгандай қонга беланган қуённи бағримга босдим. Икки кундан бери сўлак нималигини эсидан чиқазаетган оғзим намлангандай бўлди. Шундай ҳам ютоқиб турган иштаҳам жунбушга келди. Қуённинг қонини сўра бошладим, лекин бу «қонхўрлик» тезда меъдамга тегди.

Ҳадемай қоронғи тушади. Гулхан ёқиш тадоригини кўриш ҳамда қуённи пишириб ейиш лозим, ҳали замон қумдаги тамоми йиртқич ҳайвонлар қон ҳидига йиғилиб келишади, мени омон қўйишмайди. Узоқ йили қашқирлар қуён терисини кўмиб кетган жойимиздан кавлаб олиб ейишгани ёдимда. Лекин гулхан ёқишга жилла бўлса ҳам имкон йўқ, шамолнинг боди баланд. Тунда балки пасаяр. Кўнглимни чўктирмадим. Дадамнинг ҳамишаги ихлосли ўғитлари мени қавийдил қилган эди.

*Сабру чидам инъикоси тарк этмаса гар,
Ёруғ кунлар, иншооллоҳ, бўлар муяссар...*

2

Иймоннинг куч-қудратини фароғатда, айшу ишратда яшаб юрган одамдан кўра, мискин, чорасиз, олти жиҳати вафосиз одам яхшироқ англаса керак, негаки, унинг шундан бошқа суянадиган муттакоси йўқ. Иймону ишончга ихлос ҳар қандай шароитда ҳам юракка далда, белга қувват берар экан.

Изғиринли, даҳшатли қаро тун қўйнида бешотардан ҳам қудратлироқ куч-иймон эканига, иймонсиз яшаб бўлмаслигига ич-ичимдан яна бир бор инондим. Тунда овга чиқадиган қашқирларга ем бўлишимни, агар бирор нарса отиб емасам, очликдан силлам қуриб, қум кўчкиси

остида умрбод қолиб кетишим мумкинлигини дилдан ҳайдайдиган куч-иймонни туб моҳияти билан англай бошладим. Шу сабабли, вужудимни маҳзуну мазаллатлик ришталари чирмовуқдай ўраб олиб, нотавонлик, ожизликдан мажруҳланган дилим равшанлашди, шиддатли тус олаётган совуққа беписанд ўрнимдан туриб, кечагидан кенгроқ, чуқурроқ кума қазишга, қўналга ҳозирлашга тутиндим.

Кечаги ғайратдан асар ҳам қолмаган, тезда чарчадим. Очлик ва сувсизлик тинкамни қурита бошлагани биринчи ҳаракатимдаёқ аён бўлди, бироқ яшашга бўлган умид, Оллоҳ таолога бўлган ихлосу эътиқод тўхташга йўл қўймади. Бу қазаетган кумам кечагидай тик қиялик ёнида эмас, катта сазақнинг пастки шохалари тегай-тегай деб турган қумликда.

Қаро тунга, бийдай саҳрога кўника бошладим чоғи, кечагидай ён-веримга қараб қўрқувдан ҳадиксирамайдиган, ҳуғию кўкқўтонларнинг бад товушларига анчайин эътибор бермайдиган бўлдим.

Ё, қудратингдан! Осмон ёришгандай бўлди! Шамол у ер-бу еридан чокини сўтиб юборган қорамтир булут орасидан ой кўриниб кетди. Бироқ, ойнинг қай буржда кўринганини англолмай қолдим, негаким, шу пайт мендан олисроқ бўлса-да рўпарадаги сазақликнинг шох-шаббалари орасидан ёввойи мушукнинг кўзлари ёвузона ялтираб кетдики, бунга дош беролмай нафасим бўғзимга тикилди, оёққўлимдан жон чиқиб кетгандай туюлди. Жон оғиздан эмас, қўл-оёқдан чиқиб кетаркан-да, деган хаёлга бордим.

Ой булут орасига кириши билан замин у замон қора либосга бурканди, ёввойи мушукнинг катта-катта кўзларидаги кўкимтир ялтираш ҳам ўчди. Барча турдош ҳайвонлар каби ёввойи мушукларнинг ҳам мана шу ойда кўялашлари, одам овозига менгзар нидоли чинқириқларини қаро саҳро уёқда турсин, қумга яқин қишлоқларда эшитганда ҳам кўнглинг беҳузур бўлади. Ҳозир негадир сас-самарсиз яқинимгача писиб келганини пайқамабман. Ой нурида кўзлари ёнишидан сал бўлмаса эсим оғай деди. Жонсиз қўлларимни бешотарга чўзиш қаёқда, шундайгина ёнимда милтиқ ҳам борлигини унутдим.

Даг-даг қалтирайман. Совуқ суяқларимгача зирқиратмоқда. Маҳси иссиққина уйда, юмшоқ, қалингина кўрпачанинг устида бежиримгина бўлиб, ярашиб тураркан. Аксарият вақтларда қумга маҳсида чиқиб, гулхан атрофида сезмаган эканман, совуқда, айниқса, тунги изғиринда бу матоҳ мутлақо ярамас экан.

Дадамлар ҳамиша бежирим маҳсиларини чиройли, жуда ярашиқли қилиб кийиб юргувчи эди. Атлас кўрпа-

чалар устига беозор қадам босишларида ўзгача бир салобат бўлар эди.

Менга боя нима демоқчи бўдилар? Ахир, имлаб чақирмаганларида бу кўён қаёқда эди? Гуё мен учун уни аллалаб ухлатиб қўйганлару ўзлари ғойиб бўлганлар...

Бугун менинг оғир аҳволда қолганимдан безовталаниб дадамнинг мадад бергани келганларидан вужудимдаги титроқ босилиб, руҳиятимда фархундалик юз очди. Дадам тирик пайтларида ҳам хусусан мен учун кўп азият чеккан, энди нариги дунёдан келиб яна менга мадад қўллари чўзяпти.

Қайси бир йили Наманганда арвоҳ капалакни кўрганимда хонадон соҳиблари:

— Шунақа, уйимизда бирор хафагарчилик бўлса ёинки қай биримизнинг хонадонимизга офат ружу қилса, дадамизнинг арвоқлари учиб келади. Аҳволимиз ўз изига тушиб кетгач, ғойиб бўлади, — дея маъюсгина гапириб беришган эди.

Шунга ўхшаш ажабтовур воқеа бир йили Огаҳий таваллуди олдидан содир бўлди. Ҳазрат мангу макон топган Шайх Мавлон Бобо қабристонидан икки-уч тасаввуф илмидан бохабар шеърят ихлосмандлари билан алломанинг ҳаёти, ижоди хусусида сўз юритиб, шеърү газалларини баҳоли қудрат таҳлил қилиб ўтирганимизда, кеч кузнинг салқинига қарамай, чиройли бир оқ капалак келиб менинг пешонамга кўна берди. Биз буни яхшиликка йўйдик, шоир руҳининг шодмонлигидан дарак деб билдик.

Элда ажаб бир хуш мантиқли ибора бор: «Ўтганларнинг руҳи қўлласин». Мен бу тилсимий ҳикматга кўп бора иймон келтирганман.

Машҳур хонанда Комилжон Отаниёзов билан тушимдаги учрашувим боис, у кишининг таваллуд тўйи ўтказилган эди. Ажабланарлиси, ўша тушни кўрган кунларим Комилжон ака билан боғлиқ бирор гап-сўз бўлган эмас. Тушни тонгга яқин кўрдим. Тушимда Комилжон аканинг эғнида оқ хитойи кител-шим, бошида дўппи билан тик бўйи чизилган суврати, уйимизга кираверишдаги болахонада турибди. «Ўҳ-хў!» дедим. «Бу сувратни Комилжон акага кўрсатишим керак, худди тирик этиб чизишибди-я!» Шарт туриб, Комилжон ака қўйилган Урганч туманидаги Иморатбува қабристонига бордим. Қаердандир қабристон қаровулими, шихими (шайх) чиқиб келди.

— Сизга ким керак?

— Комилжон ака.

— Отаниёзовми?

— Ҳовва.

— Ҳа, нишатасиз у кишини?

— Бир сувратини чизибдилар, худ тирикми дейсиз, шуни кўрсатмоқчи эдим.

— Қайтариб олиб келасизми?

— Ҳовва...

Ҳалиги одам оқ матога ўралган Комилжон акани даров айтиб чиқди.

— Ҳа, нима гап? — сўради мендан Комилжон ака.

Тезгина тушунтирдиму бирпасда уйимизга етиб келдик. Аслида, Комилжон ака ҳаммаҳалламиз бўлади. Шу боисдан унча ҳайратланмади. Аммо болаҳонага кўтарилиб, баланд бўйли сувратини кўргач, ҳайратини яширолмади:

— Ўҳ-ҳў, адаш, мени тирилтирибсизлар-ку!

— Рассомларга раҳмат денг, — дея ўтиришга таклиф этмоққа тараддуланиб турганимда, сал аввалроқ вафот этган, лекин устоз ётган қабристондамас, наригисида ётган марҳума бир танишимиз келиб, Комилжон акага, пастга тушинг, дея овоз берди.

— Адаш, энди кетмасам бўлмас, хабарчи келибди, — деди Комилжон ака ва зинапоядан туша бошлади.

Ташқарига чиқсак, битта машина турибди. Иккови ми-ниб жўнаб кетишди, уйғондим.

Театрга келиб (театрда директор бўлиб ишлардим) кўрган тушимни Комилжон аканинг суюкли шогирди Бекжон Отажоновга гапириб бердим. Кейин театр жамоасига айтдим. Катта қозонда ош дамлаб Комилжон акани хотирлаш маросимини ўтказмоқ ниятимизни вилоят ҳокимлигига билдирдик. Вилоят ҳокими Маркс Жуманиёзов дарҳол йил қайтарди:

— 1917-1992 — 75 ёш. Ў-ҳў!.. — деди менга анойи қараш қилиб. — Бу, Комилжон акам, ўз юбилейини ўзи ташкил этиб ётибди-ёв, а?

Маркс аканинг даъвати билан Комилжон аканинг катта тўйига тайёргарлик кўрилиб кетаберди. Устознинг сувратини худди тушимда кўргандай қилиб ишлатиб, саҳна тўрига осдик. Қиёмат тўй бўлди, театрда одам сифмади. Тавба, дейман. Ҳақиқатан ҳам, Маркс ака айтмоқчи, Комилжон аканинг ўзи тўйини ётган жойида ташкил қилмаганмикан, деган ўйга бормаи иложингиз йўқ. Шундай экан, авлиёлар, буюк инсонлар, оталар руҳи ҳамиша мададор бўлишига ким шак келтира олади?!

Дадамларнинг бугунги ташрифи бу аждаҳо қўйнидан омон чиқишимга ишора бергандай бўлди.

Хаёлларим шу ерга келганда, дадамлар олдидаги қарзларим қалбим тўридан сас бера бошлади. Қўлимдан келса-да, умрим бино бўлиб у кишининг иккита илтимоси-

ни бажармаганим қайдан ҳам эсимга тушиб баттар эзилиб, кўзларим намланди ва бирдан хўрлигим келиб йиғлай бошладим. Мен дадам вафот этганларида ҳам бунчалик кўп йиғламаган эдим. У кишининг ўзлари доим айтгучи эдилар: «Биров ўлганда йиғлашлик, Оллоҳнинг ҳукмига қарши чиқишлик демақдир. Ўзи беради, Ўзи олади, йиғлагувчи бўлманглар».

Қачон ва қай тақовул у кишининг айтганини қилмадим?.. Балки, дадамларнинг иккитадан ортиқ илтимосини бажармагандирман, лекин шу иккита илтимоси ва у кишининг масъум нигоҳлари ҳеч кўз ўнгимдан кетмаяпти. Аслида, дадамлар буюрмас эди, илтимос қиларди. Ўша хоксорликни ўз вақтида илғай олмаганимга ҳали-ҳали афсусланаман.

Ажабким, тирик пайтларида, ҳатто «дадамлар айтдилар» эмас, «дадам айтди» ва ҳоказо қабилида сўзлар эдим. Энди келиб-келиб бугунги кунда, улар оламдан ўтганларидан кейин «лар»ни қўшиб улуғлашим кимга керак?!

Дадам 84 йил умр кўрди. Вафотларидан сал олдин:

— Минг ой умр кўришимга озгина вақт қолганди-я, — дедилар.

— Насиб қилса кўрарсиз, элга ош берамиз.

— Э йўқ, насиб этмаяжак кўринади. Бугун аҳволим яхши эмас...

Эрталаб айтилган шу сўзларидан кейин бир-икки соат ўтиб-ўтмай, омонатини топширди. Худди тушдагидай. Кўрпа-тушак қилиб хасталаниб ётганини кўрмадик. Ҳамишаги одатларига кўра «мазам йўқ» ёинки «бугун таъсирим камроқ» дерди. Биз ҳам ўрганиб қолганимиздан баъзида бу беозор нолишларга унчалик эътибор беравермасдик. 1994 йилнинг 16 феврал куни пешинда бақо оламига риҳлат қилдилар. Қабрлари ўзлари таваллуд топган Гўжада, Ғойиб Ота қабристонидан...

Дадам доимо жилмайиб гапирарди, энг қизиғи, биз ака-укалар каттайганимиздан сўнг бизни «сиз»лайдиган бўлдилар. Биз томонларда оталар ўғил-қизларига «сиз» деб камдан-кам мурожаат қилади, шунданмикан, ё авваллари сенсираб, кейинчалик сизсираганлари учунми, бошқа ога-иниларимга қандай таъсир қилганини билмайман-у, лекин менга ҳеч ботмасди.

— Қўйинг, ака («дада» деганимиз), шу аввалгидай сенсираб гапираверинг, бу мурожаатингизда қандайдир сохталик бордек туюлаверади.

Индамасдан жилмайибгина бошларини «хўп» дегандай ирғаб кўярдилар-у, яна сўзлашганимизда тиллари «сен»га бормай, «сиз»лайверарди.

Оқ юзли, чиройли одам эди раҳматлик. Эскидан са-

водлари ажабтовур яхши эди, Сўфи Оллоёр, Маҳтумқули, Машраб ғазалларини арабийда ўқишни, дилига яқинларини чиройли ҳуснихатда кўчириб, эринмай куллийёт қилишни, ипак иплар билан шерозалаб, уларга мос тасвирларни топиб, ўзлари китоб қилган муқовага елимлаб, пардоз беришни, ёру биродарлари, айниқса шеърият ихлосмандлари йиғилганида овозларига сайқал бериб ўқишни хуш кўрарди.

Шундай беозор, маърифатли одамни, бирор марта овозларини баландлаб сўкмаган зотни наинки ранжитиш, ҳатто олдларидан кесиб ўтиш мумкин бўлмаган бир вақтда, икки маротаба ноъътимоллиғ ила сўзларини синдирганман. Эҳ, ўхшатиб, болахонадор қилиб бир сўкканларида ҳам ҳозир балки бунчалар эзилмасдим...

Алламаҳалда кўналға тайёр бўлди. Лекин ичига кириб ётишга менда на рағбат, на хоҳиш бор. Кўналға ҳозирлашга андармон бўлиб сал қизинганим ҳам тезда ўтиб кетди. Оёқларим совуқдан юрагимга тушиб, азоб бера бошлади. Юриб, ер депсиниб қиздирай десам, мадор йўқ, гулхан ёқай десам, шамолнинг «шинг» ламаси баланд. Унинг устига, кумда неки махлуқ бўлса, тўфон ичра ови бароридан келмай бир-биридан баланд увлайди. Мутлақо чорасиз бир аҳволда бешотарни олиб, кумадан чиқдим-у, лекин шамолнинг бодига бардош беролмай ўзимни яна кума ичига олдим.

Бу не бедодлик, эй Худо! Адашганим етмагандай, бу не кўргуликким, на кўз юмиб бўлади, на очиб! Бало ва офатларингга сабрим етармикан? Чидамнинг ҳам чегараси бор, эй Худовандо! Ўзинг тўзим бер, тоқат бер, имдод бер! Бешотарни қаптолимга яқинроқ қўйдим. Тишим-тишимга тегмай дадамлардан илк ўрганган «ихлос» сурасини овоз чиқариб, нола қилиб ўқидим: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Қул ҳуваллоҳу аҳад. Аллоҳу сомад. Лам ялид ва лам ювлад ва лам якуллоҳу куфуван аҳад».

Оз бўлса-да ором топгандай, кум ҳам бир қадар тинчлангандай бўлди. Қайтарган калимам руҳимга илиқлигу таскин ато этган эса-да, борган сайин қорним очиқиб, ялаганим куённинг қони кўнглимни беҳузур қила бошлади.

Шукр, шамолнинг шингламаси пасайгандай бўлди. Гулхан ёқиш учун шох-шабба йиққанимда ҳам куённи бағримдан қўймадим. Оч бўри оловдан кўрқмас деганларидай, қон ҳидига чор тарафдан ёприлиб кела бошлаган махлуқлар, ғайритабийй овозда увлай бошлади. Мақол жонидан тўйган бўри ҳақида тўқилган бўлса бордир, аммо бирорта махлуқнинг олов яқинига келишга юраги дов бермади.

Сайру салиқага, жиндай имкониятдан завқ олишга ўчлигим қўл келди. Гулхан ловуллаб ёнди, теварак-атроф янада қоронғилашиб, гулхан теграси ёришди, қум махлуқоти овоз бериб, қўрқиб-пўсиб, бу мўъжаз ёқтиликқа яқинлаша бошлади. Бешотарни шайладим. Ҳақинг бир сочма!

Қуённи теридан чиқариб ўтиришга тоқатим етмади, бир ён биқинидан бир парчагина эт узиб олиб, олов четидаги чўққа ташладим. Жиззиллаб жизганак бўлган этни пишганигача кутмай, бир луқмани амаллаб узиб олдим у апил-тапил чайнаб-чайнамай ютдим.

Қўлларим қалтираб, яна бир оз эт кесиб чўққа ташладим. Кейинги луқмаларни сал пишириб едим. Э, хом эт еб бўри ўлмаган, деган фикр хаёлимдан ўтиб-ўтмай атрофимда пайдо бўлган бўриларнинг совуқ нафаслари димогимга урилгандай бўлди.

Бешотарни қўлимга олиб қаддимни ростладим. Қашқирларнинг ириллаган товуши сазақлиқ ортидан кела бошлади.

Олов ва милтиқ бўлмаганда қуён билан бирга мени ҳам ейиш пайида сўлакларини оқизиб ириллаётган қашқирларга нисбатан қандай чора кўриш мумкин?!

Шу пайт қайдандир гумбурлаган ўқ товуши эшитилди. Мендан бошқаям адашган бандаи ано бор экан-ку! Бировнинг адашганига суюниб шукрона этишлик ожизлик белгиси бўлса-да, бу мудҳиш саҳрои арзда ёлғиз эмаслигимдан бирнав қувондим. Азбарои шодмонлигимдан тепага қарата ўқ узмоқчи бўлдим-у, лекин ўқим саноғли...

Барибир бўри — бўри-да, унинг устига оч, энди мени ўз ҳолимга қўймаса керак. Йў-ўқ, ота-боболар ҳар бир мақолни билиб тўқишган: «Оч бўри оловдан қўрқмас». Чала-чулпа еган луқмаларим қуввати, қашқирларнинг нанки ризқимга шериклиги, балки ҳаётимга солаётган таҳдиди ўлароқ вужудимга бир қавий куч келдиким, гулханга шох-шаббалар ташлаб оловни сал баландлатдим-да, йўғонроқ «сигиркуйруқ»нинг нозик томонини ўтга тиқиб қизартирдим. Бир қўлимда бешотар, бир қўлимда найзага менгзар йўғон косов, катта савашга кираётган алплардай кўзим қонга тўлиб, овозим борича «Ёғийларга ўлим! Қирилсин қашқирлар!» дея ҳайқариб йиртқич душман устига ташландим. Ҳаёт-мамот жангида иккиланиш, қўркув фалокат манбаи эканини идрок этиш бошқа, уни амалда исботлаш бошқа.

Менинг ҳозирги ҳолатимда қаршимда қашқирлар туғул, йўлбарслар бўлса ҳам орқага қайтадиган эмасдим. Ана шу даҳшатли важоҳат менинг биринчи ғалабамни узил-кесил таъминлади. Қашқирлар маълум масофага беталофот чекинди. Бироқ, ғалабам нашидаси узоққа бор-

мади, бундай қарасам, қон ҳидидан қашқирларнинг қони қайнаб, увлашганча мен томон отилиб келяпти.

Уларни яқинроқ келтириб, бахт таваккалига бир ўқ уздим. Замин-зумон бир бўлди. Ўқ сочма эмасми, биттаси ярадор бўлди шекилли қаттиқ чинқирди, бошқалари жонини ҳовучлаб тум-тарақай қочди. Бу чинакам галаба тунги олишувларга катта нуқта қўйди.

Ҳовури пасайган гулхан ёнида авайлабгина қўйганим бешотарда иккита ўқ бор. Куённи аста-секин теридан чиқаряпману хаёлим охирги ўқда. Миямни маҳзун хаёллар чулғай бошлади. Наҳотки умрим ниҳоясига аталган ўқ ёнимда ётган бўлса?.. Бировники сувда, бировники ўтда дейишади-ку.

Ҳазин хаёлларимга андармон бўлиб, теридан чиққан куён гўштани чўғда пишириб чайнаяпман. Бунчалик ширин бўлмаса-я! Тузсиз бўлса ҳам юмшоққина мирға, хуш таъми бир умр оғзимда қоладиган бўлди. Энг қувонарлиси, яна қалбимга ҳаётга ташналик туйғуси ийнди.

Қорин тўйса уйқу келгувчи эди, аксинча, кўзларимни уйқу тарк этди. Тонг оқаришини, кўнглим ёқтиланишини илҳақ кута бошладим.

«...Тарки хоб, тарки хоб...» «Соғар тўла қўйди...»

*Ичиб, фарёд этиб, тушдум аёқиға бориб ўздин,
Мени йўқ бодаким, лутфи ани масти хароб айлаб...*

Навоий ҳазратларининг фарёдларига сабаб не экан?

Айтишларича, Довуд айлайҳиссаломга шундай ваҳий келмиш: Оллои таоло муҳаббат эгаларига икки хил фазилат насиб этади — бири ваҳбий, иккинчиси касбий. Ваҳбий деганда, Оллоҳ таоло ҳадя этган фазилат тушунилади, касбийда эса Оллоҳ дийдорига ўқиш, ранжу риёзат, тарки хоб ила етилади.

Чўғнинг тафти, бўлдамлигина куён гўштани паққос туширганимданми, тонгга яқин кумага ҳам кирмай, ўчиб қолган гулхан ёнида мизғибман, ғозларнинг безовта чархидан кўзимни эринибгина очдим, осмон оқармоқда эди.

Шунчалар кум, кўл сайрига чиқиб, тонг қоронғусида ғозларнинг бу қадар паст учишини кўрмаган ҳам, эшитмаган ҳам эдим. Кундуз гамини ейиш учун бешотарни аста ёқтилаётган қизил устига қаратдим. Қанотлари қизил чўққисига тегай-тегай деб кўтарилаётган ғозларни мўлжалга олдим. Олдинда учиб ўтганларини отмадим. Сўнгра уч-тўртта ғоз ёнма-ён кўтарилди. Мўлжални битта ғоздан ярим қулоч олдин олиб ўқ уздим, «шувв» этиб орқамдаги қизил қияликка тушди. Ўқ ўрдакдан унча катта бўлмаган ғознинг бўйни остидан тегибди, бошини узиб, чуқур-

роққа кўмдим. Ҳозиргина тўшини шамолга тутиб, бежавотир мағрур учиб бораётган жониворнинг боши кум остига кирди. Беихтиёр ўйладим:

*Беҳудуд кўкдаги қушларнинг баланд
Парвозига ҳавас қилманг кўнда ҳам.
Сизнинг-ку, ердадир этгувчилар банд,
Уларнинг сайёди ер-у, кўкда ҳам.*

Тонгни бу қадар саховатли отади деб хаёлимга ҳам келтирмаганман. Оллоҳнинг марҳамати бисёр, Ўзингга шукур! Отилган ўқлар саногини эшлашга юрагим бетламади. Яна битта ўқ бор, дея кўнглимга таскин бердим. Инсон юрагида ҳамиша иккита бир-бирига қарама-қарши ҳис-туйғу ёнма-ён тураркан; шу чоқда эзилган вужудимга қувват, чарчоқ руҳимга дадиллик ийнди.

3

Уфқ юзи ёриша бошлади. Қуёш кўтарилиши билан йўлни топаману ғозни кўтариб, уйга равона бўламан, деган фикрдан дадилландим. Ҳарқалай, уйдан милтиқ кўтариб чиққанман, қуруқ кириб борсам уят бўлмайдими?

Мана, уч кун бўляптики, адашганимдан уйдагилар қон йиғлаб ўтиришгандир, тирик кириб боришимнинг ўзи улар учун катта давлат, деган гап бирёқда қолиб, қуруқ кириб боришим менга ўнғайсиз бўлаётганига нима дейсиз?!

Осмоннинг ёришаётган томонида булутлар юпқалашиб, уфқ юзига тонг ёруғлиги — сапида дами жамолини ёяётган тараф кунчиқар бўлса, тўғри кетаётган эканман-ку, дея баттар суюндим. Э, мен ҳам анойи синчи эмасман, қандингни ур, овчи тўра!

Сал фурсат ўтмай уфқ юзи тундлашиб, булутлар қалинлашди. Қалинлашса қалинлашар, қайтанга салгина қуйиб берсайди, олам яшариб, юз-қўлимни ювардим, сувсаганимни қондирардим. Фархунда хаёллар оғушида ҳеч иккиланмасдан дадиллашиб қиялигу паст-баландликларни беписандлик билан ортда қолдириб, манзилига шошаётган отдай илдам одимлаб кетавердим.

Тириклик мезонига шак келтириб бўлмас экан. Қаттиқроқ севиндим чоғи, кум четига интилганим сайин сахро юзи ўзгариб, мозийга одимлаётгандай маъюс ҳолатга тушиб боравердим. Субҳи козибда, ой ботаётган томонда уфқ юзига билинар-билиномас қизғишлик югуриб ёришганини, мен мўлжалга олиб кетаётган томон кунчиқармас, кунботар эканини ўйлаб-да кўрмабман. Ҳатто билга-

нимда ҳам балки руҳим тетиклигига губор қўндиришни истамасдим.

Мен қум четига эмас, аксинча, анча ичкарилаганимни, аввалроқ эътибор бермаганим қумтепаликлар баландлашиб, «кол»лар кенгайиб, йўғон-йўғон сазақларнинг қалинлашиб бораётганидан сездим-у, оғзим қуруқшаб, оёқ-қўлларимдан мадор қочди.

Қибланамо (қибла томонни топишда ишлатилгани учун шундай атаганлар) — компасиз қум-сахро ичкарисига киришлик телбалиқдан бошқа нарса эмаслигига ишонишдан ўзга иложим йўқ эди, қумни билағонлигимдан асар ҳам қолмади.

Елкамда битта ўқи билан бешотар, қўлтиғимда боши узилган ғоз. Чамамда, тепаликлар узра баландроқ кўринган қумтепаликка чиқиб чор тарафга синчиклаб разм солдим. Ҳаво совуқ бўлиши билан шамол анчайин пасайганига қора қаргадан бўлак учаётган нарса кўринмайди.

Келган йўлимдан орқамга қайтиш режасини тузиб олиш учун сершоҳ бир сазақликка қараб юрдим. Қарши тепалиқдан тоғдай икки туя оғизларидан қўпик сочиб, изинма-изин, ҳансираганча чопқилилаб тушиб кела бошлади. Ўзимни зўрга сазақлик тагига олдим. Улар бу ерда менинг ҳам борлигимни пайқашмади, ўзимни четга олмаганимдаям мени кўрадиган даражада эмасдилар.

Шу кунларда қумдаги барча махлуқотнинг урчийдиган, жуфтига етишиш, тилагини амалга ошириш йўлида ҳеч нимадан қайтмайдиган даври эди. Мутаҳаввир, дадил, истагига етишолмаса ғазабли увлашлари сахрони бузарди. Тунги ошиқ-маъшуқлик, изҳори муҳаббат уларнинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйгандай эди. Буни ҳозиргина ҳансираганча оғизларидан қўпик сочиб ўтиб кетган туяларнинг аҳволидан ҳам билса бўларди.

Авваллари қумдаги бевош туялар мана шу ойда қўйлагани боис, ваҳшийлашадиган, айниқса, ургочиларининг ниҳоятда бераҳмлиги, рубарў келган одамни тагига босиб янчиб ташлаши ҳақида кўп эшитганман. Лекин, бу қадар ҳирсли чопқилашларини ҳеч кўрмаган эдим. Орқамга қайтмай, турган еримни синчковлик билан ўрганиб тураверганимда нима бўларди, шуни ўйлаб, даҳшатдан нафасим қайтиб кетди.

*Ўтиб ғори панода дийдаи элдин ниҳондурман,
Жунун тугёнидин тийри маломатға нишондурман,
Бу ҳолат бирла гар афсонаи аҳли замондурман,
Кезарман ишиқ шахристониди, бир карвондурман,
Матои ҳусн олурға жон бериб ҳар сў равондурман...*

Туялар кетган томондан «Катта суворий» оҳангида Партавнинг нолаши келгандай, вужудимда хўрсинишга менгзар навҳаи нолонлиғ туғён урди. Кум ичкарисига неқадар ичкарилаганимнинг яна бир нишони бўлмиш туяларга ҳавасим келди. Оламда икковидан бошқа тирик мавжудот йўқ, тўрт ёғи қибла, хобхоналари кўз илғамас кенглик, фақат ноқай нофармонни бўйсундирмоқ, йўрғалатиб эргаштирмоқ учун нор тўра қавий қадам бўлса бас...

Негадир яна «Катта суворий»ни сингсиб, ғозни қўйнимга босганча бугунги тун қўними учун янги қўшқўналғани шу ерга ташлаш фикри борлигимни қамраб олди. Кума қазмадим, хаёлимда гулхан ёқаман, ғозни теридан чиқариб, кечагидай чўғли кулга булаб емасдан, кабоб қилиб ейману уйга жўнайман, деган илинж кетмаган. Шу иштиёқ билан паккини чиқариб, эринмасдан юлғундан бир неча сих ясадим, йўғон-йўғон чўғбоп сазақларни йиғиб, гулхан учун шай қилдим. Бир вақт ўзимга қулоқ қўйсам, бамайлихотир, ҳеч қаерга шошмайдиган одамдай «суворий»ни хиргойи қилиб, катта гулхан учун ўтин қалаяпман.

«Хў, боқи беғам, ҳадемай қоронғи тушади, ғознинг ҳидига шериклар кўпаяди, қолаверса, ташналик силлангни қуритиб боряпти. Очликка-ку, бир амаллаб чидашинг мумкин, лекин сувсизликка дош бериб бўлмайди». Ғозни тамомила теридан чиқармай, бир оёғини кесиб, чўғда пиширдим. «Қолганини бағринга босу бу ердан тезроқ кетиш тадоригини кўр» — олис-олислардан элас-элас келган бу ҳукмона қавлдан сесканиб кетдим. Уёқ-буёққа қарасам, саҳрога хос сокинлик, ҳеч ким йўқ, демак ботиний нидоимдан сесканибман. Жинни-пинни бўлиб қолмадиммикан, дея турли аъзоларимга буйруқ бериб бошимни, қўл-оёқларимни қимирлатиб кўрдим, йўқ, бариси жойида, ишқилиб, буёғига Худонинг ўзи асрасин.

Этни жунжиктирадиган совуқни ва энди кум четидан хийли ичкарида, бешотардаги биттагина ўқни ҳисобга олмаганда қулоқни шанғиллатадиган ёлғизликнинг (ҳатто руҳни тозалашга хизмат қилсаям) даҳшатини айтмасангиз, гулхан ёнида бемалол оёқ узатиб ҳузур қилишга ундайдиган бундай овлоқ жойни кум этагидан топиб бўлмайди.

Бор-е, дедиму оловни гуриллатиб юбордим. Ота-боболар ботарга эмас, отарга юр деганлар. Ҳадемай тун қоронғилашади, барибир бир жойда тунаш керак, шу ердан яхшиси йўқ, қоринни тўйдириб, шамол ҳам анча пасайди, тонгни кумада оттираман-да, келган йўлимдан орқамга қайтаман.

Ғозни кўл ёқасида, ё сўвға¹ тупроқ бор жойда бўлса-ку, нечоғлик чиройли қилиб пиширишни билардим-а... Оғзимга жиндай нам келди. Кўл ёқасида бўлганда ғоз кетини йиртиб, қўлингиз билан ичак-чавоғини суғуриб оласиз, тозаланган ич томонига айлантриб туз суртасиз, сўнгра патига бирма-бир оқ лой шуваб, кичкина чуқурчада ёқилган сазақнинг чуғи устига шувалган ғозни қўйиб, устидан оловни гуриллатиб, хумбузда хом гишт пиширгандай тобига келтирасиз. Оловдан олинган ғознинг пати лой билан бирга қўпчиб-қўпчиб тушади. Тузи ҳам маромида, шўртақкина, борлиқ шираси билан оғзингизга солган заҳоти эриб кетади жонивор.

Бундай неъматни емабсиз, дунёга келмабсиз. Ғоз ўрнига ёввойи ўрдак бўлса-ку, таърифига тил ожизлик қилади. Бироқ буларнинг бирортаси ҳам йўқлигидан ғозни орқа тешигини йиртиб, қўлимни ичига суқиб, ичак-чавоғини суғуриб олдим, патларига тегмадим, аввал битта оёгини, сўнг ўлтириш бўлса — шоҳона бўлсин, дея иккинчи оёгини пишириб едим.

Кўлбола косов билан оловни титкилаб ўтирганимча оғздан кўпик сачратиб бораётган туялар яна кўз ўнгимга келди. Жоним қил устида турган бир пайтда (ахир, улар хушига келишгач, одам исига қайтиб келмайди, деб ҳеч ким кафиллик беролмасди) мени доимий ҳайратга соладиган ажиб мантиқ устида ўйладим.

Ҳайвонлар ва одамларнинг ишқий муносабатидаги умумий муштараклик бўлса-да, нияту ғаразларида осмону ерча фарқ бор. Чунки инсон — инсон, ҳайвон — ҳайвон-да, дейишингиз мумкин. Бироқ, мени ҳайратга соладиган бошқа важ мавжуд: тўқсон тўққиз фойиз ҳайвонлар бир йилда бир ёхуд туғиш мавсумига қараб икки маротаба насл орттириш учун қўшилса, одамларнинг тўқсон тўққиз фойизи йил давомида (аёлларнинг сақланишини назарда тутяпман) бунинг тескариси ўлароқ жинсий алоқа қиладилар. Хиёнатда ҳам шундай: айрим ҳайвонларнинг жуфтига содиқлигига энг садоқатли одамлар ҳам тан берса керак.

Отлар ва уларнинг ишқий яқинликлари тўғрисида беҳисоб рисоалар, мақолалар битилган. Инсоннинг яхши-ёмон кунларида доимий ҳамроҳи бўлган ажойиб жониворлар ичида «ўзиники»дан бошқасига қарамасликларини, наинки англаш, балки мушоҳада қилишга ҳам одам ожизлик қилади. Қишлоғга жамланган уч минг, тўрт минг отни эрта кўклам яйловларга ҳайдашдан олдин тўп-тўп

¹ Сўвға — қазув пайтида ариқ ва анҳорлар тубидан чиқариладиган балчиққа сўвға лой, қуриганига сўвға кесак, шўри ювилган, қониқ унумдор тупроққа сўвға тупроқ дейилади.

қилиб қўраларга ажратишади. Ҳар қўрада ўн-ўн иккита бия, битта айғир жойлаштирилади. Шу ҳолатда икки кун сақлашади, «танишувдан» кейин ҳаммасини бир қилиб яйловга ҳайдашади. Йўлда ягона уюр бўлиб боришгани билан яйловга келишгач, ҳар айғир ўзининг таниш биялари билан бир жойга ёйилади. Кўйи-кези келган байталга чопади, бошқа тўпдан на айғир, на бияни йўлатмайди, бўлса-бўлмасга чакки ҳаракат ҳам қилавермайди. Одам ақли етишмайдиган ажиб ибрат...

Бундан қирқ йилча муқаддам, талабалик йилларимдаям кўкламда иккита икки ўркакчи туяни кўрганман. Улар ҳам бу ёруғ дунёда ўзларидан бўлак ҳеч кимни кўришмаган. Биз — ёшгина йигитлар номус қилиб юзимизни тескари бурардик. Улар эса мағрур ҳансирашиб чопқилашарди.

4

Турли олий ўқув юртларида ўқиётган ҳамқишлоқ талабалар Табассумни исқанжага олишса, у булар нима деб вайсаяпти, дея ҳайратланар, ўзининг Сиёвагини еру кўкка ишонмас эди. Нимадан уялиши керак, ахир, у ҳам муsulмон, қора бола туғсанг уйланаман, деган эмиш. Қаранг-а, Сиёваш Табассумга ишонмайди-ю, Табассум эса чет элдан келган Сиёвашга нечун ишониши кераклигини ўйлаб ҳам кўрмаган.

Ноқи туя Қоранордан айб излаганни еб-янчишга тайёр. Икки сармаст — оқу қора, оғизларидан оппоқ кўпик сочиб, яширин-очиқ айшини сура бердилар. Табассумфки, Табассум қора эмас, оппоққина ўғил туғди. Сиёваш уни хиёнатда айблаб, уйланмоқ уёқда турсин, бутунлай ташлади. Табассум юзини тирнади, сочини юлди, қон қақшади, йиғлади, ўртаниб дилини тиглади, фойдаси бўлмади, ўзи-ўзини адо қилди, дардини бировга айтолмади.

Сиёваш институтни тугатиб юртига кетди, Табассум ўғлини олиб қишлоққа боролмади, аллақерларда ишлади, хотини билан ажрашган одамга эрга тегди, бола кўрди ва йиллар ўтиб, Сиёвашдан туғилган оппоққина, сочи жингалак бола ҳам уйланди.

Ҳамма фожа оппоққина, сочи жингалак йигитнинг хотини туққанда бошланди. Оппоққина, сочи жингалак йигитдан қоп-қорагина сочи жингалак ўғил туғилди.

Табассумнинг Сиёваш ила ишқий мажоросидан беҳабар оппоққина, сочи жингалак йигит тонгдай покиза, илк кушод гулдай беғубор хотинини хиёнатда айблади, ҳатто туғуруқхонага ҳам оёқ босмади.

Ноқи туянинг оғзидаги ҳирсий кўпикларга гап топиш балки инсофданмасдир, ахир, у ҳайвон, Табассумнинг кўпикларига ҳам бирор нарса дейиш қийин. Ахир, у ҳам одам, тирик жон: алдамчи эркалик нашидаси юзини ёқти-лантирувчи ҳирсий жунбуш осий бандага-да лойиқ кўрил-ган.

Баъзан содир бўлмиш баҳорий беижтиноблиғ қусури-нинг фарзанди-беибоблиғ, бутун умрига зомин бўлишини ўшанда Табассум наинки ўйлаб кўриш, ҳатто унинг учун ўйлаганларни ҳасадгўй, ёғий деб билди, улардан аразла-ди, ранжиди.

Тақдири азал ўйинларининг турфа нагмаларига бар-дош бериб, йиллар ғубори қатламларида пардаланган дил дардлари оғриғидан энди фориф бўлдим деганда туғуруқ-хонадан келган шум хабар, Табассумнинг жисми-жонини куйдирди. Чорасини топмаса, учта оиланинг бахти дарз кетиши турган гап.

Хўш, ҳақиқатни уларга қандай тушинтиради? Тўғри-сини айтса, эрини, ўғлини, қудаларини, элни алдаган бўлади. Тўғрисини айтмаса, номуста чидамай ўғли ўзини-ўзи осиб қўйиши ҳам ҳеч гапмас.

Неча тунларни бедору мискин ўтқарган Табассум охир-оқибатда бир тўхтамга келди, тўғрисини айтди.

Зоҳиран унут, ботинан дилидан батамом ўчиролмаган Сиёвашнинг манзил-маконига хат йўллайди. Шундай-шун-дай — кел, неварангни кўр, қоп-қора тўмозон, дейди. Менинг поклигимга ишонмаган сен бебурднинг насли, тинчгина умргузаронликда яшаётган оиламиз шаънига рах-на соляпти. Неча йиллар ўтиб бўлса ҳам Табассумнинг Сиёваш олдида юзи ёруғ, иймони пок бўлишини ўйла-гани сари кўзларига аламли ёшлари қуйилиб келаверди...

Табассумни таниганим учунми, ё ҳозирги ҳолатимда кўнглим бўшлигиданми, унинг ҳаяжонидан менинг ҳам кўзларим намланди. Шу хаёл оғушида кўзим илинибди.

5

Бағримга пати юлинмаган ғозни маҳкам босганча қанча мизғиганимни билмайман. Гўштни пишириб ейиш асно-сида кўрсаткич бармоғимнинг ёни ўтда қаттиқроқ куйган эканми, ийига (оғриғига) кўзимни очсам, саҳрога қорон-ғилик чўка бошлаган эди. Намчил, рутубатли ҳаводан этим увишиб, бошим лўққилляпти, қулоғимда бир олам жа-ранг акс садо бериб турибди. Тупук билан бармоқдаги оғриқни босиш мумкин, лекин оғзимда шунга етгулик тупук қайда. Куйган жойга тилимни босдим, оғриқ сал-пал босилгандай бўлди.

Дард кетгунча дард, деб шуни айтадилар-да, бармогим ийи пасайгач, худди енгилгина саролаб, хобхонага кирадигандай киромийвашлиғ ила керишдим. Қани ўша хобхона, қани пешоб, жиндай бўлса-ку, ичиб ташналигимни қондирардим. Яхшиям тер чиқмас совуқ, йўқса, аллақачон тинкаларим куриб, чўзилиб қолармидим.

Ҳавонинг рутубатидан эҳсон тилаб, аввалига ёқар-ёқмас қизингандан кейин тўнни ечиб, қўналға қуришга киришиб кетдим. Вақтни бекорга ўтказиш мумкин эмас, беҳавотир кумани белсиз, болтасиз қуриш оғир юмуш. Унинг устига, совуқ билан баробар яна шамол кучайяпти.

Қўналгани чўбкори уй мисол қилиб қуриш учун йўғонлиги ҳеч бўлмаса одамнинг болдиридай, жуда бўлмаганда, билагидай «сигиркуйруқ» ёхуд «сўзан» ходалари керак. Оддий сазак ҳам бўлаверади, лекин «сўзан» билан «сигиркуйруқ» қувватли бўлганидан кума пухта чиқади. Урушда аскарлар пухта қилиб қурилган ертўлаларда ўқдан жон сақлашганини киноларда ким кўрмаган дейсиз.

Худди катта савашга тайёргарлик кўраётган сипоҳилардай ишга киришиб кетдим. Аввалига йўғон ҳодабоп шохларни синдириб келавердим, кейин бир чеккадан майда шохчаларни танасидан айирдим, мўлжалимда етадигандай бўлгач, ходаларни бир-бирларига чапиш, ён-бошларига тиқиш, қолаверса, тўшак вазифасини ўташи учун қўналға тагига тўшашга кучоқ-кучоқ салин йиғиб келдим.

Энди асосий иш — чуқур қазиш олдидан бешотар қўндоғи устига ўтириб, нафасимни ростладим.

Ўтираберсам, тургим келадиганмас, инқиллаб ўрнимдан турдим. Энди кенг қилиб чуқур кавлаш лозим. Шамол кучайса буюм осон кўчмайди. Чўккалаб ўтирганча кенгроқ олиб кумни кавлайвердим, қора терга ботиб, қаддимни бирров ростладим, белимнинг зирқирашидан инграб юбордим. Аммо совиш мумкинмас, ишлаш керак, йўқса, қотма бўлиб қолишим ҳам ҳеч гапмас.

Қўналганинг тўрт томонига (қибла томонида кичик эшик жойи қолдириб) қувватли эгри-бугри ходаларни тикиб, устига хода ёйдим-да, барисини салин билан пухталаб чатдим. Тик ходалар орқасига қалингина салин босдим, кумни пушталаб девор қилдим. Кума томигаям қалин қилиб салин ёйиб, устини кум билан баракатли этиб кўмдим. Ҳатто ёмғир ёрсаям ўтмайдиган кумага энгашиб кирдим, тагини ояларим (кафт) билан текислаб, мўлгина салин тўшадим. Агар биттагина шам бўлса, бемалол ижод қиладиган мўъжазгина ётоқ қад кўтарганини кўриб алланечук мағрурликданми, вужудимдаги тамкину таскинлик замирида барча чарчоқликларим ёйилиб, тир-

ноқларим остидаги юрагимга тушиб турган оғриқлар бир қадар пасайгандай хаёлланиб ўтириб қолдим.

Кумадан чиқиб, гулхан остида уйилиб қолган қипқизил чўғларни косов билан аввал эшик олдига яқин тортдим. Ярим белим билан ичкарилаб, ётганда белим турадиган жойни мўлжалга олиб, қалин тўшалган салинни икки ёнга четладим. Сўнгра кул аралаш йирик-йирик чўғларни аста-секин кума ичига олдим. Чўғнинг шуъласи қоронғи кума ичини шафақлантирди. Эртақлар қаҳрамонидай елкаларимни кердим, осмон кенгликларига далерона тикилдим. Булутлар бунча оғир ва паст бўлмаса, дея ўйладим ичим сиқилиб.

Сархуш кайфиятимни бўғмаслик учун кума эшигини кўмиб анчагина кичрайтирдим ва эмақлаб ичкарига кириб, ичкарисидан шох-шабба билан яхшилаб маҳкамладим. Кумга араллашиб ранги ўча бошлаган чўғларни кум остига кўмиб, устидан қалингина кум тортиб, салинни қайтадан тўшак қилиб тўшадим. Бошим остига куму салиндан «ёстик» ясадим. Кума ичи бирпасда қизий бошлади. Худди русларнинг печкаси устида ётгандай тани-баданимга иссиқлик югурди, энди маза қилиб мизғиб олсам бўлади...

Учинчи боб

1

Ҳар ошоқнинг ўз тўри, ҳар қоронғуликнинг ўз ёғдуси бор, деганларидай, кума ичига кўзим ўргангандан кейин уйкум қочди. Кундузи гулхан ёнида бирор жойимни кесиб кетсалар ҳам билмас даражада қаттиқ ухлаганимдан бўлса керак, албатта.

Ётиб ғори панода дийдаи элдин ниҳондурман...

Бошқа ерларни билмайман-у, лекин Хоразмда «ф» харфи деярли ишлатилмайди. Фалон-палон, фасод-пасод ва ҳоказо, бироқ Партавнинг юқоридаги ғазалида аслидаям «п», яъни панада, кўздан четроқда, дейилган. Эл эса — халқ. Хўш, халқнинг кўзидан яширин бўлсам-да, Оллоҳ таолонинг назаридаман-ку! Барча хатою саҳвим, савобу гуноҳларимни Ундан яхшироқ биладиган бирор зот йўқ-ку ахир, бу ёруғ оламда. Шундай экан, билиб-билмай қилган журму исёнимни Ўзинг кечиргил, дея илтижо қиламан! Бир парча этлигимдан вужудимга муҳаббат тухмини сочган ҳам Ўзингсан-ку! Ёруғ оламини суйдирдинг, завқ-шавқ билан яшашга рағбат этдинг. Севдим.

Ўзингдан ўзга ишқдан мосуво этдингмики, мажозий жунунлик хилъатини кийишга, бутун борлигим билан муҳаббат баҳру уммонига шўнғиб кетишимга изн бермадинг. Қалбимда ақлимни йўқотадиган ишқ деган тилсимий туғён ҳаддидан ошиб кетгани йўқ, ҳамиша эҳтиёткорлик, кўринар-кўринмас андишалар исканжасидан халос этмадинг. Барибир адашишларим беҳисоб...

Опамнинг опаси (ойимнинг ойиси) — Норжон момом кўп айтгучи эдилар:

— Парвардигорни Ўзи адаштирамагай, адашмаган банда бўлмайди, Ўзи адаштирамагай.

Беш-олти яшар бола бўлганим учун бу гапларнинг маънисини илғай олмай:

— Ўзи қандай адаштиради, момо? Қўлингдан етаклаб, кумга ё тўқайга киритиб юборадими? — деб сўрардим.

— Қизиқ сўллийсан, бўтам. Худойимнинг қудрати чексиз, адаштирмоқчи бўлса, кўзингни боғлайди.

Момомнинг бу гапи мен учун беш баттар тушуниксиз бўлгани боис:

— Рўмоли биланми? — дебон қайталаб сўрардим.

— Худойима шак келтирма, улли бўлганингда биласан. Илойим, кўзингни боғламагай...

Кўзимни боғлади, моможон, аммо қайси гуноҳларим учун? Аламли саволимга жавоб кутмасам-да, тўхтаб ён-теваракка ҳаёлан қулоқ тутдим. Қўналғамнинг тому деворлари қалинлигидан тепадаги шамолнинг «увв»и худди аллалагандай олис хотираларга ундайди.

Тириклик бошдан-оёқ синов ва сўров экан. Мен ҳаётнинг барча саволу синовларига жавоб бериш у ёқда турсин, ўзимга-ўзим берган саволларга ҳам жавоб тополмайман. Нега яхшилиқдан яхшилиқ қайтмайди, аксинча, яхшилиқ қилган одамнинг сенга аксарият вақтда ёмонликни раво кўради? Энг даҳшатлиси, душманам йўқ десанг, дўстинг йўқми деб сўрайдилар. Нега ишонган дўстинг душманинг бўлади? Демак, яшаш адашишдан иборат экан-да. Қайси бир адашганимни айтай? Гуноҳларим беадад.

Кечир, дўстим. Мен Сени дўстим дейишга ҳаққим йўқ эмас, ахир. Ўзинг ҳар бир инсонни, шу жумладан, мен бандаи бебокни ҳам сарвари соиб этиб яратгансан-ку?! Инсонларнинг бариси сарвар бўлса, сарварларнинг сарвари ким?

Оллои таоло жойини жаннатдан ато этган бўлсин, раҳматлик момом бу хусусда ички бир ҳазинлик билан гапиргучи эдилар:

— Бир юз йигирма тўрт минг пайгамбар ичида Муҳаммад алайҳиссаломни оламнинг сарвари этиб яратдилар.

— Шунча пайгамбарлар ичида нега уни сарвари олам этиб яратди?

— Худойимнинг хоҳиши шу.

— Худойим, Худойим дейсиз, нима, Худо биргина сизникими, момо?

— Сеникям, Худо таоло ҳамманики.

— Ҳамма-ҳамманикими? Ер юзидаги бари одамлар-никими?

Момом бирпас жим қолардилар-да, яна ҳазинлик билан жавоб берардилар:

— Ҳамманики...

— Момо, Одам Ато каттами, Муҳаммад пайгамбарми?

Саволларим айқаш-уйқаш бўлганиданми, ё момом жавоб беришга ожизлик қилганлариданми:

— Кўй, мени йўлдан адаштира, болам, бор, бир оз ўйнаб кел, — дея қошларини чиройли чимирадилар.

Мақтабга энди қатнай бошлаган болага албатта юқоридаги жавоблар оғирлик қилади. Устига устак, худосизлик, диннинг «афъюн»лиги ҳақидаги уйдирма, сафсата авж олган, бу хусусда гапиришдан ҳам ҳайиқадагидан даврда момомнинг юрак бетлаб мурғак қалбимга Худо номини жо этиши балки мен учун илоҳий неъмат бўлгандир.

Момомнинг илк сабоқлари, мардлик ва эзгулик руҳи ила суғорилган эртаклари, ҳикоятларидан кўзим очилганиданми, ёлғиз қолдим деганча уни эслайвераман.

Момом жуда ҳушсуврат аёл эдилар. Иккала кўзлари ҳам ожиз бўлишига қарамай, бирор жойларига гард юқтирмас, оппоқ лачагини бежирим ўраб эртакми, ҳикоями айтсалар борми, юзлари нурланиб, янада зеболаниб кетардилар. Жуда кўп эшитганим ҳикоятлари орасида миямга муҳрланиб қолган биттаси ҳеч эсимдан чиқмайди.

Момом шундай бошлар эдилар: «Саъдуллабойнинг ўғли Абдуллабойнинг хусни-жамолига бутун Хива ошиқ эди. Абдуллабой оқ саман отида ўтганда уни бир кўриб қолиш учун одамлар кўчага чиқишарди, аёллар эшиклари тирқишидан қарашар, ёшроқлари юзини ярим яшириб бир баҳона билан кўшнисиникига ўтар эди.

Абдуллабой оқ юзли забардаст йигит эди, чап бетидagi холи кўрганни ҳолсиз қилар, бошидан ҳушини учирарди.

Санамгул Солай заргарнинг қизи, Ой деса Ой, Кун деса Кун. Унинг хусни-жамоли олдида лол қолмаган одам топилмасди. Одам бандаси ҳушрўй бўлса, шунча бўлар.

Гапнинг қисқаси, кунлардан бир кун Абдуллабой оқ оти устида қаддини фоз тутиб, Амин чорсидан юқорилаб

борарди. Санамгул уйдан чиқиб, қўшнисиникига кираверишида юзидаги рўмоли қия очиладию Абдуллабойнинг қизга нигоҳи тушиб эс-хуши оғишига, отдан йиқилиб тушишига бир баҳя қолади.

Сапо оқсоқолнинг уйдан сал ўтгач, шу парини яна бир бор кўриб бўлмасмикан, деган илинжда отнинг бошини орқага буради. Қиз кўринмайди. Абдуллабой уйига келади-да, ҳеч нима емайди, ичмайди, хомсиқиб ётаберади. Ундан ҳол сўрашсаям садо йўқ, индамай совуқ дамани ола беради. Отни миниб кетади, яна маҳзун қайтиб, ичкаридан чиқмайди.

Абдуллабойнинг Жуманиёз деган қалин, ичкин бир дўсти бор эди, шуни чақириб, ишга соладилар.

— На гап? Омонликми?

— Кўй, Жуманиёз, сан сўрама, ман айтмайин...

— Биров хафа қилдими? Мана, ханжар, айт, дарров калласини оламиз!

— Тўғри топдинг, калласини олиш керак, лекин ханжар билан эмас, ақл билан олиш керак, жўра, адои тамом бўлдим.

— Очикроқ гапир, — тутоқиб кетади Жуманиёз, — айт, кимнинг калласини олиш керак?

— Отини билмайман-да, Амин чорсининг кўпиринан (кўпригидан) ўтганимни биламан, бир уйдан қуёш чиқдимикан дедим. Бир пари чиқди, оғзим очилди-қолди. Кимнинг қизи, исми ким, ол калламни, билмайман. Шунинг дийдорига етмасам, ўламан-тамом.

Жуманиёз бор гапни Абдуллабойнинг дадаларига айтиб беради. Элни катхудосиман деб юрган Саъдуллабой:

— Шу холосми? — деб сўрайди. — Ўғлимизнинг нохушликлари магарам шундан бўлса, шу қизни олиб берганимиз бўлсин, — дейди.

Дарров сўраб-суриштириб, Хиванинг катхудоларидан тўрт кишини совчиликка юборишади. Солай заргар ҳам ўзига тўқ, яхши одамларнинг авлоди эмасми, совчиларни суюниб қабул қилади, лекин «Ўн беш кун бўлди, акамнинг ўғлига унаштириб қўйганмиз», дея афсусланади.

Бу воқеани эшитган Абдуллабой мискин аҳволга тушиб, бағрини ерга берганча оғзига туз ҳам тотмай ётаберади:

— Энди мендан рози бўлинглар, дадамларга айтингиз, ўн беш кунга етиб-етмай ўламан, — дейди.

Абдуллабойнинг дўсти Жуманиёз чапани йигит эмасми:

— Э, жўра, куйинаверма, ўлимдан бошқасининг чораси топилади, — деб таскин беради.

— Қандай чораси бўлиши мумкин, ахир, у унаштирилган бўлса, тўйини бузиб бўлмайди-ку!

— Тўйни тўй куни эмас, аввалроқ бузамиз! — Абдуллабой жўрасининг гапига тушунмай анграйиб қолади. — Қизни олиб қочасан, бироқ қизнинг раъйини билишимиз лозим, сенга кўнгли борми-йўқми, — дейди қатъий туриб Жуманиёз.

Хивада ходимчиликда номи чиққан Рейма ҳулпиллама деган бўлган. Жуманиёз ана шу Рейма ҳулпилламани ишга солади, Санамгулларникига киритиб юборади. Рейма ҳулпиллама Санамгулларникига кирганда қиз онаси иккови нимадир тикиб ўтиришган экан.

Санамгулнинг онаси дарров ўрнидан туриб, Рейма ҳулпилламани очиқ юз билан кутиб олади:

— Хуш кўрдик, айланай, келинг.

— Раҳмат, бика, яхши ўтирибсизларми?

— Ташаккур, ўзингиздан сўрасак? Қани, қизим, йиғиштир бунингни, тезда чойнинг тагига ўт ёқ.

— Раҳмат, жоним, сира уринманг, — дейди-ю, Рейма ҳулпилламанинг борлиқ ёди Санамгулда бўлади. Унинг кўнглига қўл солиш ниятида яна пича ўтиришга мойиллигини сиздириб, — овора бўлманглар, — дея ўрнашиброқ ўтиради.

Санамгулнинг онаси Рейма ҳулпилламани танимаганидан, уни совчилар номидан келган хабарчи гумон қилиб, қизи унаштирилганига қарамай, келган меҳмоннинг хурматини жойига қўйиш мақсадида у-бу олиб чиқиш учун ичкарига киради. Тикаётган нарчасини йиғиштириб ўрнидан тураётган Санамгулга фурсатдан фойдаланган Рейма ҳулпиллама аста, айна чоқда тез-тез шипшийд:

— Паҳлавон бир йигитнинг умрига завола бўляпсиз-ов! Абдуллабойга кўнглингиз борми-йўқми, шуни билгани келувдим, яқинда у юборган совчиларга дадангиз рад жавобини берибди.

— Нишатин, холажон! Унашилганман, ахир...

— Кўнглингизни айтинг, чораси бор.

Санамжон ўнгимми ё тушимми, дея уёқ-буёққа аланглайди.

— Мендан яширманг, мен Абдуллабойнинг холаси бўламан, — дея далда беради Рейма ҳулпиллама Санамгулга.

— Кўнглим фақат шу от устидаги йигитни дейди, холажон, қўйинг, дардимни кўзгаманг! — деб Санамгул унинг этагига юкинади.

— Ундай бўлса, гап бундай, эртага, йўқ, индинга тонг оқармай ина шу кўприкнинг устина икки отлик келади, тугунчагингни олу чиқавер.

Шу вақт дастурхон кўтариб Санамгулнинг онаси ки-

ради, Рейма ҳулпилламанинг гапи оғзида қолади. Санамгулнинг ранги алланечук ўзгарганини кўриб, онаси бир нима демоқчи бўлади. Санамгул юрагидаги ажиб ғалаённи яшириш учун чой қайнатиш баҳонасида апил-тапил ташқарига отилиб чиқиб кетади. Рейма ҳулпиллама қизнинг онасини гапиришга йўл қўймайди:

— Вой, айланиб кетай сиздан, сира овора бўлманг десам ҳам уриниб юришингизни қаранг! Мен ҳоннинг тузини тотсам бас, шошиб турибман, айланай. Ичон қалъадаги Сўвур читгарни хотини Бибижон бика Анагул халфага китоб ўқитмоқчи эканлар, шунга айттириб юбордилар сизни, овсини Ҳайитгул биканикида кўриб, ёқтириб қолибдилар.

— Минг ташаккур! Қачон ўқитмоқчи эканлар?

— Олдимиздаги шанбада, кечкурун, дедилар.

— Бизнинг узримизни Бибижон бикага айтиб қўярсиз, ина шу шанбада қудаларимиз тўйлик олиб келмоқчи эканлар. Эшитган бўлсангиз, Санамгулни овсинимнинг ўғлига унаштириб қўйган эдик.

— Илоё, борган жойида бахти очилиб, қўшгани билан қўша қарисин, ибирли-чибирли бўлғайлар, илоё омин!

Санамгулнинг онасини ҳай-ҳайига қарамай, Рейма ҳулпиллама бир қанча ёлғонларга жубба кийгизиб, ўкчани кўтаради.

2

Санамгул икки ўт ўртасида қолади. Ота-она юзига оёқ босиш, қариндош-туққанларининг юзини ерга қаратиб, авлоду аждодига иснод келтириш, сен рози-мен рози деб унаштирилган қиз бола, бирор марта сўзлашиб ҳам кўрмаган бегона йигит билан қочиб кетиши осонми, ахир. Угирлаб олиб қочиб кетсаям майли эди. Унинг тугунчагини кўтариб чиқиб боришини биров кўриб қолса, нима бўлади? Бир кўнгли: «Йў-ўқ, ўз хоҳишинг билан онаизорингни, падари бузрукворингни қандай қилиб ўтга ташлаб кетасан, бу куфр йўлингдан қайт», деса, яна бир кўнгли: «Сени одам ўрнида кўрмай, сендан бир оғиз сўрамай, молдай сотишаётган бўлишса, ҳеч бўлмаса, унаштирилган йигитинг илми расмига, менда кўнглинг борми, розимисан ё рози эмасмисан деб сўрамаса, чўри бўлиб бораверасанми? Сени хоҳишингга қараб иш тутаётган, сен учун ўзини ўтга, сувга уришга бел боғлаган йигит раъйини қайтарма, у билан кетиш тадоригингни кўр!», дейди.

Ҳолини танг қилувчи андишалар билан Санамгул икки оқшом ҳам тузук-қуруқ кўз юммайди ҳисоб.

Абдуллабой қизнинг кўнгли борлигини эшитиб, тоғдай ўсади. Жуманиёзнинг мардона далдасидан-ку, баттар юракланади. Санамгулни олиб қочиш режасини пухталай бошлайдилар. Абдуллабой «тижоратга кетаётгани учун» дўсти билан бамаслаҳат иккита хизматкорини бир кун олдин Амударё соҳилига кемачилар билан гаплашиб туришга юборади. Чунки шу тонгдаёқ Санамгул билан дарёдан кечиб, нариги томонга ўтиб кетмасалар, орқаларидан қувиб, ушлаб олишлари ҳеч гап эмас. Ана унда шойи шармандалик устига шариатнинг қаҳрли ғазабидан фақат ўлим билан қутулиш мумкин.

Абдуллабой Жуманиёз билан ўзининг оқ саманига менгзайдиган яна бир қувватли, чопқир от тайёрлаб, айтилган муҳлат тонг оқармасдан Амин чорсининг кўприги устига келади. Одам одамни кўриши амримаҳол тонг қоронғисада Абдуллабой билан Жуманиёз Санамгулни бетоқат кута бошлашади.

Санамгулга бунча куч қайдан келдийкин, тутунчагини кўтариб шиддат билан отлиқлар олдига чиқиб келади. Бир оғиз ҳам сўзлашга фурсат йўқлигини иккови-да билганларидай, кўз очиб-юмганча Жуманиёз ушлаб турган бедовга қандай минганини, унинг билан қандай хайрлашганларини, униб-ўсган қадрдон уйига биррав қайрилиб қарай олмаганини Санамгул елдай учиб кетаётганида ҳам тушунолмайди. Умрида от миниб кўрмаган қизни от ҳам сездимики, худди авайлаб опичлаб бораётгандай текис йўртиб-суниб кетаберади.

Тонг отиб, кун тиг берганда Абдуллабой билан Санамгул дарё бўйига етиб келадилар. Худойимнинг ўзи қўллаган эканми, буларнинг бахтига Абдуллабойнинг хизматкор йигитлари тўманга юк билан бораётган кемани тўхтатиб турган эди.

Абдуллабой олтин тўла хуржунни елкасига олади-да, юзини рўмоли билан беркитиб олган Санамгулни қўлтиқлаб, хизматкорларнинг ҳар қайсисига бир ҳовучдан олтин ва миниб келган отларини бериб, Хивага қайтиб боришгач, кўрган-биланлари ҳақида оғиз очмасликларини тайинлаб, кемага минади.

Бир оқшом ётиб, иккинчи куни Санамгулнинг рўмоли сал очилиб, унинг одам ҳушини оладига хусни-жамолига кемачининг кўзи тушади. Кемачининг юрагига шайтон оралаб, гўлгула солади. Оққин дарёнинг икки тарафи ҳам қалин тўқайлик, йигитни дарёга улоқтиргудек бўлса, инсон боласи тополмайди. Авваламбор, бу бебош, дали дарёдан сузиб қирғоққа чиқиш умри сув бўйида ўтган уста сузувчига ҳам насиб қилмайди. Мабодо йигит сузиб қирғоққа чиққанида ҳам йиртқишларга ем бўлиши турган

гап. Булар эр-хотин бўлганларида бу қадар бегонасирамасди, қолаверса, оқим бўйлаб кетаётган кеманинг кира ҳақиға бунча катта ҳақ тўлашмасди. Бу ерда бошқа бир гап бор, деган ўй билан шайтон васвасасидан қабиҳлик йўлиға кираётган кемачи ёрдам берсанг яхши бўларди, қара, дарё тўлқинлана бошлади, дея Абдуллабойға гап солади.

Баттол кемачининг шум ниятидан беҳабар Абдуллабой хуржун тўла олтинни Санамгул ёниға яқинроқ қўйиб, ўзи қаддини ростлаб олдинға ўтади. Уйинг куйгур кемачи қўққисдан Абдуллабойнинг оёғидан олиб юборади. Бундай ғаламисликдан беҳабар қолган Абдуллабой дарё тўлқинлари орасида қолиб кетади.

Санамгул дод солиб ўзини дарёға отмоқчи бўлганида кемачи эпчиллик билан уни тагига босади, қилт эттирмайди. Дами ичига тушиб кетган Санамгул кемачиға ёлборади:

— Қўйборинг, барибир сузишни билмайман, жоним оға, нафасимни ростлаб олай, сизға барисини тушунтириб бераман.

Барибир кемачи ишонмай Санамгулни кемаға боғлайди ва анча йўл юришгач, кемани овлоқроқ қирғоққа олиб чиқади.

— Бошингни оғритма, нима қилсанг ҳам энди сен меникисан, йўқ десанг, шу ерда ишингни бажараман, кейин бўғизлаб кетаман, оч қашқирлар талашиб, покпокиза еб кетишади. Ана у хуржундаги олтинлар ҳам меники бўлади.

Санамгул бир дақиқада минг хаёлға боради. Шу тўпори кемачини алдаб-сулдаб йўлга солиш ва ўз севгисига содиқ қолиш йўлини ахтариб, йиғлаб-сиқтайди, ёлборади, илтижо қилади:

— Сиз бир эмас, икки кишининг жонига қасд қилиб гуноҳға ботгандан кўра, мендай хўрланишға юз тутган бокира қизни ўз паноҳингизға олсангиз савобға қолишингизни унутманг. Мен Хивада бир бойнинг яккаю ягона қизиман, энди мени сиздан бошқа ҳеч кимим йўқ. Нима қилсангиз ҳам қўлингиздаман. Бу хуржундаги олтинлар нима, ажаб эмас, катта бойликларға ҳам эға чиқадиган куёв бўлсангиз. Мен розиман, лекин бу киши оёғи етмас тўқайда мени шойи шарманда қилгунча, бир ўбаға олиб бориб никоҳингизға олсангиз, Олло таоло ҳам сиздан рози бўлади, — дейди.

Кемачи Санамгулнинг ёлбориб қилган илтижосидан эриб, кемани дарёға солади. Улар анча йўл босиб денгиз бўйидан чиқишади.

— Мен юкни топширай, сўнг кетамиз, — дейди кемачи Санамгулға.

Санамгул токим кемачи юкини топшириб келгунча қирғоқда олтин тўла хуржун устида ўтиради. Лекин кемачи навбати етмайми, юкни туширмасдан қирғоққа қайтиб келади, кўrsa, Санамгулнинг шу ўтириши. Энди у батамом ишонади.

Шунда Санамгул яна кемачига ёлбориб, иккинчи ҳийласини ишга солади:

— Мен барибир сизникиман, Абдуллабой оғамнинг қирқи ўтгунча менга тегманг, унинг руҳи шод бўлсин. Сиз мени бир мусофирхонага жойлаштиринг. Ўзингиз дарёдаги юмушларингизни бажараверинг, менга ишонинг, юзингизни ерга қаратмайман, — дея бир ҳовуч олтин беради.

«Оға-оға»лаб турган бу гўзал, маъсума қиз кемачини бутунлай эритиб юборади. Дарё хўжайинлари иш кўплигидан унинг ўзиниям тиқилинчга олишганини қандай тушунтираман деб боши қотиб, Санамгулга, сани бир қўнимгоҳга жойлаштириб икки-уч кунда қайтиб келаман, демоқчи бўлиб турган экан, қизнинг илтимоси уни қийнаб турган муаммони бир зумда ҳал қилиб қўя қолибди.

Йўл четида турган бир аравакаш қариядан Санамгулни мусофирхонага элтиб қўйишни, ўзи эса икки-уч кундан кейин қайтиб, қайлиғини топиб олишини айтиб, илтимос қилибди.

Санамгул тугунчагу хуржинни кўтариб, санамларга хос ибо билан от аравага минади. Бир оз йўл юришгач, қариянинг нурунийлигига ийиб секин сўрайди:

— Ота, шу от билан аравангизнинг баҳоси қанча туради?

Қария орқасига ўгирилиб кулимсирайди:

— Нима эди?

— Сўрадим-да...

— Сотиб олмоқчи бўлсанг, пулинг етмас-ов.

Санамгул савдолашиб, қария айтган баҳодан икки-уч ҳисса кўпроқ олтин бериб, ёлборади:

— Қиёматлик отам бўлинг, мен хивалик катта бойнинг қизиман, лекин йўлини йўқотган гумроҳман, мендан яхшилигингизни дариг тутманг, қиёматлик қизингиз бўлай, яхшиликларингиз мендан қайтмаса, Худойимдан қайтсин, бежавотир қўнимгоҳ топишимга кўмак этинг, жон ота..

Умрида бунчалик бойлик кўрмаган қария Санамгулнинг равиш-рафторидан покдоман, бой қизи эканига ишонади. Уни мусофирхонага элтмай, тўғри уйига олиб боришини, кампири билан таништиражагини айтади. Шунда Санамгул яна ақллилик қилиб:

— Ота, уйингизга ҳам бораман, онам билан ҳам та-

нишаман. Лекин, аввал мени мусофирхонага топширинг, йўлим ҳали кўп оғирга ўхшайди, сизларга ҳам касофатим тегмасин, — дея илтижо қилади.

Қария Санамгулни бошда мусофирхонага жойлаштиради. Сўнгра уйига олиб кетади. Кампири билан таништиради. Санамгул қариянинг хушсуврат кампирига:

— Энди сиз менинг тутинган онамсиз, — дея олтин тўла хуржунни унга омонат топширади-да, мусофирхонага қайтади.

Санамгул эртасига бирор егулик нарса, эгнига киядиган бирор кўйлак сотиб олиш учун кўчага чиқади.

Оқ подшо фуқароларининг кўплигиданми, денгиз бўйидаги шаҳар Санамгулга қандайдир ёт бўлиб кўринади. От қўшилган фойтунларга анграиб, унинг юзидаги рўмоли хийли очилиб қолади, куёш чиққандай ҳаммаёқ ёқтиланиб кетади. Бу паривашни кўрган ялоқлар дарҳол ҳокимга хабар етказишади.

Алқисса, ҳоким Санамгулни маҳкамасига олдиради. Қараса, одамзод наслига ўхшамас бир пари. Ҳокимнинг кўзлари қамашади, беҳуш бўлади. Ҳайронлигу ҳаяжондан, кўрқувдан катта-катта оху кўзлари янада каттариб, ўймоқдек оғзини очиб турган Санамгулга:

— Сени хотинликка оламан, — дейди ҳоким, сўнгра уйига олиб кетади.

Санамгул қандай ҳийла ишлатишни билмай боши қотиб қолади ва ниҳоят, қалтис бир тўхтама келади.

— Мен розиман, — дейди кечда ётоғига кирган ҳокимга Санамгул, — бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, айбимни айтсам. Мен Хивадан бадарға қилинган беномусман, мени булғаб касал қилганлар. Урис табиблари дардимга даво қилмасмикан деб бу ёт элларга бош уриб келдим, забун ҳолда тентираб юришимнинг боиси ҳам шунда. Сизни ҳам касал қилиб қўймай, жоним огажон, мени даволатинг, мен сизникиман, — деб йиғлайди.

Ҳокимнинг боши қотиб ўйланиб қолади.

3

Абдуллабой, белига белбоғ боғлаб, элда оғизли, тулпор отни гижинглашиб миниб юрган йигит, ўжар дарё тўлқинлари билан олиша-олиша қирғоққа чиқади, дарё ёқалаб очин-тўқин, оқшомни оқшом, кундузни кундуз демай, не азобу укубатлар билан неча кунлар деганда ахийри денгиз бўйига етиб келади.

Худойимнинг марҳамати билан Абдуллабой ҳам Санамгулни мусофирхонага олиб борган киракаш қария билан юзлашади. Абдуллабой бошидан ўтган бари қийинчи-

ликларни, кемачининг номардлигини, маъшуқаси Санамгулни ахтариб юрганини бир бошдан қарияга йиғлаб айтиб беради.

Қария Абдуллабойга Санамгулни мусофирхонага жойлаштирганини, уни ўз уйига олиб борганини, бир хуржун олтин омонати кампирида сақланаётганини, оқшом чоғи мусофирхонадан хабар олса, Санамгулни ҳоким хотинликка олиш учун мажбуран уйига олдирганини бир бошдан ҳикоя қилади. Кейин:

— Бахтинг бор экан, ўғлим, шундай садоқатли қизга кўнгил қўйибсан, энди бир иложини изламоғимиз даркор, ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг чораси топилади, — дейди.

— Иқболимдагини кўрарман, ота, мени мусофирхонага олиб боринг, — дейди Абдуллабой.

Неча кунлар боши қотиб, кўчаларда дайдиб юрган Абдуллабойнинг қулоғига «Хивадан бир соҳибжамол табиблардан даво истаб келибмиш, ҳозирда ҳокимнинг уйида яшаб, даволанаётганмиш, ҳатто ўрис табиблариям унинг дардига даво топиша олмаётганмиш, дарди бедаво эмиш, Хивадан бадарга қилинган эмиш дегувчилар ҳам йўқ эмас» каби мишмишлар чалиниб қолибди. Бу ерда бир сир борга ўхшайди, деб шаҳарнинг тўрт йўл бандилгоҳида бир чоғроққина уйни яхшигина тилло эвазига сотиб олиб, пештоқига «сартарошхона, табиб» дея ёзиб қўйибди.

Қўли очик, саховатпеша Абдуллабойнинг номи тез орада шаҳарга ёйилади. Санамгулни кўп табибларга кўрсатиб, муолажа қилдириб хуноби ошиб юрган ҳоким маҳкамасидагилар янги сартарош-табиб устахонасига бир доғули кампирни юборадилар.

Абдуллабой кампирга касалнинг исмини, туғилган жойини аниқ ёзиб келсагина даволаш мумкинлигини уқтиради. Эртасига Санамгулнинг исмини ёзиб келган кампирга бир ҳовуч олтин бериб, бошидан ўтганларни бир-бир баён этиб, ёлбориб фиғон қилади:

— Жоним, онажон, сизданди, Худоданди, бир яхшилик қилинг, хизматингизни ерда қолдириб кетадиганлардан эмасман, илоё, умрингиз узоқ бўлсин, йўқ деманг.

Кампир олтинларни олиб кетади. Эртасига аёллар устбоши билан бир жуфт этик топиб келади. Абдуллабойга аёллар кийимини кийдириб, ўз орқасидан эргаштиради.

— Кўрқмагин, сени қаровуллар сақлаб турадиган тўрт эшикдан олиб ўтаман, ичкарига киргач, уёғига ўзинг кетасан, узун, кенг даҳлизда санаб ўнинчи эшикка кирасан, Санамгул ўша ерда, янглишма лекин, — дея кампир қайта-қайта уқтиради.

Абдуллабой, кампирнинг шунча тайинлашига қарамай, ҳаяжондан оптираб, саноқда адашади ва бир эшик ташлаб, ўн биринчи қопага киради. Ясан-тусан қилиб, ёнбошлаб ётган ҳокимнинг хотини Абдуллабойнинг кўзмунчоқдай чиройига қараб, аввалига уни чинакамига аёл деб қабул қилади, лекин оёғидаги сўлоқмондай этикни кўргач, эркаклигини билиб шовқин қилмоқчи бўлади. Аммо Абдуллабой қон йиғлаганча ялиниб-ёлборади, бошидан ўтган аламзадаликларни бир-бир айтиб беради, кўмак сўрайди.

Абдуллабойнинг илтижоларидан кўнгли бўшаган ва Санамгулни хонадонидан даф қилиш ниятида юрган ҳокимнинг хотини ўнинчи эшикни кўрсатади.

Абдуллабой қақшаб-қалтираб эшикдан кирса, Санамгул ўз ёғига ўзи қоврулганча қайғу-аламдан пажмурда бўлиб тўрда ётибди. Санамгул Абдуллабойни соғу саломат кўрганидан беҳуш бўлиб йиқилади. Ҳушига келгач:

— Касаллигим уйдирма, оғажоним, сақландим, ман покман, ман бир умр сизникиман. Бу аждаҳо комидан омон қутулсак бас, йўқса ўлсам ҳам пок ўламан, бошқа армоним йўқ, — деб яна беҳуш бўлади.

Ҳар куни ҳоким маҳкамадан қайтишида Санамгул хонасидан биррав хабар олиб ўтар экан. Бу гал ҳам шу одатини тарк этмай эшикни очса, Санамгул аёл кийимидаги бир йигит билан ичкин мулоқотда ўтирибди.

Ҳоким жаҳлга миниб:

— Сан кимсан?! — дейиши биланоқ, Абдуллабой уни жон-жаҳди билан ичкарига тортади ва ҳамма гапни бир бошдан оқизмай-томизмай айтиб беради-да, ханжарини чиқаради:

— Мана, ханжар! Ё ёрдам беринг, ё мени сўйинг!

Санамгул дод солади:

— Эй, одил ҳукмдор! Мени ўлдилинг, оғам озор чеканини, оғринганини кўрмайин, мени сўйинг!

Муҳаббати йўлида, ёрига содиқлиги йўлида ўзини ёмонотлиққа чиқарган Санамгулнинг эҳтиросига, шижоатига, марду матонатига таҳсин айтган ҳоким, бу қадар ошиқ-маъшуқлик йўлидаги фидоликка тан бериб, Абдуллабой билан Санамгулнинг бошини силайди, бағрига босади:

— Икковинг ҳам мард, бир-бировингга муносиб экансан. Санамгул, энди сен тутинган қизимсан, Абдуллабой эса ўғлим бўлади, — дея юзига фотиҳа тортади.

Ҳоким катта тўй қилиб беради. Уларга икки юз таноб ср бериб, уйли-жойли қилади. Хивага хабар бериб, уларнинг ота-оналарини олдиради.

Абдуллабой билан Санамгул қўша қариб, ували-жували бўлиб, мурод-мақсадларига етадилар».

Момомнинг эртагини берилиб эшитиб ўтирар эканман, барча воқеа-ҳодисалар кўз ўнгимда жонланар, менинг ҳам Абдуллабойдай бўлгим келар, ҳовлида каттакатта одим отиб, тезроқ сузишни ўрганиш учун эшигимиз олдидаги катта солмага ўзимни ташлашни истаб қолардим.

Мендан ёши анча катта Зухра деган қизни Санамгулга менгзаб, тезроқ улғайиб, олиб қочишни ўйлар эдим. Кўпроқ Зухра билан ўйнагим келаверади. У ҳам менинг шўхликларимни ёқтирадим, билмадим, ишқилиб, бошқа болалардан қизганиб, мени ўйнатгани-ўйнатган. Баъзи кунлари «ота-она» ўйинини ўйнаимиз, мен «ота» бўлман, Зухра «она» ролини ўйнайди. Зухра лойдан миттигина ўғил бола қуржоқ ясаб, менга ўзи ўргатган савол-жавобни такрорлатишни хуш кўради:

— Қани, бово, болангизнинг қулоқини бир бураб кўймасангиз бўлмийжақ.

— Ҳа, кампир, яна на гап топди?

— Мани даганимни атмин, ёмонлик қилади, бово!

— Э, кампир, — дейман, — бола даган шўх бўлсин, шўх бўлмаса, йўқ бўлсин.

— Ина шундин атиб болани йўлдан чиқарасиз, бово! — деб Зухра аразлайди.

Мен савол-жавобларимиздан, элот чол-кампирилари-нинг бир-биролари билан айтишган сўзларига ўхшатганимиздан қиқирлаб куламан. Зухра ҳам майда ўрилган калтагина сочларининг учини ўйнаб кулади. Кейин яна болалигимизга қайтиб, мен унинг сочидан тортқилайман, у дод солиб йиғлайди, мендан аразлаб кетиб қолади, лекин бирор ёмон сўз айтиб қарғамайди. Қилган ишимдан пушаймон ейман. Эшиклари олдига бориб бурнимни тортиб тураман-да, орқамга қайтаман. Зухра сал туриб эшигини астагина «ғийқ» эттириб очади-да, орқамга қайрилиб қарашим билан тилини чиқариб кулимсирайди, кўзларида менга бўлган борлиқ меҳрибончиликлари намоён бўлади. Уни яхши кўриб кетаман. Тезроқ улғайсам, Абдуллабойдай Зухрани олиб қочаман, дея кўнглимга тугаман. Лекин нега, нима учун, қаёққа олиб қочишим тўғрисида ўйлашимга унчалик ақлим етмайди, фақат ботирлик қилгим келади.

Мурғак юрагимда ниш ура бошлаган мардлик, ахийри бир куни жунбушга келди. Солма бўйида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ўзимни тезоқар лойқа сувга ташладим. Тасодифан уйимизга келиб қолган меҳмон мени ўлимдан сақлаб қолганини момом илоҳга боғлади. Опам энамни уришиб берсалар, мен тарафкашлик қилиб қичқириб берганим ҳаммасидан ошиб тушган:

— Момомга бақирсангиз, ўзимни энди ёпга ташлайман!

Ёп — анҳор. У хийла нарироқдан оқиб ўтади. Опам супурги кўтариб орқамдан югурганча аламини момомдан олган:

— Сизнинг эртақларингиз, нақлларингиз буни жинни қилиб қўйган! Ёш болани бошини гаранг қилаверманг, ахир!

Мени тутиб уролмай хуноби чиққан опам аллақанча вақт нималарнидир қаттиқ-қаттиқ сўзланиб-симбирданиб юрди. Хийла вақтдан кейин момомнинг олдига келдим, ожиз кўзлари намланиб, маъюс ўтирибдилар. Хўрлигим келди. Момом менинг забун аҳволимни ботиний сезги ила ҳис этиб, индамасдан узоқ вақт бошимни силаб ўтирганлар. Момомнинг қўллари сал дағал бўлгани билан оромбахш эди. Унинг намли кўзларини бармоқларим билан артганимни биламан, унсиз йиғлай бошладилар. Балки эртақлари таъсиридан бошим айланиб ўлиб кетишим мумкинлигигами, ё туққан йигирма битта болаларидан фақат менинг опам — Чаманжон ва холам Санамжон қизларидан бошқа ўғил-қизлари ўлиб, уларнинг фироқда иккала кўзларидан айрилганларигами, тақдир тақозоси билан Санам қизи Чоржўйда қай тариқа яшаётганидан беҳабарлигиданми, тўппошлар ҳолидан ҳеч хабар олмаётганиданми, Худойимнинг марҳаматидан битта ҳам ўғли қолмай, қизининг олдида тортиниб ўтирганларигами, йиғлайвердилар, йиғлайвердилар.

Момом урушдан аввалги алғов-далгов йиллари, Чоржўйда қийналиб юрган невараси Оллоёрни (Хударган тоғамнинг ўғли) елкасига опичлаб, пойи пиёда тўрт юз километрлик Қорақум азобини енгиб, ўн-ўн икки кун деганда Чоржўйдан Хонқага олиб келганлар. Аини шу вақтдаги қимматчилик ва ўзларининг бошпанасизликлари боис ўғлидан қолган биттаю битта ёдгорлик етимчасининг бошини силай олмаётганлари ҳам момомнинг аламларини келтираётган бўлиши мумкин.

Неча кунгача оғизларига туз солмадилар. Лачакларидан шўхлик қилиб тортқилаб, этақларига суйкалиб, юзу кўзларини силаб-сийпаб, сал жилмайгирдим, биргаликда атала ичдик. Шу-шу опам энамга овозларини кўтариб, қаттиқ гапирмади, лекин энам Чоржўйда яшайдиган кичик қизлари, Санам холамникига кетаманга тушиб қолдилар, опамдан кўра мен кўпроқ йиғладим. Дадам ҳам кетманг деб эландилар, бўлмади. Урганча кўчиб келганимиздан кейин ҳам беҳаловатликлари йўқолмади, барибир кетдилар

Момом Чоржўйга кетганларида Хоразмга ҳали поезд

келмаган, лекин темир йўл қурилиши жадаллашган, тез орада кофирнинг ўтиси Хонқани иккига бўлиб ўтармиш, деган узуқ-юлуқ гаплар юрарди.

Биз опам икковимиз энамни кўргани йўл машинасида уч кеча-кундузда зўрга етиб борганмиз.

Машина сал юриб-юрмай қумга ботиб тўхтаб қолар, катта ёшдаги одамлар тушиб, машина ғилдираги тагини ковлашар, ғилдираклар остига олдиндан тайёрлаб қўйилган чипта-бўйраларни, хода-подаларни ташлаб, орқадан елкалари билан итаргач, бир-икки силтаниб оғир кўзгалган машина беш-ўн қадамдан кейин яна ботиб қолаверарди.

Хоразм-Чоржўй ўртасида поезд қатнови бошланиб, энди йўллар равонлашганда 83 ёшларида энам оламдан ўтдилар. Чоржўйда, Авазжонхўжа қабристонидан ётибдилар...

Умр бўйи азобдан бошқа нарсани кўрмаган, уч марта учтадан, уч марта иккитадан, неча маротаба биттадан, жами йигирма битта болани туғиш азобларию вақтинчалик севинчлар, уларнинг бевақт нобуд бўлишлари билан боғлиқ доимий мотамлар гирдобидан қийноқлар ахийри момомни олиб кетди. Инқилоб тўнтаришлари даврида болшовойлар қўли билан Жунаидхон томонидан ўлдирилган Исфандиёрхоннинг оғаси, Сайид Абдуллахон тахти учун бўлган савашларда хонлик тарафидан қатнашган жуфти ҳалоллари — маърамларидан бўлмиш Одамбой бобомнинг шаҳидлигидан айрилиқ фарёдлари, қатагон йилларидаги парокандаликлар зарбасидан хотиралари ҳам абас топди. Она еридан айрилиб, Чоржўйдаги сарсону саргардонликлар, барча алғов-далғовликлар қўйнида пешоналарига битган икки ўғилни тупроққа бериш оқибатидаги дарбадарликлар, хўрликлар, охирида йиғлай-йиғлай икки кўзидан айрилиб, ўз ҳожатини ўзи бажаришга ярамай қолганларида менинг бошимни силаб эртақлар, ҳикоятлар айтиб хотиралари билан дардлашган бўлсалар не ажаб.

Чидаму бардошларига ҳали-ҳануз ҳайратланганча момомнинг матонатини ҳар қандай бесабр бандага айтиб бергим келаверади.

Худо раҳмати Рўздат Отаев билан бир ҳамқишлоғининг жанозасидан пиёда қайтаётганимизда йўл чеккасидаги ҳовли олдидаги қаромонга суяниб ўтирган бир қарияга салом бердик.

- Жанозаданми?
- Ҳовва...
- Неча ёшда экан раҳматлик?
- Етмиш тўрт...

Кария алланечук маҳзунлик ила кўзини хиёл юмиб, очди:

— Уҳ-ҳў... Қандай чидаган экан?

Биз у қариядан ҳам баттар музтару мавҳумликда йўлимизга равона бўлганмиз. Бечора момом саксон уч йил қандай чидаб яшаган эканлар...

Тўртинчи боб

1

Мана, бугун ҳам қўналғам озми-кўпми илиқ бўлишига қарамай, афсурдалиғ домига тортаётган қаро кума ичида, юрагимга ишқ дардини, шеър у навво завқини солган момомни эслаб, ҳамма нарсага ҳайрату ҳавас билан боқадиган, ҳаммадан поклик, тўғрилиқ излайдиган, йиллар ўтиб хаёл бошқа, ҳаёт бошқалигига ҳалиям ишонгани келмайдиган, тонг отса, қуёшдан осмон жарақлаб, йўлини осонгина топиб кетишига ишонадиган мен банди ғофил илиқ хотираларга берилишдан нажот излайман.

Тагимда қалин тўшақдай салин, устимда иссиқина пахталик тўн, эртақлардагидай иссиқина қасри-кошопада, дилни аллаловчи хотиралар қўйнида тонгга яқин ширингина мизғибман. Кўзимни эринибгина очсам, ғира-шира ёқтидан қўналғам ичи равшанлаша бошлаган.

Иссиқина гўша эритдими, ўрнимдан туришга рағбатим бўлмади. Кума эшиги ўрнидаги шох-шаббани қиялаб осмонга қардим. Ақлимни таниб, сурункасига икки, уч кунлаб бу қадар сербулут, сершамол бўлган даврларни эслолмайман. Қора булут шиддати кечагидан зўрроқ, янада ерга яқинлашгандай, юракка қутқу солади.

Нима қилмоқ керак? Қорним очикмади-ю, сувсизлик тинкамни қурита бошлади. Аммо ҳаво очилмагунча ташқарига чиқишлик бефойда. Шундай ҳам ҳол йўқ вақтда бор қувватдан-да айрилиб, бенишон йўл ахтаришлик ақлдан бўлмас. Осмон равшанлашини кутишдан бошқа чора йўқ. Салгина ёмғир ёинки қор ёғиб, боринги, жиндай сепалаб бергандаям, чанқоқ азобидан анчайин кутулардим. Жужанинг бахти бўлса, товуққа кўкрак битарди демиллар.

Оёқ учи томонга кўмиб қўйган чала бисмил ғозни қовлаб олдим. Паккини чиқариб, кесиб олинган оёғи тарафидан уни бир қаричча теридан чиқардим. Муздаккина бир луқма эт кесиб олдим-да, хомлай оғзимга солдим. Оғзимда эрий бошлаган этнинг намини шимиганим сайин кўзларимга салгина равшанлик ийингандай бўлди. Чан-

қоқ азобидан қутулиш чорасини топганимдан, ҳаво бир кунда очиладим, икки кунда очиладим, то йўл топиш имкони бўлмагунча бу мисли қасри Каёндин бир қадам ҳам жилмасликка қатъий аҳд этдим.

Ташқарига қулоқ қўйиб ётдим. Шамолнинг юракни ўртовчи нохуш сасидан бўлак товуш эшитилмайди. Ҳаво бу зайл бузилмаганида мени излаш учун балки айри-паланг учуришлари мумкин эди. Уйдагилар сарсон бўлиб юришгандир. «Майдондаги лаҳм ейди, уйдагилар ғам», деб топиб айтишган. Мен, мана лаҳм этни хомлайин шимиб, илиққина кумада хаёлимга эрк бериб, хоҳлаган сайёраларни сайр қилиб ётибман. Ким билсин, уйдагилар мени ўлдига чиқариб, сочларини юлишаётгандир. Эҳтимол, пешингача ҳаво сал очилиб, қуёш йилт этса бас, ётган жойимни аниқлаш бир дақиқалик гап ва мен аминманки, қишлоқ четидан айтарли даражада узоқлашиб кетганим йўқ, қўпи билан ўн-ўн беш чақиримдан ошмас. Ғайрат қилсам икки-уч соатда қум этагига чиқаман, уёғида уйга етиб олиш учун минг қўлик-улов...

Мен пиёда юришни жуда хуш кўраман, қанча кўп юрсам шунча маза қиламан. Айниқса, ўзим билан ўзим гапиришиб кетишни ёқтираман. Оғзини қимирлатиб бораётган афандидан, «ким билан гаплашиб боряпсиз?», деб сўрашса, Афанди: «ўзим билан ўзим, ақлли одам билан гаплашсанг яхши-да», деб жавоб берган экан. Ие, жилмайишга ҳам мадорим қолмабдию. Оёқ-қўлларимни яна ушлаб кўрдим, ҳаммаси жойида, ташвишга ҳожат йўқ.

Секин «Суворий»ни сингсидим:

*Саводи зулфини кўргач, юмар Огаҳий тун деб кўз,
Юзиға нозир ўлғоч ҳам тутар қўл бирла кун деб кўз,
Кўнгул ҳайратда қолма кўрмас они не учун деб кўз,
Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасун деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас...*

Вой-бўй! Ул ой ўтлуғ юзин очса, кўз тегмасин деб муҳаббат уруғини исириқ этмоқчи! Суворийлар дупури орасидан Ҳожихон аканинг ўтлиғ ноласи юрагимни ўртаб, пасая-пасая яна шамолнинг шиддатли шингламаси ўлароқ қулоғимда ҳамишаги вужудимни ҳорғинлантирувчи занг қолди ва бирдан олис хаёлотга чўмдиму борлиқ жанрангни унутдим.

Оллоҳ таоло кўнглимга солдими, ё менинг фикрлашим марказида ғайритабиий ўзгариш содир бўлдими, шу дақиқагача бирон марта хаёлимга келмаган, орадан ўттиз

беш-қирқ йил ўтиб кетганига қарамай, у худди кечагидай кўз ўнгимда намоён бўлди.

Ё оламдан ўтганмикан? Хўш, ўтган бўлса, менга қандай дахли бор? Ахир, биз изҳори дил айтишлик уёқда турсин, лоақал қўл бериб саломлашишга ҳам қимтиниб юрардик. Бу не сир-синаот бўлди экан?

Мен уни севардим. Унинг катта-катта кўзларидаги завқдан кўра, ҳорғинлик, мунг мени ўзига яқинлаштирмас, балки маълум чегарадан ҳатламаслигимни талаб қилаётгандай бўлар эди. Мен бу қоронғи тунда, изғирин совуқ ҳукмрон бегарон саҳрои қумда, ўлсам жасадимни ахтариб ҳам топишолмайдиган зимистон кумада, афтодаи манкуби хароблиғда, бекому безътимод, бeroҳу бемадор, хаёлотнинг минг бир гўшаларига кириб-чиқиб турган чоғимда, Унинг ўйчан боқиши бари кечинмаларимни суриб, орамизда бирон марта ҳам бўлмаган, лекин шу вақтларда ниғоҳларимиз билан сирли тиллашган мулоқотга чорляпти:

— Яхшимисиз?

— Тузук, ўзингиз-чи?

— Ташаккур... Сизга айтадиган гапим бисёр.

— Менинг ҳам.

— Мени согиндингизми?

— Жуда-жуда. Сиз-чи?

— Мен ҳам...

Дарс бошланади, муаллим нималарнидир доскага ёзади, гапиради, менинг қулоғимда эса, «Мен ҳам...»

Эртасига яна юқоридаги хаёлий суҳбат...

2

Дарслар тақа-тақ тўхтаб, талабалар пахта йиғим-теримига сафарбар этилди. Шу йили об-ҳавонинг ноқулай келганлиги сабабли терим уч ойдан зиёд муддатга чўзилди. Факультетларимиз Бекободдаги Далварзин совхозининг айри-айри бўлимларига тушганидан бир-бировимиздан хабар олишимиз ҳам қийин эди. Унинг устига, пахта жонивор ҳам яхши битмаган экан, кам терганимиз сайин аҳволимиз мушкуллашиб бошимизда қамчи ўйнайди.

Теримнинг илк кунлари тортган азобларим ниҳоясига биздан ёши анча катта, институтга армияни битириб кирган Абдумалик ака нуқта қўйди. Ҳамма уни Абдумалик ака деб атаса, мен бемалол Малик ака деяверардим. Пахтага кетишдан олдин шимимнинг тасмасини охириги ҳукумат тешигидан бир қарич ўтказиб тешилган тешикка тортиб кийиб юрардим, қайтиб келганимизда шимим тушиб кетаверганидан тасмани ечиб, ўрнига қозоқи рўмол-

ни боғлаб олдим. Институтга чўпдеккина бўлиб кириб борсам, У аввалгисидан ҳам гўзаллашиб, очилиб келди. Энди У менинг каттайган кўзларимдаги ҳайратга ҳайрона-ҳайрона боқди.

Унинг пахта йиғимига бормай уйида қолганини эшитиб-ку, оқсуяклигидан энсам қотди. «Ихлос» деган ҳикоя ёздим. Яхшими-ёмонми, ҳарқалай сафарбарликдан, эл хизматидан четда яшаш талабалikka зид деган гаплари сероблигиданми, институтимизнинг кўп нусхали газетида чоп қилинди.

Мен Унинг кўзларидаги аввалги ўйчанликни, мунгни кўрмоқчи эдим, афсус, тескарисини, менга бўлган совуқликни кўрдим. Бу совуқлик сабабини мен нодон «буюк ёзувчи»лигимдан, иншоимдан кўриб юрибман-а. Аслида, бунинг туб сабаби Маматхоннинг ишқи Унга тушиб қолганида эканини жуда кеч, унда ҳам жиддийлигини «совчилар» можаросидан сўнг англадим.

Маматхон икковимиз бир хонада яшаймиз. У ўта меҳнаткаш, хокисор, покиза тонгдай беғубор, ўқишга ниҳоятда масъулият билан қарайдиган ажойиб йигит. Ҳеч эсимдан чиқмайди, биринчи маротаба уйдан пул олдим-да, хабар қоғозини Маматхонга кўрсатдим.

— Маматхон, 50 сўм!

Маматхон севинош ўрнига:

— Шоир, пулни қайтариб жўнатынг, — деди.

— Нега? — дедим ҳайрон бўлиб, чунки стипендияларимиз ўртада, бари бозор-ўчарни Маматхон қилади. Овқатни ҳам у пиширади, қозон-товоқ ювиш менинг зиммамда.

— Қайтариб жўнатынг, гап тамом, вассалом. Кап-катта йигит кунини ота-она гарданига ташлаб ўқиса, уят бўлмайдими?

Стипендиямиз бор-йўғи йигирма икки сўм, бу билан тирикчилик кечадими, демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эдим, фикримни ўқигандай:

— Мардикорга борамиз, шоир, мардикорга. Биласизми, мардикорлик-мардлар кори, ҳам пул ишлаймиз, ҳам ҳаётнинг паст-баландидан бохабар бўламиз, — дедию мени яна гапиртиришга қўймай қўшиб қўйди. — Айниқса, сизга керак, ахир, ёзувчи бўлмоқчисиз-ку, тўғрими?

Маматхоннинг гапини икки қилмай пулни қайтариб уйга жўнатдим. Унинг хурсандчилигини кўриб, баттар ҳайрон бўламан. Менинг қўлимдан ўқиш, қозон-товоқ ювишдан бошқа ҳеч вақо келмайди. Буни Маматхон аллақачон билиб олган. Мен мардикорликда нима қиламан, қандай иш бажариб пул топаман?

— Куйинаверманг, менинг ҳам қўлимдан ҳеч иш кел-

майди. Якшанбада мардикор бозорига борамиз, бирор-бир устага ёлланиб кетаберамиз.

Маматхоннинг бу гапидан, ўрис истилоси йиллари, инқилоб даврларидаги қўзғолонда қатнашган мардикорлар тўғрисида эшитганларим ёдимга тушди. Аммо ҳозир ҳам «мардикор бозор»и борлигини, биз ҳам мардикорга боришимиз мумкинлигини ҳеч қўз олдимга келтиролмадим. Бизнинг Хоразмда «мардикор бозори» борлигини билмайман, аммо тўнка сотадиган бозор бўларди, у ерда арзон-гаровга бесўнақай, лекин чўғи кеч оқшомдан эрта-лабгача ўчмайдиган тўнкаларни сотиб олиш мумкин эди. Қўлида арра, болгаси билан эшикма-эшик юрадиган «ўтинчи»лар бўларди. Улар баҳосини келишиб, уйдаги ўтингингни, тўнкангингни кесиб, ёриб, қишга тахлаб беришарди. «Гулликчи»лар бўларди. Яъни, бир кунга, икки-уч кунга ёлланиб, уй сувоқми, том таъмирлашми, хуллас, ўнг келган юмушни бажариб кетаверишарди. Бироқ уларнинг қаердан келганликлари, ким эканликлари билан умуман қизиқмасдим. Маматхоннинг гапидан сўнг эсим оғиб қолай деди.

Институтга кириш учун Тошкентга келганидан бери баъзи якшанбаларда чиқиб юргани боис, Маматхон мардикор бозорини яхши биларкан. Тезда таниш усталарининг ёнига бориб, улар билан илиққина кўришди. Бирпасдан сўнг япалоқ юзли бир хотин келди. Савдолаша-савдолаша ахийри Маматхонни кўндирди. Маматхон ориқ бўлгани билан чайир, мен кўримли бўлганим билан укувсизлигим шундоққина билиниб турган бўлса керакки, савдода Маматхонга саккиз, менга беш сўм тўлайдиган бўлди. Ишимиз битта хом деворни йиқиб, ўрнини текислаш, йиқилган девор кесакларини ушатиб, лойга гайёрлашдан иборат эди. Агар биз шу ишнинг уддасидан чиқсак, янаги якшанбада уста ёллаб, фишдан янги девор урдирмоқчи экан, шу усталарга кўмакчи қилиб бизни ҳам ёллашини ўқтирди. Овқат бир марта, фақат пешинда, кечқурун, ишдан кейин чой ичкизиб жавоб беришга опа бизни рози қилди.

Манзилга етиб борганимиздан ишни жадаллик билан бошлаб юбордик. Бир пиёла чой ичсангизлар бўларди ҳам демади. Биз опанинг бемулозаматлигига лоқайдлик билан қарадик.

Эски хом фишдан қурилган беустувор деворнинг у ер-бу ери обдан нураган бўлишига қарамай, хийла мустаҳкам экан, гоҳ болта, гоҳ лом, гоҳ бел ишлатиб аста-секин буза бошладик. Опа тепамизда қўлларини белига тираганча йўл-йўриқ кўрсатиб турибди. Маматхонни-ку билмадим, аммо менинг гашим кела бошлади. Опанинг

эса менинг жаҳлим қўзиётгани билан бир пуллик иши йўқ.

— Кун қиздирыпти, қайнаб совиган сувингиз бўлса, яхши бўларди, — дедим опага тикроқ боқиб.

— Ёш болаларга водопроводнинг суви ҳам ҳеч нима қилмайди, тегма нозик бўлманг, — деди у дабдурустан.

Опанинг бу дағал муомаласига ўхшатиб жавоб қилмоқчи эдим-у, бироқ тилимни тийдим. Биз ҳам онамизнинг эрка боласимиз десам, унда мардикор бозорда бало бормиди, дейиши ҳеч гапмас.

Маматхон менга норози қараб қўйиб, ишга баттар жон-жаҳди билан ёпишди. Мен ўқиш, уйимизга яқин Шовотдан сув ташиш, темир печкаларга кўмир ёқишдан бошқа ишни қилиб кўрмагандим. Оч қоринга совуқ сувни уриб, назорат остида бунақанги ишламаганимданми, аввалига буни ўзим учун ҳақорат деб билдим, хўрлигим келди. Сўнгра, ахир мени ҳеч ким мажбур қилгани йўқ-ку, ўз хоҳишим билан Маматхонга эргашидим, меҳнатдан ўлган одам йўқ, опанинг беандишалик билан «бола» дегани, бемехрлиги, беписандлигига хафа бўлиб ўтириш ўрнига унга навқирон йигит ёшингни исботла, дўстингдан қолишмай, юк бўлмай гайрат қил, дея ўзимга-ўзим ҳукм бердим. Файратга миниб, Фарҳод тош кесаётгандай қулочкашлаб пахса деворни ағдара бошладим.

Бузиш, ҳар ҳолда, қуриш эмас, ишимиз аста-аста кўзга кўрина борди. Пахса ўрнининг анча жойини текислаб, бутунроқ гиштларни қуриган лойидан ажратиб, гиштларни бўлак жойга тахлаб, тупроғини бўлғуси лой жойига уйиб боряпмиз.

Пешин овқатигача ҳам, овқат маҳали ҳам Маматхон билан қарийб сўзлашмадик. Маматхон фақат:

— Чарчамадингизми, оғирлик қилмаяптими, шоир? — деб сўради.

— Йўқ, унчаликмас, — дея пича алдадим. Аслида, пешиндан кейинги ишга ярамасман дейишим керак эди.

Опанинг берган овқатини таърифлашга тилим бормайди. Суюққина жиззали шўрва, бир буханка нон, бир човгумда шамага дамланган чой.

Бундай қараганда, одам учун кўпам нарса керакмас экан. Сояда ўтириб, иштаҳа билан еган таом, ҳатто сифатсиз бўлса-да, танга қувват бўлавераркан. Яна тоғни урса талқон қилгудек важоҳат билан ишга турмоқчи эдик, опанинг ўзидай совуқ сўзи, бари хоҳишимиз устига мағзава тўқкандай бўлди:

— Еярингизни егандан кейин, сурбет бўлмасдан туринглар-да! Бу ўтиришларингда келишилган ишни эп-

лолмай, еган овқатларингиз бўйнингизга тушиб, мен алданиб қолавераманми, туринглар-да энди.

— Опажон, бор-йўғи йигирма дақиқа ўтирибмиз. Ҳукумат идораларида бир соат тушлик бўлади, — деди кулимсираб Маматхон.

— Тушингизни сувга айтинг, ука! Мен сизларни текинга овқатлантиришни бўйнимга олган эмасман. Ҳозирча қилган ишингиз еган нонингизга етмайди. Қани, гапни кўпайтирмай келишилган ишни қилинглар, йўқса, мендан бир қора чақаям ололмайсизлар..

— Сиз, шундоққина кичкина деворчани шундай бузиб текислаб берасизлару узоғи билан кеч пешинга адо қилиб кетаверасизлар деб эдингиз. Бу ўн беш одимдан зиёд, мўғуллар палохмони билан ҳам осонликча бузилмайдиган деворни йиқиб, ўрнини текислашни шу иккигинамизга буюришга қандай виждонингиз чидади? Яна дашномингиз ерни ўяди-я!

— Бу йигит гапирсаям сиз гапирманг, — деди опа мўйчанақда беўхшов терилган бир ён қошини кўтариб. — Авваламбор, мен бу йигит билан шартлашганман, сиз билан эмас. Қолаверса, шугина нимжон ҳолингизга мардикорликни сизга ким кўйибди. Мен қараб, кўриб турибман, ҳамма ишни бу бечорагина қияпти...

— Кўйинг, опа, — деди Маматхон, овозини мен то шу кунгача эшитмаган оҳангда баландлаб, — сиз кечқурун ишни қабул қилишни билинг. — Маматхон жаҳл билан ўрnidан туриб, опа томонга қайрилиб қарамай, менга юзланди: — Қани, бир ғайрат қилайлик.

Опанинг сўзлари жон-жонимдан ўтиб, аччиғимдан ишга шу қадар астойдил шўнғиб кетдимки, Маматхоннинг пича дам олинг, деганиниям эшитмабман.

Қош қорайиб, қоронғи туша бошлаганда ишни охирлаб бордик. Опа узун симли лампочкани ёқиб, девор ўрни теккисланганига қониқмай, лой бўладиган тупроқ уюми атрофини саранжом-саришта қилиб пушталатди, супурги билан супуртирди.

— Ўтиринглар, чой олиб чиқаман, — деди вақт алламаҳал бўлганда.

Совуқ сувга қизиб турган қўлимни ювгим келмади. Ёгоқхонада яхшилаб ювинарман деб кафтларимни қоқиштириб, одмигина дастурхон ёзилган ерга чўккаладим. Азбаройи чой ичиш учун эмас, иш ҳақини олиб кетиш учун ҳам барибир ўтиришимиз лозим эди. Маматхон нарибери ювиниб, артиниб келиб ўтирди.

— Шу чойиниям ичмай кетсак бўлмайдими? — Ҳорғинлик билан сўрадим Маматхон ўрнашиброқ ўтираётганини кўриб.

— Бир бурда нон тамадди қиламизу кетамиз, тушуниб турибман, мен ҳам ўлгудай чарчадим. Куюнманг, албатта ҳаммавақт ҳам бундай бўлавермайди, лекин мардикор ўзини бундан беш баттар бўлиши мумкинлигига ҳам тайёрлаб бориши керак...

Маматхоннинг гапи оғзида чала қолди. Опа ичида кесилган олти-етти бўлак нон билан дастурхонни ҳамда пешиндаги қоп-қорагина чойгумни келтириб олдимизга қўйди. Мен дастурхонга қайрилиб қарашгаям ҳолим бўлмай, аста ёнбошладим. Маматхон менинг аҳволимни тушунди чоғи, ўрнидан туриб ичкарига кирадиган эшик олдига бориб «йўталди». Опа бирров эшикдан бошини чиқардию ичкарилади ва қайтиб чиқиб иш ҳаққимизни тўлиқ берди шекилли, Маматхон жилмайганча келиб дастурхон ёнига чўккалади.

— Худога шукр, ҳаққимизни тўлиқ олдик, ўн уч сўм нақд...

Мен индамадим. Маматхон бир-икки бўлак нон кавшаган бўлди-да, жуда қироатини келтириб дастурхонга фотиҳа ўқиди. У аслида Бухородаги дин мактабига киролмай, Тошкентга келиб Тўқимачилик институтига биз билан кириш имтиҳонларини топширган эди. Ўзи наманганлик бўлгани учун ҳам водий мулозаматини жуда ўрнига қўярди, менинг дилимни оғритмаслик учун қўлидан нимаики келса аямайди. Ҳозир ҳам фотиҳа ўқишидан олдин мулойимлик билан:

— Бир пиёлагина иссиқ чой ичсангиз бўлармиди, — деди.

Яна индамадим. Маматхон билинар-билинемас совуқ нафас олди-да, ўрнидан кўзгалди. Мен машинада осилиб бораётган палосдай унинг орқасидан судралдим. Анчагина юриб, трамвай йўлига чиқдик. Кеч бўлиб қолганиданми, 8-трамвай ҳадеганда келавермади, бизнинг кутишдан бўлак чорамиз йўқ.

Ниҳоят, орзиқиб кутган кўликимиз ичида санокли одам билангина «шарақ-шуруқлаб» келиб қолди. Трамвайга мина солиб икковимиз бир-биримизга қарама-қарши ўтирганча аста-секин уйкуга кетибмиз. Трамвай бизнинг бекатдан ўтиб, охириги бекатга бориб тўхтагандан кейингина кондуктор татар хотин:

— Турингиз, трамвай Кўкчага қайтиб кета, турингиз, — деб бизни уйготолмай ҳалак бўлмоқда эди.

— «Тўқимачилар саройи»да тушамиз, — деди Маматхон, кўзларини ярим очиб. Мен трамвай деразасига бошимни бурганча яна уйку қўйнига шўнғидим.

— Турингиз, болалар, «Тўқимачилар саройи»га келдингиз, тез бўлингиз, трамвай ҳайдала! — Кондуктор-

нинг овози бизнинг яна бир озгина мизгиб олишимизга халақит бераётгани учун жуда ёқимсиз эшитилмоқдайди.

Шундайм тушгимиз келмасди. Татар хотин бақувват экан, қўлтигимиздан ушлаб, силтабгина трамвайдан тушириб кетди.

Ярим оқшомдаги куз салқинидан дийдираганча ётоқхона эшигини узоқ қоқдик. Қаровул кўзларини уқалаганча хушламай эшикни очди, аланималар деб гўдранди. Биз унинг дашномини эшитишга тоқатимиз етмай, юқориги қаватга, хонамизга кўтарилдик. Умримда биринчи, балки охирги марта кийимларимни пала-партиш ирғитиб, кўрпа остига шўнғидиму оёқларимни киндигимгача букиб, таним қизиди деганча уйкуга кетдим. Эрталаб Маматхоннинг ўқишга кетганини ҳам билмабман.

Шу куни Маматхон институтдан «пахта терими» хабарини топиб келган эди. Унинг ҳазин хўрсинишини қовоқларим оғирлигидан кўзимни очолмай сезиб ётдим. Пахта теримини орзиқиб кутиб юрган Маматхоннинг хўрсиниши сабабини пахтадан қайтгач, кейин билдик. Унинг тарихи узун.

3

Биз пахта йиғимига мактабда ўқиб юрган чоғларимизда ҳам чиққанмиз, лекин ҳеч қачон бу қадар беқадр аҳволда кутишмаган. Бизни одамлар яшайдиган уйгами, бирор мактабгами, болалар боғчасигами жойлаштиришарди. Бу ерда бўлса ҳаммаёғи нурай бошлаган, дарвозаси илматешик бир жойга киритишди. Молхонами, нима бало, дейсиз. Намчил ерда қандай ётиш мумкинлигини ақлга сиздириш мушкул. Бир сўз билан айтганда, бундан буёғи нг ётиш, мирза туриш экан-да, деган хавотирни кўнглимизга солган бир барак экан.

Ўзиям кун кечга яқинлашиб, қоронғи тушай-тушай деб турганда, бизни шалағи чиқиб кетган учта автобусдан тош тўккандай тўкишди. Куни бўйи машинада лаш-лушларимиз билан, аввалига кўтаринки руҳда ҳазилмутойиба қила-қила, кимлардир дўриллаган овозда қўшиқлар хиргойи қилиб келувдик. Мана, энди минг ёш бўлсак-да, тирик жон эмасми, аста-секин нафасимиз ўчиб қандоқ жойлашишимизни кўз олдимизга келтиролмай, марди майдонлигимиздан ном-нишон ҳам қолмади.

Барак олдида бизни кутиб олган қорни каттагина иккинчи одамнинг биттаси қўлига бўш қанор қопни олди-да, бизга нарироқдаги похол гарамини кўрсатди.

— Ана шу қанорга ҳув анову похолдан яхшилаб тиқиб

олсаларинг ажойиб тўшак бўлади, ўнғайроқ ерга тўшаб хурракни ота берасизлар, — деди.

Бошимизни қашиб турган биз осий бандалар, худди похол тамом бўлиб, тўшаксиз қолиб кетадигандай, ҳар ким биттадан қанорни олиб, похол ғарами томон чопдик. Бирпасда ҳорғинлигимиздан асар ҳам қолмади. Ким олдин қанорига мудроқ сомон тикиб, ким билан ёнма-ён жойлашишга уриниб кетди. Қоронғилаша бошлаган барак ичида бир-бировимизга уриниб-суриниб, қаттиқроқ туртинганларга болохонадор сўкишларни аямай жойлашдик. Мен Маматхоннинг ёнига тушмай, Акбарнинг чап тарафига жойлашдим, ўнг томонимда Абдурахмон. У ўзи билан олиб келган қашқар рубобини аяйман деб қанорига похолдан чала-чулпа тикқан экан, мен рубоб чалишга қизикқанимдан, югуриб бориб унинг учун бўлдамли икки-уч кучоқ похол келтириб, қанорига тикдим.

Ким ўзарга тикилган похол қанорларни тўшак ҳолига келтириш учун тўрт тарафию ости-устидан тепкилайверганимиздан кўтарилган чангни батамом қоронғилашган барак ичида кўрмасак-да, нафасларимиз қайтаётганидан унинг губори туман янглиғ устимизни қоплаганини сезиб турардик. Ўрнимиздан туриб, ташқарига чиқсак, сурбетроқ биров олиб кўядигандай, оёқ кийимларимизниям ечмасдан олтин топган қулдай ноёб «тўшагимиз» устига ётиб олдик.

Барак сал тинчигач, у ер-бу ердан рози-норози оҳандаги гап-сўзлар эшитила бошлади:

— Эртага лампочка қўйиб беришармиш.

— Бизнинг келишимизни билишмас эканлар-да, аттанг.

— Нимани билишмайди, балодай билишади, лекин ёруғ бўлса, тўполон қилишади деб ўйлашган.

— Нимага тўполон қилиш керак? Ҳукуматимиз бизни мана шундай экстримал ҳолатларда синаб кўрмоқчи!

— Экстримал нимаси?! Биз инқилобдан аввалги зулматга эмас, ёруғ кунларга боряпмиз-ку! Нега энди молдан баттар хор бўлишимиз керак?!

— Ҳам пахта терсак, давлат режалари бажарилишига ҳисса кўшсак, бу қанақаси, иззат-икром кўриш ўрнида хўрлансак?!

— Пахта терсанг, ҳаққини оласан.

— Қанақа ҳақ, ҳали қарздор бўласан, еган овқатинг бўйнингга тушади. Йўл бўйи қараб келдим, пастаккина пахтада тузук очилган кўрак кўринмайди-ку.

— Сен ўзи «текстиль»гамас, «селхоз»га кирсанг бўларкан.

— Вой, каллаварам-ей, пахта уруғини ким етиштира-

ди? Пахта заводлари! Биз институтни тамомлаб қайда ишлаймиз? Пахта заводларида! Ўзинг нотўғри киргансан бизнинг институтга.

— Нега энди сенинг институтинг бўларкан?!

Биздан икки устун нарида бошланган кўнгил топар баҳс даҳанаки жангга айланди. Уларни ёнидагилар зўрға ажратишди. «Эртага кўрамиз!», «Кўрсак, кўраверамиз!» дея гижинишиб тинчишни хаёлларига келтиришмасди. Армияни битказиб, ўқишга кирган старостамиз Кўчқор аканинг сўзлари ҳам бесамар кетиб, яна тинчишавермагач, Абдумалик ака дўрилдоқ овозда бақирди:

— Ҳозир жим бўлмасаларинг икковингниям онангни уч кўрғондан кўрсатаман!

Шу бир оғиз дашномдан баракда сув сепгандай жимлик чўкиб, Абдумалик аканиям саф бошига чиқариб қўйди.

Пахтани Малик ака билан мендан бошқа оз терадиган одам бўлмаганиданми, домлаларимиз икковимизга совхоз омборхонасидан мўмайроқ озиқ-овқат ундириб келиш вазифасини юкладилар. Бир ҳисобда оз терадиган Малик акадан сал бўлса-да, домлаларимизнинг қулоқлари тинчийди, қолаверса, унинг кўнглини топиб бирор фойдали иш билан банд қилган бўладилар. Менинг танланишим Абдумалиқ аканинг истаги бўлса керак, чунки вилоятлардан келиб таҳсил олаётганларга нисбатан бу янглиф иноят кўрсатилмас эди. Малик ака эса, биринчи кундан менинг хоразмча талаффузимга, фикрлаш мушоҳадамга қизиқиб, ёнма-ён пахта теришни ёқтириб қолди. Икковимиз гапга қизиб, пешингача зўрға бир этак, пешиндан кейин этагимиз ҳам тўлмай эгат оралаб қайтардик. Нафақат талабалар, ҳатто домлалар ҳам негадир Малик акадан ҳайиқишарди.

Малик ака жуда қизиққон ва тез урушиб кетадиган, пойма-пой сўзларини қайтаргани аямайдиган, шунинг билан бирга жуда кўнгилчан, сал яхши нарсага хурсанд бўлиб кетаверадиган тўпори йигит эди. «Эди» дейишимнинг сабаби шундаки, пахтадан кейин бир оз ўқиб юриб, сўнг институтни ташлаб кетди. Бир йил ўтиб-ўтмай, Бешёғочдаги қайси бир жанжалда пичоқлаб ўлдириб кетишганини эшитдик.

Биз пахта териб юрган Далварзин совхозининг тўртинчи бўлими бош штабдан хийла олисда бўлишига қарамай, машинани кутмасдан пиёда кетдик. Штабдан машина олдик, совхоз омборидан сечкага ўхшаган бир қоп гуруч, ёғ, чой, макарон, карам, хуллас, анча-мунча нарсани юклаганимиздан сўнг Малик ака негадир шопирга тайинлади:

— Биз шоир билан соқол-мўйловни қиртишлатиб ўзимиз борамиз, сен мана буларни тўртинчи бўлимдаги баракка обориб, Қўчқор ака деган найнов йигитга бекаму-кўст топширасан, уқдингми? Агар хатлашганимиздан бирор нарса кам топширсанг, ярим кечаси бўлсаям топиб, кўргилигингни кўрсатаман. Қани, ҳайда, омон бўл.

Тавба, ҳайдовчи йигит бир оғиз гап қайтармай жўнаб кетди. Машина кетгач, штабдаги ёшгина йигит:

— Нега машинани жўнатдингизлар? Ким рухсат берди? Нима учун биз кетяпмиз демадинглар, йўл-йўлакай бошқа бўлимларга ҳам юбориладиган нарсалар бор эди, — деб дашном бераётганди, Малик ака тўпорилик билан чўрт кесди:

— Бошқа бўлимларда ҳам бизга ўхшаган ҳаммол йўқ эмасдир, акаси, бунча дағдағангиз бор экан, олдинроқ нега индамайсиз?

Йигит оғзини очганча жаҳли чиққанлигидан кўзлари анойи ўйнаб кетган Абдумалик акага қайтариб бир сўз демади.

Пиёда қолганимиз учун Малик акага норози қарадим:

— Нега машина билан кета қолмадик?

— Бекободни бир айланиб келамиз. Мен билан армияда бўлган бир йигитнинг адреси бор. Тошкентда қолибди, барибир Бекобод Тошкент эмас, бўлса тўрт-беш уй бордир, қидирсак дарров топамиз. Бир ўйнаб келамиз. Уволнениедан унумли фойдаланиш керак, шоир. Сен билан отамлашишни яхши кўраман, калланг анча яхши ишлайди-ю, шу ерга келганда свечанг чақмади-да.

— Кун кеч бўляпти-ку, қачон Бекободга етамиз?..

— Гапни ичакдай чўзма, солдат, орқамдан марш!

У бир қадам ташлаганда икки ҳатлаб юряпман.. Йўлга чиқдик. Малик ака Бекобод томонга кетаётган юк машинани тўхтатди, сўрамасдан тепага чиқди, орқасидан мен ҳам мингашдим. Қизиқ, бу шопир ҳам бир оғиз сўрамай ҳайдаб кетаверди. Малик ака сал бекор қолди дегунча «Қаро кўзим»нинг дуч келган еридан, паст-баланд пардалари билан иши бўлмай, дўрилдоқ, ёқимсиз овозда хиргойи қила бошлайди. Энг азоблиси, ёнидаги одамниям жўр бўлишга ундайди, у билиб-билмаслиги билан иши йўқ.

Мен беш-олти кун пахта териб ўрганишиб қолганимданми, гапиниям қайтараверардим, озми-кўпми тегишиб қолардим. Нозик сўз ўйинига тоби бўлмаганидан, кўпол ҳазиллардан дили яйрарди. Шунинг учун менга «қани, шоир, менга жўр бўл» дейишига обормай:

— Япанг, мулла Тўйчи ака! Уйлансам, сиздан бошқа хофизни эшигимга йўллатмайман! Тўйимизни ўзингиз

Ўтказиб берасиз! Сизнинг овозингизни эшитган ҳомиладор аёллар бола ташлаб, тўйнинг тўрини тўлдириб ўтиради! Сигирлар сутдан қолиб, «мени сўйинг-ҳо, мени сўйинг»лашиб тўйхона олдида тизилишиб туришади! Барака топинг!

Малик ака қўшиқ «авжи» орасида қотиб-қотиб кулади, елкамга тушириб қолади, у кишимнинг эркалаганлари ҳам қўпол, елкам тушиб кетай дейди, лекин сир бой бермайман, чидайман.

Кун ботай-ботай деганда Бекободга келдик.

Бекобод Малик ака айтгандай, уч-тўртта уйликмас, каттагина шаҳар экан. Малик ака бирпас анграйиб турдида, суриштириб бозор томонга кетаберди. Индамасдан орқасидан эргашдим.

— Йўл бўлсин, мулла Тўйчи ҳофиз ака?

— Бозорга. Бозорда ҳамма бир-бировни танийди. Ана шу ерда сўраб-суриштирамиз дўстимизни.

Жудаям жим кетмаслик учун шунчаки сўрадим:

— Сўраганнинг айби йўқ, дўстингизнинг исми шарифлари кимдур?

Малик ака ҳамишаги одати бўйича таққа тўхтади:

— Исм-памелияси ҳам адреси билан бирга ёзилган эди.

— Ие, ҳали исм-памелиясиниям билмайман, денг!

Қўлларини орқага қўйиб аста файласуфона нутқ ирод қилдилар:

— Армиядан қайтганимизгаям, шоир, оз эмас-қўп эмас, бир ёз ўтди. Шу уч ойда, биласанми, қанча исм-памелиялар жойлашди бу каллага, —бошига бармоғини нуқиб кўрсатди Абдумалик ака, — қаёқдаги чалкаш саволлар бериб мияни ачитяпсан.

— Бўпти, миянгиз ачиган бўлса, аравакаш тавба қилди, вале ғараздан андак чалғиймиз-да.

— Қанақа ғараз, а? Ғаразинг нимаси?

— Ғараз, бу мақсад дегани арабчасига, мулла ака! Шунини фарқига бормай қандай яшаяпсиз ўзи?

Малик аканинг қаҳ-қаҳасидан йўловчилар сергакланди.

— Ғайрат акангни болтун тилмоч деб юрсам, сен ундан беш баттар ачитқи экансан-ку.

Ғайрат ака деганимиз, Абдумалик ака айтмоқчи, унчалик болтун эмас, аммо ўзининг файласуфона қарашлари билан акамизнинг гоҳ-гоҳ бошини айлантириб туриши бор. У менгаям Мунис Хоразмий ғазалини арабча ҳуснихат билан кўчириб, ўзимнинг машқим, қани, бир кўриб боқ-чи, деган. Мен у пайтларда ҳали Мунис тугул, берироқда ўтган шоирларни ҳам яхши билмайман, «шеърини» тажрибали

шоир сифатида сал танқид қилган эдим, ҳазратнинг китобидан кўчирганини кўриб, Акбарнинг олдида устимдан роса кулган. Уни ҳозир болтун деганига бир оз суюндим ҳам. Шу пайт Малик аканинг кўзи бирдан «Столовой» деган ёзувга тушдию қорача ранги ёришиб кетди.

— Мана, шоир! Дўстимнинг адресини ҳам топдик, ишимиз энди вадаванг! — деб хитоб қилди.

Абдумалик аканинг гапига чиппа-чин ишониб, бир севинаман, бир севинаман. У эса томоғини хўллашу бирор нарса тамадди қилиш хаёлида қувонган экан.

Олти-етти мийшиқ устал, пачоги чиққан ўн-ўн беш тахта курсилардан иборат кўримсизгина залда етти-саккиз чоғли одам нималарнидир кавшаб, ўзларича нималарнидир баҳслашиб ўтиришарди. Бу манзарага қараб кўнглим алланечук алагда бўлди. Малик акани-ку, парвойи палак, худди шундай бўлиши керак-у, топдик-а, дегандай оғзини йиғиштиролмаёй хиринглайди.

Иккита суюққина шўрва, вермишеллик котлет ва икки шиша «Портвейн 26» виносидан олиб «шоҳона» базми бошлаб юбордик. Малик ака бирам сергап эканки, таний олмай қолдим, ўзимга тўзим тиладим, гапини бўлмадим, ундан сари булбулигуё бўлиб сайрайди. Мен шу вақтгача бу савилни тотиб кўрмаганман десам, ишониш қаёқда, мазах қилгандай, «қанақа овсар боласан, мен сени туппа-тузук, гапга тушунадиган деб юрсам, бу не қилиқ, қани, ол», дея қисталанг қилади, бир пиёланинг ярмини ичдим, қолдирма, деб ҳаммасини ичкизди. Яна бир-икки пиёладан сўнг ошхона ҳам бинойидек, Малик аканинг гаплари ҳам ёқимли, неларнидир баҳслашаётган одамлар ҳам кўзимга яхшироқ кўриниб кетди. Балиқ сувга киргандай, бу муҳитга сингишиб бораётганимдан Малик ака сигаретани тутатиб, «ишқий» саргузаштларини сўйлашга тушиб кетди.

Гапнинг қисқаси, ўзимизга-ўзимиз, Малик аканинг ибораси билан айтганда, увольнение олиб, ётогимиздан йигирма километрлар йироқликда маишатга берилдик. Омон-эсон етиб борсак, домлаларимиздан қандай дашномлар эшитишни хаёлимизга ҳам келтирмай, бу ёруғ дунёда биздан кўра маза қилаётган бошқа одам йўқдай яйрай бошладик.

Камбағални урма-сўкма, чопонини йирт деганларидек, маишатимиз шу ерга келганда бир хира пашша туфайли итмомиға етди. Бу воқеа шундай тез содир бўлдики, мен то ҳануз унинг қандай бошланганини кўз олдимга келтиролмаёй ҳалак бўламан. Кечки пайт бўлганиданми, ошхона одамларга тўлишиб, гурунгу қаҳ-қаҳалар авжига чиқа бошлаган. Тамаки тутунидан ола-ғовурнинг гаш-

ти бир бўлакча бўларкан. Суҳбатдошинг сўзини яхши англамасанг-да, кулиб тасдиқлайвериб, бўлса-бўлмасга ҳиринглаб, кайфиятингдаги сархушликни намоиш этгинг келавераркан. Шундай хузурли пайтда башанг кийинган, Малик акадан ҳам ғовроқ бир йигит тепамизга келиб тўхтади. Пахта теримига мос кийимимиздан бизни пачакироқ сездими, беписандлик билан гудранди:

— Кўрмаяпсизларми, одамларга жой етишмаяпти? Нега анграясизлар? Еярингизни ебсиз, тўймас қоринларинг тўйган бўлса, қани, бир туёқларингни шиқиллатиб қолинглар-чи!

Сўзи оғзида қолган Малик ака нима деяётганини унутганча кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Нима бўлганига туншунмай мен ҳам анграйиб қолдим. Кўлларида қоғоз халтача кўтарган иккита барзанги йигит, бизга дағдаға қилаётган олифта орқасидан тиркалди. Бир оғиз сўз қайтармай, Малик ака қандай шиддат билан туриб кетганини, усталнинг мен томонга қаттиқ ағдарилганидан сўнггина билдим. Ўрнимдан кўзғалишга улгуролмасимдан, Малик ака олифтани бир уриб чилпирак қилди. Олифтанинг шериклари кўлларидаги нарсаларини ирғитиб, Малик акага ташландилар. Урушиш деса, менинг ҳам суягим йўкроқ эмасми, қўлим қичишиб жангга кириб кетганимни билмай қолдим.

Жуссам кичик бўлишига қарамай, дўппослашишга ишқибозиягим, аввалам бор, жаҳлим тезлигидан бўлса, иккинчи томондан, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллари шаҳримизда турли ёшдаги болалар ўртасида кўча-кўча уруш бўлмаган кун йўқ эди. Мактабга ўқиш учунмас, фақат нонингни тортиб олиб ейиш учун борадиган болалар ҳам кўп эди. Мен қанча таёқ есам-да, нонимни олдириб қўйишга тоқатим йўқ эди. Ким биландир бўлишиб ейишга мингдан-минг рози эдим, лекин нонимни ёши каттароқ болалар уриб олсалар, кучлардаги номутаносибликка, тенг бўлмаган адолатсизликка чидай олмасдим.

Урушдан кейинги йилларда йигитларнинг армияга кетишлари билан боғлиқ яна бир чидаб бўлмас ҳол бор эди, у ҳам бўлса бўлғувси аскарлар жўнайдиган кунлари кўчадаги ўзидан кичик болаларни дўппослашар эди. Биз Урганчда Юсуф бўлкачининг кунгурали ҳовлисида кирайда (ижарада) яшайдиган вақтимиз эди. Султон оғам армияга кетадиган куни, намозшом вақтида уйга қайтаётсак, уйимиз пастидаги ариқ кўприги ёнида ўтирган учта болага бадланиб сўради:

— Нишатиб ўтирибсизлар?

Улар мавжуд таомилдан огоҳ эмасмилар, лоқайдлик билан жавоб беришди:

— Ҳа, нима ишингиз бор, мумкин эмасми, ўтаберинг, нима, сизга йўл озми?

Султон оғам қайишини ечиб, болаларга ташланиб қолди. Улар ҳам шуни кутиб тургандай, оғамнинг қўлидан қайириб қайишини олишди-да, ўзини ерга босиб ура бошладилар. Етти-саккиз яшар бўлишимга қарамасдан, уйга чопмай Султон оғамни ураётган болаларга ёпишдим. Биттаси мени гарданимдан ушлаганча шундай силтаб ташладики, беш-олти қадам нарига бориб, умбалоқ ошиб тушдим. Ўрнимдан туриб, ташланишга юрагим дов бермай йиғлай бошладим. Болалар Султон оғамни бир-икки тепиб, қочиб қолишди. Султон оғам ўрнимдан туриб, индамай уёқ-буёғини қоқиб-сиқиб, қайишини белига боғлади, сўнг менга гуноҳкорона боқиб сўради:

— Ҳеч еринг оғримадими?

— Йўқ, — дедим бурнимни тортиб.

— Юр, уйда индама, — деди.

Султон оғам огоҳлантирмасаям индамасдим. Тун бўйи аламзадалик билан кичик муштумимни тутиб, тишларимни қайраб ётдим. Назаримда, тонг отса, учовининг ҳам алоҳида-алоҳида адабини берадигандай, қаҳрга мина-мина уйкуга кетдим.

Асосан, шу воқеа сабаб бўлиб, қолаверса, мактабда ҳам бир-икки боладан алаимимни ололмай юрганымдан, ўзимни чиниқтириб, билакларимга куч йиғишга астойдил киришдим. Балки, шунинг мавриди етилгандир. Нега деганда, биз Хивадан вилоят маркази бўлмиш Урганчга яқинда кўчиб келган эдик. Мактабга, болаларга ўрганолмай зада бўлиб, еяётган таёқларимдан анча-мунча дийдам қотган эди.

4

Аслида, ҳамма чалкашликлар мени мактабга нотўғри топширишдан бошланган. Тузукроқ сўраб-суриштирмай, каттаимиз Онабиби опабийимнинг эри, поччам Нурмуҳаммад Раҳимов ола-тасир иш кўриб, бирор синфда тўлиқ ўқимаган, ҳарфларни ҳижжалаганча базўр қўшадиган мендай чаламуллани бирданига 4-синфга топширишлари ақл бовар қилмайдиган иш эди. У мендан йўл-йўлакай уйғурча талаффузда сўради:

— Неча клас путирдинг?

— Уч, — дедим сал мақтаниб.

Мақтанишим ҳам ўринсиз эмас эди. Йилларни ҳисобласак тўрт йил бўлдики, ўқишга қатнайман, лекин бирор мартаям 1-сентябр куни ўқишга борганимни эслолмайман. Биринчи синфга Хонқада икки йил қатнадим. Унда-

ям қиш кунларининг бирида, қор ёққан азон пайти дадамлар Эркин оғам (Эркин Самандар)ни мактабга турғизолмадилар. У ҳам кўрпа тагидан совуққа чиққиси келмай ётаверди.

— Тур, мактабга кечга қоласан, — десалар, оғам:

— Комил борса, бораман, — дейди.

— Комил ҳали ёш, келаси йили боради, тур, баҳона топма, — дедилар дадам.

— Ҳеч ҳам ёш эмас, мактабга борсин, — деб ётаверди оғам.

— Комил, тур, оғанг билан ўқишга бор, — деди опам.

— Қизиқ сўллийсан, Чаман, мактаб дегана сентябрда, ўқиш бошланганда бормийдиларми?

— Бир-икки кун бораверсин, совуқда Эркинбойни бир ўзини нишаб юборамиз. Иккиси чопишиб бориб келаверадилар.

Опам умрида бирор марта мактабга бориб, бирор синфда таҳсил олмагани сабабли унинг наздида хоҳлаган пайтда ўқишга бориб келиш мумкиндай туюлганми, ахийри оғам икковимиз мактабга жўнадик. Оғам мени биринчи синфга киргизиб кетди. У аълога ўқигани учунми, мени қабул қилган муаллим бир оғиз қаршилиқ қилмай, охириги партага бориб ўтиришимни тайинлади. Танаффусга қўнғироқ чалинган экан, мен тушунмай уйга қайтиб келавердим:

— Ана, — деди опам, — азонда хархаша қилиб турвадинг, тиммитдин ўқиб келибсан-ку.

«Ўқиб» келганимдан менинг бошим осмонда. Эртасига азонда яна бориб «ўқиб» қайтдим. Бироқ менда на китоб бор, на дафтар. Нимага мактабга келиб юрибсан, деб сўрайдиган бирон кимсаям йўқ. «Ўқийвердим» вараңлатиб. Келаси йили Хивага кўчдик. 2-синфга бордим. Ўқиш бошланган эди. Сўнгги йили Урганчга кўчиб келдик, яна ўқишлар бошланиб кетган, 3-синфга боришим керак эди, йўлда ҳисобдан адашиб, 4-дебман поччамга, 4-синфга топширди мени. Ҳеч эсимдан чиқмайди, поччам билан «4-б» синфи олдида турибмиз, ичкарида олағовур, муаллими йўқмикан, деб поччам синф эшигини қаттиқ тақиллатди. Кўзойнаги бурни устига тушиб турган ёши ўтинқираган бир татар муаллими эшикни очди.

— Шуми? — деб сўради.

— Ҳа, жуда зеҳнли бола, ўзингиз алоҳида эътибор қиларсиз, — дея поччам мени топшириб кетди.

Қизиқ, муаллим аёл китоб, дафтаринг қани ҳам демади, исминг, фамилиянг ким, деб ҳам сўрамади. Демак, поччам аввалдан келишиб қўйган экан.

— Ўт, ҳув анаву ерга ўтир, — деди ва кўзойнаги

устидан қараб, татарча талаффузда кўшиб қўйди, — фамилиянг билан отингни дарсни ўтиб бўлгач ёзаман.

Шундай қилиб, бирданига 4-синф ўқувчиси бўлиб қолдим.

Мени қабул қилишга қилиб, кейин жонкуяр ўқитувчим Ҳанифа опа Шапиева кўп қийналди. Болалардан ётсираб ҳадиксираганим устига, Ҳанифа опанинг юзига тик қарай олмайман. Лекин бари азобларга чидаётганимни, борлиқ вужудим билан ўқишга бўлган меҳру ҳавасимни, тиришқоқлигимни кўрганиданми, бир мартагина қаттиқ урди-да, бошқа қўл тегизмади.

Мен ҳам ўқув йилининг охирига бориб биринчилар қаторига чиқдим. 5-синфдан бошлаб, то 10-синфни битказиб, аттестат олганимча, қарийб бирон марта тўрт баҳо олмадим, ҳамиша «5»га ўқидим. Таёқниям болалардан шу келганимизнинг биринчи йили кўпроқ едим.

Шу йили Султон оғам армияга кетди, ҳалиги воқеадан кейин мен спортнинг қайси тури бўлса қатнашавардим. Кураш, баскетбол, бокс, футбол, волейбол, охири энг кўп енгил атлетика билан мунтазамроқ шугулландим.

Барибир ҳаммасиям чала. Лекин, кўча урушининг мумкамал «илмини» ўтаганимдан, Бекободнинг чекка ошхонасидаги қўлбола жангда Малик ака икковимиз боплаб ташлашдик, таёқниям ўхшатиб едик, ўхшатиб урдик ҳам. Кимдир «мелисалар» деганидан, ҳаммамиз устамон эканмиз, бирпасда тумтарақай ғойиб бўлдик. Бекободликлар қай тарафга қочишганини илголмай қолдим-у, биз ўзимизни йўлнинг нари ёғидаги қоронгиликка урдик.

Малик ака холироқ қолганимиздан кейин қаттиқ сўкиниб тупурди. Лаб-лунжидан қон аралаш туфукларини артаркан:

— Шоир, оғиз-бурунларимизни ювиб олмасак бўлмай-диганга ўхшайди, кетдик, ювиниб-артиниб қайтамыз, уларни суриштириб топамиз, мен бундай қолдиролмайман, бир-бир ушлаб каллаларини сапчадай узмасам еганим сингмайди, — деди.

— Ҳалиям камиси қолмади-ёв, — дедим мен ҳам қон туфлаб.

— Бало экансан-ку, шоир! Сенга беш кетдим! Бундай урушишни қаёқда ҳам ўргангансан, худди ўзимсан-а, вей! Пахтадан кейин Тошкентга борайлик, ўзим тарбиялайман сени! Бешёғочу Кўкчани зир титратамыз, кўрасан.

Малик аканинг ана шу тўпорилигини ёқтириб қолганман. Ҳалигина «ювиниб-артиниб қайтамыз»идан асар ҳам қолмаган, қоройғи кўча бўйлаб, катта йўлга тушиб

совхоз томон кетабердик. Бир оз юрганимиздан кейин йўл четидаги уйлар ҳам сийраклашиб, кейин икки ёнда экинзор далалар бошланди. Кечки салқиндан қизинмоқ ихтиёрида одимни каттароқ олдик.

Бекобод азал шамолли юрт дегувчи эдилар, еган муштарлар зарби энди-энди билиняпти. Тунги салқин шамолида ҳамаёғим жизиллайди. Малик акага қарайман, у негадир жим, менинг борлигимни ҳам унутиб юборганга ўхшайди. Қаҳрли-қаҳрли одимлаяпти. Бирдан ёқимсиз овози билан хиргойисини бошлаб қолди:

*Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил...*

Малик ака қўшиқни давом эттирмай жим қолди ва салдан кейин шу байтни яна ҳазин оҳангда ўзига хос тарзда беўхшов, лекин ичкин бир мунгда қайтарди. Қарасам, боши солиниб, йиғлашдан бери бўлиб боряпти. Кўнглини кўтариш учун ҳазилнамо алфозда тегишдим:

— Бунча «кафан»лаб қолдингиз, мулла Тўйчи ҳофиз ака! Қўл ювишга бир қултум сув йўқ жойда кўнглингиз гулоб сувини исташига беш кетаман-да!

Малик ака бирдан тақа-тақ тўхтади:

— Йиғиштир ҳазилингни! Сув топилмаса, бекафан кўмишар!..

Унинг вазоҳатидан эгим сесканиб кетди. Жаҳли чиққанда ақли кетмайдиган одам камдир-у, лекин беақлнинг жаҳли чиқса... Нохуш ўйимни қувламоқ учун бир сўз қайтармасдан қўшиқнинг давомини Малик аканинг ёввойи айтимчилигида давом эттирдим:

*Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил...*

Малик ака байтнинг биринчи мисрасини айтишимданок, елкамга бир тушириб «қойилман сенга, шоир!», дея иккинчи мисрадан қўшилиб дўрилдоқ овози билан жўровоз бўлиб кетаберди.

Тонгга яқин баракка етиб келдик. Ҳамма ширин уйкуда эканлигидан фойдаланиб, ечиниб ҳам ўтирмай апилтапил ўринларимизга кириб ётдик.

Кечқурун теримдан қайтишгач, болалар бизнинг муамалалоқ бўлиб кўкарган юз-кўзларимизнинг шишини кўриб қизиқсиндилар. Малик ака барча саволларни ҳазилга буриб, «Бекободга борсаларинг биласанлар», деб қўя қолди.

Пахта, йиғим-теримига борганимизнинг илк кунла-

рида содир бўлган «Бекобод воқеаси» болалар кўзи ўнгида мавқеъимни қанчалик баландлатган бўлса, домлалар наздида шунчалик пастлаганини ич-ичимдан сезиб, эзила бошладим.

Қилган қилмишимдан ёшлик ғурури ила мақганишим, бўлар-бўлмасга гердаишим ўрнига, аксинча, домлалар кўзига тик қаролмай, маъюсланиб юрдим. Юрак-юрагимдан афсусланаётганимдан, менга бўлган совуқлик ўрнини хайрихоҳлик, беозоргина қайишиш эгаллаб, аста-секин ўз таъсирини кўрсата бошлади. Деворий газета чиқаришга, совхоз радиоузелидан гапиришга ўхшаган бошқа маданий ишларни ўтказишда ҳам фаол қатнашишимга рағбат кўрсатдилар.

Менга бу янглиф андак ҳурмат билан қарашликка, институтга кириш имтиҳонлари топшириш чоғидаги ҳаммани ҳайратга солган, ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига кирмайдиган ғайритабиий воқеа сабаб бўлган бўлса ҳам ажаб эмас.

Иккинчи имтиҳонга тайёрланиб юрган вақтимда, Баман номидаги институтга киролмаган мактабдош дўстим Рустам Масковдан қайтиб, тўғри ётоқхонамга келди. Рустам билан дўстлигимиз китобларда ҳам ёзилмаган даражада қалин эди. Икковимиз бошқа-бошқа синфларда ўқисак-да, мактабга китоб-дафтарни эрталаб у кўтариб борарди, қайтишда эса мен. Фақат беш баҳога ўқирдик. Спорт сексияларига ҳам бирга қатнаймиз. Хуллас, Худо ажратмаса, банда ажратиши мушкул бўлган, ҳамма ҳавас қиладиган яқинлигимиз, шу ёзда институтга кириш имтиҳонларини топшириш заруратидан бир ой чамаси узоқлашган эдик.

Кириш бали етишмасдан институтга киролмаган Рустамнинг кайфияти синиқликдан йироқ, шу-шу кулиб турган тақовулда кириб келди.

— Ҳужжатларингни қайтариб ол, бориб икки йил ишлаб, ҳукуматимиз даъватини ҳам бажариб, оқ юзли, обрўли бўлиб, кейин икковимиз бир институтга киримиз, — деди ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг.

— Яхши, — дедим, — нима десанг шу.

У мендан бошқа жавоб кутиши мумкин эмаслигини қатъий билганидан кўп айлантирмай, дангал айтганига мен ҳам худди шундай бўлиши керакдай, ҳеч иккиланмасдан уни орқайин қилдим. Институтга бориб ҳужжатларимни олай десам, беришмади. Имтиҳондан йиқилиш зарурлигини айтишди. Рустам икковимиз кинога кирдик, истироҳат богига бориб лағмон едик, хуллас, имтиҳондан йиқилишим керак бўлгач, эртасига бўладиган математи-кадан оғзаки имтиҳонга тайёрланмадим.

Эрта билан имтиҳон бўладиган эшик олдига бориб, биринчилар қатори навбат олдим. Рустам институтимиз ҳовлисида кутиб турадиган бўлди. Эшик очилиб, киришга рухсат бўлиши билан биринчи бешликда кирдим. Тўғри домлалар олдига бориб, томдан тараша тушгандай қилиб:

— Менга «2» қўйиб беринг, — дедим.

Оппоқ юзли, ўнг юзида йириккина холи бор чиройли бир домла ҳайрат билан кўзимга боқиб, балки умрида биринчи ва охириги жинниликни кўраётгандек:

— Нега? Нима учун? — деб сўради.

— Хужжатларимни олишим керак.

— Билет олинг, — деди у совуққина.

Ким билсин, балки шундай қилиш лозимдир. Билет олдим.

— Тайёрланасизми, ё жавоб бераверасизми?

— Жавоб беравераман.

— Марҳамат.

Билетдаги учта саволга жавоб тутагач, домла савол бераверибди, мен жавоб қайтараверибман, охирида:

— Бўпти, — дея имзо чекиб имтиҳон варақасини қўлимга берди.— Мана, муродингиз ҳосил бўлди, баҳонгиз икки.

— Раҳмат, — дея имтиҳон варақасини олдим-у, негадир эсимни тўлиқ таниганимдан бери онда-сонда «4» баҳо олиб кўрганим бўлмаса, фақат «5»га ўқиганим учун домланинг хунуккина қилиб «2» деганига ҳеч кўни-колмай хўрлигим келди. Варақани очиб кўриш уёқда турсин, худди бировдан ҳақорат эшитгандай, ён-веримга ҳам қарамасдан хужжатларни берадиган хонага югурдим.

— Нима гап? — деб сўради кечаги ёшгина аёл.

— Кеча келиб хужжатимни қайтариб олмоқчи эдим, имтиҳондан йиқилиш керак, деб эдингиз, мана, икки олиб келдим, марҳамат қилиб хужжатларимни қайтариб берсангиз, уйимга кетмоқчи эдим.

Опа чимрилибгина имтиҳон варақасини очди ва қошларини керганча анойи таажжубланди:

— Эсингиз жойидами? Нега одамни калака қиласиз? Қани, боринг, бу ер сиз ҳазиллашадиган жой эмас.

Варақамни олдимга отиб урди. Не кўз билан кўрайки, имтиҳон варақасида чиройли дастхатда қўйилган «5» турарди. Ҳайрон бўлиб даҳлизга чиқдим, Рустамга нима дейман, қай юз билан, бўлмади, дейман.

— Бўлдими, кетдикми? — Ишонч билан сўради Рустам.

— Бўлмади. «2» қўйиб бермади.

— Яхшилаб жавоб бергандирсан-да! Нима, институтга

киролмай қоламан, деб кўрқдингми? Бўпти, омон бўл, мен кетдим.

Ташқарига чиқдик. Билиб турибман, Рустам мендан жуда-жуда хафа.

— Кейингисидан йиқиларман, икки-уч кун кутишга тўғри келади. Йўқ десанг, сен кетабер уйга, мен орқангдан етиб бораман.

Рустам қаҳр билан тўғри келган троллейбусга миниб жўнаб қолди. Анча вақтгача бекатда саррайиб турдим. Дўстимга қилган хиёнатимдан ўзимни ёмон кўра бошладим. На овқат едим, на сув ичдим. Чопиб бораётганида пешонасидан гурзи еган отдай гарангсиб, ётоқхонадан чиқмай ётдим.

Эртасиям қўлимга китоб-дафтар олмай ётоқхона чорбоғида ўтирдим. Бир вақт босар-тусарини билмай Рустам келиб қолди.

— Масковдан хабар келди, мени институтга қабул қилишибди!

Бу хушхабардан ўзида йўқ шодланган дўстим бир оғиз яхшиям кеча «2» олмаганинг демасдан, нуқул бутун самолётда учиб кетиши зарурлигини гапира-гапира, олдимга қандай ҳовлиқиб келган бўлса, шундай ҳовлиқиб кетди. Мана сизга, дўстлик! Амалдор дадасининг мавқеи Масковда ҳам баландлигини такроран айтишни унутмади-ю, энди сенинг ҳолинг нима кечади, имтиҳондан йиқилиб институтдан кетишни истаётганингни қабул комиссиясидагилар яхши билишади, битта ўрин ҳамиша кимнингдир арзандасига, кимнингдир танишига керак бўлади, кейинги имтиҳонларга яхшилаб, пухтароқ тайёрлан, омадингни берсин, мабодо йиқилсанг, гапимиз-гап, менга хабар юборсанг бўлди, мен бир баҳона билан ҳужжатларимни олиб қайтаман, икки йил ишлаб, кейин икковимиз бир институтга кириб ўқиймиз, демади. Демаганига кўра, кўнглим оғриганига эътибор ҳам қилмади.

Қолган иккита имтиҳонгаям қаттиқ тайёрланиб, билетдан ташқари неча-неча саволларга жавоб бериб институтга кирдим. Институтлар тарихида камдан-кам қайтариладиган, балки умуман қайтарилмайдиган ана шу ноёб воқеа менинг нуфузимни ўқишнинг биринчи куниданоқ оширган эди.

Ҳамма мени кўрсатиб, яхши гапларни айтаётгандай бўлаверарди. Мен ташқаридан хокисор кўринсам-да, ботинан андаккина мағрурланардим. Ахир, кимлардир таниш-билиш орқали институтга киролмай юрганида мен ҳужжатларимни қайтариб олиш учун «2» баҳо ололмай юрганим ҳамма замонларда ҳам ибрат бўлади деб, ўзимни ўзим улуғлардим.

Рустам Масковда кўп ўқий олмасдан бир-икки йилдан кейин Тошкентга келиб ўқишини давом қилдирди, сўнг сиртдан ўқидими-ей, мен у пайтда дипломни олиб ишга киришиб кетган эдим.

Ушбу воқеани эслашимнинг боиси шундаки, биз институтга кирган замонлардаги одиллик, ҳақгўйлик, ўз билиминг билан имтиҳон топшириб ҳам кира олиш мумкинлиги ҳаёлимдан бир-бир ўтарди. Замонанинг тезоблиги баробарида ҳаёт тарзининг беқиёс тез ривожига, ўқишга бўлган талаб ва эҳтиёж, институтга қабул қилишдаги қаллобликлар кўз унгимизда шунчалик тез ўзгарганига кўни-киб яшаганимиздан ҳайрон бўламан.

5

Бошқа соҳалардаги қаллоблик ҳамма замонларда ҳам бўлар, лекин давлатни ҳақиқий, баркамол давлат қиладиган йигит-қизларни ўқув масканларига қабул қилиш асносидаги кўзбўямачиликлар, мўмай пул орқасидан қувиб, баъзи аҳли минолнинг¹ билимсиз болаларини икки қўллаб олий даргоҳларга киритиб қўйишлар, авлодларни аъмо,² мамлакатнинг устуворлигини мунҳади³ бедаво этишини била туриб бутун бошли жамиятни инқирозга олиб келиши табиийлигидан буткул кўз юмишлик мустақиллигимизгача давом этгани ҳеч кимга сир эмас-ку.

Катта ўғлим Баҳромнинг саксонинчи йиллар бошида Масковдаги халқаро муносабатлар институтига — «МИМО»га ҳужжатини топширганидан, то қайтариб олганигача бўлган даврдаги нечоғлик мутажанам (сиқилган) бўлганликларимизни ўйласам, ҳозир ҳам этим дириллайди.

Собиқ қизил империя вақтида Масков ва марказий институтларга кириш имтиҳонлари Ўрта Осиёдаги олий ўқув масканларига киришдан бир ой олдин бошланарди. Киrolмаганлар зудлик билан юртига қайтиб, ўз кучларини қайтадан синаб кўрар эдилар.

Ўғлимизни «МИМО»га киритиш ҳаваси, авваламбор, Баҳромнинг ўткир зеҳнлилиги, мактабни олтин медалга битирибгина қолмай, жаҳон воқеаларига қизиқиши сабабли туғилган эди. Қолаверса, номи шу қадар оҳангдор масканда бизнинг элимиздан шу ўтган даврларда биронта ҳам одам ўқимагани сабаб бўлди. Унинг боқчага бориб юрган кезлари кўпсонли рақамларни ёддан кўпайтириш-

¹ Аҳли минол — молдор, давлатманд.

² Аъмо — кўр, саводсиз маъносида.

³ Мунҳад — қулаган, вайрон бўлган.

ларини, мактабга борган дастлабки йиллари ором курсида оёқларини чалкаштириб «Правда» газетани кенг ёйиб, кунт билан ўқиб ўтиришларини кўриб тасаннолар айтардик.

Баҳром аттестатини олгач, ҳужжатларини топшириш учун опаси билан Масковга эртароқ учиб кетишди. Мен меҳнат таътилига чиқиб кейинроқ, имтиҳон кунлари бордим.

Раъножон ўғлимиз билан бир танишимизникига жойлашиб ҳужжатларини топширишгач, баъзи институтга кирувчиларнинг ота-оналари маслаҳатига кўра, мен билан кўнғироқлашиб, зарур фанлар бўйича алоҳида-алоҳида имтиҳонларга тайёрлайдиган ўқитувчиларни ёллаган.

Баҳром метроларда, троллейбус, трамвайларда очинтўқин юриб катта ҳавас билан кириш имтиҳонларига тайёрлангани бекор кетмай, биринчи имтиҳон немис тилидан «5» баҳо олди. Севинганларимизни кўрсангиз эди, ўзим «5» баҳо олганимдаям бунча севинган эмасман. Биз ўғлимизни институтга кирди деб ўйладик, чунки олтин медал билан битта «5» олса тамом, қоида бўйича барча олий ўқув масканларига сўзсиз қабул қилинарди-да. СССР бўйича фақат «МИМО»га кириш учун иккита «5» олиш керак экан.

Ҳамма саргардонлик ана шу иккинчи имтиҳондан кейин бошланди. Биринчи имтиҳондан руҳи кўтарилган Баҳром, иккинчисига аввалгисидан ҳам зўр бериб тайёрлана бошлади. Кирувчилар рўйхатида ўғлимизнинг исми шарифлари қайд этилмагани учунми, балки билими саёзлик қилдими, буёғи бизга қоронғу, иккинчи имтиҳонда унинг баҳоси пасайтирилди.

Имтиҳондан руҳи тушиб чиққан Баҳром:

— Ҳамма саволларига тўлиқ жавоб бердим, ҳақиқат қилишмади, ҳужжатларни олиб Тошкентга кетайлик, университетга кираман, — деди йиғламоқдан бери бўлиб.

Унинг юраги бир нимани сезган эканки, «кетамиз»га тушаверди, лекин мен:

— Ахир, йиқилмадинг-ку, учинчи имтиҳонни ҳам топшир, ҳали вақтимиз бор, Тошкентга улгурасан, — дедим.

Бола бечора не қилсин, рози бўлди. Кичик қизимиз Дилноз ҳали икки яшар бўлгани учун опасини уйга қайтариб юборганмиз. Баҳром яна муккасидан кетиб тайёрланди. Меҳнатлари зое кетмади — «4» олди. У яна руҳланди ва охириги тўртинчи имтиҳондан ҳам «4» олиб чиқди. Мандат комиссиясининг қарорини ишонч билан кутдик, лекин ўтмади. Ҳужжатларини олиш учун Баҳромни институтга жўнатдим, беришмабди, резервга олишармиш, буйруқни кутинг, дейишибди.

Энг оғир, машаққатли кунларимиз бошланди. Баҳром эрталаб институтга кетади, кечкурун сарғайиб қайтади. Мен меҳмонхонада беҳаловат уни кутаман, кунлар беаёв ўтяпти, натижа кўринмайди, буйруқ ҳам беришмайди, ҳужжатларни ҳам.

Ой охирлаб, Тошкентга шу куни учмасак, институтларга ҳужжат топшириш муддати тугаши аниқ бўлиб қолди. Эрталаб икковимиз институтга бордик, Баҳром кириб, яна қуруқ қайтиб чиқди:

— Эрта-индин буйруқ чиқармиш, кутинг дейишяпти. — Ўғлим хотиржам гапиришга уринса-да, эзилгани билиниб турарди.

Баҳромнинг ранги рўйига қараб хафа бўлиб кетдим-да, ҳужжатларни ўзим олиб чиқаман, дея шаҳд билан институт эшигини очдим. Рухсатномасиз кириш мумкинмас деб мелиса қўймади. Унга ёлбориб, ўғлим билан бир дақиқага кириб чиқиш учун рухсат олдим. Ҳужжатларни берувчи жуссаси кичиккина, ёши ўтинқираган чиройли аёл мулойимлик билан тушунтириб, қабул қилинган абитуриентлар орасида ўғлимнинг фамилияси ёнида, қўшимча резервга олиниши мумкин, деган қизил думалоқ белгини кўрсатди ва сўзининг охирида бир қалтис гап айтди:

— Резервга қабул қилиниши тўғрисида буйруқ чиқса, ажаб эмас.

— Чиқмаслиги ҳам мумкинми?

— Ҳамма нарса бўлиши мумкин, аниқ бир гап айтиш қийин.

У аёл буйруқ чиқиш-чиқмаслигини билмаслиги ҳақида тўғриси айтган бўлса-да, ҳойнаҳой, анигини билиб гапиряпти, деган фўлғула бутун ишончларимни чил-парчин қилиб юборди.

— Ўғлимнинг ҳужжатларини беринг, умрингиздан барака топинг, агар шу ўғлим Тошкентда ўқишга кирса, яхши бир совға сиздан айлансин, бир яхшилиқ қилинг, — дея унғаям тавалло қилдим.

Аёл анча вақтгача на «ҳа», на «йўқ» демай жим туриб-туриб, ахийри рози бўлди.

— Совғангиз шарт эмас, майли, ҳужжатларни топширгани ҳақидаги қоғозни беринг, ўғлингиз учун койишса койишар, барибир бу йил нафақага чиқаман.

Мен Баҳромга қарадим, Баҳром менга қаради. Бошимиздан совуқ сув қуйгандай сесканиб кетдик. Чунки, у қоғоз ким билсин, қаерларда қолиб кетди экан. Агар Баҳромлар ётган жойга бориб ахтариб топиб келаман, десак кун пешинга яқинлашиб, кечикишимиз турган гап, энди нима қилиш керак.

— Биз овсарни кечиринг, опажон, — дедим, — аросатдаги одамларнинг аҳволи шу-да, ётоқда ёддан чиқарибмиз.

— Йўқ, у ҳолда ҳужжат қайтариб бериш тўғрисида умуман гап ҳам бўлиши мумкин эмас! — Ранги ўчиб кетди аёлнинг.

— Биладан, қонун-қоидани бузишга ҳаққингиз йўқ. Ҳозир менга кулоқ солишга тоқатингиз бўлмасаям бир дақиқагина охирги сўзимни эшитсангиз, ҳужжатни бермасангиз ҳам розиман, — дедим.

Аёл қовоғини очмай совуққина:

— Гапиринг, — деди.

— Бугун 30 июл...

— Ҳўш?

— Масков билан Тошкент вақти уч соатга фарқ қилади. Ҳозир соат бирга яқинлашяпти. Сиз сўраган қоғозни ётоғимиздан олиб келганимизча, биз жойлашган квартира бекаси борганимизда уйда бўлса, соат 3-4 бўлади. Агар бўлмаса-чи? Қолаверса, Домодедово аэропортигигача таксида бир соатдан зиёдроқ вақт кетади. Кечкурун самолёт учса, вақт фарқи билан эрталаб соат еттиларда Тошкентга етиб боради. Демак, эртага 31 июлда боради, ўғлим ҳужжатларини топширолади. Шу самолётдан қолса, эрталаб учгандаям кечкурун Тошкентга боради, ҳужжатларини топширолмайди. Бу ердаги тортган азоблари устига, олтин медал билан мактабни битирган боланинг руҳига бу қанчалик салбий таъсир кўрсатишини кўз ўнгингизга келтириб кўринг... — Шу ерга келганда пича алдадим. — Мен Масковда қоламан, ўғлимни бугун эсон-омон жўнатсам, ана шу қоғозни эртага сизга икки қўллаб келтириб топшираман, шу ҳақда ҳозир тилхат ёзиб бераман, мана, СССР ёзувчилар уюшмасига аъзолигим ҳақидаги ҳужжатимни ташлаб кетаман.

Ҳужжатимни кўргач, аёл юзида мамнунлик акс этгандай бўлди.

— Ёзувчимисиз? Майли, мен сизга ишонаман, ёзувчи одам экансиз, лекин алдаманг, қоғозни келтириб беринг, илтимос.

— Албатта, албатта, — дейман, аёл фикридан қайта кўрмасин деб.

Бу қоғозни табиий, эртасига олиб боролмадим, уч-тўрт кундан кейин, юқларимизни олиб қайтиш учун Масковга келганимда топширдим. Ўша куни меҳмонхонадан нарсаларимизни олишга вақтимиз бўлмай, тўппа-тўғри аэропортга жўнаган эдик.

Аэропортга келсак, даҳшат. Биз пиёдаларга йўл бўлсин, отлиққа ҳам Тошкентга билет йўқ эди. Чипталарни рўйхат-

дан ўтказиш учун карнайда эълон берилипти. Мен ҳеч бўлмаса Баҳромни учуриб юбориш фикрида уёқдан-буёққа, буёқдан-уёққа зир-зир югураман, ҳаракатларим бесамар кетади, нима қилишимни билмайман. Баҳромнинг кўзида қараб бўлмаслик даражада мунг. Нима қилмоқ керак? Ялиниб-ёлбориб чиптасини олиб берсам дейман-у, бирорта таниш-билишим йўқлигидан илож тополмайман. Ҳамма имтиҳон топширишга шошиляётгандай, жиддий ва ташвишли қиёфада. Йўловчилар рўйхатдан ўтиб бўлишди. Самолётга чиқиш учун эълон берилди.

Ожизлик ва чорасизликдан оғзим куруқшаб, йўловчиларни самолётга миндирувчи кўхликкина аёл йўлини пойлаяпман. У билан гаплашаётган вақтимда яна ўзимга ўхшаган бирорта ҳожатманд халақит бермагай деб Оллоҳга илтижо қиламан. Уни холи учратиб, бир неча дақиқада олам-жаҳон гап-сўзларни қалаштириб, шу ўғилгинамни нима бўлсаям, учувчилар билан келишибми, ишқилиб, Тошкентга учуриб юборишини илтимос қилдим. Кўлига пинҳона битта 100 сўмликни қистирдим. Чипта баҳосидан қирқ сўмча зиёд бердим. Силтаб ташлаб, ҳақорат қилармикан деб кўрқиб туравердим, йўқ, афтимга бир қаради-да, уриниб кўраман, дея, ўғлимни эргаштириб, учиш майдонига кетаверди.

Баҳромни самолётга миндириб келганича бўларим бўлди. Ташвишланиб турганимни кўрган ҳалиги диспетчер аёл менга ним табассум билан «хавотирланманг, ўғлингиз учиб кетди» дегандай билинар-билиномас бош ирғаб, ёнимдан ўтиб, ичкарига кириб кетди.

Баҳром-ку, учишга учиб кетди. Энди ўзим нима қиламан? Тошкентга бормасам, ҳужжатларини топшира оладими-йўқми, қаерга жойлашади, ҳоли нима кечади деганга ўхшаш қатор саволлар остида эзила бошладим. Шу янглиғ саволларни дадамлар ҳам ўзларига берганмиканлар? Ахир, мен Тошкентдай шаҳри азимга ёлғиз ўзим келиб, ётоққа жойлашиб, имтиҳонларни бинойидек топширганман. Дўстимнинг бали етишмабди, мен ҳам қайтиб кетмасам инсофданмас, дея ҳужжатларимни қайтиб олиш учун талашиб юрганларимни қайта-қайта эслайман. Ҳозирда у воқеалар чўпчакка айланаётганига, ҳар боланинг орқасида неча қариндош-уруғлари, оталарининг таниш-билишлари ҳалак бўлиб юрганлигини ўйлаб, беихтиёр ичим сиқилиб кетади. Умуман олганда, ўқиш учун, илм-фан чўққиларини эгаллаш учун тинимсиз риёзат чекиш ўрнига таниш-билишчиликни ўртага солиш ақл бовар этмас ҳодисадир. Шу сабабли қанчадан-қанча иқтидорли йигит-қизлар ўз талантларини юзага чиқаролмай, бурчак-бурчакларда қолиб кетишади. Илмни сотиш, со-

тиб олиб бўлмаслик ҳақидаги гап-сўзлар қадим-қадимдан келади. Бироқ бу касаллик ҳануз давом этади.. Эртами-кечми, шундай йўлдан борган одам барибир панд ейди. Шу лаҳзаларда, чет элларда ўтказилаётган тест имтиҳонлари қачон бизда амалга ошаркин, дея ўйлаганим, йиллар ўтиб, мустақиллигимиз даврида бошлангани касалликка оз-моз барҳам берди.

Хуллас, Домодедово аэропорти-қўналғасининг катта залида ҳар нечук Баҳромни учириб юборишдек ечими оғир муаммони ҳал қилганимдан ўзимни сал енгил ҳис этдим. Бориб самолётлар учиш жадвалига кўз югуртирдим. Яна уч соатдан кейин Внуково аэропортидан бугун кеч ҳисобига битта самолёт Тошкетга учар экан. Ҳеч иккиланмасдан Внуково қўналғасига қараб чопдим. Бу ерда ҳам аҳвол шу. Чипта анқонинг уруғи. Улимдан бошқасининг чораси топилади дегандай, амал-тақал қилиб чўнтакни қоқиштириб, пулнинг юзига қарамай, битта чипта олдим.

Самолётга миндим, трапни олишди. Самолётни катта машина шатакка олиб, учиш майдонига судраб кета бошлади. Бемалол орқайинлашиб оёғимни узатдим. Ўриндикқа ўрнашиб бошимни шундай суяшим билан қаттиқ уйқуга кетибман чоғи, бирвақт йўловчиларнинг гала-ғовуридан кўзимни эринибгина очсам, тонг оқариб, самолёт устидан оғир булутлар судралиб ўтяпти. Самолёт дарчасидан аста ерга кўз ташладим, не кўз билан кўрайки, самолёт ўша кеча минган жоймизда турибди. Ёнимдаги сипо бир йўловчидан сўрадим:

— Нима, яна қайтиб келдикми?

— Ҳали учганимиз йўғ-у, қайтиб келдикми деганингиз нимаси? Сиз ухлаб маза қилдингиз, уч-тўрт соатдан бери бўларимиз бўлди.

— Нега учмадикан?

— Тошкент туман эмиш...

Юрагим ортга тортиб кетди. Ёпирай, Баҳром ҳалиям Домодедовада ўтирган бўлса-я?! Самолётдан тушиб, Домодедова аэропортига борсаммикан, деган ўйимни адо қилмасимдан, шатакка олинган самолёт ўрнидан кўзғалди.

Кундуз соат тўртларда Тошкентга келиб қўндик. Самолётдан туша солиб университет қабул комиссияси жойлашган бинога етиб келдим. Хайрият, Баҳром укам Рустамбек билан юридик факултетга ҳужжат топшириш муддати тугаганлиги учун қайсисига беришларини билмай гарангсиб туришган экан.

— Мен етиб келмасам нима бўларди? — Сўрадим асабларим танглашиб.

— Ҳали ярим соат вақт бор, — деди укам, у шу

университетнинг юридик факултетини тамомлаган, юрист, — агар сиз келмасангиз, иқтисодга топширгин, деб тургандим.

— Баҳром нима деяпти?

Биз бамайлихотир сўзлашиб турибмиз-у, ҳужжат қабул қиладиган ораста қизлар, худди дўконларини ўз вақтида бекитишмаса бўлмайдигандай ўринларидан қўзғалишди. Бизнинг машамашамиздан бохабар битта инсофлироги:

— Ҳужжатингизни топширасизларми-йўқми, ўн дақиқа вақтимиз қолди, — деди.

— Қани, топшир, — дедим Баҳромга. — Тагин бундан ҳам кеч қолма.

Ҳужжатларни топшириб ташқарига чиққанимиздан кейин бениҳоя қаттиқ толиққанимни сеза бошладим. Рустамбек кечки самолёт билан уйга учиб кетди, биз Баҳром икковимиз меҳмонхонага жойлашдик. Бирор нарса тамадди қилишга ҳам ҳолимиз бўлмай, уйқуга кетдик.

Эртасига Баҳром математикадан ёзма имтиҳон топшириб келганидаям ҳали мен уйғонмаган эдим.

Баҳром биринчи имтиҳонданоқ «аъло» баҳо олиб, муддатидан олдин университетга қабул қилингани тўғрисида буйруқ чиқди. Яшасин ҳақиқат, яшасин она юрт!

Фарзандларимнинг бештасиям мактабни аъло баҳоларга битказишди. Баҳром олтин медал, Гулноз қумуш медал, Феруз, Наврўз ва Дилнозлар фахрий ёрлиқлар олишди, бариси олий маълумотли бўлишди, ҳаётда ўз ўринларини топиб, оилалари билан аҳил яшашяпти, меҳнат қилишяпти. Биз Раънобиби икков уларнинг фароғатда эканликларини, бири-биридан ширин болаларини суйишларини кўриб, бошимиз осмонга етади.

Осмон шу пайт қай аҳволда экан-а? Хаёлларимни чирмаб, тепага қулоқ қўяман, шамол ҳалиям хунук увлаяпти. Кума қоронғилаша бошлади, демак кеч кирибди...

Бешинчи боб

1

«Кундуз сойим,¹ кечқурун қойим», деб тўғри айтишган-у, бироқ саҳрои қумда адашиб қолганда эмас, тинчгина хонадонингда, иссиққина сандалга оёғингни тикиб, оила кучоғида бўлганинда бу мақол маромида айтилганига, рўза ойидан ташқари вақтларда ҳам хоҳласанг сойим,

¹ Соём — рўза тутувчи

хоҳласанг қойим бўлаверади. Аммо қумда, менинг аҳволим тамсилида мажбуран сойимга менгаб овқат емаслик, ичмаслик ва итдай чарчасанг-да, очлик, сувсизликдан ухламаслик табиийдир.

Яхшиям хаёл бор, хотирот бор, ҳаётдан умидингни узишга изн бермайди.

*Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,
Хироми суръатидин юз уза ҳайдин гулоб айлаб...*

Ў-ҳў!.. Ойдин оқшомлар... Дилларни ром айлаган ойдин орзулар... Шитоб ила хушҳол, хушхиромонлар... Бари тушдай олис хотирот... Ҳайҳот! Шошқин дарё янглиғ бунчалар тез оқмаса ҳаёт?

*Бахтиёр кунларни эслайман, эркам,
Қандай яхши эди беғубор, тотли.
Кўзларда на қўрқув, на ҳадик, на гам,
Оташ ёнар эди муҳаббат отли.*

*Гурсиллаб урарди жўшқин юраклар,
Қоронғу оқшомлар йўқ эди чоғи.
Энтикиб гул тутган онларим, дилбар,
Нурланиб кетарди кўзинг қароғи.*

Бу қачон эди? Ва умуман, бўлганмиди ўзи? Ҳеч ишонгим келмайди. Тавба, бари тенгдошларим мендан севги, муҳаббат ҳақида сўрашади, шеърлар, хатлар ёзиб беришимни илтимос қилишади. Улар билишмайдикки, менинг диловорлигим, сўзамоллигим, ишқ шаробини тотиб кўрмаганимча эди. Энди менинг ўзимга ҳам бу офатнинг нима эканлигини тушунтириб бера оладиган одам керак. Бошга тушгандан кейин ақлингни ўғирлаб, бировга тўн бичган одам ўзинга енг бичолмай қоларкансан. Бу не оловким, вужудингни ёндиради, ҳаловатингни йўқотади, оромингга ўт қўяди.

*Ошиқ ўлдинг, э кўнгул, жонинг керакмасму сенга,
Ўтға кирдинг, жисми урёнинг керакмасму сенга...*

Яхшиям оқшомлар бор суҳбатингга кулоқ қўйгувчи, қоронғу тунлар бор, юлдузларни сирдош этгувчи, сокинлик, сукутлик бор, дардларингга малҳаму таскин бергувчи!

Дунёдаги барча аъмолларда тамкинлик одамзод атвориға зеб берса, ҳажру ҳижронда унинг яшашга бўлган иштиёқини сўндирмайди, аксинча, таманнолар оғушиға

хамроз қилади. Нечунким, мушкивор баҳор ҳавоси ҳар қандай диққинафас одамнинг ҳам даммини равон, дилини тайрон, кўзларини нурафшон, наҳри мавжварнинг шовуллаши юракларни хушнуд, қадларни хушмавзун этганидай, тамкину таскинлик белга асо, қалбга қавий қудратдир. Бироқ ҳар дам васлга ошиқувчи диллар ҳижрони лаззат бўлгани учун тамкинлик бағоят гўзал фараҳбахшлик касб этади.

Бугун сен билан суҳбат қурмоқ иштиёқида кундуз мизғиб олдим. Шовқинли дарё билан суҳбатлашиб бўлмаганидай, кундуз билан ҳам суҳбатлашиш бениҳоя оғир, сенинг йўригинг бошқа, эй ойдин оқшом! Кел, бир мириқиб дилдан гурунг этайлик, шу кунларда сендан бошқа ҳамдамим йўқ менинг.

2

Ўшанда, ойдин оқшомда дил розимни ёруғ юзли маҳбубга айтиб, тенгқурлар ўртасидаги баландпарвоз олдиқочди саргузаштлардан, бетайин гурунглardan юрагимда пайдо бўла бошлаган бўшлиқни тўлдирган бўлсам, бу кеч қаро тунда навҳагарлиг¹ ила нола қилишимдан ўзга чора йўқ. Шунинг учун ҳам саҳро узра даҳшат солиб увлаётган шамолли зимистонда то кўзим илингунча туннинг борлиқ даҳшатли қийргунлигини² унутмоқ илинжида хотирот уммонига шўнғишни афзал кўраман.

Сен мени севишга ўргатдинг, сени кўпроқ севадиган бўлдим, эй мафтункор оқшом! Кеч бўлишини кутиб яшай бошладим. Сенинг васлингга ошиқиб, эрта-бурундан кўрпага кирардим, эҳ, қандай маза, сенинг билан бир ёстиққа бош қўймоқ! Мени кечир, агар дилинг оғритсам ёинки бир сўз айтсам дағаллик билан, фақат муҳаббатимни инкор этмасанг бўлди, жоним!

Орзуларим қанотли, муҳаббатим чексиздир. Илк севги ёшимда сен кўзимни очдинг, юрагимга ғулғула солдинг, билсанг, сўзларимга жимгина қулоқ қўядиган сендай маҳбубим борлигидан суюнаман. У, оқшом! Сен менинг илк муҳаббатимсан!

Муҳаббат — қалб уммонидаги қудратли тўлқин. Унинг беҳаловатлигидан кўзларда қўрқувдан мутлақо бегона ўт ёиқинланади, кўрганни ўз домига тортадиган гирдоб уюрланади, васли вусулда ажиб туйғу завқланади, матлаи анвор янглиғ шавқ бўй кўрсатади.

Муҳаббат — бамисли қанот, барқваш якрон юракли

¹ Навҳагар — ун тортиб йиғловчи

² Қийргун — қоп-қоронғу.

одамларни ишқ осмонига, гўзаллик бўстонига парвоз қилдиришга қодирдир.

Тирикликнинг бош мезони, яшашга бўлган иштиёқ устувори муҳаббат эканини ким инкор этса, одамийлик мартабасига эришмаган махлуқдир. Ҳамма дардлар ичида ишқ дарди Оллоҳнинг инсонга кўрсатмиш энг юксак инояти, кимки ундан даволанмоқчи бўлса, бу дунёга ортиқлик қилиб қолади. Кимдир топиб айтган, севги қизамиққа ўхшайди, қанча кеч келса, шунчалик оғир асорат қолдиради.

Ишқ ўз вақтида, ҳеч кутилмаганда вужудингда илдириб отиб, дарахтдай шохлаб, барг ёзиб ўсиб кетавераркан ва одамни бу қадар тез ўзгартириб юборганини биз Маматхон тимсолида кўрдик.

Пахта теримидан куз охирлаб олиб қайтишди. Икки-уч ой давомида анча дағаллашиб қайтганимизга қарамай, энди тухумдан чиққан жўжалардай ҳаёт маромига кўникдик, бир-бировимиздан институтга илк келган даврларимиздагидай ётсирамасдан қадамларимизни дадилроқ босиб юрадиган бўлганимизданми, кунларимиз серзавқу сершавқ, қизиқарли, унумли ўта бошлади. Кейин қишки имтиҳонлар, бири-биридан чигал чизмакашликлар, бошқа илм масканларида ўқийдиган ҳамқишлоқлар қўналғасида меҳмондорчиликлар, хуллас, талабаликнинг масрур онлари тасалсулида¹ баҳору ёзнинг қандай ўтганини ҳам билмай қолдик.

Ёзги таътилдан қайтганимиздан кейин бирор ой чамаси ўтиб-ўтмай, Маматхон биздан алланечук бегоналаша бошлади. Аввалига ўқиш, турмуш ташвишлари билан унча эътибор қилмаган эдик, қарасак-дўстимиз синиқиб боряпти. Биздан икки-уч ёш катта курсдошимиз Муҳаммаджон ака буни биздан кўра олдинроқ пайқаган экан:

— Халал берманглар, Маматхоннинг ҳозир айна гуллаган даври, — деб қолди.

Мен «оқсуяклар» ҳақида ҳикоя ёзиш билан банд содда банда, Маматхоннинг ишқий олаמידан қарийб беҳабарлигимдан, э, мендан ёзувчи чиқмас экан деб, қайтага ўзимни-ўзим койидим.

— Маматхоннинг ишқи кимга тушибди, — қизиқсиниб сўрайман курсдошимиз Муҳаммаджон акадан.

— Э, шоир, шуниям билмайсанми, қанақа шоирсан, бутун институт билади-ю...

Ҳаммасидан ҳам Муҳаммаджон аканинг гапи қизиқ бўлди, наҳотки бутун институт биладиган ошкора ишқ

¹ Тасалсул — занжир бандлари каби бир-бирига кетма-кет улашиб кетиш.

саргузаштларидан мен гофил беҳабар бўлсам? Бўлиши мумкин эмас. Муҳаммаджон ака бу гапни айтган пайтида Маматхон билан икковимиз бир хонада яшардик, у ички сирларини биринчи бўлиб менга айтмай бошқаларга айтиши ғайритабиий туюлади, лекин ўзи индамаса, қандай сўрайман? Балки, Муҳаммаджон акани эл бири билиб, айтган бўлса айтгандир.

«Ҳа-ху» дегунча яна пахта теримига жўнадик. Ажабким, Маматхон кўз илгамас пайкаллар оралаб, болалардан узоқроқда пахта терадиган одат чиқарди. Йигитлар ҳам нечукдир бунга кўника бошлади. Баъзан Маматхоннинг бор-йўқлиги билинмай қоладиган бўлди. Энг ноҳўя томони, бунга ҳеч ким ажабланмай қўйди. Ҳаммадан ҳам менга қийин бўлди. Нима қилгандаям ҳамхонам, йил давомида бирга ётиб, бирга турамиз. Бирга юриб пахта терай десам, далага чиқишга вақтим йўқ, бутун курснинг хўжалик таъминоти менинг зиммамда. Хуллас, дилдан гурунглашишга, тавба дейман, фурсат тополмадик. Унинг қай бир муддатга яккаланиб қолишига балки, ўзидаям суҳбатга мойиллик бўлмагани сабабчидир.

Маматхон пахтадан қуруқ устихон бўлиб қайтди. Ўқишга муккадан шўнғишимиз боисидан яна шалоғи чиққан трамвайдай бир изга тушиб кетгандай бўлдик-у, барибир Маматхон ичимдагини топ дардига мубтало бўлди-қўйди.

Аслида, бизнинг турмуш тарзимиздаги ҳеч кимникига ўхшамайдиган, саранжом-саришталик, қатъий тартиб-интизом, кўпчиликдан айириб қўйгандай эди. Маматхон тамоми жуда мазали пиширади, мен қозон-товоқни тоза, ялтиратиб юваман. Иссиқ овқат емаган кунимиз бўлмасди ҳисоб. Ҳафтада бир кун, жума — тозалик куни эди. Хонамизни чиннидай қилиб тозалаймиз, ҳаммомга борамиз. Ҳаммомдан сўнг Маматхон эшикни ичидан қулфлаб, эринмасдан қалампирмунчоқ қайнатади, ихлос билан оқ сурпдан тикилган қўйлак-иштонини кийиб, қайнатилган қалампирмунчоқдан тулатиб бир пиёла ичади. Менга ярим пиёла қуйиб беради. Нега менга яриму ўзингизга тула қуйиб ичасиз, деб мен ҳам сўрамайман, лекин ўзи гоҳ-гоҳида кўзларини юмиб айтиб қолади:

— Сизга, шоир, ярим стакан ҳам етиб қолади.

Дарҳақиқат, қалампирмунчоқ қайнатмасининг ярим пиёласиям шундай кайф берадики, ароғу шаробни йўлда қолдириб кетади. Маматхоннинг «Қалампирмунчоқ шароби»ни ичгандан кейинги кайфу сафосиям антиқа. Ўзи бир гал мардикорга борганида, арзон-гаровга сотиб олган «Рекорд» радиоприёмнигининг қулоқларини бураб, ҳинд муסיқасини ушлайди, сўнгра бошига оқ докадан бежиримгина салла ўрайди-да, каровот устига чордона қуриб ўтир-

ганча кўзларини юмиб, олис мозий кўйнига шўнғийди. Ҳамишаги одатимизни бузмаслик учун мен ҳам муסיқа оҳанглари таъсирида ширин орзуларга бериламан.

Яна-тагин бировга айтишга ийманадиган антиқа, тушуниксиз одатимиз бўларди. Худо кўрсатмасин, хонамизга бирор нарса сўрабми, бошқа баҳонаи сабаб биланми, талаба қизлар киргудай бўлса, улар чиқиб кетишган заҳотиёқ, Маматхон нималардандир норози оҳангда гудраниб, полимизни ювиб-тозаларди.

Кўп вақтларгача давом этган одати тўсатдан, сочини устара билан тап-тақир қилиб олдириб юрадиган Маматхон соч кўйдириб келган куни оғзимиз анг-танг очилиб қолди. Бир куни «ҳе» йўқ, «бе» йўқ, синиққина овозда «жаннатий» дўстимиз менга мурожаат қилди:

— Шоир, битта яхши шеър ёзиб беринг ёки яхши бир шоирнинг зўр шеърини тспиб беринг.

Маматхоннинг ночор хўрсинишидан мақсадини сезсам-да:

— Нима ҳақида? — деб сўрадим.

— Шоир, нима ҳақида бўларди, севги ҳақида-да! — Маматхон сал тин олиб, жилмайибгина кўшиб кўйди. — Ё соддасиз, ё муғомбирсиз... Билиб туриб, калака қилманг-да...

Маматхон дабдурустдан хафа бўляптию ошиқ аҳлини бу ёруғ оламда тўғри тушунадиган одамнинг ўзи бўлмас экан-да, деган нидо бехосдан мени чулғаб олди.

Тўғри башорат қилган эканман. Мана шу икки оғиз сўз-«ё соддасиз, ё муғомбирсиз» — пешонамга босилган тамғадай бир умр мени қийнайди. Йиллар ўтиб, бу ибора бот-бот такрорланаверди. Мен содда ҳам, муғомбир ҳам эмасман. Мен ҳаммадан софлик ва ростлик сифатларини излашга мойил; одамларга яхшиликдан бошқа нарсани раво кўрмайдиган; қисқагина умрнинг икир-чикирларига иложи борича ўралашмасликка уриниб, миш-мишларга ўч одамлардан ҳазар қиладиган; яхшилик қилганларимдан мазаррати мазаммат кўрганимдаям; куёшли кунларим ҳамиша хайрихоҳ бўлган одамлар булутли кунларимда узоқлашганларидаям ёмонлик қилишни хаёлига ҳам келтирмаган бир одамман, буни унга қандай тушунтирсам экан?

Неча кунлар ухламай дўстимнинг истагини бажо қилдим, унга бу шеърим ёқдим-йўқми, дея яна неча кун унинг оғзига қарадим.

*Мен сизни севаман, жондан севаман,
Сиз менинг қалбимнинг биллур тонг чоғи.
Мен сизни севаман, жондан севаман,
Лутфингиздан қонмас дилим чанқоғи.*

*Қора сочларингиз инакдай майин,
Жон олар қиймириб боқишларингиз.
Не офат чулғамиш, куймоғим тайин,
Бир кун кул қилар-ов ёқашларингиз.*

*Сизга ярашмайди тундлиғ сира ҳам,
Жилмайинг, ёйилсин юзингизга нур.
Менинг бахтим учун сизни яратган,
Олло таолога минг қатла шукур.*

*Минг қатла шукурким, Ой бор, Қуёш бор,
Оламда сиз борсиз, тилсим бир дунё.
Мен сизни севаман, бошқа не даркор,
Шу нурли умидим камми, ахир ё?!...*

Маматхоннинг кўнглидагидек шеър ёзиб бердим-у, қанотлари қирқилган бургутдай ҳолим хароб бўлди. Лаззатли хаёлларимни кишанлаганим сари тутқунликка тоб бермай, юрагим томирларини таг-туби билан бирга узиб олажақдай борлиқ вужудимга оғриқ солади. Бу шеърни мен ёзмадим, шеър мени ёзди, мени кўз-кўз қилди борлиғим билан.

Маматхон шеърни Унга қай йўсинда етказганини билмайман, бироқ худди хаёл қилганимдай, у воситачию мен хат эгаси бўлиб чиқдим. Хат эгаси мен эмаслигимни билгач, У бир неча кун менга қорасини кўрсатмади, тасодифан бир кўришганимизда эса саломимга алик ҳам олмади.

Маматхоннинг эса парвойи палак, оёғи ерга тегмай учиб юрибди, «хати»га жавоб келмаётганига ҳам парво қилмайди.

Мен ўз ёғимда ўзим қовурилиб, бўларим бўляпти. Лекин, на чора, дўст учун заҳар ют, деганларидек, қайтага Маматхон учун ҳам қайғураман. Аслида унга тўғриси айтсам бўларди-ю, мендан ўла-ўлгунимча айрилмайдиган қиёсий мушоҳадалар бу сафар ҳам ҳаяжонларимни жилов-лаб, ҳисларимга эрк бермади. Шу боисдан ҳам ҳамиша бошқа бировларнинг дардини ўзимниқидан юқори кўя-кўя, не не азобларга гирифтор бўлганимни бир ўзим биламан, бир Худо биледи. Лекин барибир, шу сифотул атвор занжирларини узолмадим-узолмадим, балки бу ҳам Оллоҳ таолонинг менга бермиш ҳукмул маҳзар мулкидир...

3

Ўша куни катта танаффусдан кейин дарсхонага қайтиб кирсам, дафтарим ичида икки энлик хат турибди: «дўстингизни Худо қайғурсин, ўзингизни қайғуринг». Бу

имзосиз хатнинг мазмунидан Маматхонга шеъринг мактуб ёзиб бериб, қанчалик янглишганимни бир қарашданоқ англадим, устимдан қайноқ сув қуйилгандай бўлди. Кейин яна ўзимга тамкину таскин бердим: бу хатни У ёзмаган бўлса-чи? Бирор ҳасадгўйнинг иши бўлиши ҳам мумкин-ку, ахир? Дардан кейин нима бўлсаям У билан учрашишга аҳд қилдим. Аҳдим бажарилишига бир баҳя қолганида Маматхон йўлимни тўсди:

— Шоир, шеърингиз маъқул бўлибди.

Маматхоннинг очиқ чиройида заррача гумон йўқ эди. Мен ҳангу манг оғзимни очганимча қолавердим. Шеъринг кимга маъқул бўлганини сўрашнинг ҳожати қолмаган эди. Лекин мен ландовур йўлимдан қолмай, У билан учрашишим, менга хатни ким ёзгану ким дафтарим ичига қўйганини суриштиришим лозим эканини кўп вақт ўтгандан кейин, Маматхонларнинг «совчилик»ларидан ҳам анча кейин билдим, лекин энди кеч эди.

Бизнинг дарсларимиз пешиндан кейинга қўчгандан сўнг Маматхоннинг ҳоли хароб бўлди. У эрталаб туриб, чой ҳам ичмасдан, нон ҳам емасдан қаёққадир ғойиб бўлади. Соат ўнлардан кейин нозиклашиб кетган узун бўйинини суяклари бўртиб чиққан ориққина елкалари ичига олганча хонага кириб келади-да, апил-тапил ечиниб, ўзини кўрпа ичига уради. На салом, на алик бор. Биз Муҳаммадjon ака билан бир-бировимизга маънодор қараганимизча ўз ишимиз ила машғул бўламиз.

— Ҳ-ҳа, Маматхон... Намунча? Мана, чойнакда иссиққина чой бор, бир пиёла ичсангиз бўлармиди... — Муҳаммадjon ака менга қуш қараш қилиб, «э, бунинг одам бўлмайди» қабилда бошини чайқайди. Маматхон индамайди. Мен ҳам индамайман.

Нима ҳам дердим, унинг бори шу, икки йил бир хонада яшаб борлиқ феъл-атворини беш бармоқдай билиб олганман. Шундай дея хато ўйлаганимниям кеч англадим, унинг бу қадар соддалиги етти ухлаб тушимга-ям кирмайди. Соддалик деган тушунчам поклик билан муштараклиги ҳақида ўйлаб кўрмаган, ўйлашга қурби ҳам етмаган мен ғофилни Худонинг ўзи кечирсин.

Хулласи калом, Маматхоннинг ҳар кунги аҳволи шу. Эрта билан кетади, хўрсиниб қайтиб келади. Кўрпани бошидан ошириб, биз билан бирор оғиз гапиришмай, пешингача ётади. Ошпазимизнинг гайритабиий кун кечиршидан бизнинг аҳволимиз оғирлашди, иссиқ овқатдан маҳрум бўлдик. Муҳаммадjon аканинг одатлари-ку, Маматхонниқидан беш баттар фаройиб, у кишим, ётоқхонамиз майдончасида «деҳқончилик» қиладилар. Маматхон кўрпанинг тагига киради, у киши бел билан кетмонни

олиб пастга тушиб кетадилар. Шу кетганича тепага кўтарилишиниям эсидан чиқариб, спорт майдончасининг бир чеккасида, деразаларимиз тагида очган бир парча ерига сув очар, қорик тортар, кўчат ўтқазар, эрта етиладиган бир нималарнинг уруғини сочар, хуллас, деразани очиб, мен неча бор сас бераман, тўғрироғи, «SOS» бераман, зўрға кўтариладилар, унинг устига, яна вайсайдиларам:

— Шоир, бунча ваҳима қилмасанг...

— Соат неча бўлганини биласизми? Соатингизга бир қаранг.

— Нима бўлибди... Борамиз-да, ўша даргоҳингга...

Тавба, дарслар, институт меники, булар меҳмон. Унисини кўрпа, бунисини дераза тагидан чақираман. Муҳаммаджон ака пинагини бузмай тагин сўрайдилар:

— Овқат қилмаймизми? Маматхонди уйғотмабсан-да. — Муҳаммаджон ака саволини эрмакка бергандай, жавоб ҳам кутмайди, шундай бўлиши керакдай. — Кетдик бўмасам, — дейди хотиржам кийиниб, дафтарини қўлига олгач. — Нима, Маматхон бормас эканми?—дея қўшиб ҳам қўяди.

Мен ҳам бу савол-жавоблар ҳадисини олганим боис, уларнинг оҳангида:

— Ким билади, — дейман ва чиқа бошлайман.

— Ҳ-ҳа, шошма! Маматхонни турғизайлик, бирга кетамиз, бунча шошасан!

Бунча шошасан деганида дарс бошланишига беш-ўн дақиқа қолган бўлади. Шу пайт кўрпа тагидан Маматхоннинг тиниқ овози эшитилади:

— Кетаберинглар, орқаларингдан етиб бораман.

Муҳаммаджон ака Маматхоннинг сўзини эшитмагандай:

— Бормас эканми? — дея яна мендан сўрайди.

Мен индамай даҳлизга чиқаман. Муҳаммаджон акаям чиқади. «Орқангиздан бораман дедим-ку», деган қаҳрли овоз келади. Бу овоздан кейин ҳам на Муҳаммаджон ака, на мен Маматхон тўғрисида бир оғиз сўз демаймиз, гўё шундай бўлиши керакдай, лекин ҳеч бўлмаса, чой қайнатиб бир бурда нон еб кетиш мумкин-ку. Битта ўзим еб ўгиришга истиҳола қиламан, уларни чақирсам, чиқишмайди. Барибир, мен ўзимни айбдор ҳисоблайман, ичсин-ичмасинлар чойни мен қайнатишим керак эди, бироқ нон, қанд-курсни дўкондан ким олиб келади?

Пулларимиз Маматхонда, бозор-ўчарни бекаму-кўст қиладиган, бизнинг иссиқ-совуғимиздан хабар оладиган у, ҳар куни овқатни ҳам у пиширади, биз еймиз. Мен айтганимдай, идиш-товоқ юваман, ўқийман; Муҳаммаджон ака бўлса, уйни тозалайди ва боғ қилади. Яқин

кунларгача шундай эди. Маматхоннинг ичимдагини топ деган касалидан бери рўзгоримиз тийра, турмушимизда парокандалик юз беряпти.

Муҳаммаджон акани билмайман-у, менинг ошқозонимда бот-бот оғриқ хуруж қиладиган бўлди, шундаям индамай юрибман, бироқ бу ҳол узоқ давом этаверса, сабр-тоқатдан асар ҳам қолмай, кучли портлаш содир бўлиши мумкинлигидан кўрқиб юраман.

Ташвишларим бекорга ўхшайди. Ҳеч қайсимиз миқ этмасдан, худди бундан ортиқ яшасак кўз тегадигандай бамайлихотир ўқишга озми-кўпми қатнаб турибмиз. Маматхоннинг тонгги саёҳатлари, дарсларни чала-чулпа қиладигани бежиз ўтмади, кулса кўзи атрофида пайдо бўла бошлаган ажинлари одамнинг раҳмини келтириши ўрнига гашига тегадиган аҳволга келди.

— Ўтиринг мундоқ, — дедим бир куни Муҳаммаджон ака йўқлигида жаҳлим чиқиб.

— Нима дейсиз?

Маматхоннинг кўрслигини илк бора кўраётганимданми, сал бўлмаса, ўзимни йўқотиб қўяй дедим.

— Ҳамма ҳавас қиладиган яшашимиз бор эди, на Худо урди сизни?

Менинг-да, жаҳллаганимни кўргач, Маматхон бирдан ювош тортди.

— Нима, мен сизларга халал беряпманми? Яшайвермайсизларми кўнглингизга тушганини қилиб?

— Қизиқ гапирасиз, бирга яшаганимиздан кейин...

Маматхон беҳаловатлик билан сўзимни бўлди:

— Сизларга оғирлигим тушаётган бўлса, бошқа хонага чиқиб кетишим мумкин.

— Уруш йўқ, жанжал йўқ, нега чиқиб кетасиз? Ахир, бир хонада, биз икки киши алоҳида, сиз алоҳида яшолмаймиз-ку, тушунсангиз-чи? Ош-нонингизни еб, дарсларингизни қилиб, севавермайсизми?

Маматхон уйқудан уйгонган одамдай бир оз гангиб турди-да, бирдан кўзлари ярқ этиб очилгандай бўлди. Яна аста синиқиб, намланди, сезиб турибман, сиз севги нималигини қаёқдан ҳам билардингиз демоқчи, лекин ундай демади-ю, оғир надомат билан бош чайқади:

— Ҳеч бўлмаса, сиз тушунармикансиз дедим, афсус...

— Тонг сахардан қайга кетиб қоласиз, бунинг не сир-синоати бор, тушунтириб қўйсангиз ёмон бўлмасди.

— Унинг уйи олдига бориб, муюлишда тураман.

— Нега?

— Шунақа қилинг, дейишди.

— Ким?

Маматхон оғир хўрсинди:

— Рашидлар.

— Ана халос, бир хонада яшайдиган, бирга ётиб, бирга турадиган биз ҳамхоналарингиздан сир тутиб, янги орттирган дўстларингизнинг кўрсатган йўл-йўриқларини азиз билибсиз-да, биз қолиб, Рашид дейсиз...

— Ҳа, Акбар ҳам бор.

— Тушунарли, хўш, ана, Унинг муюлишига бориб турдингиз дейлик, ундан кейин нима бўлади?

— У чиқиб мен томон қайрилиб-да қарамай, 2-троллейбусга минади.

— Сиз-чи?

— Троллейбусга чиқишга юрагим дов бермайди, шоир, таксига минаман, ана шу троллейбусдан ўтманг, орқасидан юринг, илтимос, хурсанд қиламан дейман. Шопир, айтганимдай, троллейбус тўхтаса — тўхтайти, юрса — юради. Институт бекатига келганда У троллейбусдан тушади ва дарвоза томон равона бўлади, таксини секин орқасидан ҳайдатиб бораман. У институт дарвозасидан ичкари киради, мен ётоқхонага қайтаман.

— Мардикорликка бориб топган пулларингизни бефойда ҳаракатларга сарфлар экансиз-да, э, аттанг!

— Нега бефойда бўларкан, нега «аттанглай»сиз? Бирор фойдаси бордирки, юрибман.

— Фақат мардикорда ишлаган пулингизга юрмаётгандирсиз?

Бозор ҳаражатларига ажратилган умумий пулимиздан ҳам ишлатаётгандирсиз, деган шаъмамга у синиқ овозда жавоб берди:

— Қарз бўлиб қолмасман...

Унга раҳим келди. Рашид ва Акбар билан гапиришиб, бу ножўя хатги-ҳаракатларга чек қўйиш лозимлигини кўнглимга тугиб, институтга эртароқ жўнадим. Рашид билан Акбар тошкентлик бўлганлари учун ётоқхонада ётишмайди, ўз уйлари бор. Буларнинг икковиям ажойиб йигитлар, сал шўхликлари бор. Яқинда Бадалов деган курсдошимизни, сен Ўзбекистоннинг ман-ман дегувчи шоирларидан ҳам зўрсан, дея авраб, ишонтиришибди.

Бу гапни тортинмай-нетмай машина механизмлари қоидалари (ТММ) бўйича домламиз, кафедра мудири, фан доктори, сўнгроқ академик даражасига кўтарилган Ҳалим ака Усмонхўжаевга маъқуллиатишибди. Ҳалим ака юксак маънавиятли, шеърятга, санъатга бағоятда қизиқадиган, ўзлари ҳам унча-мунча шеърлар ёзиб турадиган ажойиб домла.

У киши жудаям хушсуврат, ҳамиша кўзлари кулиб турадиган, суҳбатдошини ром қиладиган даражадаги ин-

сон эди. Лаққа тушиб қўя қолибди. Ҳалим ака ҳар сафар дарс бошлаши олдидан катта аудиторияда, аввалам бор, мени излардилар, қўзлари тушмаса сўрарди. Мен шу ердан, деганимдан сўнг, дарслардан кейин кафедрага кинг, дерди. Дарсларимиз қачон тугасям кетмай ўтирганларини кўриб ҳайратланардим, биламан, янги шеър ёзган, ўқиб бериш иштиёқиди эканидан шодланаман. Ана шундай беғубор одамнинг рўйхушлигидан фойдаланиб Акбар билан Рашид Бадаловни «шоир Бадали» дея роса мақташибди. Домла:

— Хоразмлик шоир йигитимизни хабари борми? — дея сўрабдилар.

— Албатта, сенлар кириб айтинглар домлага деди, — деб мениям бўяшган.

Домла «Бадали»нинг уч-тўртта шеърини варақлаб:

— Хўш, нима қилиш керак? — дебдилар.

Аслида, Акбар билан Рашид газетада чиққан шоирларнинг яхшигина шеърларини кўчириб Бадаловники деб кўрсатишган. Бадаловнинг ўзи ёзган шеърларни кўрсатишса, домла улар ўйлаган режани амалга оширмасди.

— Институтдаги шеърият ихлосмандлари бир каттагина учрашув ўтказиш ниятида.

— Жуда яхши, менинг вазифам нимадан иборат?

— Домла, ўзингиздан қолар гап йўқ, катта йиғинларни ўтказиб юрган мутасадди ўртоқларга яхшилаб тайинламасангиз, одамни кўп йиғиш қийин, кейин ўзингиз ҳам иштирок этмасангиз бўлмас, деган ният билан олдингизга кириб эдик, — дейишибди, қўй оғзидан чўп олмайдиган «қўзичоқлар».

— Бўпти, — дебдилар домла хурсанд бўлиб, — қачон қилмоқчисизлар?

— Шанба куни, дарсдан кейин бўлса...

— Жуда яхши, мен йигитларга қаттиқ тайинлайман, ўзим ҳам қатнашаман, — деб берган ваъдалари устидан чиқиб, бутун институт бўйича бир йиғин уюштирилдики, бу яқин ўртада бунчалик катта шов-шув бўлмаган экан.

Афишаларда отнинг калласидай ҳарфлар билан ёзилган Бадалов — Бадалининг исм-фамилиясини ўқиб ҳайрон бўлганим ҳалво экан, «шоир» билан ижодий учрашувга йиғилган оломонни кўриб ҳайратдан ёқа ушладим.

Домла савлат тўкиб биринчи қаторда ўтирибдилар. Учрашув бошланиб, Бадалига сўз берилди. Бадали деганимиз ғирт лақма, шоирликдан асар ҳам йўқ ношуд бир банда, чўнтагидан бир даста қоғоз чиқариб пойингар-сойингар сўзлар йиғиндидан иборат бир-иккита жўнгина қофияли шеър ўқидими-йўқми, залда ола-ғовур бошла-

ниб кетди, бечора нима қиларини билмай кўзларини жовдираганча бир залга қарайди, бир домлага.

Домла ўринларидан туриб, зални тинчитгач, овозларини баландлаб Акбар билан Рашидни сўрадилар, жавоб бўлмагач, мени сўрадилар. Худонинг ўзи кечирсин, мен ўзимни панага олдим, овоз бермадим. Яхшиям институт бадийий ҳаваскорлари ҳам шайланиб туришган экан, уёғини олиб кетдилар.

Акбар билан Рашид икки-уч кунгача институтда қораларини кўрсатмади. Домла мени изза қилди. Лекин, тенгкур курсдош дўстларнинг ҳазиллашганини тўғри тушуниб, аввалига мириқиб кулдилар-да, кейин жиддий қилиб қўшиб қўйдилар:

— Дўстларингизга айтиб қўйинг, бунақа қилишмасин, инсоннинг иззат-нафсига тегиш кечирилмас ҳақорат, қолаверса, катта гуноҳ ҳисобланади...

4

Ана шу ҳазилкаш Акбар билан Рашид учун кейинги калака майдони Маматхон бўлганини ич-ичимдан сездим «ақлванд» дўстларимиздан ранжидим, негаки, Маматхоннинг юрагида илдиз ота бошлаган соф муҳаббати устидан кулишларининг оқибати фожиа билан тугаши ҳам ҳеч гапмас. Бу фикрларимни очик айтмадим, аниқроғи, айтишга иймандим, балки Маматхон ўзининг ишқий кечинмаларини, Унинг билан ораларидаги муносабатларини уларга аниқ айтиб бергандир.

Барибир, талабалик олтин давр деб бежиз айтишмаган, сирли нигоҳлар самараси ўлароқ, тонггача уйқусиз тунлар, кимни ким севиши ҳақидаги тахминлару беадад баҳслар, ўчириб ёзила-ёзила бир амаллаб етказиладиган хатлар жавобини кутишдаги бетоқат интиқликлар барибариси гўзал, лаззатли...

Ана шундай ёниб-куйиб, ишқу муҳаббат ҳақида шеър хатлар битиб, оёғимиз ерга тегмай юрган пайтимиз эди. Бир куни ётоғимизга Марғилондан Муҳаммаджон аканинг мактабдан кейин ўқишини давом эттирмай, алақачон бола-чақалик бўлиб кетган синфдош дўстлари меҳмон бўлиб келишди, жойимиз тор, бағримиз кенг, неча киши бўлса-да, бир хонада сиғишиб ётаверардик.

Ўша оқшом ҳақиқий оқ шом бўлди. Ойнинг оқ-кўкиш нурларидан хонамиз ичи чиройли ёришиб, уйқумизга тегажожлик ила халақит бериб, қовоқларимизни майингина силар, хуллас, имиқ¹ суҳбатга мойил жилвагоҳи гулшани

¹ Имиқ — интим, сирли, илиқ.

қудс эди. Меҳмонлар бизни ухлаб қолди ҳисоблаб, аста гурунглаша бошлашди, тўғрироғи, биттаси ажаб гап қилди:

— Мўйдинжон, севги-севги дейишади, мана уйландик, ўлмасин, битта фарзандлик ҳам бўлди, аёлимиз билан бинойидек яшайпмиз, лекин шу севги деганига ҳеч тушунолмадим-тушунолмадим-да...

Мўйдинжон узоқ жавоб бермади.

— Мўйдинжон, севги дегани телбаликмикан?...

Мўйдинжон яна индамади. Дўсти унинг ухламаётганини сезаётган бўлса керакки, яна надоматли оҳангда аста сўради:

— Мўйдинжон, қаттиқ севганни мажнун дейишаркан, ахир, мажнун дегани жиннилик эмасми?

Мўйдинжон анчадан кейин дўстига ҳамоҳанг тарзда жавоб берди:

— Жиннилик...

— Ана-а, ахир, Мўйдинжон, ана шунга ҳайронманда, жинни бўлиб яшагандан кўра, туппа-тузук оила қуриб яшаса бўлмайдами? Аёлим, севги-покиза туйғу дейди, лекин ўзи туйғу нималигини билмайди. Мактабда ўқиган баландпарвоз гапларни қайтаради: «туйғу, эҳтирос», яна алламбалолар...

Мўйдинжоннинг хуррагидан кейин у кишим ҳам жимиб анча хўрсиниб ётдилар-да, беозоргина уйқуга кетдилар.

Мен алламаҳалгача ухлай олмадим. Уларнинг гурунглари мени ўйга толдирган, хаёлим олис-олисларда кезар эди. Бир томондан, уларнинг гапи тўғридай туюлса, иккинчи томондан Маматхон-чи? Ахир, Маматхон севгиси йўлида жонини беришга ҳам тайёр-ку! Меҳмонларни ҳам ўз ўлчовлари даражасида тушуниш керак. Оиласи билан бинойидек яшаш ҳам улкан содиқлик самараси эмасми? Садоқат, вафо-муҳаббатдан туғилган ишқнинг ҳосиласи эканини қалбида улуғлаб юрган бу тўпори йигитлар, балки севаман дея бевафолик қилиб юрган неча-неча галамислардан устунроқ бўлса, не ажаб...

Меҳмонлар борлигида Маматхоннинг эрталабки кетишлари барҳам топган эди, нима қилгандаям водийдан келган йигитлар олдида бир оз ийманди, чоғи. Шу кунларда бир-икки марта курсдошимиз Пўлатжон келиб, меҳмонлар баҳонасида бизниям уйларига чой ичишга таклиф қилиб кетди. Унинг раъйини қайтармай уйига бориб эдик, боши осмонга етди. Меҳмонлар кетгач, Маматхон яна ўша-ўша, тонг саҳарлаб чиқиб кетадиган одатини бошлаб юборди.

Бир куни Маматхоннинг кайфияти чоғлигига қараб, ўша суҳбатимизни қўзғадим. Унга ёқинқирамади.

— Омадингизни берсин, — дедим ноилож.

Шундан кейин, балки мени хафа қилмаслик учундир, балки шароити шуни тақозо этдими, Маматхоннинг тонгги сайрлари андак камайгандек бўлди. Менинг кўнглим учун бўлса, мен У паривашдан умуман қўлимни ювиб, қўлтиғимга урганман. У менга балки бир эрмак учун қараб юргандир, чунки кейинги кўрганларимда Унинг нигоҳидаги ашаддий совуқлик ўйларимнинг исботи бўла олади, деган шубҳаю гумонлар исканжасида мен ўзимни Ундан совитишга уриниб, ўқишга бериламан.

Дафтарим орасига қўйиб кетилган хат дастхати Уникимас, демак бу Акбар ва Рашидларнинг навбатдаги дуэлбоп ҳаракатлари бўлиши эҳтимол, дейман.

Ана шундай хаёлларда юрган кўнларим Маматхонда анойи ўзгариш сездим. Кечаси билан ёзиб-ўчириб «ижод» қилган Маматхон тонгла жўнаб қолган, Муҳаммаджон ака «деҳқончилиги»га тушиб кетган, битта ўзим ўрнимдан эринибгина турдим-да, керишдим, ювиниб келишга сочиқни олай десам, Маматхоннинг каравоти ошоғида тўрт буклоғлик қоғоз ётибди. Нима экан бу топилдиқ дея очсам, Маматхоннинг сиёҳи қуримаган янги «ижоди». Боре, дедиму ювинмасдан ҳам ўқий бошладим: «Бугун оқшом Ой чиқмади, қоронгулик қўйнида ёлғиз ўзим. Ҳамхоналаримга маза, тинчгина хуррагини отишяпти. Аста ташқарига чиқдим. Осмондаги юлдузлар билан дардлашиш учун, тавба дейман, қоронгулик керак экан. Осмондан Сизни изладим. Осмон тўла юлдуз-у, Сизга ўхшашини сира тополмай анча ахтардим, ахийри топдим, ана Сиз... Худди институт тўла қиз-у, Сиз ягона қизсиз мен учун. Шунча ёзганларимга бир марта жавоб қилдингиз, аниқ бир гап айтмаган бўлсангизам, минг раҳмат. Шу хатингизга биноан уйингизга совчи юбориш учун Наманганга хабар қилай десам, Сиз билан учрашиб, майлингизни билмагунча юрагим изн бермаяпти. Негадир учрашиш учун менинг саъй-ҳаракатларимни инобатга олмаяпсиз, бир оғиз сўз айтишингиз шунчалар қийинми? Сиз мени ёқтирмайсиз десам, нега хатимга, майли, бир маротаба бўлсаям жавоб қайтардингиз-ку. Мазмунидан менда кўнглингиз борга ўхшайди. Хўш, шундай экан, мана шу хатим Сизга балки охиргисидир, агар жавоб олмасам, мен учун бу ёруғ дунёда яшашнинг маъниси йўқ. Ушбу хатим охиргиси, наинки Сизга, жоним, балки бу ёруғ дунёга алвидоимдир...»

Маматхоннинг «бу ёруғ дунёга» ёзган охирги хатини ўқиб, аввалига сергакландим, ростакамига у ўзини бир бало қилиб қўйиши мумкин, чунки кейинги кўнларда

унинг юриш-туришида, гап-сўзларида қандайдир бежо нарсалар нишон бера бошлаган, нигоҳида алланечук қаҳр излари намоён бўлмоқда эди.

Кечаси билан ёзиб чиққан мана бу хатини шошганидан тушириб қолдирганиям, балки унинг куни битмаганидан, Оллоҳ таолонинг унга атаган рўшноликлари борлигидан нишонадир.

Маматхоннинг хатини тушган жойига яна ташлашим мумкин эди, аммо яна кимдир ўқишини негадир истамадим, келса ўзига берарман, дея чўнтагимга солиб қўйдим. Шу куни Маматхонни учратмадим ҳисоб, дарслардаям кўринмади, дарсдан кейин эса мени Пўлатжон меҳмонга олиб кетди. Дарсларимиз пешиндан кейин бўлгани сабаб ҳамишагидай меҳмондорчиликдан эртасига келдим.

Ҳаммаёқ тўс-тўполон. Маматхон, Рашид, Акбар учовиниям институтдан ҳайдашармиш, бу уч даюс кеча Уни-кига совчиликка боришганмиш, тагин қитдай кайфлари ҳам бўлган эмиш, Унинг дадаси, акалари опанинг олдига кириб масалани кўндаланг қўйганмишлар, У уйида йиғлаб ўзимни осаман деётганмиш каби миш-мишларнинг чеки йўқ эди. Дарслар-да ўлда-жўлда қолиб, худди болшовойлар инқилобининг биринчи кунигагидай ҳеч ким ҳеч нарса тушунмайди, бироқ дув-дув гап ҳамманинг фикр-хаёлини банд этган. Талабаларга текин томоша бўлса бас, бирпасда ўқишни юмалоқ-ёстик қилиб, йўқ ердаги муаммоларни топиб, қаёқдаги бўлмағур ғалва-ғишаваларни кўзгаб уёқдан-буёққа, буёқдан-уёққа ўтиб ўзларини зериктирмайдилар.

Ётоқхонага кирмасимданоқ эшитган бу мудҳиш хабар мени ларзага солди. Аввалига ишонмадим. Нега ҳайдашди? Биноийдек ақлли йигитларни Худо урибдимики, ёш бошлари билан совчиликка боришса? Қолаверса, борганларидаям, Унинг дадасию акалари эсини йўқотибдимики, буларнинг ота-оналари билан биррав кўришмасдан институт ректори олдига дарров югуришса.

Ётоқхонагаям кирмай дарҳол институтга жўнадим. Институтни айланиб, дўстларимизнинг бирортасиниям учратмадим, ақали уларни кўрдим деган инсон ҳам йўқ эди. Ректорат олдида Унинг қариндош-туққанлари, ҳангомагалаб уч-тўртта шалпанг кулоқлар тўпланишиб туришибди. У ерга яқин бормай орқамга, ётоқхонага қайтдим, балки улар шу ерда Маматхоннинг бўлғуси қариндошлари ҳужумига қарши режаларини тузиб ўтиришгандир деган хаёл билан шаҳдам келаётсам, Муҳаммаджон ака «боғида» бамайлахотир ер чопяпти. Тавба дейман, бу нима гап, у ёқда ҳаёт-мамот жанги бораётган бўлса-ю, буёқда «деҳқон бова»нинг парвойи палак, кетмон ураверса.

— Салом.

— Ваалайкум, ҳа, шоир, қаёқларда қолиб кетдинг?

Кеча айтиб кетган бўлсам ҳам ҳамишаги бепарволик билан Муҳаммаджон аканинг беурин саволидан энсам қотиб, сездирмайгина ўтган гап-сўзларни ундан ўсмоқчиладим:

— Нима гап, тинчликми?

— Тинчлик, тинчлик, ҳеч гап йўқ.

— Институтда дув-дув гап.

— Институтда қачон дув-дув гап бўлмаган, ҳамишаги институт-да...

— Маматхон уйдами?

— Кеча ярим кечада келиб, тонг билан яна қаёққадир ғойиб бўлди. Ҳали институтдан ҳайдалиши тўғрисида буйруқ чиқмабдими?

Ана халос, дўстимизнинг сўзи қизиқ-ку, институтдан ҳайдалиш тинчлик бўладиган бўлса, уёғи осмон ўпирилиб тушсаям иши йўқ экан-да..

— Нималар деяпсиз? Нега ҳайдалади?

— Бир ўзи ҳайдалсаям гўрга, Акбар билан Рашид ҳам кетадиганмиш.

— Миш-мишни қўйинг, нималар бўлди ўзи? — Сабрим чидамай уни жеркиб ташладим.

Шундаям Муҳаммаджон ака юзимга қарамай, бемалол ишини давом эттирган ҳолда ҳар доимги совуққонлиги билан:

— Ўпкангни бос, шоир, — деди ва кетмонига суяниб, жиддий гапирди, — ўша иш учун институтдан ҳайдашмайди, нима институтдан ҳайдаш шунчалар жўн эканми? Койишар, сўкишар, ҳайфсан беришар, э, Худо урибдими, опаям академик, ақли аёл, бир чорасини топар.

Кўнглим анча таскин топган эса-да, барибир нотинчлиги босилмади.

— Совчиликка боришгани ростми? Нега йўл қўйдингиз?

— Шоир, шу савол берсанг кетма-кетига қалаштириб ташлайсан-да... Мендан сўрашибдимики, йўлдан қайтарсам, Акбар билан Рашид Маматхонди истироҳат боғида лағмонхўрликка эритишган экан. Лағмон ёнида аввал бир шиша, кейин яна битта, хуллас, кайфлари ошиб, мардликлари тутиб кетгану жўнашган. Ўзинг биласан, У эски шаҳарда турди. Дадалари намозхон одам экан, қаттиқ хафа бўлибдилар. Иккита акаси келиб кеча ётоқхонадан суриштиришди, яхшиям мени бу ерда мана бу боғ билан андармонлигимки, биринчи бўлиб менга рўбарў бўлишди, Маматхонди излаб келишибди. Ўсмоқчилаб сўрасам, Маматхонди боши керак экан уларга. Юрагим чиқиб кетди десанг, шоир...

— Э, Худога шукур...
— Ие, гапинг қизик бўлди-ку, а? Суюняпсанми?
— Йўқ, сизнинг ҳам юрагингиз чиқар экан-ку.
— Нима, мени робот деб юрибсанми? Мен ҳам сизларга ўхшаган одамман, мендаям юрак бор.

— Чалғиманг, давом этинг.

— Чалғисам, чалғимасам, бор гап шу.

— Бор гап шу деб қўл қовуштириб ўтираберамизми?

— Нимаям қилардик, кутиб турайлик-чи, шароитнинг ўзи кўрсатар қандай ҳаракат қилишимиз кераклигини. Айтдимۇ сенга, Унинг-ни акалари излаб келишди, деб. Яхшиям топишолмай кетишди.

— Нега энди У меники бўлар экан? — бўғриқиб, ёш боладай жаҳлландим.

— Кимники бўмасам, Маматхондикими? Сенлар қанақа одамсизлар ўзи? Бола бечорани жинни қилиб бўлдиларинг-ку...

Муҳаммаджон ака яна бамайлихотирлик билан ерга кетмон урди, ўзича ишлов бера бошлади. Мен ичкари кириб, ҳар эҳтимолга қарши, дарс дафтарларимни олиб, яна институтга жўнадим. Муҳаммаджон ака лоақал қаёққа деб ҳам сўрамади. Мен-да индамай жўнадим. Институтга келиб уларни яна суриштирдим, кўрдим, билдим деган одам топилмади, лекин аниқ эшитдимки, уларнинг учовиниям институтдан ҳайдашармиш. Бирдан-бир илинжимиз Ҳалим ака Усмонхўжаевда.

Домланинг кафедрасига борсам, ҳали келмабдилар. Нима қиларимни билмай хавотирланиб турсам, старостамиз Кўчқор ака узун, ориқ бўйнини елкалари орасига қандай яширишини билмай келаётибди. Мени кўриб хўрозланди.

— Салом, ҳим... Кеча сиз ҳам борганмисиз совчиликка? Ректоратга чақиришинпти, шунга кетяпман.

— Кеча мен ётоқхонада йўқ эдим...

Кўчқор ака одатига зид ҳолда гапимни бўлди:

— Ўзи сенлар ўқишга эмас, лаллайиб юришга келгансанлар. ҳайронман, қандай қилиб «4», «5» оласизлар. Бўпти, сиз шу ердамисиз? Мен бориб кўрай-чи.

— Бутун группаимизни оёқлантинг, бирга борайлик.

— Митинг қилиб, шиорлар билан: «Яшасин, Акбар, Рашид, Маматхон!», «Битсин эскилик сарқитлари!» Шунанамми?

— Сизга ҳазил бўлса! Боринг! Менга деса, мениям кўшиб ҳайдатинг!

— Тўғрисини айтса, сенларга ёқмайди, жон-понларинг чиқиб кетади, — сал тўхтаб, ҳамишаги одати бўйича мўйлови учида кулимсираб кўшиб қўйди: — Майли,

шоир, мен бориб келай-чи, бир гап бўлар... Ҳа, айтганча, сиз дўстларингизни топиш тадоригини кўринг...

— Кеб қоларлар дарсга, ўлибдими келмай.

— Билмадим, билмадим...

Кўчқор аканинг одимлашидаги иложсизлик менгаям кўчдими, негадир турган жойимдан жиллолмай қолдим. Барибир, бирон бир чорасини топишимиз керак-ку. Институт дарвозаси томонга йўналдим. Менинг дарвоза олдида чиқишим домла Усмонхўжаевнинг машинаси билан ичкарига киришига тўғри келиб қолди, дарров орқамга қайтдим. Қайтишга қайтдим-у, яна истиҳола қилдим. Гапиришдан эмас, беражак саволларига жавоб қайтариш мушкул эди, мен ҳали учала дўстимиздан бирортасиниям учратиб, ўз оғизларидан ҳеч нарса эшитмадим-да.

Икки қарама-қарши фикр қуршовида каллам қотиб турсам, осмондан тушгандай шундай ёнгинамда Рашид пайдо бўлди.

— Ҳи?

— Ҳеч. Нима «ҳи»?

— Институтдан ҳайдалишинг тўғрисида буйруқ чиқяпти-ю, худди буйруққа имзони мен чекадигандай зарда қиласан-а?

— Ҳайдашса, сени эмас, мени ҳайдашади, суюнчилашинга бало борми?

— Менга деса, отувга ҳукм қилинмайсанми, асли мен аҳмоқ...

— Энди ўзингга келдинг.

Рашид ичкари йўналди. Хатти-ҳаракатидан баайни кундага бош қўйишга кетиб бораётган беписанд қаҳрамонга ўзини менгзимоқчи бўлди шекилли, лекин эплолмади, боришида мағрурликдан ҳам кўра, кимдан аламини олиб, захрини кимга сочишни билмаётган жиззаки, ожиз кимсанинг ҳолатини эслатарди. Раҳмим келди. Ортидан гуноҳкорона эргашдим. Қисқагина, балки қўполроқ оҳангда кўнгил сўраганимдан хижолатландим, ўзимни койидим.

— Рашид, Маматхон қаерда?

— Мени ўз ҳолимга қўясанми, йўқми? Ҳа, юргандир бирор жойда оғзига суяк қисиб!

Энди менинг жаҳлим чиқди.

— Суякни кеча бирга ғажимадинларми?

Рашид мен томон шахд билан ўгирилиб ташланмоқчи бўлди-ю, важоҳатимни кўриб, пати юлинган товукдай мулойим тортди. Орқамга бурилдим-да, дарс бўладиган аудиторияга қараб кетдим. Э, падари кусур, не гўр бўлсанг, шу гўр бўл, менга нима, дея қаҳрга мина-мина минг бора кириб-чиқадиган, дарс бўладиган қаватни адаштириб, ахийри қандай топиб, қандай кирганимни билмай-

ман. Дарс бошланиб кетган, мумкинми дейишнйям унутиб, кириб ўтираверибман. Уқитувчимиз кўрмаганга олиб, нутқини давом қилдираверди. Салдан кейин Акбар келди. Уқитувчи кечаги воқеадан бохабар бўлса керак, Акбарга кўрслик қилмай, ректор олдига боришлигини уқтирди. Акбар бир сўз демай орқасига қайтди. Шундагина ўтирганлар ичидан Рашидни изладим, у йўқ эди. Ичим ачишди. Шунча йилги меҳнатлари зое кетадиган бўлди. Аҳмоқ бўлмасалар, ароқ ичиб бировнинг уйига бостириб совчиликка боришадими?!

Улар орасида кеча мен бўлганимда нима бўларди? Улар балки мени аралаштиришмасди. Аралаштиришганларидачи? Фақат мен бормай қолишим мумкин эди. Мен-да заққумдан ичган бўлсам-чи? «Номардлик» қилмаслик учун бормай иложим бўлармиди? Демак, Санк-Петербург декабристлари, ҳатто подшога қилинадиган суиқасд режалаштирилган йиғинда қатнашмаганлари ҳам дўстлари учун Сибирга кетдилар-ку. Ректор олдига кириб мен ҳам булар сафида бор эдим, десаммикан?..

Ола-ғовурда номимни айтиб чақириб туришган экан, ўйларим билан бўлиб эшитмай қолибман, ўқитувчимиз овозини баландлатиб:

— Чиқинг, сизни ҳам сўрашяпти, — деди.

Ҳозиргина хаёллар оғушида мардоналикларим ҳавога учдим, бирдан юрагим орқага тортиб кетди. Рангим оқарган бўлса керакки, ўқитувчимиз:

— Кўрқманг, сизни Ҳалим акам сўраяптилар, кафедрага боринг, — деди.

Бошимни ҳам қилиб, домланинг олдига кирдим. Домланинг кўзларидаги самимиятни кўриб, ўзимни анча қўлга олдим.

— Йигитлар кеча чатоқ қилишибдию?

Домланинг ғамгинлиги демасангиз, сўзларида худди «ай, шайтонлар-а, ай, бевошлар-а»га ўхшаш энгилгина танбеҳдан ўзга нарса йўқ эди. Аслида, у кишининг шу алфоздаги койишлари замирида улкан фожиа, энди ёрдам бериш қийин, деганга ўхшаш ночорлик бордай, бармоқларини секингина бир хил ритмда устал четига чертишларида ана шу ноиложлик оҳангларига берилаётган зарбни англаш ҳам эҳтимолдан холи эмасди.

— Нима қилдик, шоир? Ишқилиб, бу режанинг амалга ошуви жараёнларида сиз йўқмидингиз?

Узоқроқ жим қолдим шекилли, домла кўрқманг, ёрдам бераман, деяётган оҳангда:

— Тўғриси айтиберинг, — деди.

— У Уни севишини билардим.

— Унингиз-чи?

— Бирор ишора бўлгандирки... боришиптию...

— Да-а... чатоқ иш бўлибди... Энди бундай қиламиз, шоир, сиз Садриддиновни топинг, тагин ўзини-ўзи осиб-нетиб қўямасин, у алданган, дўстларингиз алдашган. Тўғрироғи, ёшлик шамоли сархушлигида уни юраклан-тирганлар. Афандиям болаларни ана у муюлишда текинга ёнғоқ беришяпти деб алдамоқчи бўлибди, болалар ишонишиб, муюлишга қараб чопиб кетишса, ростданам текинга ёнғоқ беряпти шекилли деб ўзиям болалар ортидан югуриб кетибди. Шунга ўхшаб дўстларингиз ароқнинг кучи билан ўзларининг ҳазилларига ўзлари лаққа ишонишган. Бадалиини калака қилишганларида танбеҳ берган эдим, қулоқларига илишмабди-да. Шўхлик дегани гоҳ-гоҳида керак, бўлмаса одамлар ўта жиддийлашиб, ўзлари кашф қилган анча-мунча муаммоларни ечишга қурби етмай қоларди.

Домла узундан-узоқ гапиришлари асносида бирор тўхтама келишлари оғир кечаётганини сезиб турибман. Нимаям дердим, бўлар иш бўлган...

— Тўғри фикрляяпсиз, бўлар иш бўлган...

Ялт этиб домлага қарадим.

— Ҳа-ҳа, бўлар иш бўлган, энди ёрдам бериш йўллари ахтаришимиз керак. Ўзи қанақа болалар булар?

— Ўқишлари яхши, жамоат ишларидаям фаол. Меҳнаткаш, одоблари ҳам...

— Ана шу ерда янглишдингиз, буларингиз одобдан йироқ бандалар... Барибир ёрдам беришимиз керак... Сиз Садриддиновга айтинг, менга бир учрасин-чи... Дадаси қаримасми?

— Маматхоннинг дадаси йўқ, вафот қилганига анча бўлган экан.

— Етимнинг бошини силасак савоб бўлади. Айтинг, тезроқ менга учрасин.

Домланинг бир лаҳза дадилланганидан руҳланиб тетиклашдим, дарсгаям кирмай тўғри ётоқхонага келдим.

Маматхон кўрпани бошидан оширганча қилт этмай ётибди. Эшикни ичидан қулфламабдиям. Тақир-туқуримга жавобан садо чиқармаганидан домланинг гумони эсимга тушиб, унинг устидаги кўрпани зарб билан тортдим, йиғлаб-йиғлаб ҳолдан тойган бешикдаги боладай мўлтирабгина ётибди.

— Иродам етмаяпти...

— Ожизлик қилманг, охиригача мард бўлинг, туринг!

— Ўзимни то ўлгунимча кечиролмасам керак. Мени яхшилаб сўкинг, уринг, лекин ақл берманг... Балки ақл берсангиз ҳам яхши бўлармикан, а?

— Ўзингизни қўлга олинг, фақат дўстларни айбла-

манг, бўлар иш бўлди, бўёғи сингди, энди ана шу гўстохлик чуқуридан чиқиб кетиш чорасини изламоқ лозим.

— Жуда чуқурламадикмикан?

— Домла ёрдам қўлларини чўзмоқчи.

— Қириб айтдингизми?

— Узлари чақиртирдилар.

Маматхон ўрнидан беҳолгина туриб, анчайин ўйла-ниб қолди:

— Қай юз билан бораман?

— Узлари айтдилар, келиб менга учрасин дедилар, фақат қанча тез бўлса, шунча яхши эмиш.

Йўлда Унинг ака-пакалари Маматхоннинг олдидан чиқиб, бирор қор-қол бўлмасин, деб унга билдирмай чўнтагимга тиғи ўтқир пичоқни солволдим. Йўқ, институтга тинч етиб олдик. Маматхон то домланинг кафедрасига кириб кетмагунча даҳлизда қараб турдим.

Шу куни Маматхон бирор дарсга кирмади. Қўчқор аканинг бир оёғи аудиторияда, бир оёғи қайси бир муҳокама хоналарида бўлди. Гоҳ ташвишли, гоҳ мулойим тортиб бориб келгани сайин сўраймиз:

— Нима гап, нима бўлди?

— Ҳозирча ҳеч гап.

У ҳам кейинги сафар кетганича қайтиб келмади.

Муҳаммаджон ака билан дарсларни тугатиб, бўшашибгина қайтдик. Нари-бери чой ичган бўлдик. На йўлда, на чой устида бир оғиз ҳам сўзлашмадик. Муҳаммаджон ака кетмонини кўтариб пастга тушиб кетгач, қоронғи туша бошлаганигами, юрагим сиқилди. Нима қилишимни билмай, ташқарига чиқдим. Ҳамма бизга таъзия билдиришаётгандай гамгин сўрашади... Қайтиб хонага кирдим-да, кўрпа тагига шўнғидим. Бугун ҳам руҳий, ҳам жисмонан қаттиқ чарчаганимданми, салдан кейин қандай уйқуга кетганимни билмай қолибман. Шу ётганча эрталаб уйғондим, бошимни кўтармай, дўстларнинг ўриндиқларига разм солдим, икковиям ухляпти. Яна пича уйғоқ ётдим-да, ўрнимдан қўзғалдим.

Маматхон менинг уйғонишимни кутиб ётган экан, суюнчилади:

— Бўрондан омон-эсон қутулдик, шоир.

— Бир лағмонхўрлик қиларканмиз-да! — Уйқу аралаш тегажогоғлик қилди Муҳаммаджон ака.

— Нима десангиз шу, ака, лағмон десангиз лағмон, шашлик десангиз шашлик, қани, подём! Майли, ресторанда бир ювайлик, қани, туринглар.

Маматхон айтганидай ўзимизнинг умум пулимизга роса лағмонхўрлик қилиб, хонага қайтиб келсак, Акбар билан

Рашид оғизлари таноби қочиб ўтиришибди. Бизни роса излашибди.

— Кеча мендан хафа бўлмадингми, шоир? — Рашид саломни ҳам унутиб узрхоҳлик қилди.

— Ваалайкум ассалом! Рашидбой, аввал салом, кейин калом, демиш машойихлар. — Муҳаммаджон ака ҳар қандай тифиз вазиятда ҳам ўрнини топиб ҳазиллашар, ўртани юмшатар эди. Бу сафар ҳам усталик билан кечаги мавзунини қўзғамасликка ҳаракат қилди. Барибир, дилсиёҳликлар ўтгач, муаммолар унча катта бўлиб кўринмагач, хавф-хатар йўқолиб, бири олиб, бири қўйиб роса олиб қочипди. Биз ҳам уларнинг ёқаётган гулханларига ёғ қўйиб турдик. Пешинга бориб ҳис-ҳаяжонлар босилиб, очиққан қоринларга бир нима солиб институтга жўнаш тараддудига тушдик.

Институмиз ректори Опанинг ақллилигидандир, беқиёс саховатпеша домламиз Усмонхўжаевнинг обрўси наинки ўқув даргоҳида, балки катта маҳкамалардаям нуфузлилигидандир, эҳтимол Унинг дадасию қариндош-туққанлари Оллои таолонинг шарофати билан инсофга келганларидандир, ҳатто бу учала беадабларга изза берувчи мажлис ҳам бўлмай, шундайгина бости-бости бўлиб кетди.

5

Ўқишларимиз изига тушиб, ҳеч нима бўлмагандай, таомлар ўз вақтида пишиб, идиш-тавоқлар ярқираб ювилаётган осуда кунларимизнинг бирида Маматхоннинг тақдирини ўзгартириб юборувчи ажойиб бир ҳодиса юз бердиким, мен то ҳануз ҳайратдан ёқамни ушлайман.

Эрталабки нонуштани қилиб, бир оёғимиз ерда, бир оёғимизни курси ўриндигига қўйиб, тишларимиз орасидаги йўқ гўштларни одатимиз бўйича бўлса-бўлмаса кавлаб, масрурона суҳбатлашиб турганимизда эшик аста тикиллади. Маматхон одатдагидай сас берди:

— Ким? Кириг!

Эшик аста очилди. Эшикдан аввал чиройли табассумли юз кўринди. Кейин атлас қўйлакда бир зебосанам юмшоқ қадам босиб кирди. Муҳаммаджон ака жилмайиб сал қўзғалди, биз Маматхон икковимизнинг эса биров оғзимизни ёпмаса, ўзимиз бекитадиган аҳволда эмас эдик, қотиб қолдик. Ёзувчилар, шоирлар ёзса, рассомлар тасвирласа, доим хаёлларини қоғозга туширадилар, ўзларининг идеалларини тасвирлайдилар деб ўйлардим. Йўқ, ҳаётда ҳам бор экан. Сиз қулоқ беринг, мен айтай, бирорта ками бўлса, дўстларимизнинг умрлари узоқ бўлсин, ҳозир ҳаётлар, тасдиқлашади: ўрта бўйли, икки ўрим қора сочи тақимига тушади; зулукдай қайрилма қошлари тим қора,

жавҳари биллур кулиб турган кўзлари устида парвозга шайланган тилсимий қуш қанотлари янглиғ; чизиб улгурмасангиз улар ҳозир учиб кетадигандай, хаёлингизни шошилтиради. Бу бежирим дудоклари устидаги қора холини айтасизми, кўзларига мос табассумли гўзал юзидан ёғилиб турган нурни айтасизми, бари-бариси бир одамда мужассамлашганига ақл бовар қилмайди.

— Ассалому алайкум... — Юракларга гўлгула солувчи бир сас эшитилди.

— Валайкум, келинг, қандай шамоллар учирди? — Муҳаммаджон аканинг кулимсирабгина олган алигидан сўнг ўзимга келдим.

Маматхон беихтёр ўрnidан туриб курсисини берди, ўзи каравотига омонатгина ўтирди.

— Танишинглар, Дилбархон, таги марғилонлик, ҳозирда тошкентлик бўлиб кетган, ҳаммаҳалламиз... Ўзимизда ўқийди, сиртқи бўлимда... — Муҳаммаджон ака бизни таништира бошлади. — Бу, шоир, хоразмлик. Маматхон, наманганлик...

Париваш тик турганча ҳар қайсимизга минг йиллик танишларидай сеҳрли боқди. Бир-бир табассум қилди. Қўналғага бамисли пар қўнгандай аста ўтириб, Муҳаммаджон ака билан куюқ сўрашди. У кишим қотиб қолган гўладай бир хил маромда, оддийгина меҳмондорчилик чегарисидан чиқмай муомала қиляпти. Маҳваши маъво бир пиёла чой ҳўплаб, аввал менга, сўнг Маматхонга ширин табассум ҳадя қилди. Маматхон бирдан жонланиб қолди. Мен карахтлигимдан ўзимга кела олмадим.

— Мен безиён бечорадан камтарин ёрдамларингизни дариг тутмассизлар...

Паривашнинг тугмадаккина оғзидан чиқаётган сўзлар муסיқий оҳанг билан куйланаётгандай мени тамом сеҳрлаб ташлади. Афсус, Уни Маматхонга «топшириб», биринчи муҳаббатимдан оёғим ерга тегмай юрган кунларимда, бу пари пайкарнинг ўз оёғи билан хонамизда пайдо бўлиши, менимча, Маматхон икковимизни, балки Муҳаммаджон акадан анча ёшлигимиз боисми, қилаётган ишларимиздан, ўю хаёлларимиздан буткул чалғитди. Хуллас, текин қулларни кўринмас занжирлар ила банди қилиб у париваш чизмаларини чиздирди, курсовойларини ишлатди, на висол учрашувига борамиз, на меҳмондорчиликка, на уйдан чиқиш бор.

Биринчи ишқий саргузаштлардан шохи синиб, йиқилган полвон курашга тўймас қабилида Маматхон парининг атрофида ҳаммамиздан кўра кўпроқ гирди капалак бўлди. Париваш ҳам атайинми ё ҳақиқатдаям Маматхоннинг саргузаштларидан воқифми, унинг кўнглини кўта-

ришга кўпроқ мойиллик қилди. Аслида, Оллои таоло Маматхонни ухлмасдан чизмакашлик қилишга яратгандек, чарчаш нималигини билмайди, ўзининг дарсини қилмаса қилмайдики, Дилбарнинг курс ишларию имтиҳонлари билан боғлиқ тамоми ишларини биринчи навбатда бажаради.

Париваш бизга, биз унга шунақа ўрганишдикки, келиш вақтидан сал кечикса, уйимиз қоронғилаша бошлайди. У кириб келиши билан хонамиз мунавварлашиб, суҳбатларимиз дилбарлашиб кетаверади.

Ана шундай умумий шодумонлик кунларининг бирида Дилбар икки-уч кун кўринмай қолди. Муҳаммаджон аканинг парвойи палак, боғи билан овора. Маматхоннинг ҳаловатига қанчалик путур етаётган бўлса, менинг илҳомим шунчалик ҳаволанишдан тўхтапти.

— Энди қорасиниям кўрсатмайди, ишлари битди, эшаги лойдан ўтди, нима дейсиз, шоир, роса пихини ёрган айёр эканми ўзиям, а?

Унинг сўзида қандайдир илинж борга ўхшарди.

— Муҳаммаджон ака эшитмасин, хафа бўлади. Нима қилгандаям бир жойдан-да... Кеб қолар, раҳмат айтмай кетиб қолмас-ов...

— Муҳаммаджон акаям ундан беш баттар айёр. Парини биз билан таништириб, курсовойларига нигоҳиниям ташламади-я. Биз, айникса, мен аҳмоқ бўлиб, кечалари ухламай ишладим, ярим йилда йиғилиб қолган қанча қарзларидан қутулди... Келмасаям, соғ бўлсин...

Маматхон оғир хўрсиниб бурнини тортди. Юзига қарасам, айтганидай шу ҳафта ичида уйқусизликдан кўзлари киртайиб, бурни қоқ чаккасида ажралиб чиққандай андак беўхшовлашибди. Бошини сарак-сарак қилиб гапириб кулганида худди йиғлаганга ўхшайди.

Ана шундай тушкун кайфиятда юрган кунларимизнинг бирида, худди илк бора қадам қўйганидаги каби кулиб кириб келди париваш.

— Бормисиз, келинг, қаёқларда қолиб кетдингиз? Имтиҳонлардан эсон-омон қутулдингизми?

Менга, савол берсанг бир нечтасини қалаштириб ташлайсан, деб танбиҳ берадиган одам, ўзи ҳам ошириб юборди. Дилбар Муҳаммаджон аканинг барча саволига бир оғиз раҳмат дедию менга ўтирилиб, сўзлашдан олдин чиройли табассум қилди. Дамим ичимга тушиб кетди.

— Тоға, мени шу Маматхонга олиб берсангиз-чи...

Дилбар биз билан анча ўрганишганидан кейин Марфилон удуми бўйича бўлса керак, менга «тоға» деб мурожаат қиладиган бўлди. Маматхонга эса, қарийб гапирмас, фақат чиройли кулибгина ҳамма ишларини бажартирар-

ди, ора-орада мақтаб қўярди. Маматхоннинг ундан баттар илҳоми жўшиб, ялтоқланганча чарчаш нималигини билмай, эшакдай ишлайверарди.

Мен Дилбарнинг гапини рости ҳазилига унчалик тушунмай, энди аниқлик киритмоқчи эдим, Маматхон ўрнидан ирғиб турди-да, уйда киядиган кир дўпписини бошидан олиб:

— Мени қачонгача аҳмоқ қиласизлар! — дея паства бир чакиб урди, баримиз қотиб қолдик.

— Ўзингизни босинг, Маматхон, ҳ-ҳа, Дилбархон сиз билан ҳазиллашяпти...

Дилбар шартта Муҳаммаджон аканинг гапини бўлди:

— Йўқ, ҳазиллашаётганим йўқ, чиним билан, — яна мен томон ўгирилиб, қошларини чиройли чимирганча, жиддий оҳангда деди: — Тоға, чинданам мени Маматхонга олиб беринг!

Дилбархонни биринчи бор жиддий кўришим. Жиддийлик ҳам ярашганга ярашади. Аввалги туришиданам ҳусндор бу қизнинг томдан тараша тушгандай, бирор марта ишқий мавзуда ҳазилдан нари ўтмаган йигитга, бунинг устига, рози-норозилигини билмай туриб қилаётган дадил таклифи ҳаммани эсанкиратиб қўйди. Қиз боши билан рад жавобини олса нечоғлик ерга урилишини англаб, тегаман дегани ҳалиям рости ёлғонлигига ақлим етмай турган бўлса-да, шартта ўрнимдан турдиму чой қайнатиш учун тайёрлаб қўйилган челақдан бир пиёла сув олдим:

— Мулла Садриддин ўғли мулла Маматхон...

— Қироатини келтирмай қўя қолинг, қўйинг, ҳазиллашманг...

Маматхоннинг бу сафарги дашномида олдинги хуруж йўқ, жон деб турибди.

— Қайтариб айтаман, менинг гапим беҳазил. Маматхон, мана шу уч-тўрт кун ичида бошингизга тушган бари ҳангомалардан хабар топдим. Айтинг-чи, менинг қаерим кам Унингиздан? Ё гапим нотўғрими, тоға? — Дилбархон тасдиғимни кутиб ҳам ўтирмай давом қилди. — Ажойиб меҳнаткаш йигит экансиз, сизнинг қадрингизга етмаганларнинг кўзи кўр бўлади. Агар нопок бўлсам, никоҳ кечаси жавобимни бераверинг. Юзингизни ерга қаратсам, ту-пуринг... Нима, рози эмасмисиз?

Мен ҳазил чинга дўнаётганидан хурсанд бўлиб:

— Мулла Садриддин ўғли мулла Маматхон...

— Розиман.

— Дилбархон...

— Розиман деяпман-ку.

— Уч марта сўрашимгаям сабрларинг чидамаяпти-я!

Қани, бўлмасам, сувдан ҳўпланглар. Муҳаммаджон ака, бир фотиҳа қилинг.

Муҳаммаджон ака бу хонада нималар бўлаётганига, Маматхон билан Дилбархонлар тақдиридаги тўсатдан содир бўлган ўзгаришларга ҳайрон бўлиб, ўзини йўқотгандай анграйиб қолди. Ўзим фотиҳага қўл очдим:

— Омин!..

— Тўхта! — Муҳаммаджон ака овозини баландлатди. — Нималар бўляпти ўзи? Тушунтириб гапирсанглар-чи, Дилбархон..

— Ҳа, Муҳаммаджон ака, қарорим қатъий! Шундай йигитни сал бўлмаса институтдан ҳайдашмоқчи бўлишибди-я. Текканим бўлсин!

Маматхон ўзида йўқ хурсанд. Муҳаммаджон ака бизнинг болаларча қилиғимизни жиддий қабул қилмасаям, содир бўлган воқеадан ўзини четга ололмади. Келин-куёв сувдан бир-бир ҳўплашди, бир-бировларига бошқача нигоҳлар билан узоқ-узоқ боқишди.

Кейин совчилик, тўйлари бўлди. Ҳозиргача кўришганимизда ширин хотиротларни эслашамиз, умрининг шитоб ўтиб бораётганидан афсусланамиз, тез-тез учрашиб туришга аҳдлашамиз; лекин яна аҳдимиз аҳдлигича қолаверади, бирор сабаб бўлмаса, учрашиш хаёлимизгаям келмайди. Агар, мана шу саҳрои қумдан эсон-омон чиқсам, бари яқин курсдошларимникига кириб чиқаман, иншооллоҳ.

6

Ширин хаёллар оғушидаги роҳатни ҳазм қилиш учун ўзига хос гўша даркор. Мана бунақа ит ётиш, мирза туриш шароитида ҳар қандай лаззатли ўйлар-да завқли сархушлик бермаслиги табиий. Бир қултумгина шўр сув бўлгандаям жаннатдаги салсабил булоғидан сув ичгандай шодлигимнинг канораси бўлмас эди. Қани, ўша бир қултум сув? Ноилож хом ўрдак гўштидан яна бир луқма кесиб оғзимга солдим. Аста-секин сўриб тишимни ботирганимдан, муздаккина бетуз хом этнинг қони кўнглимни алағда қилди. Озгина бўлса-да, намланган оғзимдан бадбўй ҳид келди, тупурмоқчи эдим, чиқмади, фақат лабларим бир-бирига ёпишиб, таъбим ноушланди.

Ҳали тонггача, эҳ-ҳе, қанча вақт бор. Ташқарида эса, чиқсанг ютаман деб турган қоронғи кенг қумда шамол увиллайди. Гўшам бефалокат ётишга мос доруломон бўлмасин, барибир бот-бот сағана сокинлигига, вужуд сокитлигига тортувчи қандайдир шаъма бордай, ҳаётдан кўз

юмушликка бўлган беписандликни енгувчи ваҳима дилга гулгула солади. «Наҳотки?» деган аламли фикр йилдиририм янглиг юракка ларза солиб ўтади.

Бир бошга бир ўлим барибир бор нарса. Неча ёш яшасанг ҳам бир-бировдан бир кун фарқи билан яшайсан. Бирин-кетин ҳамманинг борадиган жойи — қабристон. Қабр нима? Мана, шундай қоронғи-зимистон.

*Қаро тунда қабрлар етим,
Япроқлардан келар ёз ҳиди.
Нурдан фузун, одам умридан
Не бор қисқа дунёи арзда?*

Илья Эренбург буни хўп топиб айтган-да. Дунёда не-не алломалар фонийлик ва боқийлик ўртасидаги масофанинг мижжа қоққандан ҳам оз фурсатлигини эътироф этганлари билан икки кирпик орасидаги ҳаёт мазмунини улуғлаб келадилар. Шунинг билан бирга, умр деб аталгувчи хилқатнинг сир-синоати, тирикликнинг шавқу завқлари баробарида сўз билан ифодалаш қийин бўлган ранжу анолари, ёлғону фисқ-фасодлари исканжасидаги беаёв курашлар оқибати бир сўз — ўлим билан тугашини ҳар қайсиси ўзига хос тафаккур ўлчовларида мушоҳада қилдилар.

Сергей Есенин айни йигитлик вақтида қалбларни титратиб нола чеккан:

*Энди биз кам-камдан йўл олажакмиз,
Хузуру оромбахш, сокин маконга.
Керакдур бу фоний юкларин йиғиб,
Отланмоқ менга ҳам балки у ёнга.*

Нега Есенин шошқалоқлик қилди, ўттиз ёшига етмай оламдан кўз юмди? Бу янглиғ саволлар, ҳаётдаги тушуниксиз гумон ва адашишлар дунё борки, адо бўлмайди.

Ёвузлик ва ёлғон осмондан тушган эмас, одамзоднинг фарзанди. Ўзи туғиб, ўзи вояга етказди ва ўзи унинг қурбони бўлади. Кейин борлиқ мушоҳадасини ишга солиб, ёмонликнинг туб моҳиятини излай бошлайди.

Алломай замона Сукрот дейди: «Жисмнинг ҳаёти ёвузликдан ва ёлғондан иборат. Шунинг учун ҳам бу жисм ҳаётини маҳв этиш неъматдир, биз шу неъматни тиламогимиз даркор».

Шопенгауэр ҳам қарийб Сукротни такрорлайди: «Ҳаёт шундай нарсаки, унинг боридан йўғи яхшироқ. Ҳаёт — ёвузлик, ёвузликдан ҳечликка кўчин — ҳаётдаги бирдан-бир неъматдир».

Хуш, ана шу «неъмат»ни тилаган Шопенгауер ҳам яшайверди, Сукрот ҳам 70 йил умр кўрди. Нега? Бу жумбоқми? Жумбоқ, жумбоқ бўлгандаям ечими оғир жумбоқ, чунки, магарам, Сукротни ақллилиги учун ўлимга ҳукм этмаганларида яна яшайверарди. Нега? Гап ана шунда. Нега 50 ёшларигача ҳаммаси беҳуда, туғилмаган одам бахтиёр, ўлим — ҳаётдан яхши, шунинг учун ҳаётдан халос бўлмоқ керак, ўзимни-ўзим отаман, деб юрган Лев Толстой ҳаётга муҳаббат қўйди? Магарам, муҳаббат қўймаганида 83 йил яшамаган бўларди. У 81 ёшида «Тирилиш» романини ёзган-а!

Толстойнинг ўзи иқроф бўлади: «Ҳали мен билиб улгурмаган бирон синоат бордир? Ахир, билимсиз одам ҳам шундай қилади-ку? Билимсиз одам ҳам шундай дейди-ку? Агар у бирон нарсани билмаса, билмаган нарсани бемаъни, аҳмоқона нарса деб атайди. Бундан келиб чиқадики, инсониятни яхлит оладиган бўлсак, у ўз ҳаётининг маъносини англаб етгандай шу пайтгача яшаб келди ва яшамоқда, агар уни англамаганида, тушуниб етмаганида инсоният яшай олмасди, мен бўлсам, бу ҳаётни бошдан-оёқ маъносиз деяпман ва яшай олмайман деб нола чекапман. Ҳаётни инкор этишга Шопенгауэр икковимизга ҳеч ким халақит бермайди. Ундай бўладиган бўлса, ўзингни ўлдир-қўй, мулоҳаза юритмайсан. Яшашда давом этиб, ҳаётнинг маъносини тушуна олмас экансан, ҳадеб типирчилашни бас қил, ҳаётни англамаяпман, деб гап сотишларни, нола чекишларни бас қил. Бирор қувноқ даврага тушиб қолсанг, кўрасанки, ҳамма шоду хуррам, ҳамма нима қилаётганини яхши билади, сенга эса ёқмайди, зерикасан, сиқиласан. Ўрнингдан тур-да кет. Ахир, чиндан ҳам, киммиз биз ўзимиз? Ўз-ўзимизни ўлдиришимиз зарур эканига амин бўлсак-да, уни амалга оширишга қурбимиз етмаса? Энг ожиз, энг бетайин одамлар эмасмизми? Бошқача айтганда, девона тўрвасини ҳаммага пешкаш қилганидай, тентаклигимизни ҳаммага кўз-кўз қилувчи учига чиққан бемаъни одамлар эмасмизми?»

Ўю фикрлари гирдобиди қийналиб яшаган Толстойнинг фикрлари ойдинлашганига сабаб бўлган туйғу ҳақида эса ўзи шундай дейди: «Хуш, мен нимани изляяпман? — деб садо беради дилимдаги овоз. — Мана, у. Усиз яшаб бўлмайди. Худони танимоқ ва яшамоқ — айнан бир нарса. Худо — ҳаётдир. Яша, Худони излаб топ, шунда ҳаётинг Худосиз бўлмайди. Шунда қалбимдаги ва атрофимдаги нарсаларнинг ҳаммаси ҳар қачонгидан кучлироқ нурланиб кетди ва бу нур мени ортиқ тарк этмади. Эй Худо! Ўзинг раҳм қил! Ўзинг нажот бер! Эй Худо! Ўзинг мени тўғри йўлга сол!»

Миллатидан, наслу насабидан қатъи назар ҳамманинг дуоסי битта: бир-бировига узоқ умр кўриш, 100, ҳатто ундан ҳам зиёд яшамоқликни тилайди. Бу бемаъниликми? Бу андак шарҳ талаб мунозара, чоғи, чунким Навоий ҳазратлари:

*Не турфа ишки, бирав чун ториқти умридин,
Деса узун яша, қарғишдир анга бу алқиш.*

Ҳазрат Навоийнинг теран мушоҳадаси олдида ҳар ким ҳам лол қолмай иложи йўқ. Бу мантиқни ёши ўтинқираган одам ўз вужудида, руҳиятида ботинан сезади, лекин умр ғаллағашликларидан нечоғлик эзилса-да, ўлимни беш кун сўнгидан бўлғай деб илтижо қилади. Ҳазратнинг юқоридаги байтини бот-бот ўқиганим сари миямда қачонлардир битган ушбу тўртлик чарх ураверади:

*Жуда ғалат инсон мушоҳадаси,
Адо бўлмас кутиб мужда ноласи.
Минг азобли охир нафасида ҳам
Ўлмасам деб яшар одам боласи.*

Ахир, одам боласи борки, яхши умид, нурли илинж билан яшайди. Бежиз демаганларким, умид одамдан кейин ўлади. Билҳақ, ноумид шайтон. Лекин ҳазрат айтмиш қарғишни оддий одам айтса, уни дарҳол қора кўнгилликда айблаш ҳеч гапмас. Худди шундай улкан уламолар айтмиш яна бир ажиб ҳақиқат мавжудким, эшитган заҳоти ҳақлигидан ёқангни ушлайсан. Оллоҳдан сўраб дейдиларки, мен яхши кўрган одамга ризқ бер, аммо ҳаддидан оширма, мен ёмон кўрган одамга бойлик бер ҳам серфарзанд қил. Ҳали бирор дуои ниятнинг бу қадар тескарисини эшитганимиз йўқ. Авлиё даражасидаги одамгина бу янглиғ аччиқ ҳақиқатни айтмоғи мумкин, негаким, дунёнинг азоб-уқубатларидан толиққан инсонга узоқ умр тилаб, унга яна шунчалик кўргуликларни раво кўриш қарғиш бўлмай, нима? Шу сабабдан ҳам ҳазрат дейдиларким:

*Юз улки, қирқдин элликка қўйди юз, қилса
Минг ишидин бирига яхшилик маҳол эмиш...*

Қаранг-а, одам қирқ ёшдан ўтиб, элликка қадам қўйса, юзга киргандай, шунгача қилган барча яхшиликларининг энди мингдан бирини ҳам қилиши амримаҳол бўлмиш. Демак, не яхши иш қилсанг, қирққача қилмоқ лозим кўринади. Бизда ажаб бир мақол шунга ишорамасмикан: «қирққача кўса яхши, қирқда ўлса яхши», во ажаб! Ҳазрат яна битадиларким:

*Навоиё, тутар аҳли фано нажот йўлин,
Эришмак истар эсанг, ишда ҳам аларни эриш.*

Бундаги улкан маъно-нажот йўлин тутган «аҳли фано»дан мадад тиламак, неча ёш яшашдан қатъи назар, Ҳазрат таъкидлаганидек, «*Адудур олти жиҳатдин манга чу етти фалак, не суд ёшим агар олтмиш ва гар етмиш*»-фонийлик бахтига муяссар ўлмоқ, Оллоҳ жамолига етишмак учун, бу йўлнинг муқаддаслигини рақам қилишдир.

Ақлидан ақлли, донодан доно кўп дунёда. Қайси бир донишманд дунё моҳиятини бир нуқтада жамлаган: «Ҳаёт одамларни тенглайди, ўлим яхшиларни олдинга чиқаради».

Дарҳақиқат, милён асрлар мобайнида не-не одамларни тенглаштирган бу қадим дунё, ўтганлар орасидан ҳар асрда бармоқ билан санарли буюкларни даврлар оша ардоқланиб, улуғланиб боришига, бир сўз билан айтганда, абадийликка дахлдор қилади.

Лев Толстойнинг абадийликка дахлдор бўлишида ким ҳам илоҳий каромат йўқ дея олади? Ҳаётидаги илк мубҳамликка чек қўйилишида унинг шарқона мушоҳадаси муттақо бўлса не тонг! Шарқда ҳикмат кўп. Шарқ ойдин тафаккур маскани.

Ва яна ҳазрат Навоийнинг биргина байтини ўқиганингда ҳам бутун яшаган умринг давомида излаган, бироқ умргузаронлик гумроҳлигида тириклик фалсафасидан, яралиш сир-синоатидан, умуман, яшамоқ ва ўлмоқ мантиқидаги тилсимий тааммулдан¹ хийла олисдалигингдан афсурда бўласан:

«Дединг: фано недур? Мухтасар дейин-ўлмак, Ки шарҳин тиласанг, юз рисола бўлғусидур». Фано-банданинг Худо тарафига сайрининг ниҳояси бўлса, бу сайргоҳни ўтган аҳли уламо нега қафасга менгзайди?

Огаҳий ҳазратлари ёзадилар:

*Не тонг гар мўъмини комил эмас олам аро хушдил,
Ки айшу роҳату амну тараб жойи эмас зиндон.*

Ҳазрат айтмоқчи зиндон-нафс қулининг маскани, зиндон-айшу роҳат жойи эмас. Бу фақат комили мўъмин инсонларга тааллуқлимикан? Балки шундан Бедилнинг «зиндон» мавзуи талқинида авом фожиасининг юқори нуқтаси дардчил надимдир:

*Оламеро улфати жисм аз адам дилгир кард,
Бар қафас парварда беруни қафас танги кунад.*

¹ Тааммул — чуқур ўйлаш, диққат билан фикрлаш.

Қарангки, одамнинг жисми йўқликдан оламга келиб, унга улфат бўлишдан хафа, қафасда парвариш топган одамни қафасдан ташқарида яшаши танг қилади. Демак, вақтинчалик дунёга кўнгил қўйиб яшаган одамнинг бу оламдан кетгиси келмайди ва ҳар қандай забунликка, нотавонликка ҳам чидаб яшайди.

Огаҳий фиғонида ҳам, Бедил нидосида ҳам шу надомат-бу гузал, ёруғ оламни ўзига зиндон этган одамда забунлик бўлмаслиги мумкин эмас:

*Фалак бедодидин, ваҳ, кимга дод айлайки, оламда
Забунни бўлмағон бир кимса топилмоқ эмас имкон.*

*Чу бағринг умрлар қон айлабон лаъл айладинг ҳосил,
Жафо метин кўксинг қилса чок инжинмоғил, э кон.*

Ҳазрат Огаҳийнинг ушбу иккинчи байтида ажиб бир ҳикмат бор. Метин-тош йўнадиған теша. Умр мобайнида бағрингни қон қилиб лаъл йиғдинг, конга айланган кўксингни жафо тешаси чок этса (ёrsa, яраласа), инжилма. Метин зарбасига чидамоқ даркор. Кўксинг — кондан лаъл чиққани учун фахрлан.

Ривоят қилишларича, лаъл тоғда кўп йиллар мобайнида сизиб чиққан қизил қонга ўхшаш ширадан ҳосил бўлар экан.

Бу борада Хўжа ҳофиз Шерозий яхши айтганлар:

*Гўянд санг лаъл шавад дар мақоми сабр,
Оре, шавад, валекин ба хуни жигар шавад —*

яъни, дерларки, тош лаъл бўлади сабр мақомида. Тўғри, тош лаъл бўлади, валекин жигар қони билан, кўп риёзат ва машаққатлар билан бўлади.

Одамнинг бору йўқи, кўксида лаъл ҳосил қилган одам олдида яксон бўлади, осойишу коми-мақсади ушалади. Комил инсоннинг насибаси — орзу ва ниятига етгандир.

Аҳли дил, фозилу фузало, алломаю уламолар, пири комил инсонлар учун ҳақиқий роҳат, бу авом тушунчасидаги замин айшу роҳати эмас, балки ундан-да юксакроқ роҳат — қалб фароғатида. Дарҳақиқат, қалби бой инсон икки дунёда ҳам бойдир.

Дунёнинг роҳатини деб гафлат балосига гирифтор бўлиб, айшга кўнгил қўйиш миллатни ортга судрайди; фикрсизлик, тафаккур қилмаслик унинг ахволини оғир, ҳолини забун қилади, аждодлардан олиб авлодларга уза-тиши лозим бўлган катта бойликлардан бенасиб айлайди.

Инсон умр мобайинида ўзини-ўзи излаб, кимлигини, қанақа хилқат эканлигини англашга интилиб келади, шу аснода бошқаларни ҳам англайди.

Мавлоно Жалололдин Румий эътироф этишларича, инсон мураккаб камолот йўлини босиб ўтиб, илоҳийликка эришаркан:

*Аё сиз, жон чекиб ҳар лаҳза изларсиз илоҳийни,
Ани излашга ҳожат йўқ, илоҳий сиз, илоҳий сиз...*

Негадир мен ушбу нажотсиз ҳолатда бўлганим учунми, мавлононинг юқоридаги байтини сидқидилдан такрорлашга ҳайиқдим. Маҳзуну музтарлик асносида бошқа бир мантиққа юкиндим, тақдири азал одамни ҳар кўйларга солиши, бошига минг бир балоларни ёғдириши, ёлғизлик домига ташлаши, менинг тамсилимда охирги нафасни яқинлари билан эмас, танҳо ўзи олишга гирифтор этиши мумкин. Мен ана шу танҳоликда ажиб бир нур кўрдим, руҳни поклайдиган нажот туйдим.

7

Хаёллар... Бетизгин хаёлларим билан бўлиб, қўналға ичи ёқтиланганидан беҳабар қолибман. Ё тушиммикан?

Кечами, олдинги куними кирганим жойдан муъжазгина тирқиш, очиб қўлимни чиқардим, бармоқларим намланди. Яшасин, қор учқунлари бу! Базўр ёнбошлаб ташқарига нигоҳ ташладим...

Ёпирай! Дадамми?! Мени ташқарига имлаётган дадамми?! Кўзларимни уқалаб, йиттироқ тикиламан, гира-шира тонг оқлигида, рўпарамдаги сазақликда туриб дадам мени имлаяптилар. Бугун вужудимга титроқ ийнди. Тишим-тишимга тегмай шақирлай бошлади. Апил-тапил эшик жойини очаман дейман, қўлларим ҳукмимга бўйсунмайди, оёқларим бемадор...

— Дада-а-а!.. Кетиб қолманг, мени олиб кетинг!

Мажолсизлигу иложсизликдан хўрлигим келди, ёш қуйилиб келиши керак бўлган кўзларимда эса нам йўқ. Яна ёрдамга келдилармикан? Ё... ҳа, дада! Мен сизнинг иккита илтимосингизни бажаролмадим. Биттаси оғир бўлсаям, биттаси айтарлик даражада оғир эмас эди-я. Биринчиси бирор ташвиш талаб қилмайдиган, ҳатто бирор тийин сарфламасдан бажарилиши мумкин эди. Сиз бир нарсани илтимос қилдингизким, замон қалтислигидан ҳайиқибми, уни бажаролмадим. Энди ақлим кирди, лекин сиз бу ёруғ дунёда йўқсиз.

Ҳар жума куни пешин намозини жамоа билан масжидда ўқишингизга рўйхушлик қилмадим, ота бўлиб

Ўглингиздан рухсат сўрадингиз, рухсат беролмадим. Пиёда бориб келаман, машинанг керакмас дедингиз, мен бўлсам гап машинада эмас, дедим. Ахир, ҳар намоз чоғи ҳаққингизга дуо ўқийман, Оллои таолодан кўмак сўрайман, ишларингизга баракот тилайман, ажаб эмас, даргоҳида илтижоларим мустажоб бўлса, ишингиз чандон ривожланиб кетади, дейсиз; йўқ, дейман, тинч юринг, замон ёмон, ана, кўряпсиз, баъзи раҳбарлар ота-оналарига жаноза ўқитмай чиқаришяпти, жанозага борганларни партиядан ўчириб, бадном қилишяпти, дейман. Шундаям бир оғиз партиянгизга ўт тушсин, ё у одамларнинг иши куфр, демардингиз, миграйибгина рози бўлдингиз, ноиложликдан додингизни кимга айтишни билмай, куним шу кишиларга қолди-я, деяётгандай, бошингизни ғамгин осилтириб турганингиз ҳозиргидай кўз ўнгимда, бир умр мени таъқиб қилади. Менга бир жилмайиб боқинг, дала, мени аламли нигоҳингиздан қутқаринг, жоним дада!

Иккинчиси, сизни ҳаж сафарига жўнатолмаганимиз бўлди. Бу ҳам жума кунги намозни жамоа билан бирга ўқишга йўл қўймаган тузум истибдоди ҳосиласидир.

Мустақилликнинг биринчи йили ҳаж сафари овозаси дилларни хушнуд қилган бўлса-да, сизнинг хасталигингиз хуруж қилди. Соғлом даврингиз мамлакатнинг истиқлол, доруломон йилларига тўғри келмади-да, минг афсус...

Мана шундай ўзимни қийноққа соладиган вақтларимда кўнглимга тасалли берадиган ишларим ҳам кам эмаслигидан, дадамни кўп маротаба хурсанд қилганларим билан мамнунланаман. Бир сафар-ку, ажабтовур воқеадан, ҳатто ўзлари илтимос қилмаган ишлариниям бажонидил бажарганимдан сўнг жудаям хурсанд бўлганлари ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Дадамнинг Сиддиқ махсум деган ошналари бўларди. Сиддиқ махсум жуда ўқимишли одам эди. У кишининг табарруклигидан бир нишона шу эдики, қирқ етти йилдан зиёдроқ давр Хоразм салтанатига подшолик қилган, адабиёт ва мусиқанинг беқиёс билимдони, ўзи бунёд этган Хива тошбосмасида жаҳон дурдоналарини, «Хамса»ю «Чор девон»ларни чоп қилдирган, улкан маърифат ва маънавият соҳиби, ҳассос шоир, саховатпешаи замон — Муҳаммад Раҳимхон Соний-Ферузнинг мадрасасида ўқиганлигидир. У кишининг хон мадрасасида таҳсил олишига икки нарса сабабчи бўлган. Авваламбор, Сиддиқ аканинг дадалари катта охун, шу мадрасанинг мударриси бўлганлар, қолаверса, хоннинг набираси, Исфандиёрхоннинг ўғли Темур Ҳозий билан бир кунда таваллуд топганидир. Ўша куни хонликда ўн икки нафар ўғил бола

туғилган экан. Муҳаммад Раҳимхон — Ферузнинг буйругига биноан набираси Темур Ғозий билан бир кунда туғилганларнинг барисига ойига беш тиллодан маош белгиланган ва ҳаммаси бирга ўйнаб, бирга ўсиши ҳамда бир мадрасада таҳсил олиши қайд қилинган.

Дадамиз боис Сиддиқ Махсум билан ота-ўғил эдик. Сиддиқ ака Муҳаммад Раҳимхон тўғрисида, унинг саховатпешалиги, ҳар куни Темур Ғозий билан ўйинлари адо бўлгач, хоннинг олдига бориб хайрлашишлари, шунда хон уларнинг барини бир танга-бир танга билан сийлашлари, хоннинг иниси Отажон Тўранинг мерганлиги, болаларнинг бошига олма қўйиб отишлари, жияни Темур Ғозийга ҳам мерганликдан сабоқ беришлари, болалигидаёқ катта унвонларга мушарраф бўлган Темур Ғозийнинг сирли ўлими ҳақида кўзига ёш олмасдан гапирмасди. Вазири Акбар Ислом хўжанинг таъзиясига дадаси билан қатнашганида, қайноатасини пинҳона ўлимга ҳукм этган Исфандиёрхоннинг жаноза намозини жамоа билан бир сафда ўқиганини айтарди Сиддиқ ака. Хивада хусни хушмавзунликда якто, оқ тулпори устида қаддини расо тутиб ўтирганини кўриш учун халқ кўчаларга чиқиб томоша этиб турадиган ишбилармон Рейимбарган маҳрам ҳам хоннинг фармони ила тириклайин кўмилганини сўзларди. Жаноза вақтида жасади устига тортилган тупроқ жон беролмай ётган маҳрамнинг нафасидан кўтарилиб-тушиб турган экан. Минганида манман деган отнинг белини қайиштирадиган, хушсухан шоир Шихназарбой-Шиносийнинг далерона хизматларига қарамай, зиндонда сирли бўғиб ўлдирилиши каби мавзуларда сўзлар, биз учун муқаддас бўлган тарих қатламларини бир-бир кўтарар, шодумонлик саҳифаларидан суюнар, фожийи воқеалардан бағоят афсурда бўлар эди.

Ана шу табаррук зотнинг қўша кунгурали ҳовлиси йиқилиб, ўрнига кўп қаватли уй қуриладиган бўлибди. Сиддиқ махсум уйи йиқилиши муносабати билан дардини дадамга айтибди. Дадам биз ўғилларига айтишга истиҳола қилиб, у билан бирга турли маҳкамаларга қатнаган. Ҳеч иш чиқаришолмагач, дадам махсумга менинг олдимга боришни тавсия қилган. Мен директорлик қиладиган пахта заводи Урганч тумани ҳудудида жойлашганини, гапимни туман раҳбарлари қайтармасликларини ўқтирганлар.

Умрида завод дарвозасидан қадам босмаган Сиддиқ махсум, қўлтиғига юпқагина қора папка қистириб маъюсгина кириб келдилар. Салом-аликдан сўнг, ҳаётнинг пасти-баландию машҳур гўяндалар ака-ука Ҳожихон ака, Нурмамат ака Болтаевлар, ажойиб шоирлар Маҳбубий

домла, Орзу бобо ҳақида сўзлашдик. Аммо у киши қўлтигидаги қора папка тўғрисида бир нима демоқчилиги шундоққина билиниб турса-да, бирор сўз айтишга иймандими, оғиз очмади. Ахийри, ўзим сўрадим:

— Ҳуш, йўл бўлсин?

— Нишаб айтсам экан?... Инқилоб замонинан бери кўп хўрландик, Комилжон, қайси бирини айтай сизга, кўрмаган азобимиз қолмади. Энди қариган чоғимизда оёғимизни узатиб ўлармиканмиз десам, бу кўргулик ҳам бор экан...

— Қандай кўргулик?

— Ҳукумат ўтирган уйимизни йиқиб, ўрнида кўп қаватли уйлар солармиш... Ҳукумат бир нарса биладики, қилади. Бизни ҳам кўчага чиқариб ташламас, ғамимизни ер, лекин овора қилмай бошқа ердан жой ўрни берса, ҳозирги бузилажак уйимизни ўзимиз йиқиб берардик, керакли оғоч-тахталарини, эшик-қопиларини олиб янги иморатга ишлатардик. Дардимизга қулоқ қўядиган одам топилма-япти. Бугун келинг, эртага келингдан нари ўтишмаяпти. Шунга...

Махсум ака уёғини, ёрдам беринг, деган сўзни айтолмади. Бирдан менинг қўлимдан келмайди деб жавоб берсам, умрлик ошноликдан Мосуво бўлишидан иймандими, билмадим.

— Яхши, — дедим.

— Нима яхши? Уйимизни йиқилишими?

— Қўлимдан келганча ҳаракат қиламан, — дедим кўнгли хотиржам бўлсин учун ўта самимий оҳангда.

— Ҳужжатларни кўрасизми?

— Йўқ. Уларни кўриб нима қиламан.

— Иби, кетаверайми?

— Бошқа ишингиз бўлмаса, майли... Чойлашиб кетмайсизми?

— Йўқ, раҳмат... Хабарни ўзингизданми?

— Ҳовва...

Махсум ака сўзим ерда қолди-ёв деган андишада бир оз ишонқирамай анойи қуш қараш қилди-да, эшик томон юрди.

— Арафа куни уйингизда бўлинг, лекин бирор жойга кетиб қолсангиз, мен ўйлагандай бажарилмаслиги мумкин, — дея уни ташқаригача кузатиб қўярканман, қайта-қайта бир неча бор қаттиқ тайинладим.

Менинг ўйим нимаю режаларимнинг қай йўсинда бажарилиши Махсум аканинг идрокидан андак йироқ бўлгани учун бирпас ҳайратланиб турди-да:

— Яхши, — деди.

Қурбон ҳайитининг арафа куни эрталаб Махсумнинг

йиқилиши лозим бўлган уйига ўша пайтдаги колхоз раиси, жойи жаннатда бўлсин, Эгамберган акани олиб боришни кўнглимга тугиб шу колхоз ҳудудида жойлашган пахта тайёрлаш пунктига келдим. Кўнгироқлашиб раисни топдим. У пайтларда ҳайит билан қутлашлик кўп эриш туюлса-да, ҳайит билан қутладим. Пахта топшириш мавсуми эмасми, раис дарҳол етиб келди. Иш юзасидан анчамунча гапиришганимиздан кейин:

— Сизнинг қармоғингиздаги қишлоқда Сиддиқ махсум деган табаррук зот истиқомат қилармиш, шу кишини мана бугун арафа, ҳайит билан қутлаб чиқсак ёмон бўлмасди.

Раис Махсумни билар экан-у, уйи қайдалигини билмас экан, мендан:

— У кишининг уйини биласизми? — деб сўради.

Мен билсам ҳам, шу ишимизни бажарувчи мутасадди одамларни раис топтирмасмикан, деган ниятда атайин:

— Йўқ, билмайман, — дедим.

— Қисинманг, ҳозир машина юбориб, шўрони олдирамиз, у ҳаммани қаерда истиқомат қилишини яхши биллади.

Иморат қуриш учун жой ўрни берилиши раисдан битгани билан, ҳужжатлаштириш шўро маҳкамасининг иши, шунинг учун ҳам Махсум аканинг уйига шўро раиси бизни бошлаб бориши айни мудлао эди. Борсак, Сиддиқ аканинг эсида йўқми, ё ҳамиша шунақами, болали уй бозор деб бежиз айтишмаган, тўс-тўполон. Бизни олиб киришган хонада болалар ҳозиргина кураш тушишган бўлишса керакки, чанги шифтга тегади. Уктабр ойи бўлса-да, кунлар илиқ эди, деразаларни бирпас очишгани ҳамано ҳозиргина кўтарилиб турган чангдан асар ҳам қолмади.

Махсум ака мени биринчи бор кўраётгандай, бирам соддалик қилади, асти қўяберасиз.

— Келаман деб бир оғиз айтсангиз бўлмасмиди, одам хижолат бўлар экан, — Махсум ака чаққонлик билан дастурхон ёза бошлади.

— Кўйинг, овора бўлманг, — десак ҳам Махсум ака ўзи хизмат қиляпти.

Худди мен ўйлаган режани Оллоҳ таоло олдиндан ечиб қўйгандек, то ҳануз ёқамни ушлайман. Агар мен айтганимдаям Сиддиқ аканинг фаромушлиги билан шашка тахтаси ўйлаган жойимда турмаслиги мумкин эди. Дераза олдида кўз-кўз қилиб қўйибди-я.

Раиснинг жони-дили — шашка. Шашка ўйинида у кишидан ўтадиган одам вилоятда йўқ ҳисоби. Шу боисдан ҳам қишлоқ ҳўжалиги раҳбарларини шашкада ютиб, трак-

торми, комбайнми, ишқилиб, шунақа нарсаларни на-
ряд-парядсиз ундириб юради, у пайтларда шашка ўйнаш
рахбарлар орасида расм эди. Ўзиям гоҳ-гоҳида алламбало-
ларни ютқазиб ҳам қўярди. Хуллас, шашкавоз. Дастурхон
тузалгунча тикка турган раис билан шўрога сездираётган-
нимни билдирмай, бепарвогина шашка тахтаси устини
чанги бўлмасаям «уф-уф»ладим. Менинг шоирлигимга
шама қилиб, ҳамisha Навоийнинг аҳтиқи (невараси) дея
муурожаат қилгувчи Эгамберган ака шу куниям, одатидан
четга чиқмай:

— Ҳов, Навоий ҳазратларининг аҳтиқи, шашкани ким
ўйнайди? — дея сўради.

Мен баттар бепарволик билан:

— Ина, менинг шогирдим, Махсум ака ўйнайдилар.

Мени кўзини юмиб ютиб юрган раисга бу жавобим
унча-мунча ёқинқирамаган бўлса-да, шашка ўйинига шай-
долигидан:

— Ростданми? — деб Махсум акага юзланди.

— Ай, раис бово-ей, Комилжон мени мақтагани-мақ-
таган, аслида унчалик эмас.

Махсум ака шу ерда пича алдади, шашкани ҳақиқатан
ҳам яхши ўйнашини яширди. Мен ҳам Махсум акани
раисдан-да баландроқ ўйнайди, деб тасаввур этолмасдим.
Лекин, менинг ниятим икковини ўйнатиб, сал шовқин-
сурон билан жой ўрни ютиб олиш эди. Шундай бўлса-да,
қани, бир ўйнанглар, дейишга ботинолмай турган эдим,
раис шашка тахтасини очиб, чордона куриб ўтирганча
Махсум акани ўйинга таклиф қилди. Махсум аканинг етти
ухлаб тушига кирмаган бу қутилмаган ҳолатда йўқ дей-
ишлик меҳмондорчиликка тўғри келмайди, нима бўлса-
ям, меҳмонларнинг кўнглини олиш, хурсанд қилиш ке-
рак.

— Ихтиёрингиз, лекин аввал бир пиёла чой ичсак
бўлармиди... Хуморбозлардай дарров ўйнаб кета берамиз-
ми?

— Чой қайнагунча ўйнашиб тура берайлик.

Раиснинг сазаси ўлмасин, дея менга бир қараб қўйди-
да, шашка тахтаси олдига чўккалади. Биринчи юришлар-
даёқ Махсум ака икки дона тошидан айрилди. Бу шу
қадар тез содир бўлдики, бой берилган шашкаларни раис
қандай қилиб олганиниям кўришга улгурмадим. Махсум
ака биррав тахтадан бошини кўтариб, ажиб кулимсиради:

— Комилжон, раисингиз дим ўйинчи эканлар-ку, ни-
шатамиз?

— Биласизми, нега кўчқорлар уришади? — дедим мав-
зуни мақсадимга бўйсундириш учун. Раис ўйлаганимдай
бу ҳолатга ҳеч алоқаси йўқ гап учун анграйиб қаради. —

Кўй учун, — дедим ва фикримни ривожлантирдим, — қайси кўчқор енгса кўй шуники. Хонаки кўчқорларнинг қонидаям аждодларидан ўтган шу нарса борлиги учун тўй-томошаларда, бирор чеккада кўй қараб турган бўлиши керак, деб калла ташлайберади. Хуллас, бемақсад бирор каллаям урмайди.

— Эй, Навоийнинг билимдон набираси, муддаонгиз нима? — Раис бу гал аҳтиқи демай, набираси деди.

— Сизлар ҳам қуруқдан-қуруқ ўйнамасдан, бирор нарсадан, зиёфатданми, хўроз-пўрозданми баҳс бойлаб ўйнасангизлар, ўйин масъулияти ўн чандон ошади ва қизиқарли бўлади.

Раис кўли баландлигидан беписандлик билан кўл сермади:

— Мен розиман, хоҳлаган шартларига розиман. Гап Махсум акада.

— Шундайми, — деди ўтқир нигоҳ ташлаб Махсум ака.

— Шундай.

— Унда, иним Эгамберган гап бундай, мана шу ўтирган уйимизни ҳукумат йиқиб, ўрнига кўп қаватли уй қураармиш, ҳукуматни айтгани-айтган, дагани-даган. Шунинг учун бажармай иложимиз йўқ... Агар ина шу ўйинни ютқизсам, ўлигим шу уйдан чиқади, ютсам... — Махсум ака яҳини қилдингиз шу шартни ўйлаб дегандай, қулимсираб менга қаради. — Кўча боши, чекка бурчакдан иморат солишим учун жой-ўрин берасиз... Хужжатларимга одам зоти гап тополмайди, ишкали бўлса, мен жавобгар. Шарти — мени маҳкамангизга қатнатмай, ер ўлчийдўвин танобчиларингиз билан ўлчаб, қозиқ қоқишга чақирасиз.

Ўртага бир лаҳза оғир жимлик чўкди. Раисни ҳам тушуниш мумкин, нега деганда икки дона тошини ютиб олган. Ҳозир Махсум ака юрсалар, бир тошини қайтариб олишлари эҳтимолдан холи эмас, лекин барибир раиснинг кўли баланд. Нима қилмоқ керак?

Раис «хўп» дейишга ийманяпти, шекилли, Махсум акага «шу раъингиздан қайтинг, мен сизнинг ҳурматингиз учун майли беминнат ёрдамлашай», демоқчидай маъноли боқди.

Махсум ака раиснинг кўнглидан ўтаётган андишани сезсаям юзига чиқармай, қайтага аста ниҳалади:

— Ўйланиб қолдингиз? Ё, яна бир от берайми?

Махсум аканинг шашка доналарини «от» дея улуғлашида унинг бу ўйинга бўлган алоҳида эътиқодининг рамзий маънолари ҳам йўқ эмас эди. Негаким, шатранж ўйинлари қадимдан Хивада машхур бўлган. Шу боисдан

ҳам у киши ҳар доим хон замонларида қайси бир маҳрамнинг Масковга бориб шатранж ўйинида биринчи ўринни олиб қайтганини, кўп мукофотларга сазовор бўлганини, эл-юрт орасида ҳамиша ҳурматда яшаганини ўзгача ифтихор билан айтиб юради.

Раис Махсум аканинг оддий шашка доначаларини ихлос билан «от» дея улуғлашига завқи келдими, бирдан яйраб кетди:

— Ҳали шунақами? Ўйланиб қолдингиз денг? Шу қўл ўйинни, мен сизга айтсам, Афлотун ҳам ютиб билмайди! Ютқазсангиз гапингиздан қайтмайсизми, ишқилиб?

— Гапидан қайтган ҳам номард!

— Бўпти! Агар шу қўлни ютсангиз, сизга очигини айтай, бугун вақтим зиқлиги учун эртага ропша-роса соат 9-00 да машина юбориб сизни олдираман, хоҳлаган жойингизга ўзингиз қозиқ қоқасиз. Ютқазсангиз, ўзингиздан кўринг.

— Ҳалиги айтганим, ўлигим шу ердан чиқади...

— Юринг, — деди раис овозига голибона урғу бериб.

— Иби, отни юриш менданми ҳали, яхши, яхши... Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим...


Эллик-эллик беш дақиқалар чамаси вақт ичида Махсум ака голиблик донасини суришга олиб келди. Раис қандай қилиб яшиндай тезликда ютқазаетганига ҳеч ишонгиси келмасди. Ўтирган жойида бирпасда кичрайиб қолди. Махсум ака ана шу охирги ютуқ донасини сурмай раисга юзланди:

— Эгамберган, бу ўйинни дуранг қилайлик, сиз менинг шартимни бажарсангиз бўлди. Тагин одамлар раис Махсумга жой ўрни ютқазибди деб юришмасин, — деди.

— Нималар деяписиз? Ютиб кейин оласиз. — Ҳалиям ғаройиб ҳодиса юз беради-ю, ўзи ютадигандай овозини баландлатди раис.

— Мендан бир оғиз айтмоқ, иним, бўлмаса мана! — Махсум ака охирги голиблик донасини сурди ва фотиҳага қўл очди: — Илоҳо, бирингизга мингини берсин, пахта планларингиз бажарилиб, эл-юрт олдида юзингиз ёруғ, толеингиз ҳамиша бейик бўлғай, Оллоҳу Акбар!

Махсум ака ишининг баъзи димоғдор раҳбарларнинг қошу-қавогига қарамай, бировларга эланмай силлиққина битганидан бошимиз осмонга етди. Дадамнинг суюнганларини кўриб-ку, тоғдай ўсдим...



УЧИНЧИ ТУН





*Азиз ўлмоқ агар истар эсанг аҳли жаҳон ичра,
Қаноат айлаким, ул рутба осори қаноатдур.*

Огаҳий

Биринчи боб

1

Оқшом яна муҳаббатга тортади.

Муҳаббат! Тонгдаги шабнам, япроқ узра тоза, мусаффо! Покиза биллур томчида мужассамдир бир олам сеҳр... Қуёш нури янглиг нигоҳда минг хил рангда товланар меҳр! Қўлинг тегса, шабнам ҳам бир сув, япроқ узра ёйилган намлик... Шуниси билан балки гўзалдир, бу оламда сулув, санамлик...

Муҳаббат ёш танламайди, гулга қўнган капалакдай юракларга қўнаверади, негаким, гул янглиғ юраклар ҳам ҳамиша ишқ дардига ошуфта. Ҳатто муҳаббат юкини кўтаришга ожиз, том маънодаги хаста юраклар ҳам капалакка интизор баҳорий гулчечаклардай мудом ишққа ишратсародир.

Табиийки, тенгқур дўсту биродарлар йиғилганда озмиқўпми ишратангиз гурунларга мойиллик, интимои саргузаштларга ишоратлар, қўнгилёзди ҳангомалар бўлади. Қай бир сафар қум сайрида мендан ёши сал каттароқ бир зиёли дўстим билан қаромату тилсимий кечинмишлар ила мусоҳаба, қилиб, одамзод борки, ўлмас мавзу — ишқий саргузаштларга ўтиб кетдик.

У чингакам билимдон, юксак иқтидор соҳиби, босган қадамига ҳисоб берадиган, таҳлил этадиган зукко одам. У менинг ҳақу ҳақиқат борасидаги мушоҳадаларимни тинглаб, юрагини ёзмоққа жазм этди чоғи, қумда, ёлқинли гулханнинг ҳовури бироз пасайиб, чўғнинг кавлаш сурурига чулғаниб, аста бошлаган гурунги сайримиз чоғида икковимизнинг сирли мулкимизга айланди.

Гурунг

— Яқинда мени, Сиз айтгандай, Худо бир балодан асради. Ёшим ўтинқираб қолганда ишқ аталмиш телбаликдан!

— Сиздай ақлу фаросатга суянадиган одамни-я? — Билҳақ, ҳайратимни яширолмадим.

— Ҳа, биродари азиз, бу йўлда мени чалғитиш энгил кечмагани ҳолда шайтони лаъиннинг измига киришимга Худойимнинг ўзи хоҳиш билдиргандирки, муҳаббат майдан сархушланганим, оз бўлса-да, телбаланганим ҳақ. Худо қаргаган одам, қариганда севгига мубтало бўлади, дегувчи эдилар, рост экан. Ҳаётда бу янглиғ мубталоликлар қисматини кўп кўрдим, кўп эшитдим, сабоқ чиқаришимга имконим ҳам етарли, бироқ... Тақдирни четлаб ўтиб

бўлмас экан, аввалида Паризоднинг қарашида қандайдир яқинликка имзаниш туйдим. Илк алданганим, Унга суқланиб қараганим, балки, шундандир. Унга бирор илмоқли гап айтмаслик гуноҳга ўхшаб кўринди:

— Сиз билан сўзлашмасдан суҳбатлашиш мароқли экан, — дедим. Бу илк учрашувимизнинг биринчи кун охиридаги сўзим эди. Саволга ўрин қолдирмаслик учун: — Кўзингизда ҳикмат кўп экан, — дея беозоргина қўшиб қўйдим.

Паризод бошини хиёл орқага ташлаб, ҳеч кимникига ўхшамаган табассумли нигоҳи ила қулимсираганча завқланганини изҳор этди. Вале, «Э, қўйинг» ёхуд «Жуда ошириб юбордингиз» қабилида навозишона норизолангандай бўлди. Менга бу тақовул самимийлик маъқул келди ва бу ҳодисани яна ҳамишаги табиий омадимга йўйдим.

Кейинги учрашувимиз ҳам атайин бўлгани йўқ, йўл-йўлакай, қайси бир маънавий тадбир боис содир бўлди. Ундаям «Яхшимисиз?», «Раҳмат, саломат бўлинг»дан нари ўтилгани йўқ. Ҳозиргидай эсимда: эгнидаги қизил кофтами, костюмми жуда ярашиб, кулгичларидан нур ёғилиб турган эди. Ўша нурланишиниям бирён учини ўз устимга тортдим ва ушбу ботиний, ичкин суҳбатларга чорловчи нигоҳларидан қаноатланганим сари ўзимни бардам-бақувват сеза бошладим. Бир чимдим табассум изҳор этиб, мен ҳам ўзимнинг самимий бурчимни адо этгандай бўлдим.

Шу-шу, ҳар хил ижодий кечалару учрашувлар ҳосиласи ўлароқ Паризод билан яқинлашиб қолдик. Унинг қайрилма қошларининг тасвири ўзи бир китоб. Каттакатта кўзларидаги маъни аралаш шўхшанлик бошқа бир китоб. Унинг билан соатлаб ҳам сўзлашиб зерикмайсиз, аксинча, кўришмасангиз, кундалик ҳаётингизда бирор кемтик мавжуд бўлаётгандай беихтиёр дийдорига талпинаверасиз. Балки менга шундай туюлгандир, лекин дабдурустдан орамизда сирли, ошиқона кўприк пайдо бўлгани икковимизга аён эди. Ҳали мен у кўприкнинг мустаҳкамланмай дарз кетишига, беҳаловат ўтадиган не-не кунларимга чинакамига ишонмас ва шунинг бирла телбалик тавсанлигидин, қавийи бежилов асовлиғидин йироқ, фақат ёшимга хос бўлмаган тавсани тахайюл-хаёл отида андармон эдим.

Ажабким, мен гапирганда У, У гапирганда мен узоқ тинглай олардик. Бу ҳамма суҳбатдошларга ям насиб этавермайдиган ноёб хислат. Ва яна ажабким, адаб доирасидан бирор сония бўлсин ташқари чиққанимиз эсимда йўқ. Худди бу дунёда биз минг йил яшайдигандай бемалол, бафужур суҳбатлашиб маъмулу мамнун бўлардик, ҳатто суҳбатларимиз асносида кимлардир иштирок этсалар ҳам.

Мен ҳозир бу гулхан теграсида гурунглариимиз мазасини, яна бир бора хуштаъмини хотирамдан кетказмаслик учун Паризод билан худди неча йиллар давомида суҳбатлашиб юрган одамдай эслашга уриняпман. Аслида-чи? Бир йилгаям етмади. Ҳақиқий сидқидилдан гурунгимиз икки ё уч бора бўлди. Бирор соатдан бўлса, жами қарийб беш соатча бўлган чиқар...

— Майли-да, — дедим, дўстимнинг қилмишидан нозилигини бир оз бўлса-да тарқатиш учун. — Юз йил умр кўрсанг ҳам беш кунлик дунё дегандай, буям бир нисбий тушунча бўлса не ажаб. Балки, умр мазмуни қай бир лаҳзаларда мужассамдир. Баъзан бир сонияда умр дарёсининг ўзани ўзгариб кетади-ку.

— Балки... Балки... — Уйчан давом этди у. — Ажаб ҳолатлар бор-а дунёда. Мен бениҳоя ёқтирадиган, ҳамиша шундай ҳолатдаги одамларга ҳавас билан қарайдиган бир ибора бор, у ҳам бўлса, мадхушлик. Мадхушлик — ишқнинг ҳайбати ва қудратидан беҳушлик, ҳайронлик ҳолатига тушган одамга берилмиш нисбат. Бироқ ишқнинг қудратию ҳайбатини инсон кўкрагига Яратганнинг ўзи жойлайди. Унга лойиқ қалбнинг ихлосу эътиқодига, кўнгли поку порсолигига шак бўлмаслиги лозим. Биз ана шу муборак нисбатдан бир сўз билан аста-секин йироқлашиб кетдик. Унга сабаб, силлиққина бораётган гурунг орасида нимаям бўлди-ю, унинг нохуш саволи юрагимга ўқдай санчилди.

— Ишингизда маошингиздан бошқа тушум ҳам борми? — деб сўради.

Бу ғалат сўзлар Паризоднинг оғзидан чиқяптими, а? Бир лаҳза ўзимни йўқотиб қўйдим. Нафсиламбирини айтганда, ҳар қандай меҳнат қадрланиши, қолаверса, тўғри баҳоланиши, ҳақ олишнинг ҳеч қандай уятлик жойи йўқ. Мен шу маошга розиманки, ишлаяпман, йўқса, ишламасдим. Бунинг нимаси ёмон? Балки режалар бажарилиши боис тўланадиган кўшимча маблағлар хусусида сўраётгандир деб:

— Ҳозирча, йўқ, — дедим, — балки режаларимиз кўзлаганимиздан ошиб кетса, мукофот пули олармиз, ҳозирча йўқ, — дея яна такрорладим.

— Бунча содда бўлмасангиз, мен мукофот пули тўғрисида эмас, тушум тўғрисида сўраяпман, уёндан, буёндан дегандай.

Шу сўзларни айтаётганда илк бор Паризоднинг ҳақиқий рўйини кўрдим ва қотиб қолдим.

— Йўқ, ҳеч қандай тушум-пушум йўқ, — дедим секингина.

— Нима, текин, хайри Худога ишлайсизми? — Пари-

зод яна аввалги хушрўйлиги ила табассум аралаш қиймириб қаради.

Ана буниси энди ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Кўзим ўнгида сохта нигоҳлари қолмаслиги учун жиддий дедим:

— Менинг топадиган пулим ўзимга етарли. Мен сизга айтсам, биров бор бир умр пулни кувади, биров бор бир умр уни пул қувлайди. Иккиси икки дунё, ажиб тилсим...

Паризод индамади. Дўстим, эскилар: «Сулувни совуқда кўрма», деб тўғри айтишган экан, молга ҳирслик ҳам сулувни совуқ қиларкан...

Совуқда қолган сулувни кўз олдимга келтирганимданми, ташқарида ҳали сал пасайгандай бўлган шамолнинг ҳайбатли «ғув-ғув»и яна зўрайди. Унинг борлиқ шовқини миямга ўрнашиб, кулоқларимни жаранглата бошлади. Вужудимдаги чарчоқдан ўзимни ўнглаб олишга ожизлик қилиб қолдим. Эсим оғиб қолишидан кўрқиш мени тарк этаётганидан баттар ваҳима босади. Ё тавба! Дўстимнинг Паризод билан юқоридаги гарангсик гурунги, мадхуший масрурлигининг нохуш итмоми, ҳар қандай самимий муҳаббатниям бир зумда чил-парчин қиладиган бойликка ҳирсий мубталолик, наинки муҳаббатни, балки, умргузаронлик аталмиш, юз ёшга кирсанг ҳам у эшикдан кириб, бу эшикдан чиққанчалик туюлмайдиган қисқагина умрни телба-тескари қилиб ташлайдиган, ҳар ким ўзи топиб, ўзи йўқотадиган пулнинг қудрати олдидаги ожизлик миямни кескилаб, юрагимни тиглай бошлади. Худо сақласин!

2

Нима ҳақда ўйлаётгандим?.. Ҳа-ҳа, пул... Во ажаб!.. Мен ҳам бунга кўп гувоҳ бўлганман. Айниқса, бир гаройиб учрашув, ҳангома мана, қирқ йиллардирким, ҳеч хаёлимдан кўтарилмайди. Бу ҳангомани дўстимнинг фикрини қувватлаш учун ўша қум сайрида гурунг этган эдим.

Ҳангома

...Янги пул алмашган, 1961 йили биз талабалар ҳолидан хабар олгани синфдош дўстим, Урганчда ҳаммаҳал-лалигимиздан ташқари бир ота юртдан-гўжалик Рустамнинг акаси (дадаси) Машариф ака, яқинда 97 ёшида оламдан ўтди, Тошкентга келди. Уйга, Хоразмга қайтишимиз тарадуди боис у киши бизни Эскижўва бозорига олиб борди. Кун иссиқ, нафасни қайтарадиган ёлингдан сотувчилар ҳам, олувчилар ҳам бир парча соя бўлса, шунинг тагида савдолашяптилар. Биз бозорга Чорсу томон-

дан кираверишдаги пастаккина тут соясида, чамаси, ярим соатлар тўхтаб турдик. Аввалига биз Рустам икковимиз бунга унчалик эътибор бермадик, ундан-бундан гурунглашиб турабердик, бундай қарасак, Машариф аканинг парвойи палак, биз ёнида йўқдаймиз, у чор тарафга аланглаганча ўзи билан ўзи овора.

— Ака, нишатиб турибмиз бу ерда, гетали.

Машариф ака ўғлининг сўзига унчалик эътибор қилмай, қўл соатига биррав кўз қирини ташлади-да, орқамдан юринг, дегандай ишора қилди. Тахтачалари куёшда қорайиб кетган кичкинагина ширинликлар сотиладиган дўконча олдига келди. Машариф ака дўконча тепасига сим билан қантарилган қийшиқроқ савдо қилиш ойнаси тўрида мунғайибгина ўтирган, бир кўзи кўр сотувчига юзланди:

— Ассалому алайкум... — Ҳамма ҳарфлари адабийча бўлса-да, Хоразмча талаффуздан сотувчининг юзи ёришди ва аста ўрнидан қўзгалди. Машариф ака ўзига хос танглик билан шўхшан давом этди: — Ҳа, танимадингни, салома алик олмийсан?

— Машипбоймисан?! — Тошкентда яшаб, шаҳарнинг энг катта нуфузли бозорида сотувчилик қилаётган бўлса ҳам у киши «Машарифбоймисан?» деб сўрамади, худди Хива бозорида гурунглашаётгандай очилишиб кетди.

— Ғуриб дурғанингдин, пой, Абил жўра-ей, ина, болалар билан ярим соатдан бери анаву тутни олачалпоқ соясида сани дўконингни кузатиб турдик, бир одам бир сўмлик савдо қилмади. Санго на азоб? Етар шунча йил Тошкентда яшаганинг, бу фоний дунёда уч-тўрттамыз қолдик, энди Хивага кўчиб бор. Ҳар қайсимиз санго юз сўмдан берсак, ойда уч юз-тўрт юз сўм пул бўлади, етими шу? — Машариф акаям қадимги дўстини Абдулла демай, хоразмчалаб Абил деди.

Машариф аканинг бу янглиғ ғалдир-ғулдур, тўпори муомаласидан Абдулла аканинг кўнгли хижил бўлиш ўрнига яна ҳам кўтарилди чоғи, сипойиларга хос ним табасум қилди.

— Жуда яхши ўйлабсан, Машипбой, — деди Абдулла ака бизга ҳам синчковлик билан разм солиб. — Бу масалани кечда уйда ечсак, ина, бу болаларни ҳам олиб бор, тўппи қозонда (дўппидек кичик қозонда демоқчи) бир палов қиламан, Хивача атиб дамлийман, на дадинг?

Машариф ака сўз ўйини қилди:

— Дим қатти дамласанг (Машариф ака палов пишириш дамлаш эканини билса-да, хоразмча «қорнинг пишиб кетса» маъносида ишлатди), ина бу болаларни ус-

тингга миндириб ўтирмағали яна. — У ўзининг ҳозиржавоблигидан шундай қаттиқ кулдик, ҳув нарироқдан ўтиб бораётган одамлар ҳам завқланиб қарадилар. Сўнгра у кулгидан тўхтаб, кўзёшларини қўлининг орқаси билан нариберидан артиб, бизни Абдулла акага таништирди. — Ина бу Рустам, ўғлим, ина бу Самандар акани, Самандар Авазни ўғли Комил, булар истудент, кечда кутавар, бо-рамиз.

— Бўпти, кўпам кеч қолмаларинг. — Абдулла ака қанчалик хоразмча гапиришга уринмасин, барибир тошкентча, адабийчага кетаверади. — Ош ланж бўлмасин.

Машариф ака дўкондан узоқлашгач, бизни ўзига тенгдошдай кўриб Абдулла акани машхур лақаби билан эслаб гапира бошлади:

— Абил кўр ўта пулдор, меҳмондўст ади, жўрамиз кейинги вақтда кўп қийинчиликларга тушди, озроқ қамалиб ҳам чиқди... ҳозирда сал қийналиб яшаётган вақти... — Машариф ака бир оз жим кетгач, завқланиб сўзида давом қилди: — Улли урушдан бурунроққи йили Мулла Тўйчи ҳофиз ўғлини уйлантириш тўйига Ҳожихонни (Ҳожихон Болтаев) олдирган. Ҳожихон ўзи билан чилдирмачи атиб Сапо Муганнийнинг ўғли Оллаберганни олиб галган. Самолётдан дўғри Мулла Тўйчиникига галганлар, чой ичганлар. Тўй бошлангунча дам олишга рухсат баришган. Бир вақт тўй бошланган, ҳеч ерда Ҳожихон йўқ. Мулла Тўйчи аввалига Оллабергандан мулойимгина Ҳожихонни сўраган. Оллаберган билмадим дегандай эгинини қисган экан, топ Ҳожини, дебди даргазаб бўлиб. Сўнгра Оллаберганга бир «Победа» машинасини берибдилар. У тўй эгаларига сездирмай, ҳар эҳтимолга қарши, рубоб (тор демоқчи) билан доирасини ҳам машинага солибди.

— Навчун? — дея ҳайронланиб сўради Рустам.

— Агар Ҳожихонни тополмаса, тўйга қайтиб боролмайди-да. Шундай қилиб, Оллаберган ҳеч ерга айланмай дўппа-дўғри Абил кўрникига келади. Келса, Ҳожихон билан Абил иккиси кўрпача устида ёнбошлаб гурунглашиб ётганмишлар. Оллаберган ҳавлиқиб кирса ҳам улар пинагини бузмабди. «Уста! Бу на ётиш?! Тўй бошланиб кетди!» деса, Ҳожихон кирпигини қирп аттирмин: «На тўй?» деса, Абил кўр ҳам ётган ўрнидан қўзғалмин: «Гурунгни белина дапдинг-дон, недаги гапларни топасан», дермиш. Оллаберган ака Абдулла кўрга эътибор бермай: «Мулла Тўйчи акани тўйи!», дея Ҳожихонга жавоб берибди. «Иб-и, тўя галвадик-ов, қани гетдик», деб машинага минган-у, рубобини кўриб севиниб гетган.

— Навчун? — яна сўради Рустам.

— Навчун, навчун? Каллангни ишлат, энди сан исту-
дентсан, дўғрими, Комил?

Мен ота-боланинг савол-жавобларига унча эътибор
бермаган эканман:

— Ҳожихон акани ҳазини бузибдилар-а, — дедим.

— Поҳ, сани ҳам калланг ишлар акан-ов, бой-бўй!
Ман Атнакдан галсам, сизлар Питнакдан галасизлар-а!

— Атнак ҳам, ака, Питнакка ўхшаган шаҳарми?

Рустамнинг имтиҳоний саволига дадасининг жавоб бе-
ришга ҳафсаласи бўлмадими, ўғлининг саволи ёқинқира-
мадими:

— Атнакми?

— Ҳовва.

— Сани улли аммангни ари дўғилган ер!

— Манда амма йўқ-ку?

— Йўқ бўлса, ная сўрийсан?

— Ҳожихон ака тўя борибми сўнг?

Мени саволимдан кейин ҳам Машариф ака ҳовури-
дан тушмади:

— Бормин, нера боради, гўра борами! Борибди, —
жилла сукут сақлаб, яна аввалги завқи билан қўшиб қўйди:
— Рубобини машинни ичинда созлаб, тўй уйига баланд
авж билан қўшиқ айтиб кириб бораверган. Мулла Тўйчи
унинг бу ҳимматига ҳам рўйхушлик бермай, тўрсайиб
қарши олган-у, Ҳожихоннинг авж билан усма-уст айтган
бир-икки қўшиғидан кейин очилишиб кетган...

Шу куни кечга томон, соат еттилар чамаси, Абдулла
аканинг ҳовлисига кириб бордик. Чоғроққина дарвозали
эшикдан кираверишда каттароқ даҳлизга ўхшаган айвон-
чанинг чап томонидаги шинамгина меҳмонхонага кирдик.
Жудаям тоза, ораста. Ўртада уч тарафига шоҳи атласдан
яп-янги кўрпачалар ташланган, оппоққина дастурхонли
ихчамгина хонтахта. Бари нарса саранжом-саришта, худ-
ди меҳмон келишига тайёрлаб қўйилганда-ю, лекин хон-
тахта устида ҳеч нима йўқ. Хоразмда меҳмон келишидан
олдин дастурхон безаб қўйишларини ҳисобга олибми, Ма-
шариф ака бизга анойи қараш қилди, бироқ Абдулла
акага индамади. Ўтириб, фотиҳа қилинган, Абдулла ака
ўрнидан қўзғалди.

— Қани, турунлар.

Абдулла аканинг бу янглиғ тушунуксиз мулозамати-
дан Машариф ака баттар ҳайронланди:

— Ҳа, зиёфат бўлдими, гетамизми?

— Йўқ, чой-пой қайнагунча, мен сизларга уйни
кўрсатмоқчиман.

— Аввал гўриб, кейин бу ера гирсак бўлмасмиди?

— Аввал фотиҳа қилиш керак.

— Бой-бўй, дим-а, Исмомутни имоми бўл-а, мулла-чиликнам димгина бўйнима олдим дасанг-а. — Машариф ака аста ўрнидан туриб: — Энди ўрнашвадик-ов, бой-бўй, — дея бизгаям турунглар, деган ишора билан Абдулла аканинг орқасидан юрди, биз уларга эргашдик. Узунроқ даҳлиздан пастак эшикли кичикроқ даҳлизга кирдик ва ён томондаги баландроқ қопудан эни беш, узунаси олти метрлар келадиган, тахта билан полланмаган хонага ўтдик. Хона ичида катта-кичик, ҳар турдаги қозонлар тагига ўт ёқилиб, ширалар қайнаяпти. Хонанинг нариги томонидаги катта иккита равоқли эшик ланг очик. Ундан торроқ кўчага чиқилади чамаси, негаким, юк машинасидан қандайдир қоплар туширилиб, бошқа қоплар юкланиляпти. Абдулла ака юмушларини шошилмай бажараётгандай бўлиб кўринаётганлари билан басаранжом, тартибли, эпчиллик ила бекаму-кўст ишлаётган беш-ўн чоғли ишкорларга йўл-йўриқлар кўрсатиб, ташқаридаги юк машинасини кўздан кечиргач, яна ичкарига кирди, қозонларга бармоғининг учини ботириб ялаб кўрди, бирларини маъқуллади, бирларига эътироз билдирди, ўт ёқаётганларга нималарнидир тушунтирди. Биз худди қандолат цехини, ундаги олиб борилаётган ширапазлик ишларини ўрганаётган талабалардай гоҳ у қозондаги новвот ишлаш учун тортилган ипларга, гоҳ бу қозондаги шира қиёмига, бир сўз билан айтганда, иш жараёнига қараб қониқиш топамиз. Бу ишларнинг хуфиялигию ошкоралигига бош қотирмаймиз, фақат дунёда ҳамма нарсага бир кўз билан қарайдиган Абдулла аканинг бир онда ўзгариб кетган ишчанлигига ҳавасимиз келади.

Қайтиб меҳмонхонага кирдик. Энди хонтахта устига майизу мағиз, қаймоғу иссиққина патирлар қўйилган. Биз ўтиргач, чой келтирилди. Абдулла ака чойнакни Рустамга узатди. Ҳеч кимдан садо чиқмайди, ҳар ким ўз хаёли билан банд. Ажиб сокинликни Абдулла аканинг ўзи бузди:

— Пой, Машипбой-ей, ойда тўрт юз сўм барамиз дасанг-а... — Машариф ака индамади, чамаси, Абдулла аканинг нима демоқчи эканлигини кутди. Дўстининг бу янглиғ катта кўламда иш олиб бораётганидан беҳабарлиги боис ҳали пешинда унга беписандлик қилганидан балки хижолатдадир. Абдулла ака ўзи ўтирган шоҳи кўрпачанинг бир ён четини аста кўтарди ва ҳали биз талабалар шу вақтгача бирон марта кўзимиз тушмаган, икки даста қип-қизил, яп-янги ўн сўмликлар — икки минг сўм пулни хонтахта четига қўйиб, Машариф акага юзланди: — Бизнинг савдо шаҳобчамиз бир куст, ўн учта дўкони бор. Сизлар бугун кўрган кичкина дўконча шу ўн уч дўкон-

нинг бири, мен тураман. Куст бошлиғимиз ишбилармон бир жўхит. Ҳар шанба шу ерда тайёрланган маҳсулотларни олиб кетиб соттиради, ойнанинг охирида кечкурун келиб, мана шу кўрпача тагига икки даста ўнлик қўйиб кетади. — Абдулла ака Рустам узатган чойни олиб, совитиш баҳонасида қўлида аста айлантирди-да, ўзига хос ўктам овозда давом қилди: — Мен бировнинг бир тийинлик ҳаққини емайман, ишим ўтти баландлат, ўтти пасайтир дейиш, ширани қиёмига етказиш ҳаққим ойига икки минг сўм... Утинни биров, сувни яна биров олиб келади, шакарни яна бошқа биров, бировлар сотади... Мани ишим, — у яна сўзини бепарвогина қайтарди, — қозонлар тагидаги ўтти пасайтир, ўтти кўтар, дейиш... Машипбой, бу иш билан андармон бўлганимизгаям икки йилча бўлиб қолди. Еган-ичганимиздан ташқари ўн беш-йигирма мингдан зиёдроқ пул йиғналиб қолган чиқар. Бир даста гугурт бир тийин... — Бошини кўтарди Абдулла ака ва бизни ўта ҳайратга соладиган гапини айтди: — Шу йиғналган пулларни икки қопчага солиб, ина бу болаларга бериб юборайин. Хивада якшанба куни балиқ дўкони ёнида туриб, бир кило балиқ олганга бир дона ўнлик, икки кило олганга икки дона ўн сўмлик қўшиб берсинлар, хайрия қилсинлар... Абил кўр соғ акан десалар бўлди, манго пул ная гарақ, Маширипбой...

Машариф ака бошини хиёл пастга осилтириб, жимгина қолган дўстига осмондан тараша тушгандай, ҳар биримиз юз сўмдан, ойига тўрт юз берамиз деганига пушаймон бўлибми, бу ишининг барибир хайри йўқлигини юзига солишни эп кўрмадими, ҳарқалай оғир сўлиш олди ва дилидагини тилига чиқаргиси келмай, ажаб фалсафа сўқди:

— Ҳа, шундин, бировни пул қуваляйди, биров пулни...

— Кулни ҳар ким ўз кўмачина тортади, Машипбой...

— Тўғри, — деди сал тин олганча Машариф ака дўстининг фикрини маъқуллаб, — ҳар ким ўз фойдасини кўзлайди.

Шу оқшом, қадрдон, ишбилармон, пулдор икки дўст ўзларининг ютуқ, камчиликларидан гурунглашдилар. Очиқдан-очиқ бизга панду насиҳат қилмаган бўлсалар-да, ҳаётда яшашнинг, курашнинг китобларда ёзилмайдиган шакл-шамойиллари, қоп-қоп ишлаб топган пуллари баъзан ўзларига душман бўлиб чиққанию барибир шу пулларнинг кучи билан яна катта-катта одим отадиган, қаттиқ-қаттиқ гапирадиган бўлганликларини тан олдилар; қамоқ ва ҳибс азоблари, тутқунлик ғам-андуҳлари, адолатсизлик ҳукмрон бўлган даврда бу янглиғ хўрликлар бўлиши та-

бийлиги ҳақида куйиниб гапирдилар. Нафсиламбирини айтганда, улар кўпроқ биз учун аччику ширин хотирларига берилдилар, бизлардан-да эпчилюк, бизлардан-да тежамкорроқ, бизлардан-да ишчанроқ бўлиб, оёқларингиз ўрнига кўпроқ бошларингизни ишлатиб умргузаронлик қилсангизлар кам бўлмайсизлар, дейишадигандай, ҳар вақт-ҳар вақт бизга маънодор боқиб кўярдилар.

Демак, пул ҳам ўз ҳаёти билан яшайди, мисли дарёдай ўз оқимида оқади. Унинг ҳам хавфли уюрлари, гирдоблари бор. Гирдобига тушган одамларни у ҳам бот-бот ютиб туради. Ўзанини ўзгартирса, одамларнинг ҳам яшаш тарзи ўзгаради.

Йиллар ўтиб бошқа бир ҳикматнинг гувоҳи бўлганман. Икки кўзи кўр бир девона мен ишлайдиган Янгибозор пахта тозалаш заводининг кунчиқар дарвозаси олдида ўтириб, балаид овозда: «Ҳей, пул маргумуш, заҳарлайди, уни ўз идишига сол. Ҳей, пул маргумуш...», дея тинмай такрорлагувчи эди.

Огаҳий ҳазратлари эса айтган эканлар:

*Жуссаси тирноғ юзи янглиғ кичик,
Лек улуғлар ишқининг расвосидур.
Ҳам фақирю ҳам гани девонаси,
Ҳам қарию ҳам йигит шайдосидур.
Топса ҳар адно висолин ногаҳон,
Эътибор ичра улус аълосидур.
Етса ҳар аълоға гар ҳажри онинг,
Жумла адно халқнинг адносидур.
Топмаса гар илтифотин ҳар киши,
Хордур, гарчи жаҳон доносидур...*

Ҳазратнинг бу «Танга» чистонидаги «фақир» сўзи камбағал маъносида келтирилган бўлиши керак, негаким, Оллои таоло инъом этган фақирлик мартабасига эришган одам учун пулнинг қудрати бир тийинча эмас ва яна бошқа беулчов тийран мантиқ борким, доно одам пулсиз қолсам хорликка дучор бўлмайди, тушкунликка тушмайди, ақллиликнинг ўзи бебаҳо бойлик. Яна бир мантиқиям четлаб ўтиб бўлмайди, фақирликни пеш тутқан не-не аҳли фузалонинг беҳисоб бойлиги ҳам бўлган. Ва яна бир ҳақиқат ҳам бор — хос гапни аҳли хосга хос одам айтмоғи лозим, униям айтиш учун унинг моли, ҳоли, қоли ҳамда соли бўлиши керак экан...

Паризод ҳақида юрак сирини очган дўстим ҳангомага чурқ этмай қулоқ кўйди. Мен жим қолгач, у юришдан тўхтаб, олис-олисларга сўлғин назар ташлади ва аста яна одимлаб:

— Ҳангомангиз жуда ибратли экан... Мен ҳам Паризодга бундай воқеа бўлмасаям, фақирлик тўғрисида, унинг илоҳий мартабаси ҳақида гапирдим. Полвон пиримизнинг: «Минг мулкни эгалла, барибир, охири пуч», демиш ҳикматию Навоий ҳазратларининг «Маҳбубул-қулуб»ида битган: «Нафспарвардин ҳунар келмас — емакдин ўзга ва нафспарастдин нафъ етмас — демакдин ўзга»сигача мисол келтирдим. Паризод яна аввалги самимий суҳбатдошимга айланди. Ҳаммасидан ҳам менга ана шу зарур эди. Унинг гўзал суврату сийратини хогирамга муҳрлашим зарур эди. Чунким, энди суҳбатимиз қовушмайди, аста-секин сўзонлиғ алангаси ўчиши муқаррар. Энди учрашсак ҳам зоҳиран табассум ато этиб, ётлашиб бораверамиз.

— Поҳ, Оғаҳий ҳазратлари шу ўринда ўрнаштириб айтган-ов:

*Тангри таваккул аҳлига бўлғай тараф бўлса қачон,
Хайли тамаввул бир тараф, аҳли таваккул бир тараф.*

Дўстим очилишиб кулди-да:

— Ишқин, Фузулийи зор, тарк этмак ўлди душвор, ё орифин бимо сор лотуксирин насойиҳ, — деди.

Дўстим шаъмасини тушундим, Фузулийнинг «Эй, бўлиб ўтган нарсаларни билгувчи киши, кўп насиҳат қилма», дегани билан мени койиётгани йўқ, фақат сирин ошкор этганидан туриб-туриб андиша қилипти, чоғи. Шунинг учун холисанилло дилига асо бўлгувчи лутф ирод этдим:

— Паризодниям балки тўғри тушунишга ҳаракат қилиш лозимдир. Балки, у сизни қийналмай, мўмай пул топиб ишлаётганингизни эшитса, азбаройи кўнгли яқинлигидан хурсанд бўлмоқчи бўлгандир.

— Лекин, барибир, мен унинг ўртага пулни солишидан оғриндим, — деди у ва секин ўзи билан ўзи гапиришаётгандай давом қилди: — Кейин ўзимда бадниятлик хуружи устун келди... Уни шу бир оғиз ўзига хос ожизлиги учун ўзимдан узоқлаштирмасам ҳам бўлар эди, бироқ мен ҳам доғулироқ одамман. Буям балки Яратганнинг хоҳишидир. Неча кунлар қийналсам ҳам қайта ишқ кўприги ёнига йўламадим... Аммо уни хогирамдан ҳам бутунлай ўчириб ташлай олмадим. Вақт ўтиши билан замона зайлидаги кескин ўзгаришлардан кейин уни аниқроқ қиёфада кўра бошладим. Бугун у менга узоқда пайдо бўладиган булутга ўхшаб кетади.

Дўстимнинг нозик ҳисларини биргина ҳаракати билан совитган, балки нафратга айлантирган Паризоднинг маъноли қиймириб турган чеҳрасини кўз олдимга келтираман. Кўнглим ғашланади. Агар шу пулни тилга олмагани-

да... йўқ... йўқ... бу ёзғит... Ахир, Давлатбикада не айб бор эди? Хусни-жамолими, нозик санъатими?.. Фожиали ўлиб кетди-ку!..

Хаёллар, хаёллар... Дарвоқе, Давлатбика... Давлатбика хон даврида яшаган. Давлатбика ҳақидаги ҳикоятни дадамнинг дўстлари йиғинида Сиддиқ махсумдан, Абдуқодир ака-Маҳбубий домладан, кейинроқда Абдушариф отадан кўп эшитганман. Айниқса, Абдушариф ота у ҳақда ўзгача руҳ билан, кўшиқ айтаётгандай гапирарди.

Ҳикоят

Худо раҳмати Карим чийчи ўн икки яшар Давлатбикани бозор куни туркманлардан йиллаб жамғарган пулига — ўн икки тиллога қул сифатида эмас, кимсасизлигидан маҳрам сифатида сотиб олган. Ҳар ёшига бир тиллодан.

Карим чийчи эллик ёшларда бўлса ҳам бир ўзи, ёлғиз яшар эди. Хотини билан йигирма йилча яшади, фарзанд бўлмади. Хотини бошқага турмушга чиқиб кетгач, у бир хаёли туғилиб ўсган Саётга, бирдан-бир синглиси олдига кўчиб бормоқчи бўлди-ю, лекин устахонасини ташлаб кетишга кўзи қиймади, қолаверса, яна оила қуриш илинжи ҳам йўқ эмас эди.

Карим чийчи Давлатбикани меҳр билан тарбиялади. Сениқ чинни идишларни чийлаш санъатидан ташқари дутор чалишнияма ўргатди. Ишқилиб ўзига ҳамдард, маслаҳатчи дўст, ҳар ишда кўзига қараб турадиган, итоаткор қилиб улғайтирди.

Давлатбика чиройли қиз бўлиб етишди. У ўн саккиз ёшга етгач, Карим чийчи ўзига никоҳлаб, элотга ош берди.

Никоҳ фотиҳаси баҳонасида бошланган йиғинлар кўпайса-кўпайдики, озаймади. Кечкурунлари Карим чийчининг уйига косиблар, ҳунармандлар йиғилиб, чилим чекиб, дутор эшитиб, гурунглашиб ўтирадиган бўлдилар. Шундай қилиб, карвонсаройнинг чап биқинидаги устахона овозаси тез орада казо-казолар қулоғига етиб, Давлатбика санъатининг иштиёқмандлари кўпайди.

Давлатбикани бойлар ўтиришга бир-икки бор Карим чийчи билан бирга олиб боришди. Хоннинг танти ўғли кичик тўрадан хабар келганда Давлатбиканиннг ўзини олиб кетдилар. Карим чийчининг юрак томирларидан бири узилгандай бўлди. Шу куни кечаси Давлатбика қайтмади. Уни субҳи содиқда олиб келдилар. Давлатбика ҳорғин, лекин юзида қандайдир мағрур шавқ бор эди. То пешингача қотиб ухлади. Кечкурун яна олиб кетишди. Ожизлигидан

Карим чийчининг хурлиги келди. Хотинига бир нафрати ошса, бир раҳми келди. Хоннинг ўгли таклиф қилса, қандай бормасин. Бировларнинг эшигида етим ўсиб, кўп хўрланганидан олтмишга бормай қариб қолганини тан олмаса ҳам бўлмайди. Давлатбикани қишлоққа олиб кетса-чи? Э, у ердан ҳам олдирадилар. Уф, деб уёқдан-буёққа юра бошлаган Карим чийчининг миясига ялт этиб келган «уч талоқ қилсам-чи?» деган фикрдан юраги шув этиб кетди. Ишқ, не қилсаям ажрашмайман. Карим чийчи недандир андак енгил тортди.

Давлатбиканинг ҳомиласи катталашиб уйида ўтириб қолган даврида Карим чийчидан бахтиёрроқ одам йўқ эди бу дунёда. Зулҳижжа ойининг ўрталарида Давлатбиканинг кўзи ёриди, гулдай қиз туғди.

Давлатбика қирқ кунлик чилладан чиқиб-чиқмай турадан яна хабар келди. Ўша куни Карим чийчи ҳаммаёғи ёмғирда шаллоба бўлиб томнинг ўйдим-чуқур ерларига кул солаётган эди. Ўчоққа ёқилган тезак тутуни туйнукка сифмай кўзини ачитаётганиданми, бешикда бифиллаб ётган қизини эплолмай эзилаётганиданми, Давлатбиканинг кўзларига ёш тўлиб турганданми, келган хабарчини жеркиб ташлади. Хабарчиям анойи одам эмас экан, Давлатбиканинг дўқига, Карим чийчининг газабига чидади, лекин олиб кетди.

Карим чийчи Давлатбика келгунча мижжа қоқмади, бешик тебратиб, бўлганича бўлди. Тонготарда келган Давлатбика хўрсиниб, анчагача йиғлаб ўтирди. Карим чийчи бир оқшомда беўхшов букчайганидан ўзини-ўзи койиди, муштира туфлади.

— Шу бугуноқ кўчиб кетамиз.

Давлатбика эрининг гапига жавоб бермади. Пешинга яқин бир нотаниш одам улли пошшобдан нохуш хабар келтирди.

— Улли пошшоб Давлатбикани қопга солиб уриб ўлдириш тўғрисида хондан буйруқ олди.

— Нечун? — Карим чийчи ишдан тўхтаб, жаҳл аралаш сўради.

— Тўрамининг қайнотаси, ўғлингни йўлдан оздиряпти, деб Давлатбика устидан хонга арз қилибди. — Бешикка энгашиб бола эмизаётган Давлатбика хоннинг қаттиққўллигини кўп эшитганиданми, оёқ-қўллари бўшашиб, бир зум қотиб қолди. Менда не айб, дея бақирмоқчи бўлди-ю, овози чиқмади. Бир эрига, бир хабарчига қаради. Хабарчининг сўзлари элас-элас қулоғига чалингандай бўлди: — Пошшоб оғам, биз борганда Давлатбика уйида бўлмасин, тезда қочсин, қўлимга тушса ўлдирмай иложим йўқ, деди.

Хабарчи қандай тез кирган бўлса, шундай тез чиқиб кетди.

— Демак, катта пошшоб, тўранинг газабидан қўрқадди, лекин хоннинг амри вожиб, бажармай иложи йўқ, шу боис хабарчи юборган. Аҳ, каззоблар-а!.. Ўт балосидан, сув балосидан, ноҳақ тўхматдан, пошшо газабидан ўзи сақласин, қоч, Давлатбика, қоч! Қўй дарвозадан чиқишинг билан йўлнинг икки тарафи ҳам қабристон, лекин сан чап томонига кир. Ана, ёмғир ҳам тинди. Қўрқма, кун ботиб-ботмай қизимизни олиб бораман, кечаси қочамиз. Тонг ёришмай дарёдан ўтиб кетамиз.

Давлатбика эрига маъносиз боқди, лабини қийшайтириб кулди.

— Бу кунимдан ўлганим яхши...

Давлатбиканинг гапи оғзида қолди. Иккита барзанги йигит кириб келди. Давлатбика қизининг пешонасидан лабини олмай узоқ ўпди. Унинг қаҳрли кўзларидан ёш ҳам тўкилмади, енгсиз камзулини кийди-да, йўлга тушди.

Кечга яқин Давлатбика ўлигини бир қоп гўштдай эшик олдига ташлаб кетишди...

3

Қоронғи тун қўйнида яна чалғий бошладим... Ўйим не хусусда эди? Ҳа, пул ва бойлик... Паризод ва покдомонлик... Кимнидир пул қувади, кимдир пулни қувади...

Энди, ризқ ҳикмати борасида ҳам аҳли дониш даста-даста китоблар битиб кетган. Зеро, ризқига қаноатли билан бой одам ўртасидаги фарқни теран мушоҳадасиз англаш осон эмас. Уларнинг қайси бирлари бойроқ? Бойликнинг нисбийлиги нимада? Биров бор, минг сўми билан бой, биров бор, ўн минг сўми билан камбағал. Қўли очикликнинг ўзи катта бойлик, ризқи мўллик бўлса не ажаб. Шу боисдан ҳам ровийлар, бойлик берса, ал билан берсин, бўлмаса бермасин, деб айтишган.

Шу янглиғ азалий тортишувларга бутун оқшом кўп кулоқ қўйдим ва манзили мавт қўналгамда буларга ҳам қўшилдим, ҳам қўшилмадим, негаким, мен ҳаётда учратган қай бир воқеаю ҳодисалар на аҳли шариятнинг, на аҳли ҳикматнинг фикрини тасдиқлайди.

Ажабким, талабалик йилларим неки ибратли, неки ғайритабиий ҳодисаю воқеот рўй берган бўлса, кўпинча Маматхон билан бирга бўлган вақтларимда содир бўлган. Бизнинг Текстил институтимизнинг сиртқи бўлимида ўқийдиган, ёши ўтинқираб қолган студентлар Маматхонга ўхшаган беминнат, биров сал мақтаса, чарчаш нималигини бил-

майдиган текин ҳисоб жониҳалакларни ниқтаб, чизмаларини, курсовойларини қойил-мақом бажариб, айшини ҳам суриб кетадилар. Лекин шулардан бири, менга маъқул бўлган инсон, аввалги кўрганларимиздан фарқли ўлароқ, ёши ўтинқираган эмас, балки бизнинг ўша вақтдаги тассавури-мизга кўра ёши анча ўтиб қолган Мусурмонқул ака. Унинг шу ёшда нега институтда ўқиётганига ҳам ҳайронланамиз, ҳам ичимиз ачишади. Ётоқхонамиз олдидаги катта бўлмаган истироҳат боғида бир косадан лағмонми, чучварамми олиб беради-да, яхши гапларини, насиҳатларини аямай тўкиб солади, биз ҳам ўлган-қотганимизни билмай, унинг институтдаги қарзлари устида ишлаймиз. Ва яна ажабким, шундай одам билан танишганимдан бора-бора Маматхондан хурсанд ҳам бўламан.

Бир сафар, қишки сессиядан қутулиб кетар чоғи Мусурмонқул ака бизни Жиззахга, уйига таклиф қилиб кетди. Кўп ҳолларда мен учун ҳам Маматхон жавоб беришига кўникканмизми, ишқилиб, бу гал ҳам у меҳмондорчиликка боришликка аниқ-тиниқ розилик билдирган бўлмасаям, мужмалроқ қилиб, «ё, насиб» қабилида ғудраниб қўйди. Лекин мия-компьютери хотирасига қайд этган эканми, Маматхон шанба яқинлашаверса, Жиззахга, Мусурмонқул аканикига бир бориб келмаймизми, дея бепарвогина эслата бошлади. Бора-бора жиддийроқ айта бошлади. Хуллас, баҳорги имтиҳонлардан қутулгач, Маматхон икковимиз ҳеч кимга айтмай, поездга миндику қайдасан Жиззах, дея жўнадик.

Биз қоронғи тушганда Жиззахга кириб бордик. Эҳ, ёшлик-а, ёмғир ҳам шаррос қўяпти, Мусурмонқул аканинг уйини билмаймиз, фақат пахта тозалаш заводида директорман, деганини биламиз. Бошқа ишга ўтиб кетган бўлса-чи? Барибир заводдагилар билишади-ку, деган андиша билан пахта заводида бордик. Мусурмонқул ака директор эмас, директор муовини экан. Уйининг адресини айтишди. Пойи пиёда ярим соатлар чамаси юриб, ахийри топдик. У киши уйида йўқ эканлар. Аёллари аввалига ҳайрон бўлиб, сўнгра очиқ юз билан бизни қаршилади. Жиққа ҳўл устки кийимларимизни ечиб, қуритишга ёйдик. Салдан кейин Мусурмонқул ака келиб ҳайратларини, қувончларини яширолмади. Кўзларига ишонмай бизларни бағрига босиб, алқади.

Бу воқеани нега батафсил айтаётганим сабабига энди келдим. Эрталаб қўл-юзларимизни ювиб, чойга ўтиришимиздан олдин Мусурмонқул ака боғини бир кўрсатмоқчилигини айтди. Биз бажонидил у кишига эргашиб боққа чиқдик. Кечаси ёғиб ўтган ёмғирнинг намчил ҳавосидан кайфиятимизга сархушлик ийнди. Унинг устига, боғнинг

орасталиги одамни лол қолдиради. Каттагина боғ саҳнининг бирор бурчагидаям хас-хашак кўзга илинмайди. Чиройли шакл берилган мевали дарахтларнинг остки новдаларига бир хил ўлчовда оҳак суртилган. Остига экилган буғдойнинг янги ниш урган шабнамли япроқчалари қуёш билан бирга бош кутармоқчидай дуркунлашган.

Боғнинг семонтланган йўлакчасидан қадам ташлаганимиз билан ўнг тарафимизда тўр панжарадаги чиройли қилиб ёзилган бежирим ёзувга кўзимиз тушди: «Швейцария зотидаги қуёнлар, 1962 йил туғилган»; иккинча тўр панжарали катакда «Америка зотидаги қуёнлар, 1961 йил туғилган» ва ҳоказо, девор тамом бўлгунча панжарали бежирим катакларда бир-биридан чиройли, оқ-кўкимтир, турфа рангдаги кулрангу кумушранг семизгина қуёнлар, қуёнлар...

— Буларингиз қанча? — деб сўрадик Мусурмонқул акадан, девор охиридаги чиройли сим-тўр орқасида савлат тўкиб юрган тождор-тождор, бошқа юртлар наслига мансуб беш юз-олти юз чоғли хўрозу товуқларга ҳавас билан қараганча.

— Товуқларми, қуёнларми? — Товуқлардан кўз узмай сўрайди Мусурмонқул ака саволимизга жавоб бериш учун.

— Қуёнлар ҳам, товуқлар ҳам, — дейди бу қадар озода сақланаётган товуғу қуёнларга ҳавас билан қараб Маматхон.

— Америка наслига мансуб бу зотдор товуқлар беш юздан зиёд, ҳар куни уч юзга яқин тухум оламин. Тухумлари ҳам харидоргир. — Мусурмонқул ака орқасига, қуёнлари томонга қиё ўгирилиб, мамнунлик билан айтади. — Қуёнлар икки мингдан зиёд. Ҳар қайсисини тўрт сўмдан олиб кетишади, бозори чаққон. Қани, энди юринглар, чой ичамиз. — Шу пайт боғ бошида иккита йигит кўринди. — Ана, — деди кутаётганини яширмай Мусурмонқул ака, — иниларим ҳам келишди, ҳозир таништираман.

Ичқари кириб, дастурхон атрофига ўтиришгач, фотиҳа ўқилди. Мусурмонқул ака иниларини таништириб, ибратли бир гапни айтди:

— Маматхон, Комилжон... Мана буниси — катта укам, қурилишда бригадир, мана буниси кичик укам, ишчи. Каттасининг икки, кичигининг тўрт нафар фарзандлари бор. Ўлмасинлар, ерман-ичарман болалар. Буларни ҳар ҳафта-ўн кунда чорлаб, худди сизларни айлантиргандай, эринмасдан қуёнлару товуқларни кўрсатаман. Уйимиздаги бари жиҳозу кийим-кечагимиз, ҳатто яккаю ягона ўғлимизнинг қалам-дафтариғача шу қуёнлару товуқлар даромадидан. Боғда етиштирилган мева у пишиқчиликдан-бу пишиқчиликкача етишини обдан тушунтираман. Мен катта

бир заводнинг директор муовиниман, лекин мансаб ҳамма вақт ҳам вафо қилавермайди, қолаверса, иссиқ жон-согинг бор, касалинг бор дегандай... Хуллас, ҳар келганларида икковигаям бир ота куён, бир она куён бериб, барака топкурлар, кўпайтиринг, ерингиз бор дея, ҳатто сим-тўрларигача бериб қўйибман. Хўш, булар нима қилади? Шу беш-ўн кун ичида мени зиёфатга чорлаб, бериб юборган куёнларимни сўйиб, ўзимни меҳмон қилишади. Мен эринмай яна буларга бир жуфт-бир жуфт куён беравераман, булар менга зиёфат беришдан чарчашмайди. Сал меҳнат билан битмай чала ётган уйларини дангиллама этиб битказиб, ичига гиламлар олиб ташлаш ўрнига, тушунтириб берган хазинани кўкка совураверишади. Яна қандай қилиб тушунтирайки, булар ҳам бизникидай ободликка эришсалар. Агар мени заводдан қўшимча ишчи олиб келиб ишлатади дейишса, яхши билишади, боғу куёну товукларга келинойиси билан ўғлимдан бошқа қарайдиган ҳеч ким йўқ. Мен фақат уларга ем келтириб бераман. Биласизларми, булар нега боқишмайди? — Бир оз тин олиб Мусурмонкул ака оғир хўрсиниш билан давом этди: — Буларнинг пешонасига куён етиштириш, товук боқиш битмаган кўринади. Мол боқиш учун молни суймак, меҳрибонлик қилмоқ керак, унинг билан тиллашмоқ керак...

Ака-укалар чурқ этишмади. Биз ҳам бирор нарса дейишга оживалик қилдик. Меҳмондорчилик тугаб, Тошкентга қайтишимизда Маматхон:

— Шоир, Жиззахга келиб, ёмон иш қилмадик. Институтни эсон-омон битказсам, биринчи қиладиган ишим, ер участкаси олиб, боғ деворини айлантираман, товукхона билан куёнхоналар қураман. Улардан келган даромадга уй қураман, кейин уйланаман. Мусурмонкул акадай салгина меҳру муҳаббатли меҳнат билан бой-бадавлат яшайман.

Маматхон айтган гапларни мен юрагимга тугиб, дилимдан ўтказмоқда эдим, лекин Мусурмонкул ака айтмоқчи, бизнинг пешонамизга шу иш ёзилганми-йўқми, у ҳақда ўйлашга ўрин йўқдай, ширин хаёлларга берилиб, поезднинг шиддатли ҳаракатиям худди биз амалга оширмоқчи бўлган хайрли ниятларимизга ҳамқадамлик қилмай, қандайдир имиллаётгандай, манзилга шошмасдан гашимизга тегмоқчидай, хаёлларимизни орқага судрар, хаёлу ҳаётнинг бошқа-бошқа дунё эканлигидан садо бермоқчидай ҳарвақт-ҳарвақт қай бир бекатлардан тўхтамай ўтаётган чоғи чинқираб овоз бериб қўярди.

Йиллар ўтиб, наинки минг-икки минг куён, юз-икки юз товук боқиш уёқда турсин, бирорта жонивор боқмаганимизни, боқолмаганимизни, на Маматхон ме-

нинг юзимга солди, на мен унинг юзига. Ишқ бошқа, ҳавас бошқа деганлари шудир-да. Ҳозир фақат тушимизга киргандай, ўша Мусурмонқул акани, Жиззах сафаримизни, кўзларни қувонтирадиган мўмай даромад манбаи бўлмиш чиройли куёнлару хўрозлару товуқларни элас-элас эслаймиз. Ҳали тадбиркорлик, бизнес иборалари биздан Ой масофаси янглиғ йироқ бўлганда ишбилармон одамлар ҳеч кимнинг ҳаққига кўз олайтирмай бойбадавлат яшаш йўлларини билишларига биз фақат ҳавасу ҳасад билан қараганмиз, холос. Биз, Мусурмонқул акага институтни битказишига кумаклашиб юрган устозлар, унинг оддийгина ишбилармонлигига шогирд тушишга ярамаган ношуд, мардикорга юриб пул топишга ор қилмаган, ўзбилармон, такаббур ёшларга ундан ортиқ яна қандай амалий фаолият намунасини кўрсатиш керакким, оёғимиз ерга тегса, тезда мустақил оила бошлиғи бўлиб ўз чопонимизни ўзимиз сувдан чиқариб кетсак. Йўқ, институтни битказгач, давлат берадиган озгина маош билан оилани тебратиш уёқда турсин, бошимизга дўппи олиб кия олмай, эғнимизни қисиб неча йил юрдик. Лекин Маматхон Тошкентда оиласи билан домда яшагани билан «Текстилмаш» заводи орқали шаҳардан анчайин узоқда бўлишига қарамай дала участка олди, чайла қуриб, деҳқончилик қилди, ҳосилини орқалаб Тошкент бозорига олиб келиб сотиб юрди, бироқ ўзи ҳавас қилган куёнчилик билан шуғулланмади. Неки бўлса Яратганнинг иродаси билан бўлади, деб тўғри айтишган. Қисматни четлаб яшаб бўлмас экан.

4

Бойликка ихлос — молпарастлик ва бойликни мол билмаслик... Яна Абдулла ака билан Машариф аканинг баҳсу хотиротлари, Мусурмонқул аканинг оддийгина ҳаётий фалсафалари ҳаёлимда жонланиб кетади. Уларнинг фикрлари бир жойдан чиққани боисми, ҳаёлим қаро тунда таҳдид солаётган чоғроққина қўналғамга бошқа бир нурли илинжрав, ибратли фикрларни судраб келади.

Мен тутқунликнинг сиртмоғида муҳаққарлик не, эркин нафас наъшасидан сармастлик нелигини бир оз бўлса ҳам билганимдан шу оқшомгача, одамлар зарурат миқдорида меҳнат қилиб, оиласини хор қилмаса бас, дунёда инсофдан ҳам улуғроқ нарса йўқ, деб ўйлар эдим. Менинг тазкири тафаккуримда озодлик барча неъматлардан устун ҳисобланарди. Бугунги қоронғи доғули тунда яна бир улуғроқ нарсани кашф қилдим, бу озодлик баробарида сабру қаноат, негаким бу фоний дунё ва борингки,

охират ҳам инсоннинг бир лаҳзалик паришонлик ва таҳликасига арзимади. Шайх Насафий топиб айтганлар: «Кимки қаноат ва зуҳдни пеша қилган бўлса, у шоҳдир, бироқ кимки ушбу хислатларга эга эмасдир, у қулдир. Ҳолбуки, шоҳ ва қул орасида фарқ анчагина».

Қадим турк шоири Усулий-ку, ҳаёт аталмиш хилқат фалсафасининг юқори чўққиси шоҳу гадолик борасида ҳар эслаганда ҳайратга соладиган сатрларни битиб кетган:

*Оворалар, фалакзодалар, бенаволармиз,
Оламда бир муҳаббат асири-гадолармиз.
Алданмадик бу мамлакатнинг тожух тахтига,
Бу тахт ичинда биз-да ажаб подшолармиз...*

Бу янглиф хулосаи хутурга, яъниким, ожиз хотирага олмоқ учун охирги нафаслар — рамақи маҳзунлик остонангдан мўралаб туриши керакка ўхшайди.

Мен бу гапларнинг асл маънисини, унинг замиридаги аччиқ ҳаёт мазмунини кўп йиллар ўтиб, Масковнинг Бутирка қамоқхонасининг зах, қоронғи камераларида тушуниб етдим. Ва лекин, ҳибсга олинишим қисман туҳмат сабаб бўлсаям тақдирга тан бердим, демак менинг қамалишим насиби рўз, дея содир бўлмишга тан берганман, чунким мен неча давр ишлаган бўлсам-да ўз эътиқодимга қарши иш қилмаганман, партия раҳнамозимиз, йўлбошчимиз, ўзи буюряптики, демак тўғри иш қиляпман, деб ўйлаганим ҳақ. Казо-казо терговчилар сен бу қўшиб ёзишларни бойлик орттириш учун қилгансан, деганларида, қани, қўлимдан келса, бу жаллодларни халқнинг кўзи ўнгида дорга оссам, деб ўйлардим.

Лекин минг бора тақдири насиб деганим билан ҳеч жаҳонга сизмайман. Йўқ, бора-бора кўника бошладим. Ахир, овозинг борича партия буюрди, партия айбдор, дея аюҳаннос солганинг билан қуруқ, бефойда, ким ҳам қулоқ қўяди! Қолаверса, нафсиламбирини айтганда, моддий манфаатдорлик маъни чўққисидан баланд эди. Қўлинг чўзган жойга етарди. Фақат бизнинг устунлигимиз инсоф деган буюк тушунчага нисбатан ғайирлик қилмасликда эди чоғи. Нега деганда, на бир шахсий машина, на бир дангиллама иморат учун қайғуриш фикримга ҳам келган эмас. Қарийб ўн беш йил пахта заводига директор бўлиб, ҳибсга олингач, уйни тинтув қилишгандаям, азобли сўроқлар натижаси ўлароқ ҳам шахсий заҳирамизда ортиқча пул йўқлигига терговчилар амин бўлишди. Фақат бир нарса ўртайди. Менинг ҳақлигимга одамлар ишонадами? Казо-казо раҳбарлар уйи тинтув қилинганда милён-милён

сўмлар, олтину жавоҳирлар чиқяпти. Кўплари қўшиб ёз-дик, улушимизни ҳам олдик, деб иқрорнома беряптилар. Шундай бўлганидан кейин ҳақлигимни Оллоҳга солиб кўя қолдим.

СССРнинг ўша пайтдаги бош прокурори Рекунковга, СССР прокуратурасининг махсус ишлар бўйича катта терговчиси Королевскийга ёзган ариза ва хатларимда кейинги йиллардаги пахта тайёрлашдаги кўзбўямачиликлар ва уларнинг бош ташкилотчиси биз аъзо бўлган, ишонган тоғимиз коммунистлар партияси эканини ҳамда қайси партия ўз аъзоларини бу қадар оёқости этиб хўрлашини имконим етганча баён қилдим. Ўша хатларим бўйича жуда кўп савол-жавоблар, сўроқлар бўлди.

В.М.Королевскийга

Ариза

Пахта тайёрлаш жараёни ҳеч қачон Давлат стандартлари асосида, асабий ҳолатсиз ўтган эмас. Пахтани ГОСТ-да кўрсатилганидек кундуз ёруғлигида эмас, тунда қабул қилишликнинг ўзи бу соҳанинг оёқости бўлишига, уни менсимасликка қаратилган илк қадамдир. Ахир, тунда қандай қилиб сифатли пахта қабул қилиб бўлади? Унинг ифлослик, намлик даражасию пишган, хомлигини қандай ажратиб бўлади? Унинг устига, завод олдидаги навбатда турган тирбанд трактор прицеplarининг аккумуляторсизлигидан бетиним тириллаб туриши, уларнинг охири шаҳарнинг нариги чеккасигача чўзилиб кетганини ҳис этган тарозибонларнинг аҳволини тушуниш қийин эмас. Тарозихонадаги, лабораториядаги шовқин-суронни ёзишга қалам ожизлик қилади.

Обкомнинг бюро аъзолари районларда ўтириб, соатма-соат тарозидан ўтган пахтанинг ўлчовини оладилар. Ёмғир ёғиб турсаям районнинг улуши кечаги қуёшли кунги топширганидан кам бўлмаслиги ҳақида уқтиришади. Стандартдан зиёд намлигу ифлосликдага пахтани қабул қилмай, уни қуритиб, йирик чўп-чорлардан тозалаб келиш учун қайтаришлик жиноят ҳисобланган шароитда, қандай қилиб ҳалоллик ва ҳақиқатгўйлик ҳақида сўз юритиб бўлади?! Оқ пахтанинг оқлигига қора чаплаганлар аслида олий раҳбарлар-ку! Балиқ бошидан сасийди деб бежиз айтишмаган.

Баъзи катталар тасаввурида пахта тайёрлаш даврида биздан-да кўра ўғрироқ, биздан-да кўра душманроқ одамнинг ўзи бўлмас эди. Пахта топширувчи ва қабул қилувчилар икки армияга бўлиниб, улар ҳақ-у, биз ноҳақ

эканимизни ҳеч қандай сўз билан тушунтириб бўлмайди. Аслида, икки армия бир бўлиб, юрт равнақи, эл ривожига учун баҳамжиҳатликда ишламоқлари керак эмасми? Буларни икки армияга ажратган ким? Партия ва совет идораларининг раҳбарлари эмасми?! Нега уларни суд қилмай, ҳукумат бизни, уларнинг буйруғини сўзсиз бажарган ва ҳамиша пешона тери билан мисқоллаб етиштирган, кун чиққандан кун ботгунча қора меҳнатдан бошқа нарсани билмаган, турмуши ҳалоллик ва поклик бўлган, топганига иштонини ямашга қурби етмаган оддий бригадиру звеновойларгача қамашади?! Ўзларининг роҳат-фароғатини, айшу камолини, мансабу мавқеини кўзлаганлар қаҳрамон-у, ана шу қаҳрамонликларни таъминлаганлар, улар учун жонини жабборга бериб ишлаганлар айбдорми?! Менинг ҳам бу хусусда азиятим беадад. Жазо қилмишга яраша берилмоғи, адолат адолатли бўлмоғи лозим.

Ушбу аризамни бежавоб қолдирмасиз деган умиддаман. Имзо.

30.04.86 й.
162-камера.

Бу аризам тергов ишининг 37-жилдига тиркалган, варақларнинг рақамигача эслайман...

Хаёлларим юкидан кўзгалолмай қоляпман, Ўзинг кўмак эт, Парвардигоро!..

Хаёл билан ўйнашма, амалга ошмаса ўлдиради, деганлар, йўқса, мен шу қадар хаёлпараст бўлармидим. Ахир, қонун баъзан ҳаёт тезоблигидан ортда қолиб, ширин орзуларингни чилпарчин қилиб ташлаши табиий-ку. Менинг тазкираи тафаккуримда бемаҳсуру беҳудуд ўйларим барибир бу тун масҳуби маҳбубим, қарибу қаринимдир.

Камералардан камераларга ўтиш, энди кўника бошлаган маҳбуслардан айрилиб янгилари, қамалиш сабаблари турли-турли бандилар билан танишиш, уларнинг феълу атворларидаги инжиқликлар жонингдан ўтиб кетади. Ғамнисор сатрлар ғувлаган миянгда чарх уради:

*Озодлик— олис нур тутқунлигингда,
Озодлик лаззатин билар тутқунлар,
Орзулар айблидур манқуртлигингда,
Қорга сачрагандай ўтли учқунлар.*

*Қафас— қафас, гарчи ипак бўлса-да,
Банди булбул сасин эшитган борми?
Банди шер ҳам ювош тортар қафасда,
Бўқирмас ҳаттоки очикса қорни.*

*Бўйнидан боғлиқ ит ярамас овга,
Ов кўрмай яшашга тушунмас балки.
Сен озодсан десанг тутқун бировга,
Ажабмас ёрилса шоддан юраги.*

*Озодлик лаззатин билмас ким абад,
Қадрини билмовчи эркин нафаснинг.
Бойлик бош мезони қўл-оёғи банд,
Мақтовин куйлайди олтин қафаснинг.*

*Хур нафас Оллоҳнинг улуғ неъматини,
Қадрига етганнинг йўқдир армони.
Кимнингки тиллодан бейик ҳиммати,
Тоабад баланддур умид айвони.*

5

Маҳбуслигимга беш ойлар ўтиб, умидим айвонию сабру тоқатим деворлари баландлигиданми борлиқ дунёдан норизолик ҳиссиётларимни жиловладим. Тасодифми, билмадим, аммо бандилигимнинг 165-куни 165-камерага ўтказишди. Кўпгина камераларда бўлавериб, турмада суягим анчайин қотган бўлишига қарамай, ушбу обшагда (кўп маҳбус ётадиган кемера) кўрган азобларим олдида ҳозирги торгина, майли, мавти маконим бўлсаям, қўналғам минг бора афзал.

Уша камерада илк оқшом ҳеч кўзимга уйқу келмай ўйим билан баҳслашиб чиққаним ва руҳий ҳакам ўрта-миздаги муноқаша-баҳсни ажрим қилганини бир зарб ила рақам қилганман. Номиниям «Муноқаша» («Баҳс») деб қўйдим. Ёзганларимни шмонда (тинтувда) олиб қўйишган. Барибир миямга қаттиқ ўрнашиб қолган экан, турмадан келгач, янгидан қисман тикладим. Республикамининг кучли режиссёрларидан бири Карим Йўлдошев ушбуни Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят театрида сахналаштирди.

«Муноқаша»нинг жамоатчиликка тақдимоти куни Наманганга учиб бориш учун самолётга олган чиптам қиссамда қолиб кетди. Дадам шу куни (16 феврал, 1994 йил) пешин чоғи оламдан ўтдилар... Во ажаб, вақт бунча тез югурак, ҳатто хаёлларинг билан етолмайсан изидан. Куни кеча дадам менга арабча ёзишни ўргатаман, дея алиф, бенинг нуқоту зеру забарларини, ҳарфларнинг абжод ҳисобларини ҳижжалаб ўтирганлари шундай кўз ўнгимда. Унгаям, мана, қирқ йиллардан ошибди... Не-не сувлар оқиб, не-не сувлар сингмади ерга. Дадамнинг жон куйдиришлари билан дунёни танидим, Навоийни, Фузу-

лийни, Мунису Огаҳийларни танидим, уларга юкиндим. Оллоҳга шукур!..

Қамоқдан бўшаб келганимда тугилган невараларим ҳозир мактабга боришяпти, вақт бунча югурак-а... Дадам бирор нарсадан хафа кунлари мийиғида кулиб айтгувчи эдилар — икки гишт ёмғирли куни томдан тушаётиб бир-бирига дермиш:

— Ёмғир ёмон бўлди-да.

— Қани, энди бир яхши одам учрай қолса...

Дадам, балки бу пурмаъни тийранг ўхшатишни ажиб хўрсиник билан айтиб кўнгилларини бўшатгандирлар. Озорланганларини шундай бешафқат ечими билан изоҳламоқчи бўлгандирлар. Нима бўлгандаям қўлларидан ёмонлик келмайдиган яхшиларнинг бошига ёғиладиган тошларнинг беҳисоблиги одамни дилтанг қилади. Ўйим эса туну кун мени айблаверди — маҳбуссан, маҳбуссан... Ҳа, мен маҳбусман! Лекин мен ҳам одамман! Ахир, бунда одамнинг қадри итча ҳам эмас! Эй, бунга нима дейсан, маҳбуслигимга бир юз олтмиш беш кун бўлган куни (ҳали айтганим) мени бир юз олтмиш бешинчи ҳибсхонага ўтказишди. Ё тавба!.. Ари уясидай «ғув-ғув». Ўттиз беш ўринли ҳибсхонада қирқ тўққиз маҳбус бор экан, мен эллигинчи бўлиб кирдим тушга яқин. Саломимга алиқ олишди-ю, сўрашмади бирортаси ҳам. Бир юз олтмиш беш кун турмада, катта-кичик турли камераларда ўтириб, бундай ҳолни кўрмаганман. Ун энлик жойда элликдан зиёд одам қандай нафас олади? Қандай навбат кутар ҳожати учун? Бу қадар беаёв хўрлашлар нечун? Нечун бунда одамларнинг қадри йўқ итча?!

Тушлик келди. Менда эса на нон, на қошиқ бор. Сарҳумимни олибман-у, чўнтиқ темир қошиғимни қолдирибман аввалги камерада. Ноилож қошиқсиз, нонсиз едим сууюққина овқатни.

Ярим тунда тушкунликнинг чуқур жари тортиб кетди машъум қаърига... Яна қандай хўрликлар кутмоқдайкин олдинда? Бу не кўргулик?.. Ё раб! Намландими кўзларим? Қачонгача давом этар кулоқ ости хуррақлар, қачонгача давом этар тикка туриб емаклик? Ётгандаям бировларнинг тўшагида мизгимоқ? Қачонгача емиради юрагимни мавҳумлик? Қачон адо бўлар бундай нотавонлик, ғариблик?

Ўйнинг эса дийдаси қаттиқ. Жой етишмай қолса турмада, ё қурилса ҳибсхоналар, нима бу, сенингча яхшиликми ёки ёмонликми, дейди. Қаттиқ зилзиладаям сира шикастланмайдиган қамоқхоналарнинг кўплиги, маҳбусларга жой етишмаслиги —бу катта фожиа ҳар бир давлатга. Бу чуқур тубанлик, ижтимоий тушкунлик, жамият-

нинг инқирозидан нишона. Бир замонлар 10 маҳбусли зиндони бор мамлакатларни кўп маҳбусли юрт деб маломат қилган одамлар, дейди.

Хўш, ижтимоий тубанликнинг негизи недур? Ўйнинг эса жавоби қаҳрли — бу сен, сенга ўхшаш маддоҳларнинг ҳамду сано олқишлари оқибатидир. Сен ҳамиша ҳаётни кечиримли деб ўйлайсан, ҳаёт эса тарозули, ўлчамли. Неки қилмиш, аксу садосиз бўлмас. Сен ҳам қилган қилмишингга яраша жазо олишинг муқаррар.

Мен ҳаёт мезонин инкор этмаганман ҳеч. Дунё борки, доноларнинг яшаш тарзи оғир кечган ҳамма вақт. Ўз илдизидан чиққани учун ёввойи ўтларни ер ўз фарзандим, дер экан. Табиатнинг бу қонуниятида жиндай ҳақиқат ҳам йўқ эмас, негаким машойихлар айтмоқчи, «Аҳмоқ сурар давронни, доно унинг ҳайрони...» Лекин сенга айтай яна бир тилсимли ҳақиқат. Дунёда бор яна бир куч, бениҳоя қудратли — яхшилигу ёмонликнинг узлуксиз курашиким, бу кураш замирида нобуд бўлар орзулар, чил-чил синар умидлару забун бўлар ниятлар. Бу қудратли тажовуз куч айрим одамларнинг инсоний фазилатларини топтаб, эътиқоду иймонини булғаб, ҳалолликка тупуриб, бутун бошли авлодларни супуриб ташлайди ер юзидан. Мен тайёрман жазога, лекин қандай айбим учун? Айт, қайси айбим учун, ахир?!

Сен ақли одамлардай фикр юритасан, дейди Ўй. Бошингга тушган кулфатларни донолик билан мушоҳада қилиб кўр. Аҳволингни лойга тойиниб, нега йиқилдим, деб ер мушглаб, дод-вой солаётган одамга ўхшатаман. Қонун бузувчилар фақат жамиятга эмас, инсоният ҳаётига тажовуз қилаётган айбдорлар айшини суриб юрибди-ку! Нега сен шундай қилолмайсан? Сен яхшилигу ёмонликнинг ўлчовини билмадинг. Баъзан эзулик билан отган одимларинг зарар бўлди. Сен англашга вақт топмаган яна бир мудҳиш ҳодисот бор. Мен сенга неча бор такрорлаганман, қулоқ қўймадинг. Яна айтишдан чарчамайман, душманлардан қўрқма, жуда ёмон бўлса, улар сени ўлдирिशлари мумкин, дўстлардан қўрқма, ошиб борса, улар сени сотишлари мумкин, лоқайдлардан қўрқ, улар ўлдирмайди, аммо уларнинг сукунатли розиликларидан ер юзида сотқинлик ва ҳалокат содир бўлади. Брунонинг бундай фикрга келишига фақат у яшаб турган муҳит сабабчи эмас, балки тарих силсиласининг милён йиллар давомидаги беқайтариқ фалсафаси туртки бўлса не тонг. Лоқайдлик емиради жамиятнинг илдизин. Нега сен курашмадинг ҳаққи-ҳуқуқинг учун озодлик чоғинг? Сен ҳам лоқайдлик дардига бўлдинг мубтало. Бунга рад этишга ҳаққинг йўқ. Нега бунга сира келмас тушунгинг? Беайбман, деб ўзинг-

ни тинмай овутасан, ўз-ўзингни алдайсан. Хўш, токайга-ча шундай давом этади? Дўст дединг, ошно дединг, ҳам-масиям яхшилигинг бирдай қабул этдими? Қилган меҳру муҳаббатинг қайтдими ҳеч ўзингга? Ахир, кўплар бўлдилар-ку туз-намак, ҳам уялмай-нетмай ўқидилар ҳамду сано-лар. Ва қуёшли, нурли кунларинг ёнингдан кетмай, ташкил ҳам этдилар кайфу сафолар. Бир қадам нарида гийбатинг қилиб, номингни булғашди кучи етганча! Кимлардир хуфёна қувнади, кимлардир очиқ яйради кулиб, ишинг орқасига қайтди дегунча. Хўш, энди ўзинг айт, дўстни кўпайтириб нима орттирдинг?

Ахир, дўстсиз яшаб бўлмас — бу аниқ, аммо ҳақиқий дўст тутмоқ мушкулдан мушкул. Асрлар давоми шундан муаммо, содиқ дўсти бўлса, бахтли одам у. Йўқ, дейди Ўй, сутга йиттироқ тикилсанг, қон кўрасан, чунки сут қондан яралган. Лекин, сен бу янглиғ мушоҳададан йироқ яшадинг. Сен шуни яхши билмайсанки, шундай ҳам қисқа умрни яна қисқартмоқ пайида бўларлар баъзи бадкорлар. Шулар кўкрак кериб қилурлар таъна, шулар лоф урарлар номусдан-ордан. Сен шуни яхши бил, кимнингки сирдош дўсти бўлса кам, у одам бахтлидур абадул абад. Шунда ҳам сирингни сирдош дўстингга ниқоблаб айтсанггина фароғатинг ўн чандон бўлур зиёда. Қанийди сирингни бўлаклаб ҳар гал неча қисмга, тааллуқлисини айтсанг сирдош дўстингга, ана унда ҳаловатингни турар ери йўқ. Сен эса, ҳозир ҳам бирдай ишонасан ҳаммаларига ҳам.

Сен мени аврама, эй Ўй, ҳамма замонда яхшилик қайтади, кўнглим тўқ ҳаётнинг бу мантиқидан, Оллоҳнинг ўлчамли марҳаматидан. Биламан, сен яхшилик қилгандан яхшилик қайтмайди дейсан, қайтади, лекин бошқалардан қайтади. Негалигини биласанми?.. Йўқ, билмайсан. Яхшиликни муҳтожга, ёмонликни ожизларга қилурлар. Икковиям қудратлимас қайтимини беришга.

Ўй буни рад қилади, сен ҳамиша шу мантиқингда адашадирсан, дейди. Ёмонликни яхшиларга қиладурлар бахиллару пасткашлар ва маънавий қашшоқлару товламачи разиллар, дейди. Яхшилардан эса, ҳеч замонда қайтмас сира ёмонлик, дейди.

Ҳа, дейман, унга эътироз билдираман, яна гумон, яна шубҳа дейман. Гумон билан, шубҳа билан ёмонотлиқ бўлар ахир неча-неча яхшилар десам, баттар тутоқади Ўй, гумон дейсан, бир қориндан туғишганлар-чи? Ярим қадам пахса девор ўтдинг, дея ҳовлимга, нечалари бир-бировин ғажийди. Туғишганлар адовати қуритгувси шажарасини, дейди. Улар кўпмас, яқинларга яқинлик фалсафасидан йироқ одамлар, кўп эмасдур ҳар бир замонда,

дейман. Ориятсиз одамларнинг боши чиқмас гурбатдан. Ўзиниям, бошқаниям аямайди ундайлар. Умр қисқалигин сезмагани бир ёна, кейин яна неча авлод қарғашини билмайди. Яна айтай такрор бўлсаям-бари ҳодисот Оллоҳ иродаси билан бўлади. Замон қалтис, давр қалтис, сен бунга ҳеч тушунмай, ўз сўзингдан қайтмай зинҳор, эгов-лайсан мудом, бизга қийин, кўп қийин.

Ўй ҳаёт деган хилқатнинг қонунлари мураккаблигини инкор этиб, мени мулзам қилади — замон билан даврни танламайдилар, унда яшаб, унда ўладилар, ҳаёт қонуни бир, ҳамма учун баробар ҳар ким хоҳишича яшаса агар, остин-устун бўлар эди юрт. Лекин, сизлар инкор этиб ҳаёт мезонин, чопишдинглар пойгадаги отлардай. Қаёққа? Ҳибсхонага!

Ўйнинг бу бешафқат зуғумида аччиқ ҳақиқат ҳам йўқ эмас, лекин ўй менинг ўйим-ку. Менинг қилажак барча ишларимга у ҳеч бир тирғалмай фатво бермоғи лозим эмасми? Мени лоқайдлик дардига мубталоликда айбланишга унинг ҳаққи йўқ! Сидқидилдан бажардим катталарнинг буйруғин, ахир мен шу тузумнинг фарзандиман, нега тушунишни хоҳламайди сира ҳам?! Мен орзиқиб аъзо бўлган партиянинг топшириғин бажардим, ҳалол, фидойи. Буни неси лоқайдлик? Юрак-бағримни тигловчи сўзларини келиб-келиб энди айтадим, аввал қаерда эди Ўй? Нега ундан бунча узоқлашиб кетибман? Балки менинг буткул фожиам ҳам ана шундадир. Ахир, уни инкор этдим гоҳи-гоҳида. Дахлсизман деб қонунни тинмай буздинг ва ҳаддингдан ошдинг зиёда, дейди.

Мен ҳаддимдан ошиб нима ёмонлик қилдим? Не қилган бўлсам, ишни юритиш учун, одамларнинг яхши яшаши учун, юрт ободлиги учун қилганман. Сув келтирдим ёниб, куйиб, ёзиб дастурхон. Олдийгина бир юкни юк-лашчун қон қилдилар то олмагунларича. Ёғоч келди совга билан олис Сибирдан. Энди шулар учун ўзим кетмоқдаман олис Сибирга! Совга бериш, дўппи, чопон кийгишиш, дастурхон ёзиш — ўзбекнинг минг, милён йиллик урф-одати, удумлари-ку! Шуларниям қай бир «прим»лар билан пора бергансан деб айбномага тиркашди. Ахир, ўзбек меҳмон учун қанд-курс, тансиқ емишларини ўзи емай, болалари ризқидан кесиб едиришини наҳот билмас каззоблар?! (Жимлик.) Бу тантилиқ, бағрикентглик, меҳмоннавозлик ота-бобо мероси... ҳайронман, эй Ўй, қай жиҳати бузилдийкан қонунни? Хўш, нима қилиш керак эди? Ахир, иш битмади қонундан чиқмай. Агар шу жиҳатдан путур етган бўлса қонуннинг қай бир нуқталарига, демак иш юритиш учун эмас, тўсиқ учун яралган экан-да баъзи қонунлар?.. Қонун давлат учун, халқ учун

яратилган, ишлаш мумкин эди, дейсан қонундан чиқмай. Қонун яратувчилар мен ва менга ўхшаган одамлар-ку! Эркинлик керак иш юритишда, акс ҳолда ривожланиш, ўсиш бўлмайди. Бу оддий ҳақиқат, тушунсанг-чи, ахир. Етмиш одам тафтиш этар ҳар бир қадамнингни, ҳар бир ҳужжатингни. Етмиш одам йўл бермайди ҳаракатингга, етмиш одам ҳар тарафдан булар туғаноқ! Нега инон-ишонч йўқ? Тафтиш, тафтиш, тафтиш... Ишончсизлик — юртни талашга йўл очади, иш бошқарувчиларни баднафс, очкўз этади, мафкурани бузади.

Тўхта, дейди Ўй негадир бирдан тутоқиб, сенга биров қонунни буз, кўшиб ёз, дедими?

Демади, дейман бир оз бўшашиб, лекин айтмай мажбур қилишади.

Ана кўрдингми, дейди Ўй, улар анойи эмас, сендайларни топишади. Сени тушовинг — одамгарчилигинг. Шунинг учун сенга ачинаман.

Мени аяшинг тўғри, лекин бошқани, бошқаларни-чи, уларни ким аяйди? Токайгача давом этар бу услуб? Токайгача иш битганда раҳмат айтиб, ёрдам бериб, кўкка кўтариб мақтарлар-у, оқибатда банди этарлар?! Менга қара, не учун ўзимга ўхшаган одам мени жазолаши керак? Унинг қули тозамикан, а? Ё унинг қонуни бўлакми? Ахир, қонун эгалари шулар эмасми? Гуноҳга ботмай деб мен бўлдим банди, ёқамга туфлайман, алҳазар, тавба! Мана, не муддатки, суд ҳукмин кутиб ётибман ёниб ўт ичра. Ҳа, ҳа, саволларим беҳисоб, нетай охир қон ютиб, ҳукми кутмоғим керакким қанча? Қафасда ўлтириб, кимни қарғашим керак бу кунда? Аламдан қабариб бағрим тилинди, чақмоқ чаққандайин фалакни тунда... Ана шу кўп билармонлигинг сенинг бошингга етди дейишинг адолатдан эмас... Уф!.. Уйқу келса яхши буларди сенинг ўрнингга. Эй Худо! Ёрдам бер, шу Ўйни ол мендан, ором бер менга. Эй, Халлоқ! Тайинли масканим йўқдир сиғинсам, қайси авлиёга ишонсам экан? Сендан бошқа кимга суянай? Ишонганим, қутқарувчим, маслаҳатчим Сенсан фақат бу қоронғи оламда!

Ёзғитга ҳимоя йўқ! Бу кимнинг саси? Яна Ўйними? Сен жим тур! Эътиқод, пок эзгу ният ила Халлоққа интилиб, илтижо қилипман. Бир ривоят эшитганман интилиш борасида. Бир одам дўстига:

— Мен ҳар куни Оллоҳ билан сўзлашаман, — дебди.

Дўсти унга ишонмабди, негаки, Оллоҳдан фақат пайгамбарларга ваҳий келади.

— Қўйсанг-чи, одам ишонадиган гапни қилсанг бўлмайдими? — деб норизо бўлибди дўсти.

Лекин ҳалиги одам:

— Бугун кеч меникида меҳмон бўлсанг, кўрасан, — дебди.

Хуллас, ўша одамникида дўсти бир кеча меҳмон бўлибди. У дўстини шўрбалиқ билан роса тўйдирибди. Меҳмонхонада бир култур ҳам сув қўймай устидан кулфлабди. Дўсти қаттиқ чанқаганидан эрталабгача ухлай олмабди, қулоқлари остида фақат сув шилдирармиш. Эрталаб унинг эгаси дўстидан ҳол-аҳвол сўрабди. Дўсти:

— Э, нимасини айтасан, қаттиқ чанқадим, кечаси билан ухлай олмадим, нукул сувнинг шилдираши эшитилди токим тонггача, — дебди.

— Ана, кўрдингми, — дебди ҳалиги одам дўстига, — ташналигингдан сув билан сўзлашибсан. Оллоҳ билан сўзлашмоқ учун ана шундай ташналик, ана шундай чанқоқлик зарур!..

Мен ташналик ила интиқман Оллоҳга, эй Ўй! Ноилож, чорасиз қолганимда Тангримнинг Ўзи ярлақасин! Энди, сен жўна! Жонга тегдин! Қандай қутуламан бу азоблардан ва сенинг тинмай эговлашларингдан? Ўзимни ўлдирсам қутуламанми, айт?! Айт, нима қилай?

Охирги чорани қўллашга шошилма, Оллоҳнинг, эй осий бандаси. Улим — ҳақ, лекин илож изламоқ керак яшамоққа. Яшаш учун борлиқ кураш негизи муножот, тазарру, тавба. Сен ҳозир ғамлисан, ғариб, мискинсан, сабр косанг тўлган лиммо-лим, асабларинг адо бўлган батамом.. Шунинг учун муҳтожсан ёлғиз Оллоҳ марҳаматига. Тун қанча қоронғи бўлса, юлдузлар шунча ёруғ бўлғай, ғам қанча теран бўлса, Худо шунча яқиндур. Қаддингни кўтар. Ҳар қандай мусибат, қийинчиликни бардош ила енгган бандасини Оллоҳ таоло қўллағай мудом. Сабр ва ишонч мушкулларни осон этмоқ йўлидаги илк қадамдур. Ва қилган барча хато, камчилигу нуқсонларинг учун Оллоҳ ҳузурда чин дилдан тавба этмоқ энг муҳими тоқатнинг. Оллоҳ таоло мадаккоринг бўлғай! Раббано отина фиддуния ҳасанат ва филлохирати ҳасанатан вақина азобан нор. Омин!..

Иккинчи боб

1

Шу ёшимга етиб, мен бирор марта Худоимдан норизо бўлган эмасман, ҳатто маҳбусликка маҳкум этилганиму ўша йиллар кўрган азобу уқубатларим, машаққатларимни ҳам ҳамиша яхшиликка, ризқу насибага, тақдири азалга йўйганман. Бироқ...

*Нечундир кейинги вақтлари бот-бот
Айроликдан дилим бўлмиш ғамфикан.
Салга дамим қайтар етмайми сабот,
Юрагим узилди демоқ шулмикан?*

*Маънос нигоҳларинг зинҳорларидан
Анойи хўрсиник келади ногоҳ.
Сув келмас кўзларим анҳорларидан,
Юрак узилиши қайталар гоҳ-гоҳ.*

*Юрак узилишлар ларзаларидан
Омон ўтаётган жоним, инжилма.
Ўлиб-тирилишлар найзаларидан
Қалтис оқайтган қоним, инжилма.*

*Инжилма, тақдирнинг шумрафтларига
Бардошинг эмасми узилмаслигинг.
Гоҳ машъум таҳқирнинг офатларига
Жавобдур қон бўлиб сизилмаслигинг.*

*Шукр қил, наинки тенг, балки ҳали
Қувватли юраклар кесмади сўзинг.
Висол ҳижрониға куч сақлағали
Оллоҳ паноҳингда сақлагил, Ўзинг.*

Умрнинг баҳру уммониға теран боқиш насибасига эга одамлар наздида ҳаёт аталмиш хилқатнинг кўз илғамас қонунлари сарҳадидан чиқиб, бирор юмуш қилиб бўлмаслиги кундай равшан ва ҳар ким ўзининг, ўзлигининг туб маъносини англаб етмасдан, ҳар қандай ишни қилишга кучим етади, негаким, мен эркинман, «анал-ҳақ»ликни даъво қилишга қодирман деб ўйлайди. Ваҳоланки, бу бир кам дунёнинг сиру асрорини англамоққа оддий ақл ожизлик қилади. Шу боисданмикан, Ҳофиз Шерозий:

*Ғапир чолғучидан, майдан, жаҳон сиррини кам изла,
Ечолмас ҳеч киши ҳикмат-ла бу оғир муаммони, —*

дейди. Лекин ушбу байтни эшитганданоқ бир лаҳза ҳайратга тушиш баробарида яна қатор саволлар туғила бошлайди. Ҳуш, байтнинг айтилишидан мақсад нима? Ҳаётдан безиб қўл силташми, ё руҳий чарчоқликдан зада бўлишлик исёними? Уяммас, буяммас. Ҳар қандай одам, авваламбор, ўзлигини, ички дунёсини, умуман оламини англашга интилади. Охир-оқибат, ақлу идрок, онгу шуур ила оламнинг ва одамнинг яралиш сирларини ечиб бўлмаслигига кўзлари стади-да, бу оғир муаммони ҳикмат ила тушуниш оғирли-

гини эътироф этади. Чунки инсоният илму урфонда чукурлагани сари муъжизалар қаршисида лол қолиб бораверади.

Ҳофиз Шерозийнинг бу фалсафасини Лев Толстой «Уруш ва тинчлик» романида палохмондан отгандай пешонангга уради: «Табиат ҳаётининг кучлари биздан ташқаридадир, уларга бизнинг идрокимиз етмайди, шунинг учун уларни жозиба, инерция, электр кучи ва ҳоказо деб қўя қоламиз». Ҳофиз билан Толстойнинг тили ҳам, яшаган даврию манзили ҳам бошқа-бошқа, лекин мушоҳада кўламида тафовут йўқ, худди иккови келишиб ёзишгандай. Улуғ инсонларга берилган ақлу идрок дарахтининг меваси бир хил ширин, бир хил аччиқ.

Ва ажабким, кўпгина мевали дарахтлар бир вақтда гуллаласалар ҳам бир вақтда пишиб, бир вақтда етилмайди. Масалан, ўрикнинг ёзда пишадигани бор, кузакда пишадигани бор. Олмаям, анжир ҳам, қовун ҳам худди шундай ва ҳоказо. Одам ҳам турли вақтларда пишади. Навоий, Пушкин, Лермонтов, Усмон Носир, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева, Эркин Самандар, Омон Мухтор, Усмон Азимлар эсини танигандан бошлаб ёза бошлаганлар ва эрта етилганлар. Булар худди Анжирга ўхшайдилар, эрта баҳордан кеч кузгача ҳосил берадилар. Улар яратган асарлар одамнинг кўз қорачиқларида макон тутиб яшай бошлайди, йўқса, Абдулла Ориповнинг ёшлик пайтида ёзган «Мактуб» шеъри Хоразмда совчилик вазифасини ўтаганини қандай тушунтириш мумкин?

Мактуб

Райимбой Тошкентда талабалик йиллари Хоразмдан мактуб олади. Мактуб ёзмиш томоннинг на манзили, на макони, на исми, на фамилияси бор. Конвертни очса, Абдулла аканинг «Мактуб» шеъри босилган бир қийқим газит, тамом, вассалом, на салом, на алик, лекин конверт устидаги дастхат қиз боланики, ёзувидан шубҳа қилмаса бўлади. Райимбой ўзи ўқиган мактабдаги катта-кичик, элотадаги ва унга ёндош кўча-кўйда яшовчи танишу нотаниш қизларни кўз ўнгидан ўтказди, бироқ бу сирли мактуб муаллифини тополмади. Айни йигитлик кучига минган, полвонликдаям ном чиқара бошлагани сабаб кечаю кундуз Республика биринчилиги учун машқлар устига, Тошкент политехника институтининг автомобил йўллари факультетида ўқишнинг оғирлигидан аввалига номсиз мактубга жиддий эътибор беришга вақти бўлмади. Бироқ, нима қилгандаям сирли мактуб унинг ҳаловатини бузди, қолаверса, шеърни бир-икки бор ўқидию маъқуллигидан миясига муҳрланиб қолди.

*Ғазаллар тўқирдим сенга бир замон,
Кўшиқлар айтардим тунлар бошингда.
Начора, ушбу кун ўзга бир инсон,
Ўзга бир муҳаббат турар қошингда.*

*Эшитдим хазонли боғларда танҳо,
Ўтказар эмишсан сокин пайтларни.
Сарғайган дафтаринг варақлаб гоҳо,
Такрорлар эмишсан маҳзун байтларни.*

*Мен ҳам тонглар баъзан йўлга қарайман,
Мунаввар қуёшга кўксимни очиб.
Сенинг хаёлингдан мадад сўрайман,
Сенинг хаёлинга бораман қочиб.*

*Лекин қутулмоқ йўқ ҳижрон дастидан,
Фақат қалбимизда бардош ва сабот.
Дунёда жамики ҳислар устидан
Қаҳқаҳа уради қадим бу ҳаёт.*

*Надомат нимага ва афсус нечун?
Оламда неки бор ўчар бешафқат.
Бизнинг вазифамиз кўникмоқ беун,
Бизнинг вазифамиз унутмоқ фақат.*

*Йиллар ўтиб кетар такрор ва такрор,
Ёшлик ҳам ўтади бенишон, бесас.
Лекин ўша чоқ ҳам хўрсиниб, бир бор,
Севгандим, набирам, дея олсак бас...*

Райимбой бу шеърни қишлоққа ёзги таътилга келганида мактуб эгасини аниқлаш учун турли давраларда ёддан ўқий бошлади. Ҳар гал ўқиб турганида ора-сира даврада қатнашаётган қизларнинг кўзларига тикилади, афсуски, бирор гўзалнинг Тошкентга ёзилган мактубдан хабари бўлмайди. Ахийри, кўпроқ қизлар йиғилган бир даврада у шеърни ўқиётганида Мингулнинг ёноқлари ёниб, бурун катаклари кенгайиб, кўзларида аллақандай нур ўйнагандай бўлди.

Райимбойни ички ҳиссиёти алдамади, улар аста-секин учраша бошладилар. Сўнгра турмуш қурдилар. Ўғил-қизлари қатта бўла бошлади. У Янгибозор тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасига кўтарилди. Ишлари, оиласи яхши, полвонлиги дуруст, ҳамиша Жалолиддиннинг қиличидай, Полвон пирга суяниб яшайди. Аммо тақдирининг бу янглиғ фархунда бўлишини Абдулла аканинг «Мактуб»идан кўради. Қалб мулки бўлмиш бу

шеърни хоҳлаган вақтингизда, ҳатто уйқусидан уйғотиб сўрасангиз ҳам ёддан, ўзга бир меҳр билан ўқиб беради. Қачон бўлсаям шоири замон ила учрашиб қолса, ўзининг муҳаббат тумори таърифини «Мактуб»нинг муаллифига айтиб беришни кўнглига тугиб қўйган. Иншооллоҳ, мақсудига етгай...

2

Қадрли биродарим, ўзбек адабиётини юқори поғоналарга кўтарган, валломаи замона Абдулла Орипов боис шеър у шуур, онгу орифлик, қалбу қавил, соддалигу мураккаблик, табиату инсонлик ўртасидаги муштараклик борасида ўйлаб, хаёлларимга ойдин нурлар ийинди. Одамзоднинг яхшиликка, қалбига яқин ҳису ишқ аталмиш илоҳий неъматга беихтиёр интилишидаги табиийликда не сир мавжуд. Баъзан онгу ақлга бўйсунмайдиган юрак талпинишларида не тилсим бор?..

Ўсимлик дунёси билан машғул олимлар тадқиқот ўтказиб, ажиб бир мўъжизани кузатганлар. Янги ўсиб чиққан бодринг биёраси ёнига суянчиқ бўладиган таёқча суқиб қўйганлар. Бодринг таёқчага интилиб ўсган. Ҳатто биёрани бошқа томонга йўналтирсалар ҳам эртасига таёқча томонга қараб бурилган. Кейин таёқчани олиб, бошқа томонларга қадаб кўрганлар, таёқча қайси томонда бўлса, биёра шунга қараб бурилаверган. Табиий савол тугилади, биёранинг кўзи бўлмаса, қандай қилиб суянчиги томонга қараб ўсади? Магарам, ўсимлик дунёси ҳам онг билан ҳаракат қиладиган бўлса, у қандайин онг? Ва умуман, онг тушунчасининг ўзи нима? Онг бирор нарса ни ақл орқали англаса, идрок этса, демак беақл у йўқ нарса бўлиб чиқади, лекин эшакнинг тупроққа беланиб ағанишини-да англамоқ дейдилар. Англамоқнинг негизи ҳам онг. Ундан чиқди, беақл онг бўларкан-да... Ё у эҳтиёж онгимикан?

Ақл билан англаб бўлмайдиган, ҳар қандай тажриба доирасидан ташқарида бўлган илоҳий куч ҳақида файласуфлар ҳам баҳоли қудрат гапирадилар. Шу сабабдан ҳам бирор ғайритабиий ҳодисани тушунтириш қийин бўлганда ҳайрон бўлмаслик керакка ўхшайди, негаким, математикадай аниқ фанда-да алгебраик атамалар билан ифода этиб бўлмайдиган сонлар мавжуд, маълумки, улар трансцендент сонлар деб юритилади. Дарвоқе, сонлар масаласида, нўл сони ҳақида кўп сўраб-суриштириб юраман. Манман деган математик ҳам бу савол қаршисида бир лаҳза эсанкираб, жавоб тополмай қолади. Ахир, бу қандай сонки, бирор соннинг, масалан, 1 нинг ёнига қўйсан-

гиз — 10 бўлади, агар нўлга кўпайтирсангиз — 1 ни йўқ қилади. Фаннинг ҳамма соҳаларига татбиқ этиш мумкин дейилган инкорни инкор қилиш қонуни айнан математика соҳасига тўғри келмас экан-да! Ахир, инкорни инкор қилиш қонунида ҳар қандай нарса ўзидан олдинги нарсани инкор қилолмайди, яъниким, уруғдан униб чиққан дарахт уруғни инкор қилолмайди, унинг япроғи эса уруғни инкор қилади. Нўл сони эса кўпайтирган чоғингизда ҳар қандай сонни инкор этиб ташлайди, кўшсангиз чексизликкача кўпайтираверади. Бу ҳам ақл билан англаш қийин бўлган кашфиёт. Кимдир нўл бирдан униб чиққан эмас, дейиши мумкин, лекин нўл ҳам сон, ундан кейин бир келади...

Хўш, магарам, онг-ақл маҳсули, инсон тафаккурининг олий чўққиси бўладиган бўлса, унинг зидди онгсизликми? Бундан чиқди, аввал-бошдан ақлнинг нелигини англашимиз даркорга ўхшайди. Кўряпсизми, ақлни онгламоқ лозим бўляптики, англаш ва идрок этиш замирида барибир онг бирламчига ўхшайди. Вале, бу ўринда онгдан ҳам кўра, ақл иборасини ишлатиш жоиз бўлса не тонг, негаким, дониш аҳли ақлни бошқариш учун ҳам ақл даркор, дейишади. Шу боисдан ҳам ақлнинг жузвий ҳамда куллий деб аталишида теран мантиқ мавжуд кўринади, билҳақ, Оллои таоло берган ақл наинки номукамал, ҳатто биз тасаввур қилганимиздан ҳам кўра сирли бир дунё экан. Шу боисданми, неники тушунишга, тўғрироғи, англашга ожизлик қилсак тақдири азалга йўямиз. Лекин бу борада-да андак англашлик қийин бўлган бошқа бир ҳақиқат ҳам йўқ эмас. Балки бунга илми илоҳийлик ва илми донишликнинг сирли дунёси босабабдир. Машойхлар айтадиларки, тақдири азални ўзгартириб бўлмайди. Ҳақнинг иродаси ва илмидан ташқари дарахт япроғи ҳам қимирламайди ёки одам бирор нарсани ният қилмайди, дейдилару яна иштибоҳга ҳам борадилар, шариат аҳли ва аҳли ҳикмат бу борада турлича мушоҳада этадилар. Шариат аҳли, гарчанд одам фаолиятда ихтиёрсиз экани хусусида тўғри фикрни айтсалар-да, бироқ улар наздида мавжуд нарсалар Ҳақнинг иродаси билан ва илми туфайлидир. Демак, барча одамлар сўзда ва ҳаракатда ихтиёрсиздир. Бу фикр маълум нарса илмга бўйсунадими ёхуд илм маълум нарсага бўйсунадими, деган ақидага асосланади. Шариат аҳли фикрича, маълум нарса илмга бўйсунди. Демак, ҳамма нарсанинг олдиндан маълум меъёри бор ва ундан ошиб ўтиб бўлмайди. Раббиул таоло азалда қандай белгилаган бўлса, шундай бўлади. Аҳли ҳикмат фикрига кўра эса, илм маълумга бўйсунди. Бинобарин, одамларнинг сўзлари ва фаолият-ишлари учун ол-

диндан белгиланган ўлчовлар йўқ. Билим ва бойликка эга бўлиш одамнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ, у қанча кўп гайрат қилса, билими ва мол-мулки шунча ортади. Яхшилик ёки ёмонлик қилиш, кам ейиш, ё кўп ейиш инсон ихтиёридаги иш ва у қанча меҳнат, куч сарфласа, шунча кўп топади...

Адашишу алданишлар-чи? Буларнинг мезони ёхуд тўхтамли ўлчови борми? Бу кўргуликнинг ибтидоси не?..

Исканадар Зулқарнайндан сўрабдилар:

— Бу мулки борлиқда ҳали ҳеч ким қилолмаган ишни қилдингиз, ер ости — зулмат дунёсини кезиб чиқдингиз, ҳеч қачон хотирадан ўчмайдиган қандай мўъжиза кўрдингиз?

— Энг катта ва асло унутилмайдиган мўъжиза, зулмат дунёсидан ёруғ оламга омон чиққаним, — деб жавоб берибди у.

Яна сўрабдилар:

— Нимадан кўпроқ азият чекдингиз, афсус-надомат қилдингиз, адашишданми, алданишданми?

— Адашиш асосан инсоннинг фаҳм-фаросати, билими, тажрибаси ва феъл-атворига боғлиқ. Шунинг учун адашган одам қаттиқ қўрқиши, афсусланиши, ўз хатосини ўйлаб қисиниши мумкин. Лекин кўнглида ғазаб ва алам туғилмайди. Алдашда макр-ҳийла, фириб ҳамда қасд ва ёвузлик бор. У одам юрагида ғазаб, нафрат ва ўч олиш ҳиссини пайдо қилади. Адашган одам гумроҳликдан қутулгач, борлиқни бошқа бир янги алпозларда кўра бошлайди. Янги бир дунёларни кашф эта бошлайди, — дебди Искандар Зулқарнайн.

Алишер Навоий ҳазратлари яратган «Хамса»нинг бешинчи достони — «Салди Искандарий» ҳақида ва умуман, буюк шоирларнинг Искандарга бўлган ихлосу эътиқоди борасида кўп ўйладим. Низомийнинг «Искандарнома»сидан кейин дунёга келган Деҳлавийнинг «Оинайи Искандарий», Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» асарларини неча марталаб дил тубидан ўтказган Навоий Искандарнинг ақлу заковатига, куч-қудратига, унинг шоҳлигидан ҳам кўра инсон сифатидаги ижобий фазилатларига кенгроқ ўрин берди.

Ҳар гал «Салди Искандарий»ни кўлимга олиб варақлай бошлаганимда Искандарнинг омонлик деворини барпо қилишдан мақсади Қирвон ўлкасини Яъжуж-маъжуж дея аталмиш бало-қазодан халос қилишмикан, дея ўйлайман. Наҳотки, Искандарнинг омонлик девори фақат шунинг учун кўтарилган бўлса? Балки, сўз деб аталмиш буюк неъматнинг бемисл қудратию халқнинг оройиш, осойишталигини акс эттирадиган ҳикмат дурдоналари

жамланган хазина атрофига қурилган беназир девордир, нечунким, унинг ичида Сукроту Арастуларнинг, Жомийю аҳли хирадманднинг панду ўғитлари, ибратомуз ҳикоятлари ҳикмат шодаларига тизилган инжудай ҳар кимниям ўзига ром этади.

Навоий ҳазратлари ушбу ўлмас достони орқали болаликдан дўсти бўлиш тахт соҳиби Султон Хусайнга шоҳларнинг қандай бўлиши кераклигини уқдирмоқчи, шоҳзода Бадиуззамон ва укаси Дарвешалига насиҳатлар қилмоқчи. У Сукрот ҳаким билан Арасту тилидан Искандарга панд-насиҳатлар айтади.

Шарқнинг одоби нозик, йўқса, тўғридан-тўғри айтсам бўларди. Йўқ, у киши оидин фикрларини жаҳон кенгликлари ила хушмавзун қилади. Ахир, Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий бекорга демаган: *«Насиҳат ба подшоҳ бе он касми мусаллам астқи, на умиди зар дорад, на бими сар (Подшоҳга шундай одам насихат қилиши маъқулдирқи, на подшоҳдан олтин умиди бўлсин, на боши кетишидан кўрқув бўлсин)»*.

Шу боисдан ҳам ҳазрат Навоий демишким:

*Шоҳ ҳарамиди, Навоий, неча топсанг эҳтиром,
Билгил ўз ҳаддингнию беҳад риоят қил адаб.*

Билҳақ, Лев Толстой ҳам 1902 йил 16 январ куни Гаспирадан Николай Иккинчига: *«Марҳаматли биродар, Сизга бундай мурожат қилишимнинг боиси — Сизни нафақат шоҳ деб билганим, балки ўзимга биродар бир инсон деб билганимдир. Қолаверса, мен Сизга баайни нариги дунёдан мактуб йўлламоқдаман, чунки қазоим яқин қолди»*, деб бошланган мактубининг жавоб қайтиш манзилени нариги дунё деб кўрсатяпти.

Барибир Навоий шоҳлар тортмиш жабрлар борасида ва уларнинг ҳаётлари ҳамиша хавф-хатар остидалигини эътироф этса-да, уларнинг зарбафт тўнлари дардмандларнинг «оҳ»идан куймоғини ичкин нидо ила қайд этади:

*Улки солғай шуъла аззосига ўтлуғ оҳлар,
Қайда билгай куймакин зарбафт кийган шоҳлар.*

Навоийнинг тафаккур дунёси бамисли тубсиз уммон, не ҳикмату ҳикоятлар замирида умумбашарий инсонийлик туйғуларини тараннум этади. Нақллар билан замон ҳукмдорларига сабру қаноат тилайди. Қаранг, қандай ибратли топилдиқ ила очкўзликни қоралайди.

Дейдиким:

Биров шарқда бой ва нодир хазина топди. Хазинанинг

эшигида эса, тубандагича бир қизик хат бор эди: «Кимки, бу хазинани аниқ топаркан, агар мағриб диёрига бориб, фалон ерларни қараса, бундан ҳам катта ганж бор, ўша ерга шу хатни олиб борган одам мукофотни ҳам олғувсидур». Бу хатни ўқигач, хомтама бечора: иккала хазинани ҳам ола қолай, деб ўз хаёлида бунга «ҳиммат» деган от қўйиб, тезда шошиб-пишиб мағриб томон раво-на бўлди. У неча йиллаб дарё кечиб ва даштларни кезиб, бошидан қанчадан-қанча меҳнат ва машаққатларни ўтказгандан сўнг истаган ерига етиб, ахтарган хазинасини топган эдики, шу пайтда бирдан бошига ажал етди. Шундай қилиб, у бечора на бу хазинадан баҳра олди ва на у хазинанинг роҳатини кўрди, машаққат чека-чека жонидан ҳам жудо бўлди.

Шоҳлик — ҳўлу қуруқ демай, беҳаловат кезиб, ҳаммаёқни забт этишдан иборат эмас, балки Тангри берган неъматлардан элни баҳраманд этишдир.

Кимки сабрли ва қаноатли бўлса, доно ва бахтиёр одам шудур...

Шу янглиғ нақллар баробарида, қизик, балки Навоийнинг улуғлиги ҳам шундадир, Искандар Зулқарнайни ёзаётиб укаси Дарвешалига насиҳат битади:

«Эй, гавҳарим конининг гавҳари! Эй, порлоқ юлдузим буржининг юлдузи! Сен улуғлик ва баланд мартабанг билан ҳаммага маълумсан, насабда мен билан туғишган қариндошимсан. Бу беш хазина бўлмиш дostonларнинг тилсимини очдим, энди сенга ҳам бу гавҳарлардан бир қисм ажратай. Менга вақтики, майхона насиб ўлди, сен ҳам бу ерда бир неча қадаҳ сумургин. Ўша гавҳар деганим бирмунча панд-насиҳатлардур, қадаҳ деганим ҳам маъноси чуқур чиройли ва фойдали сўзлардур. Сен шу насиҳатларимга баҳслашмай зинҳор-базинҳор амал қилгин.

Ҳар ишни ўринлатувчи Худо сени ўз тенгдошларинг орасида улуғ мартабали ва обрўли қилди. Бунинг шукронаси учун сен ҳеч бир гурурланмай ўзингни камтарин тут.

Нимайки амр этилса ризо бўлгин, агар бирон нарса ни билмасанг, уни билувчини топиб сўра, Ҳақ эҳсонидан мартабанг ортдими, унинг амру фармонидан бўйин тўвлама. Чунки ҳақ шафқатли ва марҳаматли бўлиши билан бирга жабр ва қаҳр қилувчи ҳамдир...

Худо ва пайғамбар амрини камолига етказгач, валинеъмат подшонинг амрини бажо келтиришга урин. У нима ҳукм қилса, адо этмоқни фарз бил. Агар бирон фармонига сенда шубҳа туғилиб, англашилмовчилик юз бериб қолса, бу ҳақда унга арз қил. Лекин шикоят пайтида адаб шартига ниҳоятда риоя эт, зеро, адабсизликнинг самара-

си ранж-машаққатдан ўзга нарса эмасдир. Менга ёзган хатларингга ўхшаш палапартиш гапларни унга ёзма; шодлигинг биноси пойдеворини ўз қўлинг билан қазиб, бузма! Агар Ҳақ сенинг улушингга амалдорлик ва бахтиёрликни насиб этган экан, сендаги бу юқори мансаб учун шоҳни сабабчи қилиб қўйибди. Худо ўз марҳамати ила шоҳни сабабчи қилмаса, мен билан сен иккита гадодан бошқа ким эдик? Шоҳ гарчи иноят пайтида лутфу марҳамат қилса-да, лекин азоб-уқубат ҳам бера олади. Унинг қўл остида ишловчи кишилар доим шоҳдан хавф ва умид кутган ҳолда яшашлари шарт. Бу икки ҳолатни ҳисобга олиб иш кўрган одам тинч-омон ҳаёт кечириши шубҳасиз.

Ўз амалинг юзасидан хизматингни тўла бажарар экансан, фуқаронинг ишига ҳам аҳамият беришинг лозим. Эл-улусни ўз адолатингдан баҳраманд қил, ёмонлардан яхши одамларга шикаст ва азият етмасин. Муҳтож ва бечора одамларга шафқат, марҳамат айла. Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл. Сени Тангри анчагина раҳмдил қилиб яратган, бинобарин, бунча гапларни сенга айтиб юришининг ҳожати йўқ. Лекин биламанки, бундай гапларни ҳар доим қайта-қайта баён қилишининг зиёни йўқ. Замон ва давронда абадийлик йўқ, у ўзгармай, доим бир мақомда барқарор турмайди, аммо киши ҳаёти эса ундан ҳам бевафороқдир. Мен бундан сўнг бўламанми-бўлмайманми, билмайман. Шунинг учун бу гапларни сенга ёдгорлик учун қолдирдим. Умид қиламанки, сен буларнинг ҳаммасини шиор қилиб оласан! Икки дунёда Тангри ёринг бўлсин!»

Ҳазрат Навоийнинг нечоғ қийналиб, охиригидан достонини бошломмай устози Жомий ҳазратларига дил изҳорлари, ўтган хамсанавислардан дуо олиб, «Садди Искандарий»га нуқта қўйиб, «Хамса»ни ёзиб тугатганидаги роҳати кўз ўнгимда равшанлашди. Худди қум бандилигидан озод бўлиб, бошимдан ўтган бу қаро тунлар азобию вужудимда тўлғонган тезпай тазкираи таҳқиқларимни қоғозга тушургандай бирдан қанотланиб кетдим. Мени турфа балоқазолардан, даҳшатангиз дилгирликлардан сақлаётган қўналғамнинг қавий қаср янглиғ ботиний салобат бахш этиб турган деворлари ичра хотираи хутуримдан ўтаётган воқеълар муалло мулки мулкатимдир. Бу тунд тунлар тонглоғи тоза, мукрим, мубарродур, иншооллоҳ. Навоий ҳазратларига ўхшаб, бир лаҳза бўлса ҳам бир тараб айлай:

*Қани, чал созингни энди муғанний,
Турли нағмаларда муқом эт, қани!..*

Нурли мушоҳадалар самараси ўлароқ кўнглимга му- нис мунавварлик, ҳазилу ҳузурга мойиллик ийнганидан, унинг руҳониятимни кўтаришга асолигидан ва шу аснода менга бу янглиғ хушқайфият бағишлашни Парвардигор- нинг ўзи рағбат бераётганидан масрур бўлдим. Бундай пайтларда хотирамга машҳур созандаю гўяндаларнинг, ас- кияю хоразмча жавобларга суяги йўқ, ҳаётлари нечоғ оғир кечган ҳолларда ҳам бир шингил кўнгилочар ҳазиллари билан қоронғи оламни гулистон этадиган ноёб фазилатли инсонларнинг хушмавзун айтимлари, ичакузди ҳангома- лари келади.

Вилоят театрининг ўти билан кириб, кули билан чи- қадиган Аҳмаджон Исмоиловнинг лақаби антиқа — Бир АмаТ. Аҳмаджон акани хотирамга келтирдим дегунча, қай ҳолатда бўлишимдан қатъи назар, юрагимга шодлик, юзимга табассум югуради. Сўзга чапар, хушовоз хонанда Шариф Болтаев ҳамда ўлтиришмаларнинг гули, ҳозир- жавоб гурунғчи, Хоразму Тошкент йўлларида бирдай ши- рали овози билан барчани хушнуд қиладиган Бекжон Ота- жоновлар у кишини хоразмчалаб АмаТжон эмас, негадир Аҳмед дейишарди.

Аҳмаджон акани қай бир давраларда мана шундай таништираман:

— Театрнинг энг фидойи, энг интизомли, энг адаб- ли, меҳнаткаш, жафокаш артисти Аҳмаджон Исмоилов бўладилар.

— Жуда тўғри, — дея Аҳмаджон ака тасдиқлаб ҳам кўядилар.

У кишининг дабдурустдан «тўғри» деб мақтангани учун нечоғли «интизомлигига» шарҳ бераман:

— Баракалло, камтарга камол, деганлар. Бу киши ўта уста доиракаш — чилдирмачи бўлганлари билан, боз ус- тига, устозларига ўта ихлосли инсон ҳамдурлар. Қайси бир йили, Абдушариф ака созандалар бошлиғи, Пошша- жон опа Бобожонова театрнинг директори бўлиб турган пайтида, — сўзим шу ерга келганда Аҳмаджон ака сўзла- май ўтиришга ортиқ чидолмай, нўшханду лобаи сўраш қилганча сўзимни бўлади:

— Домилла, ўзим айтиб барийн-ла! — Розилигимни- ям кутмасдан, жарангдор овозини сал баландлатганча ўтирганларга чиройли нигоҳ ташлаб, давом қиладилар: — «Жон қизлар» деган мусиқали пиесани топшириш куни бир чилдирмани роса оби-тобида қиздириб устага, Абду- шариф акага бердим. У киши ҳам дирижёрлик қилади, ҳам чилдирма чалади. Ўзимнинг чилдирмамни қиздирмоқ

учун қоровулхонага чиқсам, Жиззах томондан икки тўйчи ўтирибди. Меҳмон бўлгандан кейин йўл бўлсин сўрайсизми, ахир, — ўтирганларга саволини маъқуллатгач, яна завқ билан сўзини авжлатиб бора беради: — Мен ҳам сўрадим. Чилдирмачи керак, дедилар. Ина, ман шу чилдирмачи, дедим. Гапнинг қисқаси пиесани ташлаб ҳозироқ жўнаш керак экан, бошингизни оғритиб натин, улар билан келишдик. Хўш, театрда ҳамма вақт ҳам масъулиятлику-дои, дим масъулиятли кун жамоатчиликка пиеса топшириш кунни. Нишаб жавоб олсам акан, даб доирани ҳам таранглатиб қиздириб, сахна ошоқидаги мусиқа чалинадиган ера кирдим. Пиеса бошланишигаям вақт оз қолган. Музикантлар созларини созлаб, Абдушариф ака кимларгадир камис-кутикларини ўргатиб турибди; устага яқин бормай, берироқдан рангимни ҳам буриштириб, худди чидаб бўлмай турибди дегандай, қорнимни ушлаб, «мазам қочиб турибди, ташқарига чиқиб галмасам бўлмийди», қабалида имо-ишора қилдим. Уста «майли» дегандай бошини ирғаб, рухсат берди. Манго шу гараг ади, дишона қараб зингдим-ов (отилдим).

— Шу кетганингизча қачон қайтдингиз? — деб кулмай сўрайман ундан.

— Йигирма тўрт кун деганда.

Ўтирганлар «гувв» этиб кулишади.

— Театрнинг энг тартибли, интизомли одамнинг аҳволи шу, — дейман сал танқид қилган бўлиб.

— Нишатасиз, борсак, тўй устига тўй.

— Юривардингиз варанглатиб, — кимдир унинг сўзини маъқуллайди.

— Нишатасиз, ризқингиз нера сочилса, чўпламай иложингиз йўқ. — Худди Худо таолонинг буйруғини бажаргандай беписандлик билан жавоб беради.

— Театр раҳбарлари уришмадиларми? — сўрайди яна бошқа биров.

— И-и, — дейди Аҳмаджон ака ғолибона назар ташлаб, — директоримиз Пошшажон опа чақирди, ман жавоблиман дадим, Абдушариф акадан жавоб олдим дадим. Усталиндаги бир кнопкани босди, секретари гирди, Абдушариф акани чақиринг, деди. Чақираваринг, дадим. Сиз Исмоилов, жим ўтиринг, деди. Индамай ўтирдим. Бир оздан кейин қўлтиқтаёқини таққиллатиб, Абдушариф ака кириб галди. Директор: «Сиз Аҳмаджон акага ишдан рухсат бердингизми?» деб сўради. У киши, ўтиретиб қўлтиқтаёғига ҳали яхши суйанмин ҳам «қова, лекин...» давади, Пошшажон опа уни сўзини бўлиб, манго, сиз Исмоилов бораваринг, дади, ман дишона чиқдим. Салдан кейин уста ҳам директорнинг олдидан ранги оқаринқираб чиқ-

ди. Ҳали ман қоровулхонага етмавадим, изима қайтиб, устага тушунтиржак адим, кулоқ қўйибми, қўлидаги таёқнинг бирини манго қараб отди-ёв, лекин теккизавармади. Орқама қарамин қочдим, сўкиниб қолаварди.

— Кейин нишаб ярашдингизлар? Уста кечирдилами?

— Ҳовва-а! Дим аласа, уста бағри кенг одам. Ҳовуриннан тушинчалари ёнларина ёнтошмадим. Сал совиганиннан кейин бордим. Уста, нишатин, шундин бўлиб қолди дадим. Индамади. Пойингиз (улушингиз) турибди, чиройли атиб қўйибман, олиб галиша кўрқиб юрибман, яхши дасангиз дарров олиб галаман, дадим. Уста индамади-дон, ранги-рўйи питта (жиндай) очилишгандай бўлди.

— Кейин пойини олиб галиб бардингизми?

Шундай ҳам содда савол берганга Аҳмаджон ака ҳайрон бўлиб қаради:

— И-и! Пой нишийди, биров нишийди. Яна бир ўнгайинда хизматини атиб юбораварардик устани, уста зўр одам ади, раҳматлик.

— Ина сизга артистлар ичида қўли очикликнинг том маънодаги вакили.

Шўхшан бир дўстимиз менинг сўзимни илиб кетди:

— Барака топсин булар, ўлик ювғучи мурдашўвлардан пичоқ орқаси фарқ атади баъзилари.

Даврада яна «гувв» этиб кулги кўтарилди.

Тавба, Аҳмаджон акани театрда қарийб ҳамма бир Амаат деса, Шариф Болтаев «Аҳмед» дея чақиради дедиму бошқа ёққа ўрлаб кетдим. Холис хизмати учун берилган Бир Амаат лақаби билан ўзининг мақтанишини кўрсангиз, бай-бай, лекин ўзиям гурунгнинг кони. Қайси воқеасини эсласангиз ҳам кўнглингиз равшанланмай иложи йўқ. Ундай воқеалар эса беҳисоб.

Театр жамоаси авваллари ҳар йили Республиканинг бирор вилоятига ижодий сафарга борарди. Ижодий сафар чогида актёру созандалар, хонандалару раққосалар ҳар ким ўзининг дидига мос дўсту жамати билан ҳамхона бўлиб яшайди. Бу янглиғ ҳарифлар яқдиллиги ўттиз-қирқ кунлаб давом этадиган сафар чоғи жуда-жуда асқотади. Икки бир-уч бир бирлашиш сафарга жўнаш учун поездга чиққандаёқ купеларга бўлинишдан бошланади. Жамоа қайси бир сафарга бормасин, Аҳмаджон ака Шариф Болтаев билан бир купеда кетади, бир хонада яшайди, яна бирга қайтади. Шарифбойнинг қандай озор беришидан қатъи назар, бари инжиқликларига чидаб хизматини қилаверади. Биринчидан, Шариф Болта даста боши, Аҳмаджон ака унинг ёнида чилдирмакаш; иккинчидан, Аҳмаджон ака табиатан овқат пиширишга, бозор-ўчар қилишга ҳам уста, ҳам яхши кўради; учинчидан, икковиям ҳозиржа-

воб, от тепкисини от кўтаради, деганларидек, Аҳмаджон ака Шариф Болтани хуш кўради.

Бир сафар поездга минишаётганда Аҳмаджон акадан ўрис пули даврида Шариф Болта сўраган:

— Аҳмед!

— Лаббай, Шарифбой!

— Қани, шерик, бу сафар неча сўм олиб чиқдинг?

— 17 сўм!

Шунда Шариф Болта ҳаммага эшиттириб:

— Ҳа-а! Уйингни сотдингми? Навалон кўп! — деганида артистлар кулгисидан вагон титраган экан.

Аҳмаджон ака Шарифбойдан ҳам, Бекжон Отажоновдан ҳам ёши катта бўлишига қарамасдан улар тенгқурдай, уни бемалол «сен»сирашаверарди. Бундан у заррача инжилмайди, аксинча, ўзларига тенг кўрганларидан севинади, чойларини дамлайди, овқатини қилиб беради.

Бекжон акаям, Шариф акаям ўта мақолчи, ўта гапдон. Қайси мавзуда гапирсангиз ҳам жавобида бирор мақол ёки теша тегмаган сўз ишлатишади.

Қарийб ҳар куни эрталаб соат ўнда театрда ўтказиладиган «бешминутлик»да кечаги бўлиб ўтган ҳангомаларни кимдир қўзғайди ва борлама бошлангунча артистларнинг бири олиб, бири қўйиб изини гоҳ кулгига, гоҳ кўнгил қоларлик бир нимарсага айлантирадилар.

Бир куни эрталабки борлама бошлангунча артистлар атайлаб Аҳмаджон акадан ҳол-аҳвол сўрашганларида, у тўйда пул бўлишликлардаги номутаносибликдан нолийди. Кичик залда ўтадиган «бешминутлик»ка эндигина кириб келган Шариф Болта Аҳмаджон ака сўзларини эшитиб, ўзигагина хос бўлган бўғиқ овозда келганини мажлис аҳлига билдиради ва Аҳмаджон акага шаъма қилиб:

— Эшак қарриси, девонага тушади, деганларларча бор! — деди.

— Ҳали биз қарридику...

Шариф Болта Аҳмаджон акани гапиртирмай, сўзини огзида олдди:

— Йўқ, ким сани қарри дади, Аҳмед? Тўрваси қарримаса, от қарримайди, дейдилар, на дадинг, Бекжон!

Шариф Болта уни гапиртирмаганига Аҳмаджон ака нимаям деб гўдранса, Бекжон ака овозини баландлатиб Шариф Болтанинг ёнини олдди:

— Шерипбой! Қўявар, кўрга бадланганни фойдаси йўқ!

Бекжон ака бир ўқ билан икки қуённи ураётганини ҳамма билади, чунки Бекжон аканинг доирачиси Собир Жуманиёзов. Унинг эса, бир ён кўзи сал ғилайроқ бўлгани учун лақаби кўр.

— Кўзи очикларга қаранг-ов, поҳ-поҳ! — Энди Аҳмад-

жон ака бир томонда қолиб, Собир аканинг фиғони чиқади. — Доирасиз биринг бир қўшиқ айтиб билмайсизлар-у, тагин осмоннан келасизлар!

Шариф Болга даста бошига шерик бари созандаларнинг ҳовурини босиш учун тўйдан бераётган пулини оз эмаслигига шаъма қилди:

— Қаноатлининг қорни тўқ, қаноатсизнинг тили ўқ. На варсанг ҳам оз, чопонингни ит далафандин (талагандай) далийди!

— Ажали етган ит мечитнинг (масжид) деворига сияди, дейдилар.

Бекжон аканинг оҳори тўкилмаган мақолидан залда кулги кўтарилди.

— Ҳай-ҳай, — деди кимдир мақолнинг жиндай кўполлигидан, лекин унга ҳеч ким эътибор қилмади.

— Беҳунар бахтли бўлмас молу зари бўлган билан...

Аҳмаджон ака Шариф Болтага уёғини айтишига имкон бермади ва ўзи жарангдор овози билан унга текизиб, кўп бор эшитган мақолини давом қилдирди:

— Эшшак асло одам бўлмас, анго либос ёпган билан.

Театрда ҳар куни эрталаб ўтказиладиган «бешминутлик»ка эртароқ йиғилганлар бу даҳанаки «жанг»нинг ибтидоси кеча қайси бир тўйдан кейин пул тақсимлаш чоғи бошланган-у, давоми ҳозир авжланаётганини билишганидан, наинки бу гуруҳ, балки бошқа тўдаларнинг ҳам аҳволи шую ҳали замон ҳеч нима бўлмагандай яна бирлашиб, янги чиққан тўй тараддудига тушишади. Лекин ҳар кун азонлаб мана шундай ҳазилу ҳузуллар билан бир-бирини чандиб олишлари бор. Бошланган бостирмали эзгилашлар тафтини советмаслик учун Бекжон ака ширали нафаси билан йиғилаётганларнинг диққатини янада тортганча, Шариф Болтанинг ҳозиржавоблигидан фойдаланиб, Аҳмаджон ака баҳона асосий кўзлаган мақсадига қайтиб, шериги Собир Жуманиёзовни яна улоқдай ўртага ташлади:

— Шерипбой, ёлғончининг охири хўрлик, сурнайчининг охири кўрлик!

— Бекжон! Ким айтди санго Аҳмедни сурнайчи деб? У кар...найчи-ку!

Энди бу яна Собир ака устидан Аҳмаджон ака томонга отилган палахмон тоши эди. Шариф Болтанинг ўрнида айтган топқирлиғи боис кўтарилган кулгидан залнинг тепа ойналари титрайди.

Театрнинг эрталабки борламаси ана шундай сўз ўйинлари, кимларнидир жиндак камситишлар, кимларнингдир «саховатпешалиги»га найзалар санчилиши билан бошланади. Лекин бари беғубор, бари дўстона, кечқурун яна

ҳар ким ўз шериклари билан қайси бири тўйга, қайси бири зиёфатга жўнайди. Эрталаб яна чиройли чимдишлар, андак узиб олишлар. Шундай қилинмаса худди бир ёнлари камис, умргузаронликларида кемтик бордай туюлаверса не ажаб...

Буларни эслайману беҳолгина мийғимда қулимсирайман. Қўналғам устидан шитоб билан ўтаётган шамолнинг ҳовури ўчакишгандай, мени тенгсиз курашга чорлаётгандай авжланади. Мен эса, тахти Каёнимда ўзим хон, ўзим Султон. Худди саҳнадаги хонлар янглиғ ўйин тугагач, оддий фуқаро. Бирдан ҳамиша хонларнинг ролини ижро этадиган, ҳаётда эса ўртаҳолгина яшайдиган яна бир ажойиб инсонни эслайман. Бу Ҳўсин Ҳўжаев. Уни ҳар доим қандайдир ачиниш, қандайдир раҳмим келиб эслайман. Нега десангиз, у иқтидорли актёр бўлиш билин бирга, ҳаётда оддийгина, меҳнаткаш одам эди раҳматлик, эрта оламдан кўз юмди. Театр артистларининг кўпчилиги қўшимча даромадни тўйларда қатнашиб топса, у одамларнинг уйларини баҳоли қудрат таъмирлаб, нақш қўйиб рўзгорини тебратар, саҳнадаям ўз ўрни, ўз овози бор эди.

Хоразм тахтига қирқ етти йилдан зиёдроқ ҳукмдорлик қилган Муҳаммад Раҳимхон Соний-Ферузнинг бош вазир, инқилоб боис одамлар наздида русларга ён босган, Хивада биринчи рус-тузем мактаби очиб, инқилобий ғояларни тарғиб этганидан, куёви Исфандиёрхон томонидан хуфёна бўғизланган Исломуҳжага унинг қандайдир қариндошлиги бор эди. Шу боисми, унинг саҳнадаги шоҳлик важоҳатидан бутун зал титрар эди. Ажабким, артистлар концерт чоғларида унинг соддалигидан фойдаланиб, ҳамиша устидан кулиб юргувчи эдилар. Энг қизиғи, Ҳўсин ака неча бор қовун туширсаям, ҳеч маҳал ранжирмас, яна янги номерларни эълон қилишда оққўнгиллик билан бир-бир ёзиб олиб эълон қилаверар, маъмуриятдан танбеҳ эшитиб, яна кейинги сафар, ижрочилардан қандай куй, ё қўшиқ айтишларини сўраб олиб, бемалол саҳнага чиқиб, ҳеч иккиланмасдан эълон қилиб юбораверарди.

Бир сафар, катта концертдан аввал чалиниши керак бўлган мусиқа номини забардаст созанда, ҳаётда ўта ҳазилкаш Нурмамат ака Болтаевдан сўрабди.

— Дик мўри, — дебди Нурмамат ака жиддий.

Ҳўсин Ҳўжаев виқор билан саҳнага чиқиб:

— Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма ва комедия театри артистлари иштирокида катта концертимизни бошлаймиз. Куй... «Дик мўри» (Тикка мўри)... ижро қилади... театр созандалари.

Парда очилган, томошабинлар куйга мунтазир, аммо

созандалар нима чалишни билмай ҳангу манг бўлиб, «Мўри» деган куй қандай куйлигини билмай, бир-бирларига ҳайрон боқишармиш. Нурмамат акаям, бу қандай куй бўлди дегандай, даста боши Ҳайитбой Бобожоновга қараб:

— «Мўри»си на? — дебди.

Ҳайитбой ака ўсалдан-ўсал, не деярини билмай:

— Навлин, Ҳўсиннинг мўрисини кейин тозалармиз, ҳозирча «Муҳаммаси ушшоқ»ни чалиб тураберайлик, — дегану мусиқани бошлаб юбораверган.

Яна бир сафар Тўртқўлда гастрол чоғида ўртакашлик илмини анча мукаммаллаштирган Ҳўсин Хўжаев шуҳратли артист Ваҳобжон ака Фаёзовга томошабинлар қарсагидан кейин навбатдаги номерини эълон қилиш учун аста устознинг ўзларидан сўрайди:

— На айтасиз?

— Айтаверсаммикан?

— Кўриб турибсиз-ку қарсақларни, айтмасангиз бўлмайди.

— Майли. «Амударё саннан Фариб ўтдим».

Ҳўсин ака «хўп» дея эълон қилаётганмиш:

— Ваҳобжон ака ижросида яна кўшиқ... «Фариб саннан Амударё ўтдим».

Залдаги кулгига ҳамоҳанг Ваҳобжон ака саҳнадан узоқлашаётган Ҳўсин Хўжаевнинг орқасидан кулиб дермиш:

— Шунақасиям бўлади, бир сафар Фариб ўтса, бир сафар Ҳўсинбой айтмоқчи, Амударё ўтади... Фарибнинг устидан.

Томошабинларнинг кулгисини Ҳўсин ака ўзининг концертни яхши бошқараётганига йўйиб, «қалай, зўрми» дегандай кулисда турган артистларга виқор билан бир-бир боқса, улар томошабинлар кулгисидан ҳайрон, чунки Ҳўсин ака ҳамиша хонлар, вазир ролларини қойилмақом ижро этиб келаётган жиддий актёр, у икки дунёда ҳам саҳнада қизиқчилик қилиб концерт бошқарган эмас.

Шундай афтодаи андармон ҳолатимда буни эслаб, сархушланаман. Ҳўсин аканинг сиймоси кўзим ўнгида жонланади. Ҳаётликларида кам танишлигимдан, кам гурунглашганимдан афсурда бўламан. Кўз олдимга худди Ҳўсин Хўжаевдай соддадил, табиатан боладай беғубор қалбли, хассос хонанда Кутлимурод ака Ҳожиёв келади. Унинг ажабтовур ҳангомаларга бой ҳаёти ўзи бир китоб, ошиқлиги бошқа бир китоб. Энг ажабланарлиси, Кутлимурод акани адабийчалаб, Кутлуғмурод ака дейилса, наинки бошқалар, балки унинг ўзигаям эриш туюлган бўлармиди. Ҳатто унинг лақабини чапақай демасдан, ҳарфини тўғри-лаб чапақай дейилса ҳам у кишининг феъл-атвори, бо-

рингки, бутун борлиги ўзининг туб маъносини йўқатгандай бўлади. Қачонки, шу кишини ўйласам, алломай замона Фузулийнинг байти эсимга келади:

*Сурди Мажнун навбатин шимди банам расвои ишқ,
Дўғри дерлар ҳар замон бир ошиқинг давронидур.*

Замонасининг забардаст хонандаси, «Феруз» ашула-сининг бетакрор ижрочиси Назира Юсуповани еру кўкка бермас даражада яхши кўрган. Салгина ширакайф бўлган чоғларида суюкли ўгли Орифжоннинг «Жигули»сига миниб Назира опанинг эшиги олдидан бир неча маротаба ўтиб-қайтган, магарам, Орифжон сал ён бериб, номини айтмай ҳам «олиб келайми» деб сўраб қолгудай бўлса, «жонингдан айланин, дарров олиб гал» дея тантилик қилган Қутлимурод акани бугун ўзга бир илиқ меҳр билан эслаяпман. Қандай ажойиб. Юраги тоза, ниятлари беғубор, ёш боладай ҳар нарсага кувониб, хафалансалар ҳам тезда баҳор туманидан чиққан куюшдай юзлари нурланиб кетадиган одамлар камайиб бораётганидан, балки бизнинг давримизда яшаш тарзи шунга мойилроқмидики, жуда кечиримли эдик.

4

Бу қоронғу тун қаърида яна нечундир миямда беихтиёр қаролик, қора шомлар баробарида қора кўзлар айлана бошлади, ногоҳ «Қаро кўзим»ни келган жойидан сингсий бошладим: «Юзида терни кўриб...», айниқса ҳозир, совий бошлаган қўналганинг даҳлизга монанд торгина шох-шаббаю кумлоқ деворларига наинки кўлим, ҳатто чопонимни бари тегса ҳам тани-баданам музлаб қоладигандай, маҳсили оёқларимни бекитсам, тиззаларим очилиб, ҳолим хароб аҳволда Навоий ҳазратларини эслашим балки, руҳиятимга Оллои таолонинг юбормиш мададидир, қолаверса, қўналга совияптики, демак тонг яқин. «Юзида терни кўриб...»

Неча замонлардан бери айтилиб, эшитилиб келаётган бу машҳур байтни яқинда бир матншунос олим янгича шарҳлабди, яъниким, «тер» — бу кўпчилик тушунадиган оддий термас, балки «тайр» — «қуш», дебди. Аввалига мен ҳам бир лаҳза шу шарҳга берилдим, ўйладимки, «бахт қуши» дегандай, юздаги севинч, кувонч ёхуд ғам қуши бўлса, не ажаб. Яна байтни алоҳида ўқимасдан ғазални қайта-қайта ўқидим, йўқ, «тер» — тер, «тайр»мас, негаким, биринчидан «юзида терни кўриб ўлсам...», нега энди шодлик, ё ғам қушини кўриб ўлмоқ керак? Қолаверса,

иккинчидан, байтдаги «гулоб»нинг юкидаги маъно нима бўлади?

Тошкентга бир йўлим тушганида танишмасимдан олдин эътиқод қўйган дўстим, адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулга бу ҳақда гурунг этдим. Иброҳимжон сўзларимни бўлмайдиган тинглади ва ўзига хос мийғида кулиб:

— Ким ўша матншунос? — деб сўради.

— Исми эсимда йўқ, — дедим.

— У байтда қуш нима қилади? «Тер» — тер-да... — Иброҳимжон бир оз жим турди-да, байтни аста шарҳлай бошлади: — Ҳазрати Навоийнинг байтларини ҳар хил талқин қилиш мумкин. — Мен матншуноснинг исмини айтмаганимга у андак андишаландими, унинг кўнглига озор етказишга малолландими, сўз оҳангида аҳли уламога нисбатан хайрихоҳликка ўхшаш, уларнинг ҳам фикрларини чўрткесарлик билан инкор этмасликка менгзар қандайдир юмшоқлик акс этди ва ўзига хос ўқтамлик ила фикрини кенгроқ олди. — Навоийнинг шоҳ байтларидан баъзан уч-тўрт хил маъно чиқади... Энди «тайр»га келсак, менимча, бу сунъий ўйлаб топилган талқин. Аслида, байтни мантиқан «тер» сўзи исботлаб турибди. Бунинг учун шу сўзнинг тарихига жиндак назар ташлашимиз керак бўлади. Ҳазрат лайғамбарнинг муъжизалари ҳақида гапиришганда шундай бир воқеани эслашади. Кунлардан бир куни у кишининг муборак юзларидан тер томганда тикан хушбўй гулга айланган экан. Бу тасаввуф орқали воқеалаштирилган бир ҳодиса. Иккинчидан, лайғамбаримиз жон таслим қилаётганларида юзларида резара тер пайдо бўлибди. Шунда Ойша онамиз бу тернинг ҳидидан маст бўлар ҳолатда у кишидан, «отам, онам, жоним сизга фидо бўлсин, бу тернинг сири нима?», деб сўраганларида, Расулulloҳ: «Жон тер билан чиқади. Мусулмондан ана шундай хуш бўй таралади, кофир маркабга (эшакка) ўхшаб ҳиққиллайди», деган эканлар. Бир жиҳатдан Навоийнинг байти мана шу ҳодисага ишора қилади ва Навоий замонида шеърхон тернинг сирини илоҳиёт билан уйғунликда англаганлигига ҳам шубҳаланмас бўлади. Қолаверса, гул ва гулоб гўзалликнинг энг олий рамзи. Навоий вужудни гулоб билан ювиш ҳақида гапирганда руҳнинг латофати ва илоҳий асрорига диққатни жалб қилган.

Сухбатга жон қулоқ бўлиб ўтирган дўстларимиздан Салим ака Жўрабек ўгли ҳайратини яширолмади:

— Гулоб билан ювиш...

Иброҳимжон у кишининг нимага шаъма қилаётганини англади чоғи, сўзини оғзидан олди:

— Менимча, Навоийнинг байтини реал маънода анг-

ламаслик керак, чунки бу улуг шоир назарда тутган нарса рухоний уйгунликни, гузалликни ва ошуфталикни деярли йуққа чиқаради. Мен бу байтни ўқиганимда ҳар гал пайгамбар билан боғлиқ ўша тер воқеасини ўйлайман. — Сал тин олиб ўзига-ўзи савол бериб, жавобини ҳам айтиб қўяқолди: — Нега? Бунинг сабабини аниқ изоҳлай олмайман...

— Иброҳимжон, дуруст дедингиз, — деб Эркин Аъзам ҳамишаги босиқ оҳангда лутф қилди, — мазкур байтни ҳар ким ҳар хил тушуниши ва талқин қилишига заррача монъелик қилмаслик керак.

Эркин Аъзамнинг укаси Воҳиджон бу гаплардан ҳузурланди чоғи:

— Баракалло, — деди чўзиб.

..Бу қаро тун қўйнида яна «Қаро кўзим»ни, Абдумалик акани эсладим, бирдан хиргойи қилгим келди. «Қаро кўзим, келу мардумлиғ эмди фан қилғил...» Хўш, бундан энди менга не нафъ? Энди одамийликни фан қиладиган қаро кўзим қорачиғида кимлар ватан қилади? Шу қўналгадан чиқишга ҳолим етмай, жон таслим этсам, найнки ватан этишга, балки уни юмиб қўйишга ҳам одам топилмас...

Бундай шум фикрларни қувмоқ ниятида «Қаро кўзим» қўшиғини кимлар яхши ижро этганини хотирлай бошладим. Юнус Ражабий, Ориф Алимахсумов, Уринбой ака Отажонов, дарвоқе, у биринчи бўлиб Хоразмда «Қаро кўзим»ни «соль»нинг иккинчи актавасидан бошлаб айтган эди. Барчага маъқул бўлганидан Бекчон Отажонов ҳам шу пардадан айтиб қўшиқ ихлосмандларини хушнуд этган, лекин Отамурод Бекжонов ўзига хос ширали овози билан маромига етказиб машҳур бўлгани ҳақ. Бироқ барибир унинг қўшиқ айтишидан ҳам актёрлиги баланд-ов.

У Огаҳий номидаги Хоразм вилояти театрига янги ишга келган пайтларини бот-бот эслайди, қандайдир сабаб билан йиғилган чоғларимизда айтиб ўзиям роҳатланади, биз ҳам ҳузурланамиз.

Қулоқ беринг

Отамурод аканинг бир қариндоши ундан тўйини ўтказиб беришни сўрайди. Отамурод ака рози бўлади ва андак такаббурлик билан қайси ўйинчини олиб борсам экан, дея биррав хаёлидан ўтказади, негаким, унинг актёрлик иқтидори тез орада оғизга тушиб, театр жамоасию дўсти-ёрлар ўртасида обрўси ортиб бораётганидан, бирорта раққоса унинг раъйини қайтаролмаслигига ишонади. Бироқ, қариндошининг тўйи кунни яқинлашгунчаям бемалол юр-

гани унга бир умр сабоқ бўлганини ҳали-ҳали куйиниб эслайди.

Тўйдан бир кун олдин балетчи қизлар хонасига кириб, сал беписандлик билан:

— Эртага бир қариндошимизнинг тўйи... Шунини ўтказиб беришни менга топширишди... — дейди.

Театр артистлари ўртасида ажаб бир одат бор, қайси бир қўшиқчига тўй чиқсаям, ҳеч бегонаники дейишмайди, албатта узоқроқ бир қариндошиники бўлади. Бундан кўзланадиган мақсад, биринчидан, театр маъмурияти томонидан бериладиган йўлланма «жавоб»га айланади — текин, иккинчидан, вилоят миқёсида энг муҳим тадбир бўлсаям, у озод қилинади, учинчидан, ёнида борган созандаю раққосага тўйдан тушган ҳақ кам берилади, баъзан-баъзан «тўй эгасига қолдириб кетиш» ҳоллариям бўлади. Лекин ҳамма билади — тўй бегонаники, барибир тўй эгасининг қариндошлигини суриштириб борсангиз, кимнингдир қудасининг қудаси, амма-холасининг ўнинчи амма-холаси бўлиб чиқади. Шунинг учун ҳам театрнинг балетчи қизлари ичларида «бу чўпчагингни амманга айтасан», дейишади-ю, бироқ буни сездиришмай, аксинча:

— Вуй, — деб чуғурлашди қизлар. — Қандай яхши, бир яйраб келарканмиз-да, — дея Отамуродни суюнтиришди.

— Эртага бекормисизлар, тўй-пўйларинг йўқми?

Отамуроднинг бу янглиғ эркалигига улар бараварига келишиб қўйишгандай:

— Қандай иш бўлсаям йиғиштираамиз, — дейишди, аммо аниқ қилиб, «сен», ё «сең» демаганидан қизлар Отамуроддан андак ранжидилару сездирмадилар, кулиб қўя қолдилар.

Эртасига театрнинг «бешминутлиги»да труппа бошлиғи Аваз Бобожон, анча-мунча тортишувлардан кейин барчани иш-ишга бўлди: кимларни қайси бир колхозда бўладиган концертга, кимларни кечқурунги спектаклга ёзди ва охирида:

— Отамурод ҳали тоза, бугун қариндошиникида тўй бор экан, унга жавоб, — деди.

У «қариндоши»ни ҳамма тушунадиган оҳангда айтганидан залда энгил кулги кўтарилди. Отамурод бу гапга кейин-кейинлар тушунди. Энди ўзиям бировларнинг «қариндошларининг» тўйлари бўлса, гумонсираб куладиган бўлди. Лекин унда Отамуроднинг ҳақиқий қариндоши тўй ўтказаётган эди.

«Бешминутлик»дан кейин Отамурод ёнига оладиган чилдирмачи, аккардеончини танлай бошлади. Унга айтса, у фалон жойга бўлинган, бунга айтса, бу фалон жойда

банд. Боши ғовлай бошлади. У Аваз акага мурожаат қилишга мажбур бўлди.

— Қизиқ акансан, сан бола, — деди боғлиқ эмас кўзини катта-катта очиб Аваз ака. Унинг бир кўзи кўрлигидан ёнида «Аваз ака, Аваз ака»лаганлари билан орқаваротдан «кўр» дейишарди. Устига устак, унинг овозиям ҳеч кимникига ўхшамас дўрилдоқ эмасми, жеркиб ташлагандай эшитиларди. — Ҳа, тўйга бир ўзинг бормас экансан, эрталаб «петиминутка»дан олдин айтмийсанми?

— Ҳа, ман на вилибман, сиз ҳам қизиқ сўллийсиз, Аваз ака.

Отамуроднинг осмондан келиши Аваз аканинг баттар энсасини қотиради.

— Ана, директора айт, мани бармийди да, бор. Бор! Нера ворсанг, шўра вор! Уйнаган геройингдан ўргилдим! — Кейин яна кўнгли тўлмай, ўзига ўзи бақирармиш: — Оғзиннан сариси гетмийн дағдағаси ерни ўяди.

— Бармасангиз барманг, ўзим топаман. Дишоннан топаман. Ман бир доира билан ҳам тўйни сўваман.

— Манга дасанг, доирасиз сўв! Бор, дишоннан топасанми, ичоннан топасанми, очиклиқдан топасанми, топ!

Отамурод Аваз аканинг кейинги дашномига чидолмай бақиради:

— Топмаган ҳам номард!

Август ойи Хоразмда тўйлар мавсуми, созандалар тилида «тўй сезони» дейилади. Отамурод буни жудаям яхши билади, аммо театрдаям дўстлари кўп, ташқаридаям ўзи билан ўқиган, ўқимаган созандалар талайгина, қолаверса, кимсан Отамурод Бекжон бўлиб танилиб келяпти. Вале, чилдирмачи, аккардеончи топиш бу қадар оғирлигини билмасди. Соат беш-олтиларга бориб, ҳориб-тўзиб чала гармончи, эпласа бўладиган чилдирмачи топиб, театрға раққоса излаб келса, бирортасиям йўқ, ҳаммалари бўлингани-бўлингандай, бўлинмагани «қариндошиники»га тўйга кетган.

Унинг фиғони ошгандан-ошиб, ўзича сўкиниб, шитоб билан гоҳ ташқарига отилиб чиқар, гоҳ ичкарига кириб, кимларнидир суриштирар, қайларгадир кўнғироқ қилар, бари бесамар. Тўй соат саккизда бошланиши керак. Соатига қараса, етти яримга яқинлашиб қолибди. Театр олдиғача миниб келган такси пул ишлаб турибди. У билади қариндоши камбағалроқ, бирор тийин беролмайди. Нима қиларини билмай ташқарига отилиб чиқаётса, қоровулхонада чой ичиб ўтирган ажойиб драма актёри Солай Девонов уни аста имлайди. Отамурод қоровулхонага киришгаям вақти йўқлигини билдириш учун, эшик олдидан ичкари ҳатламай, кўлини бўғзига олиб боради,

устозга соатини кўрсатади. Солай ака эса ҳеч пинагини бузмай:

— На қисиниб юрибсиз, ичкарига киринг, — дейди.

— Уста, сиз сўраманг, мен айтмай, — Отамуроднинг ҳавлиққанидан лаби-лабига тегмайди, — бир қариндоши-мизнинг тўйи эди, ўйинчи тополмай ҳалакман.

— Балетчи қизлардан бирини бронлаб қўймабсиз-дон.

— Айтвадим, яхши давадилар.

Отамурод шошиб ташқарига отилаётса, Солай ака оғзидан чиққан хушxabардан сал бўлмаса унинг юраги ёрила ёзди.

— Ўйинчи гарақми, ахир?

Отамуроднинг бир оёғи ташқарида, бир оёғи ичкарида, зарб билан қайрилиб, илинж руҳида:

— Ҳовва, — дейди.

— Бера галинг, бера. Ичона гиринг! — Ноилож ичкарига кирган Отамуродга хотиржамгина бир пиёла чой узатиб, сиполик билан давом қилади: — Ина бу чойни ичинг, қистанманг. Ўйинчи бор...

Солай аканинг чўзиброқ «ўйинчи бор» деганидан Отамуроднинг умид учқунлари алангаланиб, дарҳол устоз узатган чойни иссиқ бўлишига қарамай апил-тапил хўплай бошлади. Қани, устоз гапира қолсалар, аксига олиб жимгина ўзларига чой қўйяптилар.

— Соат саккизда тўй бошланади, — пиёлани қайтараётиб, эслатди Отамурод, — ярим соатдан ҳам озроқ вақт қолди. Ина бу хонавайрон ўйинчилар алдашди.

— Аслида хом ишлагансиз, шогирд, хом ишлагансиз, ҳа. Бирортасига аниқ айтмагансиз...

Устознинг танбеҳона «сиз»лашидан Отамуроднинг кўнгли сал хижиллашди-ю, уни ўйлаб ўтиришга ҳозир вақти йўқлигидан нима десалар ҳам тасдиқлаб ўтирди. Лекин у киши ҳеч ўйинчидан гап очмасди. Ахийри, тоқати-тоқ бўлган Отамурод ўрнидан сапчиб турди:

— Қўйинг, мани айламанг, ўзиям буларим бўлиб турибди.

— Қистанманг, шогирд, қистанманг, қистанган қиз эрга ёлчимас, дейдилар.

— Уф-ф! Айтган ўйинчингиз борми ё йўқми?

— Бор... наволан жаниқасан! Ҳавлиқмин эшит, бироқ... мани айтди дамийсан.

— Асло, устоз, асло. Ким у? Қаерда у?

— Жаниқаварма дадим санго... Эй, мани айтиб қўйиб шарманда қиласан, қўй яхшиси, йўлингдан қолма.

— Ўйинчи йўқ акан, аласа на мани шунча вақтдан бари вақтимни олиб, лақиллатиб ўтирибсиз?

— И-и, яхшиликка ёмонликми? Ҳожатингизни чиқара-

ман десак, ҳали лақиллатган бўлдикми?! Бор, боравар, бир яхшилик атин давадим, сан болаям бетгачопар акансан.

— Нима қилдим, юзгачопарлик қилиб? Тавба, ҳали ман ҳеч нарса деганим йўғ-у...

— Ҳали бу ҳеч нарса демаганингми? Ўҳ-хў, агар десаңг, инфарқ атар акансан-дон, а?

— Қуйсангиз-а, устоз, — сал юмшади Отамурод, Солай аканинг жаҳли чиқаётганини кўриб, — шошилиб турганда ақл кетар экан, узр, яхши, мен борай, пешонам-дагини кўраман...

— Шошилма, ина бу гапинг бошқа, калланг ишлий-диган бола акансан, гал, айтсам, айта кўйин, бироқ мени айтди деб айтмайсан, на дадим?

— Хўп-хўп.

— Бир пиёла иссиққина чой барийми?

— Йўқ, кун ҳам ёниб турибди, мен ҳам. Айта қолинг.

— Гал, яхши, айтсам айта кўйин, лекин...

— Хўп дедим-ку...

— Ажойиб бир ўйинчи бор, ўзи ҳам сенбоп, — сал жим туриб, маънодор жилмайганча Отамуродга тикилди. — Ўзи ҳам ўйинчимисан-ўйинчи-дон!

— Қаерда у?

— Ҳавликма, кулоқ кўйиб эшит, ўйинчи, — у овозини пасайтириб, аста шипшиди: — Қаланни, Қаландар Бойжонни уйинда. Меҳмонга келган. Қалана (Қаландарга) мани айтди дасанг, бўлмийди лекин. Таксингни ҳайдат, чоп, кеч қолма.

Отамурод аввалига сал ишонқирамади. Чунки Қаландар ака жуда катта комик актёр бўлгани билан, унинг тўй-пўй билан иши йўқ, бирор созандага ўйинчи топиб берганини эшитмаган, яна ким билсин, балки тўғридир, йўқса, кап-катта одам шундай бир қалтис лаҳзаларда наҳотки алдаса?

У Қаландар аканикига келганда соат ўнта кам саккиз бўлди. Отамурод очиқ турган боғ эшигидан кирди-ю, таққа тўхтаб қолди. Қаландар ака боғлоқлик кўчқори билан машинанинг резина гилдирагини уриштиряпти. Шиддат билан юмалатилган резина гилдиракка кўчқор бор кучи билан калла ташляпти. Бирдан Отамуродга кўзи тушган Қаландар ака ажойиб томошабин келиб қолганидан хурсанд бўлиб:

— Отамурод, ина бунга қара! — Думалаб ётган жойидан гилдиракни келтириб, узокроқ масофадан кўчқор томон юмалатиб юборди, кўчқор ҳам арқонига ташланганча зарб билан гилдиракка калла урди. — Гўрдингми, Отамурод! Поҳ-поҳ!

Отамурод бошқа пайтда балки устозининг завқу шав-

қига қўшиларди, лекин ҳозир юрагига қил сизмай турганда нима деярини билмай қолди. Қаландар ака яна филдиракни ётган жойидан олиб, думалатмоқчи эди, Отамурод:

— Сал қистаниб дурвадим, уста, — деди.

— Ҳа, ананга тўйлиқ галдими? — дея Қаландар ака бепарвогина яна шиддат билан филдиракни кўчқор билан «уриштириш» учун юмалатиб юборди.

Яна завқ, яна шавқ. Отамурод бир ўйи, ўйинчи тўғрисида оғиз очмай, қайтиб кетмоқчи ҳам бўлди, чунки Солай аканинг ҳазилкашликларини бир неча бор эшитган. Барибир, институтни янги битириб келганлик ғурури, роиларни маромига етказиб ўйнаётганидан жамоадаги обрўсини кўз олдига келтириб, «ким билан ҳазиллашсаларда, мен билан ҳазиллашмайдилар», деган такаббуруна андишага бориб, Қаландар акага нимага келганини айтди. Қаландар ака аввалига андак ҳайрон бўлди-ю, хаҳ, бу Солайнинг иши бўлса керак деди-да, «ўйинни» давом қилдирди.

— Ўйинчи дадингми?

— Ҳовва, уста, қариндошимиз тўйини менга ишониб... соат саккизда бошланиши керак... Соат ҳам саккиз бўлди...

— Мақсад на, мақсад? — Филдиракни жойига қўйиб Қаландар ака қаддини ростлади, сўнгра бориб, кўчқорини мақтаган бўлиб, шохларини силади: — Ҳўш, Отамурод тўра, қулоғим сизда.

Отамурод таралдуланиб қолди, лекин барибир айтмаса бўлмайди.

— Сизни уйда бир ўйинчи бор деб эшитдим.

— Ҳм... борлиққа бор-а, лекин борармикан...

Қаландар аканинг мужмалроқ жавобидан яхшилаб ялинсам битирарман, деган андишада Отамурод жонланиб кетди:

— Уста, қандай олиб кетсам, шундай олиб келаман. Истасангиз, сиз ҳам юринг, қайтанга тўйни биргалашаб ўтказамиз.

— Ҳм... ничик бўларкан-а?

— Йўқ деманг, уста, мени биринчи тўйга боришим, унинг устига, яқин қариндошимизники.

— Яхши-яхши... — Қаландар ака бир оз ўйланиб, Отамуродга сирли боқди-да, давом этди: — Қани, юр-чи, балки йўқ демас.

Қаландар ака Отамуродни изига солиб, аввал бир каттароқ даҳлизга, ундан кейин яна бир кичикроқ даҳлизга олиб кирди. Ундан ўтиб, пастаккина эшиқдан ҳатлаб, чоғроқ бир хонага киришди. Ним қоронғи хона чеккаси-

да, кунгурали печка ёнида, дока пашшахона ичида ётган муштдаккина бир нимарсага қараб Қаландар ака ўзининг ширали шўшан овозида гапирди:

— Опа! Опа!

Қаландар ака ойисининг овози пашшахона ичидан эмас, олислардан келгандай эшитилди:

— На дийсан?

— Санга тўй галди! Ўйинчи қидириб галибдилар! Борасанми?

— На тўй, Қаландар, ўзим ўлавармин ётибман.

Бир-икки инқиллаганча кампирнинг овози ўчди. Отамурод кўрқиб кетди. Қаландар ака эса ҳеч нима бўлмагандай қулиб:

— Атдим ахир, Отамуродбой, бормас дадим, ина ўзингиз ҳам эшитдингиз, — деди.

— Қўйсангиз-а, уста, шундин ҳам ҳазил бўлами? — Қўл силтаганча орқасига қарамай чопқиллаб чиқиб кетган Отамуроднинг изидан Қаландар Бойжонов ҳай-ҳайлаганча қолди.

5

...Қоронғу тун қаъридан келаётган шамол «шинглама»си қайсидир куйнинг оҳангини ибтидодан даракдай олис замонларга судрайди энди хаёлларимни. Най навоси — «Хув-хув», «хув-хув»... «Бузрук»-ку, бу ахир! Демак, шамол сазақ шохларига урилиб, нола этипти, куй чалапти, ҳижрон куйи... Шамол кучайса, куйнинг салобати ортади. Ҳозирча, олис-олислардан келаётгандай. Ерни кўк билан боғловчи, ақл бовар қилмас масофани яқин қилувчи, самою ломаконни сайр эттиргувчи руҳий зинапоя — мусиқадири. Дастлаб яратилган одам танасига киришни хоҳламаган жон най куйи сеҳри билан танани ўзига макон этгани ҳақидаги ривоят ботиний тилсимга ишора эмасмикан? Яшасин, шамол ва бийдай сазақли кум, «Бузрук»нинг яралишини кашф этдим. Аждодлар бу оҳангни созга кўчиришган ва «Бузрук» дея номлашган... Балки, менинг ҳозирги афтодаи адолигим «Бузрук»ни истаётганмикан? Нега энди «Бузрук»?

Бузрук — улуғ, маснади олий... Шу боисдан ҳам одамлар отани бузрук дейишади. Одамларнинг отаси — бузрук, куйларнинг отаси — «Бузрук»... Қўшиқчию созандаларнинг улуғлари ҳам бузрук... Аваз доричи, Матёқуб позачи, Абдулла маҳадик, Мадамин межана, Полли дузчи, Қаландар дўнмас, Куржи ота, Шерозий, Ҳожихон, Қаландар банги, Комилжон ака...

Дарвоқе, Комилжон ака ажаб бир синчи, бағри кенг гурунғчи одам эдилар-а...

У кишининг Тошкентдаги уйига қарайдиган, ҳаддидан ошган кезлари бот-бот ҳайдалиб турувчи хивалик Барди ака деган ажойиб инсон бўларди. Унинг куракда турмайдиган қилиқларини ҳам кечириб устоз неча бор ҳайдаб, неча бор Тошкентга олиб келганини ҳозир ўзга бир мароқ билан эслайман.

Барди аканинг бўйи Комилжон акага қараганда кўпгина паст бўлишига қарамай устознинг украинча куйлагини, тасмасини киндигининг анчайин юқорироғидан боғлаб шимини, оёғига катта келсаям шалолатиб туфлисини, кенг тегаракли машҳур шляпасини кийиб, Тошкент кўчаларида бозор-ўчарларда виқор билан юришлари, овозиниям устозга монанд йўғонлаштириб гапиришлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмасди.

Таниш-билишларнинг аксарияти унинг устозга ихлоси баланд деб ўйлашарди. Аслида ҳам шундай, бироқ онда-сонда эътиқодли одамига шак келтириши ажабли эди. Айниқса тўйчилар Комилжон акани излаб келишса, у кишим ҳеч иккиланмасдан, анигини билмасаям бу яқинда устознинг Тошкентда бўлолмаслигини, бу гапни астойдил айтиш ўзининг муқаддас бурчи эканлигини нанки овозидан, балки имо-ишораларидан, хатти-ҳаракатидан ҳам сездирарди. Нега шундай қилишини ўзи яхши билади. Биринчидан, масъул ишкорга айланади, иккинчидан, тўйчиларни ёлбортиришни хуш кўради, мансабу маснадини юксалтишидан хушнуд бўлади, қолаверса, манфаатдорлиги ҳам йўқ эмас. Комилжон аканинг ўрнига маданият, санъат соҳасида ўқиётган овозлироқ талабаларни олиб ўзиям тўйда қатнашиб, иззатланиб, сарполаниб келади. Талабаларга ҳам беш-ўн сўм ишлашга имкон яратиб, ҳомийлик қилаётганидан терисига сиғмай юришларини-ку, айтмай қўя қолайлик.

Валекин, ҳамма тўйчилар-да Комилжон аканинг йўқлигига, у кишисиз тўйлари татимаслигини чин дилларидан истаб, узоқ хархаша қиладилар, Хоразмдами, қаерда бўлмасин телефонларини, уйларини сўраб-суриштирадилар. Ана шундай кезларда Барди аканинг димоғлари шишиб, қадрлари ростланиб, бирдан улкан иш қилаётган давлат одамига айланиб қолади. Гоҳ осмондан келса, гоҳ сал юмшайди, бироқ ашулачи болаларни ўзи бошлаб боришига не етсин. Тўйчиларга сира уч бермайди.

Бир гал Самарқанд томонлардан келган бир тўйчи сира ён бергиси келмай гапни чўрт кесган:

— Комилжон ака ўзи сўз берганлар, тўйингни ўзим ўтказиб бераман деганлар.

— Деган бўлса дегандир, лекин Комилжон ҳам тирик одам, иссиқ жон, уям касалланишга ҳаққи бор! — Бу гап қаёқдан ҳам Барди аканинг хаёлига келдиким, у бирдан тўйчидан қутулиш баҳонасини топақоладию бор-е, нима бўлса бўлар қабилида ёлғонни тўқиб ташлади: — ҳозир у киши касалхонага тушгон.

Меҳмон Барди ака баъзи сўзларни мазахлаётгандек гапиришидан хафаям бўлмайди, аммо унинг ишонқирамаганини кўрган Барди ака уни Театр ва рассомчилик санъати институтида ўқиётган хушовоз ашулачи Отамурод Бекжоновнинг олдига, ётоқхонага бошлаб келади. Меҳмонни бирпас ташқарида қолдириб, ўзи ичкарига, Отамуроднинг олдига сал-пал «тушунтириш» учун киради. Кира солиб, каравотда дам олиб ётган Отамуродга томдан тараша тушгандай дўқ қилади:

— Тур ўрнингдан, нишаб ётибсан? Бир тўйчи олиб галдим, дишонда турибди. Комилжонни болнисага тушган дасам ишонмабди. Ҳозир олиб гираман, сан тасдиқлийсан, на дадим.

— Қўйинг-е, Барди ака, ахир...

— Ахир-пахирингни қўй, на дадим, ҳозир олиб кираман, тур дадим санго.

Отамурод Бекжонов огзини йиғиштириб улгурмай, Барди ака ҳалиги айтган тўйчи билан узун-қисқа бўлиб кириб келишади.

— Ина бу бола оқшом Хоразмдан келди. Ўзинг айт, — дейди Отамурод дашном қилиб, — меҳмон ишонмаяпти. Комилжон аканг болнисада ётибми ахир?

Отамурод сўз тополмай каловланиб қолганини меҳмон Комилжон аканинг касали оғирлигига йўйиб:

— Иб-и, на бўлгон? — дея сўрайди.

Отамурод ўрнига Барди ака беписандлик билан:

— На бўлар ади, буртини (мўйловини) ужи (учи) огригон, — дея жавоб қилади.

Самарқандлик бечора хоразмча лаҳжага тушунмай қаттиқ қайғурибди:

— Илойим, тузалиб кетсинлар. Ҳай, майлаш, нимаям қиламиз, бирорта артис-мартис йўқми танишлардан?

— Ина шундин дасангиз бўлади-ку! — Барди ака пещонасидаги терни кир дастрўмоли билан артиб, кўтаринки бир алфозда давом қилади. — Комилжон, Комилжон дейверасиз. Ина, инишу болалар ҳозирги кунда Тошқанда манман деган тўйларнинг гулини чиқариб сўвиб юрибдилар. Состави ҳам зўр буларнинг, Комилжондан ҳам зўр айтади булар.

Меҳмон Барди аканинг бу сўзларига унчалик ишонгани билан, яна ким билсин қабилида сўрайди:

— Йўғ-е? Шу катто ҳофиздан ҳам зўр айтадимиз булар? Ё, тавба!

— Сиз нима деб юрибсиз, ахир буларни ашулачилик институтина қора кўзлари учун олганлар деб ўйлайсизми? Овозлари булбулдин сайраши учун олганлар! Тўйингизни дуд-палакдан (дуди фалак демоқчи) баландлатиб сўвадилар, сиз нима деб юрибсиз?

Барди аканинг ишонч билан айтганигами, меҳмоннинг бу гаплардан эси оғиб, ҳайрон бўлаётганигами, Отамурод сал қаддини ростлаб, ҳақиқатдан ҳам Комилжон акадан ўтказиб қўшиқ айтишига, Театр санъати институтига бежиз қабул қилинмаганини шу вақтгача ўйлаб кўрмаганига андак ҳайратланди-да, тўйчига сал беписандлик билан, «ҳали сиз тўйингизга айтдингиз-у, биз борадиган бўлдикми», қабилида қуш қараш қилди.

Тўйга айтиб келган меҳмоннинг, бу чувакларнинг ўнта-си барибир бир Комилжон Отаниёзов бўлолмаслигига кўзи етсаям, начора, ўлган кунидан рози бўлган. Тўйини ашулачи болалар билан ўтказган. Ўшандан кейин бир оз вақт ўтиб Комилжон ака ўша тўйчининг маҳалласига тўйга боради. Устозни тўйга олиб келишни орзу қилган ҳалиги тўйчи Комилжон акадан кўнгил сўраган:

— Яхши бўлиб, тузалиб кетдингизми? Сизни излаб Тошкент борган эдим, сизни болнисда ётибди дейишди. Жудо хафа бўлдим. Яхшиям уйингиздаги калтогина одам институт ётоқхонасига бориб ашулачи болаларни топиб берди.

— Бардимиз? — дея сўрайди жаҳли чиқиб Комилжон ака.

— Ҳа, берди, — у Комилжон аканинг уйдаги Барди акани сўраганини билмай қўшиб қўйди, — ҳе, шогирдларингиз барибир болалар-да, лекин ёмон айтишмади.

— Ҳим-м, — деди устоз, бироқ Барди аканинг алдаганидан, яна ўзи бетобланиб юрганидан, болнисада деганига кўнгли оғринди. — Яхши, энди яхшиман, Худога шукр.

Шу тўйни ўтказибоқ Комилжон ака Тошкентга келиб, Барди акани уйдан ҳайдаган. Кейин яна бирор йиллар ўтиб, Хивада бир тўйда Барди акани учратиб, унинг чой ташиб ўзига кўрсатган ёқимли илтифотлари учун яна Тошкентга олиб келган. Ана шундай бағрикенг одам эдилар устоз.

То ҳануз раҳматлик Комилжон ака билан бир қалтис гурунғ боис анчагача аразлашиб юрганимизга афсусланаман. Ўзи менинг табиатим андак ғалатими-ей, ёши катта-кичик бўлишига қарамасдан, бирор сўз ёхуд бирор сатрнинг ғализ ижросидан, гоҳо ғализ талқинидан баъзан ном-

дор санъаткорлар билан баҳслашиб, борингки, беш-ўн йиллаб аразлашиб ҳам юрган вақтларим бор.

Хоразм созандалигида ўз овозига эга, хушовоз хонанда Озод ака Иброҳимов билан Зебунисонинг «Самарқанд ушшоғи» номи билан машҳур ғазалининг бир байти борасида айтишиб қолганмиз. Озод ака ғазалнинг ушбу:

*Карашма тиғи мижжа ханжари нигоҳ олмос,
Шаҳодат ар талаби дашти Карбало инжост,*

байтини шарҳлаб, Зебунисо: «Карбало даштига кетишдан олдин менинг олдимга кел, карашмаю олмосдай ўткир нигоҳларимни кўриб кет, чунки у ердан қайта олмайсан, шаҳид бўласан», деяпти деди. «Э, қўйинг-е, — дедим, — унда байтнинг юки қолмайди. Аксинча, шоира, ўлмоқчи бўлсанг, яъни талабинг шаҳидлик бўлса, менинг олдимга кел. Дашти Карбало мана мен — бундаман, ханжардай ўткир киприкларим, олмосдай нигоҳларим билан ўзим ўлдираман», деяпти.

Шу гап ўртамиздан ўтди-ю, Озод ака билан анча давр сўзлашмай юрдик. Озод ака билан хафалашишимизга балки менинг бир оз овозимни баландлаб шарҳлашим, қўполроқ муомалам сабаб бўлгандир, лекин Комилжон Отаниёзов билан аразлашишимизга устознинг ўзлари сабаб бўлган. У кишини наинки ўша давр раҳбарлари, балки сочлари елкаларига тушган баъзи замонавий композиторлар ҳам миллий чолғу асбоблари билан телевизорга чиқиб ашула айтишни қоралаб, симфоник оркестр жўрлигида айтилгувчи қўшиқларни ёқлаганлари боис тушунишни исташмаган. Тор билан қўшиқ айтишга жон-жаҳди билан қарши бўлганларнинг тарафдорлари ёмғирдан сўнг потраб чиққан кўзиқоринлардек кўпайиб кетганидан устознинг фиғони фалакка чиқиб юрган кунларида барча норозиликларини ёшгина адабиёт мухлиси каминага тўкиб солгани ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Мен индамай қулоқ солиб турсам ҳам бўлаверарди, лекин оти бирнинг жони бир деганларидек, ёшлигим сабаб, менинг табиатимда ҳам андак бетгачопарлик йўқ эмас эди.

— Овозингиз баланд, шу дардларингизни менга айтгунча авж пардаларда катталар қулогига етадиган қилиб айтсангиз бўлмайдими?

Ушбу сўзларимни дилларини оғритмайгина айтганим билан Комилжон аканинг руҳиятидаги синиқликдан афсусландим. Бироқ энди кеч эди.

— Сиз ҳам катта бўлганмикансиз деб бир айтдик-дон!

Устоз мен билан хайрлашмай жўнаб қолганларига аввал бир оз ранжидим, сўнг дардларига шерик бўлолмага-

нимдан хафаландим. Орадан уч-тўрт йил ўтиб, мен Янги-бозор пахта заводида директор бўлиб ишлаётган пайтимда Ширинқўнғиротга тўйга келиб, мени йўқлаганлар. Ўзим ҳам устоз билан анча йилдан бери кўришмаганимга уялинкараб юрган эдим, баҳонани Худонинг ўзи етказди.

Меҳмонхонада Комилжон ака суҳбат бераётган эканлар. Раиснинг қистовига қулоқ қўймай, ҳеч кимга халақит этмайгина тўрга ўтмасдан, пойгакроқда ўтирдим. Устоз ўзларининг гурурларига қарши боришни эп кўрмадиларми, менинг кирганимни зимдан кўрганлари билан сезмаганга солиб, сўзларида давом этавердилар:

— Пейкол ҳам кор билан боғлиқ сўз бўлиши керак, негаким пахтакор пахта билан, бинокор уй қурилиши билан машғул бўлгани каби пейкол-пойкор, одимчи бўлуви керак.

Қарасам, устознинг гапини бўладиган бирор одам йўқ бу ўлтиришда, аксинча, устознинг билафонликларига тасдиқ ишорасидан ҳаммаларининг ҳайратдан кўзлари ёниб турибди. Индамасам, устоз ҳам ўзининг сўзларига қатъий ишониб, ушбу сўз маънисининг хато таҳлилидан баҳраманд бўлмоқчилар. Комилжон ака томонга қарамай, бир нафасда:

— Шерозий бобо ҳам, Ҳожихон акаям, ўзингиз ҳам Партавнинг «Арзаи қилдим рақам, пайки сабодин қолмасин»ини ниҳоятда яхши айтасизлар. Пайк дегани — хабар дегани. Шунинг учун ҳам хабарчига, яхши-ёмон, тўю азага хабар берувчини пайкол дейдилар, — дедим.

Комилжон ака индамайгина қулоқ солиб ўтирдиларда, аста бошларини кўтариб:

— Кўп яхши айтдингиз, адаш, кўп яхши... «Пейкол»нинг ҳам нималигини англадик... Бугун вақтингиз бўлса, Имсин опангизга бир палов пиширтириб есак бўлар эди.

Комилжон аканинг сидқидилдан қилган таклифлари «яраш-яраш»имизга шаъмалари эди. Буни икковимиздан бошқа ҳеч ким англай олмади...

Шу ўтиришимизда Комилжон ака анчайин илҳомланиб, биз тузук-қуруқ англолмайдиган бир-икки сўзларга изоҳ берди. Қишлоқ одамларининг тоза кўнгилларига оҳори тўкилмаган чигал калималарни соддагина қилиб тушунтирди:

— Куюқ зиёфатдан сўнг улфатлар бир мисқол бўлди, юнглайдик (енгил бўлди) дейишади. Тўғри, бир мисқол — тўрт грамм. Шу маънода энглайдик дейишмоқчи. Аслида, унинг маъниси бутунлай бошқача. — Комилжон ака ўтирганларга бир-бир қараб, ўктам овозда давом этди: — Қадимда икки банги бор экан. Бир ўтиришда ҳар қайси бир мисқол тарёкни тўртдан бир бўлагига кайф қилар

экан. Бир сафар уларни ўлтиришига бир бемаза одам ҳам қўшилиб қолган. Мисқолни тўртдан бир бўлаги на-а, бир мисқол тарёкка ҳам кайф қилмаганлар. Шунда бири иккинчисидан сўраган: «Қалай?», иккинчиси маза йўқ маъносида бош чайқаб: «Бир мисқол бўлдик...», деган экан афсус билан. Бир мисқолнинг ҳозирги маъноси эса, юқорида айтганимдай, мазза қилдик, енглайдик деб ишлатилади. Энди уни аввалги маза қилмадик маъносига қайтариб бўлмайди, балки ҳозиргиси тўғридир, а?

Ўтирганлар хушнуд бўлиб маъқуллашди.

6

Юқорида зикр этилмиш воқеаю гурунглар тафсилотидан Тошкентда бирга ўқиган курсдошлариму бир курс, ярим курс паст-баланд таҳсил оладиган, санъатга, хоразмликларнинг руҳосо дилкашлиklarига, бир-бирлари билан муросаи мадоралиklarига, ошна-оғайничиликка бўлган сидқу садоқатликларига ошuftа бари ҳарифлар, айниқса, водийликлар яқиндан огоҳ эдилар. Кўплари билан то ҳануз борди-келдимиз бор, бирор баҳона топилди дегунча хабарлашамиз.

Наманганлик қадрдон дўстим, қарийб курсдошим Ҳомидхон тақдир тақозаси билан Масковдан қайтаётиб, Хоразмга келиб қолди. Туман боис улар минган самолётни Тошкент қабул қилмай, Урганчга қўнишган экан. У дарҳол мени излаб топди ва қуюқ ўтиришлар бошланиб кетди. Айнан рўза кунлари бўлгани учун ҳам ифторлик устига ифторлик, қолаверса, кўп замон кўришмаган дўстлар дийдори, ўша кунлари унутилмас гурунглар қилганмиз. Ҳомидхон кетишга шошилади, лекин самолётларни на Тошкент, на Наманган қабул қилади.

— Шошаверманг, дўстим, — дейман. — Бу дунёда бировнинг ризқини биров еёлмайди. Насибангизни еб бўлмагунингизча, ҳеч қаёққа кетолмайсиз.

Шунда бу борада бир фаройиб ҳодисани эслашдик.

Фаройиб ҳодиса

— Наманган билан Андижон қўшилиб, бир вилоят бўлган пайтлари таълим бошқармасининг таъминот базаси Андижонда бўлгани сабабли бари керакли нарсалар шу ёқдан олиб келинарди. Ва албатта, кўпгина ҳолларда Андижонга якка боришмасди, у-бу нарса олиб келиш баҳонасида уч-тўрт улфат келишиб бирга бориб келишарди. Бир сафар иккита машинага ўтириб олти дўст йўлга чиқишган. Иккови Андижонга бориб, ишларини битириб

қайтгунларича, тўртови Намангандан чиқаверишдаги сув бўйидаги сўлим чойхонада ош тайёрлаб туришадиган бўлишган. Энди, иш деганингиз ҳам дарров битавермайди, Андижондаги ишкорлар ҳаяллашавергач, ланж бўлмасин деб ошни сузиб, тўрттала дўст ея бошлашади. Ҳайюҳай, олинг-олинг, ҳазил-мутойиба орасида бир дона гуруч бировининг нафас йўлига тикилиб қолади. Қанча елкасидан уриб ҳаракат қилишмасин, гуруч унинг бўғзидан чиқмайди. Ана азоб, мана азоб! Шу ўртада Андижондан ҳалиги икки ишкор ҳам етиб келишади. Табиийки, бизларни кутмай еганларингизнинг жазоси шу, дея ошхўрларни анча обориб опкелишади. Ошни еб бўлишгач, чойхўрлик чоғи Андижондан қайтган бировини эсноқ тутади, қарангки, шу вақтда, бўғзига гуруч тикилган одам бирдан акса уради ва унинг нафаси йўлидаги бир дона гуруч чиқиб, эснаган ошносининг оғзига тушади. Бари дўстлар бу фаройиб ҳодисадан лол қолишади. Бировнинг ризқини биров еёлмайди, деганингиз дуруст, Комил ака, — дея сўзини тугаллаб, бизга бир-бир маънодор боққан эди ўшанда Ҳомидхон.

— Ана, кўрдингизми, ўзингиз ҳам бинойидек биларкансиз-у, тагин шошасиз-а.

— Ҳа, энди, иш кўп, сизларниям анча қийнаб қўйдук...

Ҳомидхон жуда сара суҳбатдошки, айтилаётган гурунгларга бирорта ривоятми, нақлми келтириб, дилингизни хушнуд қилади. Бу сафар ҳам оломон хусусидаги бир гурунгимизга ушбу воқеани айтиб, фикримизни наинки ойдинлаштирди, балки янада пухталади ҳам.

Нақл

Мадрасани битказувчилар амалиёти бирор-бир нуфузли масжидда ўтмоғи шарт бўлган ва муллабачаларнинг билимларини амалда пишитмоқ учун маълум муддатга ўша масжидларга жўнатишган. Бир муллабача ўзи тайин этилган масжидга бораётиб аср намозини ўқиш вақти қайси бир маҳалла масжидига тўғри келиб қолган ва кириб жамоага қўшилган. Қараса, имом чаласаводроқ экан, намоз ўқиб бўлишгач, жамоага юзланиб:

— Мени маъзур тутасизлар, айтмасам гуноҳга ботаман... Имомларингиз чаласавод экан. Оятларни ғализ ўқиди, — дебди.

Маҳалла жамоаси имомларини бағоят ҳурмат қилишар экан, ҳалиги муллабачани дабдурустдан эъзозли, табаррук саналмиш одамга қарши ғаразли сўз айтгани учун роса дўппослашибди.

Таёқланган муллабача тайинланган масжидга бормай

изига қайтибди ва мударрисга бўлган воқеани айтиб берибди. Мударрис илми толибга танбеҳ берибди:

— Биз сизни ақл ўргатишга эмас, хизмат қилишга жўнатганмиз, бўтам, боринг, тайинланган масжидга бориб хизмат муддатингизни ўтаб келинг.

Муллабача домласига сўз қайтармай орқасига қайтибди. Амалиёт муддатини тугаллаб қайтаётган муллабачанинг аср намозини ўқиш вақти яна калтак еган маҳалла масжидига тўғри келибди. Амалий машқу хизматлар ҳадисини олган муллабача намоз ўқиб бўлишгач, бу сафар ўша чаласавод имомни энди мақтабди.

Одамлар муллабачанинг имомлари тўғрисидаги яхши фикрларидан шодланибдилар, унга таҳсин айтибдилар. Муллабачанинг бу янглиғ илтифотидан ийиб кетган имом уни бутун маҳалла аҳли билан кузатишга ташқарига чиқибди. Шунда муллабача яна ҳам ялтоқланиб, хушсуханлик ила имомга мурожаат қилибди:

— Тақсир, сиздай билимдон мулланинг имомлигида намоз ўқиганимдан беҳад хурсандман. Энди сиздан бир илтимосим бор, тақсир, йўқ демасангиз.

Ҳайратдан лол турган одамлар хайрихоҳлигида имом:

— Бажонидил, бўтам, агар қўлимдан келса, бажонидил, — дебди.

— Тақсир, шу муборак соқолингиздан бир торини берсангиз, мен учун табаррук эсдалик бўлар эди.

Муллабачанинг бу қадар юксак мулозаматидан хурсанд бўлган имом маҳалладошларига «хурматимни кўряпсизларми» деяётгандай мағрурона боққанча соқолининг бир торини юлиб, муллабачага узатган. Илтимоси бажо бўлганидан шодмон жўнаётган муллабача сал нарироққа бориб орқасига қараса, маҳалла намозхонлари имомнинг соқоли табаррук экан, дея уни ерга ётқизиб олиб соқолини юлаётганмишлар.

Муллабачанинг амалиётдан олган билимининг биринчи маҳсули унга бир умрлик сабоқ бўлган экан.

Учинчи боб

1

Ё қулоқларим битишган, ё шамолнинг ҳовури пасайгандай миямга ором берувчи ажиб хаёлларимнинг тафтидан вужудимга андақ илиқлик ийндими, қўналғам сал ёзилиб, оёқ узатса бўладигандай, кўзимга яхши кўриниб кетди. Қаёқдандир, олис-олислардан кўпчилик вақтларда ичимдан хиргойи қилиб юргувчим қўшиқ элас-элас эши-

тилгандай бўлди. Балки, бу хаёлимда биррав жонланиб кетгандир. «Дугоналар, бормисиз, омонмисиз, жам бўлишиб, очилиб гулзормисиз, бормисиз...» Суюкли хонанда Саодат Қобулованинг ёқимтой, ҳузурбахш овози, қора сочларини қирқ ўриб, зулукдай қошларига ўсма қўяётган шодмон дугоналар завқини, тоғлардан шариллаб тушаётган шалола янглиғ шавқли кулгуларини, ёшликнинг баҳор шабадасидай майин ифорини қўналгамга олиб келгандай руҳиятимда биррав фархундалик қанот қоқа бошлади. Инсон ўзининг адашишлари, хаёллари ва илинжлари билан бахтиёр деб бежиз айтишмаган экан, негаким шу кунги ҳақиқатнинг бахтиёрлиги жўн ва шундай бўлиши керакдай туюлади, кутганчалик бахтиёр қилолмайди. Ажаб-а?

Кўнглимни кўтаришга қанча уринмай, барибир назаримда, ҳалигина ташқарида ҳовури пасайган шамолнинг яна зўрая бошлаган «ув»ламаси изн бермайди ва қиқирлашиб кулишаётган дугоналар ҳам аста-секин макрли, «ҳийлалари қирқ эшакка юк бўладиган» шум хотинларга айлана бошлайди.

Нечундир дугонаси билан келишиб, эри Жўрабойнинг тилини қисик қилмоқчи бўлган Заррина кўз олдимда ялт этади. Бу айтса биров ишонмайдиган қабиҳ тузоқни эсладим-у, кўнглим хижилланиб, юрагим сиқила бошлади. Ва ажабким, наинки айтишга, ҳатто киши ўқимас асрори дил битикларга ҳам сиғмайдиган бу ғаройиб воқеа дафъатан ёдимга келганига аввалига ҳайронландим, сўнгра бахт ҳақида ўйлаётганимда айрим-айрим икки кишининг бахтсизлигидан кўра, нега жуфтли бахтсизлар кўпроқ, деган савол не вақтдан бери бошимда айланаётганидан ва жуфтликнинг юки оғирлигидан, жавоб излайман. Кейин турфа жавоблар силсиласида озгина бўлса-да, чалғийман. Ким ҳам «ҳою ҳавас билан, бойликка ўч аёллар бола туғишни хуш кўрмайдилар», деган. Қаранг-а, кимлардир бола туғмаслик учун саъй қилсалар, кимлардир бўйида қолиши учун, оила ришталарини маҳкамлаш учун жонини фидо қилишга тайёр. Шу сабаб, келинларнинг илк ҳомилалик, навозишли даврларини оддий сўзлар билан ифодалаб бўлмайди. Ерика (бошқоронги аёлга) ерингни сотиб едир, деганларида яралишнинг борлиқ фалсафаси ўз тажассумини топгандай. Эсон-омон кўзи ёриган аёлларнинг бир жонини икки қилиб берган Оллои таолога шукроналари беадад. Яқинда боласи ўлик туғилаверадиган аёлга айтилган қаҳрдан миям зирқирайди: «Қорнинг бола кўмиладиган қабр!» Нечоғлик бераҳмлиқ-а... Лекин, шу бераҳмлиқка теранроқ тикилсангиз, унинг даҳшатли

қаҳрида яралишга, зурриёд қолдиришга бўлган муқаддас истақ, ибтидоий этиқод мужжасам эмасмикан?...

«Дугоналар, бормисиз, омонмисиз»... Мана неча замондан бери хаёлларимни ларзага келтираётган нарса — Заррина. Бир-икки болаям туққан, эригаям эргашади, бирга ўтиришларга боради. Бироқ ҳавасли дунё, чиройли, завқли яшамоқ керак. Бўйнидаги дурлари йириклашган сайин йириклаштираверса, ёниб, қуядиганларнинг мияларидан тутунлари чиқаберса. Ва ажабким, Зарринани бари нарсага эга бўлиб яшаши кўпгина дўсту душманларининг ҳасадини келтиргани билан ўзини анчайин қониқтирмайди. Ҳамиша нелардир етишмайди. Ундай деса, ҳар недан бойликни юқори қуядиган молпарастлик фақат аёлларгагина хос нарса эмас-ку, ахир эркак зотиям бу тушовдан холимас-а...

Бу янглиғ бетизгин хаёлларим чувалашиб-чувалишиб кетмоқдаким, булар мени чарчатибгина қўймай, миямни фалаж қилмасайди деб қўрқаман, йўқса, нечун ҳозиргина ёдимга келган нарсанинг нега келганига ҳайрон бўла бошладим. Чарчоқликми, ё миям диот-пиотларининг ишдан чиқа бошлаганидан даракмикан?

...Яна дилтортар қўшиқ эшитилмоқда элас-элас — «Дугоналар, бормисиз, омонмисиз»... Дугоналар, дугоналар... Заррина... Ойсара... Икки гўзал, икки ажралмас сирдош дўст. Заррина бағрикенг аёл. У Ойсарадан ҳеч нарсани аямайди, ҳатто эриниям... Эр сабил ҳам келишган, топарман-тутарман, лекин патак. Нечун? Зарринанинг чиройлилиги учунми, ё ишбилармонлиги учунми?

Бу шунчаки сизу биз ўйлаганчалик оддий нарса эмас, ечим чигал. Максим Гоьркий «Тубанликда» деган пиесада таъкидлаганидай: «Яхши одам довдир бўлса ҳам, барибир яхши одам, ёмон одам эса, албатта, ақлли, заковатли бўлмоғи керак».

Жўрабой юмшоқ табиат, ҳилм йигит эмас, чўрткесарлиги устига — жоҳилроқ ҳам. Шундай бўлишига қарамай, Зарринанинг бари инжиқликларига чидайдиган, бари истақларини баҳоли қудрат бажарадиган, фақат ҳаёт тизгинини бир оз йўқотган, йўқотгандаям, хотинининг яшаш тарзига қарши боролмаганидан шу аҳволга тушган, бировлар олдида хўжайиндай-у, уйида минса эшак, ётса тўшак. У хотинини ёмон демайди, бари айбни ўзига тўнкайди, ўзининг довдирлигидан деб билади.

Заррина баланд бўйли, хушбичим аёл. Унинг кўринишида, одамлар олдида ўзини тутишида ҳалоли жуфтликнинг юқори нуқтаси тажассум топган гўзал париваш. Қадли-бўйига, тўю маросимга, шарту шароитга, табиат ўзгаришларига мос кийиниши, муомаласи, соддагинага ўхша-

ган шўхшан боқишлари билан ҳар кимнинг ҳам ҳавасини келтиради.

Шундай безабон эрини янада тилини қисик қилиш, унга тузоқ қўйиши шартмиди? Борган жойига бориб, келган жойига келиб, кўнглига тушган ишни қилиб юрибди. Яна унга не керак? Гап ана шунда! Хўш, унга яна не керак? Юзаки қараганда, эрининг тилини қисик қилмоқчи. Дугонасининг қулоғига ҳам шу гапни қуйган. Аммо эри бунингсиз ҳам илон сеҳрлаган куёндай қай томонга ағдарса, шу томонга йиқилади. Муддао бошқа, элнинг кўзига фаришта бўлиб кўринмоқчи. Шу бевафо суюқоёқни одам этиб келяпти, деган гап керак. Устига устак, фалокат босиб, бирор айби очилиб қолса, эл ажаб қилибди, зўр қилибди, суюги бузуқ эрнинг жазоси шу, дейиши керак. Эрини қоровул қилиб ишрат базмини қиздирётганларни кўриб юрган кўз, билиб юрган кўнгил нималарни истамайди дейсиз. Тузоқнинг бу нозик томонларига Ойсаранинг фаҳми етмайди.

Тузоқ

Ўша куни ҳамма нарса ҳазил-ҳузуддан бошланган эди. Заррина келишилганидек, «иш сафари» билан олисроққа жўнашидан олдин дугонаси Ойсарага кўнғироқ қилди. Айтилган соатида ҳар қачонгидан-да, очилиб келган дугонасига бир лаҳза ҳасад билан суқланиб боқди. Заррина биринчиликни қўлдан берадиганлардан эмас. Ойсарани тил учида мақтади-да, сал виқор билан:

— Ечининг, анови кўк халатимни кийинг, икковимиз кичала (жимилдоқ) бармоқда тўрт-бештаси бир қошиқ бўладиган барак букали, — деди.

— Жоним билан, дугонажон, мен ҳозир.

Ойсара Зарринанинг наинки овқатига қарашиш, балки уй юмушларини ҳам бажаришни нечундир ўзига шараф деб билади. Лекин бу билан у бахтини бой бераётганидан, гўзал дугонасининг мақтовларига учиб, унинг соясида умрини хазон қилаётганидан зиғирчаям ташвишланмаётгани ажаб бир тушуниксиз ҳол.

Ҳа-ху дегунча Ойсара ишга киришиб кетди. Икки дугона ҳафсала билан бир қарсан (тоғора) чучвара пиширдилар. Ишдан чарчаб келган эрини Заррина ҳар қачонгидан ҳам илиқ бир меҳр билан қаршилади ва дастурхон устида ҳаминшагидан-да осмонларга чиқариб мақтади, эркалади.

— Мана, дугонажон, — деди Заррина шунчаки бепарвогинадай тил учида Ойсарага, — тилло эримни сизга ташлаб кетаман, келгунимча йўқлигимни билдирмай турсиз.

— Ўзингиздан ҳам яхши қарайман, дугонажон, — эркаланди Ойсара, Зарринанинг елкаси устидан Жўрабойга қиймириб қараб.

Жўрабой бу ажралмас дугоналарнинг шунақа, ора-тура қиладиган ҳазилларига ҳамишагидек унча эътибор қилмади-ю, лекин Ойсаранинг бу сафарги ўғринча нозли қаршидан эти алланечук жимирлаб кетди.

Жўрабой авваллари буларнинг уйдаги эмин-эркин яй-раб юришларидан завқланиб, дугона бўлса, шунчалик бўлади-да, дея ҳавас қиларди. Кейин-кейинроқ Ойсара ўзининг юмушлари билан бўлиб бир неча кун кўринмай қолса, у бирор нарчасини йўқотгандай гарангсийдиган бўлди. Сўрашга ийманиб юрган кунлари уйларига ўзгача файз ато қилиб, кулгичларини ўйнатиб кириб келади Ойсара.

Ойсара ўрта бўйли, хушбичим, кўкраклари бўлдамли, қайси бир шоир таърифлаганидек: «аробий гуфтаам сад-рат, ба форси гуфтаам сийнат, ба туркий сўзласам кўксинг қизил олма, анор ўлсун» тақовулидаги сийнасига бош қўйсанг, бу фоний дунё ташвишларидан бир лаҳза фориф бўлишинг ҳеч гапмас. Сутга чайилгандек, беупа оппоқ юзидаги беғуборлик, доимо кулиб турадиган катта-катта қора кўзларидаги табассум ила гапирганида учишга ҳозир-ланаётган кабутардек қайрилма қошларининг ажиб ўйноқилиги ҳар қандай этаги тоза порсо одамнинг ҳам ақлини шошириши, биррав йўлдан чиқариши турган гап. Унинг кийимлари ҳам бежирим, қаддига мос, ўзига бирам ярашиб туради.

Жўрабой хотинидан ўғринча унга суқланиб-суқланиб қарайди, кучоқлагиси келяптимиқан, деган андишага бориб, баъзан шўхлик қилгандай суйканиб ўтади. Ойсара уни балодай тушунади, лекин усталик билан чап беради. Ана шундай вақтларда баъзан унинг жон олғувчи жаллод кўзларидаги ҳадикка ўхшаган нимадир Жўрабойни ҳайронлантиради, лекин бу узоққа бормади, яна ҳазил-хузуллар, ҳеч кимникига ўхшамас нозли қарашлар, гулгулалли гамзалар...

Аслида Ойсарага ботиний ҳирс билан қараш Жўрабойнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. «Эрсизнинг ёдига эр солиш»га хотини сабаб, негадир Ойсарани керагидан зиёда кўз-кўз қила бошлади. Аввалларига бу ҳолга тушунолмай Жўрабой гарангсиб юрди. Сўнг-сўнг бу «муҳаббат ўйини» ўта табиий, ўта сезилмас даражада аста-секин, зийнама-зийна юксалиб, бемалол ярим ҳазил-ярим чин эркалашлар билан мукаммалаша борди. Шундаям бари хатти-ҳаракатлар доимгидай ўз ўзанидан тошмай, бачканалашмай, очикдан-очик яқинлик сезилмай, ботиний туйғулар доирасида давом этиб бораверди.

Дугоналарнинг бугунги ҳазил-хузуллариным Жўрабой доимгидай эркаланиб қабул қилди ва шундай фараҳбахш оқшомни янада кўнгилларга яқин қилиш учун дабдурустдан:

— Бўрининг қарисиям тўққиз қўйга ярайди, дейдилар, — деди.

— Вой, ўзини қари деяётган ёшгина бўригинамдан айланай.

Заррина шундай очилиб, шарақлаб кулдики, шифтдаги ранго-ранг нур таратаётган биллур қандиллар шақирлагандай бўлди.

— Бўпти-да, дугонажон, Бўривой акам ейман дейдилар-у, биз кўзичоқлар йўқ дермидик! — Ойсара Жўрабойга кўзларини сузиб шундайин суқланиб қарадики, худди ҳозир, қани, марҳамат, Зарринахон, бизни хобхонага киришимизга рухсат беринг, деяётгандай сирли табассум ҳада қилди, лекин шу сирли оҳангда Жўрабойга сал бошқачароқ лутф қилди: — Ёқимли иштаҳа ҳамиша сизга ёр бўлсин.

— Яна етита қўй топишимга тўғри келаркан-да, а... Вой, иштаҳангизнинг карнайлигини билмай юрган эканман-а!

Заррина шўх табассумли кулги аралаш бу гапни чунонам дилдан айтдики, Жўрабой тузоққа лаққа илинди. Шўхшан бир дўсти жомеўз ўрнида айтиб юргувчи ушбу тўртлик унинг қонини ҳамиша кўпиртирганиданми, ҳозир ҳам кайфияти чоғ бўлиб ёдига тушди:

*Қўй семирса қовурғаси кичрайар,
Яхши аёл алиннан май ичирар.
Гуноҳ қилсанг, яхши билан гуноҳ қил,
Бу гунонгни худойим ҳам кечирар.*

Заррина Жўрабойнинг кайфиятини янада кўтариш учунми, унинг айтган сўзларига жавобан аввалига қаҳқаҳа отиб кулди ва эрининг руҳиятига мос баланд овозда, худди шеър айтаётгандай:

— Яхши аёл ўзимиз-да, эржон, кўнглингизга яхши билан гуноҳ қилиш тушибди экан, ўзимиз бажарамиз! — Кейин сўз оҳангини юмшатиб, ярим чин, ярим ҳазилдай қилиб давом этди: — Менинг дугоналарим бир-биридан чиройли, амр этинг, подшоҳи олам, ҳукмдорларнинг айши гуноҳ саналмас экан, айтинг, армон қилиб юрмасин! — Заррина эрининг мумдай эриб боришидан энсаси қотсам, сал тин олди-да, Ойсарага кўзини қисиб, уни ўз режаси томонга тортди: — Нима дедингиз, Ойсарахон?

Ойсара бу ғаройиб «операция»нинг келишган маром-

да аста ривожланиб бораётганидан кўзларини шўхшан қиймириб, Зарринага ажаб қироат билан жавоб қилди:

— Нимаям дердим, эр Худонинг ердаги сояси дейдилар, бу кишимнинг амрини бажармоқлик ҳам қарз, ҳам фарзга ўхшайдур.

«Тузоқ»нинг ҳамма тарафлари аста-секин тортилиб, Жўрабой унинг кўзга кўринмас исканжаларидан беҳабар — хотинигаям, Ойсарагаям чиппа-чин инонди, оғзининг таноби қочди, кўзларида аллақандай ҳирсий учқунлар анойи ўйнаб, елкаларини кенгроқ кўтарди, яна шеър айтгиси келди.

— Оҳ, хотинжон, шоирлар ҳам топиб айтадилар-да:

*Ой боради ботгани,
Ёр келоди ётгани.
Рашкларингдан қўрқаман,
Кўзларим ўйнотгани.*

— Қанақа рашк тўғрисида қайғуряпсиз, амирим? Сизнинг наинки бир оғиз сўзингиз, балки биргина имонгизни бажо келтирмоқ мен учун катта шараф.

Оғзининг баттар таноби қочган Жўрабой энди ўзини бошқаришдан батамом мосуво, сирли тухфа оғушида сармаст, нечундир ўзига айтилаётган мақтовлар бобида дугоналарни айни юқори маромга етганларида холи қолдириб, меҳмонхонага ўтди. Турфа рангу турфа бичимдаги шароблар турган чиройли гарнитурнинг мўъжазгина барини очди, думалоқ шишали конъякдан биллур қадаҳни тўлдирди, биринчи маротаба газаксиз, бировнинг илтифотисиз тик турганча хузурланиб симирди.

Заррина чиндан ҳам йўл тарадудини саранжомлаб эрига овоз берди:

— Қаердасиз, бўривой ака!

Жўрабой шоҳона юриш қилиб дугоналар олдига чиқди. Заррина энди ўзини анча босиб олган, сўзлари ҳам энди анчайин жиддийлашди:

— Ҳазил-пазил ўз йўлига, жоним, мен қайтгунча Ойсара сизнинг иссиқ-совуфингиздан боҳабар бўлиб туради. Сиз болаларни мактабига ўз вақтида жўнатиб турсангиз бас. Ойсара эрта-кеч келиб, хабар олиб туради.

Зарринанинг ўта самимий, ўта жиддий айтган сўзларига Жўрабой, албатта, ҳайронланмади, аксинча, чиппа-чин ишонди ва жиндак ҳазил, жиндак ростлик билан сўради:

— Бугундан эътиборанми?

— Хоҳласангиз бугундан, фақат болаларни тинчитиб, эржонимга айтиб келсам бўлгани.

Ойсаранинг «содагина» розилигидан ичида севинган Заррина, яна ҳам табиий қилиб, дугонасига ялборгандай:

— Телефонда айтсангиз бўлмайдими? — деб сўради.

— Телефонда айтсам бўлмас, Жўрабой акам сизни айри...портга олиб боришида йўлда тушиб қоламан, қайтишларида олиб келарлар.

— Э, йўқ, Ойсара, бугун шарт эмас, кеч оқшом эрингизнинг қўйнидан олиб келишим ўнгайсиз бўлар, қолаварса, кечки овқатни едик. Болалар ҳозир ухлашади. Бугун энди ҳожат бўлмаса керак. — Жўрабой негадир хотинига сездирмай, Ойсаранинг талаффузидаги «аэропорт»нинг «айри»сига жавобан унга бир ён кўз учини қисиб қўйди. Ойсараям Жўрабойнинг сирли ишорасига жавобан билинар-билиномас ним табассум ҳади қилгандай бўлди. Ё тавба, чинданам Ойсаранинг менда кўнгли борга ўхшайди, дея Жўрабой бир лаҳза чинакамига ҳаяжонланиб кетди.

Заррина бу гапларга бепарвадай, шунчаки жавоб берди:

— Ихтиёрларинг, қани бўлмасам, жўнадик, менинг вақтим бўлди, айрипортга кеч қолмайлик, — дея Ойсарага юзланди: — Дугонажон, майли, эртами-индинми, бизниқидан бирров хабар оларсиз.

— Нималар деяпсиз, дугонажоним, бирровингиз нимаси, бўрижон акамнинг кўнгиллари тўлгунча хизмат қиламан.

Ойсара бу гапаларни шундай ҳам табиий айтдики, Жўрабой юқоридаги гаплар нечоғлик чин, нечоғлик ҳазил эканига тушунолмай каловланди:

— Ҳазилларингиз бор бўлсин, қани кетдик.

Жўрабой Заррина айтмоқчи йўл-йўлакай Ойсарани уйига ташлаб хотини билан аэропортга жўнади.

— Майли, жоним, сиз бораберинг, болалар ёлғиз, тагин уйғониб, кўрқишиб ўтиришмасин, — деди Заррина меҳрибонлик ила. Жўрабой хотинига ҳамишагидай эътироз билдирмай уйига қайтди.

2

Аэропортдан қайтиб келган Жўрабойнинг хаёлидан илк ўтган нарса шу бўлди: «Ошхонанинг чироғи ўчирилган эди чоғи, ким ёқди экан, балки болалар уйғонишгандир». Машинасини гаражга қўйиб ичкари кирса, не кўз билан кўрсинки, Ойсара ювилган идиш-товоқларни куруқ латта билан артяпти.

— Нима, кутмагандингизми? Ҳазил деб ўйлабмидингиз?

Ойсаранинг юзига ёйилган табассумдан хона ёришиб кетгандай бўлди.

— Уйнинг калитини олиб қолганмидингиз?

— Нега олиб қоларканман, менда битта запас калитларинг бор-ку.

Ойсара шу гапи билан бўлмаёжак ишратга нуқта қўйди. Жўрабой ҳам бу сўзни чинга буриб, худди ҳамиша шундай бўлиб келгандай ўзининг бўлмасига кириб кетди.

— Бўривой ака, нега дамингиз ичингизга тушиб кетди? Чой-пой ичкингиз йўқми?

Ойсаранинг ошхонадан берган овозига аввало Жўрабой индамай қўяқолмоқчи эди, қайданам тилига келди, ечинаётиб ичкаридан жавоб қилди:

— Коньяк-поньяк бўлса бошқа гап, чой нима қилади шу маҳал.

— Жуда яхши-да, буёққа чиқасизми, ё хобхонангизга олиб кирайми?

— Жўрабой жавоб қилмади. Нимаям дейди, ҳа, олиб келинг, дейдими? Ичкаридан сас бўлавермагач, Ойсара яна овоз берди: — Нега индамаяпсиз, ухлаб қолдингизми ё?

— Йўқ, ечиняпман...

— Кўрпангизни устингизга тортинг, Оврўпачасига тўшакда ёти-иб ичасиз...

Ойсаранинг ишвали (Жўрабойга балки шундай туюлгандир) овозидан танига жимбирди кирган Жўрабой:

— Чинакамига роҳатлансин деяпсиз-да, а?

Жўрабой сўзини тамом қилиб-қилмай қўлида кичкина тўртбурчак бежирим идишда коньяк, пиёла, шоколад солинган патнис билан оппоқ баданига чунонам ярашиб турган кўк ипак халатда Ойсара остонада пайдо бўлди. У каравот боши томонидаги деворда хонага ажиб интимолик нурун бериб турган тунги чироқнинг ним бинафша ёруғида Жўрабойнинг кўзига катта ёзувчиларнинг китобларида тасвирланган паризодлардай тилсимий бир фарштага ўхшаб кетди.

Ойсара майда қадамлар билан келиб, шу вақтгача Жўрабойдан пинҳон тутган нозу карашма ила патнисни тунги чироғ нури тушиб турган тумбочка устига авайлабгина қўйди-да, деворга осиглик тош ойна олдида турган пуфикни каравотга яқинроқ тортиб омонатгина ўтирди.

— Кўрқманг, ўрнашиброқ ўтиринг, еб қўймайман.

Жўрабойнинг ярим кўрс, ярим мулойим айтилган дашномига Ойсара ҳазилга ўхшаш ростлик таъмаси билан жавоб қайтарди:

— Ким билади, ҳали бўриман дедингиз-у, мен бир беозор, ожизгина кўзичоқ бўлсам...

Жўрабой бу оқшом биринчи маротаба очилишиб, яй-
раб кулди.

— Қани эди, ҳақиқатан ҳам мен бўри-ю, сиз кўзичоқ
бўлсангиз...

— Ҳалиям шундай-ку...

Жўрабой ўмганини бир оз кўтариб, кўрпани яланғоч
кўкраги устига сал тортгандай бўлди-да, икки пиёлага
тўлдириб коньяк қуйди, плиткали шоколадни оча бошла-
ди.

— Мен бунчасини ичолмайман, бўривой ака-а...

— Бир уриниб кўринг, кўзичоғим...

Бир кўтарганда икковиям пиёлаларини бўшатишди. Ва
бирдан ўнғайсизлик қаъри тортиб кетдими, икковиям жим
қолишди, фақат олаётган нафаслари эшитила бошлади.
Нима қиларини билмай Жўрабой яна пиёлаларга коньяк
қуйди.

— Энди менга бас, ҳали қиладиган ишларим бор,
ўзингиз ичиб, яхши тушлар кўриб ётинг, мен борай, —
дегани билан Ойсара даст ўрнидан туриб кетабермади.

Хобхонага хушфайз сокинлик ийнгани билан қахра-
монларимиз не қиларини билмагани устига, бир-бири-
нинг кўзларига тикка боқишга ҳам журъат этолмай қол-
дилар. Қарийб ҳамма суҳбатлари чоғида учинчи одам бор-
лигида ҳазил-хузуллари ҳам далерона, нигоҳларидаги ўт-
олов ҳам алангали бўларди, ёлғиз қолишганда дами чиқ-
қан пуфакдай шалвираб, нафас олишлари ҳам оғирлаш-
гандан-оғирлашиб, баъзан тезроқ якка қолишнинг нақа-
дар озодавашлигига амин бўла бошладилар. Бироқ якка
қолгудай бўлишса, яна жуфтликка орзуманд бўладилар.

Жўрабой билан Ойсара балки инсон мушоҳадасининг
бу янглиғ аччиқ ҳақиқати хусусида бош қотириб кўрма-
гандирлар, лекин буларни оғир аҳволга солаётган бир
неча дақиқалик жимлик гўё туганмас абадийликка ай-
лангандай, тезроқ бир-бирларидан Мосуво бўлишга ин-
тиляптилар, аммо қандай қилиб. Қандайдир кўзга кўрин-
мас яқинлик ришталари Жўрабойни ўзи сезмаган ҳолда
назмона лутфга чоғлади.

— Ойсара... Шуниям ичинг, бир шоир акамиздан На-
воий ҳазратларининг бир-икки мисра шеъри тўғрисида
эшитганимни айтиб бераман. — Жўрабой бирдан жонла-
ниб кетди: — Э, жудаям антиқа, умрингизда эшитмаган
ўхшатиш ҳақида.

Ойсара сал қиймириб, ажаб сўз қилди:

— Сиз... Навоий тўғрисида? Ёпирай, сиз-а?

— Мени Навоийдан минг чақирим олисдасиз демоқ-
чимисиз?

— Унчаликмас-у, лекин... Майли, эштайлик-чи. —

Ойсара яна бир таманноли қиймириб, кушқараш қилди-да, пиёладаги конякни охиригача сипқорди. Жўрабой ҳам ичди-да, сўзни қандай бошлашни билолмай андак гарансиб турган эди, Ойсара нафис ҳаракатлар билан дарров шоколаддан бир кесим синдириб, Жўрабойнинг оғзига тутди. Жўрабой ялт этиб Ойсарага қараб, айтар сўзини тамом унутди. Жўрабой бошлайвермагач, Ойсара ичкин бир алфозда: — Навоийдан ўқимоқчи эдингиз, — деди.

— Биласизми, нега Навоийни эсладим?

— Қулоғим сизда?

— Ана шу эгнингиздаги кўк ипак халат учун.

Жўрабойнинг бу қадар нозикфаҳмлигидан Ойсаранинг оппоқ юзига қизиллик югурди. Негадир энтикибгина ишон-қирамай сўради:

— Менинг кўк халатим тўғрисида Навоий ёзибдими? Бундан беш юз йил аввал ўтган-а?

— Худди шундай.

— Балки, бирор Навоиевдир-а, Жўрабой ака? Нима маст-паст бўлмадингизми?

— Қанийди маст бўлсам...

— Қани, чалғиманг эмасам.

— Орқангизга ўгрилиб турунг, мен шеър ёзилган қоғозимни костюмимнинг киссасидан олай.

— Хўп, мана.

Ойсара муғомбирона жилмайиб кўзини яширган бўлди. Жўрабой бир сакраб, тўрт букланган юпқагина қоғозни олиб, тезда жойига кирди ва ўрнашиброқ ёнбошлади-да, қоғозни текислаб тунчироқнинг бир нуқтага жамланмаган бинафша нурига тутди. Бир-икки бор муштига астаги-на йўталиб, дўрилдоқ овозда ўқиди:

*Меҳрига кўкта шафақ хўб эрмас, андоқким манга,
Мовий терлик узра ул ойнинг қизил ширдоғи хўб.*

Жўрабой бошини қоғоздан олиб Ойсарага маънодор қараш қилди ва «Мана, кўрдингизми, мен қандай маънили шеърни кўчириб олганман», деяётгандай яна нигоҳини қоғозга солди. Лекин энди у қоғоз юзида бирор нарса кўришдан ожиз эди, негаким, шу пайт Ойсара мулозамат юзасиданми, ёхуд ўзиям қоғозда ёзилганига кўз югуртириш учунми, аста энгашди. Жўрабойнинг ди-моғига баҳор нафаси урилгандай, вужудига ажиб фархун-далиқ ийнди.

— Хўш, — деди Ойсара сал қаддини ростлаб, — Навоий бобомиз нима демоқчи эканлар?

— Домла акамизнинг тушунтириши бўйинча, оппоқ

баданли паривашнинг эгнида мовий сорочка... — Ойсаранинг ишонқирамай бурнини сал жийирганига Жўрабой бор эшитганини тўлароқ баён қилиш учун овозини кўтаргилаб, давом этди: — Ҳа-ҳа, именно, кўк сорочка, мана қаранг, мовий терлик деб ёзган, терлик дегани аёлларнинг ички кийими, мана шу эгнингиздаги кўк ипак халатнинг қарийб ўзи. — Ойсаранинг андак анграйиб қолганига Жўрабой янада жўшиброқ байтнинг маъносини тушунтира бошлади. — Кун ботиши олдидаги шафақдан сийрак булутли кўм-кўк осмон юзида паға-паға доғлар пайдо бўларкан, худди шундай табиий доғлар оппоқ бадандаги терлик устида ҳам пайдо бўларкан, магарам, унга орқами, ён томониданми бирор нурнинг акси тушса...

— Вой-бўй, наинки ман, балки ўзингиз ҳам айтган гапларингизга тушунмадингиз-ов...

— Нималар деяпсиз, нега тушунмас эканман? — Ҳафаланди Жўрабой. — Мана ҳозир сизга сал ёруғлик тушса, оқ баданингиз устидаги кўк халатингиз узра оқиш доғлар пайдо бўлиши керак. — Жўрабой оқиш доғларнинг халатнинг қаерларида пайдо бўлишини тусмоллаб кўрсата бошлади.

— Навоийям анойи одам эмас экан-ов, а? У кишиям бирор нозанинни нурга солиб кўргач ёзганмикан-а?

— Келинг, Ойсара, сизни нурга солиб кўрайлик-чи, тўғримикан.

— Бунинг тўғри-нотўғрилигини нега шу пайтгача хотинчангиз, Зарринага мовий терлик кийдириб кўра қолмадингиз?

— Унинг бадани сизникидай... оппоқ эмас-да!

Жўрабойнинг илтижоли боқиб ўзининг бадани оппоқлиги тўғрисида айтган бу ҳақ гапига Ойсара ҳузурланиб жилмайди. «Вой, писмиқ, патаквой-ей, ўзим бир пул, ҳазим минг пул бўлмай кетсин... Тўхта, Ойсара... нималар бўляпти-а? Шундай шоиртабиат, бирор ёт хотинга ҳирс билан боққани билан оиласига хиёнат қилишга ийманаётган беозоргина одамни мен билан ушлаб, Заррина нимага эришмоқчи ўзи? Келишганимизча, аэропортдан қайтиб, пастда мени деразадан қилмиш ишорамни кутиб турган Зарринанинг ўйлаган шумлигига тупуриб, Жўрабойнинг тап-тайёр, иссиққина қўйнига кира қолсаммикан... Йўқ, Заррина ўзининг калити билан барибир очиб киради, қолаверса, дўстлигимизга путур етказиб, сотқинлик қилсам тўғри бўлмас... Лекин, аттанг-аттанг, дугоначилик деб, бир беғуноҳга қанчалар озор етказишимни Худойим кечирармикан?.. Нега энди Унга беғуноҳ, беозор деб раҳмим келяпти, қилаётган қилиғи, айтаётган гаплари ашаддий хотинбознинг ўзи-ку! Демак,

Зарринанинг шубҳалари ўринли, унинг тилини қисик қилиб қўйиш шартга ўхшайди. Агар мен уни ишратбозликка ундасам Жўрабой аканинг ўзи интилармиди? Нега энди унинг қонини жунбушга келтирган, уни йўлдан ураётган мен ўзимни айбламай, Унга қора куя чаплаяпман? Ё, бошқа сир бормикан? Балки, Зарринанинг эрида мен билмас алами бордир, йўқса, бу қабиҳ тузоқни ўйлаб топмасмиди? Нега Заррина менга ушбу режасини айтганда шу саволларни бермадим-а, қайтанга томошабоп ўйинга кўр-кўрона рози бўлдим? Ёки, у менинг садоқатимни, ё эрининг содиқлигини синамоқчимикан? Унда, менга ўз режасини айтмасдан, ёлғондакам кетган жойидан ҳозиргидай қайтиб келиб ишрат чоғи ушласа бўлмасмиди? Балки, ҳозир у дераза остида йўқдир, шунчаки мен билан ҳазиллашгандир... Нима бўлгандаям, шартни бузиш муғомбирлик бўлади, яхшиси, ишора қилай-да, Жўрабойнинг қўйнига кирай...» Ойсара бир неча сонияда ўзи тушуниб етмаган саволларни бошида айлантиргани билан, барибир, бирор тўхтамга келишдан олдин «э, бор-ей» деб навозиш ила эснабгина обдан керишди:

— Эснаганим — эр деганим, керишганим — кел деганим, нима дедингиз, бўривой ака?

Жўрабой аввалига қўлларини Ойсаранинг белидан ўткариб, кучоғига тортмоқчи бўлди, лекин қай бир дақиқада орияти йўл қўймади. Қолаверса, Зарринанинг, Ойсаранинг кўзига қандай қарайман, деган андиша борлиқ вужудини қоплаб, қўллари боғланди ва беихтёр шундай деди:

— Энди сиз ҳам дамингизни олинг, мен ҳам ётай, эртага қиладиган ишларим кўп... Ҳазил ҳазил бўлиб қола қолсин, Ойсара, беш дақиқалик ҳузур деб, покиза ётоқни булғамайлик, нима дедингиз?

Жўрабойнинг жилмайибгина айтган ушбу сўзлари Ойсаранинг устидан қуйилган қайноқ сувдай бутун танибаданини куйдириб юборди. У отилганича хобхонадан чиқди-да, югуриб бориб, ташқари эшикни очди. Эшик олдида тоқати-тоқ бўлиб турган Заррина бирдан қаҳрли сўз қотди:

— Ишонмагин дўстингга, сомон тикар пўстингга, деганлари шу бўлса керак-а? Ҳеч бўлмаса, олдимга ювиниб чиққандирсан?

— Араванинг огроми аршина лойиқ, дейдилар, илтимос, сенсирама, чумчуқ ҳам оғирига ботмон! — Зарринанинг мақолига мақол билан жавоб берган Ойсара биринчи марта дугонасига тик гапирди.

— Майли, лекин соатнинг қиммати уни тўғри юришида, тўғри юрмаса, унинг тиллолиги бир пул.

— Иштони борнинг кўп иштони, иштони йўқнинг кети иштон, дейишади. Ўз кетингни ўзинг очишдан сенга не нафъ? Очиқ айтмаганинг билан мақсадингни биланман! Мақсадинг — мениям, эрингниям синашмас, ундан-да хавфлироқ, ундан-да қабиҳроқдир. Биз-ку Парвардигор олдидаям, банда олдидаям покмиз! Лекин сен айшингни суриб юрибсан-ку. Эринг-ку, майли, ўздан кўрсин, баттар бўлсин! Менинг ҳам кўзимга чўп солмоқчимидинг? Солиб бўпсан!

Бу қадар аччиқ ҳақиқатга чидолмай Заррина овози борича бақирди:

— Қани, йўқол! Йўқол уйимдан!

— Кетаман, уйингни қайтиб елкаминг чуқури кўрсин!

Аввалига ошхонадаги шовқинга эътибор бермаган Жўрабой хотинининг чинқироғидан сўнггина эгнига куйлагини илдириб аста чиқиб келди.

— Нима гап, кўзичоқларим?

— Ҳе, бўри бўлмай, ҳар бало бўл!

Жўрабой хотинининг сенсирашигаям унчалик эътибор бермади, негаким, айби йўқ эмас, Оврўпача тўшак устида, беминнат дугонаи дилдора билан шароб ичди, шеърхонлик қилди. Лекин унга Зарринанинг ўзи рухсат қилиб кетган эди-ку, энди нега жиғибийрон бўляпти? Бир сонияда хаёлидан шуларни ўтказган Жўрабой пинагини бузмай, ҳазилнамо оҳангда хотинининг кўнгли учун сўради:

— Ие, хотини суқсур, нима, самолёт учмадими?

— Самолёт чилпарчин бўлди! Бир нафас холи қолдириб бўлмайди сен гўрсўхтани! — Озми-кўпми «тузоқ» режаси амалга ошадиганга ўхшагани боис энди у овозига баттар эрк бера бошлади. — Кетганимдан фойдаланиб, ҳаромилик қилган икковинг ҳам нохуна бўлғайсиз! Дузах ўтида ёниб, кул бўлғайсиз!

Жазаваси тутган Заррина оғзига оқ келсаям, қора келсаям аямади. Ойсара билан эридан аламини олаётгандай бақириб-чақириб борган сари авжига минарди. Жўрабой бир-икки бор сўзламоққа оғиз жуфтлаган эди, шанғиллаб униям босиб ташлади.

Заррина энди аввалги латофатли Заррина эмас, шаллақи, чорвойи аёлга айланиб, ноазокату гўзаллигига ўт қўйган эди. Жўрабой ҳайратдан қотиб қолди. Ит талаган чопондай юраги садпора бўлди...

Гумон иймондан айиради деганларидай, Заррина рашк баҳона айтгани-айтган, дегани-деган, кўнглига яна ҳам кўпроқ эрк бериш борасида тузган «тузоғи», ўзининг оёғига лат едирди, ширингина турмушига оғу солди. Жўрабой қанча ҳаракат қилмасин, ораларидаги совуқчилик анчагача илимади, қадрдон дугонасидан айрилди...

Ва ажабким, «беш кунлик» дунё аталмиш қисқагина умрнинг айрим қийиргунликларига бечидам кимсалар наинки ўзларининг, ҳатто энг яқин одамларининг ҳаётларини ҳам заҳарлашдан ҳайиқмайдилар, аксинча, яхшилик қилдим, дея миннат қиладилар. Айрим оналар ўзларининг жиндаккина фароғатлари, балки ҳаётдаги устунликларини намойиш қилиш учун тузуккина яшаб юрган қизларини эрларидан ажралишга мажбур қиладилар. Нега шундай? Ўзининг бахтиқаролигига қизиниям шерик қилиб яшашларидан ғаразлари не? Бу тушуниксиз, бежавоб ҳукми кажполарнинг зиёидан сабоқ олиш, ёшларни ўз ҳолларига қўймай яшашлик наҳотки қондан қонга ўтиб келаберса?

Ана шу янглиғ бахти нигунлик ҳақида чумчуқ оғзидан чўп олмаган Худойназар бир сафар қум сайри чоғида гурунг этганида яхшилик ва ёмонлик мезонининг адолатсизлигига яна бир иймон келтирдим.

Қулоқ беринг

...Сўзлашдан олдин, кўзлари кулимсирайдиган Худойназарнинг армиядан қайтиши яхшилик устига яхшилик бўлди. Уни ўзидан бир ёш катта қизга-келинбисининг синглисига уйлаб қўйдилар. Томирларида йигитлик қони кўпириб турган йигит ота-онасига йўқ деёлмади. Онаизорининг айтган бир оғиз гапи унинг тақдирини ҳал қилди.

— Оғангни ўн бир фарзанди бор, келинбибинг сингиси билан оwsун бўлса, болаларингиз ҳам биргалашиб ўсадилар, ҳарқалай ўзли-ўзи, оғанг қийналмайди, менга ям яхши. Ёт келин-ёт келин... Уруш тугаган йиллари эди, қайнонамга зиғирча озор бермаган бўлсам ҳам, қўшнимизга ҳасрат қилганини эшитганман. «Ишдан келган келин худ Берлинни олиб (саркардадай) келдим дейди, уйда ўтирган қайнона асир бўлиб ўтираркан, қўшнижон». Мен эса, Худойназар, бу қавмга ёт эдим.

Худойназар онасининг бу жўяли гапига қандай йўқ деёлади, рози бўлди. Бўлмиш қайлиғи Ойшажонни танийди, келинбисининг сингиси, қадди барно, сочлари узун, қошлари қора, кўзлари қора, бинойидек қиз.

Худойназар ишга кирди, ўғиллари Санжар билан Сардор туғилди. Ойшажон ҳам тиббий ходимликка ўқиб ишлай бошлади. Хуллас, ҳамма одамларникидай, ўзларининг ўлчовлари билан айтганда, ҳеч кимникидан кам бўлмаган, ўзларига яраша шодлигу ташвишлари билан умргу-

заронлик қилишмоқда эди. Ҳа, тузуккина яшашмоқда эди, лекин қайнонаси Розиябиби ошларига оғу солди, Ойшани йўлдан урди. У ҳар гал келганида кўзни қамаштирадиган зиракми, узукми, ялтироқ бир кийимликми, хуллас, бирор кўзга яқин нарса кўтариб келар, қизини сотиб олишга ундар, олмаса қийнарди.

— Эринг топиб-чопиб турганда олгин, тақиб, кийиб қолгин, — дерди.

— Опажон, ахир Худойназар билан икковимизнинг ишлаб топганимиз рўзгоримиздан ортмаяпти, қўйинг, керакмас, — дейди ялиниб Ойша.

Онаси уни силтаб ташлайди:

— Ёшлигингда олдинг-олдинг, қолдинг-қолдинг, эрингни раъйига қарасанг, алинг касов, сочинг супурги бўлиб қариб қолганингни билмайсан.

Она қизини синдиради: у деса — у дейди, бу деса — бу дейди, хуллас, олиб келган нарсасини сотиб кетади.

Кўтарма кран ҳайдайдиган Худойназар ишдан ҳориб-чарчаб келса, хотини гоҳ то у сезгунча бармоқларини айнойи қимирлатиб, тилло узугини намоиш этса, гоҳида янги тиктирган куйлагини кўз-кўз қилади.

Худойназар дарров биладики, озми-кўпми олиб-сотарлик қиладиган қайнонаси келиб-кетган. У авваллари чидаб-нетиб юрди, лекин яқиндан бери катта ўғилларини сунат қилдириш учун пул йиға бошлаганларидан кейин Ойшанинг керак бўлса-бўлмаса нарсаларни ойисидан харид қилишига оғрина бошлади.

Бир куни навбатдаги олди-сотдидан кейин, Худойназар:

— Ойинг нега катта қизига, келинбимга сотмайдию, бу нарсаларини сенга сотади? — деб бўғилди.

— Унга сотолмайдилар, катта опам қувиб берадилар.

— Сен нега оласан? Сен нега қувмайсан? Ахир, тўйни қандай қилиб ўтказамиз? Илк муродимиз бўлса?

— Мен ойимнинг раъйини қайтаролмайман. Сиз ҳам кўп бўғилаверманг, олганларимнинг барисини йиққанда, рўпарадаги қўшнининг бир кунлик ясанишига етмайди.

— Ҳар ким кўрпасига қараб оёқ узатиши керак.

— Бизнинг оёгимиз ҳали кўрпамиздан чиққани йўқ.

Эр-хотиннинг уруш-ярашлари гоҳ тўхтаб, гоҳ авжланиб, ахийри портлашга келиб қолди. Ўшандан бир кун олдин Худойназарнинг қиз опаси тўй бошланишига ҳорманг айтиб кетишга Хивадан меҳмон бўлиб келди-да, укасининг «керакмайди, ҳамма нарсамиз етарли», дейишига қарамай рўзгордан орттиролганимиз шу, дея беш юз сўм ташлаб кетди. Беш юз деганимиз ҳозирги ўлчов

билан айтганда, беш юз доллар. Опаси кетгач, Худойназар бу пулни Ойшага бераркан:

— Опам ҳам аялванд рўзгор, бизга қиёлмай бериб кетди. Туёна дегани — қарз бўлади, бир кун қайтаришимиз керак, — деди.

Бахтсиз қувончни қарангки, эртасига Розиябиби қараб кўз узолмайдиган икки кўйлаклик кўтариб кириб келади. У дейди, бу дейди, тўйда ясаниб, душманларингни куйдирасан, пул қўлнинг кири, топилади, кийганинг, еганинг қолади, дейди, хуллас, икковиниям қизига пуллайди. Ойшажон икки куйлакликниям тикувчига элтиб беради. Ҳафта-ўн кун ичида хушбичим қилиб тикилган куйлақларининг бирини кийиб, бирини чиқариб, ўзини кўзуга солиб турганда Худойназар ишдан қайтади.

— Муборак бўлсин демайсизми, — деб нозланади Ойша.

— Муборак бўлсин... тозадан тикдирдингми?

— Ҳа, тўйда ялонғоч юраманми!

— Нега ялонғоч бўларкансан, яқинда янгисини тикириб кийган эдинг, шекилли?

— Мана, бунисини қаранг, бу унисидан ҳам чиройли!

Эрининг саволига жавоб бермай, иккинчи куйлагини кия бошлайди.

— Пулни қаердан олдинг?

— Опабингиз бериб кетган пулни ишлатдим.

Худойназарнинг асаблари таранглашиб, кўз олди қоронғилаша бошлади. У нима деярини билмай соқовланди. Рўзгор тебратишда эр-хотиннинг қўш ҳўкизлиги фақат оғизда-ю, амалда эса, ўзини ҳўкизман деб аюҳаннос соладиган ғунажиннинг зараридан зада бўлган Худойназар хотинини урмади, сўкмади, фақат устал устида ётган қайчини олиб куйлақларни бир тилимдан кескилаб, қиймалаб ташлади. Ойша дод солди, жавради, йиғлади, ёлворди, Худойназарни ҳеч қандай тавалло тўхтатолмади. Хотини нима десаям бир оғиз жавоб қайтармади. Эрталаб туриб қараса уйда хотин ҳам йўқ, болалар ҳам. Якшанба бўлгани учун кечаги арази боис мендан рухсат олмай ойисиникига кетгандир, деб Худойназар унча хавотирланмади. Қайтанга ўзини босиб олиши учун имкон яратиб берганидан Ойшадан миннатдор ҳам бўлди.

Худойназар янглишган экан, кунлар ўта берди, бироқ Ойшадан, болаларидан дарак бўлмади. Ниҳоят, тоқати тоқ бўлгач, бошини осилтириб, болаларидан хабар олиш учун қишлоққа жўнади. Қайнонаси гап-сўзга қулоқ қўядиган эмас:

— Кичик қорнимга сиққан болам, кенг уйимга сиф-

майдими. Оқ тавба, қора тавба, сендай куёвим йўқ, — деди. Ҳайдади.

Болалар Худойназарнинг бўйнига осилиб, дод, кетамиз, деб йиғлашади.

Худойназар эзилиб оғасининг уйига келди, келинбисини таваллога юборди. Йўқ, Розиябиби катта қизига, сен аралашма, ўз рўзгорингни бил, деб ҳайдабди.

Худойназар олти ой қатнади, ёлворди, бўлмади. Ойша ажралиш учун судга ариза берди. Худойназар мен ажралмайман, дегани учун иш район судида икки марта олти ой, олти ой муҳлат билан кўчирилди. Учинчи марта суд шаҳарга оширилиб қайта кўрилди. Шаҳар тугул, суд улкан пойтахтга кўчирилиб иш кўрилсаям бир томон ажралмайман деса, ажратолмас экан. Қайнонаси шаҳар судининг устидан тегишли маҳкамаларга арз қиламан, дея ҳақорат сўзларини аямагач, судья Худойназарни кабинети тига чақириб мулоймлиқ билан сўраган:

— Ажрашмоқчи эмасмисан?

— Йўқ.

— Қайнонангнинг сўзларини эшитдингми?

— Эшитдим.

— Шундай даъвогар онанинг қизидан нима кутасан? Олма дарахтдан узоққа тушмайди, тагига тушади. Охиरोқибат бу хотининг сени хароб қилади. Уни галиши қула (қибла) кумни олжақдин, вазоҳатидан от ҳуркади.

Худойназар судьянинг сўзига рўйхушлиқ бермади:

— Тухуми (уруғи) яхши, момоси яхши эди.

— Ёмондан яхши дуруса ками йўқ, яхшидан ёмон дуруса эми (давоси) йўқ.

— Ўртада болаларим бор, тирик етим этгим йўқ.

— Яхши, майли, ажратма, фақат қоғозда ажралишган бўласан-у, кейинроқ кўшилиб яшайверасан. Хотинингним ойисига билдирмай шунга рози қиласан, бу бир формалний нарса... — Худойназарнинг сал ён босиб жим кулоқ кўяётганидан судья янада ишончлироқ бўлсин учун кўшиб қўйди: — Ҳаётда бундайлар оз эмас, ярашганларингдан сўнг яна ариза бериб, ЗАГСдан ўтасизлар, вассалом, нима дединг?

— Билмадим, — деди Худойназар судьянинг алдаётганидан беҳабар.

— Яхши йўли шу, ҳозирча кобра қайнонангнинг оғзини қапилтириш керак, тушундингми?

— Бугун сизнинг ҳукмингиз билан ажрашиб кетсак, болалар нима бўлади? Улар қайси биримиз билан яшайди?

— Бир ўглингизни сенга, бирисини хотинингга ёзамиз, — Худойназарнинг қаршилигини сезган судья уни

гапиртирмай, — сенга қайси ўғлингни ёзай, каттасиними, кичигиними? — деб сўради меҳрибонлик билан.

— Каттасини, Санжарбекни менга хатлаб беринг, кичиги ҳарқалай опасининг ёнида бўлгани маъқул.

— Жуда яхши, қани, ҳозир залга чиқ, судни давом қилдирамиз ва сенинг хоҳишинг билан суд ҳукмини ўқиймиз.

Худойназар судьянинг лўттибозлигини, унинг гапига лаққа ишониб болаларини етимликка маҳкум этганини, хато қилганини ойлар ўтиб англади. Санжарбекнинг суннат тўйиям қолиб кетди. Ойша кичик ўғли Сардор билан ойисиникига, Янгиариққа кўчиб кетди. Худойназар хотинига, бирга яшайверайлик, майли, ҳозирча енгилгина кучинг билан кетавер, деди. Қаёқда, қайтанга қайнона тўйга тикилган бари нарсаларни қизининг кўч-кўронига кўшиб олиб кетди.

Худойназарнинг боши қотди. Осмон узоқ, ер қаттиқ. Ўша кунлари уни кўтарма крандан одам ташийдиган машинага ҳайдовчи қилиб ўтказишди — Хивадан Урганчга курувчиларни ташийди. Санжарбекни уйда қолдириб кетишнинг иложи йўқ, ҳар куни машинанинг кабинасида олиб юради. Ана шундай кунларнинг бирида, Урганчдан Хивага қайтиб боришларида Санжарбек чарчаб, бошини дадасининг тиззасига қўйганча ухлай бошлади. Худойназар унинг бошини сал тўғрилаб қўяман деганида, машина йўлнинг сийпанчиқ четидан зейкаш (заҳкаш) томонга эниб, устидаги одамлар билан аста қийшайиб қолди. Лаҳзалар ичида машинанинг қандай йўлдан чиқиб кетганига то ҳануз Худойназарнинг ақли бовар қилмайди. Худо бир сақлади, одамларга шикаст етмади.

Эртасига қулоқдан қулоққа ўтиб машинанинг зейкашга энгани «катта аварияга» айланиб бари яқинларни ларзага келтирди. Айниқса, Хивадан қиз опасининг эшикдан йиғлаб кириши Худойназарнинг эсхонасини чиқариб юборди.

— Укажоним, тани-жонинг соғми, ўғлинг омонми? — Худойназарнинг шукронасигаям қулоқ солмай, қандай бошлаган бўлса, шундай баланд овозда ўзининг ҳукми хулосасини тўкиб ташлади: — Бахтсизлигининг давоми бу, қон қусгур қайнонангни, унинг измидан чиқмай, болаларини тирик етим қилган хомхаёл, манглайи ал тахтадин қора хотинингнинг касри бу! Етар, ўғлингни дарбадарлиги, уйланишинг керак, ўзим уйлантираман.

— Раҳмат... лекин сиз ўйлаганчалик қисинишмага ҳеч қандай ўрин йўқ. Машинам ағдарилмади, бир ёнига сал қийшайди, холос.

— Бу катга фалокатнинг олди бўлса-чи? Йўқ, уйлан-масанг бўлмайди.

— Қўйсангиз-а, қандай уйланаман, ахир мен ажраш-маганман, судья ҳам айтди, фақат қоғозда ажралишган-миз.

— У нима деганинг? — Опаси ҳайрон бўлиб тикилиб қолди. — Яна беуй, исрофгар хотининг билан қўшилиб яшамоқчимисан?

— Ҳовва.

— Хотининг нима дейди, шунга розими?

— У билан гапиришиб бўлмапти, борсам қайиннам (қайнонам) итдай талайди. Лекин Ойшанинг кўнгли бор-га ўхшайди.

Укасини уйлантириш хуружида келган опасининг ҳаву-ри босилди. Нима қилсаям бир қориндан талашиб тушган укаси, қиёлмайди-да. Ундай бўлса, майли, ўзларинг биласизлар, дея опаси қайтиб кетди.

Тақдирнинг беаёв ўйинини қарангки, ажралишганла-рига олти ой тўлиб-тўлмай, тўсатдан Розиябиби вафот этди. Нима қилсаям қайнона, Худойназар жанозасига бор-ди, кечгача келиб-кетганларни кутган бўлди, бироқ Ойша билан сўзлашишга, кўнгли сўрашга имкон бўлмади. Қай-нонасининг учига, еттисига борди. Одамлар сийраклаша бошлаганларида Ойшанинг қайси бир холаси:

— Бировнинг йили ўтгунча бировнинг умри ўтади, дейдилар, йиғиштир нарсаларингни, эрингни машинаси-га чиқ, уйингга бор, — деди.

Ойша сал ҳаялланиб ўрнидан кўзғалаётган эди, аёл-лардан кимдир:

— Бу не қилиқ, онангнинг руҳини чирқиллатиб нера борасан, жуда эрсираган бўлсанг ҳам қирқи ўтсин, йили ўтсин! — деди қаҳр билан.

Ойша кўзгалган жойида ўтириб қолаверди.

4

Худойназар эл удумини бузишга богинолмади. Кичик ўғли Сардорбек бўйнига осилиб кетаманлайди. Фойдаси бўлмади, яна Санжарбек билан Урганчга қайтди. Яна бирга яшаш илинжи устун келиб, тўйга тайёргарлик кўриб юр-ган кунлари идораси томондан берилган икки хонали уйни аста-секин тўлдиришга киришди. Ойлар ўтди, ле-кин Ойшанинг Урганчга бораман дейдиган на ишораси бўлди, на имзаниши. Бундан хабар топиб юрган Худойна-зарнинг қиз опаси яна уйлантираманга тушди. Кунлар-нинг бирида у изига бир қизни солиб, кечга яқин кириб келди.

Худойназар опаси меҳмон билан келганида, азбаройи шу хотиним бўлади, деб миясига лоақол биргина лаҳзаям келтирмади. Опасиям мана шу қизни сенга олиб келдим, демади. Опаси билан меҳмон қиз ошхонада овқатни бирга тайёрлаб, ётсирамай кириб-чиқаверди. Овқатланиб бўлишгач, опаси мулойимлик билан укасига гап қотди:

— Худойназар, етар Санжарбек билан қийналиб яшаб юрганнинг. Узоқ кулоқдан эшитсам, хотинингни қўшилиш нияти йўқ эмиш. Онасининг руҳини чирқиллатмасмиш... Шунинг учун, мана, қўшнимизнинг қизи, рози бўлди, олиб келавердим.

Худойназар етти ухлаб тушига кирмаган бу янглиф турмуш ўйини олдида қотиб қолди. Опаси ҳазиллашаётган бўлса керак, дея тезда ўзига келди ва кулимсираб:

— Ҳар қандай ўйинниям чегараси бўлади, — деди.

— Ўйининг нимаси, бу қиз уйдан жавоб олиб чиқди. Менинг сўзимни синдирмай ота-онаси рози бўлди, ўйининг нимаси! Атари (ишқалли томони) туғмаганлиги учун эрдан чиққан.

Ана буниси энди ҳаммасидан ошиб тушди.

— Йўқ, — деди Худойназар, — мен болаларимни тирик етим қилмайман. Опа, хафа бўлманг-у, мен уйланмайман.

Уйлансам ҳам эрдан чиққан аёлга эмас, қиз болага уйланаман, демоқчи эди-ю, меҳмон қизнинг иззатини сақлади.

— Энди мен, — меҳмон қиз аста тилга кирди, — қандай қилиб уйимга қайтиб бораман? — У опага қаради. Опа унинг саволига жавоб бермади. Опадан ҳам, Худойназардан ҳам садо чиқмагач, мулойимлик билан қайтиб кетолмаслигини англатди: — Йўқ, энди қайтиб боролмайман.

Ўртага оғир жимлик чўқди. Наҳотки, турмуш қуриш шунчалар енгил бўлса? Худойназарнинг боши говлай бошлади.

Опаси айтганидан қайтмади, янги келин бўлмиш Ҳожарни ташлаб кетди. Кун бўйи машина кабинасида чарчаб юрган Санжарбек ухлаб қолди. Ҳожар нима қиларини билмай гарансиб, ошхонага бир-икки бор кириб чиққан бўлди. Худойназарнинг ҳам боши гаранг, нима қилариниям, нима деяриниям билмай жим ўтириб зерика бошлади. Биринчи бор яқиндан бери яшаётган, биров ҳавас қилса арзийдиган боҳаво хоналар кўз ўнгида кичрайиб, нафас олиши оғирлаша бошлади. У ташқарига чиқиб кетишдан бошқа чора топмади.

Кўчада у узоқ санқиди, бирор тўхтамга келолмади.

Лекин бир нарсани кўнглига қаттиқ тугди, уйлансаям эр кўрмаган қизга уйланади, Ойшанинг кўзини жойига солади. Лекин Ҳожарни нима қилади? Қандай қилиб уйига жўнатади? Соатига қараса, вақт алламаҳал бўлибди. Тақдирини улуғ ҳакам, вақтга ташлаб уйига кирди. Ҳожар Санжарбекнинг ёнида ухлаб қолибди.

Худойназар хобхонага кирмай, меҳмонхонада ечинмай диванга чўзилди. Эрталаб уйғонса, уй ичи саранжом-саришта, чойлар дамланган, дастурхон тузалган, Ҳожар ошхонада куймаланиб юрибди. Худойназар чойини ичиб бўлгунча унга кўриниш бермади. У ҳам бир оғиз сўз демади. Фақат Санжарбекни ҳар кунгидай ширин уйқусидан уйғотмай, биринчи бор кўнгли алланечук осойишта, ёлғиз ўзи ишга жўнади.

Худойназар кечкурун ишдан қайтса, яна овқатлар пишган, ҳаммаёқ топ-тоза, Санжарбек Ҳожар билан опоқ-чапоқ, нималарнидир чуғурлаб тушунтиряпти. Ҳожар ўзида йўқ мамнун. Барибир, Худойназарга ботмаяпти. Кечаси яна бошқа-бошқа ётишди.

Кунлар ўтди, ундан у, бундан бу, рўзгорлик, одамийлик, Худойназар Ҳожарга кетинг деёлмади, аксинча, ўзи сезмаган ҳолда аста-секин ўргана бошлади ва қандай қилиб бир ёстиққа бош қўйганини билмай қолди.

Одамларга ўхшаб тузуккина яшай бошлаганларида Ойша кўч-кўронини кўтариб келадиган бўлди. Худойназар яна тақдирини насибага солди. Маълум бўлдиким, туғмаганидан эрдан чиққан Ҳожарнинг бўйида бўлиб қолибди. У ўзида йўқ хурсанд. Санжарбек Ҳожарга ўрганиб қолди.

Ойша энди қўшилолмаслигини билгач, Худойназардан қасд олиш йўлига ўтди. Юқори ташкилотларга арз қилди, уйга даъво қилди.

Худойназар Ойша билан судлашиб юрган вақтларида қўли тегиши уёқда турсин, ўйлашга ҳам имкони бўлмаганидан идорасидан берилган квартирани қонуний расмийлаштирмаган экан, кавртиранинг калитини қайтариб топширишга мажбур бўлди ва чорасиз қолгач, оиласи билан Хивага, қайнотасиникига кўчиб кетди...

Йиллар ўтди. Худойназар Ҳожардан икки қиз кўрди, ўғиллари катта бўлди. Урмаган, сўкмаган, фақат жаҳд устида янги тиктирган куйлақларини қайчилагани учун арслондай эридан ажралган Ойша бошқа эр қилмади, аёл боши билан ўғлини катта қилди.

Худойназарнинг кўнгли қаттиқ қолган эканми, қайтиб Ойша билан, унинг турмуши билан иши бўлмади, қайтиб уларникига қадам босмади. Лекин яқинда жияни Сардорбекдан хабар олган синглиси гап топиб келди:

— Кўчада болалар ўглингиз Сардорбекни хўрлашаётганмиш, оға.

— Нима учун?

Худойназарнинг ташвиш ила берган саволига синглиси тезда жавоб бермай, аламли оҳангда огасининг дилига аччиқ гулгула солди:

— Отасиз, отаси йўқ деб. — Ҳаётда ўта кўнгилчан, юраги тоза Худойназар синглисининг бу дилэзар гапидан бошини кўйи эгганча жим қолди. Сингил кўзига ёш олиб, астагина кўшиб кўйди: — Бориб-кетиб, хабар олиб турсангиз нима қилади?

Худойназар бу ҳақда ўйлагани ҳақ, ўйлагандаям жавобсиз, самарасиз хаёллар оғушидан чиқолган эмас, ахир қандай қилиб бориб-кетиб, уларнинг ҳолидан хабар олади, қачонки, Ҳожар билан яшашларига кўз тегмасин, ҳамманинг ҳаваси келади. Ҳожар эшитса нима бўлади, қизлари нима дейди? Болдай турмушларини заҳарлашни истамайди, ахир.

Бу ҳақда эзилибгина Ҳожарнинг кўнглига қўл солди. Аввалига рўйхушлик бермагани билан зуваласи яхши жойдан олинган экан, Ҳожар болдизининг ёнини олгандай бўлди.

— Сардорбек келиб-кетиб юрса бўлармиди, — деди.

Ҳожарнинг шу бир оғиз гапи Худойназарнинг елкасидаги тоғдай юкни ағдарди. — Хотинига меҳри товланиб, ичидан ташаккурлар айтди. Ўғлини уйига таклиф қилиш учун Санжарбек билан икковлашиб уларникига боришди. Барибир қон тортади деганларича бор, балиқ сувга киргандай ўғиллар бирлашди. Ойшанинг хурсанд бўлганидан Худойназарнинг боши осмонга етди. Бугунми-эрта бўйлари етиб қоладиган ўғилларини уйлантириш, бири-биридан гўзал қизларини келинлик либосида кўришдек ширин орзулар қанотида учиб юриш бахтига муяссар бўлди. Илойим, энди бу кушойиш кунларига кўз тегмасин...

5

...Шу қаро тун кўйнида, уйга қайтиш-қайтмаслигим даргумон қўналгада, келинига қизидай қарайдиган опамни, турмушнинг не-не гирдобида қолганимиздаям то ҳануз мен билан жиддийроқ уришиб кўрмаган Раънони, мени ўғил-қизларидан зиёда алқайдиган, дилим оғритадиган бирор сўз уёқда турсин, шу пайтгача бирон қатла юзимга тик боқиб кўрмаган қайнонам Райҳон момони ўйладим. Юрагимда хотинимга нисбатан бекарон хушлуқларни кушойиш этаётган самимий муҳаббат, ажиб бир меҳр вужу-

димга қавийлик бахш этди, яхши оилага бош бўлганимдан гурурландим.

Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида «Яхши хотин — оиланинг давлати, бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Ҳуснли бўлса — кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса — жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради. Киши бу каби жуфти ҳалол билан қовушса, агар бундай бахтга эришса, ғам ва кулфатда сирдошга, ошкор ва пинҳоний дард-аламда ҳамнафас ва маҳрамга эга бўлади. Турмушда бошингга ҳар қандай жафо тушса, ҳамдардинг у; тескари айланувчи фалакда бошингга ҳар бало келса, кўмакдошинг у. Кўнглингга ғам юзланса, у ҳам ғамнок; баданингга хасталик ва заифлик етишса, унинг ҳам жони ҳалак. Аммо, Худо кўрсатмасин, номувофиқ хотин учраса, ўз уйингда ҳалоқатли иллат пайдо бўлади... Юқорида таърифи берилган яхши хотинлар жуда кам туғилади. Кимга шундай хотин учраса, бошига бахт қушининг кўнгани шудир», дея бағоят беназир, пурмаъни ҳақиқатни битганлар...

Уришганда тузоқ қўйиш уёқда турсин, яхши хотин тўрга, ёмон хотин аданга (эшик олдига) қараб қочади, деб бежиз айтишмаган донолар. Бу гапда ҳикмат кўп-а... Уорен: «Жоҳилликдан меҳр яратмоқ лозим, бошқа недан ҳам яратасан», деганида ана шундай уришганда тўрга қочадиган беозор фаришталар тўғрисида ўйладимикан? Чунки улар бўлар-бўлмаста эрларига озор беришни гуноҳ ҳисоблайдиган, эр Худонинг ердаги сояси, эрга шак келтириш Худойимга шак келтириш билан баробар, деб биладиган, тақдирини мақтаб, унда бахтини кўрадиган саодатманд, жаннатий ҳалоли жуфтлардир...

Одамни алдаётгани ёхуд алдамаётганини ҳамиша кўзлар англариб туради. Самимий кўзлар алдай олмайди. Алдашдан ҳазар қиладиган, барча яхшию ёмонга самимият билан қарайдиган Раънони ўйлайман яна. Ҳозир қоғоз-қалам бўлса, дилим изҳорини шундай ифодалардим:

*Дардкашмиз сен билан мана не замон,
Ўлчамми озми-кўп, бир инсон умри.
Озор ҳам, рўшно ҳам кўрдик беамон,
Ўзига аёндир савоби, журми.*

*Яшамоқ тарзида йиқса-да кемтик,
Беҳисоб бўлди гоҳ йиллар шиддати.
Кўнгулга гоҳ фараҳ, гоҳ озор бердик,
Минг йил берилгандай умр муддати.*

Улчамли нафаслар, қадри баайни,
Хукмин ўтказмоқда умр мезони.
Ҳозирги донишлик бўлсайди кани,
Шавқли шарқираган ёшлик замони.

Бу қўмсаиш фақатким дилга тасалли,
Ҳар куннинг ўз ҳукми, ҳисоби бўлак.
Минг дониш бўлсанг ҳам бордур касаллик,
Яна не ғаддорлар оқизмиш сулак.

Тириклик дафтари қайдланар кун-тун,
Кимса ўта олмас ёзиғни четлаб.
Гаҳида сармастмиз, гаҳида дилхун,
Во ажаб, қўйганми барин бет-бетлаб.

Бу дунё ишларин бари фаройиб,
Фаройиб севинч ҳам, қаҳр ҳам, ғам ҳам.
Гаҳи найк дилингни хуш этса ёғиб,
Гаҳида дилиннга қалайди алам.

Аямай қанотли отин қамчинлаб,
Пойгада бир-бирин қувларлар йиллар.
Чорлар олисларга шамоллар имлаб,
Кунгул ҳам зирқираб, ҳайрона йиғлар.

Йиллар ўтиб отмас, узундан-узоқ
Бирвақтлар қисқадан-қисқа оқшомлар.
Тешилай дер дилга солиб минг фироқ,
Қачонлар завқ берган ёмғирдан томлар.

Умр ҳам тўрт фасл, насиб этса гар,
Худди табиатдай баҳор, ёз, куз, қиш.
Биз ҳозир куздамиз, хазонлар эзар,
Вале пок умидлар дилларга нақиш.

Шукрим, сен борсан меҳрибон, ҳамдам,
Қолмиш синовларга ёнма-ён таянч.
Буёғи нозикдур иков учун ҳам,
Чин иззат хушасо, нигоҳлар суянч.

Ўғил-қизларимиз измимиздадир,
Раъйимиз қайтармас эрка жужуқлар.
Минг шукр, куч ҳали рамзимиздадир,
Дилимиз оғритмас тили сужуқлар.

Дардкашимиз сен билан, завқи сарирмиз,
Пок мақсад йўлида нияти жозим.
Ҳали кўп яшармиз, қўша қарирмиз,
Оллоҳ умр берса, ажабмас, жоним...

Дивини (илдизини) сийлаган дев бўлади, дейишади. Водариф!... Бу мақолни ким, қачон, не сабаб билан айтган эди-я?.. Яқин-йироқ суҳбатдошларимни бир бошдан кўз олдимдан ўтказа бошладим — Неъматжон аками? Йўқ... Оғамми? Йў-ўқ... Ошиқ Эркинми, Матназарми, Курбон Матризомми, Кўзи Давлатми? Йў-ўқ. Ҳокимлардан-чи? Жуда кўплаб мақолу нақллар биладиган Хива ҳокими Руздат акамнинг ўғли Матёкубми? Балки... йў-ўқ. Шакаржонми... Топ ўзи! Узоқ йиллар Богот тумани ҳокими лавозимида ишлаган Шакаржон Хўжаниёзова суҳбати орасида бирор теша тегмаган мақол қистириб ўтадиган зукко аёл. Унинг кўзларидаги самимият, сўзларидаги содда латифлик ҳар кимнинг ҳам дилини хушнуд қилади. Кичкинагина бир мақол, ё олам маънисини ўзида жамлаган бир дониш лутфи ила суҳбатдошини сарвари султон қилади.

— Меҳр олдида ҳар қандай қабоҳат ҳам тиз чўқади, — дейди, озурда бир ғамнокни тинглаб. — Рақибингиз нечоғлик инжитган бўлсаям, сиз меҳр кўргизаверинг, иншолло, даргоҳида ижобат бўлғай.

Ҳар қандай ҳолатдаям ўзбекона либосини тарк этмайдиган, ҳам ботинан, ҳам зоҳиран соддагина бу олия аёлнинг турган-битгани мақол. Баъзан каттароқ вазифадаги одамлар иши оғирлигидан нолиб зорлансалар, у:

— Туя ничалли, ёвури шунчалли, — дейди.

Билҳақ, Шакаржоннинг айтимида улкан маъно бор. Туя қанчалик катта бўлса, ётиб-турганида, юк ташиганида, оёқ-қўллари, ён қоптоллари шунча кўп қирилади, яғирлари яраланиб қотиб кетади, унинг юки салдомига лойиқ-да. Биргина мақол билан ўзигаям енгил эмаслиги баробарида суҳбатдошини улуғлаб кўяди.

У ҳаётдаги бари қийинчиликларни меҳнат билан енгилга ишониб яшайди. Аёл боши билан туманга ҳокимлик қилиш осон эмас. Не-не билагига кучи сифмаган йигитлар, Афлотунга ақл беришдан ҳам қайтмайдиган баҳрабардор бандаи бедорлар билан гоҳ-гоҳида аёвсиз мусоҳабаларда меҳнатни улуғлаган чоғи унинг ҳокимлигини ҳурматлаб, жимгина қулоқ кўйишгани билан, айрим кўзлардаги «меҳнат-роҳат» эмиш, меҳнатнинг нимаси роҳат, дея пичинга менгзар нигоҳларни ботиний идроки ила илғайди ва борлиқ вужуди донишликка айланиб, роҳат меҳнат ичидалигини содда, оддий мисолларда тушунтира бошлайди. Дала шийпонларида аёллар кўпроқ йиғилган қай бир йиғинларда беихтиёр уй бекасига айланади, меҳрибонона дилидагини тўкиб солади:

— Хамирни ярим соат зиёдроқ қориб, қаттиқ муштлаб, даманиям меъеридан оширмай тоблаб, тандирни ғўза-

пояда обдан оқартириб ёпган нонингизни икки томони ҳам бир текис қизариб чиқса, меҳнатингизнинг роҳатини бировга бемалол тушунтириб бероласиз...

У ёш-яланлар аралаш каттароқ ёшдага эркагу хотинлар йиғилган жойда, айниқса, ҳали келинлик либосини ечмай далага, ишга чиққан келинчақларни аяш, умргузаронлик замиридаги меҳру оқибат, хайру нохайр умр ташвишларини бирин-кетин қалаштирмасдан, одамзоднинг яратилиши билан боғлиқ бари юкни ўзида мужассам этган ушбу мақолни ички бир эҳтирос билан айтиб қўя қолади:

— Ерика (бошқоронгига) ерингни сотиб едир...

Танқид туққанингга ёқмайди. Гина ва гараз метин қалбларниям емиради. Бу борада Шакаржоннинг ўлчов мезони ажиб бир ҳикматли. Барча қабзаи фармонбардорларга, муовинию турфа даражадаги мажоли мадораларига айтадиган лутфи бор:

— Магарам, бирор нохуш койишим, ё ноҳўя танбеҳим сабаб мендан кўнглингиз қолса ёки бирор-бир азият чексангиз, мени орқаворатдан ёзғириб юрманлар, қасдингизни мендан эмас, меҳнатингиздан олингиз, кўнглингиз ҳам, уйингиз ҳам обод бўлади.

Алҳақ, одам барибир одам, баъзан сал нарсага туюқиб, асаблари таранглашиб, кенг жаҳон кўзига тор келиб қолиши мумкин. Шундай чоғларда Шакаржоннинг адабу жазо бериш борасидаги таъдиби тафсифи тайёр:

— Қаҳрини меҳнатдан олсин, у дунёю бу дунёси азизу мукаррам бўлғувсидир.

Аслида қаҳрни меҳнатдан олиб бўлмайди. Шакаржоннинг нияти бошқа, юксак бир маъноларга урғу бермоқда. Шунинг учун унинг бу сўзларини эшитганда ичимда тилингиздаги эмас, дилингиздаги бўлсин, деб қўя қоламан.

Бир мақол сабаб эсга олганим Шакаржон Хўжаниёзова билан туз-намак бўлиш, суҳбатлашиш насиби ҳам мен учун тасодиф эмас экан. Гоҳида ўтган умримни, кўрган билганларимни, ёру дўстларимни, ҳатто рақибу душманларимни ўйлаб қоламан ва ҳеч бири изсиз кетмаганига, бирлари умримга зиё бағишлагани, қай бирлари соя солиб кетганларини ҳис қиламан. Бирор воқеа сабаб қувонсам, ўша зиёбахш ҳамдардларим кўз олдимга келади, юрагим ўн чандон ортиб, кўксим тоғ бўлади. Аксинча, нохуш қилмишлардан кўнглим лат еса, умримдаги соялар бостириб кела бошлайди. Ўртанган қалбимни қон қилади. Ҳаётда учраган зиёбахш аёллар — момом, энам, олам, қайнонам, умр йўлдошим, қизларим, келинларим, қудажонларим, кўлгина таниш жувонлар... Булар иффату назокатда, одобу икромда, сабру қаноатда, фидокорликда

ҳаётим машъали бўлиб қолган. Аммо шу машъалада ҳам гоҳ-гоҳ камислик сезардим. Шакаржон лутфу карами билан шу камисликни тўлғазди. Аёл бошига юрт юргузиб, эл дардини сўраб, бир жонини неча минглаб жонларга бахшида этиб қоқинмай, насоқ гапларга қолмай баланд мартабаларга эришмоқ ҳолатини кўрдим унинг соддагина феълу тийнатида.

Бугунги аёл, бугунги она, бугунги хонадон соҳибаси... бугунги... бугунги... Буларнинг барини унинг сиймосига таққослаб ҳал қиламан. Шунда эртанги кунимизни равшанроқ кўргандай бўламан.

Ҳаёт аталмиш муъжаз хилқатнинг бу янглиғ оддий ва содда ҳақиқатиға унинг ихлосу эътиқоди баланд, шу боис у қайси вазифада ишламасин иқболи нурли бўлажак...

Тўртинчи боб

1

Ўтган умримдан розиман. Ҳаётимда неки яхшилик, неки ёмонлик кўрган бўлсам бировга тўнкаган эмасман. Яратганнинг иродаси шу, дея тақдири азалга, пешонамдаги ёзғитга йўйганман ва энг оғир дамларимдаям тақдиримни қарғаган эмасман. Бу борада бағоят дилбар битилган:

*Увайсий, юз жафо кўрсанг, ҳақиқат ёридин доим,
Бурма юзни андин солма кўзни ўзга дилдора.*

Яна шу нарсадан кўнглимда гидир йўқким, Яратган нени раво кўрса, ўзи билади дейман. Ҳар қандай чигал тугунларнинг ўз-ўзидан ечилишига гувоҳ бўлмиш мен фақирнинг суянган муттакоси ёлғиз Оллоҳдир. Яхшиликдан кўра кўп озор кўрдим, барибир бугун охирги рамақи навҳи надоматда шукроналарим беадад. Аччиқ заҳматларимнинг самараси мазали, кўриб, татиб, еб маза қиламан.

Бугун аҳволим ночор, ҳолим забун, кечмишим тийралигида, қўналғам хиргоҳваш, хиргоҳнишин эрмаса-да, нурли хаёлларим силсиласида бот-бот савқи завқимга макон ўрнини босувчи манзили маъвомда бундан ўттиз йиллар муқаддам юрагимдаги олов, қонимдаги қавийлик эсимга келади, ҳозир ғайратланишга мадорим бўлмаса-да, хотираи хутуримга келган, наинки амалда, ҳатто хаёлда бажариш қийин бўлган юмушни қандай уддалаганимга ҳайратланаман...

Ўша куниям худди бугунгидай эсимда, пешинга яқин

кучайган илк баҳорнинг шиддатли шамолидан зада бўлиб, бийдай дашти безабонни бир қийқим тасмадай кесиб ўтган асфол йўл чеккасида Зарибқул икковимиз онда-сонда шитоб билан ўтаётган машиналарга ғарибона қўл кўтарганча миғрайиб қолдик.

Ҳаётимга такрорланмас тарих бўлиб кирган ўша кун тафсилотининг ўзи бир китоб. У кунлар машаққатини фақат ёшлик ғайратигина енгиши мумкинлигига йиллар ўтиб, бугун қийрғун қўналғада амин бўлиб ўтирибман...

Ўшанда Янгибозор пахта тозалаш заводи қурилиш дирекциясига бошлиқ бўлиб келганимда, завод қурилиши учун қавланган каттагина хандак ва кўтарилган тўрт-беш темир-бетон устуну пахта тайёрлаш пункти қуриштиш-тозалаш цехининг йиқилган деворлари ҳамда ўртада чўнқайиб турган чоғроққина, уч-тўрт хоналик эскигина идорадан бошқа ҳеч нарса йўқ. Эрталаб мени трестимиз бошлигининг қурилиш бўйича ўринбосари Эркин ака Искандаров ўзининг машинасида олиб келди-да, идора олдида йиғилишиб турган уч-тўрт нафар одамга таништирди. Шу пайт чеккароқда турган қурувчилар вагонидан бир ўрис йигити қўлида чизмалари билан Эркин ака олдига келди. Баримиз билан қўл олиб саломлашгач, қўлидаги чизмани очди-да, Эркин акага юзланди ва менга мутлақо нота-ниш масала юзасидан сўради:

— Буни нима қиламиз?

Эркин ака «ҳе» йўқ, «бе» йўқ мен томонга ишора қилиб:

— Мана, бугундан бошлаб бу директор, марҳамат қилиб унга мурожаат қиласан ва унинг билан бамаслаҳат ечаверасан. Тушундингми? — Албатта ўрис йигити тушунгани йўқ, негаким, ҳозиргина осмондан тушгандай лоп этиб бунда пайдо бўлган одам билан қандай қилиб неча вақтдан ечилмаётган масаланинг тақдирини ўйлабми, елкасини анойи қисган эди, Эркин ака об-ҳаво ҳақида сўзлашаётгандай бамайлахотир давом қилди: — У ҳам бизнинг институтни битказган, трестда смета-лойиҳалаш бўлимининг бошлиги бўлиб ишлаган. Так что, қандай тушунмовчилик, муаммо бўлса, икковинг аста-секин ечаверасизлар.

Рус йигити бирдан тутоқиб кетди:

— Қизик гапирасиз-а! Аста-секиннингиз нимаси, менинг графигим бор, иш режаларим бор. Одамларим бекор ўтирибди. Объектнинг топширилишига салкам тўққиз ой қолди. Иккинчи чорақда асбоб-ускуналарнинг монтажи бошланиши лозим. Уларни монтаж қилиш учун пойи замини бетонланиши, анкерлари ўрнатилиб қуйилиши керак. Агар мана шу лойиҳадаги чалкашлик бир ёқли қилин-

маса, бирорта асбоб ҳам монтаж қилинмайди-ку?! Хуш, аҳвол сиз айтгандай сенсолару менсоларга ташланса, заводни икки йилдаям топширолмаимиз. Ахир, неча кун бўлди шу масалани ечиб бераман, деб ваъда берасиз-у, келиб-келиб ишга бугун қадам қўйган янги одам зиммасига юклайсиз-а! — У Эркин аканинг жавобиниям кутмай қўл силтаганча, ёнимизда турган уч-тўрт нафар одамини олиб, чуқур хандак томонга кета берди.

Эркин ака худди шундай бўлиши керакдай, пинагиниям бузмай машинаси томон юрди. Мен нима қиларимни билмай туриб қолдим.

— Бу Манякин, қурилиш трестининг энг билимдон прораби, — Эркин ака менга қарамай сўзлаб бораяпти-ю, орқасидан эргашган-эргашмаганимга эътибор ҳам бермади. Кейинги сўзларини эшитмадим. Машина эшигини очаётиб орқасига қаради. Мен хийла узоқроқда қолганимга ҳайронланмадиям, фақат овозини баланллаб: — Ғайрат солавар! — деди.

Мен индамадим. Ёнимда қолган бошқа бир одам ҳам ўз юмушига кетди. Идора олдидаги пастаккина бостирма ёнида ёлғиз қолдим. На кирарга дирекциянинг идораси, на минишга машинам бор, на қилар ишимнинг бирор нуқтаси маълум, унинг устига, ҳавонинг авзойи бу қадар бузуқлигиданми, атрофимда нималар содир бўлаётганини англолмаётганимданми, қаққайиб турганимча хўрлигим келди. Қаёққа юрсам экан? Тайёрлов пункти идорасига кирсам, унда мен ўтирадиган алоҳида хона йўқ, бирор устал ёнида ўтириб, қурилиш ҳужжатлари билан танишишим мумкин, лекин шу давргача қурилишда бажарилган ҳақиқий иш ҳажмини лойиҳа-сметада кўрсатилган нуқталари билан солиштириш учун тажрибам камлик қилиши табиий, Манякинни олдига бораё десам, ҳали ҳеч нарсага тушунмайман, савол берса, ўсал бўлиб қолишим ҳеч гапмас, қайтиб кетай десам, кеча райкомнинг биринчи котиби Хударган ака Раҳимов суҳбатидан ўтдим. У киши: «Ёш экансан, ғайрат билан ишла, трест бошлиғи сани кўп мақтади», деди.

Ёшим йигирма олтида, маълумотим олий, Урганч пахта тозалаш заводидида смена чилангири, смена бошлиғи, армияни битказиб келганимдан бери, Эркин ака айтмоқчи, уч-тўрт йил трестнинг янги ташкил этилган смета-лойиҳалаш бўлимининг бошлиғи бўлиб ишладим, район пахта тозалаш заводларида инженерлар билан неча-неча янги ғояларни ишлаб, амалда татбиқ этдик, трестимиз бошлиғи Райимбой аканинг қаттиққўллиги билан яхши-ёмон иш ўргандим. Энди орқага қайтсам, қандай одам бўламан, лекин қилар юмушни аниқ-тиниқ тушунмасдан иш

бошлашнинг неқадар мушкуллигини, руслар ибораси билан айтганда, «қоронғи ўрмон» олдида гарангсиб, бир зумда кераксиз бўлиб қолишимни илк бор туйдим.

— Ёшулли, табриклайман, кеча эшитиб эдим, бизга директор бўлибсиз, лекин ҳали буйруқ келгани йўқ, келиб қолар, қани юринг, ичкари киринг.

Менга «ёшулли» дея мурожаат қилган, бир оёғи оқсоқ бу одамни гоҳ трестда, гоҳ мана шу пахта тайёрлов пунктига иш билан келган чоғларимда кўрганман. Бизга директор бўлибсиз, деяпти. Демак, у пахта пунктининг ҳисобчиси баробарида, ўриндошлик ила завод қурилиши дирекциясида ҳам ҳисобчи экан-да. У кишининг исмини эслолмаганимдан жиндай хижолатландим.

— Ана, Райимбой акаям келди, — деди дарвоза томон юзланиб.

Трест бошлиғимиз Райимбой ака Ражабов бошқа катталардан фарқли, ҳамиша «Волга»нинг олдидаги ўриндиқда ўлтиради. У машинасидан тушгунча биз ҳисобчи икков истиқболига юрдик.

— Моряк, — дея юзланди Райимбой ака ҳисобчига. — Комилжонни директор бўлгани билан табрикларингми?

— Ҳованг ёшулли, дим яхши бўлибди. Ёш йигит, заводни битказиб, айлантириб юборса, яна ўсаверади.

— Мадрим акангизни танийсиз-а? — сўради мендан Райимбой ака. Жавобимни кутмасдан ўзи тушунтирди: — Мадрим акангиз денгизда хизмат қилган, моряк бўлган. Шунинг учун Мадрим моряк дейдилар бунга.

Райим ака ўта қаттиққўл, трестда бирор марта тузукроқ жилмайиб гапирганини эслолмайман. У киши қарийб ҳаммани сенсираб гапиради, фақат мени номимга «жон»ни кўшиб сизлайди. Бу ҳолатга таниш-нотаниш барча ҳайрон. Мана ҳозир ҳам Мадрим ака билан улар элбири бўлишларидан ташқари дўстона яқинликлари бор эканки, бу тақовул тискинмай гапиришяптилар. Мен биринчи марта Райимбой ака олдида ўзимни негадир эркинроқ, бир оз улғайibroқ тутдим, балки бугундан эътиборан вазифам улғайганидан далолатмикан, ишқилиб, солиштириш анчайин эриш туюлсаям кўз олдимга лоп этиб Пушкин сиймоси келди. Мен учун доимо унинг улуғлиги зўр шоирлиги устига, император билан императордай гапиришганидир. Шунинг учун ҳам унинг номини қалбимда ўзга бир гурур билан алқайман. Албатта, Райимбой ака император эмас, мен Пушкин эмасман, бироқ менинг даражамда ўша пайтда Райимбой ака қўл етмас, жуда катта одам эди-да. Шу дақиқаларда бирдан каттайгандай бўлдим. Манякиннинг ҳар қандай мураккаб саволига

жўнгина жавоб берадиган, чигалдан-чигал муаммоларни бир лаҳзада ечадиган қудрат соҳибига айландим, тавба.

Райимбой ака қурувчилар ишлаб турган жойга қараб юрди, биз эргашдик, йўл-йўлакай Мадрим ака пастакки-на кўримсиз идорага кириб кетди. Трестимиз бошлиғи мени ўзига тенг тутиб гапиришиб келаётганидан яна бир поғона ўсгандай бўлдим.

Ажабким, Манякин Эркин акага берган саволини Райимбой акага бермади. Саломлашди, холос. Бошлиғимиз ҳам Манякинга бирор савол бермади. Тоғдай тупроқ уюми устида уёқ-буёққа аланглаб турди-да:

— Жуда иши кўп ҳали бу қурилишни, лекин ҳисоботда катта ҳажмда иш бажарилганлиги кўрсатиляпти. Рақамларга қараганда, завод ҳадемай ишга тушадигандай, бироқ ҳали ўтган йили бошланган прессхонаям битгани йўқ... Майли, олдиндан бирор нарса деб ҳукм чиқармайлик, сиз барини яхшилаб ўлчанг, бу иш ўзингиз учун ҳам катта амалий жараён бўлади, натижасини менга айтинг. — У кишининг гаплари ўзбекча бўлганидан ва фақат менга тааллуқли эканини сезган Манякин ишчилари олдига кетди. Унинг кетганига Райимбой ака ажабланмадиям, тавба. Бу ҳолат мен учун албатта ўта тушуниксиз, негаким, одоб доирасига кўра каттага бу янглиғ бепи-сандликни тасаввуримга сиғдиролмадим. Ўзбек тилига тўлиқ тушунмасаям ора-тура англаши боис у ёнимиздан кетиб қолмаслиги керак эди; Райимбой ака русчалаб ундан бирор нарса сўраб қолиши мумкин-ку! Орқамизга қайтишимизда: — Майли, ғайрат солиб ишлайверинг, Эркинга айтаман, тез-тез келиб ёрдам беради. Завод бу йил қурилиб, ишга туширилиши керак. ЦКанинг назоратидаги объект бу, — деди ўзининг ҳам масъуллигини бўйнига олгандай.

2

Райимбой ака тузукроқ амалий савол-жавоблар қилмай жўнаб кетган бўлсаям, бир оғиз сўзи мен учун улкан сабоқ бўлди. Ишнинг асосий нуқтасини топгандай бўлдим. Энди менга ҳозирча идораям, иссиқ жой ҳам керакмас, ўлчов метрини оламан-да бирор кўмакчи билан то шу кунгача қилинган иш ҳажмини ўлчайман, кейин сметалар билан солиштираман. Яшасин, каттанинг бир оғиз сўзи!

Икки эгнимга икки қанот битгандай ғайратланиб Манякиннинг олдига бордим. Унга дарров бошлиғимиз айтиб кетган топшириқни тўкиб солмадим. Бошқа нарсаларни ўйлаб турсалар ҳам худди шу ишни кузатаётган

босиқ одамлардай бир оз қилинаётган ишнинг барорига, қўйилаётган бетоннинг сифатига қараб турдим-да, Манякиндан бепарвогина сўрадим:

— Нега Эркин акага берган саволингни, умуман ечилмаётган муаммоларни катта бошлиғимиз олдида айтмадинг?

— Фойдаси йўқ, — деди у ишига машғул бўлганча ва салдан кейин қўшиб қўйди: — У барибир билмайди.

Мен баттар ҳайрон бўлдим.

— Шу қадар ечими оғирми? — Оддийгина сўровимга жавоб бериш ўрнига, менга ғалати тикилди, нигоҳидаги менсимаслик жонимдан ўтиб кетди. Унинг кўзига илк бор тик боқиб: — Энди гап бундай, биродари азиз, бу ерга келадиган катта-кичикларнинг бўйнига осилишни шу бугундан эътиборан сенга манъ қиламан. Неки арзинг бўлса, ўзим ечаман, — дедим.

Манякин масаланинг бундай кўндаланг қўйилишини кутмаган чоғи, биррав эсанкираб қолди ва тезда ўзини ўнглаб:

— Ёшлиқ қиласан, — деди.

У овозини кўтариб гапирмасаям шу бир оғиз калимаси қонимни жунбушга келтирди.

— Ёшлиқ қиламанми-қилмайманми, бунинг билан ишинг бўлмасин! — Мен ҳам унга яраша босиқлик қилдим. — Шу кунгача қилган ҳамма ишларингни бир бошдан ўлчайман. Бир кун кетадими, ўн кун кетадими, бир йил кетадими, бу менинг ишим. Кеча суриштирдим, қурилишга асбоб-ускунани монтажисиз, фақат соф қурилишга кетадиган харажатнинг қарийб ярмини еб бўлибсан, лекин тикланган олти устуну прессхонанинг биринчи қава-ти ҳамон чала ётибди. Кўрамиз, ким ёшлиқ қилар экан!

Манякин аввалига миқ этмади. Трестнинг смета-лойиҳалаш бюросига уч йиллар чамаси бошлиқ бўлганимни Эркин ака мени таништирган вақтида айтгани таъсир қилдими, у анчагача ўзига келолмади, сўнг бирдан қарахтлиқдан уйғонгандай:

— Текшир, ўлча, мен сметадан ортиқ бир тийин ҳам процентовка қилмадим, — деди.

Ҳаҳ, эгардан тушмас экансан-а! Унинг аввалги такаб-бурлигидан ном-нишон қолмади. Мен ишни шундай дилтанглик билан бошлашим етти ухлаб тушимга ҳам кирган эмас. Муҳитнинг ўзи мажбур қилди. Ичимдан Райимбой акага ташаккур билдирдим ва бир лаҳзада ишбилармон одамга айлана бошлаганимдан қаддимни ғоз қилдим. Энди бирор сўз ортиқча эди. Шартта орқамга бурилдиму пахта тайёрлов пункти идораси томон кетдим.

Манякин орқамдан келмади. Уям қурувчилар учун идо-

ра ўрнини ўтаётган вагончаси томон кетди. Ҳисобчи хонасига кирсам, бир қули чарм қўлқопли одам шақиллатиб чўт қоқяпти. У қоғоздаан сал бошини кўтариб, анойи жилмайди-да:

— Келинг, Мадрим акам Гурланга, заводга кетди. Ўтиринг, — дея яна чўтини қоқа берди.

Унинг сўзларидан кейин салом беришга иймандим. Киргандаёқ салом беришим керак эди. Шу кунни биринчи бор ота удумимни, биринчи бўлиб салом бериш одатини буздим. Балки қурилиш прораби билан бошланган танишув ғалаёни мени андак чалғитди.

— Қурилиш ҳисоботлари сизда йўқдир?

— Йўқ, бариси Мадрим акамда, — деди ишдан бирор дақиқа тўхтамай, ҳатто менга бош кўтариб қарамадиям.

Қизиқ бўлди-ю, торгина хонага кирганим чоғида бу одамнинг анойи жилмайиши билан ҳозирги бепарвогина берган жавоби ўртасидаги кўз илғамас муштараклик, мени тезроқ иш кўрсатиб, танилишимга босабаб ишорат бўлди-ёв, йўқса, директорга бир оғиз индамай заводдан ўн саккиз-йигирма километрлар узоқда жойлашган район марказига ҳисобчи кетиб қолиши мумкинми?

— Сиз ёрдамчимисиз?

— Ҳованг.

У савол берсам, тўтидай жавоб беришга шайлигини намоиш этмади. Ҳеч бўлмаса, мулозамат учун «кечирасан, ушбу ҳисобни зудлик билан бажармасам бўлмаяпти» десаям гўрга эди. Ваҳоланки, мен пахта тозалаш тизимида янги одам эмасман, озми-қўпми, беш-олти йил бўлди-ичидаман, биламан, пахта нима, ҳисобот нима, лекин бу қадар «ишчанлик» билан олдига келган одамга кўрсатилмиш «илтифот»ни биринчи бор кўраётганимдан дарғазаб бўлдим. Боринги, мен директор бўлиб ишга келмаганимдоям, бир меҳмон сифатида қабул қилинишим мумкин-ку, ахир!

— Мудиригиз қаерда?

— Бу ерга кирмади ҳали, билмадим, территорияда бўлса керак.

У агар «территорияда» бўлганида, боя трест бошлиғи келганида икки оёғи тўрт бўлиб чопқилаб олдига келган ва мен уни кўрган бўлардим, демоқчи бўлдим-у, аммо бу тўтиқушга сўзимни зое этишни хоҳламадим. Ўлчов метри сўраганим билан менда метр нима қилади, дея табимни тирриқ қилиши мумкин. Ташқарига чиқдим. Ёмғир майдалаб ёға бошлади. Эшик олдидаги бостирма тагида нима қилсам экан, деб ўйлаб, пахта ғарамлари томон назар солдим, баъзи бунтлар устига ёпилган брезентлар ямоқли, эски; ҳар йили пахта пунктларига қанчалаб янги бре-

зентлар берилишини яхши биламан. Янгиларини балки омборхонада, заҳирада сақлашиб, эскиларидан фойдаланишаётгандир, тежамкорликка нима етсин. Бу хаёлларим барибир асосий ишимдан жиндак бўлсаям чалғитолмади.

Ҳадемай тушлик бўлади. Хўш, бир пиёлагина иссиқ сувни қаерда ичишим мумкин? Боринги, ичмаган тақдиримдаям, қаерда бир соатлар чамаси ўтириб, вақт ўтказишим мумкин? Ҳисобчилар хонасига киролмайман, ҳозиргина беодоблик бозоридан чиққандай қалбимда нохуш гина, Манякиннинг вагончасига кирай десам, орамизда нопадид, кўз илғамас адоват ниш кўрсатиш арафасида.

Устим юпқалигига қарамай, бошимни тик тутиб, бетон олинаётган прессхона ёнига бордим. Ишчилар ёмғир ёгиши билан панага, прессхонанинг биринчи қаватига тушганлар. Устига устак, тушлик. Улар жойлашган бурчакнинг тескари томонидан тепага, усти ёпилмаган прессхона устига чиқдим.

Аввал келганларимда ҳам кирганман, лекин ҳозир қурилаётган заводнинг эгаси сифатида, унинг борлиқ масъулиятини туйган ҳолда бир бошдан синчиклаб разм солдим, бемақсад уёқдан-буёққа аста бориб-кела бошладим. Ёмғир сал йириклашиб, бирдан тўхтади. Эрталабдан қорая бошлаган осмоннинг авзойи бузук, куюқ қорамтир булут борлиққа кутку солиб оғир судралганча Орол денгизи томондан жанубга силжиётибди. Қор ҳиди келиб турган намчил ҳавонинг босимли юкидан нафас олиш ҳам равон эмас, совуқ шамол шиддатланмоқда. Устим юпқалиги энди сезила бошлади. Совуқ суяқларимга довур сингишиб бораётибди. Бас, энди пастга тушаман десам, тасмали метр кўтариб Манякин келяпти.

— Тушлик қилмайсанми? — Манякин қитдай урган кўринади, кайфияти эрталабкидан анча тузук.

Хаёлимдан биринчи ўтган нарса, қачон ича қолдйикан? Демак, «қизиниб» ҳам олган, тамадди ҳам қилган, энди қанча юмуш бўлса, бемалол бажаришга тайёр. У метрнинг бир ён учини менга берди.

— Нима гап? — сўрадим ундан, рангимни очмай, совуққина алфозда.

— Қилинган иш ҳажмини ўлчаيمان деган эдинг, мана, метр, хоҳласанг метрнинг бирён учини мен тутишаман.

— Йўқ, ёрдамчи топиб ўзим ўлчаيمان, ишингни қилавер.

— Бўлмаса, юр вагончада бир пиёла чой ичгин, совуқда нима қиласан бу ерда туриб.

— Раҳмат, кейинроқ кирарман.

— Ихтиёринг, ўзинг биласан.

Манякин бошини бир томонга сал қийшайтириб, келган томонига кетди. Мен яна қаққайиб прессхона устида қолдим. Тавба, бизга директор бўлибсиз, деган ҳисобчи бир оғиз кетдим демай жўнаб қолгани туриб-туриб алам қила бошлади. Ҳеч бўлмаса, ҳужжат-пужжат кўрсангиз менда, ё анов устал тортмасида турибдиям демади-я...

Оқсоқ ҳисобчининг бу беписандлигидан хафаландим десам ўзимни-ўзим алдаган бўлардим. Ушбу ҳолдан анчайин газабландим. Ахир, биринчи иш куним бўлса, ўн саккиз-йигирма километр жойдан келган бўлсам, осмондан тушгандай, на борар, на ётар ерим бўлмаса, келинг йўқ, кетинг йўқ, бир қўли чарм қўлқопли, қўпол одам олдига кириб, чойингиз борми деб сўролмасам, бу йил ҳали ишга тушиши номаълум завод яқинида бирор тамадди қиладиган жой бўлмаса, қолаверса, бир ведомостга имзо чекиб маош оладиган одам шу бўлса-ю...

Қанча газабланганим билан осмон узоқ, ер қаттиқ, аксинча, бу ҳали ҳолва, бари кўргуликларинг олдинда, ўзингни қўлга ол, одамлар ойлаб, ҳатто йиллаб рўза тутишади, сен эса, бир кун-икки кунга чидамсизлик қилиб, ваҳима қиялсан, дея дадилландим. Шу пайт пахта пунктининг дарвозаси ёнидаги кўримсизгина қоровулхона эшигидан паканароқ бир одам чиқиб, мени имлагандай бўлдим, ё қўлини пешонасига қўйиб мен турган томонларга шунчаки қарадим, унчалик англай олмадим. Совуқдан эти жунжикди чоғи, у ўзини ичкарига олди.

Ҳеч бўлмаса, қизиниб чиқарман, дея қоровулхона томон юрдим. Бир хаёлим у ерга кирмай, ташқарига чиқиб, катта йўлда бирор йўловчи машина билан уйга бориб-келмоқчим бўлдим. Нима, бориш қирқ, қайтиб келиш қирқ дақиқа, ярим соат уйда чой-пой ичсам, уёқ-буёғи икки соатларда яна бу ерда бўламан, иш тугагач, курувчилар машинасида яна уйга қайтиб кетабераман.

Қоровулхонага яқинлаша ётиб, дафъатан оғамнинг дўсти, забардаст рус ёзувчиси Владимир Солоухиннинг «ҳукм» қиссаси яшин тезлигида хаёлимдан ўтди. Қиссада гаройиб бир ҳодисанинг кичиккина баёни бор. Владимир Алексеевич қиссани ўз номидан битгани боис ўзининг оғир хасталангани, киндиги ёнида рак деб тахмин қилинган қорамтир-қизғишроқ хол пайдо бўлгани, Кунцова касалхонасида шишни кесиб ташлашмоқчи бўлишганини босиқ бир хотиржамлик билан эслайди ва жарроҳлик столдан омон чиқаманми-йўқми, дея операциядан олдин бир ишққа менгзар воқеа сабаб Петербургга жўнайди. Ажабким, қайтаётиб Москвага яқинлашганда йўл иккига айрилиш жойида рудан қўлларини олиб, машинани ўз ҳолига қўйиб юборади ва ўйлайди, машина ўнгга, Кун-

цовага бурилмай тўғрига Москва томонга кетса, демак, операция йўқ, магарам Кунцовага бурилса, унда тақдири насибадан қочиб қутулиб бўлмайди. Машина Кунцова томонга қайрилади.

Шу ўйлар билан беихтиёр омонатгина кўрингани билан бағри қаттиқ қоровулхона эшигини силтаб очдим-да, ичкари ҳатладим. Хўл ўтин тутунидан патигидаги эгрибугри ёғочлар қорайиб, қора чўян тусини олган қамишлари унда-бунда осилиб турган, оёқ остига пишган гишт тўшалган, торгина хонада чўққи соқол, миттигина гавдали қоровулнинг димиқиб ўтирганига биррав ҳайратда туриб қолдим.

— Э, келинг, келинг. Бир-икки бор чорлай дедим, ишдан қўлингиз бўшамади, биринчи кундан шундай иш бошлаш оғир кечади, ўз ҳолингизга қўйиб бердим.

Эрталабдан бери биринчи марта чинакамига мулозамат эшитаётганимданми, нафасим қайтганига қарамай:

— Раҳмат, минг раҳмат, — дедим.

— Устингиз ҳам юпқа экан, ташқари совуқ, бир гупи олиб кийсангиз бўлади-ку, ахир. Искаладда бор эмиш.

Қоровулнинг хоразмча «гуппи»ни бир «п» билан «гупи» дейишиданоқ билдимки, бу ерлик эмас. Талаффузи адабийчага кетгани билан Хоразм шевасини аралаштириб гапириши ўзига ярашяпти. У ўчоқ устига қурилган темир плита печкага қиздириш учун қўйган чорак нонни ағдариб қўйди. Орқаси қуя бошлаган хуштаъм нон ҳидидан, аввалига торгина кўринган қоровулхона энди кўзимга мўъжазгина, илиқ суҳбатга лойиқ хужрадай ўз домига торга бошлади. Қоровул бобо салдан кейин иссиққина нонни плита устидан авайлабгина олиб менга узатди.

— Раҳмат, — дедим кўп илтифот кутмай.

— Қани, ҳали ҳеч нима емагандирсиз. Бола-чақани кўчириб келмагунингизча сал қийинроқ бўлади, ҳм...

Бир-икки тамшаниб, энди унинг исмини сўрайман деб турган эдим, эшик очилиб, бир ишчи йигит мени Манякин сўраётганини айтиб, тезда эшикни ёпди. Мен ўрнимдан оғиргина кўзгалдим, қоровул бобонинг чораккина нонига кўзим қиймади. У чой ичиб кейин борсангиз ҳам бўларди, деганча ҳай-ҳайлаб қолди.

3

Баҳор шу йили қаҳрли келди, шамоли худди қишнинг аёзидай юзингни чимчилайди. Шаҳарда ўсиб, шаҳарда ишлаганимдан завод аталмиш қурилишга устимга қалин палто, оёғимга ичи иссиқ этик киймай, ҳақиқий директорларга хос анчайин пўрим келиб-кетишим одамлар-

нинг бу йил қурилиш ишлари битиб, завод ишлаб кетишига ишончини мубҳами муҳтамал қила бошлади чоғи менга кўмакчи этиб ишга қабул этганим, оддий ишчи йигит буюрилган юмушга илк кунлардагидек ҳавасу ҳафсала билан киришмай, ҳаракатларида сусткашлик аксини сўзида изҳор қилди:

— Бу йил завод ишга тушмаса керак, а?

Камгап бу йигитнинг сўзига аввал эътибор бермадим, кейин ўйлаб қарасам, саволининг тагида норизоликка ўхшаш эътироз бор.

— Нега ундай деяпсан? — дея сўрадим, саволига жавобан савол билан.

— Ёшуллимизни бу пўрим юришинда завод қурилиши бу йил эллик фоиз ҳам бажарилмайди, ишкорчасига кийиниб, жон куйдириб ишлайдиган одамга ўхшамайди, деяптилар.

— Кимлар?

— Пункт одамлари, идорадаги ёшуллилар.

Кунлар исиб кетиши ўрнига совигандан-совиб, шундай ҳам ишимиз юришмаётганига эзилиб юрсам, бу гаплар ҳўккининг устига дукки дегандай, ҳаммасидан ошиб тушди. Ишчи йигитнинг гапидан хафа бўлмадим, аксинча, нафсиламбирини айтганда, оёғимга кирза этик кийиб, ерни гурсиллатиб юрсам, ўзимнинг ҳам кўнглим тўлмаяпти.

Ишчанлик учун кийим биринчи даражали нарса бўлмасаям, одамлар кўзи ўнгида ҳаммаёқ ўйдим-чукур қилиб қазиб ташланган катта ҳудудда, қурилиш ишлари олиб борилаётган лойчалпиқ майдонда, мажлис ҳайъатига сайланган одамдай ясаниб юришлик, албатта эриш туюлиши табиий, лекин мен ҳамиша уст-боши чанг, қўллари мой бўлиб юрадиган смена чилангири пайтимдаям, «тозалиги» чилангирдан унча фарқ қилмайдиган смена бошлиғи вазифасида ишлаганимдаям тоза, озода, дазмолланган костюм-шимда келардим. Сменага тушишдан олдин коржомамни кийиб, ишга бошим билан шўнғиб кетардим. Ишдан кейин яна ювиниб-тараниб, чанг-тўзонли заводда эмас, худди девонда ишлаб чиққандай, кийиниб кетардим уйга.

Ишга келганимга ўн кунлар бўляптики, ҳали ўзим қурилиш бошидан бери қилинган иш ҳажмини ўлчашдан бошқа ишни кўзловмаётганимдан ишкорлик кийимларини кийишгаям андиша қиламан. Йўқ, барибир, Урганч заводида ишлаганимдай, ҳар куни эрталаб келганим захоти йўл кийимларимни ечиб, завод қурилишига мос кийиниб, ишга киришим зарур кўринади.

Ушбу кичкинагина эътирозли туртки сабаб ўзимдаям

ишчанлик руҳи пайдо бўлди. Ишчилардан фарқ қилмайдиган кийимда тушликниям унутиб, ўрнатиш учун келиб занглай бошлаган асбоб-ускуналару эҳтиёт қисмларнинг устларини ёпишдан аввал кучим етганча ишчи йигит билан тахтлайман, лойиҳа бўйича солиштираман, ҳали нималар етишадию нималар етишмаслигига унчалик тушунмасам ҳам ишчанлик руҳиятининг ўзи мени одамларга яқинлаштирди, улар мен билан очилиб-сочилиб гурунглашадиган, тушлик чоғи уйларига кетмайдиганлари бир пиёла чойга таклиф қиладиган бўлишди. Мен ҳам уйдан олиб келган бир бўлак яхна гўштми, бир калла наввотми кўтариб, кўлимни чала-чулпа ювиб, қай бирларининг ғарибгина дастурхонига қўшиладиган бўлдим. Ҳисобчимиз Мадрим ака гоҳ танбеҳга ўхшаш сўз қотарди:

— Ёшулли, сиз рабобчи эмассиз, ана, Полвонбой Раҳимов, механигингиз бинойидек ўзи бажаради, ҳеч бўлмаса тушликда идорага киринг, биз билан бирга овқатланинг.

Унинг сўзлари тил учуда айтилаётганини сезаман, лекин индамайман. У мени ёш билиб, бўйин эгмоқни ўзига муносиб кўргиси йўқ. Уям балки ўзича ҳақдир. Унинг норизолигига бирор нарса демасам адабдан бўлмас, дея жавоб қайтараман:

— Сизлар бир кун бўласизлар, бир кун бўлмайсизлар, ишчилар эса ҳар куни бор. Полвонбойнинг ҳам ўзига яраша иши кўп.

— Ҳа, шундай ёшулли, ҳисоб-китоб иши оғир юмуш, кунора Гурланга заводга, Урганчга трестга чақиришади, бормасак бўлмайди.

Шу билан гўё орамиз очиқдай, лекин уям билади, мен ҳам биламан, бу сўзларнинг бари юзаки мулозамат, бир кунмас-бир кун дони донга, сомони сомонга чиқади. Бироқ бунга улар ишонмасаям мен ишонаман, кўпмас, Оллоҳ умр берса, олти-етти ойлар бор.

Пешинга яқин илий бошлаган ҳаво кечроққа бориб забтини ўтказа бошлади. Манякин қоронғи тушмай ишни йиғиштирди. Мен билан кейинги кунлар унча гапиришмай кўйди. Бирми-икки марта беларвогина кулимсираб сўради:

— Ўлчаяпсанми?

— Ўлчаяпман.

— Ёрдамим керакмайдими?

— Ҳозирча йўқ.

— Майли, ўлчаб бўлгин, қилаётган ишингдан ўн чандон зарур, ҳал қилмасанг, ишни тўхтатиш билан боғлиқ бир чигал масала бор, шуни айтаман, — деди-да, ҳайронланиб давом қилди: — Нега бу ҳақда Эркин ака сенга айтмаганига тушунолмаёпман. Балки ўзи ечмоқчи бўлиб юргандир. Лекин ечолмайди, сен ҳам ечолмайсан. Бу ха-

толикнинг бош айбдори Эркин ака! Менга чепуха деяпти, ҳали кўрасан, шу камчилик сабаб ҳаммангни бошинг кетади... — Сал тин олиб дўстона оҳангда сўради: — Биз билан кетасанми?

Ҳар куни усти ярим ёпиқ юк машинасида ишчилар билан уйга кетиб юрган эдим. Бугун қолмоқчиман. Ҳисобчилар ҳам уй-уйига кетгач, қарийб ўлчовни тамомлаганим сабаб ишдан кейин бемалол ўтириб ҳақиқий қилинган иш ҳажмини смета билан солиштириб кўрмоқчиман. Шу баҳонада ўрганмоқчиман ҳам. Лекин Манякинга қолишимнинг бор тафсилотини айтмай, мен ҳам дўстона оҳангда:

— Йўқ, бугун ишим кўп, қолмоқчиман, — дедим.

Ишга келганимга бир ойлар чамаси вақтдан бери балки биринчи маротаба Манякин билан хайрихоҳона сўзлашган бўлсак не ажаб. Унинг бу қадамини кўнглимга яқин олдим. Заводдан биринчи бўлиб шаҳардан келиб ишлаётган ишчилар кетишди; салдан кейин ҳисобчи «Москвич»ини узоқ ўт олдиrolмай, ахийри кўплаб-қўмаклар орқасидан итариб, юритиб юбордилар; ундан сўнг аравачали мотоциклини тириллатиб ёрдамчи ҳисобчи Кўчқор ака кетди. Пункт ишчилари ҳам кетиб бўлгач, пункт мудир Пирназар ака ийманибгина менга қараб турди-да:

— Комилжон, юринг, уйга олиб кетай, келганингиздан бери мурат (таклиф) ҳам қилмадик, — деди.

Пирназар ака узоқ йиллар Ширинкўнғиротда раислик қилган, меҳмон кутавериб зуваласи пишиб кетган, баъзи бу ерликларга хос бўлмаган мулойим, юмшоқ табиатли, ўта адабли одам. Уни биринчи кўргандаёқ ёқтириб қолганман. Ўгли тенгги одамга бу қадар меҳрибонлик кўрғазиб турганидан бошим осмонга етди.

— Раҳмат, Пирназар ака, насиб этса, бир ўнгайи билан борарман, ташаккур, — дедим.

— Аласа, мен кетдим.

Пастаккина идора олдида битта ўзим қолдим. Идора орқасига ўтиб, толнинг қуриган шохларини синдириб, ичкарига олиб кирдим. Сал туриб совий бошлайдиган кунгурали печга ўт ёқаман. Пешиндан қолган қаттиқ яримта ноним бор, пахта пункти дарвозаси ёнидаги мўъжазгина қоровулхонада Холхўжаев билан бир пиёла-ярим пиёла чойхўрлик қиламан, кейин мазза қилиб ишлайман.

Бу ерга ишга келиб, иккинчи ёқтириб қолган одамим шу Холхўжаев. Қизиқ, ҳамма Холхўжаев дейди, ҳеч ким у кишини исми билан чақирмайди. Исмини билишмасаям керак. Хоразмга иккинчи жаҳон уруши тугаган йиллари четдан келиб қолган. Унинг келиш тарихиниям билишмайди, чамамда. Биринчи ишга келган кунларим Холхўжаев яхши одамга ўхшайди, ўзи асли қаерлик, деб сўра-

ганимга қай бировлар, Тошкент томонлардан деса, қай бировлар Самарқанд тарафлардан, деган.

Холхўжаев навбатчи кунлари қоровулхонадаги гурунгларнинг таъмидан ҳузурланганларимнинг чегараси йўқ. Жуда бамаъни, маданиятли одам. Сўзлашганинг сари сўзлашгинг келади. Шу ўйлар билан қурилиш акт-процентоикаларини бир бошдан синчиклаб ҳисоб-китоб қила бошладим. Процентоикалар Манякин айтгандай сметадан кўчириб кўя қолинган, лекин амалда-чи? Ўлчовларим билан солиштираман, фарқи анчагина. Фарқларни алоҳида дафтарга қайд қила бориб, ўзимча ҳужжатлар билан ишлаш йўсинини топгандай бўлдим.

Бир вақт деразадан ташқарига боқсам, қоровулхона ёнидаги ён-верлари йиртиқ кавушнинг оғзидай айрилиб кетган ёгоч устун тепасидаги шляпали нимжонгина хира лампочка қора зимистон ичида, кечга бориб зўрайган шамолда ана узиламан-мана узиламан деяётгандай, чайқалганча зорланяпти. Шамол яккаш мену Холхўжаевга таҳдид солаётгандай, беписандлик билан чанг-тўзонда қарийб рангини йўқотган бу ночор, нотавонни хоҳлаган томонга силкитаётганидан юрагимда алланечук хўрланишга менгзар ҳазин соғинч гимирлай бошлади. Бу ҳазинликнинг яна бир учи Холхўжаевнинг мендан келиб хабар олмаганига ҳам андак бориб тақалади, негаким, нима бўлгандаям, боринги, ҳатто қорним очикмагандаям мен Янгибозорга меҳмонман, биррав хабар қилганида осмон узилиб ерга тушмасди, қолаверса, бир-икки бор кириб суҳбатлашганимдан севинган эди. Гина қилиб ўтирсам ўхшари бўлмас, хонани қулфладим-да, яримта нонни қултиқлаб, аста-секин қоровулхона томон юрдим.

— Келинг, келинг, қорнингиз ҳам очикқандир, нега бунча ҳаяллагингиз экан, деб сал хавотирлана бошладим ҳам, ҳам...

— Мендан ҳол сўрасангиз, ишгаям энди ора-тура тушуняпман. Ахир, мен қурувчи эмасман, завод муҳандиси, механигиман. Менга сал қийин бўляпти.

— Ана бу гапингизга қўшилмайман.

— Нега?

— Эркин акангиз ҳам қурувчи эмас, локин ҳар қандай манман деган қурувчининг ҳам оғзига лой суйкайди.

— Ҳа, энди унинг иш стажи катта.

— Ундай ҳам эмас, уни шунга эътиқоди баланд, қаттиқ ишлайди. Ҳар не бўлса Оллоҳнинг иродаси билан, ихлосу эътиқод билан бўлади, ҳам...

Бунга унинг имони комил. Кўнгли очилиб, ёзилиб суҳбатлашгандагина бу дардини очади. Урушдан кейинги колхозларда эркаклар кам, оғир йилларда ноҳақ носоқ

орттиргани, чўрткесарлиги боис рақиблари гийбат қилиб ёмонотликқа чиқариб қўйишгани, унинг ростгўйлигига шубҳа билан қарашгани яқин-яқинларгача дилида армон эди. Уни руҳий эзилишлардан «Оллоҳнинг иродаси» деган тушунчаси омон сақлаб келяпти. Илми-идроки манаман деган баъзи раҳбарлардан устун бўлса ҳам қоровулликка қаноат қилиб яшаётгани ҳам шундан.

Холхўжаевнинг сезгирлигидан, менга нисбатан меҳрибонлигидан кўнглим алланечук ҳапқириб кетди. Биланман, Холхўжаев урушдан келганидан сўнг турли катта-кичик вазифаларда ишлаган, ҳаётнинг аччиқ зарбаларини обдан егани баробарида шодмон кунларни ҳам кўп бошидан кечирган.

— Бари гапингиз тўғри-ку-я, лекин Эркин акани мутахассис қурувчилар тан олишмайди, — дея унга андак эътироз билдириб, сўнг аста сўрадим: — Туяқуш ҳақидаги нақлни эшитмаганмисиз?

Холхўжаев ўзига яраша анойи қараши билан «хўш» дегандай нигоҳ ташлади. У дунёдаги кўпгина нақлу ривоятлардан воқиф бўлгани учун яна сўрадим:

— Эшитганмисиз, йўқми?

— Айтаберинг-чи.

— Майли, айтсам эсингизга тушади.

Нақл

Қадим замонда, замона зайли билан Туяқушни бир мамлакатга подшо этибдилар. Биласиз, мамлакатни юришиш осон иш эмас, ҳаммаёқни тиканак босиб, чангалзорлар одам ўткисиз аҳволга келиб, авбошларнинг бевошлигидан тўр симли пахса деворлар сони кўпайиб, хуллас, ерда эмин-эркин яшаш оғирлашгач, судралиб юрувчи ҳатто илонлару чаёнларгача арзи дод этиб подшо ҳузурига борибдилар. Подшо пинагини бузмай уларнинг гапларини эшитиб:

— Мен қушман, кўзларинг борми? — дейди қанотларини ёйиб. — Менинг ердаги ишлар билан машғул бўладиган муовиним бор, неки масалангиз бўлса, ўшанинг олдига бориб ҳал қилинглар.

Судралмалар арз-додига жавоб тополмай сарсону саргардон бўлиб юрганларида мамлакатнинг осмонида ҳам тушуниксиз ҳодисалар рўй бериб, қушларнинг учиши оғирлашиб, яшашларига путур ета бошлагач, улардан ҳам бир гуруҳ диловарлари подшои оламнинг ҳузурига борибдилар.

— Ахир, бу не бедодлик, ерга тушсанг осмонга кўтарилолмайсан, осмонга чиқсанг ерга тушолмайсан, ҳам-

маёқ түрланиб кетди, — десалар, олампаноҳ пинагини бузмай уларни эшитиб бўлгач қаҳр билан:

— Мен туяман, кўрмисизлар! — дебди депсиниб. — Менинг осмондаги ишлар билан машғул бўладиган муовиним бор, неки масалангиз бўлса, ўшанинг олдига бориб ҳал қилинглар!

Шундай қилиб, мамлакатнинг еру осмонида аста-секин ишлар чигаллашиб, парокандаликка юз тутган экан.

Холхўжаев зийрак одам, кимларни мўлжалга олганимни билсаям, ўзининг гапини маъқуллаши билан ўртамизда кўзғалган нохуш гийбатангиз гурунгни бошқа тарафдан сайқаллашга уринди:

— Ина бу гапингизда жон бор локин, ҳм... Бироқ, меҳнатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Худойим ҳам сендан ҳаракат, мендан баракат деган. Ҳатто отадан беҳисоб бойлик қолсаям, фарзанд уни меҳнати билан асрамаса, бари бойлик қандай соб бўлганини билмай қолади, ҳм... Урни келди, бу борада мен ҳам бир нақл айтиб берай.

Нақл

Бир бой одамдан ўғлига кўп мол-дунё мерос қолган экан. Бойваччага кўп иззат, ҳурмат кўрсатишибди, мансаб беришибди. Аммо у йигит отасидан қолган мол-дунёни адо қилгунча айшу ишратдан боши чиқмаган. Текин томоқ, маишатхўр дўстлари ҳам кўпайгандан-кўпайган, қариндош-уруғларининг сўзига қулоқ қўймай борлиқ бойликни елга совурган. Бариси адо бўлгач, дўстлари ҳам сийраклашиб, унинг меҳмоннавоз уйидан оёқлари узилган. Бойваччанинг бойлиги билан бирга обрўси ҳам кетибди.

Алалхусус, йигит ор-номуста чидамай шаҳардан бош олиб чиқиб кетишга, бошқа ердан бахту омад излашга шайланибди. Уйидагиларнинг дод-войига қулоқ қўймай хуржунни орқалаб пойи пиёда йўлга тушибди. Бир манзилга етай-етай деганда довул бўлиб, оёқлари қумга ботиб, юролмай қолибди. Осмонга қараб нола қилибди: «Эй Худо! Мени-ку, мол-дунёдан айирдинг, ҳеч бўлмаса, бу аҳволимдан кутулишимга ёрдам бер!»

Йигит нола қилган сари қумга баттарроқ ботармиш. Шунда хуржунни бир ёнга отиб уриб, жон ҳолатда қўллари билан қумни курай бошлабди. Қараса, аста-секин қумдан чиқаётибди; энди бўналаетган оёқларини ҳам ишга солиб, ҳалокатдан кутулибди.

Ана шунда чеккада ётган хуржунга қараб йигитнинг миясига ярқ этиб нурафшонлик ийинган-магарам отаси-

дан қолган бойликни шу хуржун янглиғ бир чеккага қўйиб, ҳозиргидай ўзи қаттиқ ишлаганда бу кўргуликларга гирифтор бўлмаган бўларкан...

Орага ноқулай жимлик чўкди. Нега қоровул бобо бу нақлни келтирди? Менга нисбатан айтиши мумкин эмас, чунки мени яхши танимайди, отамдан бойлик қолган-қолмаганини билмайди, қолаверса, мен шу заводнинг директориман, тагин йигирма олти яшар йигитман, минг чигириқдан ўтказиб тайинланадиган вазифа.

— Сиз ҳам отангизнинг меросини кўкка созуриб, панд емаганмисиз, ишқилиб?

Менинг саволим албатта ўринли эди, негаким, мен бу одам тўғрисида озми-кўпми биламан, умрида кўп озор кўрган дейишади.

— Меники бошқа, Комилжон, — бирдан менга анойи қараб сўзимни маъқуллади. — Валекин, топиб айтдингиз, мен ҳам отам меросини елга берганларданман, яна қандай мерос денг, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб бўлмайдиган улкан хазинани хароб қилдим. — Холхўжаев муғрайибгина жим қолди ва маъюслик ила қўшиб қўйди: — Улкан хазинани... иймонни бой бердим, Комилжон! — Унинг дил тубидан вулқондай отилиб чиққан охириги сўзи танимни жимбирлатиб юборди. Мен индамадим. У салгина тин олиб, армони ушалган соҳиби даврондай далерона бошини кўтариб, лутф қилди. — Меҳнату нолаларим ижобат бўлди чоги, Худойим иймонимни қайтариб берди, минг қатлаъ шукр... — Унинг билан балки шу вақтгача ҳеч ким бу қадар ичкин гапиришмагандир. Жимгина кулоқ қўяётганим боис у мени баттар ҳайратга соладиган гап айтди. — «Май ичгилу Қуръонни ёқ, Каъбага ўт қўй, маскан эт бутхонани, аммо бировга озор берувчи бўлма», деганларига амал қилдим.

— Ким айтганлар, отангизми?

— Йўқ, Ҳофиз Шерозий... Мен гумроҳ шу гапларни ўзимча тушунибман, нотўғри тушунибман.

— Аслида-чи?

— Аслидами? — Шақирлаб қайнаган чойгумни плитанинг бир четига олиб қўйиб, ўзи-ўзига гапиргандай афсусона оҳангда нидо қилди: — Аслида, бировга озор бермайдиган одам, Қуръонни ҳам ёқмас, Каъбага ҳам ўт қўймас, бутхонани ҳам маскан этмас экан... У одам Оллоҳга яқин, Оллоҳнинг бандаси бўлар экан. Бировга деганда, Оллои таоло яратган, таважжуҳи тажассум инсонни, яъни Яратганнинг Ўзига озор берар экан... Эҳ, бу гапларни иягимга тўрт тор соқол ўстирганимдан кейин билдим-а, аҳ! Ҳақиқат деб ҳақиқатимдан айрилдим!

— Навоий ҳазратлари айтадилар: «Пил ўлса сенинг

хасминг, десангки, зарар топмай, бир пашшага оламда еткурма зарар ҳаргиз».

— Ана, кўрдингизми, Комилжон! — У сўзимни оғзимдан илиб кетди ва зудо-зуд фикрини тўкиб солди: — Душманинг фил бўлсаям, пашшага озор етказувчи бўлма, негаким, Яратганнинг хоҳиши шу.

Мен ҳам анойи эмаслигимни билдириб кўяй деб андак билимдонлик қилдим:

— Полвон пир — Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари дейдиларким:

*Беилму амал равзаи ризвон бўлмас,
Рўза, намоз бўлмаса, иймон бўлмас.
Утмакка илож топса-да қилкўприкдан,
Кимки дилозор, муслмон бўлмас.*

Холхўжаев ялт этиб менга қаради. У мени биринчи бор кўраётгандек тикилиб қолди. Балки, шу ёшга чиқиб ҳамдард, ҳамфикр одам энди топилганидан беҳад қувондими ёхуд мени ёш билиб, аввалги куни ҳўл пайтавамни ечиб, плита печкаси устига ёйганимда қўланса ҳилдан бурнини жийириб, индамасдан эшикни очиб, қоровулхонани шамоллатганига афсусландими, хуллас, бир неча лақиқа жим қолди-да, бирдан суюниб кетди:

— Ай, Комилжон-а, бормисиз? Ай, яшанг-га! Ана ўша рўза тутмаган, намоз ўқимаган, иймонини йўқотган гумроҳ менман. Мен шу қилкўприкка беписандлик билан қараган, муслмонликка шак келтирган осий бандаман. Ҳали айтганимдай, буларнинг барчасини кеч англадим, ёшим бир ерга борганда англадим. Гуноҳим беадад, Худойим кечиргил деб кеча-кундуз нола қиламан. Кеч бўлсаям ўтганларим руҳига тиловат қиламан. — У олови пасая бошлаган плита печ томонга ўгрилди-да, илтижо этди: — Ўзинг кечир, Оллоҳим, ўзинг мағфират қил, Парвардигоро!

— Кеч бўлсаям тушунибсиз-ку, куйинманг, Яратган кечиргувчидир. — Мансабим боис насиҳат қилаётганимдан бир лаҳза уялиб кетдим, лекин сўз оҳангимни бузмай: — Энди мен борай, раҳмат, анча қизиниб олдим, — дедим.

— Йўқ, тақсир, — деди нечундир мени анчагина маснади маъво қилиб Холхўжаев. — Ҳозир уйдан иссиққина мастава олиб келишади, икковимиз бир маставахўрлик қиламиз. — Унинг гапи оғзидан чиқиб-чиқмай, ташқари анчайин совуқ бўлишига қарамасдан юпқагина кийинган болакай кирланган бўзга ўроғлик тугунчакни кўтариб кирди. — Ана, айтмаддими! — дея у менга шодон юзланди.

Негадир Холхўжаевга раҳмим келди. Болакай ўглими, неварасими, жуда ғариб бир аҳволда овқат кўтариб келиши, унинг ўзиям эски камзул, эски иштонда мулозамат кўрсатиши ҳар кимнинг ҳам юрагини эзарди.

— Бу паҳлавон ўғлингизми?

— Неварам, олдимизда яшайди. — Ортиқча саволни ўринсиз билиб индамадим. У болакайга юзланди: — Сен борақол, ҳам.

Болакай оёғидаги сас чиқмас шиппагини судраганча бурнини тортиб аста чиқиб кетди. Янаги ҳафта шаҳарга тушиб уйдан Холхўжаевнинг болаларига муносиброқ эскирмаган кийим-бошларни олиб келаман, кўнглини оғритмайгина киритиб бераман, дея дилимга тутдим. Унинг дил тугунларини жиндай бўлсаям ёзиш учун овқат устида яна Паҳлавон Маҳмуддан тўртгина қатор ўқидим:

*Дунёга ёпишган чирмовуқмиз биз,
Дон — таъмамиз, нафсга ёвуқмиз биз.
Эртага руҳ қушлари бир-бир учади,
Биз қоламиз, чунки товуқмиз биз.*

Холхўжаев ҳам очилгандан-очишиб, яйраб кетди.

— Комилжон, албатта бизда сизчалик савод йўқ, аммо лекин энди сиз билан агар хоҳласангиз ота-ўғил тутинамиз. Сал аввалроқ кўполик қилган бўлсам густоҳлигимдан, маъзур тутинг. — Мен эътироз билдирмоқчи эдим, гапиртирмади. — Йўқ, сизни мансабингиз учун эмас, одам-охунлигингиз учун. Майлими?

— Жуда яхши, — дедим мен ҳам дилимга яқин суҳбатдош топганимдан қувониб.

— Сиз Паҳлавон Маҳмудни яхши кўрар экансиз, майли, мен ҳам эшитганимдан бир шингил айтиб берай, хатороқ ўқисам маъзур тугасиз:

*Кимки агар бўлса-да яхши-ёмон,
Қолмас омон, қолмас омон, қолмас омон.
Умр тожини ечгай, бошини кетгай олиб,
Қабри томон, қабри томон, қабри томон...*

Холхўжаев билан хийла вақтгача дилтортар суҳбат қилдик...

4

Манякиннинг бурнини энди ерга ишқайман, актларга имзо чеккан Эркин аканинг ҳам, муҳр босган морякнинг ҳам кўзини жойига соламан. Заводнинг асосий корпуси —

жиқхона пойдеворига қўйилмаган бетонларни қўйилди, ўрнатилмаган бир нечта темир-бетон устунларни ўрнатилди, дея актга тиркаб маблағларини олишган. Ундан ҳам жиноятроғи, ҳар қандай янги қурилиш объекти бошланишидан олдин вақтинчалик, кейин бузиб ташланадиган қурилиш иншоотлари, яъни цементу тахтаю мих, хуллас, иш учун неки даркор бари анжомларни сақлайдиган омборхона, ўзига хос қоровулхона ва ҳоказолар лойиҳа сметасига киритилган анчайин катта маблағ эвазига амалга оширилади. Сметада кўрсатилган маблағнинг ҳаммаси олинган-у, қўшимча иншоотлар ўрнига битта эски вагонча олиб келинган.

Бу қинғир ишларга буюртмачи имзо чекмагунча бош пудратчи бирор тийин ҳам ололмайди. Холхўжаев бирда сўз орсиди илмоқли гап айтди-я:

— Илоннинг оғзига кирган суяк юпқаланади, бироқ илон ҳам тупроқни инсоф билан ялайди.

Қурилишдаги ўлчовларим, гумонларимни уларнинг юзига солишдан истиҳола қилаётганим, ишни обдан ўрганиш керак эди. Барибир ҳисобчи бир нималарни сезиб, менга ёв қараш билан муомала қила бошлагани унинг хатти-ҳаракатларидан аён бўлмоқда. У Эркин ака келган кунлари, унинг олдига чой қўйиб узоқ суҳбатлашади. Эркин акаям кўпни кўрган, менга бу борада танбеҳ беришга шошилмаяпти. Унинг ёши катта бўлишига қарамай, техникумни тугаллаб, ишлаб, сўнг бизнинг институтни мендан уч йилча аввал тамомлаган. Зуваласи ишда тобланган. Кўполлиги ҳам бор, меҳрибонлиги ҳам. Энг ёмони — кайфият одами. Ахир, менинг директор бўлишимда унинг ҳиссаси йўқ дейишлик инсофсизлик бўлар эди, қолаверса, ёши катта. Шу сабабли унинг дашномларига чидаб, бетига ҳали бирон марта сапчиган эмасман, лекин сабрнинг ҳам чегараси бор.

Манякин менинг муносабатларимдан бир ишқални сеза бошлади, мулозимлашиб қолгандай бўлди. У биринчи ҳужумни мендан кутяпти, мен эса ундан. Ахийри у ёрилди:

— Минг ўлчаганинг билан, бари ҳужжатлар банкдан ўтиб, сиёҳи сингиб кетган. Сен гумон қилаётган нарсалар учун ҳақ тўланган, беш-ўн куб тахтаю тонналаб цементлар кимларнингдир уйига тушган. Уни ковлаштирганинг билан мен бердим демайман, улар олдим демайди. Қўйилмаган устунлар, ана ёнида ётибди, кўтарма кран келса бир ярим соатлик иш, вақтинча қурилиш иншоотларини «қуриб, бузиб ташлаганмиз», так что, бекорга ўзингни қийнаб юрма, сен ҳам улушингни оласан.

Мен унинг ҳалол, ишчан, энг муҳими — яхши мута-

хассис эканлигини билиб олдим. Қачонлардир чўрткесар, сўзидан қайтмайдиган одам бўлгани муомаласидан билиниб турарди. Ҳаёт ҳаёт экан-да. Балки оилавий турмуши, балки оққўнгиллиги, ишонувчанлиги баъзи олғирларнинг тўрига тушиб, кўргулигини кўргани сабабли ғурури сингани сезилиб туради. Фақат камгаплиги, жимгина ўзи билан ўзи овора бўлиб юриши унинг руҳий синиқлигини яшириб туради. Фақат иродаси кучли одамгина уни оча олади, борлигини намоён қилишга мажбур этилади. Мен унинг қалбини оча олдим дея олмайман. Дадил, қатъий талабим, чўрткесар сўзларим билан ҳалоллигига ишондим. Менга эса фақат шуниси керак эди.

Манякин кейинги ғапини айтмаганда-ку, олам гулистон эди. Мен бирдан портладим:

— Нух пайғамбар бир умр чайлада яшаган. Нега уй қурмайсан деб сўрашганда, умр ўзи тўққиз юз йил, унга уй нега керак, деган экан. Менга на тахтанг, на цементинг, ҳеч нарсанг керак эмас, билдингми?!

— Жинни экансан. Майли, энди сенинг қўл-оёғингни боғлайдиган бир муаммони айтмай, қани, аввал вагончага қирайлик.

— Йўқ, шу ерда айтабер!

У менинг сўзимдан лол бўлганча ҳайронланиб турди-да:

— Бўпти, ҳозир бир дақиқа, ҳозир лойиҳани олиб чиқай, — дея вагончаси томон кетди.

Шунда илк бор қаттиқ янглишганимни сездим. Мен хомкалла, у вагончада менга юзта қўйиб бермоқчи, деб ўйлаб, қўполлик қилганимдан хижолатландим. Ундай андишага боришим ҳам бесабаб эмас-да, Манякин ҳар воғанчасига кириб-чиққанида оз-оздан ичиб туришини унинг кайфиятидан, оғзидан бурқсиган ароқ ҳидидан неча бор сезганман.

Манякин лойиҳани қўлтиқлаб келганча индамай ёнимдан ўтиб, бош корпус томон кета берди. Аста орқасидан эргашдим. Ярми тикланиб, ярми тикланмаган бош корпус устунлари орасидаги масофани ўлчаш учун думалоқ галтакланган метрини бир ён учини менга тутқазиб, ҳисобкитобни бошлади. Прессхона ёнидаги икки устун оралигидан бошқа барча устунлар олти метрдан тикланган, стандарт. Девор билан биринчи устун-қирқ беш сантиметр, биринчи ҳамда иккинчи устун оралиги эса беш метру қирқ беш сантиметр.

— Бундай қараганда деворгача беш метру тўқсон сантиметр. Девор устига олтию йигирмалик темир-бетон қўйилса, том ёпилади, — деди Манякин менга анойи қараб, — аммо, қирқ сантиметрлик прессхона девори-

нинг қалинлигини ҳам қўшсак, тола тортадиган, икки линияда линт тортадиган катта темир қувурлар билан пресслар устида турадиган сепараторлар орасидаги масофа, табиийки, қирқ беш сантиметрга узаяди. Улар заводда алоҳида эмас, стандарт чиқарилади. Пресс ёки жиқларни стандарт масофаларга келтириб бўлмайди, чунки кўряпсан, неча кундан бери бу гаплардан беҳабардек тинимсиз ўлчаяпсан, ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг фундаментлари тахт қилинган, эрта-индин монтаж қилинади. Хўш, уларни прессхона билан боғлаш қандай бажарилади? Жавоб беришдан олдин, шамол тортадиган, пуркагич мосламалар, бир сўз билан айтганда, борлиқ технология билан боғлиқ масалаларни ўрган, кейин натижасини айтарсан.

— Эркин ака буни биладимиз?

— Албатта, билганда қандоқ.

— Хўш, у нима дейди? — Савол беряпман-у, муаммонинг нечоғлик оғирлигидан нафасим қайтиб кетяпти.

— Нима, Эркин ака! Мен уни биламан, босавер, масала шунга келганда устида ечамиз дейди, ечолмайди. Унгаям бир айтдим, сенгаям айтай, қурилиш тўхтаб қолади. Қўл-оёғингни боғлайдиган муаммо деганим шу, бу йил завод ишга тушиши амримаҳол, хомтаъма бўлиб юрма, — деди Манякин бош корпус лойиҳасини қатмақат буклаб.

— Нега стандарт эмас?

— Саволинг қизиқ бўлди-ку! Кам харажат бўлсин учун буюртмачининг, сенларнинг қароринг бу. Заводнинг бош корпуси аввал тайёрлов пунктининг тайёргина мавжуд қуришиш-тозалаш цехига жойлаштирилиши, прессхона алоҳида қурилиб, бош корпусга уланиши, қуришиш-тозалаш цехи биноси бузилмай, фақат машиналар чиқарилиб, ўрнига жиқу линтерлар ўрнатиб, бир йилгаям қолдирмай заводни ишга тушириш мўлжалланган эди. Прессхона қад кўтаргач, бизнинг ёзишмамизга кўра, Тошкентдан келган комиссия қуришиш-тозалаш цехи биносини завод бош корпуси учун яроқсиз деб топди ва бино кунпаякун бўлди. Мана, кўриб турган устунларинг янги лойиҳа бўйича яқинда монтаж қилинди.

— Нега лойиҳачилар бош корпусни олти метрга суриб беришмаган?

Бу саволимдан-ку, Манякиннинг негадир жаҳли чиқди:

— Ахир, қандай қилиб тайёр цехни олти метрга суриб бўлади, тушуниб гапиряпсанми?

— Кунпаякун бўлган бинони нима учун суриш мумкин эмас, ахир?

— Сен бир нарсани тўлиқ англай олмаяпсан, бинони лойиҳачилар суриб беришган, лекин биз, аввалги эски лойиҳа бўйича, жиқлар, линтерлар, борингки, чанг сўргичлар-циклонларнинг ҳам фундаментларини қуйиб қуйган эдик-да, энди монтажчилар бари ностандарт коммукацияни қандай боғлашади?

— Сизлар ҳам тоза зараркунанда экансизлар-ку! Тай-ёргина, ишлаб турган цехнинг ичидан қуритиш-тозалаш машиналарини чиқариб ташлаб, жиқлар учун фундаментлар қуймасдан олдин ноғора чалсангизлар бўлмасмиди? Кам харажат билан битишга мўлжалланган завод, энди қурилиши нолдан бошланадиган заводга нисбатан бир неча баробар қимматга тушиши баробарида янгидан қуриладиган қуритиш-тозалаш цехи ўнғайсиз лойиҳалаштирилган. Нега цехлар кетма-кет тушмаган, деб ҳайрон бўлиб юрибман.

— Буюрувчи буюради, гулликчи югуради, уёғини Эркин акангдан сўрайсан.

Манякин кетди. Мен шу жойда қолганимча жиқлар, линтерлар, корпус ташқарисидаги циклонларнинг битган фундаментларига бир-бир қараб, масаланинг не қадар мураккаблиги, ўйланмасдан қилинган шошма-шошарлик оқибатида ҳукуматга етказилаётган беҳисоб зарарни ўйлаб эзилдим. Кейин ўзимни тинчлантирдим, балки бу масала Манякин айтганчалик жиддий эмасдир, магарам, ваҳимали бўлганида, ишбилармон Эркин ака фундаментларни қуйишга рухсат этмасди. Ечимини биладигандир, жим юрибди, менгаям бир оғиз индамади. Лекин, барибир, аста-секин хотиржамлигим ўрнини яна қўрқинчли жараён — асбоб-ускуналарни ўрнатиш, уларни бир-бирлари билан боғлаш чоғида юз беражак муаммоларни кўз олдимга келтириб, юрагим орқамга тортиб кета бошлади.

Филҳақ, стандарт этиб ясалган тола, линт тортиш қувурларидаги ҳаво аэродинамикаси нима бўлади? Наҳотки, Эркин ака бу ҳақда ўйламаган бўлса? Қайтиб идорага кирдим. Лойиҳани олиб бир бошдан синчиклаб ўргана бошладим. Дунёда гўё шундан зарурроқ иш йўқдай ҳисобкитоби ила машғул ҳисобчилар қоғозларидан бош қўтармай чўтларини қоқяптилар. Уларнинг йўлига қилаётган бепарволиги заминиди индамаганим билан шубҳали безовталиқдан хонадаги ишчанлик мувозанати таранглашиб, дилимни ғашлай бошлади. Ниҳоят, бу мажҳул, ноаниқ ҳолга сабри чидамади, чоғи, Мадрим ака менга қарамай шунчаки беписандлик билан сўради:

— Ишларни ўлчаб бўлдингизми?

Мадрим ака менга айтганини билсам-да, атайлаб сўрадим:

— Мендан сўраяпсизми?

— Ҳовва.

— Улчаб юрибман.

— Шунча кундан бери ҳали тугалламадингизми?

— Завод қурилиб ишга тушганча, ундан кейин ҳам ўлчайвераман. Ҳаётнинг ўзи турган-битгани ўлчов эмасми?

— Тўғри айтасиз, — деди Қўчқор ака менинг жавобларимга қизиқсиниб.

— Нимаси тўғри? — дея сўради қаҳр билан Мадрим ака ундан. — Тушунмай не сўйлийсан?

Қўчқор аканинг дами ичига тушиб кетди. Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит, қабилида Қўчқор акага гапирдим-у, Мадрим акага илк гумон ўқини отдим:

— Туркларда ажаб бир илмакли мақол бор — қорда юр-у, изингни белгили этма.

Қўчқор акани индамас, писмиқ, боши эгик бир мутеъ десам, балодай бетгачопар чиқиб қолди, тагин денг, ўзини койиган бўлиб, гурланликлар лаҳжасидан ўзгароқ, Янгибозорча талаффузда мендан ўтириброқ ташлаб, бош ҳисобчини нишонга олди:

— Тўғри айтасиз, ёшулли, тилима чувон (чипқон) чиқсин мани, ажали етган ит масжиднинг деворига сияди, дейдилар.

Мадрим ака таажжубдан не деярини билмай, анграйиб қолди, кейин ўзини тезда ўнглаб, заҳархандалик билан Қўчқор аканинг устидан палахмон тошини менга йўналтирди:

— Қўчқорбой, балодай мақолчи экансан-ку, майдаланмаган тош бош ёради деганлариниям эшитганмисан?

Қўчқор ака бунга тушунибми, тушунмайми, балки мени аяш учундир, яна мутеъга айланиб:

— Йўқ, ёшулли, эшитмаган эканман, — деди анойи кулиб.

Шунинг билан Қўчқор ака гувоҳлигида Мадрим ака билан илк жанг олдидан енгилгина машқ ҳам қилиб олдик. Аммо ҳозир ўйлаётиб «жанг» деяпман-у, завод қурилиши боис тақдир дучлаштирган одамлар орасида фақат Мадрим моряк ҳақида қатъий бир хулосага келолмадим. Табиатда ўта беозор, ҳамма вақт ҳам кўзга ташланавермайдиган, бироқ ҳаётнинг ширасини сўриб яшайдиган жонзотлар бор. Гоҳида уни ана шу беозор жониворга ўхшатаман-у, тезда фикримдан қайтаман, ўйимнинг эса охири йўқ. Кейин, ахир шу ҳам бор эди-ку қурилишда, дея ўзимга тасалли бераман...

Ишга тушганимга бугун роппа-роса бир ой бўлди. Эрталабдан бир эмас, иккита С-100 бульдозери тройлердан тушириляпти, изинма-кетин катта-кичик кўтарма кранлар кириб келяпти. Тушимми, ё ўнггимми? Заводнинг қурилиш трести раҳбарларию ПМКларнинг (механизациялашган кўчма коллонналарнинг) бошлиқлари, монтажчи СМУларнинг (қурилиш-монтаж бошқармаларининг) раҳбарлари, бош инженерлари билан енгилу юк машиналарда турфа касбдаги ишчилар, тиркама тракторларда пайвандлаш агрегатлари келяпти, келяпти, хуллас, бирпасда худди кинолардагидек зарбдор қурилиш майдонига айланган барча ўринларда ола-тасир иш бошланиб кетди. Ҳозирча менга иш юзасидан ҳеч ким мурожаат қилмаётгани билан бошим айланиб, гангиб қолдим.

Иш бажарувчи ташкилотларнинг турли вазифадаги раҳбарлари нималарнидир тортишиб, баҳслашиб, лойиҳаларни кўтариб зир югуриб қолишди. Кимдир менга бугун завод қурилиши ишини қўришга министр келармиш, деган гап қилди. Аввалига бу гапга унча эътибор бермадим, лекин нимани сўрайдию нима деб жавоб беришимни ўйлаб ҳаяжонлана бошладим.

Шу пайт шитоб билан кириб келган Эркин ака ҳамшаги виқорлигида машинасидан тушиб, қоровулхона ёнида турганимни кўргани билан эътибор бермай, пункт идорасига қараб кета берди. Ёш бўлсам ҳам, ҳали ишни обдан ўрганмаган бўлсам ҳам мени кўриб, кўрмаганга олгани учун унинг орқасидан эргашмадим, аксинча, ҳожати бўлмасаям қоровулхонага кирдим.

Бугун ҳам навбатчилик қилаётган Холхўжаев, шу кунга қадар ҳали бирор маротаба пешингача бу ерга кирганимга ҳайрон бўлди. Аммо қурилишдаги кўз илғамас жонланишдан баҳрамандлиги боис чеҳраси очилиб кетган Холхўжаевнинг хатти-ҳаракатида беғубор шодмонликни кўриб, кайфиятим кўтарилди.

Ота билан салом-алиқдан уёққа ўтмаган ҳам эдикки, қоровулхонага худди бандини олиб кетишга келган пошшобдай Эркин аканинг ўзидан ҳам сервиқор шофёри кириб, хўжайини мени сўраётганини айтди.

— Бу на эрталабдан ўзингни қоровулхонага ураверасан?! Сенга иссиқ жой бўлса! — Салом йўқ, алик йўқ, захрини сочди Эркин ака идорага киришим билан. Ҳисобчилар ҳангу манг бўлиб менинг оғзимга тикилиб қолишди.

Менинг ғуруримни поймол қилиш ҳали-ку бунинг, бундан каттароқнинг ҳам қўлидан келмаслигини бошига

сигдиrolмайдиган бу тасқаранинг попугини босиб қўйиш, чумоли эзгилагандай мени эзгилаш унинг уруғ-аймогига-ям насиб этмаяжagini билдириб қўйиш мавриди келганидан жонланиб кетдим.

— Ишни қаердан бошлашни сиздан сўраб ўтирмайман, нима гапингиз бор, тезроқ айтинг, менинг вақтим йўқ, — дедим унинг ўзига яраша қўполлик билан.

Кутилмаган даҳанаки жангдан баттар ҳайрон бўлган ҳисобчининг икковиям дарҳол ўринларидан туриб, ташқарига чиқиб кетишди. Етти ухлаб тушига кирмаган кўрс жавобимдан Эркин аканинг нафаси ичига тушиб кетди чоғи, бир оз вақтгача ўзига келолмади.

— Тушунмадим? — На сўроққа, на ҳайратланишга ўхшамаган мужмал сўзидан ўзининг ҳам жаҳли чиқди шекилли, бирдан овозини кўтариб ўшқирди: — Каттайиб кетдингми? Улдирган қурбақанг йўқ, осмондан келасан. Ёмғирда занглай бошлаган асбоб-ускуналарнинг устини брезент билан ёп дедим, қилмабсан, асбоб-ускуналарга етишмайдиган заҳира қисмларнинг рўйхатини қилиб, менга бер дедим, бермадинг. Кўрамиз, ҳозир министримиз келади, қандай жавоб бераркансан!

— Авваламбор, менга рўйхат-пўйхат тўғрисида ҳозир айтяпсиз, қачонки, сиз қурилишнинг лойиҳалаш буюртмасидан тортиб, илк гиштини қўйганлардан бери — трестимиз бошлиғининг қурилиш бўйича ўринбосари, мутасаддиси сифатида аллақачон у ишни бажариб қўйишингиз лозим эди. Қолаверса, менинг тишимни Худо директорлик нонини ейсан деб қоққан эмас, министр ҳам Оллонинг менга ўхшаган бандаси. Олса, ишини олади, жонимни олмас. — Шарт бурилиб ташқарига чиқиб кетдим.

Кўчқор ака идорага киришга ийманди шекилли, ўзини қурилишга алаҳсиган кўрсатиб, ташқарида қолди. Мадрим ака менга қарамай, анойи жилмайиб ичкарига кириб кетди.

Манякин ёзган акт-процентовакаларда, дирекция ташкил бўлгунча имзо Эркин аканики, муҳрни Мадрим ака босган. То шу ойгача қилинган жами иш ҳажмини назорат қилиш учун миллиметригача ўлчаганим, албатта, икковиям ёқмайди, уларнинг тили бир, лекин ботиниб бирор нарса деёлмаяптилар. Шошмасинлар, оқни оқ, қорани қора қиламан. Ё ҳақиқий эгалик қилиб ишлайман, ё кетаман, вассалом, қарорим қатъий.

Ўйимни ўйлаб бўлганим ҳам йўқ эди, дарвозадан трестимиз бошлиғининг кулранг «Волга»си шитоб билан кириб келди-да, идорага яқин жойда тўхтади. Оқ юзли, жингалак сочлари шляпаси остидан чиқиб турган фариштасимон чиройли одам билан Райимбой ака машина-

дан тушиб улгурмасларидан ичкаридан Эркин ака отилиб чиқди-да, югуриклаб машина олдига кетди. Хаҳ, унинг кеккайишига ўт кетганини узоққа чўзмай кўрсатганинг учун минатдорман сендан, эй Худо! Мен нима қиларимни билмай, аста одимлаганча уларнинг олдига бордим. Хаёлимда Пушкин ва император. Улар қўл узатгач, ийманibroқ қўл чўзим.

— Комилжон, тўқимачилик институтини тамомлаган, яқинда директор қилиб тайинладик, — ёш бўлишига қарамай тайинладик дегандай хиёл жилмайиб мени меҳмонга таништирди-да, ўз навбатида менга боқиб: — Министримиз, Фахмиддин ака Хўжаев, — деди.

Умрим бино бўлиб илк бор министрни тириклай кўриб турганимдан яна андак ҳаяжонландим. Бу қадар хушсуврат одамнинг сўкканиям мақтовдай туюлишини кўнглимга тугиб, саволини кутдим. Фахмиддин ака нима деганини англамай қолганимни сизди шекилли, иккинчи бор такрорлади:

— Неча ёшга кирдинг?

— Йигирма олти.

У киши овозим зўрға чиққанидан «олти»сини эшитмади чоғи:

— Йигирма ёшда директор бўлсанг, қирқингда министр бўларкансан-да, яхши, яхши, — деди-да, кутилмаганда менинг қўлтиғимдан ушлаб қурилиш томон аста етаклай бошлади ва меҳрибонлик билан сўзида давом этди: — Энди гап бундай, Комилжон, меҳнаткаш йигитга ўхшайсан. Сендан кўп нарсани кутса бўлади. Эртага ё индинга бу ерга Марказкомнинг секретари Иван Георгиевич Анисимкин келади. Бу ерда қатнашаётган жамики қурилиш ташкилотларининг раҳбарларини йиғиб, суҳбатлашади. Тушунмайдиган саволларинг бўлса, мана, трест бошлиғинг, ана, ўринбосари, сўра, ўрган, билиб ол, чунки Марказком секретари билан суҳбат сен ўйлагандай энгил эмас. Тошкентдан яна кўп меҳмонлар — қурилиш ташкилотларининг министр муовинлари, махсус монтаж трестларининг бошлиқлари келади. Ҳаммасиям отнинг калласидай саволлар билан сену мени тўпга тутишади. Бу, албатта, сен учун ҳам катта имтиҳон, ЦК секретарининг саволларига шошилмай, ўйлаб, далиллар билан жавоб бер ва ечими оғир бўлган муаммолларинг бўлса, адаб билан таклифингни киритарсан. Бу ҳақда, албатта трестнинг раҳбарлари билан кенгашиб олгин. — Фахмиддин ака сўзлашдан бир оз тўхтаб, қўллари совқотди шекилли, қўлтиғимдан аста тортиб олди-да, чўнтагига тикди ва электрқабел учун мўлжаллаб қазилган солмага омонатгина кўйилган пиллапоядан бир-бир босиб ўтиб, тупроқ

уюми устига чиқди. Яна менга қараб оталарча ғамхўрлик оҳангида сўзида давом этди: — Жуда пухта ўргангин, яъни бу йилга қурилиш учун қанча маблағ ажратилгану қанчаси бажарилган, режадагига нисбатан кам бажарилган бўлса, нега кам бажарилди? Қурилишда пудратчию субпудратчи ташкилотлардан қанча одам ишлаши керак эди, қанчаси ишляпти, қайсиниси режасини бажармаяпти, унинг айбдори ким, биз буюртмачиларми, ё ўзларими, лойиҳа-смета бўйича муаммо йўқми, бўлса ечим қачон ҳал бўлади, монтаж учун барча керакли заҳира қисмлари тахт қилинганми, мабодо тўлиқ комплект қилинмаган бўлса, сабаби нимада, етишмайдиган асбоб-ускуналар рўйхати қилинганми? — Министр ён томонда турган Райимбой ака билан Эркин акага енгил нигоҳ ташлаб, яна мулойим оҳангда, сал овозини кўтариб: — Ана шу саволларни мен сенга беришим керак эди, лекин сенинг бу ишда янгилегингни эътиборга олиб, қийнамай дедим. Балки мен берган саволларни анча-мунча биларсан, бироқ катталар олдида билганингниям айтолмай, кейин эзилиб юрадиган ёшдасан ҳозир. Мен ҳам ёш бўлганман. Шунинг учун сенга муҳлат беряпман, — деди.

Министрнинг содда, мулойим оҳангда сўзлашидан бошим осмонга етди. Ҳаҳ! Бор экан-ку, ҳақиқат деган тилсимий таҳаммул оламда! Фахмиддин аканинг чиройли юзу кўзларидан ёғилиб турган нур шууримга фараҳлик бахшида этди, лаҳзалар ичида ҳаёлимда авлиёлик мартабаси шу бўлса керак, деган муборақ туйғу шуълаланди.

Фахмиддин ака менга бирор бошқа савол бермай, йўл-йўлакай қурувчилар билан, уларнинг бошлиқлари билан илиқ, самимий суҳбатлашиб бораркан, Эркин акадан сўради:

— Ҳар куни шунча одам ишляптими?

Эркин ака очиғини айтмай тагдор жавоб қилди:

— Кунлар совуқлигидан ишнинг ҳам шашти сал пастроқ эди, қолаверса, бу объект ЦКнинг назоратидалигидан энди яна ҳам юришиб кетади.

Фахмиддин ака машинага ўтираётиб, яна менга юзланди:

— Ўғлим, бу завод бизга ҳаводай зарур, бу йил ишга тушмаса бўлмайди, қаттиқ ишляшинг керак. Файратингни бир кўрсат. Эртага яна келаман.

Министр билан Райимбой акаларнинг машинаси катта йўлга чиққунча ички бир қониқиш билан орқаларидан қараб турдим. Эркин аканинг дўрилдоқ овозидан ўзимга келдим.

— Министрнинг гапини эшитдинг, қани, давай, қаққайиб турма, иш билан шуғуллан, бўшага юрма. — У

машинаси томон кетаётиб, худди бехосдан эсига тушгандай, мен томон ўгирилиб: — Мадрим аканг отангдай одам, уруш кўрган, майиб, нима қиласан тегишиб? — деб қолди.

— Агар у киши менинг чин сўзларимни тегишди деяётган бўлса, ҳақиқий майиб экан, — дедим овозимни кўтариб.

— Кекирдагингни кўп чўзаверма, бу қурилишдаги барча ҳисоб-китобларга ўзим жавоб бераман.

— Берардингиз, — дедим унинг сўзларини тўғрилаб.

Эркин ака машинасига минариниям билмади, орқага қайтиб, мен билан уришариниям.

— Яхши, ҳозир шошиб турибман, Янгиариққа боришим керак, кеч томон келаман, кетиб қолма, — деди-да, машинасига ўтириб жўнаб қолди.

Янгиариқ туманидаям бу йил янги пахта тозалаш заводи қурилиб, ишга туширилаётгани боис Эркин ака уёққа кечикмай бориши шарт эди, чунки катталар унда ҳам қурилишни муҳокама қилишлари муқаррар. Унинг биринчи марта менга ҳисоб бериб кетгани аллақачон менинг галабага эришганим эди...

6

Завод қурилишидаги бугунги гавжумлик кечагиси олдида ҳеч гап бўлмай қолди. Вилоятда идораям кўп экан, қурилиш асбоб-ускунасиям. Пайвандчилар, бетончилар, дурадгорлар... Иш бошланиши вақтини-ку, айтмай қўя қолай, соат тўққиз бўлмай қарийб барча машиналар қурувчилар билан завод дарвозасидан кириб бўлади. Агар иш ҳар куни шу тақовул босим билан олиб борилса, заводнинг бу йил ишга тушиши ҳеч гапмас.

Кеча министр қалаштириб ташлаган саволлар устида ярим оқшомгача лойиҳа ва смета ҳужжатлари, қилинган харажатлар ва қурилишга доир барча масалаларни яна бир бор қараб чиқдим. Қурилиш графигининг бажарилиши, шу кунгача келган-келмаган асбоб-ускуналар, машиналар ҳақида ахборот тайёрладим.

Қурувчилар астойдил ишга киришганларича кун анча ёришиб, эрталабдан тушган туман сийраклашгандан-сийраклашди, аста-секин қуёш кўтарилиши билан осмон тиниқлашиб, табиатнинг салиси савқиди қандайдир собуқлик, яқинлашиб қолган баҳор нафасининг пайки паймоси, ажиб бир надимвашликқа ундайди.

Катталарнинг биринчи енгил машинаси завод дарвозасидан кириб, кун чиқар томонга, бу яқин ўртада қадам босилмаган, лекин тўнғиз ёргандай кавлаб таш-

ланган тупроқ уюми ёнига бориб тўхтади. Машинадан уч киши тушди. Мен вазифам юзасидан улар олдига бордим. Вилоят қурилиш трестининг бошлиғи Нурмат Жуманиёзов, махсус монтаж бошқармаси бошлиғи Алберт Жузбоевлар суҳбатларини бўлиб, меҳмонни мен билан таништиришди — Республика қурилиш министрининг биринчи ўринбосари Чумаков экан.

Министр ўринбосари қисқагина ҳол-аҳвол сўрашгач, тезда саволга ўтди, аммо кимга берилгани ноаниқ эди.

— Ёнғинга қарши ўрнатиладиган босимли сув башняси қаерга ўрнатилади?

Шу ишни бажарувчи Жузбоев табиатига хос лудуқланганча мавҳумлик билан:

— Ҳў, ана у томонда, — дея кунчиқар тарафни кўрсатди.

— Тўғрими? — деб сўради Чумаков менга ўткир нигоҳини қадаб.

Мен нима деяримни билмай қолдим, тўғри десам, башня шу турган еримизда қад кўтаради, нотўғри десам, Албертни биринчи танишганимданоқ ёқтириб қолганман, сергайрат, хушчақчақ йигит, қолаверса, министр муовини кетиб қоладиган одам, Жузбоев билан кун ора учрашиб тураман, бирга ишлайман, уни ёлгончига чиқарсам, обрўсига путур етар, нима қилиш керак, саволини бежиз бермагандир, лойиҳани ўрганиб, монтаж графиги бажарилишини текширмоқчи бўлса-чи? Э, нима бўлса бўлар, деган мақсадда, салга гўлдираб:

— Ҳа, тўғрироқ, — дедим кўзларимни яшириб. Шундаям тўғри демадим.

— Чизмалар борми? Юринг, кўрсатинг!

Чумаковнинг қатъий сўз оҳангидан гангиб қолдим, Жузбоев билан Жуманиёзовга қарасам, улар кулимсираб, менинг овсарлигимдан шодмон катталарининг изидан эргашяптилар. Менинг тўхтаб қолганимга ҳайрон бўлган Чумаков синовчан:

— Нега ўйланиб қолдинг? Ё чизмалар йўқми? — дея голибона тикилди.

«Э, хомкалла, Жузбоевни ёлгончига чиқарсам бўларкан, энди нима дейман, ким деган одам бўлдим», валекин хаёлимдан яшин тезлигида ўтган бу мулоҳазамдан ўзим қониқмадим ва яна ҳам синиқ овозда, мужмалроқ жавоб бердим:

— Чизмалар бор, лекин ҳали охирига мукамал етказилмаган.

Сўзим огзимда қолди, бирин-кетин оқ-қора «Волга»-лару турли русумдаги энгил машиналар шитоб билан қурилишга кириб келишди. Биз тўртовлон изинма-кейин, илдам одимлаганча уларнинг олдига етиб келдик.

Фахмиддин ака Марказком секретари билан яқиндан таниш чоғи, кулимсираб «мана, менинг қўчқорим» дегандай мени биринчи бўлиб у кишига таништирди. Иван Георгиевич менга бир лаҳза разм солди-да, Фахмиддин акага юзланди:

— Заводни қачон ишга туширмоқчисизлар? Давлат режасида шу йилми, ахир? — деди.

Ҳамма жим. Министрнинг ЦК секретарига ҳозир берадиган жавоби бу ерга муҳокама учун келган барча раҳбарларга дастуруламал бўлажакдан ҳаммининг дами ичига тушиб кетган.

— Бу йилга нияям қолди дейсиз, Иван Георгиевич... — Фахмиддин ака ўсмоқчилаб деди-да, аввал Марказком секретарига, сўнг ундан умидвор барча қурилиш раҳбарларига «сиз ҳам қурилиш муддатини янаги йилга ўтказиш борасида гап-сўз қилинг» деган маънода бир-бир боқди.

— Йўқ, унақаси кетмайди, Фахмиддин Хўжаевич! Сиз ҳам, барингиз икки қулоғингиз билан эшитинг, унақаси кетмайди. И-е, йилнинг ҳали биринчи чораги тугалланмаган, йил энди бошланяпти-ю, завод бу йил тоширилиши керак! Йилнинг охирида той пахта чиқиши керак! Қани, юринг, кўрайлик-чи!

Йўл-йўлакай Иван Георгиевичнинг бош пудратчига бераётган кескин саволларидан бошим ғувлай бошлади, танимга қўрқувга менгзар ҳавл кирди. Бош пудратчининг жавобларини менга тасдиқлатса-чи? Фалонча бетончи, фалонча пайвандчи мунтазам ишляяпти, графикка биноан бир кунда фалон сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажариляпти, дея қўрқмай алдаётганларини қандай тасдиқлайман. Ахир, қурилишда кеча ва бугун шунча одам йиғилиб, раҳбарларнинг кўзларини шамғалат қилиптилар, десам, уларнинг обрўси неча пуллик бўлади?! Балки, катта раҳбар бундай алдовли муҳокамаларни ўтказавериб кўзи пишиб кетгандир, буюртмачиларга булар тўғри гапиряптиларми, дея лоақал бир оғиз сўрамади. Шу пайт мен илғай олмай қолган савол-жавобда қандайдир чалкашлик бўлдию Анисимкин бирдан овозини баландлатди:

— Ўртоқлар, биз коммунистлармиз, завод қурилиши Марказком назоратида. Муҳокамани бошлашдан олдин огоҳлантираман, буюртмачилар ҳам, пудратчилар ҳам партбилетлари билан жавоб беради. Ҳисоб-китобингиз аниқ бўлсин. — Барча муҳокама учун олдиндан тайёрлаб қўйилган идора олдидаги пастак айвончага йиғилишгач, у шу баланд оҳангда давом этди: — Йил тамом бўлишига салкам тўққиз ой бор. Яна қайтараман, завод бу йил ишга тушиши керак! Ҳозир ҳаммамиз кўрдик, ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп, фақат бутун кучни шу ерга қарати-

шимиз лозим. — Йиғинга ўтириш чоғидаги енгилгина ғала-ғовур ҳам тинди, Иван Георгиевич вақтни пайсалга солмай, қўлига қоғоз-қалам олди-да, жадаллик билан муҳокамага ўтди: — Қани, бош пудратчидан бошлаймиз.

Муҳокама қарийб бир соат давом этди. Қизиғи, Анисимкин кимдан сўрасаям жиндак узрини айтиб, бизни айблашади, ё смета йўқ, ё лойиҳада бирор ишқаллик бор, тезда ҳал қилинмаса, иш тўхтаб қолажагини шундай ваҳимали тарзда гапиришадики, ҳайратдан ёқамни ушлайман. Аммо-лекин, Эркин акага қойил қола бошладим. У барча саволларга аниқ, лўнда жавоб қилиб, қурувчиларнинг у ёки бу хатоларини юзларига солганда миқ этишолмади, бироқ асбоб-ускуналарни ўрнатиш учун иш бошлашга шайланаётган монтажчилар уни босиб ташлашди. Битта линияда қирқ учта детал этишмаслиги рўйхатини ўқишганда Эркин аканинг менга ташлаган нигоҳида «эшитяпсанми, монтаж бошлангандан сўнг ҳам, ҳали-бери бу яқин орада керак бўлмайдиган бир дона болт ёки гайка, этишмовчи деталлар рўйхатида бир пункт-а, сен бўлсанг, менинг ўринли дўқларимдан аразлаб, тузукроқ шуғульланмаяпсан» маъносини ўқиш қийинмасди.

Эркин ака кеча Янгиариқдан қайтиб келаман, дея таҳдид солиб кетгани билан қайтиб келолмагани сабабини энди тушундим. Унга раҳмим келди. Тақдир тақозосини қарангки, ҳозир бирма-бир номланиб, бизнинг оғиз очишимизга йўл беришмаётган асбоб-ускуналар тўлиқ комплектацияни ўтган йили, трестимиздаги олдинги ва-зифамга тааллуқли иш бўлгани боис, Масковга ўзим бориб, СССР Енгил саноати министрлигининг техника бош бошқармасининг комплектациялаш бўлимида ҳимоя этиб келганман. Қайси линияда қанча асбобу унинг заҳираи занжирида қанча детал бор, беш бармоқдай ёддан биламан, лекин заводга келиб тушган чоғидами, кейин чангу тўзонда тупроққа қоришибми, шу давргача ишлаб турган тайёрлов пунктидаги қуришиш-тозалаш машиналарининг ишдан чиққан жойларига чилангирлар ишлатиб юборишдими, хуллас, қурилиш-монтаж корхоналари раҳбарларининг қўлларидаги отнинг калласидай маълумотномалардаги этишмовчи деталлар рўйхатини эшитган кишининг тепа сочи тикка бўлиши табиий.

Юрагимни ҳовучлаб ўтирибман. Ўзимни қийин бошладим. Ахир, шунча кундан бери ўрнатилмаган олти-еттида устунларни санаб, қурувчиларнинг айбини топиш учун метр қўтаргунча, бетону пойдеворни қайта-қайта ўлчаш ўрнига, ўзим кўпроқ жавоб берадиган омбору ҳудуд саҳнининг ҳар ер-ҳар ерида хўжақўрсинга усти ёпиғлиқ

асбоб-ускуналарни бир бошдан ёзиб чиқсам бўлмасми-ди? Балки ишни нимадан бошлашни билмай турганимда Райимбой аканинг бир оғиз йўналтирганини дастак қилиб олганимга сабаб бўлгандир. Барибир, ишга киришиб кетишимга ўзига яраша мустақкам кўприк бўлганини тан олишим зарур. Бироқ ҳали қурилишнинг кўз илғамас катта қисми олдинда турганида Эркин ака билан, Мадрим ака билан ёқа йиртишиб юришим ушбу муҳокама чоғи ўзимга эриш туюлди. Юрагимдаги оғир гумонлардан фориг бўлганимданми, асаблар таранглигини бўшаштиришга изн бермаётган, айбу хатоликларга мустағрақ, маҳфили мустағжил бўлаётганига қарамай енгиллангандай аҳли мажлисга ҳавас билан ўзимни тенглай бошладим.

Хайрият, муҳокама охирлаб, бир оғиз саволсиз қутуладиган бўлдим деганда Республика қишлоқ қурилиши министрининг ўринбосари Чумаков, ёнғинга қарши босимли сув башняси тўғрисида мужмалроқ луқма ташлади.

— Кечирасиз, — деди тезда Эркин ака унга қараб, — биз ҳамма объектлар бўйича лойиҳа ва сметаларни бош пудратчига уч нусхада юз фоиз топширганмиз. Ташқи ва ички водопровод линиялари бўйичаям, сув башняси бўйичаям ечилмаган муаммо йўқ.

— Нотўғри, — деди вилоят қишлоқ қурилиши трестининг бошлиғи Нурмат Жуманиёзов ўрнидан ирғиб туриб, — Искандаров нотўғри ахборот беряпти! Биз заводнинг сув линиясига алоқадор объектларда умуман ишни тўхтатмоқчимиз!

Ўртага оғир жимлик чўкди. Қизиқ, бир соатдан бери катта раҳбар олдида берилган ваъдалар нима бўлади?

Ҳамма Иван Георгиевичга тикилди. Унинг юзи оқара бошлади.

— Нима учун? Сабаб? — Ҳайратомуз, лекин қатъиян сўради у.

— Ҳали сиз келишингиздан олдин биз завод қурилиши дирекциясининг директори билан ёнғинга қарши босимли сув башняси ва насос станцияларининг қурилишини муҳокама этдик. У киши ҳали чизмалар охирига етказилмаган, ўрни ҳам ноаниқ деб, мана, министр ўринбосарига ахборот берди.

Ана халос! Ҳамма менга қаради. Мен қандай қилиб ўрнимдан туриб кетганимни билмадим.

— Агар виждони бўлса, бу ўртоқ марҳамат қилиб ҳозиргина айтган гапларини яна бир қайтарсин! — Ўз овозимни ўзим эшитмаганимдан овозим қандай чиққанини фарқлай олмадим.

— Ўртоқ директор, нима гап? Аниқроқ айтинг! — Иван Георгиевич босиқлик билан сўради.

— Агар чизмалар бўлмаса, қандай қилиб булар водопровод линиясини қазган эканлар? Қаранг, полизга тўнғиз киргандай. Хўш, нимага асосан қазган? Мен қурувчи ўртоқларнинг ёшуллиси олдида обрўларини туширмаслик учун, уларни қурилишдаги сусткашликларини хаспўслаш учун ёнларини олганим раҳмат ўрнига жазоми? Эркин акам айтганидай, менда лойиҳа-смета ҳужжатларини уч нусхада тугал олдим деган тилхатлари бор, мана! — Қўлимдаги ҳужжатлар билан ҳайъат ўрнини ўтаётган устал томон одимламоқчи эдим, Марказком секретари Фахмиддин акага жилмайиб қаради. Фахмиддин ака енгил табассум билан менга «ўтир» ишорасини қилди.

Институтни битирганимдан бери бундай катта одамлар йиғинида биринчи бор қатнашаётганимдан кўп сўзлай олмадим, кўзларим ёшланди.

— Хўп, яхши, тушунарли, мажлисдан кейин ўзаро яна бир бор аниқлаб, кейин менга айтарсизлар, — деди Иван Георгиевич.

— Аниқлашга хожат йўқ, Иван Георгиевич, — Эркин ака сапчиб ўрнидан турди ва зудлик билан аниқ жавоб қайтарди, — бош пудратчи ўз ожизлигини беркитиш учун ўйлаб топган навбатдаги баҳона бу.

Ажабо, шу кунларда кўзимга ёмон кўришиб юрган Эркин ака бир оғиз «директоримиз ёш, ҳали тажрибасиз, уни алдашибди» демай, аксинча менинг дадиллигимга ён босди.

— Ҳақорат ҳам эви билан! — Нурмат Жуманиёзов қизишиб кетди. — Ана, завод ёнидаги битта йиқилиши лозим бўлган уй йиқилмаётгани учун то ҳанузгача электр линияси ўтказиш учун иш fronti йўқ! Буям баҳонами?

— Нима гап? — сўради Иван Георгиевич соатига қараб безовталанганча.

Бу мажорадан бохабар район партия комитетининг биринчи секретари Хударган ака гапга аралашди:

— Иван Георгиевич, у уйда қари бир кампир яшайди. «Ўғлим урушга кетган, қайтиб келса, уйни тополмайди, қаердан излайди, кимдан сўрайди», деб зор йиғлайди бечора. Бир иложини қилиб тушунтирамиз, янги уй берамиз.

— Эҳ, онаизор-а, — деди Фахмиддин ака анча ноқудай жимликни бузиб, — ҳалиям кутяптими, а? Чорак асрдан кейин ҳам-а?..

— Тушунтириш керак, — деди Иван Георгиевич совуққина.

— Тушунтирамиз.

Хударган аканинг охириги жавоби билан мажлис аҳли ўрнидан кўзгалди. Елкамдан тоғ ағдарилгандай бирдан енгилландим, бутун муҳокама давомида бош пудратчи томо-

нидан энг асосий муаммо, бош корпус билан битай деб қолган прессхона ўртасидаги биринчи пролёт стандарт бўйича олти метр ўрнига бешу тўқсон, бу технологиядаги номутаносибликнинг ечими ҳақида оғиз очилмагани шу кунга қадар мен учун сирли сандиқ. Балки, Манякин ваҳима қилиб юрган ўн синтиметр калталиқ уларнинг катталари учун катта масаламасдир, лекин вақти-соати келганда завод қурилиши ана шу муаммо ечилмагунча тўхташи муқаррар. Балки, Эркин ака бош пудратчидан бу масала бўйича шу сафар индамасликни илтимос қилгандир. Нима бўлгандаям муҳока мен учун эсон-омон тугади.

Муҳокамада қатнашган каттаю кичик қандай тез келган бўлса, шундай тез кетди. Менга бир институт сабоғини берган бу муҳокамаи мунозарадан кейин бўлажак завод саҳнига бошқачароқ, унинг яқин келажагидан бохабарроқ қараганим сайин оёғим ерга русти равон теккандай қурилишни аста, бир бошдан, синчиклаб айлана бошладим. Монтажга шай жиқларни, линтерларни, уларга тааллуқли асбоб-ускуналар устидаги шамолда четлари очилган брезентларни тортиб ёпиш борасида механик Полвонбойга кўрсатма бердим, қурувчиларни қайта бошдан ўзларига сездирмай санадим, эрталабкидан хийла камайибди.

Қурувчиларнинг ҳам баъзи раҳбарлари илоннинг ёғини ялаган бўларкан, катталар катта йўлга чиқиб-чиқмай бош-қа қурилишлардан олиб келинган ишчиларини жўнатишибди. Уларнинг мажлис вақтида бир-бирларини аямасликлари-ку, бошқа дoston, айтиб тушунтириб бўлмайди.

Иш охирлашига яқин қолганда марказдан хабар келди. Менинг кечқурун ҳукумат боғ-ҳовлисига келишимни тайинлашибди. Яна нима ишқал чиқдйкан, дея юрагимни ҳовучлаб борсам, Чумаковнинг туғилган кунини нишонлашмоқчи экан. Худди эрталаб завод қурилиши муҳокама-сида итдай талашмай, оғиз-бурун ўпишиб тарқалишгандай бирам чиройли ўлтириш бўлдики, тафсирини айтиб адо этиб бўлмайди, бу ҳам бошқа бир дoston. Мен учун буям қурувчилар билан керак жойида ёқа йиртишиб, кейин яна бема-лол дўст бўлаверишим учун янги мактаб бўлди...

7

Марказқўмнинг назоратигаям тушунмадим, улкан, жон олғувчи муҳокамадан сўнг бир-икки кун қурилишда йўқ ердан чанг-тўзон кўтаришиб ишлашди-ю, аста-аста қурувчиларнинг иш суръати сусайгандан сусайиб, яна қарийб аввалги ҳолига борди. Фақат ёзнинг узун кунларида иш анча унумлидай бўлди. Қурилиш ҳовури ташқи кўрини-

шидан пасаймагандай бўлса-да, умумий руҳда олдинги кўтаринкилик сўниб бормоқда. Аста-аста Эркин аканинг ҳам келиши камайди. Кейин билсам, заводнинг топширилиш муддати янаги йилга кўчирилибди.

Мен учун бу албатта яхши муҳлат, чунки ҳали асбоб-ускуналарнинг бари келиб тугалланмаган, келганларининг ҳам эҳтиёт қисмлари деярли толон-тарож қилинган, уни тулиқ ҳолда монтажчиларга актлаштириб топширишим керак.

Шу ўртада Тахиятош ГЭСидан вилоят қишлоқ қурилиши трестига бош муҳандис бўлиб ишга келган Ботир Ёқубовнинг ишчанлиги менга маъқул бўлди. У билан қаттиқ дўстлашиб кетдик.

Тинимсиз ишлайман, лекин меҳнатимнинг унуми йўқ, пойи пиёдаман. Хоразмчалаб айтганда, кўлик йўқ. Поездда, автобусда Самарқанддаги машинасозлик заводига, Тошкентга, 4-давлат лойиҳалаштириш институтига (ГПИ-4) бориб келаман. Эркин ака ғайратимдан қониқиш қилди шекилли, бир кун:

— Трест бошлиғи билан гапиришдим, Гурлан пахта заводидан битта юк машинасини балансдан балансга ўтказиб оладиган бўлдинг, — деди.

Албатта, баланс сўзига унчалик тушунқирамаган бўлсам-да, қувончимни яширолмадим:

— Қачон? — дея сўрадим

— Худ шу бугун, — деди-ю, сал тўхтаб қўшиб қўйди. — Доверенность олиб, завод директори Карим Юсуп олдига бор.

Эркин ака тили учида беписандлик билан айтгани бир-икки борганда битадиган иш эмас экан. Бир борсам, Карим ака яхши кутиб, маъқуллади-да, ёшулли ҳали менга айтгани йўқ, айтиб қолар, деди, иккинчи борганимда, ҳали индагани йўқ, лекин ўзим сўраб қўяман, деди, учинчи сафар, айтди, бироқ буйруқ керак, деди.

— Қандай машина бермоқчисиз, янгироқми, ё... — дея ўсмоқчиладим унинг кайфиятини билиш учун.

Карим ака овсарлигимдан ғаши келдими, лекин сездирмайгина:

— Қани, буйруқ чиқаверсин-чи, бир гап бўлар, — деди илк бор худди отасининг молини насияга бераётгандай совуққина нигоҳ ташлаб.

У десам-у деди, бу десам-бу, хуллас, йўл машинасида қатнайвериб чарчадим.

Ҳафталар ўтиб, бир келганида Эркин ака машиналик бўлиб раҳмат айтмаган одамга қилинадиган муомалада сўради:

— Машинани олдингми?

— Йўқ, — дедим қисқагина.

— Нега? — Бирдан унинг жаҳли чиқди. — Шунча кундан бери нега олмайсан?

— Бермаса, қандай оламан? — дедим бўғилиброқ.

— Карим ака билан учрашдингми? Райимбой аканинг топшириғи дедингми?

— Айтдим, сизниям айтдим.

— Хўш, бермабди экан, нега менга айтмайсан, юра-верасанми лаллайиб? — Тутоқиб кетди у ниҳоят.

— Ҳукмон бермайман демайди-да, бирда у дейди, бирда бу дейди. Кеча яна бордим. Буйруқ чиқмагунча бермайман деди узил-кесил.

— Сен директорсан, у директор, наҳотки тил топишолмасанг? Борки, тил топишолмадинг, трестга бор, буйруқ чиқар.

Шу гапларни илк айтганингизда тушунтирсангиз бўларди-ку, демоқчи эдим, тилимни тишладим, у жудаям ҳозиржавоблик билан дилимни хуфтон қилишидан ҳайиқдим.

Эркин ака мени иш битиролмасликда айблаб жўнаб қолди. Хунобим ошганидан нима қиларимни билмай турган эдим, Гурлан томондан Урганчга ўтиб бораётган Райимбой аканинг ўзи келиб қолди. У завод қурилишидан ҳам кўра кўпроқ тайёрлов пункти ишларини сўраб-суриштириб, кетар чоғи мендан ҳам ҳол сўрагандай бўлди. Мен ўзлари тайинлаган машина борасида Карим ака, Эркин ака билан бўлган гапларни айтиб бердим. Индамай машинаси эшигини қарсиллатиб ёпди-да, жўнаб кетди.

Бирор соат ўтиб-ўтмай, телефонда Эркин аканинг дағдағасидан безор бўлдим.

— Қачондан бери одам ёмонлашни ўргандинг? — Менинг оғзимни очирмай оғзига оқ келсаям, қора келсаям айтди.

Агар ўзлари олиб келиб берсалар ҳам машинани олишдан бездим. Йиғламоқдан бери бўлиб турсам, Карим акаям мендан хафа оҳангда қўнғироқ қилиб қолди:

— Камолиддин, ишда қаҳр қилсанг узоққа боришинг қийинроқ бўлар-ов, — деди мужмаллик билан.

Карим ака, унинг устига, исмимни тўғри айтмагани учун хафаландим-у, катта бошини кичик қилиб қўнғироқ қилгани учун юшоқ оҳангда:

— Мен сизга қаҳр қилмадим, Карим ака, мен ўзимга қаҳр қиляпман, ўзимдан хафаман. Огаҳий ҳазратларига миннатдорчилигимни изҳор этгим келаверади: «Э кўнгул, қил борча комингни Худодин мултамас», дейди у киши. — Қани, энди Карим ака бу улуғ сатрнинг маънисига тушунсайди. Шунга эътиборга олиб, кичиккина изоҳ бер-

дим: — Неки муродинг бўлса, бандаи гофилдан эмас, Худодан сўра, илтимос қил, дейди ҳазрат. Мен шу нарсага тушуниб, риоя қилмаганимдан хафаман.

Карим аканинг дами ичига тушиб кетди. Шаппотдай боладан бу қадар дакки эшитиш етти ухлаб тушига ҳам кирмаслигидан биррав ўзини йўқотиб қўйганди. Бундай ҳолат, албатта, худбин одамларга тегишлилигини яхши билганим учун, бошқа эзишни хоҳламадим.

— Эртага доверенность билан бир одам юборинг, бугун ювиб, артиб, эгарланган отдай қилиб қўядилар. Шофёр ҳам келсин, тўғри ҳайдаб кетаверади.

— Буйруқ нима бўлади? — дедим ним истеҳзоли оҳангда.

— Эркин ўзим етказаман деди.

Барибир, бировни юборишга қўнглим бўлмай, эртасига Гурланга ишонч қоғози билан машинага яхши тушунар деган мақсадда тайёрлов пунктининг ўт ўчириш машинасининг ҳайдовчиси Зариб акани (уни ҳамма Зарибқул деб чақиради) эргаштириб, ўзим бордим. Карим акаям мардлик қилди, завод гаражига биз билан бировни қўшиб юбормади, ўзи келди.

— Мана, Камолиддин, ажойиб, қумдаям, сувдаям бемалол юраверадиган ҳарбий русмли машина-«Газ-66», доверенностни (ишонч қоғозини) ташлаб кетинглар, морякнинг ўзи расмийлаштираверади. Қани, шофёр йигит, исмингни билмайман, моторни ёқ.— Зарибқул нима қиларини билмай каловланиб қолди. Карим ака бир йигитга, машинанинг эгаси бўлса керак, ўтирилди. — Чиқ кабинага, ўзинг ёқиб бер, — деди, давлат орденини бераётгандай голибона.

Даққиюнусдан қолган, эски, тўрт гилдиракли машинани тақир-туқур эттириб, қурилишга кириб келганимиздан бир гурурланаман, бир гурурланаман. Кўз олдимда Карим аканинг чехраси. Сўзлашганда қаймоқдай мулойим.

Карим ака шу пайтгача мен мулоқотда бўлган одамлардан нимаси биландир ажралиб туради. Лекин, ажралиб турган «нимасини» тушунтира билмайман. Қандайдир мавҳум бир тушунча. Гоҳ уни ўйлаганда афандинамо одаларидан дилим очилиб кулиб қўяман, гоҳи қўнглимга қил сифмай, ўз-ўзимни қийнайман. Эй, хомкалла, шунга Огаҳийнинг сўзини зое қилдинг-а! Айниқса, «узоққа боришинг қийинроқ бўлар-ов», деган кинояли дашноми ёдимга келса, бир ҳол бўламан. Рост сўзимга шундай дашном қилган одам... Унга бирор сифат беришга қийналиб қоламан. Шунда беихтиёр шогирдининг тўғрисўзлиги, ростлиги билан ўлимдан қолган мударрис воқеаси кўз олдимда гавдаланади.

Ростлик

Жон хавфида қочиб келаётган мударрис йўл устида турган шогирдини кўриб қолади.

— Мени қувлаб келяптилар, тутсалар ўлдирдилар. Тезда яшир мени! — дейди мударрис.

— Манаву чотнинг (шоҳ-шаббаларнинг) тагига киринг, — дея шогирд устозини чот тагига яширади.

Бир оз ўтгач, қўлларида болта, таёқ кўтарган одамлар келиб, ҳай йигит, шу ерда бир одамни кўрмадингми, деб сўрашади. Йигит, кўрдим, ина шу чотнинг тагига яширинди, дейди. Шунда одамлар, эй бемаза, сен била-кўра бизларни гапга тортмоқчисан, дея унга ишонмай югуришиб кетадилар. Одамлар кетгач, чотнинг тагидан чиққан мударрис:

— Сен қандай шогирд бўлдингки, ўзинг мени яшириб, ўзинг яширган жойингни кўрсатдинг? — деб нолийди.

Шунда шогирд:

— Менинг тўғри сўзим билан ўлимдан қолдингиз, энди не қилсангиз ўзингиз биласиз, — дейди.

Ўзига ишонмаган одам ҳақиқатни тан ололмайди. Бундай одамлар ҳамиша кишиларнинг кўзига қараб, кимларгадир орқа бериб яшайди. Орқаси тойса, моғолдоқ (оёғи осмондан келади) отиб кетаверади.

Ҳарқалай, ёшлик-да, Карим аканинг сўзини қаттиқ олган эканман, бир пайти келганда унга қайишмадим. Ўзи арзимаган гап эди. Кўп узоқдан айланди. Хударган ака Раҳимов Гурланга кираверишдаги катта йўл бошига идора раҳбарларини йиғиб, янги пахта қарвони олдидан ободонлаштириш бўйича мажлис ўтказди, ҳаммага бир-бир топшириқлар берди. Катта йўлга тош ётқизиш, асфал қилиш лозимлигини, ҳар бир корхона раҳбари ишчилари билан йўл идорасига кўмак қилишлигини уқтирди. Гап орасида: «Каримбой, шу баҳонада завод дарвозаси олдини асфал қилиш лозим, ишчиларни кўмакка чиқарарсиз», деб ўтди. Хударган ака мажлис охирида:

— Тушунарли бўлса керак, ё яна гап борми? — дея сўради.

Карим ака сал олдинга чиқиб, ҳар бир сўзини ўзига хос қўл ҳаракати билан тасвирлаб оқсоқолнинг сўзини рад қилди:

— Бугун-эрта қарвон юради деяпсиз, ҳали заводда таъмир ишлари тўлиқ тугалланмаган, мен завод олдини асфал қилиш учун ишчи чиқаролмайман.

— Каримбой, завод олди йўлдан четда, одамлар билан ёрдам берсангиз битиб кетади, — деди босиқлик билан Хударган ака.

— Оқсоқол, шу айтган ишингиз битмайди, — деди Карим ака қатиъят билан.

— Битар, Каримбой, битар...

— Йўқ, битмайди.

Ҳалиям Хударган аканинг сабри маҳкам экан. Яна бир марта, аввалгисидан ҳам юмшоқроқ қилиб:

— Битар, Каримбой, — деди-да мажлисга яқун ясаб кета бошлади.

Карим ака овозини кўтариб:

— Бўлмайди, — деди унинг изидан.

Мажлисдан тарқалишаётган ёши каттароқ идора раҳбарларидан бири:

— Ҳай, Каримбой, завод таъмирини супириб-сидирадиган ишчиларинг қилмайди-ку, баҳонада завод олдини ободонлаштириб қолсанг бўлмайдимми, хароб бўлиб ётса яхшими сенга? — деди.

Карим ака, эй сизлар, нени биласизлар, менга ҳеч кимнинг қўли етмайди дегандай анойи кулиб қўйди. Лекин шу бир оғиз гап билан бошланган хархаша... Карим ака ишдан бўшади, янги директор завод олдини асфал қилди, янги пахта ҳосилини қабул этди.

Карим ака, билмадим, айбини тушундимми-йўқми, даргумон. Ҳали шу кунгача унга бу ҳақда гап очмаганман. Лекин ҳамма вақт ҳолидан хабарлашиб тураман.

Карим ака, Эркин ака, Манякин, Мадрим ака... Буларнинг феъл-атвори бошқа-бошқа бўлса ҳам умумий бир жиҳати бор: дунёнинг тизгини кўлингда, ёздириб юборсин, ер сочилиб кетади. Бу алгов-далгов ҳаётни юргизишда буларнинг ҳам ўз ўрни бор-а... Нақадар кулгили фалсафа, нақадар жиддий ҳақиқат.

Бетиним ташвишлар билан ёз ўтди, куз ўтди. Иш юзасидан бир неча бор Тошкентга, Самарқандага хатлар ёздим, лекин натижаси бўлмади. Албатта, «Самарқандхлопкомаш» машинасозлик заводига бир неча бор бориб-келганим бе-самар ўтмади, бироқ олиб келган ускуналарим, қурилиш-монтаж кўламининг катта кўрпасига ямоқ ҳам бўлмаяпти. Юклаш-тушириш станцияларидаги бошбошдоқлик, юкчиларнинг эътиборсизлигидан қайсидир эҳтиёт қисмлар зиёд келган бўлса, қайси бир линияларнинг бутун бошли шнеклари ё келмаган, келган бўлсаям, Урганч темир йўли қошидаги завод базасида йўқолиб кетган.

Хоразм телевидениесига ишлаётган шоир дўстларим Рўзмат Отаев, Неъмат Солаевлар билан тасвирчи олиб Самарқанд сафарларини видеога олганимиз, шоир Омон Матжоннинг Самарқанддаги талабалик йилларидаги учрашувларимиз ўлмас тарих бўлиб қолишига ишонаман.

Қиш қаттиқ келди. Бундай қаҳратон совуқни қариялар

жаҳон уруши йиллариям бўлмаган дейишади. Совуқнинг илк куни 1968 йил 26 декабр куни қайнотам Ибройим ака вафот қилди. Ғойиб ота қабристонига қўйиш чоғида лой учун қайнатилган сув яхлаб, қабр тиклаш нечоғлик оғир бўлганини бу яқин атрофда кейинги йигирма-ўттиз йилда ҳеч ким кўрган эмас экан. Жойи жаннатда бўлсин, бағоят яхши одам эдилар, табиат ҳам у кишини қабрга олишга монеъ эмасдай эди.

Амударёдаги музнинг қалинлиги ўн-ўн беш кун ичида бир метрдан ошиб кетди. Сув устига сув келавериб, муз тиқилиб қолгач, дарё дамбаларини мустаҳкамлашга бутун вилоят идора-корхоналари жалб қилинди. Ўзбекистон ҳукумати наинки икки соҳил атрофида яшовчи одамлар ҳаёти, балки бутун воҳа хавф остида қолгани боис Туркистон ҳарбий округи бўлинмаларини ишга солди, ҳарбий самолётлардан музни ёриш учун бомбалар ташлана бошлади.

Хоразм сув остида қолишига бир бармоқ бўйи қолганда, сув нариги қирғоқни бузиб, Шоббозга уриб кетди. Шоббоз халқи кўп талофот кўрди. Қозиқларда боғлиқ турган молларнинг оқиб бораётганини кўрдик, лекин ўлим-етим бўлмади. Қирғоғини бузган дали Жайхун тезда жиловланди, жони соғ одамлар яна бошпана таклаб, умргузаронликларига машғул бўлдилар.

Баҳор чўзилгани билан қишнинг қисқа кунлари уза-йиб, ҳавонинг рутубатли намчилликлари ўрнини дилларга қувват бахшида этувчи боди сабонинг роҳатафзо насимдан бир нафас сустралган қурилиш ҳам аста-секин авжлангандан-авжланиб, иш эрта тонгдан то қош қорайгунча тўхтам нималигини билмай қолди. Заводнинг шакл-шамойили кўриниб, энди тайёрлов пункти ишчи-хизматчилариям иш жойларини завод дея улуғлай бошладилар.

Ҳар куни иш охирида ўтказиладиган ҳисобий режалар машваратидан ташқари ҳар одимда минг хил муаммо бошимни гаранг қилади. Иш устида қурувчилар билан жанжаллардан тинкаларим қуриб, бевақт, бетайин қаттиқ-суюқ таомлардан ошқозонимда пайдо бўлган тушунук-сиз, кечалари азобли оғриқларга беписанд тинимсизлигим, асабларимни баттар таранглаштирган. Баҳор нафасидан баҳрамандлик талабалик йиллари қайлардадир қолиб кетгандай, ишқдан сармаст, ҳаяжонли дамларимни ҳис этишимга оромли дақиқаларни қўмсаб яшасам керак, дея ўйлайман. Шу олағовурда баҳорнинг ўтганини ҳам сезмадим. Ёзнинг узун кунларида қора чалангим чиқиб, озиб-тўзиб кетганимга уйдагилар, кўпроқ Раъно қайғуради. Лекин тобора қаттиқ ишлайман.

Ана шундай дам билмас кунларим ечими оғир туюлган бошқа бир улкан муаммо кечалари кўзларимга уйқу йўлат-

майди. Заводнинг прессхонаси битяпти-ю, пуллари туланган бўлишига қарамай, ҳали Харковдан келадиган прессдан дарак йўқ. Курилиш шундай ҳам чўзилиб борапти. Вилоятда катта борки, ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда бонг урдим, бефойда. Ахийри, бир куни ҳеч кимга маслаҳат солмай Украина Компартиясининг биринчи котиби, Политбюро аъзоси Шелестга хат ёздим. Ўн-ўн беш кун ўтмай бошланди-ёв ғала-ғовурнинг каттаси, «ким айтди сенга-ҳо, ким айтди», «бошинг кетади-ҳо, бошинг кетади».

Бошимда улкан тошлар майдаланаётган кунлари Украинадан бошда хушxabар телеграммаси, изидан уч вагонга зўрга жойланган пресс келди-ёв. Энди кўрсангиз, «мардлингга қойилмиз», «Политбюрога ёзиб яхши қилибсан»га ўхшаш мақтовлар ёғила бошлади. Бундан руҳланиб, ёшулларим айтмоқчи, бир ғайратимга ўн ғайрат кўшилиб ишлай бошладим. Огаҳий ҳазратлари: «Иш манго тун-кун улус таъзиму икромии била» деганларидек, иш бошлаган кунларимдаги «ишбилармонлик такаббурлигидан» асар ҳам қолмаган, монтажчилар билан ҳам ишлайвераман, келган юкларниям туширавераман, хуллас, илғор бир ишчи қандай ишласа, худди шундай меҳнат қиламан.

Эркин ака, ҳали пресс монтаж қилинмагани учун бўлса керак, технологиядаги Манякин айтган ностандартлик тўғрисида менга кўргазма бергани йўқ. Ҳаммасидан ҳам мени ғайратлантирган туйғу Эркин аканинг меҳрибонона иш талаб этиши, ўргатиши, ўзига тенг тутиб маслаҳатлашиши бўлди.

— Самарқандга бориб келмасанг бўлмас, йўқса, янаги ҳафтада бўладиган министрими муювинининг муҳокамасида тилимизни тишлаб қолишимиз ҳеч гапмас, — деди Эркин ака менга иш охирида маслаҳат солгандай.

— Шу шалоқ «олмиш олтида»ми? — дея сўрадим «Самарқандхлопкомаш» заводидан олиб келадиган асбоб-ускуналар кўламини кўзда тутиб.

— Нима, дулдулдай машин, олди-орти тортади, қумдаям ботиб қолмайди. Эрталаб кетсанг, кечқурун Самарқандда бўласан. Индинига юкларни юклаб йўлга тушсанг, қарабсанки, кечқурун бундасан-да.

Эркин ака умри бино бўлиб «Газ-66» тезлигини қирқ километрдан оширсанг, бошинг кабина патигига тегишини, унга ҳеч қанча юк ортолмаслигини билмас, худди ўзи миниб юрган енгил машина ҳаракатини кўзлаб менга тилининг учида йўл-йўриқ берапти.

Кундан-кун яхшилана бошлаган муносабатларимизга раҳна солмаслик учун рози бўлдим. Машинани қабул қилганидан бери қўли таъмирлашдан бўшамаган Зарибқул мен олдига борганимдаям копоти очиқ машина олдида

куймаланиб юрган экан. Гапни узоқроқдан айлантриб, Самарқандга бориб келишимизни унга айтганимда:

— Шу машинадама? — дея сўради янгибозорча лаҳжа билан ҳайратини яширолмай.

— Нима, — дедим Эркин аканинг гапини айнан так-
рорлаб, — олди-орти тортади, қувватли машина, аста-
секин бориб қайтамиз.

— Иккимизма?

— Ҳовва, иккимиз.

— Қачон кетамиз?

— Эрта саҳар.

— Худ эртангма?

— Худ эртанг. Машинани кечаси билан эгарланган
отдай қилиб шай қилинг.

— Урганчга бугун ўзингиз кетасизма?

— Ҳар куни олиб бориб юргандай гапирасиз-а.

Зарибқул не деярини билмай чайналди:

— Айтдим-дон...

— Мен уйга ҳар кунгидай қурувчилар билан қайта-
ман, эрталаб соат олтида уйда тайёрланиб кутаман, ке-
чикманг. Мадрим ака барча ҳужжатларни тахт қилиб бе-
ради, бугун олволинг.

— Яхши... — дея ўйланиброқ бошини қашиди Зарибқул.

— Не ўйланиб қолдингиз? Праваларингиз тахтми?

— Правам-ку бор-дон, Самарқанднинг йўлини бил-
майман, бориб кўрган жойим эмас, машинаям...

— Мен биламан йўлини, хавотирланманг, чарчаган
жойингизда ўзим ҳайдашаман. Хўш, машина дея чайна-
ляпсиз, иш билан бўлиб, икки-уч кундан бери сасини
эшитмадим, қани, моторини ўт олдилинг-чи.

— Ручка айлантормагунча мотор ўт олмаяпти. Мен
бировни чақириб келай.

— Нега?

— Газни босиб турса, ручка айлантирардим.

— Ҳамкорликни бутундан бошлай қоламиз, қани, ай-
лантринг, — дея машина кабинасига кўтарилдим.

Зарибқул озғиндан келган бўлишига қарамай, кўри-
ниши чайирга ўхшасаям, Худо кучдан қисган экан, руч-
кани равон айлантиролмади.

— Ўт ўчириш машинасида номига шофёрлик қилиб,
кучдан қолгансиз ўзи асли, — дедим оёғимни газдан
олиб. — Қани, буёққа чиқинг, ўзим айлантираман.

— Йўғ-ов, ничик бўларкан?

Пастга тушиб, Зарибқулдан ручкани олишга олдим
моторнинг бағри қаттиқ эканми, ё уқувини билмадимми,
ишқилиб, яхши айлантиролмадим. Кейин борлиқ вужу-
дим таранглашиб, тириллатиб айлантирдим. Мотор бир-

икки қаттиқ-қаттиқ йўталиб, ўт олди. Ўпкам оғзимга келгандай нафасим бўғзимга тиқилди. Машинанинг олд ой-насидан ташвишли қараб турган Зарибқулга чарчаганимни сездирмаслик учун жилмайдим-да, кулочкашлаб ручкани машина кузовига отмоқчи эдим, Зарибқул шошиб пастга тушганча ҳай-ҳайлаб қўлимдан олди.

Менга беринг, мана бу ерда унинг жойи бор, — деди-да, ручкани авайлабгина ўриндиқ тагига жойлаштирди.

— Бўпти, эртага саҳарлаб кутаман, омадингизни берсин.

— Худ эртанга? — дея яна сўради дабдурустан. Унинг беўрин қайтиб берган саволига индамай, кўзларига йитди қардим. Иккиланиб сўраётганига ийманди чоғи: — Яхши, яхши, — деди.

Эрта саҳарлаб сокингина кўчамизга шовқини шукуҳ ила Зарибқул кириб келди. Мени кўчада тайёр кутиб турганимни кўрганидан ҳайратланмагани устига машинадан тушиб, саломлашмадиям. Ҳа, энди ҳар кимнинг феъл-атвори, майли, дедим, узоқ йўл олдидан кайфиятимни бузмай, кабинага кўтарилдим.

— Яхши келдингизма? — дедим унинг сўзлаш талаффузида, бир оз энсам қотганини сездириб.

— Ай, зўрға ёқдим... бир амаллаб келдим-ку... яна ўт олдириш қийин бўлар деб моторни ўчирмадим.

Заводидан чиққан йилини тузукроқ эслашолмайдиган эски «Газ-66» хую хувайдо, «шақир-шукур» этиб ўрnidан оғир кўзгалди. Соатига юқорида айтганимдек, қирқ километрдан ошириш имкони бўлмаган бу нарсада Самарқандгача бўлган етти юз километр масофани кечиб бориш ва шнеқлару ўта зарур эҳтиёт қисмларини юклаб шунча масофани босиб қайтишни кўз олдимга келтиролмадим. Тўхтамай бир маромда ҳайдашса, бориш йигирма соат, келиш йигирма соат. Йўлнинг катта қисми тош ётқизилмаган қум. Кўнглимни алланечук гашлик кемира бошлади.

— Қайси йўлдан кетамиз?

Зарибқулнинг бежавотир берган саволидан кўнглим бироз тинчигандай бўлди.

— Шоббоз устидан кета қолайлик. Амударёдан паромда ўтамиз-да, қайдасан «қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони» деб кетаберамиз.

Амударё қаҳрагон қишки музликларидан кейин гумбирлаб оқиб ётибди. Паромда бу йил ҳисобига илк ўтишим, юрагим дарёдай тошади, қувончимни яширолмаман. Аммо, дарё ўртасига бориб-бормай, паром саёзроқ жойда ботиб қолди, тортиб бораётган моторли қайиқ уни ҳар тарафидан келиб қумни кавлаганча ўкириб, жойидан

кўзгата олмаяпти. Кун пешиндан оққанда паром ўрнидан зўрға кўзгалди.

Дарёдан ўтиб, катта тош йўлга тушганимизда уфқдаги сийрак булутлар шафаққа бўялди. Ёнбошдан эсаётган шамол кучайиб, аюҳаннос солганча тўзғиган қумни тош йўл устидан шитоб билан олиб ўта бошлади. Ҳадемай олис йўлнинг қисқагина тош ётқизилган қисми тамом бўлиб, шундай ҳам имиллаб бораётган машинанинг юриши янада оғирлашди.

Кун ботиб-ботмай, ҳар ер-ҳар ерга қум шароити билан солинган йўлнинг кичикроқ шахобчасига тушган машина қумга ботди. Зарибқул моторни бир-икки чирантириб кўрди, лекин бўлмади, кейинги филдирақлар янада чуқуроқ кўмилди.

— Олдини қўшмаганмидингиз?

У менинг ҳорғин берган саволимга одамнинг қонини қайнатадиган бир оғиз сўз билан жавоб қилди:

— Йўқ, қўшув қаракмади?

— Нохуна эмассиз-ку, ахир! Йўл шилғим қум бўлса, нега олд филдирақларини ҳам тортувга қўшиб ҳайдамай-сиз? Ахир, бу ҳарбий машина-ку!

— Мен не билин, сиз ҳам бир овуз индамадингиз.

— Белни олинг, филдирақлар остидаги қумни очамиз, — дедим жаҳлимни босиб.

— Ничик бел?

— Жинни-пинни эмасмисиз мабода? Ничик бел бўларди? Мағлаи сақар, гўззи гўк бел-да.

— Ҳев, мен бел олмавадим...

Ҳозир урушсам фойдаси йўқ, йўл олис, оқшом узоқ, йўқ бел барибир пайдо бўлмайди. Кайфиятни бузмаслик учун овозимга бир қадар қувноқлик бериб дедим:

— Яхши, келинг, термосни олинг, қоронғи қуюқлашмасдан чойимизни ичиб олайлик, кейин бир гап бўлар.

Кечаси билан ваҳимали «ув»лаган шамолда эшиги яхши маҳкамланмайдиган машина кабинасида бўларимиз бўлди — на оёқ узатиб мизғиб бўлади, на ёнбошлаб. Бир қорақончиликда тонгни оттирдик. Армияни ҳисобга олмаганда Янгибозордан ташқарига чиқиб кўрмаган Зарибқулнинг юзу кўзидаги одам тушунмас ғайритабиий тўмтоқликдан юрагим тарс ёрилай дейди. Тавба, осмон юзида қора булут қуюқлашгандагина унинг кайфияти сал кўтарилгандай бўлди. Сабабини ўзи айтиб, кўнглимни андак равшан этди.

— Ҳозир бир ёмғир қуйиб берса, қумда бемалол кетардик.

— Қани, аввал машинани банддан халос қилайлик, — дедим унинг гапини маъқуллаб.

Қумни қўлларимиз билан кавлаб, машинани пешинга

яқин жойидан қўзғатдик. Эркин ака, эрталаб чиқсанг, кечда Самарқанддасан дейди-я, ҳали ўндан бир қисмни-ям ўтганимиз йўқ. Бухорога, Худо билсин, қай маҳал етамиз, кейин уч юз километрдан сўнг Самарқанд, эҳ-ҳе. Кечга яқин икки ёни катта қумликнинг ўртасидан ўтган тасмадеккина асфалт йўлга чиқиб, ярим оқшомда Бухорога бордик. Меҳмонхонадан жой ололмай, яна машинада мизғидик. Эртасига кечга томон Самарқандга келиб, бу ердаям меҳмонхонага жойлашолмай, шаҳар четида машинада тунадик. Ит ётиш-мирза туриш билан ўтқарган кунларимиз ҳозир олис хотира.

8

«Самарқандхлопкомаш» машинасозлик заводига кириб директорига ўзимни таништирганимда, қарийб икки кундан бери уйқусизликдан кўзларим ичига ботиб, шишиб кетган қобокларимни кўргандаёқ шубҳа билан қараганини дарҳол сездим-да, ҳужжатларимни кўрсатдим ва қисқача, беҳолгина аҳволимни тушунтирдим. У киши раҳмдиллик ила менга бошдан-оёқ разм солгач, керакли одамларини чақириб, зудлик билан зарур асбобу эҳтиёт қисмларни машинага ортиб беришни топширди.

Ушбу заводнинг темир йўл станциясидаги базасида сочилиб ётган бус-бутун комплект асбоблар, пахта ҳамда чигит элтадиган шнеklar, уларнинг тупроққа қоришиб ётган яп-янги подвескалари, турфа эҳтиёт қисмларини кўриб, йўлда тортган азобларим лаҳзаларда осмонга учди. Ўзимни қушдай енгил сезиб, кўзларимга поёнсиз кўринган бу тайёргина мулки муиддан шошиб қолдим. Ҳужжатлар расмийлаштирилган, фақат юклашу тезроқ жўнаш керак. Бунда на омборчи кўринадиди, на текширувчи, ҳув бошда чоғроққина, кўримсиз қоровулхонада бирор кимса бордир, лекин ҳали бизга қорасини кўрсатмади.

Олтин топган қулдай кўтарма кран топиб келиш учун югуриб катта йўлга чиқдим. Худо берса, ол қулим деркан, кўтарма кран ҳам топилди, қурувчилардан дакки эшитавериб жонимга текканидан кучимиз етганча, неки керак темир зоти бор — занжирми, редукторми, подвесками, ҳаммасидан очқўзлик билан машинага ортавердик. Машинанинг олди кўтарилиб, орқаси пастга энгандагина пешона теримизни артдик. Вагон юклашга келган завод ишчилариям, қоровул ҳам лоақол нима қиялпсизлар деб сўрамагач, ўнг-терсимизга қарамабмиз.

Ишдан тўхтаб, қаддимизни биррав ростлаганимизда заҳирамиздаги бензин солинган ўттиз литерлик фляга оғир шнеklar тагида қолиб кетибди. Биз Зарибқул икковимиз

бир-бировимизга ҳайрон боққанимиздан фойда йўқлигидан, кўтарма кран билан бир амаллаб, флягани кузов олдига олишга ўнгайли қилиб жойладик, асбобларни уербуеридан илми расмига сим билан тортиб боғладик-да, ҳадиксирай-ҳадиксирай машинани қоровулхона олдига ҳайдаб келдик. Тартибнинг «қаттиқ»лигини қарангки, қоровул, шугинами олганларингиз дегандай, рухсатномани бепарвогина олди-да, бошининг ишораси билан чиқиб кетишимизга рухсат қилди.

Машина тоққа тирмашаётгандай чайқала-чайқала зўрға катта йўлга чиқди.

— Бир оз узоқлашайлик, кейин юкларни ҳаммаёғидан яна бир қайта маҳкамлаб боғлаймиз, — дедим ҳансираб, қора мойли кўлларимни латтага артарканман.

Булут куюқлигидан вақт пешиндан ошганиниям сезмадим. Йўлга олиб чиққан нон-курсаларимизни кавлаштирган эдим, Зарибқул машинани панароқ жойга буриш тараддудига тушиб қолди. Озми-кўпми тамшаниб, йўлга тушмоқни мўлжаллаган эдим, Зарибқул қош қорая бошлагани учун эрта тонгда ҳайдашни маъқул топди. Бирор соатлар юргач, кимдир бир оқшомга бошпана берар, деган илинжда пастқам уйлик ўбага қайрилдик.

Эшиги олдида куймаланиб юрган бир аёлга мурожаат қилдим. Бугун оқшом уйимизда эркакларимиз бирёққа кетишган, кечирасизлар, деб уйига қўймади. Кўча охирида яшайдиган чол ним қоронғи хонасини берди. Эрта тонгда кўп илтифотлар кўрсатди, йўлга деб нон, гўшт, қанд-курс туғиб, фотиҳа берди. Бағрикенг халқимизга хос бу янглиғ дилкушоликдан Зарибқул икковимиз эгарланган отдай йўлга равона бўлдик.

Келишимизда кумда ботиб қийналганимиз боис, қайтишда йўлни, рухсат олиб ўтиш мумкин бўлган газ қувури учун Туямўйинга қурилган осма кўприк томонга бурдик. Кун ботмай кўприкка етсак, қўлимиз баланд, ундан бир амаллаб ўтиш мумкин, уёғи Ҳазорасп, Боғот, Хонқа, Урганч, Янгибозор...

Кўприкка етмиш-саксон километрлар қолганда машина моторидан темирга болға ургандай аввал астароқ «тақ-тақ» этган товуш чиқиб, сўнг-сўнг кучайиб, юриш имкони огирлаша борди. Астароқ йўталсанг ҳам гумбурлаб эшитиладиган кимсасиз бепоеён даштда машина моторининг юракни эзувчи бу бад «тақ-тақ»дан зада бўла бошладим.

— Машинани тўхтатинг, — дедим, менга ҳайрон-ҳайрон қараб қўяётган Зарибқулга зарда билан.

Зарибқул копотни очиб куймалана бошлади, мен увишган оёқларимни ёзиш, юклаган нарсаларимиз жой-

жойидалигини яна бир бора кўриб, меҳнатимиз маҳсулидан қаноатланиш учун машина атрофини аста айландим.

— Чатоқроққа ўхшайди, — деди Зарибқул менга илтижоли қараб.

— Нима бўлипти?

— Вкладиши кетган кўринади, — деди-да, биринчи марта менинг даъватимсиз енг шимариб, ишга тушиб кетди.

Машинага яхши тушунмасам-да, механик-муҳандисман, ёрдам бермоқчи бўлдим. Зарибқул мени аралаштирмай, ечилган болту гайкаларни латта устига қўйиб, қартердаги автолни қора, мийшиқ челаққа ағдарди. Учинчи поршеннинг вкладиши кетган, янгисини қўймагунча машина юрмайди. Қани, энди яқин ўртада бирор колхозми, совхознингми устахонаси, ё автобаза? Бийдай дашт, танингни чимчилайдиган ёқимсиз шамолдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ҳадемай кун ботади, қоронғи тушгунча кўприкдан ўтиб олиш керак эди. Онда-сонда йилдиримдай ўтаётган машиналарни ёрдамга тўхтатиш учун илтижоли кўтарган кўлларимиз муаллақ қолмоқда.

Ниҳоят, Бухоро томондан катта тезликда келаётган «КРАЗ» машинаси йигирма қадамча ўтиб тўхтади. Югуриклаб бордим, шофёр пинагини бузмай савол назари билан қаради. Вазиятни шошиб тушунтирдим-да, шатакка олиб кетмасангиз у дунё-бу дунё сиздан рози бўлмайман, дея сидқидилдан ёлбордим. Шофёр жимгина бир менга, бир ёнидаги шеригига қаради. Ахийри кира ҳақи учун бир фляг ёқилғи беришга келишдик, узун трос билан шатакка олишди. Биз, албатта, бемор машинамининг кабинасига кириб олдик.

Худди ўйинчоқ машинани судрагандай «КРАЗ» шатакка олиб боряпти, на ўйдим-чуқурни писанд этади, на бурилишни. Ағдирилиш хавфидан холи бирор сония йўқ, нима қиларимизни билмаймиз. Улар на сигнални эшитади, на дод-фарёдимизни. Яхшиямки, рўпарамиздан машина келмаяпти, йўқса, йўлнинг уёғидан-буёғига бетиним бориб келишимизда уларнинг бирортасига урилиб чилпарчин бўлишимиз ҳеч гапмас. Қарийб икки кун давомида ўтилган йўл бир ён, мана шу етмиш-саксон километр йўл бир ён бўлди.

«КРАЗ» тўхтади, бизнинг машинадан тушишга ҳолимиз йўқ. Шофёр йигит келиб, кўприкдан шатакка олиб ўтиш мумкин эмас, ҳайдаб ўтишимизни уқтириб, троссини йиғиштирди-да, келишилган ёқилғини олиб, кўзларимизни ўйнатиб кўприкдан ўтиб кетди. Шатакка олиб ўтиш уёқда турсин, рухсатномасиз ҳайдаб ҳам ўтолмаслигимиз аниқ бўлгани учун қарахтлигимдан уйғонолмай анча ўтирдим. Нимадир қилиш керак... Машинадан тушдик. Зариб-

кул икковимизнинг ҳам сўзлашга мадоримиз йўқ. Мен аста кузов ортига ўтиб, юklarимизнинг ҳолига қарашга кўрқаман. Машинанинг бетиним силкинувидан шнеklar орқага сурилиб, кузовнинг қаншари қантарилган отдай олдини кўтарган, не-не қувончу иштиёқ билан юкланган эҳтиёт қисмларнинг қай бирлари йўлда тўкилган. Йиғламоқдан бери бўлиб, машина олдига ўтсам, Зарибкул қорайгандан қорайиб, дағ-дағ қалтираяпти.

— Автол солинган челақни мана бу ерга илиб қўйган эдим, тушиб қолибди. — Болтлар, гайкалар-чи, дея сўрашга тилим бормайди, чунки шошилишда йўл чеккасида қандай турган бўлса, шундай қолиб кетган эди, у фикримни уқди чоғи: — Болт, гайкаларниям ўша челақка солган эдим, — деди.

Ана халос... Дод десанг ҳам фойдаси йўқ. Олдимиз кеч, ҳадемай кун ботади. Шу пайт компрессор станциясининг смена алмаштирувчи автобуси кўприкнинг бўёғига, биз томонга ўтди. Автобуста қараб югурдим. Уст-бошим чанг, аҳволим хароблиги автобус шофёрининг раҳмини келтирдими, мени ишчилар билан кўприкнинг уёғига олиб кетди.

Компрессор станциясининг бошлиғи мен қатори ёш, гайратли, ишни тез ҳал қиладиган рус йигити экан. Гапларимни охиригачаям эшитмай, забардаст бир йигитни чақириб, зудлик билан машинани юрадиган қилиб, кўприкдан ўтказиб юборишни топширди. Ажаб, иш топширган йигит бирор нарса демоқчи эди, гапиртирмади, мени кўрсатиб, бунинг ишини бажар, кейин дардингни айтасан, деди. Иш буюриш ана шундай юрагингни куртини ўлдириб бўлса-да!

Иккита чилангир кўприкдан бир неча бор ўтиб-қайтиб, номозшомда машинамизни эгарланган отдай қилиб, кўприкдан ўтказиб юборишди.

Хоразм тарафга ўтгач, кун бўйи таранглашган асабларим бўшашдими, Зарибкулга қарамай:

— Ҳув темир йўлни кесиб ўтгач, чой-пой ичиб олайлик, кейин Урганчгача тўхтамай ҳайдарсиз, — дедим. Зарибкул бўлиб ўтган тезкор ишлар кўламини ҳали ҳазм қилолмаганидан, менга анграйиб қаради. Сўзимни қайтардим: — Нон еб олайлик.

Каттароқ кум бархани орқароғига ўтиб тўхтадик. Бухоро яқинида отахон берган тугунчакни очиб, шоҳона дастурхонга қўл узатиб-узатмай, машина копоти ичидан милтиқ отилгандай қаттиқ гумбурлаш эшитилдики, Зарибкул икковимиз оғзимизни очганча қотиб қолдик. Машина кум барханига ёнталганда ўчгани билан Зарибкул калитни суғуриб олмаган, бутун ток тизими ишлаб тураверган ва

бобина портлаган. Копотнинг бутун ич тарафи, моторнинг соғ жойи йўқ, бари ер қора лак билан бўялган. Майли, мен машина ҳайдамаганман, шофёр эмасман, шу корнинг мутахассиси бўлган Зарибқул ҳам умри бино бўлиб бобина отилганини кўрган эмас экан, тамом бўлди.

Бу воқеадан ўзига келиб-келмай машинанинг кейинги гилдирагининг дами чиқиб ётганини кўриб-ку, бутунлай ўзимизни йўқотиб қўйдик. Энди нима қилиш керак? Олдимиз кеч, оқшом аёзли, уч-тўрт кундан бери бўларимиз бўлган. Шалоқ, эски машинада, тагин юк ортиб келиш учун шундайин узоқ масофага баллони ёрилса, алмаштириш учун заҳира гилдираксиз йўлга чиқиш учун ниҳоятда боқибегам ёки қип-қизил жинни бўлиш керак.

Биринчи, балки охирги марта қаттиқ сўқиндим, Зарибқулнинг тугул, ўзимнинг ҳам камис жойимни қолдирмай авра-астаримни ағдариб сўқиндим: «Шу машинани чиқарган заводниям, уни минган шофёрниям, ҳаммасиниям қизини!..» дедим. Бироқ бўғилишдан фойда йўқ, ҳовуримдан сал тушгач, дастурхонгаям қарамай, кумни кесиб, поезд тўхташ бекати, разъездга қараб кетдим.

Бекат олдидаги кичкина айвончада йўлсоз усталар овқатланишаётган экан, суҳбатларини бузмай, «келинг, келинг», дейишгани заҳоти қўлларимни ювиб емишга қўшилдим. Йўл бўлсин, деб сўрашгач, бошимиздан ўтган саргузаштларни бир бошдан айтиб бердим. Ишчиларнинг каттаси тракторчининг ёнига бир йигитни қўшиб, машинани шу ерга судраб келишни буюрди.

— Сиз, иним, кета беринг. Ҳозир бу ердан товар поезди ўтади, аммо тўхтамайди, фақат секинлаб ўтади. Бир оз чаққонлик қилсангиз, миноласиз. Вагоннинг бир чеккасида кета берасиз. Бизда ҳам шундай русумли машиналар бор, эртага бобинасини алмаштириб, битта гилдирак қўйиб жўнатамиз, кейин шофёрингиз бобина билан гилдиракни қайтариб олиб келар.

Ишчилар каттасининг бу янглиғ тезкорлигидан ҳам кўра бағрикенглигидан суюнганимдан кўзларимга ёш келди. Шу пайт тўхтагудай юришини секинлатиб товар поезди бекатдан ўта бошлади. Югуринг, дейишган чоғда чопдим-у, биринчи бор вагонга осилиб минаётганимдан укувим келишмай вагондан бир қўлим билан ушлаган бўлсам-да, ўнг оёғим поезд гилдириклари остига кетишига сал қолди. Ишчилар ҳай-ҳайлаганча поездни тўхтатишга уринаётганларида Худо яна бир қўллади, иккинчи қўлимни ишга солиб, чаққонлик билан тамбурга кўтарилдим.

Поезд тезлигини ошира боргани сари тобора кучаяётган кечки аёз шамоли суяк-суяқларимдан ўта бошлади. Ўтирай десам, икки томониям очиқ тамбурнинг елвиза-

гига чидаб бўлмайди, вагон томонга бурилсам — орқам, ёнбош турсам — биқинларим зирқирайди. Поезд юришини сал секинлатса, сакраб тушишга шайланаман, қаёқда, аксинча, тезлигини оширгандан-ошириб, тун багрини тилганча ўшқириб боряпти.

Поезд кеч соат ўн иккиларда Урганч вокзалидан анча олисда тўхтади. Юрай десам, совуқдан увишиб қолган оёқларим бўйсунмайди, ишқаб-ишқаб аста одимлай бошладим. Бирор кўлик топила қолса, тезроқ уйга борсам дейман. Вокзал олди майдони жимжит. Оёқларимни зўрға судраб келаётсам чекка бино муюлишида учта йигит беписандлик билан мендан гугурт сўрашди, жавоб бермай кета бердим. Сўкиндилар, индамадим, тишимни-тишимга қўйиб чидаб боряпман, эҳ, урушишга мадорим йўқда, йўқса, уларга гугурт нималигини кўрсатиб қўярдим, балки кучим етмаса, таёқ еб бир хумордан чиқардим, зирқираб турган суякларим бир оромланармиди...

9

Тўқмоғи зўр бўлса, юнг қозиқ ерга киради, деганлари тўғри экан, уёқ-буёғи билан беш-олти кун ичида пресс жойига ўрнатилибди. Монтажчилар ишни тўхтатиб, мени кутиб ўтиришганидан, чидашга бардоши қолмаган қўлоёғимнинг жони қочди, чунки энди ўша асосий муаммо — технологиядаги номутаносиблик томоққа тикилган суякдай, бўғизда кўндаланг туриб қолди.

Жиқларни ўрнатиб юришганида Эркин акага биринчи жиқ ўқи билан пресс ўқи орасидаги масофа лойиҳалаш институти томонидан бериладиган стандартга тўғри келмайди, десам, қўявер, пахта заводларидан тунукачиларни олдириб, тола, линт юрадиган қувурларни мослатамиз, дея мени орқайин қилган эди. Валекин пресснинг қирқ сантиметр сурилгани боис монтаж вақтида унинг устидаги сепаратор цехнинг патиги тагига кўтарилиб, тола юргич мосламанинг қаншари кўтарилиб қолди.

— Давай, Тошкентга уч, лойиҳага ўзгартиш киритиб қайт.

Олий маълумотли Эркин аканинг муҳандислик масаласига омий одам назари билан қарашидан қоним қайнаб кетди.

— Худди бозорга бориб оёққа тўғри келмаган калишни алмаштириб келишдай гап қиласиз-а!

— Нима, борасан, тушунтирасан, лойиҳага ўзгартиш киритасан, имзосини қўйдирасан, кечки рейсда қайтасан. Кечиксанг бўлмайди, кўряпсан, иш сени кутиб турмайди.

Давай, бошни оғритма, сен директорсан, ҳал қил, монтажчилар кутиб ўтиролмайдди.

Эркин аканинг гапи оғзида қолди. Мен у кишининг феълени яхши англадим, сўзини бўлсанг ҳам дарров кўнглига олавермайди, қолаверса, қўпол, тўпори фикрлагани билан ишчан, менга буюрган ишини ўзиям бошқа йўллар билан ҳал қилиб юради. Ҳозир унинг ёнидан исён кўтариб кетиб қолганим билан ниманидир зудлик билан ҳал қилишимни уям билади.

Тошкентга, лойиҳалаш институтида ишлаётган курсдошим Акбарга кўнғироқ қилдим, ҳарқалай, бирга ўқиганмиз, беш йил бирга туз едик, ҳамфикр, ҳамдарад бўлдик, бирор маслаҳат бўлар. Сўзларимни бўлмай узоқ тинглагач, Акбар бир жумла билан масалани ҳал қилди:

— Директоримиз номига трестингдан телеграмма жўнатгин, бирортамизни заводингга жўнатади, барча муаммоларинг жойида ечилади-қўяди.

Эркин акага бу гап аввалига ёқинқирамади, негаким, улар бирор ҳужжатга имзо чекишдан олдин қилни қирқ ёриб, кейин ҳал қилишади, ундаям Тошкентда, лойиҳачилар гуруҳи билан маслаҳатлашгач, зўрға бир қарорга келадилар.

— Қўй, бўладиган гапни сўзла, ўзинг бориб кел. Эрта-лаб самолётга минасан, масалани ҳал қиласан, ҳали айтганимдай, кечки рейсда қайтиб келасан, — деди.

— Лойиҳанинг бош муҳандиси бирга ўқиган курсдошим Акбар келиб, жойида ўзгартиш киритиб бермоқчи, нега энди биз оёқ тирашимиз керак?!

Эркин ака шу гапимдан кейин сал юмшади.

— Лойиҳа бош муҳандиси Акбар Мақсудов билан бирга ўқиганмисан? — жавобимни кутмай: — Яхши, телеграммани тайёрла, қўл қўйиб бераман, лекин келмай чўзса, ўзингдан кўр, монтажчилар чангалига ўзингни ташлайман, — деди.

Эркин ака ҳақида шу пайтгача олағайим фикрларда юрган эдим. «Чангалига ўзингни ташлайман», деган сўзларни шу даражада кўтаринкилик билан айтган эдики, негадир оғринмадим. Аксинча, ниманидир топгандай бўлдим.

Бугун бу воқеаларни эслаб, мени мудом рағбатлантирган бетизгин кучлар шулар эканини ҳис қиламан. Ахир, Эркин ака мақсад йўлида сув келса симириб, тоғ келса кемириб, фақат олдинга ташланадиган одамлар рамзи эмасми? Бу янглиғ одамлар кир бўлишдан ҳам, тўхматларга йўлиқишдан ҳам ҳайиқмайдиган, меҳнатига суянган, омадига ишонган, ақлига иш буюра биладиган инсонлар эмасми?

Ўйлаганимдай, завод қурилиши жиҳатдан ҳам, унда

фаолият кўрсатган кишиларга баҳо бериш жиҳатдан ҳам яхши баҳоланди. Кемтиклар, нуқсонлар, хафагарчиликлар, гоҳида жинойи ҳаракатлар сезилган ишлар — бари ювилиб кетди. Янгибозорда янги пахта тозалаш заводи бунёд бўлди. Бу жараёнда яна бир ҳаёт ҳақиқатига — дўстлик деган ҳикматга қалтис синов дақиқаларида иймон келтирдим. Йўқ, уни ўз кўзим билан кўрдим...

Акбар телеграммани олган заҳоти эртасига етиб келди. Ишга ҳеч кимни аралаштирмай, монтаж қилинган сепаратор атрофида икковимиз узоқ куймаландик, ҳисоб-китоб қилдик, шундан сўнг Акбар қатъий қарорга келди ва лойиҳага ўзгартиш киритиб, имзо қўйди. Сепаратор қирқ сантиметрга пасайтирилди. Кейин тола ва линт сўргич қувурларни, қаеридан қанча кесишни ўлчадик, унгаям имзо чекди.

Лойиҳалаш институти томонидан масаланинг бу қадар тез ҳал қилинишига ҳалиям ишонқирамай турган Эркин ака юзида илк бор табассум ўйнади. Кўряпсанларми, масалани зудлик билан жойида ҳал қилиш мана бундоқ бўлади, деяётгандай монтажчилар раҳбарига голибона назар ташлайди. Дўстимнинг бу янглиг устамонлигидан, билимига таяниб, заводнинг технологик тизимидаги ўзгаришдан, унинг келгуси иш жараёнидаги масъуллигидан ҳайиқмай ўзгартиш кирита олганига суюнаман, у билан гурурланаман.

Самарқандга, машинасозлик заводида отам замонидан қолган эски машинада қатнаганларим, лойиҳалаш институтига қилинган беҳисоб кўнғироқлар самараси ўлароқ бунёдга келган заводдан 1970 йилнинг 12 январ куни, тасодифни қарангки, эсимдан чиқмайдиган сана, ўғлим Баҳромнинг туғилган куни биринчи той пахта чиққан. Чигит туша бошлаган конвейер остига чопишдик. Толадан ажраган чигит тагида, худди илк нефт отилганда, буровчилар қора мой фавворалари остида шодликларини енголмагандай, бошимизга қуйилаётган дастлабки маҳсулотдан юракларимиз ҳапқиради.

Ҳали эски заводлардай бир маромда ишламагани билан қишлоқ марказида ишлаб чиқариш корхонасининг «гув»ламасига одамлар йиғилиб, ўз-ўзидан табиий олқишларга кўмилдик.

Гурлан район партия кўмитасининг биринчи котиби, тиниб-тинчимас, одамлар меҳнатини кадрлай олгани боис эл ҳурматида сазовор Хударган ака Раҳимовнинг ҳимматли ташаббуси ила завод тарихида мислсиз катта тарихий иш амалга оширилди. У кишининг бевосита раҳбарлигида Гурлан пахта тозалаш заводининг кекса, ишбилармон чилангирлари, пайвандчилари, колхоз-савхозларнинг қурув-

чилари ғайрати билан режада келаси йилга мўлжалланган қуритиш-тозалаш цехи шу йили ишга тушди.

Ўша пайтда Шовот райони партия комитетининг биринчи секретари бўлиб турган Олим акам Бобожонов ҳузурига чорлаб, Комилжон, Эркин аканг билан бир энани эмиб катта бўлганмиз, ишларингни эшитиб, хурсанд бўлиб юрибман, ғайрат қилавер, иншоолло кам бўлмайсан, дея омад тилаганича бор. Завод ишга тушиб икки йил ўтиб-ўтмай, тортган заҳматларим ҳосиласи ўлароқ мени Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасига ишга таклиф қилишди — 12 феврал 1972 йил. Бироқ, вилоят обкомининг иккинчи котиби Дрижакнинг қаердадир мушугини «пишт» деб қўйган эканман шекилли, унинг «илтифоти» боис Тошкентдан қайтдим. Ҳали мен у пайтларда сиёсат майдонидаги галла-ғашликларни таҳлил этиб ўтиришдан йироқда эдим. Ишлаб чиқариш кўрсаткичларини республикадаги манман деган заводлар қаторига кўтараман, дея тонгни-тонг, кечни-кеч демасдан ишлаган бўлсам-да, аммо, 12 феврал менинг ҳаётимда унутилмас сана — роппа-роса ўн уч йилдан кейин, қарийб пойдеворидан бунёд этганим заводдан мени ҳибсга олишди. Эътиқод этганим, суянган тоғим — коммунистлар партияси бор, суяб сийлаш ўрнига, яна денг, кўрсатмаларини бекаму кўст бажарганим учун оёқлари остида эзғилади. Ваҳоланки, мен янглишган эканман. Уйғун ака билан Иззат ака Навоий тилидан айтмоқчи: «Писта пўчоғидан кема ясамоқчи бўлибман». Барибир қачон, қаерда қулоғим шанғилламасин, ҳар қандай «гув»ламани албатта пахта заводининг сасига ўхшатаман, юрагим орзиқаверади...

10

Пахта тозалаш заводининг кеч оқшомларда бир маромда, гувиллаган сасига монанд овоз, аввалига олис-олислардан, кейин аста-секин қулоғим остида зўрая бошлади. Балки, бу самолётнинг сасидир? Дўстларим мени излаб қум барханларини бир-бир текширувдан ўтказишаётгандирлар? Бошимни қўналғадан аста чиқариб тепага алангладим, қайда...

Қаро тун бағрини тилиб шамол увилляпти. Руҳиятимда пайдо бўла бошлаган бу жаҳаннам азобидан қутулиш илинжи инжулари ҳарён сочилиб, дилимни хун, ҳолимни забун қилди.

Қулоқларим баттар шанғиллай бошлади. Яна бутун борлигимга таниш бўлмиш заводнинг гувилламаси устига отларнинг дупури, қиличларнинг шарақ-шуруқлаган жанговар товушлари, скифлар, соқлар, сормотлар, ғуллар, хунларнинг ғала-ғовур олишувлари қўшилиб кетди...

Бу қаро тундаги шамолнинг ҳаросоти менинг бир умр эсимдан чиқмаса керак, негаким, ҳозир у мени борлиқ табиат қўйнидан суғуриб олиб, мажақламоқчидай тепамдан ҳеч айрилмай, олишмоқчи бўлсанг, бекиниб ётмай чиқ буёққа, деётгандай таҳдид ила гувламоқда. Гуё мен унинг шартларига кўнмай қўналғага кириб қочиб ётгандай, негадир ўзимни ожиз сеза бошладим. Худди кўринмай ётсам шамол қаҳридан тушиб мендан узоқлашадигандай баттар ғужанак бўлиб чопонимга ўралиб, бошимни сал бўлса-да, бекитаман. Дабдурустан шамол олисроққа кетгандай бўлди чоғи, андак оромга юзландим.

Иссиққина чой бўлсами, дея ҳавасландим. Боготликлар мазали таомга тўйиб, чойхўрлик чоғи жуда фараҳлик ила малур бўлдиқ, дейишади. Аслида, маътул — иллатли маъносида ишлатиб, ланж, лоҳас бўлдиқ, демоқчи. Қани, энди ўша лоҳаслик менга бир сония насиб этса... Иншооллоҳ, насиб этар... Ёши каттароқ зиёфатдош ошналарим Иброҳим Полвон, Сотим Нурмат, Юсуф ота, Хударган ака Саидов, Карим ака Бобожоновлар билан ҳар ҳафталик учрашувлар кўз олдимдан ўтади.

Одам ўзида йўқ, ўзига етишмаётган нарсани қўмсаши табиий, балки ҳозирги аҳволимда, ҳузур ҳақида ўйласам, қўналғам салга бўлсаям ёришадигандай туюлгандир, бироқ Фурқат айтмоқчи: *«Агар лаб ташна қолсак филмасал саҳрои оламда, маломат зоҳир этса, мавж уран дарёга бормасмиз»*. Шундай, бизга зоҳир ўлмиш маломат адашишликка гирифтормлиқдир ва ушбу ғамнишини хароблиғда қўналға Жамшид саройидин авло, остимга тўшалган салини сарир, тахти Каёндин яхшироқ.

Шамолнинг бетиним «шув»ламали «шинг»ламасида ҳаёлимга бот-бот ажодлар, худди мана шу тахлит, мендай саҳрои қум бағрида адашиб эмас, табиий равишда, кўчманчиликда умр кечирганлар-ку, нега энди вужудида дунёи арзга зиё тарқатган аҳли хираднинг донишлик нури сингган илмзан, беқиёс жанговарлик ва баҳодирлик тимсоли бўлган мард Жалолиддиннинг қони оқиб турган тийрзан фарзанд, худди бошқа сайёрадан тушган сайёҳ янғлиғ ҳайрату ҳайронликда, нега ўзимни дийдаи гирёнага, жаҳри жазавага, азобу қийноқларга солишим керак?!

Қаддимни андак тикладим. Бемадорлик касратидан ожизлашган вужудимга янада қувват ийндиarmoқ истагида саҳрои даштни беписандлик билан забт этган, табиатида баҳодирлик, жанговарлик баробарида соф дурунлик, мазлумга шафқат, душманга шиддат, ҳайвонларга марҳамат, отга меҳрли, қўноққа марҳамат, савдо ва тижоратга ортиқ риоя, бутун дунёни ўзига майдон билувчи, қайда майишат учун ўнғайлик бўлса, онда кўчувчи, бутун ер

юзини умум инсон, балки умум маҳлуқот фойдалануви учун яратилмиш билиб, ҳеч ким уни ўзига мулки хос этурга ҳақи йўқлигига эътиқод қилувчи, сарбастлик ва ҳурриятни севувчи, шундай бўлса-да, ота-бобонинг фойдали бўлган урф-одатларини ҳурмат этувчи ўтганлар руҳига тиловат этдим ва ҳамма замонларда ҳам далерона яшаб келаётган миллатнинг фарзанди бўлатуриб, нега энди мен бу тунги озурдаликни жиндай бўлса ҳам оромона, фазлу фарзонага хос марду мардона ўтказмаслигим керак, дея гурурбасолиғ қилдим.

Билҳақ, кўз ўнгимдан турфа миллат, турфа қавму элатлар яна бир-бир ўта бошладилар — скифлар, массагетлар, сормотлар, соқлар, ғутлар, хунлар... Сормотлар туркий қавмлар бўлса-да, номларида форсийлик мавжуд: «сар — омад», ажаб-а? Бир замонлар «Турон-замин»ни, юнонлардан сўнг румолиллар «Сормотсиё» деб атаган эканлар.

Тарих битикларида скифлар юнон муҳожирларидан анчайин маданият ҳамда иморат этишни ўрганганлар, лекин бошқа турк уруғлари каби бинолар ва саройларни тирикларга ҳибсхона, майитларга лойиқ ҳисоблаганлар. Днепр дарёсининг сўл тарафиндаги томоғиндин ўн тўрт кунлик ерда Киев теграсинда, душман ола билмаслик даражасида мустаҳкам ўраб олинган, скиф подшоҳларининг мозори бор эдики, Ато Абушийнинг фикрича, балки Киевнинг ўзиям скифларнинг муқаддас қадамжои ҳисобланган бўлса ажаб эмас.

Қадимият ажаб ва гаройиб гайбким, аҳли шарънинг таъкидлашича, барча инсонлар Ҳазрат Одам алайҳиссалом наслидан келмишдир, тўфондан кейин бу авлодни Нуҳ пайғамбарнинг Хом, Сом, Ёфас исмли ўғиллари давом қилдирдилар, дейишади, яъниким, Ҳасан Ато Абушийнинг битигича: «Африқо, Амриқо, Муҳит жазираларининг кўпчилигида яшаётган қора рангли халқлар Хом наслина, Мисрийлар, Осурийлар, калдонийлар, финиколлар, сирёнийлар, ибронийлар (яхудийлар), араблар, арманийлар (ўз тарихларига ва бир эҳтимолга биноан) Сом наслига нисбат берадилар, булар «Сомийлар». Сомийлар Хомийларнинг шимол тарафларига, шарқдан ғарбга ва жануб тарафларига сочилгандирлар.

Ёфас авлоди эса, икки улуғ гуруҳга бўлинган: бир бўлагини «Қавми ория» — Орияна, Орийания ва иккинчи бўлагини — «Туронийя», «Туркийя», «Мўнғулийя» ва буларнинг аввалгиларини «Оқ қавмлар», сўнггисини «Қора қавмлар» атамишлар.

Ҳиндилар, эронийлар, афгонийлар, юнонийлар, арновидлар, лотинийлар, франсузлар, англизлар, немислар, ислованлар «Қавми ория» — «Оқ қавмлар», булар «Орий-

лар», Сомийларнинг шимолига, жануб шарқдан ғарб ва шимолий ғарбга хитойлар, ҳиндухитойлар, онномлар, японлар, финлар, турк уруғлари, мўғуллар, тоторлар «Кавми туронийя» — «Сори қавмлар»дир, булар «Туроний»лар, Орийларнинг шимолига, шарқ ва ғарб тарафларига ва Шимолий денгизларига сочилгандирлар... Бу олис тарих...

Мен сарсону саргардонликда, мана, неча кундан бери афтодаликка гирифтор бўлган бу саҳрои қумнинг устида кимлар юрмаган, кимлар яшамаган. Не-не замонларга гувоҳ бу қум, барханлар. Қўналғамнинг шундайгина ё оёқ томонида, ё бош томонида, тонг отиб, қуёш чиқса албатта аниқлайман, балки қибламда, қум этагида готлар элоти бор. Во ажаб, шу готлар қадимий ғутларнинг авлодлари бўлса? Ҳозирги Янгиариқ тумани маркази яқинидаги готлар-а? Ана буни топилдиқ деса бўлади! Тарихдан беҳабарлик бу лақабни хоразмча талаффузда на тийра аъзолари, на бошқа бирон одам айтишга ботинолади.

Хаёлан милодий сананинг бошларига келаман, ғутлар (қай бир манбаъларда готлар) милоднинг III-IV асрларида, қарийб икки юз йил тарих саҳнасида жанговар қавм сифатида ном чиқаргани, Сормотсиёдан Дунай теграларигача бўлган катта ҳудуд уларнинг тасарруфида бўлгани маълум. Муаррихлар рақам қилурларким, милодиянинг учинчи асрида Скандинав Олмон уруғидан «ғут» аталмиш бир қавм Қора денгиз атрофларида пайдо бўлган. Улар каттайиб қудратли ҳукумат таъсис этганлар, сўнгра шарқий ҳамда ғарбий аталмиш иккига бўлинганлар. Шарқийлари «Уст ғут», ғарбийлари «Вест ғут». Лекин ажабким, илк ғут ёзуви Олмонияда эмас, Италияда яралган экан. Тарихнинг чалкашлиги олдида тил ожизлик қилади. Яна фикри ожизимга ўзимизнинг «Уст юрт» келади ва қандайин уст бўлсин, қачонки, у Турон пасттекислигида жойлашган бўлса? Бу ҳам мушоҳада сабаб туғилган фикр. Қўнғирот шаҳри-чи? «Қўнғиротлар-чи?» Бошимда қоғозга тушмаган ушбу сатрлар чарх ураверади:

*Қўнғиротда юриб оқшом ўй сурдим,
Ҳисоб қилдим, кунлар сурдим, ой сурдим,
Бу борлиқни меҳри фалаксой сурдим,
Кимлардурур асли бу қўнғиротлар,
«Ғут»лармасми мабода қўнғиротлар?*

*Элга тамсил учқур қанотли отлар,
Шу маъвога деганлар қўн, ғиротлар,
Шу-шу «ғут»лар бўлганми қўнғиротлар?
Йўқса, кимлар асли бу қўнғиротлар,
«Ғут»лармасми мабода қўнғиротлар?*

*«Скиф»ларни дерлар «сақ»лар, ҳам «ғут»лар,
Оқиб ўтди неча дарё қон, сутлар,
Билҳақ, бизга бугунли кун ҳамюртлар,
Йўқса, кимлар асли бу қўнғиротлар,
«Ғут»лармасми мабода қўнғиротлар?*

*Қўнғиротда шарқий «ғут»лар-«ост ғут»лар,
Олмонларда ғарбий «ғут»лар-«вест ғут»лар.
Чун «ост» демак, аталмишими «уст юрт»лар,
Йўқса, кимлар асли бу қўнғиротлар,
«Ғут»лармасми мабода қўнғиротлар?*

Буям мушоҳада учун фикр...

Ғутлар сўнғларда хунлар зуҳури ила емирилган. Хўш, хунлар қаердан келган? Бу баҳодир ғозийлар аввал Чиннинг шимолий ғарбида тириклик этиб, беҳисоб саҳролардан кўча-кўча Оврупага Дон дарёси орқали борганлар (дарвоқе, «Дон» қадимий хоразмча — сув дегани дейдилар). Улар уй қургилари келмай, уни қабрга ҳисоб этар эдилар; бир умр от устида умргузаронлик этганлар. Бор ишларини эгар устида бажарганлар, еганлар, ичганлар, ухлаганлар, савдо этганлар, кенгаш этганлар, хотинлари аробада умр этдиклари устига, саваш вақтида эрлари билан баробар сўғиш қилганлар... Бу ҳам олис тарих...

Шу олисроқ тарих силсиласида яна ўзим адашган кум теграларига келаман. Хўш, Янгиариқ-чи? Наҳотки, Янгиариқ — янги ариқ бўлса? Ахир, хоразмликлар қадим-қадимдан то ҳануз янгига — тоза, ариққа — солма дейдилар. Демак, Янгиариқ туманининг номи, ариқ ҳамда янги сўзларининг қўшилуvidан пайдо бўлмаслиги табиий. Магарам, ариқни, арик — Арк, янгини — ўнгики, илкки, олдинги, деб қарасак, кўз ўнгингизга дарҳол улкан қалъа, гот ҳукмдорларининг саройи — Арки келади. Сўнгликларда не-не кўчишлар, савашлар, тикланишлар боис барпо этилган бошқа марказий шаҳру қалъалардаги Аркларга нисбатан барибир шу минтақада қурилган биринчи Аркни, Ўнгарк номи билан улуғлаб келган бўлсалар ва бу ном ўз-ўзидан, болшовойлар инқилобидан кейин Янгиариққа айланиб кетган бўлса ажабмас... Бу ҳам олисроқ тарих...

Яқинроқ тарихга келаман:

*Тун... сокин Хивада чўккалаб мудрар,
Ичон қалъадаги гумбазлар қатор.
Бу кўҳна тарихнинг қаърига судрар
Бошсиз Калта минор, ҳув Хўжа минор.*

*«Чапандоз» авжланиб тун бағрин тилар,
Хаёлим тўзғитиб дер оҳингдурман.*

Ҳофизнинг баравж ноласи келар:
«Пажмурда бўлгон Огаҳийнгдурман».

Қазув ёқасида отдан йиқилгон,
Жафо зулмин тортгон ростлиқ боисдан.
Қарилиғ дардидан пажмурда бўлгон
Огаҳий фиғони келар олисдан.

Дилларни эзади танбур симлари,
Йиғлар қайси машшоқ лайл масода?
Балки Комил мирзо куй тилсимларин
Нотага олгандир шундай аснода.

Бу ҳам бир Оллоҳнинг кароматидур,
Йўқса, не ўн саккиз парда танбурда,
Ўн саккиз минг рангин шоду афсурда,
Ўн саккиз минг олам мужассам эрур.

Асрлар оҳини чалмоқлик оғир,
Куй тинглаб бу оқшом бўлдим музтариб.
Муниснинг ёғирнин бўлганин яғир,
Қайси нота билан чаларкан мутриб?

Хива сокинлигин титратиб саҳар,
Ҳофиз улаб кетар Партавни инграб:
Қизил гул ғунчаси янглиғ саросар
бағри қондурман».
Бу не оҳ, ё Раб?!

Не сир бор, не тилсим, нечоғлик жило,
Нечоғлик қувват бор авж пардаларда,
Шерозий яшайди то борким дунё
«Феруз»у талқину сувораларда.

Ҳожиҳон бир мулкким, олтин хазина,
Хоразм созининг якпардаси у.
Инжудир узукнинг қошу кўзина,
Басе, қўшиқ аҳлин саркардаси у.

Хоразм куйлари торида янграб,
Оламга доврўғин сочди Комилжон.
Эшитмай қолмади на Ажам, Араб,
Дарёйи қалбини очди Комилжон...

Куй тинглаб қарайман миноралару
Паҳлавон Маҳмуднинг мақбарасига.
Куйлар хаёлимни аста етаклар
Тарихнинг ичкари-ичкарасига...

...Бир сас келди. Ё, тавба! Дадам худди ёнимда туриб
қичқиргандай бўлдилар. Умидворлик билан қўналгадан бо-

шимни чиқардим. Дадам бечора ҳалиям имляптилар, лекин менда ҳол йўқ, мадор йўқ. Фикрим андак тиниқлашиб, руҳим тетиклашганидан ўрнимдан даст турмоқчи бўлман, оёқларим айтганимни қилмайди. Шунда аниқ билдимки, дадам ёрдамга келганлар, ётаверсам, умуман кўзғалолмай қолишим ҳам ҳеч гапмас.

Кўналганинг бир ёнбошини бузиб, каттароқ эшик очдим. Ёнбош ётганча тўнимни эгнимга суқдим. Бешотар билан судралиб ташқарига чиқдим. Тонг юзи ёришганидан, майдалаб ёққан юпқагина қор кўрпаси неча кундан бери чопавериб чарчаган қум тўлқинларига ором бахшида ётгандай мулойим тортган, оёқ қўйсанг қум уйғониб кетадигандай, наинки оёқ қўйиш, ҳатто қаттиқроқ йўталсанг ҳам борлиқ сесканиб кетадигандай, табиатда ажиб бир шукуҳлик ҳукмрон эди.

Она замин сокинлигидаги тилсимий маҳобат мажруҳ бўлай деган дилимга нур бўлиб оқди, кўзларим ёқтиланди.

Дадам имлаган тарафга нигоҳ ташладим, ё тавба, ҳеч ким йўқ, лекин руҳиятимга аллақандай қавий қувват ийнганидан ёш боладай чор тарафга суқланиб қарайман.

Беихтиёр осмонга қарадим, тепамда бургутми, чайми, улкан қанотларини ёйиб, салобат ила айлана бошлади. Во ажабким, юкидан оғирлашган қора булутлар бехосдан бостириб келган душманга қарши қўлига илган нарсасини кўтариб чопган бетартиб оломондай, ҳозиргина чарақлаб турган куёш устига бостириб кела бошлади.

Кўнглим ажиб бир ҳайратга тушди. Қизиқ, бу олағовур, гала-ғашликлар фақат ердами десам, осмон ҳам талатўп. Борлиқ яна тундлашди. Яшнаб турган маъвонинг чиройи ўчди...

Қаердандир Машрабнинг ноласи келгандай бўлди:

*Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним менинг,
Осмонни пора қилди оҳу афғоним менинг.*

Машраб «ҳоли паришон»лигидан дод деяпти! Унинг нолаи авжи баландлаб юрак-бағримни эза бошлади:

*Эй ситамгар, келгилу акнун шаҳид этгил мени,
Мавж урсун Карбало даштида бу қоним менинг.*

Мен-чи?! Менинг ҳолим хароб, эй Машраб!

*Саҳрода кўналғам, банди қафасман,
Оҳ десам, ой ёнар, оташ нафасман,
Гоҳ Намруд, гоҳ Халил, гоҳо Ёфасман,
Йўқ! Йўқ, ҳеч кимман мен, бечора касман,
Адашиб йўл излар Комил Авазман...*

1998—1999 йиллар

«Шарқ юлдузи» журнали кутубхонаси

КОМИЛ АВАЗ

ҚЎНАЛҒА

Роман

«Шарқ юлдузи» журнали таҳририяти,
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Тошкент — 2003

Муҳаррирлар: *Набижон Боқий, Юсуф Файзулло*

Рассом: *Раҳима Қўнғирова*

Мусахҳих: *Фарида Ҳайдарова*

Компьютер таъминоти: *Манзура Файзиева, Хайрулла Раҳмонов*

Монтаж устаси: *Татьяна Огай.*

Теришга берилди 03.09.2003 й. Босишга рухсат этилди
13.10.2003 й. Бичими 84x108 ¹/₃₂. Таймс гарнитураси. Офсет бос-
ма. Шартли босма табоғи 23,5. Нашриёт ҳисоб табоғи 26,0. Ада-
ди 5000 нусха. Буюртма № 5496. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
700083, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41 уй.**



Адабийт - дэтиёт. Ёш уручгина
Вуз карса ёзилгайди Оламин, дэётни
англагинг келадн. Мен ву буада
ншмавуз чуса олдулин, йузулин...

А. Саид